



Мигель де Сервантес  
СААВЕДРА

# ДОН КИХОТ





Мигель де  
Сервантес  
Сааведра

# ДОН КИХОТ

*Саргузашт роман*



  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2016

**УЎК: 821.134.2-3**

**КБК: 84 (4Исп)**

**С – 46**

**Сааведра, Мигель де Сервантес**

Дон Кихот: саргузашт роман. Мигель де Сервантес Сааведра / Русчадан Сотиболди Йўлдошев таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 640 б.

ISBN 978-9943-27-695-6

Ушбу китоб ўз даврида ҳамманинг диққатини бирданига ўзига жалб этган. Бу ўша вақтларда барча берилиб ўқиётган рицарь романларига ҳажвий тарзда тақлид қилиб ёзилган ўткир ва қизиқ асар сифатида дунёга келди.

Асарда телба қиёфадаги дон Кихот орқали яшашни билмайдиган, мавжуд шарт-шароитни тан олишни истамайдиган киши образи талқин этилади. У ҳақоратланган ва эзилганларга ҳомий бўлишни истайди, дунёдаги зўравонлик ва зулмни таг-томири билан юлиб ташлашга интилади, жаҳонда адолат ва эркинлик ўрнатмоқни орзу қилади.

Хўш, қаҳрамонимиз ўзининг азалий орзусига эришдимиз? Ўзини қийнаётган муаммоларга ечим топа олдими? Китоб мутолаасидан кейинги мулоҳазаларингиз биз учун қадрли, азиз китобхон!

**УЎК: 821.134.2-3**

**КБК: 84 (4Исп)**

Русчадан  
**Сотиболди ЙЎЛДОШЕВ**  
таржимаси

ISBN 978-9943-27-695-6

© Мигель де Сервантес Сааведра, «Дон Кихот». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

## БИРИНЧИ БОБ

### ЛАМАНЧЛИК ДОН КИХОТНИНГ КИМЛИГИ

Ламанч вилоятига қарашли жўнгина қишлоқчада дон Кехана деган идальго<sup>1</sup> яшарди. Бошқа дворянлар сингари у ҳам таг-тугли насаби билан фахрланар, ал-мисоқдан қолган қалқон билан аждодларидан мерос бўлиб келаётган найзани муқаддас билиб асрарди. Ҳовлисида қирчанғи оти ва този ити бор эди. Топган даромадининг тўртдан уч қисми кечки овқатга – сабзавотдан тайёрланадиган гўшти шўрва билан винегретга кетарди. Ҳар жума ёсмиқ ёвғонига қаноат қилиб кун кечирса, якшанба кунлари қовурилган кабутар гўшти еб маза қиларди. Дон Кехана байрам кунлари нафис мовутдан тикилган чакмон, духоба шим, сахтиён туфли кийса, бошқа кунларда хонаки дағал сукнодан тикилган костюмда юрарди. Унинг уйида ёши қирқлардан ошган экономка, ҳали йигирмага ҳам кирмаган қиз жияни ҳамда қариб мункиллаб қолган бир хизматкор яшарди. Идальгонинг ўзи элик ёшларга бориб қолган, жуда озғин, эти суягига ёпишиб кетган скелет нусха бир зот эди. Шу қашшоқдигига қарамай, жони қаттиқ, чидам-бардоши зўр одам эди.

Дон Кехана бўш вақтини, – дарвоқе, кеча-кундуз бўш эди, – рицарлар тавсиф қилинган китобларни ўқиб ўтказарди. Шу машғулотга тамом берилиб кетиб, у овни, хўжалик ишларини йиғиштириб қўйди. Унинг мутолаага ишқибозлиги шу даражага бориб етдики, рицарлар ҳақидаги китобларни олишга ерининг каттагина қисмини ўйламай-нетмай сотиб юборди.

«Ҳуқуқ – нафсониятимга нисбатан сиз қўллаган адолатсизлик мендаги одил ҳақиқатни шунчалик поймол қиладирким, бинобарин, мен сизнинг ноҳақлигингизга ҳақли равишда эътироз билдираман...»

ёки «...порлоқ юлдузлари билан зоти илоҳийлигингизни камоли муқаррар этгувчи ва сизнинг муносиб улугворлигингизга бори иззат-икромларни раво кўргувчи етти қават осмони гумбаз...» сингари романларда кўп учрайдиган баландпарвоз севги мактублари ва яккама-якка олишувга тантанавор даъватлар бизнинг идальгога жуда ёқарди. Бечора кабальеро бундай ибораларнинг маъносини билиб олишга тиришиб тунларни бедор ўтказар, пайдар-пай фикрлардан боши гангиб, кўз ўнгини туман босарди. Устигустак севиб ўқийдиган романларида учрайверадиган галати, ғайритабиий ҳоллар ҳам бечорани доводиратиб қўярди. Чунончи, машҳур рицарь Бельяниснинг ўзгаларга даҳшатли зарбалар бериб, ўзи бениҳоя қаттиқ шикастланганлигига идальгонинг ақли шошарди, негаки, бу рицарни даволаган табибларнинг маҳорат ва кароматлари бўлганда ҳам, бари бир, унинг юзи ва танаси чандиқ ҳамда даҳшатли ямоқлар билан қопланиб кетиши керак эди. Ваҳоланки, романда Бельянис ҳар доим бежирим, навқирон, қиличдек йигит тимсолида намоён бўларди.

Дарвоқе, шундай бўлса ҳам, дон Кехана романлардаги шавкатли қаҳрамонлар кечирган ажойиб-ғаройиб саргузаштлар ва улар кўрсатган жасоратларга маҳлиё бўлиб, ўзини тамомила унутарди. Роман қаҳрамонларининг тақдири уни эргаштириб кетарди, борди-ю, муаллиф китобнинг сўнгги саҳифасида бу туганмас воқеани келгуси китобда давом эттирмоқчи эканини айтса, унинг севинчи ичига сиғмасди. Кўпинча бизнинг кабальеро ботирликда англиялик Пальмерин ёки галлиялик Амадис<sup>2</sup> зўрми деган масала устида руҳоний дўсти билан узоқ-узоқ баҳслашиб қоларди. Дон Кехана Амадис зўр деса, руҳоний Пальмерин<sup>3</sup> дерди; шу ерлик саргарош-уста Николас эса Амадис билан Пальмериннинг икковидан бирортаси ҳам рицарь Фебанинг олдида ип эшолмайди дерди, Николаснинг фикрича, Феба тантиқ Амадисдан ўзининг матонати билан устун эди.

Олижаноб идальго аста-секин ўқишга шундай берилиб кетдики, тонгдан оқшомгача, оқшомдан тонггача

китобдан бош кўтармайдиган бўлиб қолди. У ҳамма ишини йиғиштириб қўйди, деярли ухламасди, кўпинча овқат ейишни ҳам унутиб қўярди. Унинг бошида рицарь китобларидан ўқиган турли бемаъни қиссалар гулгун ўйнардди, ҳатто ўнгида ҳам қонли жанглар, рицарларнинг яккама-якка олишувлари, ошиқ-маъшуқларнинг учрашувлари, ўғирлаб кетишлар, ёвуз жодутарлар ва олижаноб сеҳргарларни тасаввур қилиб, алаҳларди. У бора-бора ростни ёлғондан мутлақо фарқ қилолмай қолди, унинг назарида дунёда шу қиссаларда тасвирланган воқеалардан ўзга ҳақиқат йўқдай бўлиб қолди. У турли романларнинг қаҳрамонлари ҳақида шундай жўшқин гаплар айтардики, гўё бу қаҳрамонлар унинг энг яқин дўстлари ва танишлари эди.

У Сайд Руи Диаснинг<sup>4</sup> олижаноб, шавкатли рицарлигига тан берарди-ю, лекин унинг бир уришда икки девни нимталаган Зулфиқор деган рицарга етишига йўл бўлсин, деб илова қиларди. У Ронсеваль дарасида енгилмас Роланддан<sup>5</sup> голиб келган Бернард де Карпиони анча юксак қўярди. У ўзининг илтифотлилиги ва хушмуомалалиги билан бошқа паҳлавонлардан мутлақо ажралиб турувчи Морганте полвон ҳақида ҳам жуда яхши фикрда эди. Лекин Муҳаммаднинг олтин санамини ўғирлашда донг таратган ва сон-саноксиз йўл саргузаштларини бошдан кечирган қаҳрамон монтальбаниялик Рейнальдони ҳаммадан кўп мақтарди.

Бечора идалго тўрт девор ичидан чиқмай, тунлари ухламай, нуқул китоб ўқийвериш, ахири бутунлай ақлдан озди. Ана шунда жаҳонда ҳеч қайси телба-тентанинг бошига келмаган хаёл бизнинг кабалъеро миясини чулғаб олди – у жаҳонгашта рицарлар сафига киришни ҳам фарз, ҳам қарз деб билди. У, дон Кехана, ўз шону шуҳратини орттириш учун она юрти манфаатини кўзлаб қурооланмоғи, отга миниб можаролар кетидан эл-юрт кезмоғи, аламзада хўрланганлар тарафини олиб, ёмонларнинг таъзирини бермоғи, поймол бўлган адолат, ҳаққониятни тикламоғи лозим. Қалбида кўрсатилажак жасорат ва қаҳрамонликлар орзуси жўш урган идалго



ўз аҳди устидан чиқишга шошилди. У аввало ота-бо-боларидан қолган чордоқнинг бир четида кўп йиллар занглаб, чанг босиб ётган яроғ-аслаҳаларни топди, тозалади; уларни кўздан кечираркан, дубулғанинг қуббадор тепасигина қолганини кўриб ниҳоятда дили сиёҳ бўлди. Кам-кўстини тузатиш учун бор кашфиётчилик истеъдодини ишга солди. Картондан сипар билан қулоқчин ясаб, дубулғасига ёпиштирди. Оқибатда ростакамга ўхшаган дубулға ясашга муваффақ бўлди. Энди дубулғасининг жангда бардош бера олиш-олмаслигини синаб кўргиси келиб қолди. Қиличини суғуриб, ҳавода ўйнатди-да, дубулғага икки марта туширди. Биринчи зарбадаёқ дубулға бўлак-бўлак бўлиб, қилган меҳнати чиппакка чиқди. Идальгонинг фиғони ошди. У яна ишга киришиб кетди, лекин бу гал, дубулға пишиқ бўлсин деб, картоннинг тагидан тунока қўйди. Бу эҳтиёткорлигидан кўнгли таскин топди, дубулғасини иккинчи марта синаб кўришни ортиқча деб билди. Энди сипари усталик билан ясалган ҳақиқий дубулғаси борлигидан кўнгли таскин топди.

Шундан кейин дон Кехана отхонага кириб, отини диққат билан кўздан кечирди. Бу от қариб қовурғалари саналиб қолган касалманд бир қирчанғи бўлиб, ростини айтганда, сув ташишгагина ярарди, холос. Бироқ кабальеромиз отининг кўринишидан мамнун бўлиб, менинг отимга на ҳазрати Искандарнинг Буцефали<sup>6</sup>, на Сайднинг учқур Бабьеки<sup>7</sup> тенглаша олади, деган қарорга келди. Жангар отига жарангдор ва чиройли ном топмоқчи бўлди, зероки, овлоқ бир қишлоқда яшовчи хўжайини ўзининг фақирона турмушини жаҳонгашта рицарнинг қайноқ фаолияти билан алмаштирар экан, унда оти ҳам ўзининг қишлоқча лақабини янги, шуҳратли ва дабдабали ном билан алмаштириши керак-да, деб ўйларди у. Ана шундай муносиб номни топишига тўрт кун кетди. Турли номларни ўйлаб чиқаравериб, уларни таққослаб, муҳокама қилиб, чамалаб кўравериб, роса боши қотди. Ниҳоят, Росинант деган ном маъқул бўлди. Бу ном унга жарангдор ва баландпарвоз ном бўлиб ту-

юлди. Бундан ташқари, ана шу ном отнинг аввал қандай аҳволда эканлигини ҳам англатарди. Бу ном *gospin* (қирчанғи) ва *antes* (собиқ) деган икки сўздан ясалган бўлиб, «собиқ қирчанғи» маъносини англатарди.

У отимга яхши лақаб топганимдан кейин, энди ўзимга ҳам лойиқ ном топишим керак, деган қарорга келди. Ўзига муносиб бундай номни ўйлайвериб бир ҳафтани ўтказиб юборди, ниҳоят хаёлига ажойиб фикр келди: у ўзининг оддийгина Кехана номини хийлагина жарангдорроқ исм билан, яъни дон Кихот деб ўзгартиб қўя қолди. Лекин шу пайтда унинг ёдига бир нарса тушиб қолди: довьорак Амадис номим билан бирга ватанимнинг номи ҳам довьоруғ солсин деб, ҳамиша ўзини шунчаки Амадис эмас, балки галлиялик Амадис деб атаган. Дон Кихот ҳам ана шу ботир рицардан ўрناق олиб, бундан буён ўзини «ламанчлик дон Кихот» деб аташга қарор қилди. Энди ишлар жойида: унинг ким ва қаерлик эканини ҳамма дарҳол пайқаб ололади, энди унинг кўрсатган жасоратларидан она ватаннинг шухрати ортади.

Ниҳоят, яроғ-аслаҳаси тозаланиб, дубулғаси билан сипари тузатилгач, қирчанғисига янги лақаб топиб, ўзи ҳам номини ўзгартиргач, энди ўзига маъшуқа излаб топишдан бошқа иши қолмади, зероки, ҳар қандай жаҳонгашта рицарь ҳам кўнглини банд этган маъшуқаси бўлмаса, у баргсиз ва мевасиз бир дарахтдай гап. Дон Кихот ўзига ўзи шундай деди: «Башарти тақдир тақозоси билан бирор девга рўпара келиб қолгудек бўлсам (жаҳонгашта рицарлар эса бундай ҳоларга кўп учрайдилар), дастлабки олишувдаёқ уни кўтариб ерга уриб, шафқат тилашга мажбур этсам, унда рицарлар қонунига кўра, мен уни маъшуқамнинг ҳузурига юборишим керак. Шунда у қалбим хоқони – нозанин маликанинг олдига киради-да, оёғига бош уриб, итоаткорона гап бошлайди: «Мен Малиндрания оролининг подшоҳи, Каракульямбро деган дев бўламан. Баҳодир рицарь ламанчлик дон Кихот мени жангда енгди. У сизнинг ҳузурингизга келиб меҳр-шафқат сўрашимни буюрди, менинг тақдирим сиз жаноби олийларининг хоҳишларига боғлиқ экан...»



«О! – деб хитоб қилди идалго, – албатта, ўз маъшуқамга эга бўлишим керак: ёлғиз унинг ўзигина рицарнинг мардлигини муносиб қадрлайди. Шундайку-я, лекин маъшуқани қаердан топсам экан?». Дон Кихот шундай деди-ю, хомуш хаёлга чўмди. Ногаҳон миясига ажойиб бир фикр келди. Қўшни қишлоқда яшайдиган Альдонса Лоренсо деган кўҳликкина деҳқон қизи эсига тушди. Рицаримиз маъшуқаликка шу қизни танлади. Ўша қизга унинг асл исмидан унча фарқ қилмайдиган ва айни вақтда бирорта қироличча ёки машҳур сеньоранинг номини эслатадиган номни ўйларкан, уни Дульсинейя Тобосская деб аташга аҳд қилди, чунки қиз тобосолик эди-да. Дон Кихотнинг назарида бу ном чиройли, оҳангдор ва айни вақтда, йўлида жасорат кўрсатиши керак бўлган зотга мутлақо муносиб номдай туюлди.

#### ИККИНЧИ БОБ

### **ДОН КИХОТНИНГ БИРИНЧИ БОР ЎЗ МУЛКИ-ДАВЛАТИДАН УЗОҚЛАШИБ САФАРГА ЧИҚҚАНИ**

Ана шу тайёргарликлар кўриб бўлингач, дон Кихот ҳаялламай уйини тарк этиш ва рицарлик саргузаштларини излаб сафарга чиқишга аҳд қилди. Унинг назарида бундай ишда сусткашлик қилиш инсоният олдида зўр гуноҳ қилган билан тенг эди, ахир қанчадан-қанча ҳақоратланганлар интиқом олишга, қанчадан-қанча ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ҳимояга, қанчадан-қанча мазлумлар озодликка муҳтож! Ажойиб ёз кунларидан бирида у ҳали тонг отмай ўрнидан турди, яроғ-аслаҳаларини тақди, бошига пачоқ дубулғасини кийиб, кўк қулоқчинини тортиб боғлади. Росинантга ирғиб минди, қалқони ва найзасини қўлига олиб, зўр, шарафли ишга қадам қўйганидан хурсанд бўлиб, молхонанинг орқа эшигидан ҳеч кимга билдирмай далага чиқди. Лекин ҳали катта йўлга чиқмасидан хаёлига шундай даҳшатли фикр келдики, уйга қайтишига сал

қолди. Дон Кихот қўққисдан ўзига ҳали рицарлик унвони берилмаганини, бинобарин, рицарлик қонунларига мувофиқ, рицарларнинг бирортаси билан ҳам жангга киролмаслигини ва бунга журъат эта олмаслигини эслаб қолди. Унга рицарлик унвони берилганда ҳам, рицарлик соҳасида ҳали янги эканлигини ҳамма дарҳол кўриши учун дастлаб оқ яроғ-аслаҳа тақиб юриши ва қалқонига белги қўймаслиги керак эди. Дон Кихот нима қилишини билмай, бир жойда хийла туриб қолди, лекин йўлга тушишга бўлган кучли иштиёқи унинг кўнглидаги барча шубҳалардан устун келди. У йўлида учраган биринчи рицардан ўзига рицарлик унвони беришини сўрашни кўнглига тутиб олди. Бетиним ўқийвериш оқибатида идальгомизнинг ана шундай аянчли аҳволга тушишига сабаб бўлган ўша романлар қаҳрамонларининг кўпчилиги ноиложликдан шундай қилган эдилар. Оқ яроғ-аслаҳаларига келганда, оқ сувсардан ҳам оппоқ қилиб болаб тозалаб оламан деб сўз берди ўзига-ўзи. Шу гапларни хаёлидан ўтказаркан, кўнгли тинчиди, отнинг юганини бўш қўйганча йўлида давом этди: унинг фикрича, жаҳонгашта рицарь сафарда ана шундай қилиши керак эди.

Росинант майда-майда қадам ташлаб сургалиб борар, демак, бизнинг кабальеро ҳам хотиржам ўйга чўмса бўларди.

– Жасоратларимнинг бўлажак тарихчиси дастлабки сафаримни ёзишга киришганида, – дерди дон Кихот ўз-ўзига, – у ўзининг қиссасини: зар кокилли Феб<sup>8</sup> беқиёс гўзал заррин соч толаларини ер юзига эндигина ёйган, сайроқи қушлар бир хил наво билан эндигина жамол кўрсатиб келаётган Аврорани олқишлай бошлаган субҳидамда машҳур рицарь ламанчлик дон Кихот ўзининг ажойиб оти Росинантга миниб, қадимий Монтъел водийси бўйлаб йўлга тушди, – деб бошласа керак.

Сўнгра қўшиб қўйди:

– Ниҳоят, менинг шонли жасоратларим саҳифаларга битилган, рассомлар ижодида ўз аксини топган, мрамрларда ифодаланган асар асарлар ичида энг бахтиёри бўлади. О, менинг қаҳрамонликларимни битувчи солнома-

чи, донишманд сеҳргар, ким бўлишингдан қатъи назар, сендан сўрайманки, олижаноб Росинантимни унутма.

Кейин дилини банд қилган маъшуқасини эслади:

– О, шайдо кўнглимнинг хоқони, дилрабо Дульсиня! Мени остонангиздан қувиб беқиёс чиройингиздан бебаҳра этдингиз, дийдорингизни кўрсатишга майлингиз йўқлигини билдириб, ўз шафқатсизлигингиз билан мени бағоят ранжитдингиз. Сизга бўлган муҳаббати туфайли ҳар қандай жафою азоб-уқубатларга бардош беришга тайёр содиқ рицарингизни эслаб қўйсангиз бас, сеньора!

Ана шундай ҳасрат ва хаёллар оғушида хийла вақт ўтиб кетди. Дон Кихот чанг йўлдан аста борарди. Қуёш алақачон тепага кўтарилганди, унинг қайноқ нури бечора рицарнинг бошида қолган озгина миясини ҳам эритиб юборгудек эди. У кун бўйи йўл босса ҳамки, ҳеч қандай гарройиб ҳодисани учратмади. Бу унинг фиғонини ошириб ва забардаст билаклари кучини синаб кўришни истарди. Кечқурун унинг ўзи ҳам, қирчангиси ҳам очликдан нақ ўлаёзди. Дон Кихот дам олиб қорин тўйғазиш мумкин бўладиган қалъа ёки чўпон капасини топиш умидида теварак-атрофга назар ташлади. Умиди пучга чиқмади: йўлдан сал четроқда қад кўтарган карвонсаройга кўзи тушди; рицаримиз Росинантнинг биқинига ниқтаб, қош қорая бошлаганда карвонсаройга кириб борди. Шуни унутмаслигимиз керакки, саргузашт изловчимизнинг тасавурида унинг атрофини ўраб олган ҳамма нарса аслича эмас, балки ўзи ўқиган севимли рицарлик романиларида тасвирланганидек сеҳрли эди. Шунинг учун ҳам карвонсаройга кўзи тушиши билан уни тўрт минорали, ноёб кумуш томли, кўтарма кўприкли ва тевараги чуқур хандақли қалъа деб ўйлади. У ўз тасавуридаги ана шу қалъага яқинлашаркан, мана ҳозир қалъа минораларининг кунгуралари орасида бирорта пак-пакана одам пайдо бўлади-ю, карнай чалиб рицарнинг келганини маълум қилади, деб кутиб, дарвозага бир неча қадам қолганда Росинантни тўхтатди. Худди шу дақиқада алақандай бир чўчқабоқар чўчқаларни бир жойга тўплаш учун бурғусини чалиб юборди, дон Кихот эса, пакана одам менинг келганимни хабар қиляпти, деб ўйлади.

Дон Кихот қўлидаги найзаси билан меҳмонхона дарвозасини тақиллатди, буни эшитиб, ғоят семиз, семизлигидан жуда ювош кўринган хўжайин чиқиб келди. У ғалати қуролланиб олган бу аломат чавандозни кўриб, сал бўлмаса қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборай деди. Бироқ яроғ-аслаҳаларни ҳарбийчасига тақиб олган дон Кихотнинг ҳайбатини кўраркан, кўнглида унга ҳурмат туғилиб, хушмуомалалик билан деди:

– Агар сиздай илтифотли жаноб, сеньор рицарь, бу ерда қўнишни лозим кўрсалар, қулай кўрпа-тўшакдан бошқа нимаики хоҳласалар барини топадилар: меҳмонхонамизда бирорта ҳам бўш каравот йўқ.

Дон Кихот қалъа бошлиғининг ўзига эҳтиром билан қилаётган муомаласини эшитиб, жавоб берди:

– Сеньор қалъа хўжаси, менга нимани лойиқ кўрсалар, ҳаммасидан мамнун бўламан, зотан, айтганларидек:

*Либосимдир совут қалқоним,\*  
Оромим-чи, қайноқ жангларда.*

– Демак, сиз муҳтарам жаноблари учун қаттиқ тош-тўшак, доимий бедорлик уйқу экан-да? Ундай бўлса, марҳамат қилиб отдан тушсинлар, менда ҳамма зарур нарсаларни топа олишларига, хоҳласалар бир кечагина эмас, бутун бир йилни уйқусиз ўткази олишларига ишонаверсинлар.

Хўжайин шундай дея узангини ушлар экан, дон Кихот отдан зўрға тушди, чунки у кун бўйи туз тотмаган эди.

Кейин у хўжайиндан Росинантга алоҳида қарашни ўтинаркан, арпа ейдиган жониворлар орасида бу от энг ноёб эканини ҳам уқтириб ўтди. Хўжайин Росинантга бир қаради-да, унда дон Кихот айтганидек ноёблик кўрмади, лекин фикрини айтиб қўйишдан эҳтиёт бўлиб, жиловидан ушлаганича отхонага етаклаб кетди. Дон Кихот эса яроғ-аслаҳаларини еча бошлади. Бундай қийин ва мураккаб ишда унга етиб келган икки хизматкор аёл ёрдам беришди. Дон Кихотнинг уларни қалъа бекалари,

\*Шеърларни Абдулла Орипов таржима қилган.

аслзода хонимлар деб ўйлаши ўз-ўзидан маълум, албатта. Улар ҳаммалари совутни бир амаллаб олиб қўйдилар. Лекин дубулғаси бўйнига маҳкам қилиб боғлаб қўйилган кўк тасмалар чигал бўлиб кетгани учун уларни сира ечишолмади. Тасмаларни қирқишдан бошқа илож йўқ эди. Бироқ дон Кихот тун бўйи дубулғада қийналиб чиқишни афзал билиб, бунга рози бўлмади. Аёллар дон Кихотнинг яроғ-аслаҳаларини ечишар экан, у ўзининг келгусида кўрсатган жасоратлари, ажойиб оти Росинант ҳақида ва нафосатли хонимлардан жуда миннатдор бўлганлиги ҳақида офиз кўпиртириб вайсар, ўзи тўқиган қуйидаги бемаъни шеърни берилиб ўқирди:

*Дон Кихотнинг ҳажрида  
Куйган каби ҳеч қачон  
Бошқа паладинни<sup>9</sup> деб  
Ёнмаган парирўлар.  
Ўз элидан келганга  
Ёш гўзаллар хизматда.  
Аргумогига эса  
Қарашар графинялар.*

Йўрға деганим бу – Росинант, ҳа, отимнинг номи шунақа, олиҳиммат сеньоралар, ўзимнинг номим эса ламанчлик дон Кихот. Тўғри, буюк жасоратларим билан бутун дунёда шуҳрат топгунимча номимни ошкор қилмоқчи эмас эдим, лекин уни сир сақласам, сиз сеньораларимга ҳурматсизлик қилган бўлур эдим. Ҳа, айтгандай, сизларга нақадар бажонидил хизмат қилиш иштиёқида ёнаётганимни мана шу забардаст қўлларим кўрсатиб қўядиган вақтга оз қолди.

Хижолатда қолган хизматкор аёллар нима деб жавоб беришни билмаганларидан камсуқумлик билан индамай туришарди.

Бу орада отхонадан қайтиб келган хўжайин дон Кихотдан кўнгиллари нима тусагини сўради.

– Менга қолса, яхшилаб тамадди қилиб олар эдим, – деб жавоб берди идальго, – ахир кучимга куч қўшим керак-да.

Аксига олиб, бугун жума куни бўлгани учун меҳмонхонада шўр балиқдан бошқа ҳеч нима топилмади.

Хўжайин дон Кихотга қайнатилган балиқ, худди рицарнинг яроғ-аслаҳаларидай қоп-қора ва моғорлаб кетган бир бурда нон келтириб берди. Дон Кихотнинг қандай машаққат билан овқатланаётганини кўрган киши ўзини кулгидан тийиши амримаҳол эди: оғзига қошиқни олиб борай деса, бошидаги дубулға халақит берарди. Қўли лабига етмагани учун овқатни оғзига бирор киши солиб қўйиши керак эди. Башарти хўжайин қамиш найча олиб келмаганида, ташналигини қондиришнинг сира иложи йўқ эди; у қамишнинг бир учини дон Кихотнинг оғзига солиб, бошқа учидан вино қуя бошлади. Дон Кихот дубулғанинг боғичини қирқиб ташламасалар бас, деб ҳаммасига бардош берди. Шу пайт тасодифан карвонсаройга кириб қолган деҳқон қамиш сивизғасини чалиб юборди. Дон Кихот аллақандай бир ажойиб қалъага кириб қолганига, зиёфатда мусиқа чалинаётганига, шўр балиқнинг эндигина пиширилган хонбалиқ, қора ноннинг – оқ бўлка, карвонсарой эгасининг эса қалъа хўжайини эканига ишониши учун шунинг ўзи кифоя эди. Шу сабабли у ўзининг дастлабки сафаридан бағоят хурсанд эди. Уни фақат бир нарсагина ташвишлантирарди – ҳали рицарлик унвонини олмагани учун уни истаган пайтда қаллоб деб ҳамма ёққа жар солишлари мумкин эди.

### УЧИНЧИ БОБ

#### **ДОН КИХОТНИНГ РИЦАРЛИККА ЎТИШИ**

Шу ўй-хаёл билан гангиб қолган дон Кихот фақирона овқатини тезроқ еб бўлиб, ўрнидан турди, хўжайинни бир чеккага чақириб, уни отхонага бошлаб кирди-да, тиз чўкиб ёлвора бошлади:

– О, шавкатли рицарь, марҳаматингиз билан илтимосим бажо келтирилмагунча ўрнимдан турмайман. Қиладиган илтимосим сизга шону шуҳрат, инсон зотига бахт-саодат келтиради.

Хўжайин меҳмоннинг тиз чўкиб турганини кўриб, унинг ғалати сўзларини эшитаркан аввалига довдираб, дон Кихотга анграйганича қараб қолди, у нима қиларини ҳам, нима деярини ҳам билмасди. Ўзини тутиб олгандан кейин эса дон Кихотдан ўрнидан туришни илтимос қилиб, ялина бошлади. Лекин хўжайин илтимосини бажо келтиришга сўз бермагунича у ўрнидан турмади.

– Чексиз олижаноблигингиз туфайли илтимосимни бажаришдан бош тортмаслигингизга имоним комил эди, сеньор, – деди дон Кихот. – Мен сиздан эртага тонготарда менга рицарлик унвони беришингизни ва марҳаматингиздан мени баҳраманд этишингизни сўрайман. Мен бутун қалъангиздаги ибодатхонада қурол тутиб, тун бўйи мижжа қоқмай чиқаман. Тонготарда эса менга рицарлик унвони бериш маросимини ўтказасиз<sup>10</sup>. Шундан кейин мен, ниҳоят, жаҳонгашта рицарларнинг барча ҳақ-ҳуқуқларига эга бўламан-у, саргузашт излаб йўлга тушаман. Қуролим ер юзида ҳақиқат ва адолатнинг барқарор бўлишига хизмат қилади, чунки мен мансуб бўлган, шон-шухрати оламга ёйилган ўша буюк рицарлик ордени шуни тақозо этади.

Дон Кихотни савдойи деб боя шубҳалана бошлаган хўжайин энди бунга тўла ишонди, унинг телбалигидан мириқиб кўнгил очиш илинжида қўлтиғига сув пуркашга аҳд қилди. Шунинг учун ҳам у дон Кихотга жавоб бераркан, истак ва илтимослари ғоят оқилона, ўзининг мағрурона қиёфаси, келишган қадди-қомати ва юриш-туриши олижаноб рицарь бўлишидан далолат беришини ҳамда унинг ниятлари бу унвонига ниҳоятда муносиб эканини айтди. «Менинг ўзим ҳам, – деб илова қилди хўжайин, – ёшлигимда бу фахрли касб билан шуғулланганман. Саргузашт излаб бутун Испанияни изгиганман, Севилья, Гренада, Курдоба, Толедо ва бошқа кўпгина шаҳарларда бўлганман. Турли-туман шўхлик, тўполон, муштлашишларга аралашганман. Демакки, Испаниянинг барча суд ва турмаларида отнинг қашқасидай танилганман. Бироқ мана энди ёшим қайтиб, қўйилиб қолдим, мана шу қалъада осойишта умр



кечириб, насл-насабию унвони қандайлигидан қатъи назар, жаҳонгашта рицарларнинг ҳаммасини ўз қалъамда эҳтиром билан кутиб оламан, қўлимдан келадиган хизматимни улардан аямайман. Бу ишларни фақат уларга бўлган буюк муҳаббатим туфайли ҳамда кўрсатган яхши муносабатим эвазига уларнинг ўз мол-мулкларини мен билан бўлишишларини шарт қилиб бажо келтираман, албатта». Шундан кейин хўжайин, қурол кўтариб тунни бедор ўтказиш учун саройда ибодатхона йўқ, деди. Бироқ зарур бўлиб қолган тақдирда шундай унвонга сазовор бўлишдан олдинги тунни хоҳлаган жойда ўтказиш рицарлик қонунларига хилоф эмаслигини ўзига маълум эканини айтди, шунинг учун ҳам дон Кихотнинг қалъа ҳовлисида бемалол қурол-яроғини қўриқлаб чиқиши мумкин эканини, эртага эса, худо ёр бўлса, унга ҳамма удумларини, удумлар бўлганда ҳам ҳали дунёда ҳеч ким билмаган ва кўрмаган удумларни ўрнига қўйиб, рицарлик унвони берилажagini айтди.

Суҳбат охирида қовоқхона хўжайини дон Кихотнинг пули бор-йўқлигини суриштирди. Дон Кихот эса ёнида бир мири ҳам йўқлигини, чунки ўқиган романларида жаҳонгашта рицарларнинг ўзлари билан пул олиб юрганларини учратмаганини айтди. Бунга хўжайин дон Кихотнинг янглишаётганини айтиб, эътироз билдирди. Жаҳонгашта рицарлар ёнларида пул олиб юришлари кераклиги ўз-ўзидан маълум бўлгани учунгина бу ҳақда романларда ҳеч нарса ёзилмаган, деди. Жаҳонгашта рицарлар ҳар эҳтимолга қарши ёнларида лиқ тўла ҳамёнгина эмас, балки тоза қўйлақлар ҳамда яраланганда суриш учун бир банка шифобахш малҳам ҳам олиб юришлари зарурлиги унга аниқ манбалардан маълум экан. Ярадорга бирорта митти қизалоқдан шишада мўъжизадор мумиёи асл бериб юборадиган раҳмдил сеҳргарнинг ёрдамига ҳар гал ҳам умид боғлаб бўлмайдикун, ахир. Бундай пайтларда фақат ўзинггагина ишонганинг маъқул, бошқа одам кунингга ярармиди. Хўжайин шундай деб, бундан буён сира пулсиз ва зарур нарсаларсиз йўлга тушмасликни дон Кихотга маслаҳат берди. Бу нарсаларнинг қанчалик асқатишини рицарнинг ўзи саёҳатда кўриб билиб олади.

Дон Кихот унинг маслаҳатига тўла амал қилишга ваъда берди-да, унвон олишдан олдинги тунни меҳмонхона ҳовлисида ўтказишга ҳозирлик кўра бошлади. У ўзининг яроғ-аслаҳаларини йиғиб, моллар сув ичадиган охурга олиб бориб қўйди, кейин найза билан қалқонини қўлига олиб, савлат тўкиб охур атрофида айлана бошлади. Дон Кихот бу ишга киришганда алақачон қош қорайган эди.

Бу орада хўжайин меҳмонхонага кириб, ижарадорларга рицарлик унвонини олиш ниятида қурол кўтариб яроғ-аслаҳаларини кўриқлаётган телба идалго тўғрисида гапириб берди. Бу ғалати, мияси айниган одамнинг кимлигини билишга қизиқиб қолган ижарадорлар тентакни кўриш ниятида ҳовлига отилдилар. Дон Кихот мағрурона қиёфада бир маромда қадам ташлаб, у ёқдан бу ёққа бориб-келиб турарди. Баъзан у юришдан тўхтаб, найзасига таянганича яроғ-аслаҳаларига узоқ тикилиб қоларди. Сутдек ойдинда рицарлик унвонини олмоқчи бўлган қаҳрамонимизнинг ҳар бир ҳаракати томошабинларга олисдан яққол кўриниб турарди.

Меҳмонхонада тунаб қолган хачир ҳайдовчилардан бири, бахтга қарши, хачирларини суғормоқчи бўлмаганида-ку, тун тинч ва осойишта ўтарди, албатта. У ҳеч нарсадан шубҳаланмай охур томон йўл олди. Унинг одим шарпасини эшитган дон Кихот хитоб қилди:

– Барча жаҳонгашта рицарлар ичида энг шавкатли ҳисобланган рицарнинг яроғ-аслаҳаларига қўл чўзган эй беадаб рицарь, ким бўлишингдан қатъи назар, нима қилаётганингни аввал ўйлаб кўр! Тега кўрма уларга, йўқса, бу беадаблигинг учун роса таъзирингни ейсан.

Хачир ҳайдовчи бунга парво ҳам қилмади. Охурнинг ёнига келди-да, яроғ-аслаҳаларни тасмасидан ушлаб нарига улоқтириб юборди. Буни кўрган дон Кихот кўзларини кўкка тикиб, сеньораси Дульсинеяга фикран мурожаат қилиб шундай деди:

– Сиз банд этган шавкатли юрагига санчилган биринчи ҳақорат тиғи жароҳати эвазига қасос олиш учун менга мадад беринг, сеньорам, биринчи синовда ўз меҳр-шафқатингиздан мени бегона қилманг.

У шу сўзларни айтаркан, қалқонини бир чеккага қўйиб, найзасини икки қўллаб баланд кўтарганча хачир ҳайдовчини жон-жаҳди билан туширган эди, у ўзини билмай юмалаб қолди. Дон Кихот эса яроғ-аслаҳасини йиғиштириб олиб, яна охурга қўйди-да, ҳеч нарса юз бермагандай, пинагини бузмай, бамайлихотир охур атрофида айлана бошлади. Бир неча дақиқадан кейин иккинчи хачир ҳайдовчи чиқиб келди. Ошнасининг бошига тушган аянчли аҳволдан беҳабар бу ҳам бадбахт яроғ-аслаҳаларни охурдан олиб ташламоқчи бўлди. Бироқ дон Кихот уни ҳам огоҳлантирди. У бир оғиз ҳам сўз қотмай, шартта найзасини кўтариб хачир ҳайдовчининг бошига туширдик, у шўринг қурғур ҳам «гурс» этиб ерга йиқилди. Шовқинни эшитган меҳмонхонадагилар хўжайин бошчилигида югуриб етиб келишди. Уларга кўзи тушган ҳамоноқ дон Кихот қалқонини қўлига олди-да, қиличини қинидан суғуриб, хитоб қилди:

– О, қалбимнинг хоқони, юрагимнинг таянчи, гўзалларнинг гўзали! Ишқингда буюк жангга кираётган рицарингга камол эътиборинг билан бир нигоҳ ташлайдиган фурсат келди.

Дуодай янграб кетган бу сўзлар идальгомизнинг қалбида шундай мардликни кўзгатиб юбордики, бутун дунёдаги хачир ҳайдовчилар биргалашиб ҳужум қилганларида ҳам, у чекинмасди. Яраланганларнинг ўртоқлари узоқдан отаётган тошбўрони остида у қимир этмай турарди; қўлидаги қалқони билан ўзини ҳимоя қиларди-ю, яроғ-аслаҳа турган охур ёнидан бир қадам ҳам жилмасди. Ҳовлида шовқин-сурон кўтарилди. Хачир ҳайдовчилар бақириб-чақиришар, сўкинишарди. Эсхонаси чиқиб кетган хўжайин уларга жанжални бас қилинлар, деб ялинарди. Дон Кихот эса товушининг борича дўқ урарди:

– Эй, разил, пасткаш қулар! Мен сизлардан жирканаман! Майли, тошбўрон қилаверинлар, бостириб келаверинлар, ҳамла қилаверинлар! Бу сурбетлик ва аҳмоқчиликларинг учун ҳозир жазоларингни тортасанлар.

Дон Кихотнинг бу хитобида шу қадар қўп жасорат ва ғазаб янграб турардики, бундан ҳужум қилувчиларнинг

ўтакаси ёрилаёзди. Улар аста-секин тинчланиб, тош отмай қўйдилар. Шундан кейин дон Кихот ярадорларни олиб кетишларига розилик берди, яроғ-аслаҳаларини яна боягидай виқор ва хотиржамлик билан муҳофаза қила бошлади.

Бироқ содир бўлган можаро хўжайинга ёқмади ва янги фалокат яна юз бермасдан олдин у тезликда меҳмонни савил қолгур рицарлик орденига ўтказиб қўя қолишга аҳд қилди. У эҳтиром билан дон Кихотга яқинлашиб шундай деди:

– Бу беҳаё малайлардан ғазабланманг, муҳтарам жаноб! Сизга ваъда бериб айтаманки, улар бу беадаб-гарчиликларига яраша ибрат бўларли жазоларини оладилар. Хўш, энди муқаддас удумни бажо келтириш вақти етмадимикан? Одатда, яроғ-аслаҳани қўриқлаш икки соатдан ошмаслиги керак, сиз эса муҳофазани тўрт соат давом эттирдингиз. Қасримда ибодатхона йўқлигини сизга боя маълум қилган эдим. Бироқ бусиз ҳам ишни битказишга жазм қилсак бўлаверади. Унвон беришнинг асосий таомили гарданга мушт тушириш-у, қилич билан чап елкага уришдан иборат. Буни эса очиқ майдонда ўринлатса ҳам бўлади. Шундай экан, ғанимат вақтни қўлдан бермайлик.

Рицаримиз хўжайиннинг сўзига лақмалик билан ишониб, унинг амрига итоат этишга тайёр эканини айтди.

– Сиздан фақат бир нарсани илтимос қиламан, – деб қўшиб қўйди у, – бу муқаддас удумни тезроқ амалга оширинг. Нега десангиз, унвон олганимдан кейин менга бирон кимса ҳужум қилгудек бўлса, қасрда бирор тирик жон зотини қолдирмайман. Муҳтарам қалъа соҳиби, сизга бўлган ҳурматим туфайли, кимни ўз ҳимоянгизга олсангиз, ўшанга шафқат қиламан, холос.

Рицарнинг юқоридаги сўзлари хўжайиннинг бу беором меҳмондан тезроқ қутулиш иштиёқини янада кучайтирди.

Фаросатли, ҳозиржавоб ва эпчил бу одам ўша заҳотиёқ хачир ҳайдовчиларга берилган арпа ва сомоннинг миқдори ёзиб бориладиган қалин дафтарини олиб

чиқди-ю, икки хизматкор аёл билан ёниб турган шамни кўтариб келаётган бола кузатувида дон Кихотнинг ёнига борди, унга тиз чўкишни буюрди, ўзини қалин дафтардан қандайдир дуони ўқиётган киши қилиб кўрсатиб, қулочкашлаб туриб рицаримизнинг елкасига мушт туширди, сўнгра алланималарни пичирлаб дон Кихотнинг елкасига унинг ўз қиличи билан уриб қўйди. Шундан кейин хизматкор аёллардан бирига қилични дон Кихотнинг белига боғлашни буюрди. Буни хизматкор аёл жуда чаққонлик билан бажарди. Тўғри, аёлнинг кулгидан ичаги узилаёзди, лекин кўзи олдида боя рицаримизнинг кўрсатган жасорати кулгисини тийишга мажбур этди. Хушахлоқ сеньора дон Кихотнинг белбоғига қиличини боғлар экан:

– Муҳтарам жанобнинг рицарлик ишлари ва жангларда муваффақият қозонишига худонинг ўзи ёр бўлсин, – деди.

Дон Кихот бу дутф-эҳсон учун ўз билак кучи-ла эришадиган шон-шуҳратини вақти келиб қайси хоним билан баҳам кўриши кераклигини билиш иштиёқида бу аёлнинг исмини сўради. У камоли мулойимлик билан жавоб бериб, исми Толоса, ўзи тоledoлик ямоқчининг қизи эканини ҳамда дон Кихотга ҳамиша содиқ қул бўлиб қолишга тайёр эканини айтди. Дон Кихот унга бўлган муҳаббати туфайли бундан буён ўзини донья Толоса деб аташини қиздан илтимос қилди. Қиз унинг илтимосини бажо келтиришга ваъда берди. Шундан кейин бошқа хоним дон Кихотнинг оёғига шпорларини тақиб қўйди. Сўнгра дон Кихот боя белбоғига қилич тақиб қўйган аёл билан қандай гаплашган бўлса, бу аёл билан ҳам шу хилда гаплашди. Аёлнинг исмини сўради, аёл исми Молинера, ўзи антекералик ҳалол тегирмончининг қизи эканини айтди; дон Кихот исми олдида донья сўзини кўшишни ундан илтимос қиларкан, уни беҳисоб миннатдорчиликка кўмиб юборди. Бу тантанали маросим тамом бўлганидан кейин дон Кихот отга минишга ошиқди: чунки саргузашт излаб йўлга тушишга сабри чидамасди. У Росинантни эгарлаб, унга бир сакраб миниб олди-да, хўжайинга шундай ажойиб

ва гаройиб ифодалар билан ташаккур изҳор қилдики, буни сўз билан таърифлаб беришнинг сира иложи йўқ. Ниҳоят, рицардан қутулганидан хурсанд бўлган хўжайин дон Кихотга қисқа-қисқа, аммо дабдабали сўзлар билан жавоб қайтариб, тунаганига ҳам бир тийин ҳақ олмай, уни илиқ-иссиғида соғ-саломат кузатиб қўйди.

### ТЎРТИНЧИ БОБ

#### **РИЦАРИМИЗНИНГ МЕҲМОНХОНАДАН ЖЎНАБ КЕТГАНДАН КЕЙИНГИ КЕЧИРГАН САРГУЗАШТЛАРИ**

Дон Кихот меҳмонхонадан йўлга чиққанида тонг ота бошлаган эди. Меҳмонхона эгасининг пул, кийим-кечак ва бошқа нарсалар ҳақидаги гапларини эслаб, у энг аввало барча зарур буюмларни тахт қилиб олиш ва ўзига яроқбардор топиш учун уйига қайтишга ихтиёр қилди ва Росинантни ўз қишлоғи томон бурди. Росинант ҳам гўё эгасининг истагини тушунгандай, бажонидил елиб кетди, гўё туёқлари ерга тегмай учди.

Бироқ рицаримиз бир неча қадам йўл юрмасданоқ ўрмонзордан мунгли инграган товуш эшитилиб қолди. Дон Кихот Росинантнинг жиловидан тортиб, хитоб қилди:

– Худонинг марҳаматига шукр! Мана, ниҳоят мен рицарлик бурчимни адо этиш ва олижаноб ниятимнинг мевасини тотиш шарафига муяссар бўлаётирман. Бу нола чекаётган менинг ҳимоям ва кўмагимга муҳтож бирор бахтиқаро одам бўлса керак.

Дон Кихот Росинантнинг жиловини буриб, нола эшитилаётган томонга шошилди. У ҳали ўрмонзорга кирмасданоқ шундай манзарага кўзи тушди: давангирдай бир деҳқон белигача яланғочлаб ташланган ўн беш ёшлар чамасидаги болани дарахтга боғлаб, йўғон тасма билан савалаётган эди. Бола ўзини қўярга жой тополмай додлар, деҳқон бўлса:

– Қилғилиқни қилиб қўйиб, энди нега додлайсан! – дерди совуққонлик билан.

– Энди сира бундай қилмайман, сеньор! – деб жавоб берди ҳиқиллаб бола. – Рост, энди сира бундай қилмайман! Энди подага яхши қарайман.

Буни кўриб дон Кихот ғазаб билан хитоб қилди:

– Эй, ярамас рицарь, ўзини ҳимоя қилолмайдиган ожизларга ҳужум қилиш уят, бу қилмишингизнинг нақадар пасткашлик эканини ҳозир мен сизга амалда исботлаб бераман!

Тиш-тирноғигача қуроланган, найзасини нақ бурни тагида ўйнатиб турган отлични кўрган деҳқон, энди куним битибди, деб ўйлади-да, титраб-қақшаб жавоб берди:

– Сеньор рицарь, бу бола менинг чўпоним, у шундай ялқов ва анқовки, деярли ҳар куни бир кўй йўқотмаса, иложи йўқ. Уни шунинг учун жазолаётирман, у бўлса, ҳақимни бериш алам қилаётганидан шундай қиляпти, дейди.

– Бошимиздан нур сочаётган қуёш ҳақи қасамёд этаманки, нақ кўксингга найза санчаман! Бечорани кўйиб юбор ва ҳозироқ унинг иш ҳақини бир чақасини ҳам қолдирмай бер. Йўқса, бир зарба билан турган жойингда масалангни ҳал қиламан! Ҳозироқ ечиб юбор уни.

Кўрқиб кетган деҳқон лом-мим демай болани дарахтдан ечиб юборди. Дон Кихот боладан хўжайиннинг қанча қарздорлигини сўради. Бола ойига етти реалдан<sup>11</sup>, тўққиз ойлик маош қардор эканини айтди. Дон Кихот ҳисобласа, жами олтмиш уч реал экан, шундан кейин хўжайинга, ё боланинг ҳақини ҳозироқ тўла, ёки у дунёга жўнайсан, деди. Деҳқон юраги чиқиб кетганидан гўлдираб қолиб, бу пулдан болага олиб берган уч жуфт бошмоқ билан касал бўлганида икки марта қон қуйдириб тўлаган бир реални олиб қолишим керак, деб жавоб берди.

– Хўш, майли, шундай дейлик, – деди дон Кихот. – Лекин уни калтаклаб, этикнинг ҳам, қон қуйишининг ҳам ҳақини ундириб олдингиз. Чунки у сотиб олиб берганингиз чарм бошмоқни йиртган бўлса, сиз унинг нақ терисини шилиб олдингиз. У касал бўлганида сартарош унга қон қуйган бўлса, соғ пайтида сиз унинг қонини тўқяпсиз. Демак, орангиз очиқ.

– Сўзларингизга тамомила кўшиламан, сеньор рицарь, бироқ ҳамма бало шундаки, ёнимда пул йўқ.



Майли, Андрес мен билан бирга қишлоққа борсин, бир реалини ҳам қолдирмай ҳамма пулини бераман!

– Мен у билан бирга борарканманми? – хитоб қилди бола. – Сираям бормайман, сеньор! Буни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмайман. Иккаламиз ёлғиз қолдик дегунча, у теримни шилиб олади.

– Бундай қилмайди, – эътироз билдирди дон Кихот, – мен амр қилдимми, тамом, амримни бажаради. У ўзи мансуб бўлган рицарлик ордени ҳақи қасамёд этса бас, уни қўйиб юбораман ва ҳақингни беришига ишонаман.

– Гапингизни ўйлаб гапиряпсизми, муҳтарам сеньор! – хитоб қилди бола. – Хўжайиним рицарь ҳам эмас, ҳеч қандай рицарлик орденига ёзилган ҳам эмас, ахир, у Кинтанар қишлоғилик Хуан Альдудо деган бой-ку.

– Бунинг аҳамияти йўқ, – деб жавоб берди дон Кихот, – Альдудо ҳам рицарь бўла олиши мумкин. Ҳар қайсимиз ҳам хайрли ишларга қодир ўғлонлармиз.

– Хўжайиним хизмат ҳақимни тўлашдан бош тортиб турибди-ю, хайрли иш қиларканми? – деди бола.

– Бош тортаётганим йўқ, ўғлим, Андрес, – деди деҳқон. – Мен билан юр. Дунёдаги бор жамики рицарлик орденлари ҳақи қасамёд этаманки, бир реалини ҳам қолдирмай, яна янги пул билан ҳамма ҳақингни тўлайман.

– Эскиси билан тўлашингизга ҳам рухсат этаман, – деди дон Кихот. – Оддий реалларнинг ўзи ҳам кифоя. Лекин билиб қўйинг, сўзингизнинг уддасидан чиқсангиз чиққанингиз, чиқмасангиз, қасамёд этаманки, қаттиқ жазоланасиз: калтакесакдай ковак-ковакка яшириниб олсангиз ҳам, бари бир топиб оламан. Сизга бундоқ буйруқ бераётган кишини билмоқчи бўлсангиз, таниб олинг: мен дилозор ва адолатсиз кимсалардан қасос олувчи шавкатли ламанчлик дон Кихот бўламан.

У шундай деди-да, Росинантга қамчи босиб жўнаб кетди. Деҳқон рицарнинг ўрмонзор ичкарисига кириб кетишини кутиб турди-да, кейин Андресга қараб:

– Қани берироқ кел-чи, ўғлим, ҳалиги дилозорлардан қасос олувчининг буйруғини бажо келтириб, сенга қарзларимни тўлаб қўяй, – деди.

– Ростини айтсам, – деди Андрес, – сиз, мухтарам жаноб, ўша меҳрибон рицарнинг буйруғини адо этсангиз, жуда яхши қилган бўласиз. Жасорати ва одиллиги учун унга худо минг йил умр берсин!

– Мен сени ғоят яхши кўрганимдан, – деб жавоб берди хўжайин, – хизмат ҳақингни кўпайтириб бериш учун ҳозир қарзимни янада кўпайтираман.

Шундай деб болани қўлидан ушлаб олди-да, яна дуб дарахтига боғлаб, чалажон қилиб савалади.

– Хўш, қалай, сеньор Андрес, – деди хўжайин, – ана энди бемалол ҳимоячингизни қидираверинг. Ҳа, айтгандай, мен сизни афтидан унча хафа қилмадим, шекилли. Аслида, бутун терингизни жуда-жуда шилиб олгим келиб турибди.

Шундан кейин деҳқон болани ечиб юборди-да, бор, ўша валинеъматингни излаб топ, деб маслаҳат берди. Андрес юм-юм йиғлаганча рицарни топиб, ҳамма гапни айтиб бераман, деб сурғалиб ўрмон ичкарасига кириб кетди, хўжайин эса мазах қилиб кулганча унинг ортидан қараб қолди.

Дон Кихотнинг боланинг тарафини олгани мана шундай оқибатга олиб келди.

Ваҳоланки, рицаримиз назарида ўз рицарлик жасоратига ажойиб асос солгандай бўлган эди. У ана шу саргузаштдан тўла қаноатланиб, пичирлаганча йўлида осойишта давом этди:

– О, гўзал Дульсинея Тобосская, сен ўзингни ҳозир ер юзида яшаб турган барча аёллар орасида энг бахтиёри ҳисоблашинг мумкин. О, гўзаллар гўзали! Тақдир сенга ламанчлик дон Кихотдек жасур ва шавкатли рицарга худди итоаткор қулингдай амр қилмоқни бахш этди. Кечагина рицарлик унвонига эга бўлганига қарамай, бугуннинг ўзидаёқ унинг дилозор ва адолатсиздан қасос олганидан бутун дунё хабардор. У ҳали она суғи оғзидан кетмаган норасида болани азоблаётган бир виждонсиз ёвузнинг қўлидан даррани тортиб олди.

Кўп ўтмай у икки йўл кесишган чорраҳага етиб келди. Унингдек жаҳонгашта рицарлар одатда чорраҳага

келганларида қайси йўлдан боришни ўйлаб биров тўхтаб қолишлари ёдига тушиб, уларга тақдидан дон Кихот ҳам худди қай томонга юришини билмаётгандай бир неча дақиқа туриб қолди. Кейин йўл танлашни Росинантнинг ўзига қўйиб берди. Росинант отхонага олиб борадиган йўлни танлади, албатта, бинобарин, дон Кихот ҳам она қишлоғига равона бўлди. Икки милча йўл босганидан кейин олисдан келаётган отлиқлар тўдасига кўзи тушди. Кейинчалик маълум бўлишича, улар ипак ҳарид қилиш учун Мурсияга кетаётган тоledoлик савдогарлар экан. Савдогарлар олти киши бўлиб, тўрт отлиқ хизматкор ва уч пиёда хачир ҳайдовчилар кузатувида соябон тутиб бораётган эдилар. Шу заҳотиёқ дон Кихотнинг хаёлига, мана ҳозир ажойиб бир можаро содир бўлади, деган ўй келди. Шунинг учун ҳам эгарга ўрнашиброқ ўтирди-да, найзасини маҳкам ушлаб, қалқон билан кўкрагини тўсганча йўлнинг ўртасида туриб олиб, ўзи жаҳонгашта рицарлар деб тасаввур қилган савдогарларнинг яқинлашувини мағрурона ва мардона қиёфада кута бошлади. Улар яқинлашиб келгандан кейин эса овозини баландлатиб, мутакаббирлик билан деди:

– Дунёда беқиёс Дульсинея Тобосскаядан кўра гўзалроқ қиз йўқлигини тан олмагунларингизча, орангиздан бирортангиз ҳам олдинга бир қадам силжиёлмайсиз!

Савдогарлар бу сўзларни эшитиб тўхташди. Улар бу нотаниш кишининг ғалати гаплари ва ажабтовур кийимидан қаршиларида телба бир кимса турганини дарҳол фаҳмладилар. Дон Кихотнинг қаттиқ талаби уларга ғалати туюлди, ораларидан ҳазилкаш ва қувноқ бир одам шундай деб жавоб берди:

– Сеньор рицарь, сиз тилга олган ўша ажойиб сеньорани биз танимаймиз. Уни бизга бир кўрсатсангиз, агар у сиз айтгандай чиндан ҳам жуда чиройли бўлса, унда майли, талабингизни бажонидил адо этамиз.

– Сўзларимнинг орий ростлигига ишонмоқ учун, – деди дон Кихот, – уни ўз кўзингиз билан кўришингиз шарт эмас! Сиздан маликамни кўрмай туриб ҳам, га-

пимнинг ҳақ эканлигини тасдиқлашингизни ва буни тан олишингизни талаб қиламан, акс ҳолда ҳаммангизни жангга чақираман. Ё рицарлик қонунларига мувофиқ, навбатма-навбат ё ҳаммангиз бир йўла майдонга чиқаверинг. Ўзимнинг бешак ҳақлигимга имоним комилки, мен ҳаммангизга баробар келишга қодирман.

– Сеньор рицарь, – деб жавоб берди савдогар, – биз сира эшитмаган ва ҳеч қачон кўрмаган нарсамизни тўғри деб гуноҳ қилиб қўйишдан кўрқамиз. Шунинг учун ҳам мен ўз ҳамроҳларим бўлган мана шу сеньорлар номидан сиз муҳтарам зотдан ўтиниб сўрайманки, бизга ўша сеньоранинг бирорта суратини кўрсатинг. Башарти хонимингизнинг бир кўзи филай бўлса ҳам майли, суратини кўргач, истагингизга қараб уни гўзалларнинг гўзали деб тан оламиз, шунда тилагингизга етиб, кўнглингиз жойига тушади.

Дон Кихот аччиғланганидан ўдағайлаб юборди:

– Гўзалликда беқиёс маликам шаънига айтаётган ҳақоратли сўзларингиз учун мендан осонлик билан қутулолмайсиз!..

У шундай деб найзасини ўқталганча дарғазаб бўлиб суҳбатдоши устига от қўйди. Бу беадаб савдогарнинг бахтига Росинант тошга қоқилиб кетмаганида, унинг абжағи чиқарди. Росинант йиқилиб, дон Кихот анча нарига учиб тушди. У жон-жаҳди билан ўрнидан туришга уринар, найзаси, қалқони, оёғидаги шпорлари, дубулғаси билан эскириб кетган оғир яроғ-аслаҳалари бунга халақит берарди. Ётган жойда беҳуда типирчиларкан:

– Қочманглар, эй, номардлар, муттаҳамлар, шошмаларинг! Йиқилишимга мен эмас, отим айбдор! – деб кичқирарди.

Афтидан, сиркаси сув кўтармайдиган бағритош бўлса керак, хачир ҳайдовчилардан бири бу ҳақоратларга чидаёлмай, рицарнинг адабини бериб, қовурғасини санаб қўймоқчи бўлди. У дон Кихотнинг олдига югуриб борди, қўлидан найзасини тортиб олиб, бўлак-бўлак қилиб ташлади-да, бир бўлаги билан рицаримизни савалашга тушди, қалқону совути қаттиқ бўлса ҳам,

уни бир қоп буғдойдай туйиб ташлади. Савдогарлар шунча ҳай-ҳайлашса ҳам, бари бир, хачир ҳайдовчи жаҳлидан тушмади. Ерда ётган найза бўлакларини битта-битта олиб, у кукун бўлиб кетгунича ер тишлаб ётган рицарни савалайверди. Рицарь ҳам бошига ёғилаётган калтак зарбига қарамай, ҳамон бақирар, осмону заминга ва ўзи қароқчилар деб ўйлаган кишиларга қараб дўқ урарди.

Ниҳоят, хачир ҳайдовчи чарчаб, шўрликни калтаклашни бас қилди; савдогарлар яна йўлга тушишди; уларга эрмак топилди, то манзилга етгунча калтакланган шўрлик рицарь ҳақида чақчақлашиб борадиган бўдилар. Душманлари кетиб қолганини кўрган дон Кихот яна ўрнидан туришга уриниб кўрди. Бироқ хачир ҳайдовчи уни чалажон қилиб ташлаган эди, шўрлик идальго ҳатто бармоқларини ҳам қимирлата олмади. Лекин шунда ҳам умидсизланмади; у жаҳонгашта рицарлар бошига бундай фалокатлар кўп тушишини, бу билан ўзининг шухратига ҳеч қандай путур етмаганини, бу бахтсизликка оти сабабчи бўлганини биларди.

#### БЕШИНЧИ БОБ

### РИЦАРИМИЗНИНГ УЙГА ҚАЙТИБ КЕЛГАНИ

Рицаримиз қимирлашга ҳам ҳоли қолмаганига қаноат ҳосил қилганидан кейин одатича ўзини юпатишга – романлардан бугунгига ўхшайдиган биронта воқеани эслашга ҳаракат қилиб кўрди. Шу ондаёқ телбанамо тасавурида кимсасиз тоғлар орасида ёлғиз ташлаб кетилган ярадор Балдуин гавдаланди. Дон Кихотга ана шу рицарнинг чеккан нолаю фиғони ўзининг ҳозирги аянчли ҳолига тамоман мос келадигандек туюлди, шунинг учун ҳам идальгомиз ўзи тасаввур қилиб юрган хонимни зўр ҳис билан ўз ҳузурига чорлай бошлади:

*О сеньорам, ҳузуримга кел,  
Қайғум арит, боқиб бир қиё!*

*Ёки бундан йўқми хабаринг,  
Менга раҳминг келмайдими ё?*<sup>12</sup>

Лекин у:

*О, Мантуан ҳукмдори сен,  
Тогажоним, қиблагоҳимсан, –*

сатрларини айтиб бўлмасданоқ жонига тақдир ора кирди. Йўлда дон Кихотнинг ҳамқишлоғи бўлган бир деҳқон кўринди. У тегирмондан келаётган эди; тупроққа қоришиб ерда чўзилиб ётган одамни кўриб, олдига келди-да, унга нима бўлганини, нега бундай мунгли инграётганини сўради.

Дон Кихот тепасидаги деҳқонни амакиси маркиз Мантуанский деб ўйлади, шекилли, саволларига жавоб бермай, рицарь Балдуиннинг бошига тушган бахтсизликлар куйланган романсни ҳадеб такрорлайверди.

Деҳқон бундан жуда ҳайратда қолди. У таёқ зарбидан қайрилиб кетган сипарни шоша-пиша ортга сураккан, ўзига таниш чеҳрага кўзи тушди.

– Сеньор Кехана, – деди у, – сизга ким бунақа озор берди?

Бу соддадил одам шўрлик рицарнинг яраланган-яраланмаганини кўриш учун унинг кўкрак ва орқа сипарини олиб ташлади. На бирон жароҳат, на қонаган жой кўринди. Шундан кейин у дон Кихотни азот кўтариб, зўрға эшагига ўтқазди, чунки эшакда бу шўрлик унча қийналмайди, деб ўйлади. Деҳқон шўринг қурғур идальгони қулайроқ ўтқазиб кўйгач, унинг яроғ-аслаҳаларини йиғиштириб олиб, Росинантнинг эгарига боғлади, кейин от билан эшакнинг жиловидан ушлаб олди-да, индамай қишлоққа жўнади. Дон Кихот ҳам индамас ва ўйчан кўринарди. Хачир ҳайдовчи уни шу қадар болаб калтаклаганидан эгарда аранг ўтирар, гоҳо-гоҳо нафаси кўкка етгудай хўрсиниб кўярди. Бундан ташвишга тушган деҳқон ундан қаери оғриётганини яна сўради. Бу орада дон Кихот Балдуинни унутган, энди унинг ёдига Антекера ҳокими Родриго де Нарваэснинг мавр Абин-

дарраэсни қандай ушлаб олгани ва ўз қалъасига қамаб қўйгани ҳақидаги воқеа тушганди. Шунинг учун ҳам Родриго де Нарваэсга асир Абиндарраэс қандай иборалар билан жавоб қайтарган бўлса, деҳқоннинг саволларига дон Кихот ҳам шундай жавоб берди.

– Шунни билиб қўйингки, илтифотли сеньор дон Родриго де Нарваэс, – рицарь ўз гапини шундай якунлади, – ҳозиргина сизга тасвишлаб берганим, шарафига мен ҳали дунёда ҳеч ким кўрмаган, кўрмаётган ва бундан кейин ҳам ҳеч қачон кўрмайдиган шонли жасоратлар кўрсатган, кўрсатаётган ва бундан буён ҳам кўрсатадиган гўзал Харифа эндиликда – сулув Дульсинейя Тобосскаядир.

– Ахир, тушунсангиз-чи, илтифотли сеньор, мен умуман дон Родриго де Нарваэс эмасман, ҳам қишлоғингиз Педро Алонсоман; муҳтарам жаноблари Балдуин ҳам, Абиндарраэс ҳам эмас, ҳурматли идальго, сеньор Кеханасиз.

– Кимлигимни ўзим биламан, – эътироз билдирди дон Кихот, – дунёдаги барча рицарлар кўрсатган жасоратларнинг жами менинг жасоратимга тенг келолмаслигини ҳам биламан.

Улар ана шундай гаплар билан кечга яқин қишлоққа етиб боришди.

Қалтак зарбидан аянчли аҳволга тушиб қолган дон Кихотнинг эшақда келаётганини бирор кимса кўришини истамаган деҳқон қош қорайишини кутиш ниятида қишлоқ чеккасидаги ғов ёнида тўхтади. Қоронғи тушганидан кейин эса қишлоққа кириб, дон Кихотнинг уйи томон йўл олди. Уйдан ғўнғир-ғўнғир товушлар эшитилиб турарди: идальгомизнинг энг қалин икки ошнаси – руҳоний билан сартарош – унинг уй ичидагилар билан кенгашиб ўтиришарди. Экономка шанғилаб шундай дерди:

– Илтифотли сеньор лиценциат<sup>13</sup> Перо Перес, – руҳонийнинг номи шундай эди, – хўжайиним ҳақида қандай фикрдасиз? Мана икки кундирки, унинг ўзи билан бирга қирчанғиси ҳам, найзаси ҳам, яроғ-аслаҳалари ҳам ғойиб бўлди!.. О, қандай бахтсиз аёлман-а! Бу лаънати рицарлик романлари уни ақлдан оздирган



бўлса керак, деб ўйлайман. Ўзи билан ўзи гаплашиб ўтириб, саргузаштлар излаш учун уйдан чиқиб кетиши ҳақида неча марталаб қасам ичганлари ёдимда. Бутун Ламанчда энг доно кимсани йўлдан оздирган бу китоблар қуриб кетсин!

Жияни ҳам шундай фикрда эди:

– Биласизми, сеньор уста Николас, – сартарошнинг номи шундай эди, – сеньор тоғам, бу ярамас романларни нақ икки кунлаб мижжа қоқмай ўқиб чиқарди. Охири шу даражага бориб етардики, қизишиб кетганидан китобни улоқтириб юбориб, қиличини яланғочлаганича, қулочкашлаб деворни чопаверарди. Ҳолдан тойганидан кейин, минорадай-минорадай тўртта девни ўлдирдим, деб бақираверарди. Тинка-мадори қуриганидан тоғамнинг аъзойи баданидан тер қуйиб кетар, ўзи эса бу терни жангда яраланган жойларимдан оқаётган қон деб ўйларди. Шундан кейин катта чўмични тўлдириб муздек сув ичаркан, бу сув эмас, дўстим, буюк сеҳргар Эскифе олиб келиб берган ноёб дори дерди. Бу кўргиликлар учун мен ўзимни айбдор деб ҳисоблайман. Тоғамнинг алаҳлашларини сиз илтифотли жанобларга маълум қилишга илгари ақлим етмагани учун ўзимни кечиролмайман. Сизлар бунга чек қўярдингиз, албатта. Бунинг учун тоғамни ақдан оздирган китобларни ёқиб ташлашнинг ўзи кифоя эди.

– Мен фикрингизга батамом қўшиламан, – деди руҳоний, – бечора дўстимизни бундан буён жинни қилиб қўймаслиги учун бу аҳмоқона китобларни эртагаёқ ўтга ташлашга сўз бераман.

Дон Кихот билан ҳамроҳи бу гапларни охиригача эшитишди. Деҳқон қўшнисининг алаҳлаш сабабларини энди тушунди. Шунинг учун ҳам у:

– Эшикни очинг, сеньора! Оғир яраланган сеньор Балдуин, маркиз Мантуанский, яъни сеньор мавр Абиндарраэснинг ўзлари келдилар, уни Антекеранинг ҳукмдори жасур Родриго де Нарваэс олиб келмоқда, – деб қичқирди.

Деҳқоннинг товушини эшитиб ҳамма югуриб чиқди; эркаклар ўз дўстларини, аёллар эса ўз хўжайинлари

ва тоғаларини таниб, у билан кучоқ ёзиб кўришишди. Лекин мадори қуриганидан эшакдан ҳам тушолмаган дон Кихот уларга шундай деди:

– Шошманглар! Отимнинг айби билан қаттиқ яраландим. Дарҳол тўшакка олиб кириб ётқизинглар-у, иложи бўлса тезроқ доно сеҳргар Урганда<sup>14</sup> хонимни чақиртириб келинглар, яраларимни боғлаб дори-дармон қилиб тузатсин.

– Кўрдингларми, қандай фалокат юз берибди! – хитоб қилди экономка. – Юрагим бекорга ғаш бўлмаган экан! Бемалол кираверинг, муҳтарам жаноб, сизни ҳар қандай сеҳргар хонимларсиз ҳам даволай оламиз. Сиз илтифотли хўжамни шу аҳволга солган бу рицарлик китоблари минг бир балога гирифтор бўлсин!

Дон Кихотни ўрнига ётқизишиб, жароҳатларини малҳамлаб боғлаб қўйишмоқчи бўлишган эди, ҳеч қандай яраланган жой кўринмади. У, ўнта дев билан олишаётиб, жанг роса авжига чиққан пайтда отим Росинант билан бирга ерга йиқилиб тушиб сал лат едим, деб тушунтирди. Унинг сўзига қараганда, ер бу махлуқлардан баттарроқ сурбет ва ваҳший жониворларни кўрмаган эмиш.

– Вой-бўй, – унинг сўзини бўлди руҳоний, – ҳали юртимизда девлар ҳам пайдо бўлиб қолишибди-да? Қасамёд этаманки, эртага қуёш чиқмасданоқ улардан асар ҳам қолмайди.

Улар дон Кихотдан бошидан кечирганларини суриштира бошлашди, лекин у ҳеч нарсани гапириб беришни истамасди. У фақат овқат беришларини ва тинч қўйишларини илтимос қилди, чунки ниҳоятда қорни очган ва уйқудан қолган эди. Илтимос бажо келтирилди, руҳоний эса деҳқондан дон Кихотни қаердан ва қандай аҳволда топганини суриштира бошлади.

Деҳқон бўлган воқеани бажонидил айтиб берди ва ҳатто идальгонинг баъзи бемаъни гапларини ҳам такрорлади.

Бу эса руҳонийнинг дон Кихот китобларини ёқиб ташлашга бўлган иштиёқини янада кучайтириб юбор-

ди. Эртасига эрталаб сартарош дўстининг олдига кирди ва иккаласи идалгомизнинг уйига жўнашди.

Дон Кихот ҳамон уйқуда эди. Руҳоний дон Кихотнинг жиянидан барча бахтсизликларга сабаб бўлган китоблар қўйилган хонанинг калитини сўради. Экономка уларни ўша хонага бошлаб кетди. Хонадаги жавонларда юзга яқин қалин ва яна анчагина ажойиб муқовали кичикроқ томлар қалашиб ётарди. Экономка бир дақиқа шошилмай туришни руҳонийдан илтимос қилиб, хонадан чиқди-да, ҳадемай бир пиёла оби раҳмат билан пуркагич олиб келди.

— Мана бунни олиб, сеньор руҳоний, аввал хонага сув пуркаб чиқинг, бўлмаса, бу китобларда ҳикоя қилинувчи сеҳргарлардан бирортаси ҳозир бўлиб, уруғ-аймоқларини дунёдан суғуриб ташламоқчи бўлаётганимиз учун қасос олиб, яна бизни бирор махлуққа айлантириб қўймасин.

Руҳоний соддадил экономканинг бу ҳадиксирашидан кулиб қўйди-да, китобларини битта-битталаб олиб беришни сартарошдан илтимос қилди. У дуруст китобларни ажратиб олмоқчи эди.

– Йўқ, йўқ, – деб хитоб қилди жиян, – уларнинг бирортаси ҳам аяшга арзийдиган эмас, бошимизга фалокат тушишида ҳаммаси ҳам айбдор. Яхшиси, ҳаммасини деразадан ҳовлига улоқтириб, ёқиб ташлаймиз.

Экономка ҳам шу фикрни маъқуллади. Бироқ руҳоний уларнинг бўлмағур гапига сира эътибор бермай, китобларининг ҳеч бўлмаса номини кўриб чиқишга аҳд қилди. Унга уста Николас қалин бир томни узатди. Бу том тўрт қисмдан иборат бўлиб, галлиялик Амадиснинг тарихи экан. Уни кўриб руҳоний шундай деди:

– Эшитишимга қараганда, бу Испанияда нашр этилган биринчи рицарлик романи бўлиб, қолганлари унинг давомидир. Шунинг учун мен бунни албатта ёқиб ташлашимиз керак деб ўйлайман.

– Э, йўқ, сеньор! – эътироз билдирди сартарош. – Эшитишимча бу роман ҳозиргача ёзилган асарлар ичида энг яхшиси, шундай бўлгач, уни олиб қолсак арзийди.

– Сизнинг гапингиз маъқулга ўхшайди, – жавоб берди руҳоний, – биз уни ҳисобга олиб, ҳозирча тегмай турамыз. Қани энди анави китобни кўрайлик-чи.

– Амадис Галльскийнинг қонуний ўғли Эспландианнинг жасоратлари, – деди сартарош.

– Лекин инсоф билан айтганда, – деди руҳоний, – отанинг хизматлари боласини асраб қололмайди. Қани, сенъора экономка, деразани очинг-да, уни ҳовлига улоқтиринг-чи, гулханимизнинг дастлабки қалови бўлсин.

Экономка буни бажонидил бажо келтирди.

– Қани, кейингиси-чи, – деди руҳоний.

– Кейингиси, – деб сўзида давом этди сартарош. – Амадис Юноний, менимча, бу жавондаги китобларнинг ҳаммаси Амадислар уруғига мансуб.

– Ундай бўлса, ҳаммаси ҳовлига улоқтирилсин, – деди руҳоний.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – деди сартарош.

– Мен ҳам, – унинг сўзини маъқуллади жиян.

– Шундай бўлгандан кейин, – деди экономка, – ҳаммасини ёқиб ташлаш керак.

Бирин-кетин қалин ва юпқа жилдлар ҳаммаси деразадан улоқтирилди.

Руҳоний рицарлик романларини саранжом қилганидан кейин турли шеър ва дostonлар тўпламлари қўйилган жавонга кўз ташлади. Лекин у қўлига ҳали биринчи тўпламни ҳам олмасданоқ дон Кихотнинг қаттиқ товуши эшитилиб қолди:

– Бу ёққа келинлар, бу ёққа, довюрак рицарлар, – деб бақирарди у. – Забардаст билакларингизнинг кучини кўрсатадиган пайт келди! Сарой рицарлари курашда ғалабани ўзлариники қилиб олмоқчилар.

Бу қичқариқдан ташвишга тушган дўстларимиз китобларни дуч келган томонга улоқтириб, товуш чиққан ёққа югуришди.

Улар ётоқхонага киришди, қарашса, дон Кихот ўрнидан туриб олибди, у ғазоби қайнаб ўзи тасаввур қилган душманларга эпчиллик билан қилич санчиб, жон-жаҳди билан чопиб ташлардики, гўё ўзини сира бемор ва бемадор ҳис этмасди.

Руҳоний билан уста унинг олдига югуриб бориб, зўрлик билан ўрнига ётқизишди, дон Кихот бир мунча тинчланганидан кейин руҳонийга мурожаат қилди:

– Ростини айтсам, сеньор архиепископ Турпин<sup>15</sup>, жаҳонгашта рицарлар қўлга киритган ғалабани сарой рицарларининг ўзлариники қилиб олишларига йўл қўйиб бериш ўн икки пэр<sup>16</sup> учун ниҳоятда уят. Йўқ, бундай таҳқирга мен асло йўл қўймайман!

– Тинчланинг, илтифотли сеньор оғайни, – деди руҳоний. – Худо хоҳласа, эртага ҳамма нарса жойига тушади, бугун бой берган нарсаларимизни ўн ҳисса қилиб тўлатиб оламиз. Ҳозирча муҳтарам ошнаимиз ўз саломатликларини ўйласинлар. Менимча, яраланмаган бўлсангиз ҳам, қаттиқ чарчаганга ўхшайсиз.

– Йўқ, мен яраланганим йўқ, – деди дон Кихот, – лекин ҳақиқатан ҳам роса саваланиб эзиб ташланганман. Маккор ва бахил дон Рольдан<sup>17</sup> мени дуб дарахти танаси билан савалади, негаки, рицарлик жангларида унинг ягона рақиби эканимни биларди. Ўрнимдан турадиган бўлиб олсам, бас, адабини бериб қўяман. Энди менга нонушта келтиринглар, чунки ҳозир энг аввало куч йиғиб, бақувват бўлиб олишим керак. Ундан кейинчалик ҳам қасос олавераман.

Айтганини қилиб, унга овқат келтиришди. Дон Кихот овқатланиб олгач, яна қаттиқ уйқуга кетди.

Ўша кечаси экономка уйдаги бор китобларнинг ҳаммасини ёқиб юборди, руҳоний аяган китоблар ҳам оловда кул бўлиб кетди. Эртасига кутубхона эшигини гишт билан уриб, устидан суваб ташлашди. Дон Кихотга хонани бор китоблари, жавонлари ва жиҳозлари билан бирга қандайдир бир сеҳргар ўғирлаб кетди, деб айтишга қарор қилишди. Бу ишларни тамомлаганларидан кейин ҳаммалари идальгонинг соғайиб кетишини сабрсизлик билан кута бошлашди. Икки кундан кейин дон Кихот анчагина қувватга кириб, энди ўрнимдан тура оладиган бўлди. У энг аввало китобларини кўрмоқчи бўлди, албатта. Ўз кутубхонасининг эшигини топа олмай ҳайратланганини кўрсангиз эди. Анча вақт уйда дайдиб юрди, хоналарни бирма-бир айланиб

чиқди, суваб ташланган эшик ёнига қайта-қайта келиб, қўллари билан пайпаслаб кўраркан, ҳайрон бўлиб атрофга аланглаб қараб қўярди. Ниҳоят, экономкадан кутубхонанинг эшигини сўради. Бунга қандай жавоб беришни руҳоний экономкага ўргатиб қўйган эди. У шундай деди:

– Кутубхона эшигимиз? Нимасини айтасиз, муҳтарам сеньор! Кутубхона ҳам, китоблар ҳам ғойиб бўлгани қачонийди. Ҳаммасини шайтон ўғирлаб кетган.

Шунда жияни гапга аралашди:

– Сиз илтифотли тоғам, саёҳатга чиқиб кетганингизда бир куни кечаси сеҳргар учиб келди. Ўзи учиб келган аждаҳодан бир сакраб ерга тушди-да, кутубхонага кирди: у ерда нима қилганини кўзим билан кўрганим йўқ, лекин бир неча дақиқадан кейин томнинг орасидан учиб чиқиб кетди, уйни эса тутун босди, ҳеч нарсани кўролмай қолдик. Бир оздан кейин унинг нималар қилганини билмоқчи бўлиб қарасак, хонадан ҳам, китоблардан ҳам номи-нишон қолмабди. Лекин бир нарсани яхши эслаб қолдик: ўша ёвуз чол учиб кетаётиб, отим Муньятон, деб қичқирди дўриллаб.

– Муньятон эмас, Фрестон, – сўзини бўлди дон Кихот.

– Оти Фрестонми, Фритонми, буни худо билади, – деди экономка, – фақат оти «тон» билан тугаши яхши эсимда қолди.

– Ҳа, бу ўша ашаддий душманам – донишманд сеҳргарнинг худди ўзи, – деди дон Кихот. – Мени кўрарга кўзи йўқ, чунки ўзи мурувват кўрсатаётган рицарь билан бир куни менинг олишишимни ва бу жангда галаба қозонишимни ўзининг сеҳрли китоблари ҳамда жодугарлиги ёрдамида билиб олган. Ана шунинг учун ҳам у мени турли фалокатларга дучор қилиб, йўлимга тўғаноқ бўлишга қасд қилган.

**АЖОЙИБ РИЦАРИМИЗ ЛАМАНЧЛИК  
ДОН КИХОТНИНГ ИККИНЧИ САФАРИ**

Ўша воқеадан кейин дон Кихот икки ҳафта давомида уйда тинчгина ўтирди. Унинг ғайритабиий саргузаштларга бўлган иштиёқи сўнганини экономка билан жияни пайқаб қувонишди. Ҳа, айтгандай, баъзан у ўз ошналари бўлмиш руҳоний билан сартарошга ер юзида олтин даврни қайта тиклашга даъват этилган жаҳонгашта рицарларга дунё ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ муҳтождир, деб қўярди. Ҳали алдамчилик, макр, ёлгон ҳақиқат ва самимийлик билан қоришиб кетмаган; ҳали на ғараз, на ҳирс, на судьялар ўзбошимчалигидан одамлар жабрланган; ҳамма ерда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган ҳамда толеи баланд инсон табиатнинг ажойиб лутф-эҳсонларидан сира ташвишланмай баҳраманд бўладиган ўша бахтиёр давр ҳақида дон Кихот завқ билан гапирарди. У инсонларни ана шу ажойиб кунларга қайтариш тақдир тақозоси билан ўз зиммасида эканига кўр-кўрона ишонарди. Руҳоний дон Кихотга баъзан эътироз билдирар, баъзан унинг фикрига қўшиларди, зотан, усталик қилмай туриб бундай фикрларнинг бемаънилигини шўринг қурғур идальгога исботлашни хаёлга келтирмаса ҳам бўларди.

Бироқ дон Кихот ўзининг тентакона режаларига ич-ичидан ишонар ва бунга содиқ қолаверар эди. У уй ичидагилардан яшириқча бир деҳқонни, олижаноб (агар олижаноблиги жуда кам одамни ҳам шу ном билан аташ мумкин бўлса), лекин ўйлаб-нетиб ўтирмай иш тутадиган одамни ўзига яроқбардор<sup>18</sup> бўлишга ундай бошлади. Дон Кихот уни бу ишга жон-жаҳди билан қизиқтираркан, унга бойлик ва шон-шухрат ваъда қиларди. Дарвоқе, у ўз жасорати билан забт этадиган биринчи оролини ўша деҳқонга бир умрга мулк қилиб беришни ваъда қилди. Унинг гапига қараганда, бундай зафарга жуда тез муддатда эришаркан. Санчо Панса

деб аталган бу деҳқон боши айланиб, унинг гапларига чиппа-чин ишонди-ю, хотини ва болаларини ўз ҳолига ташлаб, дон Кихот хизматига кирди.

Шундан кейин дон Кихот пул топишга киришди: буюмларининг баъзиларини сотди, баъзиларини гаровга қўйиб, анча маблағ тўплади. Бундан ташқари, у оғайниларининг биридан вақтинчаликка думалоқ қалқон олди, пачағи чиқиб кетган дубулғасини тузатди. Ишларини битказиб бўлганидан кейин яроқбардори Санчога фалон куни, фалон соатда йўлга тушиш ниятида эканини маълум қилди-да, асбоб-анжомларини тахт қилиб қўйишини тайинлади. Дон Кихот Санчога сафар тўрвасини олишни унутиб қўймасликни алоҳида таъкидлади. Санчо тўрвани унутиб қўймасликка ваъда берди, шунингдек, пиёда боришга унча лаёқати бўлмагани учун эшагини олиш ниятини ҳам айтди. Санчонинг бу гапи дон Кихотнинг кўнглига бир мунча ғулғула солиб қўйди. У жаҳонгашта рицарлардан қайси бирининг яроқбардори эшак миниб юрганини эслашга уриниб кўрди, лекин сира эслай олмади. Аммо бирорта беадаб рицарь билан биринчи тўқнашувдаёқ отини тортиб олиб, эшакка қараганда ўз шаънига анча муносиброқ бу жониворни яроқбардорига беришини хаёл қилиб, кўнгли таскин топди-ю, Санчонинг гапига рози бўлди.

Ниҳоят, ҳамма нарса тахт бўлганидан кейин бир куни кечаси улар ҳеч кимга билдирмай қишлоқдан чиқиб кетишди. Санчо хотини ва болалари билан, дон Кихот эса экономкаси ва жияни билан хайрлашмади. Улар тун бўйи йўл юриб, тонг ота бошлаганда қишлоқдан анча узоқ кетиб қолишган, энди таъқиб этишларидан қўрқишмаса ҳам бўларди.

Ширин хаёлларга ғарқ бўлган Санчо Панса ўз эшагида савлат тўкиб борарди. У ваъда қилинган оролга тезроқ губернатор бўлиш иштиёқида ёнарди. Дон Кихот тасодифан Монтъел текислигидан ўтадиган йўлни танлади, у биринчи саёҳатида ҳам шу йўлдан кетган эди. Лекин ҳозир бу йўлдан бориш мароқлироқ эди: негаки, ҳали вақт эрта, қуёш ўз қайноқ нурларини саё-



ҳатчиларимизга ҳали сочганича йўқ эди. Санчо Панса ўз хўжайинига шундай деди:

– Муҳтарам сеньор, жаҳонгашта рицарь жаноблари, тагин орол ҳақидаги ваъдангизни унутиб қўйманг. Орол ҳар қанча катта бўлганида ҳам, бари бир уни бошқара оламан.

Бунга дон Кихот шундай жавоб қайтарди:

– Дўстим, Санчо Панса, шуни қулоғингга яхшилаб қўйиб олгинки, забт этган орол ёки подшоликларига ўз яроқбардорларини ҳоким қилиб тайинлаш одати қадим замонларда жаҳонгашта рицарлар орасида жуда кенг тарқалган одат эди, мен ҳам ана шу ажойиб одатга амал қилишга қатъий бел боғлаганман. Бироқ бунинг бир лекини ҳам бор. Қадим замонларда рицарлар ўз яроқбардорларига бирор вилоятни кўп йиллик машаққатли хизмати эвазигагина инъом қилганлар. Ваъда қилинган инъомни кутавериш қариб кетган яроқбардорлар ҳам кўп бўлган. Мен бўлсам, башарти икковимиз ҳам тирик қолсак, яқин кунларда бир эмас, бир неча подшоликни забт этаман. Ана ўшанда, дарҳол улардан энг яхшисини сенга ҳадя қиламан. Тагин бекорга лоф уряпти деб ўйлама: биласанми, жаҳонгашта рицарлар етти ухлаб тушингга кирмайдиган ажойиб-ғаройиб ҳодисаларни бошдан кечирадилар. Инчунин, сенга ваъда қилганимдан ҳам кўра аълороқ ҳадя бериш мен учун ҳеч гап эмас.

– Борди-ю, мен, – деди Санчо, – қирол бўлиб олсам, унда хотиним Тереса Панса кам деганда қироличаю болаларим шаҳзода ва малика бўлишарканда, а?

– Бунга амин бўлавер, – деб жавоб берди дон Кихот.

– Бироқ менинг шубҳам бор, – деди Санчо Панса, – нега десангиз, борди-ю, тожлар ерга худди дўлдай ёғилиб кетган тақдирда ҳам, Тереса Панса улардан бирортасига муносиб эмас. Ахир, у қандай қилиб қиролича бўла оларди, сеньорим! У қиролича сифатида икки чақага ҳам арзимаиди. Балки, графлик муносиб келар, шунда ҳам худо ол қулим, деб юборса.

– Буни худойи таолонинг ўзига қўйиб қўявер, Санчо, – деди дон Кихот. – Худойи таолонинг ўзи унга нима

лойиқлигини билади, сен бўлса ўзингни бунақа паст ҳам олма, ҳеч бўлмаганда, губернаторликдан камини ҳам ўйлама.

– Ўйламайман ҳам, сеньорим, – деб жавоб берди Санчо, – хўжайинимнинг қанчалик қудратли ва қандай олиҳимматлигидан хабардорман. Марҳаматли жаноб, менга ҳам кучим етадиган, ҳам кўнглимга хуш келадиган лавозимни берсангиз керак, албатта.

### ЕТТИНЧИ БОБ

#### **ШУ МАҲАЛГАЧА КЎЗ КЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ШАМОЛ ТЕГИРМОНЛАРИГА ҚАРШИ ДАҲШАТЛИ ЖАНГДА ШАВКАТЛИ ДОН КИХОТНИНГ ҒАЛАБА ҚОЗОНГАНИ**

Шу пайтда улар даланинг ўртасида қаққайиб турган ўттиз ёки қирқгача шамол тегирмонини кўриб қолишди. Уларни олисданоқ пайқаган дон Кихот ўз яроқбардорига шундай деди:

– Тақдири азал ишимизнинг кушойишини бериб, омадимиз ўнгидан келяпти. Дўстим Санчо, ҳов анави томонга қара! Ҳов анави текисликда девлар йиғилишиб туришибди. Ҳозир мен уларга қарши жанг бошлаб, бирортасини ҳам қолдирмай қириб ташлайман. Уларнинг битмас-туганмас хазиналари бор: уларни енгганимиздан кейин бойиб кетамиз. Буни адолатли жанг дейишади, бунақанги ёвузларнинг тухумини ер юзидан қуритиш худога хуш келади.

– Қани ўша айтаётган девларингиз? – деб сўради Санчо Панса.

– Ҳув ана, рўпарангда туришибди-ку! – деб жавоб берди дон Кихот. – Қўлларининг баҳайбатлигини кўряпсанми? Баъзиларининг қўли икки мил келади.

– Сўзимга ишонинг, марҳаматли сеньорим, булар дев эмас, шамол тегирмони, қўл деб айтаётган нарсаларингиз қўл эмас, шамолда айланиб тегирмон тошини юргизадиган паррақлар.

– Рицарлик саргузаштларида ҳали тажриба орт-тирмаганлигинг яққол кўриниб турибди, – деди дон Кихот. – Булар девлар! Агар чўчиётган бўлсанг, бир чеккага чиқиб дуо қилиб тур, мен булар билан тенгсиз ва қақшатқич жангга киришаман!

Дон Кихот шу сўзларни айтаркан, шпорлари билан Росинантнинг биқинига ниқтади-ю, ўз яроқбардорининг охи зорига қулоқ солмай, от елдириб кетди.

– Қочмаларинг, разил махлуқлар, – деб қичқирди у. – Сизлар қўлчиликсиз! Рақибингиз эса битта рицарь, холос!

Шу дақиқада енгилгина шамол кўтарилиб, улкан паррақлар айлана бошлади. Дон Кихот буни кўриб, яна қаттиқроқ қичқирди:

– Қўлларингиз баҳайбат Бриарейнинг<sup>19</sup> қўлларидан каттароқ бўлганида ҳам, бари бир мендан қочиб қутулолмайсиз!

Шундай қилиб, дон Кихот ўз жонини Дульсинея Тобосская хонимга топшириб, энг яқинида турган тегирмонга қараб от солди-ю, қўлидаги найзасини қулочкашлаб унинг паррагига қадади.

Бироқ шу пайтда кўтарилган кучли шамол паррақни айлантириб юборди. Найза синиб кетиб, рицарь от-поти билан бир чеккага бориб тушди.

Буни кўрган Санчо хўжайинига ёрдам бериш учун эшагини шитоб билан йўрғалатиб кетди. Тегирмон паррагининг даҳшатли зарбидан гангиб қолган дон Кихот ерда худди ўликдай чўзилиб ётарди.

– Мана кўрдингизми, азизим! – деб хитоб қилди Санчо, – булар девлар эмас, шамол тегирмонлари деб айтмабмидим. Мияси айниб қолган телбаларгина буларнинг тегирмонлигини билмайди.

– Бас қил, дўстим Санчо, – деб жавоб берди дон Кихот, – рицарлик ишларида ҳеч нарсага ақлинг етмайди. Бу менинг кутубхонамни ўғирлаб кетган ўша сеҳргар Фрестоннинг янги найранглари эканлигига ишончим комил. Мени зафар шон-шуҳратларига бурканмасин деб, девларни тегирмонга айлантириб қўйган ҳам ўша. Ҳа, унинг менга нисбатан бўлган адовати ана шундай

кучли. Лекин ғам ема. Бир кунмас-бир кун унинг ҳамма қабиҳ сеҳрларини кунпаякун қилиб ташлайман.

– Дунёда бўлмайдиган иш йўқ, – гапига қўшилди Санчо Панса. Кейин дон Кихотга ўрнидан туришга ёрдамлашиб, уни сеҳрланган девлар билан бўлган ана шу бахтсиз олишувда сал бўлмаса нақ олдинги оёғи чиқиб кетаёзган Росинантга миндирди.

Рицаримиз ўзининг содиқ яроқбардори билан ҳозиргина содир бўлган воқеа ҳақида суҳбатлашганича йўлга тушди.

– Ҳаммасидан ҳам найзадан ажралганимизга хафаман, – деди дон Кихот. – Лекин Диэго Перес де Варгас исми бир испан рицари бошидан кечирган саргузашт ёдимда, жанг пайтида ўша рицарнинг қиличи синиб кетган, ўшанда у дарҳол бир катта дуб шохини синдириб олганда, ана ўша таёқ билан қанчадан-қанча жасорат кўрсатган, қанчадан-қанча маврларни қириб ташлаганки, бунинг натижасида уни Варгас-Таёқ деб атай бошлашган. Мен ҳам худди Варгасдай қиламан, йўлда учраган биринчи дубнинг каттакон, залворли шохини синдириб оламан-да, у билан кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган қаҳрамонликлар кўрсатаман, бундай жасоратларнинг шоҳиди бўлганингдан сен ўзингни энг бахтиёр киши деб биласан!

– Худованди каримнинг эрк-иродаси бениҳоя, – деб жавоб берди Санчо, – сиз жаноби олийларининг ҳамма гапларига ишонаман. Лекин сеньорим, афтидан жуда қаттиқ шикастланганга ўхшайсиз. Бир ёққа оғиб кетяпсиз, эгарга маҳкамроқ жойлашиб ўтириб олинг.

– Гапинг рост, – деди дон Кихот, – оғриқдан шикоят қилмаётганимнинг сабаби шундаки, бутун ичак-чавоқлари ағдариб ташланган тақдирда ҳам жаҳонгашта рицарлар вой демасликлари керак.

– Ундай бўлса, мен бунга ҳеч эътироз билдиrolмайман, – деб жавоб берди Санчо, – ўз ҳақимда шуни айтишим керакки, борди-ю, рицарлик қоидалари жаҳонгашта рицарларнинг яроқбардорларига оғриқдан бақиритишни ман этмаган бўлса, унда мен эт-бетим сал тилинса ҳам, додлайвераман.

Дон Кихот Санчонинг соддалигидан кулиб юборди, рицарлар яроқбардорлари оғриқдан инграшлари керакми-йўқми деган нарсани рицарлик романларида сира ўқимаганини, шундай бўлгач, Санчо Панса хоҳлаганича инграб, дод-вой солавериши мумкинлигини айтди.

Бу орада Санчо қуёшга бир қараб қўйди-да, озгина тамадди қилиб олсак, ёмон бўлмасди, деди.

Дон Кихот бунга жавобан ҳали қорни очмаганини, Санчонинг овқат егиси келаётган бўлса, тортиниб турмай, овқатлана бериши мумкинлигини айтди.

Дон Кихотнинг марҳаматли рухсатини олган Санчо эшагига қулайроқ жойлашиб ўтирди-да, сафар тўрвасидан овқат олиб ея бошлади. Ҳар ютим овқатдан кейин у мешдаги винодан шу қадар иштаҳа билан ичардики, буни кўрган ҳар қандай карвонсарой эгасининг оғзидан суви келиши мумкин эди. Эшагини оҳишта ҳайдаб, қадам-бақадам винодан ҳўплаб бораркан, саргузашт қидириб ҳар қандай хавфли саёҳатларга ҳам чиқиш меҳнат эмас, жоннинг роҳати экан, деган фикр Санчонинг миясидан жой олган эди.

Бу орада қоронғи тушиб, йўловчиларимиз йўлни буриб, тунагани тўхташди. Дон Кихот яқинроқдаги дарахтдан бир шохини синдириб олди-да, унга синиб кетган найзасининг тигини боғлаб қўйди. У ўзи севган романларнинг шонли қаҳрамонлари сингари бир дақиқа ҳам мижджа қоқмай, Дульсинеяни ўйлаб тонг оттиришга аҳд қилди.

Санчо бўлса яхшилаб овқатланиб олди-да, эрталабгача донг қотиб ухлади. Дон Кихот уйғонмаганида тўғри юзига тушган қуёш нуридан ҳам, янги кунни қувонч билан қутлаётган сон-саноқсиз қушларнинг сайрашларидан ҳам уйғонмасди. У уйқудан бош кўтариши билан энг аввал мешни чамалаб кўрди, виноси озайиб қолганидан жуда хафа бўлди. У яқин орада мешни винога яна тўлдириб ололмасликдан чўчирди. Лекин дон Кихот нонушта қилишдан воз кечди, чунки аввал айтганимиздек, у ширин хаёллар билан тўйиб юарди.

Улар Пуэрто Лаписе дарасига қараб йўл олишиб, кундузи соат учларда у ерга етиб боришди.

– Биродарим Санчо, – деди дон Кихот, – бу ерда бизни ажойиб ва ғаройиб саргузаштлар кутиб турибди. Лекин бир нарсани унутмагилки, бошимга ҳар қандай хавф келган тақдирда ҳам, сен мени ҳимоя қилиш ниятида қилич кўтармаслигинг керак. Қора халқдан чиққан баъзи бир ярамас қаланғи-қасанғилар тўдаси хужум қилган тақдирдагина яроқбардорнинг ўз хўжайинига ёрдамлашишига рухсат этилади. Борди-ю, улар рицарь бўлса, унда рицарлик қонунларига мувофиқ, ҳали сен рицарлик унвонига эга эмас экансан, жангга киришинг қатъиян ман этилади.

– Хотиржам бўлаверинг, сеньор, – деб жавоб берди Санчо, – амри-фармонингизни асло бузмайман: мен табиатан ювош одамман ва ҳеч маҳал олдин мушт кўтаришга жазм этмайман. Лекин шуни очиқ айтиб қўяйки, башарти ўзимни ўзим муҳофаза қилишга мажбур бўлсам, унда ҳеч қандай рицарлик қонунларига қараб ўтирмай, дилозорлардан ўзимни қўлимдан келганча асрайман.

– Бу сенинг ишинг, – деди дон Кихот, – мен сени огоҳлантириб қўймоқчиман, холос. Рицарларга қарши олишувларимга ҳеч қачон аралашма. Ўз ғайратинг ва жўш урган мардлигингни босиб туришга ҳаракат қил.

– Бу масалада хотиржам бўлаверинг, марҳаматли жанобим. Диний удумларга амал қилиб, якшанба кунларини қандай байрам қилсам, сизнинг буйруқларингизни ҳам шундай бажо этишга ваъда бераман!

### САККИЗИНЧИ БОБ

#### **ҚЎРҚМАС ВИСКАЙЛИК БИЛАН ЖАСУР ЛАМАНЧЛИК ЎРТАСИДАГИ МАШҲУР ЖАНГ**

Улар шу масалада суҳбатлашиб боришаркан, йўлда икки бенедиктчи-роҳиб<sup>20</sup> кўринди. Улар туядек-туядек келадиган норғил хачирларда келишарди. Жазирама иссиқ ва чанг йўловчиларни кенг соябонларини тутиб, сафар кўзойнақларини тақиб олишга мажбур қилган эди. Роҳиблар кетидан тўрт ёки беш отлик билан икки пиёда

қўриқчилигида бир карета келарди. Кейинчалик маълум бўлдики, каретада ўтирган хоним Севильяга, эрининг ҳузурига келаётган экан. Роҳибларга кўзи тушган ҳамоноқ дон Кихот ўз яроқбардорига қичқирди:

– Мана, биродарим Санчо, шундай ажойиб саргузаштнинг устидан чиқиб қолдикки, бунақасини буюртириб ҳам учратиб бўлмайди! Ҳув анави қора кийимли отлиқлар ёвуз ниятли сеҳргарларнинг ўзи, бунга шубҳа йўқ, улар бирор қироличани ўғирлаб, худо билади, қарга олиб қочиб кетишаётган экан. Аммо мен қандай қилиб бўлса ҳам, уларнинг жирканч найрангларини пучга чиқаришим керак.

– Ўйлаб кўринг, марҳаматли сеньорим, – деб жавоб берди Санчо, – тагин ярамас аҳволга тушиб қолманг. Қора кийимли бу отлиқлар оддий бенедиктчи-роҳиблар, каретада эса саёҳатчилар келишаётган бўлишлари керак. Шошманг, сеньор! Нима қилаётганингизни аввал яхшилаб ўйлаб кўринг!

– Мен сенга боя айтган эдим, Санчо, рицарлик саргузаштларига ақлинг етмайди деб, лекин мени алдаёлмадилар!

У шундай деди-ю, от йўрттириб кетди. Роҳиблар сўзини эшитадиган жойга яқинлашгач, Росинантни тўхтади, баланд товуш билан қичқирди:

– Эй сиз, ёвуз дўзахилар, ўғирлаб олиб қочиб кетаётганингиз олижаноб маликаларни дарҳол қўйиб юборинг, йўқса, қилган жиноятларингизга яраша жазо топасиз, ўлимнингиз менинг қўлимда!

Дон Кихотнинг ғалати кўриниши ва бемаъни сўзларини эшитиб ҳайрон қолган роҳиблар хачирларининг жиловини тортиб тўхташди. Ҳайратларидан ўзларига келгач, шундай жавоб беришди:

– Сеньор рицарь, биз ҳеч қанақа ёвуз дўзахилар эмасмиз, авлиё Бенедикт ордени роҳибларимиз. Ўз ишимиз билан йўлга чиққанмиз. Бу каретада ким кетаётгани ёхуд кимни олиб кетаётганлари бизга номаълум.

– Йўқ, мени алдаёлмайсанлар! Сен беномус ёлғончиларни жуда яхши биламан! – деб хитоб қилди дон Кихот.

У шундай деяркан, жавоб ҳам кутиб ўтирмай, шпорлари билан Росинантни бир ниқтади-да, найзасини ўқталганча роҳиблардан бирига ғазаб билан шундай ташландики, агар у ўзини ерга отмаганида, эҳтимол, дон Кихот уни эгардан уриб туширган ва жуда қаттиқ ярадор қилган ёки биратўла ўлдириб қўяқолган бўларди.

Роҳибнинг ерга ётганини кўрган Санчо эшагидан сакраб тушди-да, унинг кўйлагини еча бошлади. Роҳибларни кузатиб бораётган иккала хизматкор ўдағайлаб Санчога ташланишди. Санчо рицарлик қонунларига мувофиқ хўжайини жангда қўлга киритган ўлжани олишга ҳақли эканлигини уларга айтиб, беҳуда қичқирарди. Хизматкорлар рицарлик қонунларини етти ухлаб тушларида ҳам кўрмаган эдилар. Дон Кихотнинг саёҳатчи аёл билан суҳбатга тушиб кетганини ва ўз томонларига қарамаётганини кўриб, улар Санчони ерга ётқизиб олдилар-да, чала ўлик қилиб роса дўппосладилар. Бу орада жон-пони чиқиб кетган роҳиб ўрнидан турди-да, ҳачирига миниб, уни нарида кутиб турган ҳамроҳи ёнига ҳайдаб кетди. Кейин ҳар иккала бенедиктчи бу ғалати воқеанинг нима билан тугашини ҳам кутиб ўтирмай, кетларидан иблис изма-из қувиб келаётгандай кўрқиб, чўқинганларича илгарилаб кетдилар.

Бу пайтда дон Кихот каретада ўтирган хонимга шундай сўзлар билан мурожаат қиларди:

– Зоти олиялари озод қилиндилар, – деб гап бошлади у, – энди нимани хуш кўрсалар, шуни қилаверсинлар, чунки ўзларини ўғирлаганларнинг номуссизлиги менинг забардаст билакларим зарби остида кўкка совурилди. Лекин сиз ўз халоскорингизнинг номини билиб олишингиз керак. Мен оламда беқиёс ва гўзал донья Дульсинея Тобосскаянинг асири бўлмиш жаҳонгашта рицарь ламанчлик дон Кихот бўламан. Мен сизга кўрсатган хизматим мукофотига фақат бир нарсанигина сўрайман: Тобосога бориб, қалбим хоқони бўлмиш маликам ҳузурига киринг-да, сизга озодликни мен тухфа қилганимни айтинг.

Келиб чиқиши бискайлик<sup>21</sup> бўлган, каретани кузатиб бораётган отбоқарлардан бири ўзларининг Тобосога



қайтишларини дон Кихотнинг талаб қилаётганини эшитиб қолиб, от қўйиб келди-да, рицаримиз найзасини ушлаб олиб, испанчани бузиб қичқирди:

– Йўлингдан қолма, рицарь, жўна! Ҳозироқ каретани қўйиб юбор, бўлмаса, худо ҳақи қасамёд этаманки, бошингни сапчадай узиб ташламасам, бискайлик номимни бошқа қўяман!

Дон Кихот унинг гапларини яхши тушуниб, муносиб жавоб қилди:

– Ярамас махлуқ! Хизматкорсан-да, башарти рицарь бўлганингдами қўполлигинг ва безбетлигинг учун адабингни бериб қўярдим-а.

– Қанақасига мен рицарь эмас эканман! Худо ҳақи ёлғон гапиряпсан! Қани найзангни ташлаб, қиличингни ол-чи! Мен бискайликман, денгизда ҳам, қуруқликда ҳам идальгоман. Рицарманми, рицарь эмасманми, буни сенга бир кўрсатиб қўяй, – деб қичқирди ғазаби қайнаб бискайлик.

Бу кўрслик дон Кихотни ғазаблантириб юборди.

– О, қалбимнинг хоқони, гўзалларнинг гули Дульсинеям, саховатингизни тан олиб, мардона жангга кираётган рицарингизга мадад беринг.

У шундай деди-ю, найзани ерга улоқтириб, қилични олди-да, ҳаддан зиёд мардоналик билан бискайликка ташланди. Бироқ бискайлик ҳам қўрқиб-писиб ўтирмади. Кўз юмиб-очгунча каретадаги ёстиқни олиб, кўксига қалқондай тутди-ю, жойидан қўзғалмай душманини кутганча тураверди. Томошабинлар бу даҳшатли олишувни чурқ этмай кузата бошладилар. Каретадаги хоним билан унинг оқсочлари авлиёларга нола қилиб, ўз хизматкорларига мадад тилай бошладилар.

Энг аввал жиззаки бискайлик зарба берди. У душманга шу қадар ғазаб ва куч билан ташландики, қўлидаги қиличи айланиб кетмаганида борми, бу зарба орадаги даҳшатли яккама-якка олишувгагина эмас, балки умуман рицаримизнинг бундан кейинги саргузаштларига ҳам чек қўйган бўларди. Лекин янги жасоратлар кўрсатиш учун дон Кихотнинг жонини

асраб қолган мурувватли тақдир рицаримиз душ-манининг қўлидаги қилични айлантириб юборди-ю, бунинг натижасида қилич рицарнинг чап елкасини ялаб ўтди. Бироқ унинг дубулғаси синиб, қулоғининг бир чеккасини ялаб кетди, совутининг чап ёни узилиб, даранг-дурунглаб ерга тушди.

Дон Кихотнинг шу тобда ғазаби қанчалик қайнаб кетганини тасвирлашга қалам топилармикан? У узангига оёқ тираб қаддини ростлади-да, бискайликнинг бошига шундай қаҳр билан қилич солдики, унинг оғзи, бурни, қулоқларидан шариллаб қон оқа бошлади, ўзи эгарда чайқалиб кетди, агар хачирининг бўйинини қучоқлаб қолмаганида, эгардан учиб тушарди. Жилов қўлидан чиқиб кетди, узангидан оёқлари сирғалиб тушди, ҳуркиб кетган хачир далада шаталоқ отиб чопиб бораётиб, хўжайинини ерга йиқитиб юборди.

Бискайлик ерга йиқилгач, дон Кихот отидан сакраб тушиб, шикастланган душманнинг олдига югуриб борди-да, бошида қилич ўйнатиб, таслим бўл, деб қичқирди. Бироқ бискайлик каловлаб қолганидан бир оғиз сўз ҳам айтолмади. Олишувнинг оқибати бу бечора учун бундан ҳам беш баттар бўлиши мумкин эди, ғазабдан ўзини йўқотиб қўйган дон Кихот уни аямасди. Бироқ бу шўрликнинг бахтига яккама-якка олишувни кузатиб турган малика каретадан сакраб тушди-да, хизматкорининг бир қошиқ қонидан кеч, деб ялинмоқчи бўлиб рицарь томонга югурди.

– Хизматингизга ҳамиша тайёрман, гўзал маликам, – деди дон Кихот виқор ва салобат билан, – илтимосингизни бажонидил бажараман, лекин бунинг бир шарти бор: бу рицарь Тобосо деган қишлоққа бориб, менинг номимдан оламда тенги йўқ донья Дульсинея оёғига йиқилишига ваъда бериши керак, кейин Дульсинея буни нима қилса, ўзи билади.

Қўрқиб кетган ва ранжиган малика унинг нималар деяётганини яхши англамай, ҳатто Дульсинеянинг кимлигини сўраб ҳам ўтирмай, рицарга хизматкори унинг буйруғини айтганидай қилиб бажаражагига сўз берди.

– Ваъдангизга ишонаман, – деди дон Кихот, – гарчи қаттиқ жазога лойиқ бўлса ҳам, гуноҳидан кечаман унинг.

### ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

#### **ДОН КИХОТ БИЛАН САНЧО ПАНСА ЎРТАСИДАГИ АНТИҚА СУҲБАТ**

Роҳибларнинг хизматкорлари уриб дабдала қилиб ташлаган Санчо Панса бир амаллаб ўрнидан турди-да, дон Кихотнинг яккама-якка олишувини зўр диққат билан кузата бошлади. У, рицаримизга ғалаба тилаб, хўжайини губернаторлигини ваъда қилган бирор оролни забт этишига мадад беришини сўраб астойдил худого илтижо қила бошлади. Жанг тамом бўлганини ва хўжайиннинг Росинантга минмоқчи бўлаётганини кўриб югуриб борди-да, оёғига тиз чўкиб, қўлини ўпди ва шундай деди:

– Сеньорим дон Кихот, марҳаматингизни аямай, бу даҳшатли жангда қўлга киритган оролингизнинг губернаторлигини инъом этсангиз менга. Бу орол қанчалик катта бўлмасин, уни оламдаги барча губернаторлардан кам бошқармаслигим ва буни удалай олишимга кўзим етиб турибди.

Бунга дон Кихот шундай жавоб берди:

– Шуни билиб қўйки, биродар Санчо, жаҳонгашта рицарлар йўлларнинг чорраҳаларида бунақа ҳодисаларга тез-тез дуч келиб турадилар: бундай пайтларда бошинг ёрилиши ёки қулоғингдан ажрашинг мумкин, лекин бундан бирор манфаат кўролмайсан. Сабр қил, бундан муҳимроқ ҳодисаларга ҳам дуч келамиз ҳали, ўшанда сени орол губернаторлигигагина эмас, ундан ҳам юқорироқ бирорта амалга қўяман.

Санчо дон Кихотга самимий миннатдорчилик билдириб, унинг қўлини ва совутининг этагини ўпди-да, Росинантга минишига ёрдам берди, кейин эшагига миниб, хўжайини кетидан жўнади. Дон Кихот каретада ўтирган маликага бир офиз ҳам сўз айтмай, хайр-маъ-

зурни насия қилиб, отини йўрттириб кетди. Санчо унинг орқасидан зўр бериб эшагини лўкиллашиб борар, бироқ эшак Росинантга етолмасди. Кўп ўтмай Санчо орқада қолиб кетди. Шунда у мени кутиб тур деган мақсадда хўжайинига қичқирди. Унинг қичқирган товушини эшитган дон Кихот Росинантни тўхтатди. Санчо унга етиб олиб бундай деди:

– Бирор черковга яширинсак, оқилона иш қилган бўламиз деб ўйлайман, сеньор, чунки ҳозир сиз олишган одам шундай оғир яраландики, буни Санта Эрмандадга<sup>22</sup> хабар қилишса, ажаб эмас. Унда бизни қамаб қўйишади; у ердан қутулиб чиққунча эса кўра-диганимизни кўрамиз.

– Бас қил, – деди дон Кихот. – Яккама-якка олишувда ўз рақибини ўлдиргани учун жаҳонгашта рицарни турмага ташлаш – бу сира бўлмаган гап!

– Одам ўлдириш ҳақида ҳеч нарса билмайман, – деб жавоб берди Санчо, – умримда бунақа ишни қилмаганман, лекин Санта Эрмандаднинг катта йўлларда ёқалашадиган одамлар билан жуда қизиқишини яхши биламан.

– Ташвишланмай қўяқол, дўстим, – деди дон Кихот, – мен сени ҳар қандай турмадан ҳам қутқара оламан. Лекин менга виждонан шуни айт-чи: дунёда мендан довюрак бирор рицарни кўрганмисан сира? Ҳамла қилишда мендан кўра жасоратли, ҳимояда матонатли ва зарба беришда эпчилроқ рицарь борлигини ўқиган-мисан романларда?

– Ростини айтсам, – деди Санчо, – умрим бино бўлиб бирор романни ўқимаганман, чунки ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайман. Аммо гаров боғлашишга ҳам тайёрманки, дунёга келганимдан бери сиздан жасурроқ жанобга хизмат қилмаганман. Фақат сизни ана шу жасоратингиз учун ҳозиргина мен тилга олган ўша хилват жойда жазонгизни тортмасангиз бўлгани. Бироқ, муҳтарам сеньор, ўз гамингизни ҳам ейишингиз керак, ахир, қулофингиздан тирқираб қон оқяпти, менинг тўрвамда эса титилган ип\* билан бир оз оқ малҳам бор.

\*Латтадан титиб олинган ип: илгари вақтларда ярага боғлаш учун пахта ўрнида ишлатиларди. *Тарж.*

– Шифобахш, мўъжизакор Фъеарабрас малҳамини қандай тайёрлашни унутиб қўймаганимда-ку, – деб жавоб берди дон Кихот, – буларнинг ҳаммаси ортиқча эди-я! Ана ўша малҳамдан зигирчаси бўлганда, ҳар қандай жароҳатни тузатиб юборади.

– У қанақа малҳам? – деб сўради Санчо Панса.

– У малҳамнинг таркибини жуда яхши эслайман, – деб жавоб берди дон Кихот. – Шошмай тур, дастлаб учраган қишлоққа кириб боришимиз биланоқ сенга ўша дорини тайёрлаб бераман. Агар вақти келиб жангда бирор қудратли душман мени икки бўлак қилиб чопиб ташласа (жаҳонгашта рицарлар бундай ҳодисага учраб турадилар), унда ерга афдалиб тушган ярим бўлагимни эҳтиёт билан кўтариб ол-да, уни эгарда қолган ярим бўлагимга бириктир, лекин билиб қўй, иккала бўлагим жуда тўғри бўлсин. Шундан кейин менга ўша малҳамдан икки-уч қултум ичир, қарабсанки, ҳеч нима бўлмагандек соппа-соғайиб кетаман.

– Ундай бўлса, – деди Санчо, – менга ҳеч қанақа губернаторликнинг кераги йўқ. Сизга кўрсатаётган чексиз ва садоқатли хизматим эвазига сиздан фақат бир нарсани сўрайман: менга ана шу ажойиб дорининг таркибига кирадиган дориворларнинг рўйхатини берсангиз бас, марҳаматли жанобим. Сира шубҳам йўқки, ўша малҳамингизнинг бир мисқолини ҳамма вақт ва ҳамма ерда икки реалга, балки ундан ҳам қимматроққа пуллаш мумкин. Бу эса умримни ҳалол ва тинч яшаб ўтказишимга етарлидир. Ҳа, айтгандай, бунақа дорини тайёрлаш қимматга тушадими?

– Уч реалга унинг уч асумбрасини<sup>23</sup> тайёрлаш мумкин, – деб жавоб берди дон Кихот.

– Ундай бўлса нимани кутиб турибсиз, марҳаматли сеньор! – хитоб қилди Санчо. – Ўзингиз ўша дорини тайёрласангиз, менга ҳам ўргатсангиз бўлмайдими?

– Жим бўл, дўстим, – деб жавоб берди дон Кихот, – ҳали мен сенга бундан ҳам катта сирларни айтаман, бундан ҳам ортиқ лутф-эҳсонларга кўмиб юбораман. Энди қулоғимни тузатиш чорасини кўрайлик, унинг офриғи жонимдан ўтиб кетяпти.

Санчо тўрвасидан титилган ип билан малҳам олди. Дон Кихот дубулғасини оларкан, унинг пачоқланиб кетганини кўриб ақдан озишига сал қолди. Қўлини қиличига қўйиб ва кўкка кўз тикиб туриб шундай деди:

– Ўн саккиз минг оламини яратувчиси ва тўрт муқаддас китоб ҳақи қасамёд этаманки, буюк маркиз Мантуанский ўз жияни Балдуиннинг ўлими учун қасос олишга қасамёд этганидан кейин қандай яшаган бўлса, мен ҳам бундан буён шундай яшайман: мени бундай ҳақоратлаган шахсдан қасос олмагунимча дастурхондан нон емасликка, уй ва кулбаларда тунамасликка, яроғ-аслаҳаларимни ечмасликка ва уйимга қайтмасликка қасам ичаман.

Санчо бу сўзларни эшитиб шундай деди:

– Нималар деяпсиз, муҳтарам жанобим, сеньор дон Кихот! Агар сиз енгган рицарь буйруғингизни бажо келтириб, Дульсинея Тобосская хоним ҳузурига оёғига бош ургани жўнаган бўлса, унда сизнинг олдингизда у бегуноҳ ва янгитдан жиноят қилмагунича яна жазоланишга лойиқ эмас-ку, ахир.

– Гапинг тўғри, Санчо, – деб жавоб берди дон Кихот. – Мен ўша рицардан қасос олишдан воз кечаман. Лекин мен бошқа бирор рицардан худди мана шу дубулғамдай ажойиб дубулғани тортиб олмагунимча ўз қасамимга содиқ қоламан. Яна мени, овиз кўпиртиряпти, деб ўйлама. Ахир, мен буюк кишилардан ибрат олиб, уларнинг изидан бораман: Мамбриннинг дубулғаси билан ҳам шундай бўлган, бу Сакрипантга жуда қимматга тушган.

– Бундай ниятларингиз балога даф бўлсин-е, муҳтарам жаноб! – хитоб қилди Санчо. – Бу фақат соғлиққа зиён, виждон азоби-ку. Борди-ю, дубулға кийган одамни яқин орада учратолмасак-чи? Унда нима қиласиз. Наҳотки, ақдан озган ўша кекса маркиз Мантуанский изидан бориб, кийимингизни ечмай ухлаб, очиқ ҳавода тунаб, хуллас, ўзингизни минг азобга мубтало қилиб, бу ниятингизни амалга оширмақчи бўлсангиз? Ўзингиз ўйлаб кўринг, марҳаматли сеньор, бу йўллардан қуролланган рицарлар эмас, балки шу атрофда яшовчи оддий подачилар билан тинч аҳоли қатнайди-ку, ахир.

Бу бечоралар дубулғани кўриш у ёқда турсин, бундай нарса борлигини эшитмаган бўлсалар ҳам керак.

– Янглишяпсан, – деб жавоб берди дон Кихот. – Орадан икки соат ўтар-ўтмас гўзал Анжелика туфайли Альбракни<sup>24</sup> қамал қилган қўшинлардан ҳам кўпроқ қуролланган кишиларга дуч келаман.

– Ҳа, майли, сиз айтгандай бўла қолсин, – деб жавоб берди Санчо. – Лекин худо ёр бўлиб, тезроқ омадимиз келсин-у, менга жуда қимматга тушадиган ўша оролни забт этайлик, ана ундан кейин ўлсам, армоним йўқ.

– Бундан ташвишланмагин, деб айтдим-ку сенга, Санчо, орол бўлмаса, худди узукка кўз қўйгандай сенга жуда боп келадиган бирорта қиролик, масалан, Дания ёки Собрадисга ўхшаш мамлакат топилиб қолар, бундан фойда қилсанг қиласанки, зиён кўрмайсан, ахир, қиролик бу чор атрофи қутурган денгиз билан қуршалган бирорта кичкинагина орол эмас-ку; ҳа, у ерга сув кечиб хавф-хатарда эмас, қуруқликдан хотиржамгина борса ҳам бўлади-ку. Дарвоқе, бу ҳақда вақти-соати келганда гаплашамиз, ҳозир тўрвангни қараб кўр-чи, ейдиган бирор нарса бормикин. Тамадди қилиб олгач, бирор қалъани излаб йўлга тушамиз, ўша ерда тунаймиз, боя сенга айтган дорини тайёрлайман, нега десанг, худо ҳақи, қулоғимнинг оғриғига ҳеч чидаёлмаяпман.

– Тўрвамда атиги бир дона пиёз, бир бўлак пишлоқ, бир-икки бурда нон бор, – деди Санчо. – Булар сиздек мард бир рицарга арзимайдиган овқат, марҳаматли хўжам.

– Бу масалада жуда калтафаҳмсан-да! – хитоб қилди дон Кихот. – Қулоғингда бўлсинки, Санчо, жаҳонгашта рицарларнинг мардлиги ва жасорати – ойлаб овқат емай юравериш-да! Ҳар ҳолда улар овқат танлаб ўтиришмайди, тўғри келган нарсани еб кетаверишади, агар менчалик кўп роман ўқиганингда эди, машҳур рицарларнинг ўз шарафига берилган зиёфатлардагина овқат ейишларини, бошқа вақтларда эса гулларнинг исига маст бўлиб юраверишларини билган бўлардинг. Фақат гулларнинг ҳиди билангина қорин тўйғазмай, бошқа зарур нарсаларни ҳам ейишган бўлиши керак,

албатта. Ахир, рицарлар ҳам ҳаммага ўхшаган одам, шундай бўлгач, овқатланмасликлари мумкин эмас. Умрларининг кўпини ўрмонзор ва чўлу биёбонларда ўтказганлари учун худди ҳозир сен менга таклиф қилаётган оддий қишлоқона овқатлар билан кифояланган бўлсалар керак. Шунинг учун, дўстим Санчо, менга қувонч бахш этган нарсадан сен ранжимамай қўяқол, нега десанг, мен учун аждодларимдан ибрат олишдан ҳам ҳузурлироқ нарса йўқ. Бутун фикри-ёдини қусуру иллат ва гуноҳга ботган оламини қайтадан янгилашга қаратган одам овқат ҳақида ўйлармиди! Мени жаҳонгашта рицарлик муқаддас урф-одатларини бузишга мажбур этишга уринмай қўяқол.

– Муҳтарам жанобим, кечиргайлар, – деб жавоб берди Санчо. – Мен ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайман-ку, ахир. Шундай экан, рицарлик қоидаларидан қандай хабарим бўлсин. Бундан буён сиз учун қопда қуритилган турли меваларни олиб юраман, ўзимга бўлса ҳам мазали, ҳам ёғлироқ бирор нарса ғамлаб оламан.

– Мен, жаҳонгашта рицарлар қуруқ мевадан бошқа ҳеч нарса ея олмайдилар деяётганим йўқ, – эътироз билдирди дон Кихот. – Улар одатда қуруқ мевалар билан, яна далада ўсадиган баъзи бир гиёҳлар билан тамадди қилишарди, демоқчи эдим, холос. Мен ана ўша гиёҳларни яхши биламан, уларни топишга ҳам қодирман.

– Мана бу жуда ҳам фойдали илм экан, – тан берди Санчо, – вақти келиб унинг асқатиши турган гап, буни юрагим сезиб турибди.

### ЎНИНЧИ БОБ

#### **ДОН КИХОТНИНГ ЯНГУЭСЛИК ОТБОҚАРЛАР БИЛАН БЎЛГАН МАШЪУМ УЧРАШУВИ**

Шу ерга келганда дон Кихот билан Санчо ўз йўрғаларидан тушдилар, озиқ-овқат солинган тўрвани очдилар, унда борини осойишта ва иноқлик билан, ўз мартабаларига қарамай, дўстона баҳам кўра бошладилар.



Бу орада Росинант билан эшак қуюқ ўтзорда бема-лол ўтлаб юришарди. Санчо Росинантнинг ювошли-гига ишониб, уни кишанламади. Бироқ тақдир ёки тўғрироғи, шайтон қалтис ҳазил қилиб, дўстларимиз бошига оғир маломатлар солди. Шу ўтлоқда янгуэслик отбоқарларнинг отлари ҳам ўтлаб юрарди. Ёлғизликда зерикиб қолган Росинант отларни кўриб, улар ёнига йўрғалаб кетди. Бироқ Янгуэс тулпорлари Росинантни жуда совуқ кутиб олишди, биргалашиб бечорани тиш-лашга, тепишга киришишди. Орадан бир дақиқа ҳам ўтмай, Росинантни эшитиб отбоқарлар югуриб келиш-ди. Улар ўз уюрларида бегона отни кўриб, сўйиллари билан шўринг қурғур Росинантнинг шундай таъзирини бердиларки, у нақ чалажон бўлиб ерга йиқилди.

– Дўстим Санчо, – деди дон Кихот, – буларнинг рицарь эмас, балки пасткаш ҳамда разил одамлар эканлиги кўри-ниб турибди. Бинобарин, Росинант учун улардан қасос олишда менга дадил ёрдам беришинг мумкин.

– Улардан қандай қасос олиш мумкин, – деб сўз қот-ди Санчо, – ахир, улар йигирма кишидан ошиқ бўлса, биз эса аслида бир яриму санокда икки киши бўлсак.

– Ёлғиз ўзим юзтасига бас келаман, – деди дон Ки-хот. Шундан кейин ортиқча гапириб ўтирмай, қили-чини яланғочлади-ю, янгуэсликлар устига ташланди. Ўз хўжайинининг жасоратидан далда олган Санчо Панса ҳам унинг кетидан жангга ташланди. Дон Ки-хот биринчи зарбадаёқ отбоқарлардан бирини оғир ярадор қилди. Аввалига янгуэсликлар бир дақиқа ҳангу манг бўлиб қолишди, лекин ҳужумга отилган икки киши эканини кўриб, ўзларини анча босиб олиш-ди-да, сўйилларини ишга солишди. Улар рақибларини қуршаб олиб, чаққонлик ва эпчиллик билан беаёв савалайверишди. Бу тенгсиз жанг узоққа бормади: бир неча дақиқа ўтмаёқ Санчо ерга чўзилиб қолди, бу олишувда бор маҳорати ва мардлиги ҳам кўп иш беролмаган дон Кихот эса Росинантнинг оёқлари ёнига қулади. Чунки ғазаби қўзиган деҳқонлар қўлида сў-

йил даҳшатли қуролга айланиб кетади-да. Отбоқарлар ўз душманларининг қимир этмай ётганини кўриб, бу нотаниш кишиларни ўлдириб қўйибмиз, деб ўйлашди. Янгуэсликлар ўзларини қотилликда айблаб, жавобгарликка тортишларидан қўрқиб, шоша-пиша отларига юklarини ортдилар-у, ерпарчин бўлиб ётган икки саргузашт изловчини шу аҳволда қолдирганча йўлларига равона бўлдилар.

Аввал Санчо Панса ўзига келди. Кўзини очиб у ёқ бу ёққа қараркан, ёнида ётган хўжайинига кўзи тушиб:

– Сеньор дон Кихот! Ҳой, сеньор дон Кихот! – деди оҳиста, мунгли оҳангда.

– Нима дейсан, биродарим Санчо! – инграб жавоб қилди дон Кихот.

– Сиз марҳаматли жанобимнинг бир-икки томчи Ферта Бласе малҳамини мендан аямасликларини истардим, – деб жавоб берди Санчо Панса. – Балки бу малҳам рицарь қиличи зарбини тузатганидек, деҳқон сўйили зарбидан етган жароҳатга ҳам шифо берар.

– Ҳайҳот! – хитоб қилди дон Кихот. – Бундай малҳамимиз бўлганда-ю, бошқа ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ эди-я. Аммо-лекин жаҳонгашта рицарь шарафи-ла қасамёд этаманки, Санчо Панса, агар тақдир тўғаноқ бўлмаса, уни икки кунга қолмай топаман.

– Муҳтарам жанобим, бу қонталашиб моматалоқ бўлиб кетган жойларимиз қачон тузалиб кетаркин? – деб сўради Санчо Панса.

– Ўзимнинг қонталаш жойларим майлику-я, – деб жавоб берди роса калтакланган рицарь, – аммо мени ҳамма нарсдан кўра юз берган воқеага ўзим айбдорлигим қийнаяпти. Рицарлик унвонини олмаган кишиларга қарши қилич кўтармаслигим керак эди. Ана шу рицарлик қонунларини бузганим учун ҳам жанглр худоси мени ҳақли равишда жазолади. Ҳа, Санчо Панса, айтадиган гапларимни қулофингга қуйиб ол, негаки, бу ҳар икковимизга ҳам фойдали: манфур авомнинг бизга ташланмоқчи бўлаётганини кўришинг биланоқ менинг қилич яланғочлашимни кутиб ўтирмай, ўз қиличингни ол-

гин-у, қўнглинг хоҳлаганича адабини бериб қўй. Борди-ю, авомнинг ёнини рицарлар оладиган бўлса, унда мен сени ҳимоя қилишга ва уларга муносиб зарба беришга қодирман. Ахир, бу шавкатли қўлларимнинг қудрати нақадар буюк эканлигига амалда минг бора ишондинг-ку.

Бечора сеньоримиз жасур бискайликни енганидан кейин ана шундай мағрурланиб кетганди. Бироқ Санчо Панса бу хусусда ҳўжайинига қараганда бошқачароқ фикрда бўлгани учун индамай қўяқолиш ўрнига шундай деб жавоб берди:

– Сеньор, мен беозор, камсуқум, мўмин-қобил, ким қандай хафа қилса ҳам, хўп деб кетаверишга тайёр одамман, чунки менинг хотиним, бола-чақам бор, уларни боқиб, катта қилишим керак. Ана шунинг учун ҳам, сиз марҳаматли жанобимнинг рухсатлари билан, на авомга, на рицарларга қарши сира-сира қилич кўтармайман. Мени хафа қилганларни ва бундан буён хафа қиладиганларни олдиндан кечираман. Мени кимки хафа қилмасин, аслзодами ё авомми, бадавлатми ё камбағалми, идальгоми ё деҳқонми, ҳар қандай одам бўлса ҳам бари бир: мен ҳеч кимга тегмайман.

Дон Кихот буни эшитиб, шундай деди:

– Қани энди, қовурғаларим бунчалик оғримаса-ку, сенинг қанчалик янглишаётганингни тушунтириб берсам, Санчо. Сўзларимга қулоқ сол, гуноҳкор банд. Ўзинг тасаввур қилиб кўр, борди-ю, биздан муруватини дариф тутаётган тақдир шамоли тўсатдан майлимизга қараб эсса-ю, орзу-истакларимиз елканини қаппайтириб, бизни мен сенга ваъда қилган ўша оролнинг гаванига олиб бориб қўйса. Ўшанда сен ўзингнинг бу янги лавозимингни уддалаёлмасан деб қўрқаман. Чунки сен хафа қилганлари учун қасос олишни, ўз ҳуқуқларинг учун мардона курашишни истамаяпсан. Ваҳоланки, одатда забт этилган мамлакатларнинг аҳолиси янги ҳокимга нохушлик билан истар-истамас бўйсундилар. Ана шундай аҳоли устидан ҳукмронлик қилиш учун эса ҳоким мард ва қатъий бўлиши зарур.

– Ҳозир мен, муҳтарам жаноблари тилга олганларидек, мард ва қатъий бўлишни истардим, – деб жавоб берди Санчо Панса, – сабаби аҳволим жуда оғир. Камбағаллик шаъним билан қасамёд этаманки, мен ҳозир насиҳатдан кўра дори-дармонга муҳтожман. Сеньор, ўрнингиздан туришга ҳаракат қилиб кўринг, зотан, у бунча ҳурматга лойиқ бўлмаса-да, Росинантнинг туришига ёрдам берайлик. Ахир, бу кўргиликларнинг сабабчиси-да у. Мен Росинантдан бундай учарликни сира-сира кутмаган эдим, уни ҳам ҳаминиша ўзимдай ақлли ва ювош деб ўйлардим. Ўз яқинларингнинг ичидагисини билиб олиш осон эмас, деб жуда тўғри айтишаркан. Сиз қилч ўйнатиб, ўша бечора жаҳонгашта рицарга голибона зарбалар берганингиздан кейин кўп ўтмай таёқдан елкаларимиз яғири чиқади, деб ким ўйлабди дейсиз!

– Сенинг елкаларинг-ку, Санчо, бунга ўрганиб қолган-а, аммо ҳеч ким ҳеч қачон бармоғини ҳам теккизишга журъат этолмаган менинг елкаларимни айтмайсанми, – деб жавоб берди дон Кихот. – Башарти мен кўплаб рицарларнинг бошига худди шундай мусибатлар тушган деб ўйламаганимда – нималар деяпман ўзи! Агар бунга имоним комил бўлмаганида, аллақачон алаимимга чидаёлмай оламдан ўтган бўлардим.

Унинг бу гапларига яроқбардори шундай деб жавоб берди:

– Модомики жаҳонгашта рицарларнинг бошига бундай мусибатлар тушиши муқаррар экан, сеньор, марҳамат қилиб менга айтинг-чи, бошимизда ҳадеб шунақа калтак синаверадами ёки орадан бирор маълум муддат ўтиши керакми? Шунақанги яна иккита ҳодисага дуч келгудек бўлсак, бардош бера олмаймиз, деб кўрқаман!

– Дўстим Санчо, шуни билиб қўйгилки, – деб жавоб берди дон Кихот, – жаҳонгашта рицарларнинг ҳаёти хавф-хатар ва мусибатлар билан тўла, лекин бунинг эвазига улардан ҳар қайсиси қиролик ва ҳатто императорлик тожига эга бўлишни умид қила олади. Биқинларим бунча қаттиқ оғримаганида-ю, улардан баъзиларининг бир сафар кўрсатган жасорати билан қиролик

тахтига чиққанини сенга айтиб берардим. Лекин ҳатто шундан кейин ҳам улар азоб-уқубат ва мусибатларга қўп марталаб бардош берганлар. Бу хусусда рицарлик тақдирининг бевафолигини ўз бошидан кечирган довьорак галлиялик Амадис ажойиб мисол бўла олади, бир куни у ўзининг ашаддий душмани сеҳргар Аркалайнинг қўлига тушиб қолади. Аркалай уни ўз қалъаси ҳовлисидаги устунга боғлаб қўйиб, отининг югани билан нақ икки юз мартадан ортиқроқ савалаган. Шунинг учун ҳам бошимга тушган азоб-уқубатдан нолиш мутлақо ярашмайди, чунки ана ўша довьорак ва олижаноб кишилар бошига тушган бахтсизлик меникидан юз чандон ортиқроқ. Бунинг устига, қўлга тасодифан тушиб қолган қурол билан етказилган жароҳат уят ҳисобланмайди. Бу хусусда яккама-якка олишувлар тўғрисидаги қоидаларда аниқ кўрсатмалар борки, унда шундай дейилади: «Борди-ю, бир этиқдўз қўлидаги қолипи билан бошқа бир этиқдўзни урса, унда гарчанд бу қолип ёғочдан ясалган бўлса-да, калтак егани таёқ билан калтакланган деб ҳисоблаб бўлмайди!». Бу бадбахт олишувда бизнинг шаънимизга доғ тушди деб ўйлама, чунки бу одамлар оддий таёқлар билан жанг қилди. Менимча, уларнинг бирортасида на қилич, на найза, на ханжар бор эди.

– Уларнинг нима билан жанг қилаётганларини кўришга менда вақт бўлмади, – деб жавоб берди Санчо. – Ҳаш-паш дегунча улар қўлларидаги таёқлари билан шундай сийлаб беришдики, кўз ўнгим қоронғилашиб, оёқларим чалишиб кетди. Бунинг устига, таёқ еганим учун шаънимга доғ тушдими ё йўқми, буни ўйлаб ҳам ўтирмайман. Бу зарбаларнинг қовурғаларимдаги сингари хотирамда ҳам чуқур из қолдирганларининг ўзи ҳам етиб ортади.

– Шунини билиб қўйки, ошнам Санчо, – деди дон Кихот, – унутилмайдиган алам ҳам, ўлим даволай олмайдиган жароҳат ҳам йўқ.

– Наҳотки, фақат вақт енгиллатиб, ўлим эса даволай оладиган мусибатлардан ҳам ёмонроқ ғам-алам бўлса оламда? – деб жавоб берди Санчо. – Агар дардимизга

оддий малҳам даво бўлганда-ку, алам демас эдим-а буни, лекин, назаримда, барча дори-дармонлар ҳозир бизга ёрдам беролмайди.

– Умидсизланма, дўстим Санчо! Мана мендан ибрат ол, – деди дон Кихот. – Кел, яхшиси, Росинантнинг ҳолидан хабар олайлик. Бу шўрлик ҳам биздан кам жафо кўрмаган бўлса керак.

– Жаҳонгашта тулпор бўлганидан кейин, – деб жавоб берди Санчо, – бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Эшагининг эсон-омон қолганига хурсандман, бизларнинг теримиз шилиниб кетишига сал қолган бир пайтда, унинг бир тола тукига ҳам зиён етмади.

– Бахтсизлик юз берганда, тақдир тақозоси билан ҳамиша ундан қутулишнинг бирон иложи топилади, – деди дон Кихот. – Мен бу гапни шунинг учун айтяпманки, эшагинг бу гал Росинантнинг ўрнини босиши ва бирор қалъага элтиши керак, токи у ерда жароҳатларимни даволаб, менга ғамхўрлик кўрсатгайлар. Мен умуман эшак миниш рицарни камситади, деб ўйламайман, хушчақчақ кулги худосининг тутинган отаси ва мураббийси хушфеъл кекса Силен<sup>25</sup> нинг Юзёлғон шаҳрига ажойиб эшак миниб борганини қаердадир ўқиганим эсимда.

– Ҳазратлари, у киши эшакка миниб олган бўлсалар керак, – деди Санчо. – Ахир, эгарга миниш билан худди ичига ахлат солинган қопдек кўндалангига ётишнинг фарқи бор-да.

Бунга дон Кихот шундай деб жавоб берди:

– Жангда яраланиш ҳамиша шуҳрат келтиради, дўстим Панса. Шундай экан, баҳслашиб ўтирмай, яхшиси, мени эшакка қулайроқ кўндириш тараддудини кўр. Тунгача бу хилват жойда қолиб кетмаслик учун шошилишимиз керак.

– Лекин мен сиз ҳурматли зотнинг оғиларидан жаҳонгашта рицарлар очиқ ҳавода тунашни афзал кўрадилар, деб эшитган эдим-ку, – деди Панса.

– Улар, – деб жавоб қилди дон Кихот, – тунашга жой тополмаганларида ёки ошиқ бўлиб қолганларида шундай ҳол юз беради. Тўғри, шунақа бир рицарь бўлган, у нақ икки йиллаб жазирама иссиқ, қаҳратон

қиш, ҳар қандай об-ҳаво шароитига бардош бериб, қояда яшаган, шундай бўлса ҳам, бундан қалбини ром этган хонимнинг хабари бўлмаган. Машҳур Амадис Галльский ўз дилдорининг ғазабига учраб, саккиз йил даштда қолиб кетган. Даштда у тавба-тазарру ва ибодат қилган, дарё-дарё кўз ёши тўкиб, шафқатсиз маликасидан гуноҳидан ўтишини сўраган. Шу вақт ичида у бирор марта ҳам ёпиқ жойда тунамаган, иссиқ овқат емаган, кийим-бошини ҳам алмаштирмаган. Бундан бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин.

Аммо бас, Санчо, ортиқча эзмаликнинг кераги йўқ. Эшак ҳам бирор балога учрамасидан тезроқ тарадду-дингни кўр.

– Йўқ, энди шайтон ҳам йўлдан оздиrolмайди, – деди Санчо.

Шундан кейин нақ ўттиз мартача оҳ-воҳ қилиб, олтиш марта хўрсиниб, уни бу аҳволга солганларни юз бор лаънатлаб, аранг турди ердан. Қадди уч букилиб оқсоқланганча ва гандираклаганча эшагининг ёнига борди-да, уни эгарлади. Эшак ҳам гўё хўжайинига раҳми келгандай жуда аянчли аҳволда эди. Санчо унга дон Кихотни қўндириб, Росинантни ҳам кетига боғлади-да, юганидан ушлаб, катта йўл томон аранг сурғалиб кетаверди.

Бироқ унга тақдир шафқат қилди. У бир чақирим ҳам йўл босмай, узоқдаги карвонсаройга кўзи тушди, дон Кихот уни шу заҳотиёқ қалъа деб ўйлади. Санчо бунинг карвонсарой эканини исботлашга беҳуда уринди. Дон Кихот бу қалъа деб туриб олди. Дарвозага етгунларича тортишиб бордилар. Етиб келишгач эса Санчо қаерга келишганини ҳам сўраб ўтирмай, тўппа-тўғри ичкарига етаклаб кираверди эшагини.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

### **РИЦАРЬ ҚАЛЪА ДЕБ ЎЙЛАГАН КАРВОНСАРОЙДА ДОН КИХОТ ВА УНИНГ СОДИҚ ЯРОҚБАРДОРИ БОШИГА ТУШГАН САВДОЛАР**

Карвонсарой эгаси эшакда кўндаланг ётган дон Кихотни кўриб Санчодан, бу бечорага нима бўлди, деб сўради. Санчо унинг қоядан қулаб биқинлари шикастланганини айтди. Карвонсарой бекаси, табиатан кўнгли бўш, раҳмдил аёл, бу сўзни эшитгач, дон Кихотга ёрдамга шошилди. У ўзининг ёшгина ёқимтой қизига янги меҳмонга қарашни буюрди. Бир кўзи гилай, ялпоқ бўйин, барваста ва новчадан келган Мариторнес исмли астуриялик хизматкор аёл билан рицаримизга яқиндагина бадавлат аревалолик хачир ҳайдовчи тунаган чордоқда жой ҳозирлашди.

Ўрин ҳам жуда ажойиб эди, баланд-паст икки ўриндиққа тўшалган жун тўшак босилавериш тошдан қотиб кетган, қўтос терисидай қаттиқ икки чойшаб исқирт, илма-тешик кўрпа – бу ётоқнинг бор жиҳози шу эди.

Дон Кихотни ана шу фақирона ўринга ётқизишди ва бека қизи билан икковлашиб шу заҳотиёқ унга малҳам сура бошлашди. Ана шу пайтда бека бечора идальгонинг баданида беҳисоб қонталашган жойларни кўриб, булар йиқилиб тушиб жароҳатланганга эмас, таёқ изларига ўхшайди-ку, деди.

– Таёқ изига дейсизми? – жавоб берди Санчо. – Йўқ, қоя жуда серқирра гадир-будир экан, ҳар қайси қирра баданида моматалоқ из қолдирган.

Кейин яна қўшиб қўйди:

– Бекам, бир яхшилик қилинг, ана шу малҳамдан озроғини эҳтиёт қилиб олиб қолинг. У яна бошқа бировга ҳам керак: менинг ўзимнинг ҳам белим зирқираб огрияпти.

– Бундан чиқди сиз ҳам юмалаб тушган экансиз-да? – деб сўради бека.

– Мен-ку юмалаб тушганим йўғ-а, – жавоб берди Санчо Панса, – хўжайиним йиқилиб тушганида шундай



қўрқиб кетдимки, мени минглаб сўйил билан калтаклашгандай баданим зирқираб кетди.

– Ҳа, шунақа бўлади, – деди беканинг қизи. – Мен ҳам кўпинча туш кўрганимда, қоядан йиқилиб кетаётганга ўхшайман-у, лекин ҳеч йиқилиб тушолмайман. Уйғониб кетганимдан кейин эса, чиндан ҳам йиқилиб кетгандай, ўзимни жуда ҳорғин сезаман.

– Ҳамма гап шунда-да, сеньора, – деди Санчо, – тушимда эмас, ўнгимда хўжайиним дон Кихотга ўхшаб бутун баданим кўкариб моматалоқ бўлиб кетди.

– Бу кабальеронинг исми нима? – деб сўради хизматкор аёл Мариторнес.

– Ламанчлик дон Кихот, – деб жавоб берди Санчо Панса. – У оламдаги энг машҳур ва энг қудратли жаҳонгашта рицарлардан бири.

– Жаҳонгашта рицарларнинг ўзлари ким? – яна сўради хизматкор аёл.

– Мана бу соддаликни қаранг-у, – хитоб қилди Санчо Панса. – Наҳотки, сиз уларнинг кимлигини эшитмаган бўлсангиз. Бўлмаса билиб қўйинг, синглим, жаҳонгашта рицарь дунёдаги энг ғалати зотдир. Бугун у чала ўлик қилиб калтакланиши, эртага эса қарабсанки император бўлиб олиши, бугун ожиз бир камбағал бўлиши, эртага эса ўз яроқбардорига учта-тўртта қиролликдан хоҳлаганини инъом эта оладиган бадавлат одам бўлиши мумкин.

– Ие, бу қанақаси? – сўради бека. – Хўжайинингиз ана шундай катта одам бўлса, нега шу маҳалгача ҳеч бўлмаса бирор графликни қўлга олмадингиз?

– Бу дарров бўла қолмайди-да, – деб жавоб берди Санчо. – Саргузашт излаб йўлга тушганимизга атиги бир ой бўлди, лекин шу маҳалгача бирорта ҳам арзийдиганига йўлиққанимиз йўқ. Баъзан излаганинг қолиб, мутлақо бошқа нарсани учратасан. Бироқ сизга шуни айтаманки, хўжайиним дон Кихот яраларидан қутулса, яъни лат еган жойлари тузалиб кетса, мен ҳам соғ-саломат бўлсам, Испаниянинг энг олди князларидан ҳам улурроқ бирор мартабага эришаман.

Дон Кихот бу суҳбатни жуда эътибор билан тинглади. У қаддини зўрға кўтарди-да, беканинг қўлини ушлаб туриб, шундай деди:

– Гапимга ишонаверинг, гўзал сенъора, мендек олий зотга ўз қалъангиздан жой берганингизни ўзингиз учун бир бахт деб ҳисоблашингиз мумкин. Мен ўзим тўғримда сизга гапириб ўтирмайман, чунки кимлигимни сизга маълум қилади. Аммо шуни айтмоқчиманки, менга кўрсатган марҳаматингиз хотирамда абадий қолади ва мен бунинг учун умр бўйи сиздан миннатдор бўлиб юраман. Борди-ю, номини мен шивирлаб такрорлашгагина қодир бўлганим марҳаматсиз гўзалнинг сеҳрли кўзлари ақли-ҳушимни ўғирлаб, муҳаббати мени асир қилмаганида эди, мана бу паринамо қизнинг кўлларига бутун эркимни тутқазган бўлардим.

Бека, унинг қизи ва оққўнги Мариторнеслар жаҳонгашта рицарнинг гапларини ҳайратланиб тингларканлар, гўё у юнон тилида сўзлаётгандай, ҳеч нарсага тушунмадилар. Тўғри, улар рицарнинг ўзларига яхши сўзлар билан ташаккур айтаётганини фаҳмладилар-у, лекин унга нима деб жавоб беришга ақллари шошди, шунинг учун ҳам унга анграйганча тикилиб туришди. Чиндан ҳам дон Кихот уларга аллақандай алоҳида бир зотдек туюлди. Бека билан қизи дон Кихотга хайрли тун тилаб чиқиб кетишди, хизматкор аёл Мариторнес эса хўжайинидан кам бўлмаган даражада ёрдамга муҳтож Санчо билан шуғулланди. Ўз ишини адо этгач, у ҳам пастга тушиб кетди ва сайёҳларимизнинг ўзлари қолди.

Дон Кихотнинг фақирона ва қаттиқ каравоти чордоққа кираверишда биринчи эди. Санчо унинг ёнига жойлашди, хачир ҳайдовчининг ўрни бир оз нарида эди. У ўз хачирларидан хабар олиб, тунги овқатларини бериб бўлгач, чордоққа чиқиб ёнбошлади-ю, шу заҳотиёқ ухлаб қолди. Санчо ҳам шундай қилмоқчи бўлди-ю, лекин биқинларининг оғриғи унга уйқу бермасди.

Дон Кихот оғриқдан Санчодан кам азоб чекмаётган эди, у кўзларини чақчайтирганича қоронғиликка беҳуда тикилиб ётарди. Кўп ўтмай уйга бутунлай жимлик

чўқди, кираверишдаги лампадан бошқа чироқларнинг ҳаммаси ўчирилди.

Бу чуқур сукунат ва идальгомизнинг севимли романларида тўлиб-тошиб ётган саргузаштлар тўғрисидаги хотиралар унинг бошида фараз қилишгина мумкин бўлган жуда ғалати ва бемаъни фикрлардан бирини уйғотди. Назарида у қандайдир улўғвор қалъага кириб қолгандай ва унинг ҳусни-жамолига асир бўлган беканинг қизи уни севиб қолгандай, бугун кечаси ҳузурига келишга ваъда бергандай туюлди. Бу алаҳлашларни чинакам ҳақиқат деб ўйлаб, бу машъум алдовларга учиб, ўз олиҳимматлигимга путур етмаса эди, деб ташвишлана бошлади. Ҳатто қиролича Жиневра<sup>26</sup> севги изҳор қилган тақдирда ҳам, ўз маликаси Дульсинея Тобосскаяга бевафолик қилмасликка қатъий қарор берди.

Бахтга қарши Мариторнесга чордоқда нимадир керак бўлиб қолди. У шовқин чиқармаслик мақсадида эҳтиёткорлик билан юқорига кўтарилди. Бироқ у энди остонадан ўтиши биланоқ дон Кихот унинг қадам товушини эшитиб, каравотида туриб ўтирди-да, хизматкорнинг яқинлашишини кута бошлади. Астуриялик аёл қоронғида дон Кихотнинг каравотига чиндан ҳам тегиб кетишига сал қолди ва олиҳиммат кабаљеромиз унинг қўлидан ушлаб қолишга улғурди. Қўрқиб кетган Мариторнес жон-жаҳди билан ундан қутулишга уриниб кўрди, лекин дон Кихот уни ўз каравотининг четига ўтирғизиб, мулойимлик билан оҳиста деди:

– О, гўзал, аслзода сеньора, бир қиё боқиб, мени самовий чиройингиздан баҳраманд этган бебаҳо илтифотингизга яраша яхшилик қилишни шундай истардимки! Бироқ машъум тақдир қалбимни алақачон бошқа бир гўзал малика севгиси билан банд этган. Қалбимдаги орзу-ўйларимнинг ягона ҳукмдори беқиёс Дульсинея Тобосскаяга мангу содиқ қолишга қасам ичганман. Башарти шундай бўлмаганида, сира ҳаялламай миннатдорлик ҳислари билан тўлиб-тошган юрагимни оёқларингиз остига тўкиб солардим.

Бироқ довдираб қолган Мариторнес дон Кихотнинг гапларига қулоқ солмас, қўлини тортиб олишга

уринарди. Ниҳоят, бу шовқин-сурон хачир ҳайдовчини уйғотиб юборди. Дарвоқе, унинг Мариторнесга майли бор эди. У рашки келиб, аста ўрнидан турди-да, дон Кихотнинг олдига келди. Қараса, дон Кихот қутулиб қочмоқчи бўлаётган Мариторнеснинг қўлидан ушлаб олиб, унга нималарнидир шивирляяпти. Фазабланган хачир ҳайдовчи кўп ўйлаб ўтирмай, бу гапга чечан рицарнинг жағига қулочкашлаб шундай туширдик, рицарнинг оғзи қоп-қора қон бўлди. Хачир ҳайдовчи бу ҳам кам дегандай дон Кихотнинг кўкрагига чиқиб олди-да, уни тепкилай бошлади. Омонатгина турган каравот икки кишини кўтара олмай шарақа-шуруқлаб синиб кетди. Бу қий-чувдан ташвишга тушган хўжайин чироқ кўтарганча чордоққа югурди. Уни кўриб янада эхсонаси чиқиб кетган Мариторнес қочиб кетаётиб тинч ухлаётган Санчонинг ўрнига қоқилиб кетди-да, унинг устига йиқилиб тушди. Санчо уйқу аралаш мени ажина бўғяпти, деб ўйлаб муштарини ишга солди. Оғриғига чидаёлмаган Мариторнес ҳам ҳар қандай эҳтиёткорликни унутиб, Санчони дўппослай бошлади, икки ўртада ораларида қизгин олишув бошланиб кетди. Буни кўриб хачир ҳайдовчи Мариторнесга ёрдамга ташланди, етиб келган хўжайин эса учраганни савалай бошлади. Кулфат устига чироқ ўчиб қолди, аёвсиз зарблар дуч келганга тушаверди.

Охири шундай бўлдики, ўша ҳовлида Теледо Санта Эрмандадни ўқчиси ҳам тунаб қолган эди, у ғалати тўс-тўполонни эшитиб, ҳассасини олганча чордоққа чиқди-да:

– Адолат ҳақи айтаманки, бас қилинлар! Худо ҳақи ҳамда Санта Эрмандад ҳақи бас қилинлар! Сизларга буюряпман буни! – деб қичқирди.

У энг аввал абжағи чиққан ўрнида беҳуш ётган дон Кихотга қоқилиб кетди. Ўқчи унинг соқолидан тутамланганча: «Адолат иши учун ёрдамга!» деб қичқирди. Бироқ тутиб олган одами қимир этмай ётганини кўриб ўлдириб қўйишибди, деб ўйлади-да, янада қаттиқроқ қичқирди:

– Дарвозаларни бекитинг! Ҳеч кимни ташқарига чиқарманг, бу ерда қотиллик юз берибди.

Буни эшитиб ҳамманинг қути ўчиб кетди, мушт кетди ҳам бир зумда тўхтади. Хўжайин шошганича ўз хонасига, хачир ҳайдовчи ёпинғичи остига, хизматкор аёл ўз ҳужрасига жўнаб қолди; фақат шўрлик дон Кихот билан Санчо ўз ўринларидан қўзғалишолмасди. Шунда ўқчи дон Кихотнинг соқолини қўйиб юборди-да, жинойтчиларни ушлаб қамоққа олиш ниятида чироқ излаб кетди. Бироқ анча вақтгача ҳеч нарса тополмади, чунки хўжайин йўлакдаги чироқни жўрттага ўчириб қўйган эди. Ўқчи ўчоқ бошига боришга мажбур бўлди, у ерда анча уриниб, зўр машаққат билан пировардида қора чироқни ёқди.

### ЎН ИККИНЧИ БОБ

#### **КАРВОНСАРОЙНИ ҚАЛЪА ДЕБ ВИЛИБ, ЎЗ БОШИГА БАЛО ОРТТИРГАН БОТИР РИЦАРЬ ДОН КИХОТ ВА УНИНГ СОДИҚ ЯРОҚБАРДОРНИНГ ТОРТГАН БЕҲИСОВ УҚУБАТЛАРИ**

Бу орада дон Кихот аранг ўзига келди, инқилаб яроқбардорини чақирди:

– Санчо, дўстим, ухлаяпсанми? Ухлаяпсанми, дўстим Санчо?

– Эй, уйқуга бало борми бу ерда, – жавоб қилди Санчо алам билан жаҳл аралаш, – туни билан жину иблислар мени мазах қилишиб чиқди.

– Бу гапингга тамомила ишонаман, – жавоб қилди дон Кихот, – сабаби ё мен ҳеч нарсани тушуна олмаяпман ёки бу қалъа сеҳрланган. Нега десанг... Ҳа, дарвоқе, аввал сен мен айтганларни ҳаётлигимда ҳам, оламдан ўтганимдан кейин ҳам оғзингдан чиқармасликка қасамёд қилишинг керак.

– Онг ичаман, – деди Санчо.

– Бундай дейишдан мақсад, – деди дон Кихот, – бирор кимсанинг шаънига доғ туширишга виждоним йўл қўймайди.

– Айтяпман-ку, сизга, – деди Санчо, – токи азиз жонингизни худойи таолога топширгунингизча бировга гапирмасликка қасам ичаман деб, худоё худовандо, эртагаёқ юрагимни бўшатишни насиб этсин.

– Наҳотки, мен сенинг дилингни оғритган бўлсам, Санчо? – сўради дон Кихот, – мунча менинг ўлимимни тилаб қолдинг.

– Йўқ, гап бошқа ёқда, – жавоб қилди Санчо, – шунчаки сир сақлашга сабри-тоқатим йўқ. Бу мен учун оғир ва жирканчли туюлади.

– Хўп, яхши, – деди дон Кихот, – менга бўлган муҳаббатинг, олиҳимматлигингга ишонаман. Шуни билиб қўйгинки, шу тунда мақтанса мақтангудек ажойиб бир воқеа юз берди. Қисқаси, менинг ҳузуримга шу қалъа хўжайинининг жаҳонда тенги йўқ гўзал қизи ҳозиргина келди. Унинг кийинишини, теран ақли ёки бошқа фазилатларини мен сенга қандай қилиб сўзлаб бера оламан, бунга маликам Дульсинея Тобосскаяга бўлган садоқатим монелик қилади. Мен фақат бир нарса дея оламан, холос: ё осмони фалак менинг бахт-саодатимга ҳасад қилди, ё тўғрироғи, қалъа сеҳрланган. Нега десанг, мен у қиз билан ширин суҳбат қилаётганимда қандайдир бир ғойибий дев қулочкашлаб жағимга шундай туширдик, шу дамгача оғзи-бурним тўла қон, кейин роса эзиб урди, аъзойи баданим титилиб кетди. Бунинг олдида кечаги подачиларнинг калтаклагани ҳолва деса бўлади. Буларнинг ҳаммасидан чиқадиган хулоса шуки, бу қизни сеҳрланган қандайдир мавр қўриқлаб туради, бу гўзал менга насиб бўлмайди.

– Ҳа, албатта, менга ҳам насиб бўлмаса керак, – жавоб қилди Санчо, – чунки туни билан елкамда тўрт юздан ортиқ мавр улоқ чопиб юрди, бунинг олдида кечаги калтак ейиш ширин бўсадай бир гап. Лекин қандай қилиб сиз, сеньор, буни ажойиб воқеа деб ҳисоблай оласиз? Ахир, биз аранг жон сақлаб қолдик, қилча фойда кўрмадик-ку. Муҳтарам жанобим ҳар ҳолда гўзал қизнинг қўлидан ушлашга муяссар бўлибдилар, каминанинг боши эса калтак остида қолди. Бахтсиз

одамман мен! Онам мени ғам-алам учун туққан! Ахир, мен мутлақо жаҳонгашта рицарь бўлмасам-у, негадир бутун калтак менинг бошимда синса!

– Бу қанақаси, наҳотки, сени ҳам калтаклаган бўлсалар? – сўради дон Кихот.

– Бўлмасам-чи, ёлғон бўлса, ота-онамга лаънатлар ёғилсин, – жавоб қилди Санчо.

– Хафа бўлма, дўстим, – деди дон Кихот, – ҳозир бебаҳо малҳам тайёрлайман, бирпасда тузалиб оламиз.

Шу вақт, ниҳоят, қора чироқни ёқишга муваффақ бўлган ўқчи ўлди деб ўйлаган жасадини кўргани кириб қолди. Ўқчи тўс-тўполонда кийиниб ололмаган эди, ҳозир эса бошидаги оқ рўмоли ва устидаги оқ кўйлақда қора чироқ ёруғида арвоҳдек кўринарди.

– Сеньор, бизни ўлдирмоқ учун қайтиб келган ва боя сиз айтган сеҳрланган мавр шу эмасми?

– Йўқ, у эмас, – жавоб қилди дон Кихот. – Чунки сеҳрланганларни кўриб бўлмайди.

– Агар уларни кўриб бўлмаса, сезиб бўлса керак, – деди Санчо, – буни зирқираб оғриётган биқинларим айтиб бериши мумкин.

– Менинг биқинларим ҳам, – деди дон Кихот, – лекин ҳар ҳолда биз кўриб турган бу одам сеҳрланган мавр бўлмаса керак.

Ўқчи буларнинг бемалол гаплашиб ўтирганини кўриб жуда ҳайрон қолди. У дон Кихотнинг ёнига келиб, сўради:

– Хўш, ишлар қалай, азизим?

– Сизнинг ўрнингизда бўлсам, сал хушмуомалароқ бўлардим. Ёки сиз томонларда жаҳонгашта рицарлар билан шунақа гаплашиш одат бўлиб қолганми, беадаб?

Бундай жавобни эшитган ўқчи жаҳли чиқиб, ёғ тўла қора чироқ билан дон Кихотнинг миясига шундай туширдик, калласи ёрилишга сал қолди. Хона қоп-қоронғи бўлиб қолди, ўқчи югуриб чиқиб кетди.

– Шубҳасиз, сеньор, – деди Санчо Панса, – бу ўша сеҳрланган мавр экан. У, афтидан, бебаҳо маликасини кимгадир сақлаётганга, бизга эса фақат мушту қора чироғини асраб қўйганга ўхшайди.

– Назаримда, рост гапираётганга ўхшайсан, Санчо, – деди дон Кихот, – бундай сеҳргар билан жанг қилишни ҳатто хаёлга келтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Шунингдек, газабланмоқ ёки нолимоқ ҳам бефойда. Ахир, булар кўринмас, ғойибона кучлар, улардан ўч ололмаймиз-ку. Бу ҳақда кейин гаплашармиз. Ҳозир эса, Санчо, ўрнингдан тур-да, қалъа комендантини чақириб кел. Ундан бир илож қилиб озгина ёғ, вино, туз ва розмарин\* олиб кел, шифобахш малҳам тайёрламасам бўлмайди. Тўғриси-ни айтганда, у менга жуда зарур. Бояги шарпа етказган жароҳатларимдан тирқираб қон оқяпти.

Санчо оғриқдан инқилаб ўрнидан турди-да, қалъа эгаси олдига кетди. Каловлаб бораётиб ўқчига урилиб кетди, шунда унга:

– Ким бўлсангиз ҳам, сеньор илтифот қилиб бизнинг ҳожатимизни чиқарсангиз: шу қалъага жойлашиб олган сеҳргар мавр зарбидан оғир жароҳатланиб ўрнидан туролмай ётган жаҳонгашта рицарлар орасида тенги йўқ бир кимсага дори тайёрлаш учун бир оз розмарин, вино ва туз топиб берсангиз, – деди.

Бу сўзларни эшитган ўқчи уни тентак экан, деб ўйлади. У кириш эшигини очиб, хўжайинни чақириб, унга шўрлик Санчонинг илтимосини айтди.

Хўжайин Санчога сўраган нарсаларининг ҳаммасини берди, у дон Кихотга олиб бориб берди.

Дон Кихот дориворларни дарҳол олиб, роса қориштирди. Мариторнес келтириб қўйган кўзачага солиб қайнатди, ниҳоят, шифобахш малҳам тайёр бўлди. Шундан кейин у қоришмани қуйиш учун бирор шишача келтиришларини сўради, бироқ уйда шиша топилмаганлиги учун зайтун ёғидан бўшаган тунука идишга қўйди. Шундан сўнг тунука идишга қараб саксон марта «яратган тангримиз» ва бошқа аллақанча дуоларни ўқиб, ҳар сўзида бир чўқинарди. Санчо Панса, хўжайин ва ўқчи дон Кихотнинг бутун хатти-ҳаракатини чурқ этмай кузатиб турдилар. Дуохонликдан сўнг рицаримиз дарҳол шифобахш малҳамнинг кучини синаб кўр-

\*Розмарин – барги ва гулидан хушбўй мой олинадиган ўсимлик.



моқчи бўлди, кўзачада қолган қоришмадан анчасини ютиб юборди. Бироқ дорини ичиб бўлар-бўлмас ўқчиқ тутиб, варақлатиб қуса бошлади. Ўқчийвериб қора терга ботди. У ўзини иссиқроқ ўраб, тинч қўйишларини илтимос қилди. Роса уч соат тошдек қотиб ухлаб тургач, дон Кихот ўзини тетик ва бардам ҳис қилди, ҳатто калтакдан сўнгги оғриқлар ҳам сезилмасди. У ўзини тамомила соғлом сезиб, ҳақиқий Фъеарабрас малҳамини ясаганига ишонч ҳосил қиларкан, бундан шу доривор шарофати билан ҳеч қандай тўқнашув, калтак ва муштлашишлар хавфли эмас, деди ўзича.

Хўжайиннинг соғайиши Санчо Пансага чинакам мўъжиза бўлиб кўринди, у шу заҳотиёқ дон Кихотдан сеҳрли малҳамдан беришини сўради. Дон Кихот бажонидил унга кўзачани узатди. Кўзачани қўшқўллаб ушлаб олган Санчо, бу дорининг сеҳрли кучига жуда ишониб, хўжайининикидан сал озроғини қултиллаб ичди. Аммо Санчонинг ошқозони хўжайининикига ўхшаш унчалик сезгир эмас эди. Бечора дарров қайт қилмади-ю, қорни мижғиб оғрий бошлади, аъзойи баданини совуқ тер босди; у энди куним битибди, деган қарорга келди.

Оғриқдан тиришиб, малҳамни ҳам, унга малҳам берган ярамасни ҳам сўка бошлади. Унинг азоб чекаётганини кўриб турган дон Кихот шундай деди:

– Назаримда, Санчо ҳамма фалокат сенинг ҳақиқий рицарь эмаслигинда бўлса керак, негаки бу малҳамнинг нафи фақат рицарларга тегади, холос.

– Муҳтарам жаноблари бундан хабардор бўлсалар, – хитоб қилди Санчо, – нега, ахир, эй зотим билан қуриб кетай, олдинроқ айтмадилар буни.

Шу пайт дори ўз таъсирини кўрсата бошлади. Совуқ тер қўйилаётган Санчо шу қадар ғужанак бўлиб олдики, унинг ўзигина эмас, балки бу ерда турганларнинг ҳаммаси омонатини эгасига топширадиган вақти етди, деб ўйлашди. Санчо икки соатча азоб чекди, тинка-мадори қуриб, оёқларида аранг турарди.

Бу орада дон Кихот янги саргузашт излаб тезликда йўлга чиқишни ихтиёр қилиб қолди, акс ҳолда бекор

ўтаётган ҳар бир соат унинг ҳимояси ва ҳомийлигига муҳтож бўлган барча бебахтлар учун бир мусибатдек туюлди. У ўз қўли билан Росинантни эгарлади, ўз яроқбардорининг эшагига бор юкларини ортди, сўнгра Санчонинг кийиниши ва эгарга миниб олишига ёрдамлашди.

Карвонсаройдаги жамики одам дон Кихотнинг жўнаб кетишини томоша қилгани йиғилишди. Тўпланганлар орасида хўжайиннинг қизи ҳам бўлиб, кабельеромиз ундан кўзини узмасди. Дам-бадам у чуқур хўрсиниб қўярди. Тўпланганлар, ақалли кеча кечқурун унинг этидаги моматалоқ бўлиб кетган ва шилинган, шалаббо бўлган жойларни кўрганлар у биқинларининг оғриғидан уҳ тортяпти, деб ўйлашди.

Хайрлашмоқ учун дон Кихот отини буриб, хўжайин олдига келди-да, тантанавор оҳангда шундай деди:

– Эй, бадавлат сеньор, қалъангизда менга улкан ва беҳисоб марҳаматлар кўрсатилди, зотан, мен сўнги кунларимга қадар сиздан миннатдор бўлишни ўз бурчим деб биламан. Оҳ, қани энди сизни хафа қилган бирор бешарм муттаҳамнинг таъзирини бериб, яхшилигингизни қайтаролсам эди. Зотан, билиб қўйингки, ожизларга ёрдамлашиш, мазлумларнинг тарафини олиш, ёмонларнинг таъзирини бериш менинг бурчимдир. Яхшилаб ўйлаб кўринг ва очиқдан-очиқ, айтаверинг, мабодо, менинг ҳимоямга муҳтож эмасмисиз. Рицарь номи билан қасамёд этаманки, сизнинг ҳар қандай адолатли истагингиз дарҳол ва беками-кўст бажо келтирилади. Хўжайин ҳам худди шу оҳангда деди:

– Сеньор кабальеро, дилимни оғритганлардан ўч олишингизнинг ҳеч ҳожати йўқ, чунки бундай воқеа юз бергудек бўлса, менинг ўзим дилозорларнинг адабини бериб қўйишга қодирман. Мен фақат жанобларининг меҳмонхонада бир кеча турганлари, кечки овқат ва икки ўрин, шунингдек икки жонивор еган сомону ем учун ҳақ тўлаб кетишларини истардим, холос.

– Демак, бу карвонсарой экан-да? – деб сўради дон Кихот.

– Шундай, бунинг устига донғи кетган қўноқхона, – деб жавоб қилди хўжайин.

– Шу дақиқагача мен янглишиб юрган эканман, – деди дон Кихот, – чунки, тўғриси айтганда, бу ерни мен қалъа деб тасаввур қилибман. Модомики, бу қалъа эмас, балки карвонсарой экан, мен сиздан ҳақ тўлашдан озод этишингизни сўрайман, холос. Зотан, мен жаҳонгашта рицарлар одоб қондасини бузолмайман. Бундай қоидага мувофиқ – бу нарсани яхши биламан – улар ҳеч вақт меҳмонхонада турганлари учун ҳақ тўлашмаган. Қадимий одат бўйича уларни ҳамма ерда иззат-икром билан кутиб олишлари керак; бу уларнинг кечаю кундуз саргузашт излаб очлик ва ташналик, иссиқ ва совуққа чидаб, беқарор тақдирнинг барча бевафоликларига бардош бериши эвазига кўрсатилган адолатли тортиқ бўлади, холос.

– Бундай масалаларга кўп ҳам тушунавермайман, – деди хўжайин. – Қани, тегишлисини тўлаб қўйинг, рицарларнинг ҳар хил қоида-қонунлари билан менинг ишим йўқ.

– Сиз беадаб ва кўрс одам экансиз, – хитоб қилди дон Кихот ва Росинантнинг биқинига ниқтаб, дарвозадан чиқаркан, яроқбардори орқасидан келяптими-йўқми, бу билан иши ҳам бўлмай, от йўртириб кетаверди. Меҳмоннинг ҳақ тўламай чиқиб кетганини кўрган хўжайин Санчо Пансага мурожаат қилиб, ҳақини тўлашни сўради, лекин Санчо бундан мутлақо бош тортди.

– Жаҳонгашта рицарнинг яроқбардори, – деди Санчо, – хўжайин амал қилган қоидага бўйсунишга мажбур.

Хўжайиннинг газаби қайнаб кетди, у агар Санчо тўламайдиган бўлса, уни ўзи билганича жазолашни айтиб дўқ урди. Лекин Санчо ўлдирсаларинг ўлдирингларки, мен тўламайман, деди. У ҳеч қачон жаҳонгашта рицарларнинг ажойиб, қадимий одатини бузмаслигини, акс ҳолда шундай одил қонунни бузганлиги учун бошқа яроқбардорларнинг таънаи маломатига қолиши мумкинлигини айтди.

Санчонинг шўрига бу кеча карвонсаройда сеговиялик тўрт мовут босувчи, кордовалик уч савдогар билан

Севилья ярмаркаси даҳасидан келган икки сайёҳ тунаб қолишган эди. Булар ҳаммаси шўх, забардаст, ҳазилкаш йигитлар эди. Улар Санчонинг сўзларини эшитиб, ўз билгиларича унинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлдилар. Кўз юмиб-очгунча бечора яроқбардорни ўраб олиб, эгардан суриб туширдилар. Улардан бири югуриб бориб катта чойшаб олиб чиқди: сўнгра йигитлар шўрпешона Санчони шу чойшабга ётқизиб олиб, осмонга иргита бошладилар.

Жафокаш Санчо шундай қичқирардики, ҳатто буни кабальеро жаноблари ҳам эшитди. Аввалига дон Кихот бирор саргузаштга дуч келадиганга ўхшайман, деб ўйлади, лекин кўп ўтмай ўз яроқбардорининг овозини таниди. У жиловни буриб, яна карвонсарой томон от қўйди. Карвонсаройга яқинлашганида дон Кихот яроқбардорини калака қилиб ўйнаётганларини кўрди. Санчони ҳар ирғитишганда пирпирак бўлиб шундай айланар эдики, агар дарғазаб бўлмаганида дон Кихот ҳам ичаклари узилгунча кулармиди. У бечора Санчони қутқаришга отилди, лекин дарвоза берк эди; шунда девордан ошиб тушмоқчи бўлди, афсуски, отдан тушишга ҳам мадори етмади. Шунинг учун девор орқасида туриб шумлик қилаётган йигитларни лаънатлаш ва бўралаб сўкишдан ўзга иложи йўқ эди.

Ҳазилкаш йигитлар эса бунга ҳеч эътибор бермай, ўз ишларини қилаверишди, чархпалак бўлиб ҳавода умбалоқ ошаётган Санчонинг дод-войи тобора авжга чиқаверди. Ниҳоят, улар чарчаб, эрмакларини ерга туширишди. Кейин эшакни олиб келиб, Санчони эгарга ўтқазиб қўйишди, елкасига чопонини ташлаб, тўрт томонинг қибла, деб қўйиб юборишди. Раҳмдил Мариторнес Санчонинг қийналиб кетганини кўриб, бир чўмич сув берсам ёмон бўлмас, деб ўйлади. Санчо чўмични энди оғзига олиб борганида ўз хўжайинининг товушини эшитиб тўхтади.

– Санчо, сув ича кўрма, жигаргўшам! Агар ўлиб қолмайин, десанг уни ичма. Мана буни қара, мана сени дарҳол тузатадиган мўъжизакор малҳам.

Лекин Санчо ўз хўжайинига қовоғини солиб қаради ва шундай деб қичқирди:

– Муҳтарам жанобим менинг рицарь эмаслигимни унутиб қўйдиларми дейман-а? Бу дорини ўзлари учун сақлаб қўйсинлар, жин урсин-э! Мени ўз ҳолимга қўйсангиз-чи!

Охирги сўзларни айтаркан, чўмич алақачон оғзига бориб қолган эди. Бир қултумни ичиб бўлмаёқ бунинг оддий сувгина эканини билиб, афтини буриштирди ва Мариторнесдан вино келтиришни сўради. Мариторнес унинг илтимосини бажонидил бажариб, ўз ёнидан вино сотиб олиб келди. Санчо винони ичиб бўлди-ю, товони билан эшагини ниқтади, дарвозани ланг очиб, саройдан чиқиб кетди. Гарчи биқинлари зирқираб турган бўлса-да, у ўз айтганини қилганидан, қўноқ учун бир пул бермай жўнаганидан мамнун эди.

Тўғри, сарой эгаси унинг сафар тўрвасини олиб қолган, лекин Санчо шошилганидан буни сезмаган эди.

### ЎН УЧИНЧИ БОБ

## **ДОН КИХОТНИНГ ҚЎЙЛАР СУРУВИ БИЛАН ҚИЛГАН ЖАНГИ**

Азоб чеккан, чалажон Санчо хўжайинига яқинлашиб келганда, у бечорага дон Кихот шундай деди:

– Биласанми, соддадил Санчом, яъни сен карвонсарой деган бу қалъанинг сеҳрланганига тамомила ишонч ҳосил қилдим. Сени кўз очтирмай роса калака қилган анави ёвузларни оддий кишилар деб бўлмайди; улар нариги дунёдан чиққан арвоҳлар, қудратли сеҳргарлар. Улар афсун ўқиб мени ҳали сеҳрламоқчи бўдилар, чунки мен эгарда ўтирган жойимдан қимирлай олмадим. Аммо қасамёд қиламанки, башарти девордан ошиб ўта олганимда сен учун улардан қаттиқ ўч олардим. Ҳатто рицарлик унвонини олмаганлар билан жанг қилишни ман этган рицарлик қонун-қоидасини ҳам бузар эдим.

– Агар лаънати малҳамни ичиб бунчалик мазам қочмаганида-ку, ўзим ҳам боплаб ўч олган бўлардим-а, – деди Санчо. – Қўлингни ҳам, оёғингни ҳам қимирлата олмасанг, нима ҳам қилардинг. Лекин, муҳтарам жаноблари, мени калака қилган ярамасларни арвоҳ ёки сеҳргар деб беҳуда ўйлаяптилар. Булар ҳам худди сиз билан менга ўхшаш гўшт ва суякдан иборат оддий одамлар. Ҳар бирининг ўз исми бор, бир-бирларини чақирганларини эшитдим, бирининг оти Педро Мартинес, бошқасиники Тенорио Эрнандес, карвонсарой эгасининг оти эса Хуан Паломенке – Чапақай экан. Шунинг билангки, сеньор, агар сиз отдан тушолмаган, девордан ошолмаган бўлсангиз, бунинг сабаби сеҳру жодуда эмас. Чала ўлик қилиб калтакланган одамнинг девор ошишига йўл бўлсин! Лекин сизга, муҳтарам жанобим, шунини айтиб қўймоқчиман: бу саргузаштлар бошимизга шундай мусибатлар соладики, кўп ўтмай ўнг оёғимизни чапидан ажрата олмай қоламиз. Яхшиси, эсинг борида этагингни ёп, деганларидек, батамом майиб бўлмасимиздан уйга қайтсак, оқилона иш қилган бўламиз. Ўрим-йиғим вақти яқинлашиб қолди. Қордан қочиб, ёмғирга тутилиб, дарбадар юргандан кўра айни хўжалик ишлари билан шуғулланадиган ганимат паллани бой бермаган маъқул.

– Менинг бечора Санчом! Рицарлик ҳаётини яхши билмайсан-да! Гапни бас қил, сабр-тоқатли бўл! Шундай кун келадики, рицарларча қаҳрамонликларга ўз ҳаётини бағишлаш қандай олижаноб иш эканлигини сен ўз кўзларинг билан кўрасан. Қани айт-чи, душман устидан ғалаба қозонишдан ҳам қувончлироқ нарса борми? Жаҳонда бундан яхшироқ нарса йўқ, иқрор бўл.

– Гарчи шундай бўлса ҳам, бунақа ишларнинг маънисига сира тушуна олмайман, – жавоб қилди Санчо. – Лекин менга фақат бир нарсагина равшан: биз жаҳонгашта рицарлар бўлган кунимиздан буён – тўғрироғи, сиз рицарлик унвонини олгансиз, сеньор, чунки мен шунчаки сизнинг яроқбардорингизман, холос, – бискайликни енгганимиздан буён бирорта ғала-

бага эришганимиз йўқ, шунда ҳам ярим қулофингиздан, дубулгангизнинг ярмидан жудо бўлдингиз. Ўшандан бери калтагу тумшугимизга мушт туширишларидан бошимиз чиқмайди. Бунинг устига мен шўрликнинг пешонамда чойшабда осмонга итқитиш ҳам бор экан. Яна сиз, худди мени масхара қилаётгандек, сени ирғитганлар оддий одамлар эмас, арвоҳлар дейсиз; гарчанд ўч олиш, сиз муҳтарам зот таъкидлаганидек, ҳузур-ҳаловат бахш этса ҳам, буни амалда синаб кўришдан ожизсан дейсиз.

– Бир оз сабр қил, Санчо – деди дон Кихот. – Мен мўъжизавий кучга эга бўлган қилични қўлга киритиш умидидаман. Кимдаки бундай қилич бўлса, ҳеч қандай сеҳру жоду таъсир қилмайди унга. Балки, бахтим ярақлаб Амадис қиличи қўлимга тушиб қолар – жаҳондаги қиличларнинг энг аълоси, унинг дамига тоб бероладиган ҳеч қандай яроғ-аслаҳа йўқ.

– Башарти, – деб жаврай бошлади Санчо, – сиз муҳтарам жанобга шундай қилич насиб этгудек бўлса, у фақат рицарлар учунгина яраб, мендек яроқбардорнинг биқинлари эса яна калтақдан қайишавермаса, деб қўрқаман.

– Қўрқишни йиғиштириб қўй, Санчо, – деди дон Кихот, – яқин орада само сенга кулиб боқади, ўз марҳаматини аямайди.

Шундай суҳбат қуриб, секин-аста илгарилаб боришаркан, дон Кихот бирдан йўлда кўкка кўтарилаётган қуюқ чангни кўриб қолди. Бундан хурсанд бўлганидан Санчога қараб қичқирди:

– О, Санчо, тақдир менга қандай улғувор жасоратлар кўрсатишни ато этганини ўз кўзинг билан кўрадиган кун келди. Мана, ниҳоят, забардаст билакларимдаги кучни ишга соламан; мен кўрсатган қаҳрамонликлар «Шон-шуҳрат» китобига ёзилади, ундан келгуси авлодлар ўқиб ўрганадилар. Олдинда кўтарилаётган чанг-тўзонни кўряпсанми, Санчо? У чанг биз томонга келаётган сон-саноксиз лашкарларни тўсиб турибди.

– Модомики, шундай экан, икки қўшин бостириб келяпти, чунки орқа томонда ҳам худди шунга ўхшаш чанг кўтариляпти, – деди Санчо.

Дон Кихот ўгирилиб қаради. Санчонинг рост гапираётганига ишонч ҳосил қилиб, жуда қувониб кетди. Унинг айниган тасаввуридан ҳамма вақт ва ҳамма ерда, рицарлик романларида ёзилганидек, жангу жадал, сеҳр-жоду, саргузашт ва қаҳрамонликлар, ишқий можаролар, яккама-якка олишувлар нари кетмасди. Шунинг учун ҳам унинг мана шу тобда икки душман лашкари бир-бирига қарши келаётганига бирон дақиқа ҳам шубҳаланмаётганига сира ажабланмаса бўлади. Аслида эса бу чанг бир яйловдан бошқа яйловга ҳайдаб кетилаётган икки катта қўй сурувининг туёқлари остидан кўтарилаётган чанг эди. Лекин дон Кихот бунинг икки катта қўшин эканлигини шу қадар жон куйдириб таъкидлардики, ниҳоят Санчо ҳам бунга ишониб, ундан сўради:

– Сеньор, ҳақиқатан ҳам улар бир-бирига душман икки катта қўшин бўлса, бизнинг нима ишимиз бор улар билан?

– Нима ишимиз бор! – хитоб қилди дон Кихот. – Бизнинг ишимиз жабрланганлар ва кучсизларга ёрдам бериш. Биз ёрдамга муҳтож бўлган тарафни қўллашимиз керак. Шуни билгинки, Санчо, рўпарамиздан келаётган қўшинга улкан Трапобана оролининг ҳукмдори буюк император Алифанфарон бошчилик қилмоқда, орқамиздан келаётган қўшиннинг лашкарбошиси эса унинг душмани гарамантлар қироли Пентаполиндир.

– Бу икки сеньор нима учун урушадилар? – деб сўради Санчо.

– Шунинг учунки, – жавоб қилди дон Кихот, – Алифанфарон насроний Пентаполиннинг гўзал қизини севиб қолган. Алифанфарон мажусий, шунинг учун ҳам қизнинг отаси ғайридин Алифанфарон то пайғамбар Муҳаммаддан кечиб, бизнинг динимизни қабул қилмагунгача унга қизини бермоқчи эмас.

– Пентаполин ҳақ бўлмаса, соқолим бир туки қолмай тўкилиб кетсин! – хитоб қилди Санчо. – Мен унга бажонидил ёрдам кўрсатаман.



– Бу билан сен ўз бурчингни адо этасан, – деди дон Кихот, – чунки бундай жангларда қатнашиш учун рицарь бўлишнинг ҳеч ҳожати йўқ.

– Бунисини-ку биламан-а, – деди Санчо, – менинг ташвишим бор: кейин эсон-омон яна топиб олиш учун эшагимни қаёққа яширамыз? Эшак миниб жанг қилиш ярашмаса керак, деб ўйлайман.

– Сен мутлақо ҳақсан, – деди дон Кихот. – Уни боши оққан томонга қараб қўйиб юбор, кейин топа олармиканман деб, асло ғам ема. Зафар қозонганимиздан кейин минглаб отларни қўлга киритамиз, бу ёғини сўрасанг, ҳатто Росинант ҳам хавф остида, уни яхшироқ отга алмаштириб олмоқчиман. Энди, ҳали жанг бошламасимиздан олдинроқ менинг сўзларимни диққат билан эшит: мен сенга ҳар икки қўшиннинг асосий рицарларини айтиб бераман. Уларни яхшироқ кўриб олишинг учун анави тепаликка чиқайлик, юр, у ердан ҳар икки қўшин яққол кўзга ташланади.

Улар тепаликка чиқдилар, лекин бу ердан ҳам бирор нарсани аниқроқ кўриш қийин эди. Қуюқ чанг-тўзон ҳар икки сурувни тўсиб турар эди, лекин дон Кихот бундан ташвишга тушмади. Рицаримиз ўз тасаввурида бир-бирлари билан душман бўлган икки қўшинни кўриб турарди. У қўлини олдинга чўзиб, ишонч билан сўзлай кетди:

– Қара, Санчо, ана заррин қурол-аслаҳалар тақиб олган рицарь: унинг қалқонида қиз боланинг оёғи остида ётган тожли арслоннинг расми бор. Бу – Пуэнте де Платнинг ҳокими жасоратли Лауркалько. Унинг ёнида олтин гуллар билан безалган яроғ-аслаҳали жангчи, Киросиянинг улуф герцоги, даҳшатли Микоколембо. Унинг ўн томонидагиси ҳақиқий паҳлавон, учала Арабистоннинг ҳокими, довюрак Брандабарбаран де Боличе. Унинг совути илон пўстидан ясалган, қўлида қалқон ўрнида душманлардан ўч олиш ниятида жон бераётиб Самсон бузган ибодатхонанинг эшиги. Энди мана бу ёққа қарасанг, қарши томондаги армияни ҳамиша ғолиб ва бирон марта ҳам енгилмаган Янги Бискайнинг ҳокими Тимонель Карка-хонский бошқариб келаётганини кўрасан; унинг мовий

қурол-анжомли олтин ва кумушлар билан қопланган, қўлидаги қалқонда олтин мушукнинг расми бор, тагига «миёв» деб ёзиб қўйилган. Айтишларига қараганда, бу унинг севгилиси – герцог Альгарбскийнинг гўзалликда тенги йўқ қизи Миулинанинг қисқартирилган номи эмиш. Унинг ёнида баҳайбат арғумоқ минган, оппоқ қурол-анжомли, бетамға оқ қалқонли ёш рицарь. У яқиндагина рицарлик унвонини олган француз йигит Пьер Папин, сеньор Утрикскийдир. Ҳув нарироқдагиси, ҳаво ранг яроғ-аслаҳали, йўрға чипор зебранинг биқинларига тигдай ботадиган шпорларини тираб тургани – Эроннинг қудратли герцоги Эспартафилардо дель Боске. Унинг қалқонига бир даста сарсабил расми солиниб, кастиль тилида: «Тақдиримни кўр» деб ёзиб қўйилган.

Дон Кихот тобора завқ-шавққа тўлиб борарди, ўзи тасаввур этган ҳар икки қўшиннинг кўплаб рицарларини санаб ўтди, ҳар қайсисига махсус белги, туғро ва шиор қўйди.

– Рўпарамиздаги қўшин, – давом этди тўхтамай дон Кихот, – турли-туман қабилалардан иборат. Булар орасида машҳур Ксанфнинг ширин сувларидан ичган халқлар бор; уларнинг кетидан Массилия атрофидан чиққан тоғликлар, булардан кейин бахтиёр Арабистоннинг соф олтин қумларини элакдан ўтказадиган қабилалар келяпти. Ана, нурафшон Термодонтнинг ҳузурбахш соясалқин соҳилларида яшовчи хушбахт халқлар. Улардан кейин ўз сўзига амал қилмовчи нумидийлар, сўнгра камон отишда доврўғи кетган форслар, югуриб-елиб жанг қиладиган мидия ва парфияликлар; кўчма чодирли араблар; шафқатсизликда донг таратган оқ тан скифлар; лабларидан суяк-саёқ ўтказиб олган ҳабашлар ва номларини мен айтолмайдиган бошқа халқлар келишяпти. Иккинчи қўшиннинг олдинги сафларида соҳиллари зайтунзор Бетиснинг зилол сувларини ичиб чанқоғини босадиган қабилалар келишяпти, улар кетидан тўлқинида тилла оқувчи Тахо дарёсининг сувларида чўмиладиган қабилалар; улар кетидан ажойиб Хепилнинг ҳосилдор соҳилларида яшовчилар келишяпти. Ана Хереснинг

гўзал яйловларида яйраб яшовчи халқлар, ана олтин бошоқлардан тож кийган бадавлат ламанчликлар; ана ўз сурувларини илон изидек буралиб кетган Гвадиана дарёси ёқаларидаги кенг яйловларда ўтлатувчи қадимий готларнинг сўнгги авлодлари; ҳув ана, ўрмонзорлар билан қопланган Пиреней ва қорли Апеннин тоғу тепаларида совуқда қалтираб кун ўтказадиганлар. Хулласи калом, Санчо, сен бу ерда оламдаги барча қабилалар, халқларнинг ҳаммасини кўриб турибсан<sup>27</sup>.

Қанчадан-қанча мамлақату озмунча халқларни бирма-бир санаб ўтмади дон Кихот!

Буларнинг аксарияти унинг миясини чулғаб олган рицарлик романларида бор эди, холос. Санчо бирон сўз айтишга ботинмай, ўз хўжайинининг гапларини диққат билан эшитди. Фақат гоҳо-гоҳо дон Кихот айтаётган рицарлар ва паҳлавонларга кўзим тушиб қолармикан деб, у ёқ бу ёққа аланглаб қўярди. Бироқ қуюқ чанг-тўзондан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди. Ниҳоят, сабр-тоқати тугаган Санчо хитоб қилди:

– Сиз айтган ўша рицару паҳлавонлар қайси гўрда ўзи? Мен ақалли бирортасини ҳам кўрмайпман ёки улар ҳам ўтган кечаси ҳузуримизга келган шарпаларга ўхшаб сеҳрланганми?

– Нималар деяпсан! – хитоб қилди дон Кихот. – Отларнинг кишнашини, дўмбираларнинг гумбурлашини, карнайлар овозини эшитмаяпсанми, ахир?

– Қўй-қўзиларнинг маърашидан бошқа ҳеч нарсани эшитмаяпман, – жавоб берди Санчо.

Дарҳақиқат, ҳар икки қўй суруви ҳам жуда яқин келиб қолган эди.

– Вужудингни қамраб олган ваҳима аниқ кўришинг ва эшитишингга халал беряпти, – деди дон Кихот. – Ваҳиманинг маъноси ҳам шунда-да, ахир, сезгиларимиз ўтмаслашади, ҳамма нарса нотўғри, тескари бўлиб кўринади. Қўрқаётган бўлсанг, бир чеккага чиқиб тур, бу ёғини менинг ўзимга қўйиб бер. Кимгаки кўмак бергудек бўлсам, ёлғиз ўзим ўша томонга зафар тортиқ қила олишимга ишонавер.

У шундай деди-ю, Росинантнинг биқинига тифдек шпорларини нуқиб, найзасини ўқталганча тепадан пастга қараб яшиндек учиб кетди.

– Жанобим, сеньор дон Кихот, орқага қайтинг, – қичқира бошлади Санчо. – Худо ҳақи, сиз қўзи-қўйларга ҳужум қиялпсиз? Қайтинг орқага, отамнинг номи билан лаънатлайман сизни! Бу қандай нодонлик! Менга ишонинг, бу ерда на паҳлавонлар, на рицарлар, на яроғ-аслаҳаю на қалқонлар ва на мовий осмон бор, ҳеч бало йўқ! У нималар қиялпти ўзи, эҳ, гуноҳкор бошим!

Бироқ дон Кихотни ҳеч нарса тўхтата олмади. Шамолдек елиб кетаётиб у баланд овоз билан қичқирди:

– Саховатли Пентаполиннинг содиқ ҳимоячилари, бардам бўлинг! Қани, ортимдан олға! Мен сизнинг ашаддий душманингиз пасткаш Алифанфарондан ўч оламан!

Шундай ҳайқириқ билан сурувларнинг қоқ ўртасига ёриб кирди-да, гўё ёвуз душманларини яксон қилишга киришгандек, жон-жаҳди билан жониворларга найза санчаверди. Уни тўхтатмоқчи бўлиб подачилар бекорга дод-вой солишарди. Дон Кихот ҳеч нарсага қулоқ солмай, ўнгу сўлига найза санчаверди. Унга гап таъсир қилмаслигини англаган подачилар ўз сопқонларини созлаб, дон Кихот устига муштдек-муштдек тошларни ота бошладилар. У бўлса ўтакаси ёрилаётган сурувлар ичида жонбозлик қилар, овози борича қичқирарди.

– Қайдасан, эй, такаббур Алифанфарон? Қани, майдонга чиқ. Мен сен билан яккама-якка жанг қилишга тайёрман, Пентаполин Гарамантскийга юзсизларча ҳужум қилганинг учун таъзирингни беришга қодир рицарман!

Бироқ шу пайт унинг биқинига каттакон бир тош келиб тегдики, қовурғалари уваланиб кетишига сал қолди.

Қаттиқ оғриқдан дон Кихот ё ўлдим, ёки яраландим, деб ўйлади; малҳам эсига тушиб тунука идишни олди-да, оғзига олиб борди. У ҳам бир неча қултум ичмасданок иккинчи бир тош қўлидаги тунука идишни уриб туширди-да, жағини ёриб юборди. Агар биринчи тошда бечора рицарнинг боши гангиган бўлса, иккин-

чиси жағига тегиб ҳушдан кетиб ерга қулади. Ёнига югуриб келган подачилар уни ўлди деб ўйлашди. Улар шоша-пиша сурувларини тўплаб, яраланган еттита қўйни елкаларига ортганча жўнаб қолишди.

Ўз хўжайинининг тентаклигини тепаликдан кузатиб турган Санчо сочларини юлиб, ўзини бу телба идальгога дуч қилган тақдирини лаънатларди.

Подачилар сурувлари билан анча узоқлашганларидан кейин Санчо тепаликдан тушиб, ерда қимирламай чўзилиб ётган дон Кихотнинг ёнига югуриб келди.

– Хўш, мен нотўғри айтган эканманми, сеньор дон Кихот? – деди Санчо. – Ахир, мен сизга, бу қўшин эмас, қўйлар суруви деб қичқиргандим-ку.

– Санчо, дўстим, – деди аранг дон Кихот, – сўзларимга ишон, буларнинг ҳаммаси мени ҳамиша таъқиб қилиб юрган сеҳргар душманимнинг жирканч ҳийла-найрангидир! Бу жангда мен қозонадиган шуҳратга ҳасад қилиб, душман лашкарларини қўй сурувига айлантириб қўйди. Гапимнинг ростлигига осонгина ишонишинг мумкин. Санчо, эшагинга мин-у, уларнинг орқасидан бор. Мендан нарироққа бориб рицарларнинг ўз қиёфаларига киришини, сурувдаги қўйларнинг жасур жангчиларга айланишини кўрасан. Дарвоқе, сабр қил. Аввало, менга ёрдамлашиб юбор. Оғир шикастланганга ўхшайман.

Санчо дон Кихотнинг яраларини боғлаш учун сафар тўрвасидаги суртма мой ва докани олиб келгани эшаги томон югурди, лекин бориб қараса, тўрва йўқ. Тўрванинг йўқолганига ишонган Санчо аламдан ақлидан озаёзди. У роса сўкиниб вайсади, ўз хўжайинини ташлаб, уйга қайтишга онг ичди, ҳар қанақа орол ва губернаторликка тупурдим, деб бақирди.

Бу орада дон Кихот қўллари билан жағини аста ушлаб ўрнидан турди. Ўз хўжайини олдидан бир қадам ҳам жилмай турган вафодор Росинантнинг юганидан етаклаб, Санчо томон юрди. Санчо кўкраги билан эшагига суянганича юзини қўллари билан бекитиб чурқ этмай турарди. Унинг умидсизланганини кўрган дон Кихот шундай деди:

– Шуни билгинки, Санчо, кимки ўзгаларга қараганда улуғроқ мартабага эришмоқчи бўлса, офир қийинчиликларга бардош бермоғи даркор. Бизнинг бошимизга ёғилган даҳшатли фалокатлар бўрони тезда қора булутлар тарқаб осмоннинг очилишидан ва ишларимизнинг ўнгидан келишидан нишонадир. Зотан, ғусса ҳам, қувонч ҳам унча узоққа чўзилмайди, бинобарин, ғам-алам узоқ чўзилган экан, демак, севинч яқин қолипти. Шунинг учун менинг бошимга тушган фалокатдан сен хафа бўлаверма. Ахир, сенга шикаст етмади, соппа-соғсан-ку.

– Қанақасига соппа-соғ бўлай! – қичқириб юборди Санчо. – Наҳотки, кеча чойшабда ирғитилган киши отамнинг ўғли бўлмаса? Бор бисотим билан бирга йўқолган тўрва, наҳотки, меники эмас, бировники бўлса?

– Тўрванг йўқолибдими? – деб сўради дон Кихот.

– Ҳа, худди шундай, йўқолибди, – жавоб қилди Санчо.

– Демак, бугун овқат қилишдан бенасиб бўлибмиз-да, – деди дон Кихот.

– Лекин шу яйловда, муҳтарам жанобларининг сўзларига биноан, жаҳонгашта рицарларга овқат ўрнига ўтадиган гиёҳлар ўсгувчи эди-ку, – деди Санчо.

– Ростини айтсам, – деди дон Кихот, – ҳар қандай гиёҳдан бир бурда нону икки дона қоқланган балиқни афзал кўрардим. Бу гапдан нима фойда! Эшагинга мин, азизим Санчо, орқамдан юр. Худойи таоло марҳамати бениҳоя: ҳаводаги чивинларнинг, ердаги курт-қумурсқаларнинг, сувдаги итбалиқларнинг насибасини ўзи етказди. Унинг қуёши ҳаммага – ёмонларга ҳам, яхшиларга ҳам баробар нур сочади, унинг оби раҳмати художўйларга ҳам, гуноҳкорлар бошига ҳам баробар ёғилади. У албатта биз каби бандаларига ҳам меҳр-шафқат кўрсатади.

– Муҳтарам жаноблари, сизга жаҳонгашта рицарликдан кўра воизлик кўпроқ ярашаркан, – деди Санчо.

– Жаҳонгашта рицарлар ҳамма нарсани билишлари ва уддасидан чиқа олишлари керак, – деб жавоб қилди дон Кихот. – Илгариги замонларда нотиқлик ва

ваъзхонликда Париж университети докторларининг ҳеч биридан қолишмайдиган рицарлар бўлган. Шуни билгинки, дўстим, ҳеч қачон найза қаламни, шунингдек, қалам найзани ўтмаслаштирмаган.

– Яхши, сеньорим, сиз айтгандек бўла қолсин, – деди Санчо. – Энди юринг, тунаш учун бирор жой топайлик. Худо худолигини қилиб, тунашга бирор бошпана ато қилса-ю, у ерда на сеҳрли чойшаб, на арвоҳу шарпа ва на сеҳрланган маврлар бўлса. Уларнинг бирортасига яна рўпара бўлгандан кўра жаҳаннамга кетганим афзалроқ.

– Худодан марҳамат тила, жигаргўшам ва мени хоҳлаган томонга бошла, – деди дон Кихот. – Бу гал тунашга жой танлаш сенинг ихтиёрингда. Энди қўлинг билан бир пайпаслаб кўр-чи, нечта тишим синганикин. Мана бу ёғини, ўнг томонини қара, чунки бу жағим қаттиқ оғрияпти.

Санчо унинг оғзига қўлини тиқиб, сўради:

– Жанобларининг бу ерда илгари нечта тишлари бор эди?

– Тўрт дона, – жавоб берди дон Кихот, – ақл тишимдан бошқа ҳаммаси бутун, соппа-соғ эди.

– Муҳтарам жаноблари янглишмаяптимикикинлар? – деб сўради Санчо.

– Мабодо, бешта бўлмаса, тўрт дона деяпман-ку, сенга, – деди дон Кихот. – Умр бўйи бирортаси суғурилмаган, қурт емаган, шамоллашдан тушиб кетмаган ҳам.

– Мана энди муҳтарам жанобларининг, – деди Санчо, – бу ёғларидаги пастки жағларида икки яримта тишлари қолибди, юқорида эса ҳеч нима йўқ, кафтдек теп-текис.

– Ана бахтсизлиг-у! – хитоб қилди дон Кихот яроқбардоридан бу қайғули хабарни эшитиб. – Бундан кўра қўлимни, албатта, қилич тутадиган ўнг қўлимни эмас, кесиб ташлагани яхшироқ эди. Зотан, шуни билиб қўйгинки, Санчо, озиқ тишларисиз оғиз тошсиз тегиримондек бир гап; инсон учун ҳар бир тиш олмосдан қимматлироқдир. Нима ҳам қилардик, рицарликнинг оғир йўлига кирган эканмиз, ҳали бошимизга бундан беш баттар фалокатлар тушиши мумкин. Дўстим, қани

эшакка мин-у, йўл бошла, бошинг қаёққа оғса мен ҳам кетингдан бораман.

Санчо эшагига миниб, тунамоқ учун жой топа олишига ишонган томонига катта йўл бўйлаб жўнади. Дон Кихот эса унинг кетидан Росинантни секин ҳайдаб борарди: у отини тезроқ елдиролмас эди, биқинлари ва жағининг оғриғидан эгарда аранг ўтирарди. Ўз жанобини бирор нарса билан овутиш илинжида Санчо қуйидагича суҳбат бошлади.

### ЎН ТўРТИНЧИ БОБ

#### **САНЧО ПАНСА БИЛАН УНИНГ ХўЖАЙИНИ ЎРТАСИДАГИ ОқИЛОНА СУҳБАТ ВА УНДАН КЕЙИН МУРДА ОЛИБ КЕТАётГАНЛАР БИЛАН ТўқНАШУВ**

– Менинг кўнглимга шу фикр келяптики, сеньор, – деди Санчо, – бошимизга ёғилаётган барча фалокатлар муҳтарам жанобларининг тантанавор қасамёдга амал қилмаганликлари туфайли юз берди. Ахир, анави Маландринми ё Ламандринми бўлмаса, хоҳ оти қурсин, ўша сеҳргарнинг дубулғасини қўлга киритмагунингизча бирор қапада ётмаслигингиз, ечинмаслигингиз, дастурхон ёзиб нон емаслигингиз ва яна аллақанча шартларни бажаришингиз керак эди-да.

– Тўғри гапиряпсан, Санчо, – деди дон Кихот. – Рост гап, бу қасамлар тамомила хаёлимдан кўтарилибди. Сени чойшабда нега ирғитганларини энди тушуняпман. Сен буларни ўз вақтида менга эслатиб қўймагансан, лекин кўрасан, мен ўз гуноҳимни оқлайман. Рицарнинг қаҳрамонлик кўрсатиш билан оқланмай-диган гуноҳи йўқ.

– Ие, менинг айбим нима, ахир, мен ҳеч қанақа қасам ичган эмасман-ку! – хитоб қилди Санчо.

– Қасам ичганмисан, ичмаганмисан, бунинг фарқи йўқ, – деди дон Кихот, – ихтиёрийми-беихтиёрми, бари бир, мен билан ҳамкорлик қилдингми, шунинг



ўзи кифоя. Қасамни бузаётганимни кўргансан-у, мени тўхтатмагансан.

– Ундай бўлса, муҳтарам жаноблари, бу гапларни ўз аҳдларини унутгандек эсдан чиқариб юбормасинлар. Шарпалар яна мени, эҳтимол, муҳтарам жанобларини ҳам калака қилишни истаб қолса борми, ҳолимизга вой!

Шу тарзда суҳбатлашиб йўловчиларимиз катта йўлдан оҳиста илгарилаб боравердилар. Бу орада қуёш ботиб, ҳамма ёқни қоронғу босди, тунайдиган бирон бошпананинг эса қораси ҳам кўринмасди. Азоб чекиб, очқаб, тунаш ғамида индамай йўлда давом этардилар. Бирдан олисда, йўлда учар юлдузларга ўхшаш ёрқин шуълали ўтлар милтилаб кўринди. Буни кўрган Санчонинг кўрқувдан жони чиқиб кетишга сал қолди, дон Кихот ҳам ўзини унутаёзди.

Бири эшак нўхтасини, иккинчиси от тизгинини тортди ва бу нима бало бўлди, деб икковлари ҳам тўхташди. Шуълааларнинг тобора ёрқинлашаётганидан ўтларнинг ўзлари томон яқинлашиб келаётгани яққол кўриниб турарди. Шу тобда Санчо куз япроғидек қалтирар, дон Кихотнинг ҳам туклари тип-тикка бўлиб кетганди. Бутун жасоратини тўплаб, рицаримиз шундай деди:

– Шубҳасиз, Санчо, мен бутун куч ва жасоратимни кўрсатишим зарур бўлган катта ва ғоят қалтис воқеа юз беради.

– Оббо, шўрим қуриди! – қичқириб юборди Санчо. – Агар булар яна арвоҳлар бўлса, афтидан шунақага ўхшайди, уларнинг калтаклашига бардош бера оладиган шунча қовурғани қаердан оламан-а?

– Бу шарпалар ким бўлмасин, – ишонч билан деди дон Кихот, – сенгагина эмас, ҳатто устингдаги кийимингнинг бирор ипига қўл теккизишларига ҳам йўл қўймайман. Ўтган гал мен девордан ошиб ўта олмаганим туфайли сени калака қилишди. Лекин ҳозир биз очиқ ердамиз, бу ерда бемалол қилич ўйната оламан.

– Агар улар бу сафар ҳам олдингидек афсун ўқиб, жойингиздан қўзғатмай қўйишса, очиқ ерда бўлишингиздан нима фойда? – деди Санчо.

– Ҳар ҳолда, сендан илтимос, Санчо, руҳингни туширма, – деди дон Кихот. – Менинг жасоратим қандайлигини ҳозир амалда кўрасан.

– Худонинг марҳамати билан ўзимни дадилроқ тутишга ҳаракат қиламан, – деди Санчо.

Улар йўлдан бир оз четга чиқиб, қоронғиликда яқинлашиб келаётган шуълаларни яна синчиклаб кузата бошладилар; кўп ўтмай сербар, узун либос кийган бир тўда қандайдир йўловчиларни кўзлари илғай бошлади; бу қўрқинчли ҳол Санчога шу қадар ёмон таъсир этдики, безгак тутаётгандек тишлари такилларди. Бу сирли маросим бемалол кўринадиган даражада жуда яқин келиб қолганда, Санчонинг тамомила қути учиб, тишлари янада қаттиқроқ такиллаб бошлади. Олдинда қўлларида машъала тутган, оқ мантия кийган йигирма чоғли отлиқ, улар кетидан мурда ташийдиган вазмин аравалар келарди; аравалар орқасидан эса этаклари хачирларнинг туёғига тушадиган узун мотам чопонларини кийган яна олти киши келарди (уларнинг от эмас, хачир миниб келаётганликлари хачирларнинг секин юришидан кўриниб турарди). Отлиқлар нималар ҳақидадир эшитилар-эшитилмас гудурлаб, ғамгин гаплашганча секин келардилар. Хувиллаган яйдоқ даштда, бунинг устига ярим кечада, бу ғалати манзара ҳар қанақа одамнинг ҳам ўтакасини ёриб юборарди. Рўпарадан келаётганларнинг арвоҳ эканликларига ҳеч шубҳа қилмаган Санчонинг руҳи бутунлай тушиб кетди. Санчо қўрққан сари дон Кихотнинг кўзларига романларда тасвирланган саргузаштлардан бири яққол кўриниб, унинг ботирлиги тобора авж оларди.

Мурда ташувчи арава қўшғилдиракли мотам соябонидай, унда ўлдирилган ёки офир яраланган рицарни олиб келаётгандай кўринди ва угина, яъни дон Кихотгина бу рицарь учун ўч олмоғи даркордек туюлди. Узоқ ўйлаб ўтирмай, найзасини жангга шайлаб, эгарга маҳкамроқ ўтирди-да, қаддини ростлаб, мантияли отлиқлар ўтадиган йўлнинг ўртасига виқор билан чиқиб турди. Йўловчилар яқин келганда, баланд овоз билан қичқирди:

– Эй, ким бўлсаларинг ҳам, тўхтанглар! Дарҳол жавоб беринглар, ким бўласизлар, қаердан қаёққа кетяпсизлар, бу соябон аравада кимни олиб кетяпсизлар? Кўринишингиздан ё жиноятчиларсиз ёки ёвузлардан жафо чекканларсиз. Қилган жиноятингизга яраша жазолашим ёки кўрган жабрингиз эвазига қасд олишим учун гап нимадалигини билмоғим зарур.

– Биз шошиляпмиз, карвонсаройгача ҳали анча бор, – деди отлиқлардан бири, – шунинг учун сиз билан гаплашиб ўтиришга вақтимиз йўқ.

Шундай деб у хачирини «чу» дея унинг ёнидан ўтиб кетмоқчи эди. Бу жавобдан ҳақоратланган дон Кихот хачирнинг жиловидан ушлаб, қичқирди:

– Тўхтанг, беодоб нодонлар, саволаримга жавоб берингиз! Йўқса, мен сизларни жанг майдонига чақираман.

Хуркиб кетган хачир олд оёқларини кўтариб, тик кўтарилган эди, устида ўтирган одам ерга ағдарилиб тушди. Унинг ёнида келаётган хизматкори дон Кихотни роса сўқди. Бусиз ҳам қаҳр-ғазаби қайнаган дон Кихот қора кийимдаги отлиқлардан бирига ташланиб, кўз юмиб-очгунча ерга қулатди уни. Сўнгра у яшин тезлигида бошқа рақибларига ташланди. Росинант, гўё қанот пайдо қилгандай, гоҳ олдинга, гоҳ орқага енгил ва ғурур билан югуриб еларди. Мантия кийган йўловчилар кўрқоқ ва бунинг устига қуролсиз одамлар эди. Улар дон Кихотга қаршилиқ кўрсатишга ҳаракат ҳам қилмай, чор атрофга қочиб қолишди. Назарларида уларга одам эмас, иблис ҳамла қилгандек туюлган бўлса керак.

Душманни тумтарақай қочириб, дон Кихот яна хачир ағдарган одамнинг ёнига келди. У шўрлик ҳамон ерда ётар, ёнида эса ёниб тугай деб қолган машғала ётарди. Дон Кихот унга найзасини ўқталиб, ўлим даҳшатини сочиб, таслим бўлишини таклиф қилди .

– Таслимман, таслимман! – қичқирди ердаги одам. – Менга шафқат қилинг, муҳтарам зот, оёғим синиб кетди, ўрнимдан туrolмаяпман. Ўтиниб сўрайман, сеньор, агар одил насроний бўлсангиз, мени ўлдирманг. Ахир, мен дин пешволариданман.

– Сиздек диндор шахсни бундай ишларга аралашингга қайси иблис мажбур этди? – сўради дон Кихот.

– Аралашингга ким мажбур этди дейсизми? Бу қўргилик бераҳм тақдирдан бўлса керак, – деди ерда ётган йўловчи.

– Эҳтиёт бўлинг, бундан ҳам беш баттар бўлишларингиз ҳеч гап эмас, – деди дон Кихот. – Яхшиси, қайсарлик қилмай, ўзингиз кимсизу бу қанақа маросим эканини аниқроқ тушунтириб беринг.

– Муҳтарам жанобларининг саволларига бажонидил жавоб бераман, – деди у. – Шундай қилиб, муҳтарам жанобларининг ахбори олийларига ҳавола бўлсинки, менинг исми-шарафим Алонзо Лопес бўлиб, асли алькобендасликман. Мен анави тумтарақай қочган ўн бир дин пешволари билан Баэса шахридан йўлга чиққан эдим. Баэсада қазо этган сеговиялик бир дворяннинг жасадини ўз хилхонасига қўйиш учун олиб кетаётган эдик.

– Уни ким ўлдирди? – деб сўради дон Кихот.

– Чиркин иситма ёрдамида худо уни лаҳадга йўллади.

– Ундай бўлса, – деди дон Кихот. – Худо мени бу одам учун ўч олиш машаққатидан халос этибди, чунки унинг ўлимига ҳеч ким айбдор эмас экан. Тақсири аълам, сизга шу нарсани айтиб қўймоғим керакки, каминангиз ламанчлик рицарь дон Кихот бўладилар. Менинг бурчим – адолат йўлида ёвузларнинг таъзирини бериш, аламзадаларни ҳимоя қилиш, бахтсизларга таскин бериш учун олам кезишдир.

– Қандай адолат ўрнатишингизни мен билолмай қолдим, – деди руҳоний, – оёғимни шундай тузатиб қўйдингизки, энди умримнинг охиригача соғайиб кетиши амри маҳол. Бунинг устига менга шундай тасалли бердингизки, ўла-ўлгунимча эсдан чиқармайман. Сизнинг бу саргузаштингиз менинг бошимга тушган бир мусибат бўлди.

– Ҳамма нарса биз ўйлагандек бўлавермайди, – деди дон Кихот. – Ҳамма бало шундаки, сеньор лиценциат, мотам либосида, машъалалар билан алақандай тушуниб бўлмайдиган дуоларни ўқиб, ярим кечада

йўл юришни ихтиёр қилиб қолгансизлар. Сизларни у дунёдан чиққан ёвуз иблислар тўдаси деб билиб, жаҳонгашта рицарлар бурчига кўра ҳамла қилганимни тушуниш мумкин эмас, албатта.

– Пешонамда бор экан-да, бу кўргилик, – деди лиценциат, – ҳар ҳолда, сеньор жаҳонгашта рицарь, модомики, бошимга кулфат солган экансиз, ҳеч бўлмаса, туриб олишга ёрдам қилинг, ўзангига ўралиб қолган оёғимни чиқара олмаяпман.

– Нега шу вақтгача индамадингиз! – хитоб қилди дон Кихот. – Санчо! Санчо! – деб чақирди ўз яроқбардорини.

Бироқ Санчо унинг чақирғига шошилмас эди. Олишув бошлаган дастлабки дақиқаларда у ўз хўжайинининг жасорати ва чакқонлигидан ҳайратда қолди, аммо кейинчалик кўрқув ва ҳайратни унутиб, секингина орқада келаётган хачирга ортилган озиқ-овқатларини бир ёқли қилишга киришиб кетди. Озиқ-овқатларни чопонига тугиб, уни биргаллашиб сеньор лиценциатни аранг хачир остидан суғуриб олдилар-да, эгарга ўтқазиб, қўлига машғал тутқаздилар. Сўнгра дон Кихот бу бечора йўловчига ўз ҳамроҳларига етиб олишини, жаҳонгашта рицарь муқаддас бурчини адо этаётиб уларни ноўрин хафа қилиб қўйгани учун узрини бориб айтишни буюрди. Санчо бўлса бунга қўшимча шундай деди:

– Мабодо, у сеньорлар шундай эгчиллик билан таъзирларини берган ботирнинг ким эканлигини билмоқчи бўлсалар, мухтарам зот бу Фамгин Қиёфа лақабли ламанчилик машҳур рицарь дон Кихот деб айтинг.

Лиценциат улар билан хайрлашиб, ўз йўлига жўнаб кетгандан кейин, дон Кихот Санчодан нега уни Фамгин Қиёфали рицарь деб атаганини сўради.

– Биласизми, мухтарам хўжам, – жавоб берди Санчо, – менинг кўзимга машғала ёруғида шундай бахтсиз, ҳорғин, шундай озғин ва заҳил рангда кўриндингизки, бунга кўриб юрагим эзилиб кетди. Афтидан, бу жангу саргузаштлар туфайли анча тинка-мадорингиз қуриганга ўхшайди.

– Йўқ, Санчо, – деди дон Кихот, – гап асло унда эмас. Тўғрироғи, менинг жасоратларим тарихини олтин

саҳифаларига битувчи донишманд, қадимий рицарлар каби ўзимга ҳам бирор муносиб лақаб танлашимни ис-таган: улардан бири Ўтли Қилич рицарь, бири рицарь Дев, бошқа бири Ўлим рицари деб аталган ва шу лақаб билан жаҳонга машҳур бўлишган. Менимча, мана шу вайдан ўша донишманд мени Ғамгин Қиёфа рицарь деб аташни сенинг дилингга солган. Шу дамдан эътиборан мен шу лақабни қабул қиламан ва бундан буён ҳам уни сақлаб қолиш учун имкон бўлиши биланоқ қалқонимга энг ғамгин қиёфа тасвирини солдираман.

– Бунинг учун вақт ва пул сарфлашнинг ҳеч ҳожати йўқ, – деди Санчо. – Юзингизга тушиб турган сипарни кўтарсангиз бас, ҳар қандай киши қалқонингиздаги тасвирсиз ҳам сизни Ғамгин Қиёфа рицарь деб атайди, ҳа, сўзимга ишонаверинг. Онт ичаман, шундай, сеньор, қалқонга тасвир ўйдириб ўтиришингизнинг асло ҳожати йўқ.

Дон Кихот кулимсиради, Санчо билан тортишиб ўтирмади. Бирдан рицаримиз миясига мурда ортилган аравани текшириш, ҳақиқатан ҳам у ерда одам жасади борми-йўқлигини билиш фикри келиб қолди. Лекин Санчо бунга кўнмади.

– Сеньор, – деди у, – сиз учун бу қалтис воқеанинг охири олдингиларидан кўра бахайр бўлди. Бироқ сиздай тумтарақай қочган одамлар яккаю ягона бир рицардан қочганликларини пайқаб қолишлари мумкин. Эс-ҳушларини йиғиб, қўрқоқлик қилганларидан ўсал бўлиб қайтиб қолсалар борми, бизни яхшилаб калтаклашлари мумкин. Эшакни тахт қилиб қўйганман, тоғ яқин, қоринлар оч, ўликлар лаҳадгаю тириклар дастурхонга деганларидек, бу ердан чаққонроқ жилиб қолганимиз маъқул эмасмикан?

Сўнгра Санчо эшак нўхтасини тутиб, илдам жўнаб қолди. Дон Кихот яроқбардорининг ҳақлигига иқрор бўлиб, ҳеч эътирозсиз унинг кетидан йўлга тушди. Қатор-қатор тепаларни ошиб, атрофи шамолдан тўсилган тинчгина ўтлоқ майдончага кириб қолишди ва шу ерда тунашга қарор қилишди. Санчо эшакдаги юкларни туширди: ри-

царь билан яроқбардор ўт-ўланлар устида ёнбошлашиб бир йўла нонушталик, тушки ва кечки овқатни туширдилар. Черковчи жаноблар хачирга ортиб келаётган совуқ таомлар (улар ўзларини сийлашни биладилар) билан қоринларини роса тўйдиришди. Бироқ уларнинг бошига яна янги ташвиш тушди: томоқларини ҳўлагани вино у ёқда турсин, бир қултум сувлари ҳам йўқ эди. Шунда Санчо ўтлоқнинг баррадек майса билан қопланганини кўриб шундай деди... Аммо унинг нима деганини келгуси бобдан биламиз.

### ЎН БЕШИНЧИ БОБ

#### **ЛАМАНЧЛИК РИЦАРЬ ДОН КИХОТНИНГ КЎЗ КЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ҚАҲРАМОНЛИГИ**

– Бу ўтлар шу қадар кўм-кўк бўлиб яшнаб турибдики, сеньор, шу яқин орада ариқча бўлса керак. Сал нарироққа бориб кўрайлик-чи. Тўғриси айтганда, очликдан ҳам баттарроқ қийнаётган чанқоқни бостиришимизга ишончим комил.

Бу маслаҳат дон Кихотга маъқул тушди: у Росинантни жиловидан ушлаб, Санчо бўлса кечки овқатдан қолган озуқаларни эшакка юклаб, секин-аста жўнадилар. Тун ниҳоятда қоронғи бўлиб, улар ўтлоқда пайпаслана-пайпаслана зўрға борардилар. Улар ҳали икки юз қадамча юрганлари ҳам йўқ эдики, бирдан улкан ва баланд қоялардан шовиллаб тушаётган сувнинг товуши эшитилгандек бўлди. Шовиллаган товуш уларни ғоят қувонтириб юборди. Шовқин қаёқдан келаётганини аниқлаш учун тўхтаб қулоқ сола бошладилар. Шу дамда бирдан сув шовиллашига ўхшамаган алақандай ғалати товушни эшитиб қолишди. Бу қандайдир бир оҳангдаги зарб товуши бўлиб, худди биров болға билан сандонни ураётгандай эди. Бу товуш кучли сув шовқини билан араллашиб кетар ва ҳар қанақа одамнинг юрагига ваҳима соларди. Табиатан қўрқоқ, юраксиз бўлган Санчо бу даҳшатдан шаббодада тебранаётган

дарахт барглари оҳиста ва қўрқинчли шивирлайди: олисда шаршара гувиллайди, шу сурон орасида бир оҳангдаги ўша ваҳимали зарб эшитилиб турарди – буларнинг ҳаммаси юракка ваҳима солади.

Дон Кихот бу мавҳумликда ортиқ чидаб туролмади. Жасорат ва шижоат билан тўлиб-тошиб, содиқ Росинантига жадал минди-ю, қалқонини олиб, найзасини ўқталганча хитоб қилди:

– Дўстим Санчо, шуни билиб қўйгинки, само мени шу темир асрда бунёд қилган экан, бундан мурод, мен олтин асрни қайта тиклашим керак. Мен – пешонасига хавф-хатарлар, улуғвор ишлар, мислсиз қаҳрамонликлар ёзилган зотлардан бўламан. Мен, такрор айтаманки, Тегарак стол рицарлари<sup>28</sup>, Франциянинг ўн икки пэри, Шавкатли тўққиз паҳлавоннинг<sup>29</sup> жасоратини тиклашга, ўз шон-шуҳратим билан Платирлар, Таблантлар, Оливантлар, Тирантлар, Феб ва Бельянислар ва ўтмишдаги бошқа барча машҳур жаҳонгашга рицарлар галасидан қаҳрамонликлар кўрсатаманки, мен қилган ишлар олдида бу паҳлавонларнинг энг шуҳратли ишлари ҳам ҳеч нарса бўлмай қолади. Қулоқ сол, менинг вафодор содиқ яроқбардорим, қандай сокин, зим-зиё кеча, япроқлар эшитилар-эшитилмас шивирлайди, сув Ой тоғларидан тушаётгандек ваҳимали гувиллайди, бетиним зарбалар эса қулоқларни тешгудек кишининг гашига тегяпти. Буларнинг ҳаммаси ҳатто Марснинг<sup>30</sup> юрагига ваҳима солиши мумкин, бундай даҳшатли ҳодисаларга ўрганмаган кишининг эса ҳолига вой! Лекин мен қўрқишни билмайман, томирларимда қоним жўш уряпти, юрагим кўкрагимни ёриб чиққудек гупиллаяпти – қанча хавфли бўлмасин, шу зулматдаги саргузаштларни бошдан кечиришга ошиқяпман. Хўп, яхши қол! Росинантнинг айилини бир оз тортиб қўй, худо ўз паноҳида асрасин сени! Мени бу ерда кўп эмас, уч кун кутгин. Агар уч кундан кейин қайтиб келмасам, уйга, қишлоққа жўна, сўнгра Тобосога бориб, оламда тенги йўқ маликам Дульсиняга, сиз қалбини асир этган рицарь содиқ қулингиз бўлиш орзусида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлди, дегин.



Ўз хўжайини сўзларини эшитган Санчонинг кўнгли бузилиб, кўзига ёш оларкан, шундай деди:

– Сеньор, бундай даҳшатли кўргиликка ўзингизни уриш қаёқдан хаёлингизга келиб қолди, сира тушуна олмаяпман буни. Ахир, қоп-қоронғи тун бўлса, бизни биров кўрмаса, гарчи уч кундан буён ҳеч нарса ичмаган бўлсак ҳам, бемалол бошқа ёққа бурилиб хавфхатарлардан нари кетишимиз мумкин бўлса. Буни ҳеч ким билмайди ва бизни қўрқоқ, деёлмайди. Дарвоқе, жаноблари яхши билган қишлоғимиз руҳонийсининг, кимки хатар изласа, у албатта ҳалок бўлади, деган насиҳати ёдимда. Чойшабда иргитиш менинг қисматимга тушиб, само сиз муҳтарам жанобларини бундан асраб қолди. Яна Тангри сизни марҳумни кузатиб бораётган душманлар галасига қарши ғолибона жанг қилганингизда бешикаст сақлаб қолди. Шунча қилганингиз етиб ортади. Тақдирингизни мўъжиза билангина омон қоладиган саргузаштлар йўлига тикманг. Мени ўйланг. Билиб қўйингки, мени ёлғиз қолдириб кетишингиз биланоқ азбаройи кўрқувдан жонимни ҳар қандай кимсанинг қўлига топшириб қўйишим мумкин. Мен муҳтарам жанобим хизматини ўташ, бу йўлда муддаога етиш ниятида ватанимни, хотинимни, болаларимни ташлаб чиқдим. Камбағалнинг ови юрса ҳам, дови юрмайди, деб бежиз айтмаган эканлар. Менинг ҳамма умидларим чиппакка чиқмоқда. Муҳтарам жаноблари кўп марта ваъда қилган ўша савил қолгур орол энди менга насиб бўлса керак, деб турганимда, сиз мени шу хилват, кимсасиз жойда қолдириб кетмоқчисиз. Худо ҳақи, ўтинаман, сеньор, бошимга бундай мусибатни солманг. Ҳеч бўлмаса тонг отгунча сабр қилинг, агар подачилик қилиб юрган кезларимда вақтни билиш борасида ўрганган илм-тажрибам панд бериб қўймаса, тонг отишига атиги уч соат қолди. Етти оғайни қоқ тепамизда турибди, демак, вақт ярим кеча.

– Қани ўша Етти Оғайни<sup>31</sup>, Санчо? – сўради дон Кихот. – Ахир, тун булут билан шу қадар қопланганки, осмонда бирор юлдузни кўриб бўлмайди.

– Айтганингиз тўғри, – деди Санчо, – қўрққанга қўшалоқ кўринади, деганларидек, ер остидагию осмони фалакдаги ҳар нарса кўринаверади. Дарвоқе, бусиз ҳам, мундоқ ақл ишлатиб ўйлаб қаралса, тонг отишига оз қолгани аниқ кўриниб турибди.

– Тонг қачон ёришса, ёришаверсин, – жавоб қилди дон Кихот, – лекин ҳеч ким ҳеч қачон мени, кўз ёшлари, ёлворишлари олдида рицарлик бурчини ўташдан воз кечди, дея олмайди. Бинобарин, бас қил бу гапларни, Санчо! Бу мисли кўрилмаган ва даҳшатли саргузаштга қотишишни дилимга солган худо мени ўз паноҳида сақлайди ва сенга тасалли беради. Бас, энди Росинантнинг айилини торт, мени шу ерда кут, тез орада ё тирик, ё ўлик ҳолда қайтаман.

На кўз ёши, на маслаҳат ва на ёлворишлар хўжайинининг собит иродасига таъсир қилмаганини кўрган Санчо ҳийла ишлатишга киришди. У Росинантнинг айилини тортар экан, унинг орқа оёқларини билдирмасдан эшагининг нўхтаси билан боғлаб қўйди. Ҳеч нарсадан хабарсиз дон Кихот ирғиб Росинантга миндию, шпорлари билан биқинига ниқтади. Бироқ нўхтага ўралашиб қолган от жойидан жила олмади. Ҳийласининг ўринлаганига ишонган Санчо Панса шундай деди:

– Мана кўрдингизми, муҳтарам зот, менга халлоқи оламнинг раҳми келди, мени ёлғиз ташлаб кетишингизни хуш кўрмаяпти. Жойингиздан қўзғала олмаяпсиз. Росинант қанча чиранмасин, туёғи ердан узилмаяпти. Бу бечора жониворни азоблаш, атайлаб тақдирга қарши бориш гуноҳдир!

Дон Кихот жазаваси тутиб, жон-жаҳди билан отини ниқтар, лекин қанча чиранмасин отни ўрнидан қўзғатолмас эди. Ниҳоят, ҳолдан тойган, тақдирга тан бериб, тонг отишини ёки отнинг жойидан қўзғала олиши мумкин бўлган дақиқани кутишга қарор қилди. Ишнинг бундай мушкуллашишида қандайдир сирли кучларнинг таъсири борлигига ишониб, у шундай деди:

– На илож, Санчо! Модомики Росинант жойидан жи-  
лолмаётган экан, қўқда тонг жилваси кўринмагунча сабр

етишга тўғри келади. Бироқ тонг отиши ҳам чўзилиб кетяпти, аламимдан дод солиб йиғлаб юборай деяпман.

– Йигининг ҳожати йўқ, – жавоб қилди Санчо. – Агар Росинантдан тушиб, жаҳонгашта рицарларга ўхшаб майсазорда бир оз ёнбошлаб ҳордиқ чиқаришни лозим кўрмасангиз, сиздек муҳтарам жанобимни овутиш учун эрталабгача ажойиб воқеалардан сўзлаб бераман. Мислсиз қаҳрамонлик кўрсатишдан олдин сиз куч-ғайрат тўплаб олишингиз керак.

– Нима! Сен отдан тушиб, бир оз мизғиб олганингиз маъқул деяпсанми? – хитоб қилди дон Кихот дарғазаб бўлиб. – Наҳотки, сен мени хавф-хатар таҳдид қилиб турган бир пайтда ухлайдиган баъзи рицарлардан деб ўйласанг. Уйқуни ўзинг ур – сен ухлашга яратилгансан, ёки кўнглинг тусаганини қилавер: мен бўлсам ўз шаънимга муносиб иш тутаман.

– Жаҳлингиз чиқмасин, муҳтарам сеньорим, – деди Санчо, – соддалигим қурсин, шу сўзларни айтиб ўтирибман. Ёнингизга яқинроқ туришга ружсат этинг.

Дон Кихот илтифот кўрсатди. Шунда Санчо икки қўли билан хўжайини ўтирган эгарни маҳкам ушлаб, ундан бирор қадам ҳам узоқлашишдан қўрқиб, чап сонига тираниб олди. Қаёқлардандир эшитилаётган ўша бир меъёрдаги зарб товушидан уни қўрқинч босарди.

– Хўш, Санчо, мени овутиш учун сўзламоқчи бўлган ҳикоянгни нега бошламаяпсан? – деди дон Кихот.

– Мен сизга бир воқеани ҳикоя қилиб беришга уришиб кўраман, – деди Санчо, – агар уни охиригача тугата олсам, оламда бундан аъло ҳикоя йўқлигига иқрор бўласиз. Диққат билан эшитинг, муҳтарам зот, мана ҳозир бошлайман. Шундай қилиб, ўтган ишга салавот. Яхшилик бўлгудай бўлса, ҳаммага бўлсин, ёмонлик эса унинг кўйига тушганга тегсин. Муҳтарам жаноб, «Бало излаганга тегсин» деган сўзларга эътибор беринг. Бу сўзлар гўё узукка кўз қўйгандай, сизга жуда ёпишиб тушади-да: муҳтарам ҳазратлари фалокат изига тушиб дарбадар юрмай, тинчгина ўтирганлари маъқул эди. Модомики, бизни хавф-хатарларга тўла бу йўлдан бо-

ришга ҳеч ким зўрламаётган экан, бошқа йўл билан тинчгина қайтиб кетганимиз яхши эмасмикан?

– Ҳикоянгни давом этгир, Санчо, – деди дон Кихот. – Қайси йўлдан боришни ҳал қилишни ўзинг менга қўйиб бер. – Давом эттираман, – деди Санча. – Шундай қилиб, Эстремадура деган бир жойда эчки боқадиган бир подачи, бошқача қилиб айтганда, серкабоқар бўлган экан ва бу эчки боқувчи подачи ёки менинг ҳикоямда айтилгандек серкабоқарни Лопе Руис деб аташаркан. Ўша Лопе Руиснинг Торральба исмли чўпон қизга ишқи тушиб қолибди. Шу Торральба деган подачи қиз бир бадавлат чорвадорнинг қизи бўлиб, бадавлат чорвадор эса...

– Агар ҳар сўзни икки мартадан қайтарадиган бўлсанг, Санчо, – деб унинг сўзини бўлди дон Кихот, – у ҳолда ҳикоянгни икки кунда ҳам тугатолмайсан; донолардек қисқароқ ва маънолироқ қилиб сўзла, йўқса овозингни ўчир!

– Бу эртаклар қишлоғимизда қандай айтилса, худди ўшандай сўзлаяпман, – жавоб қилди Санчо. – Бошқача қилиб айтолмайман, бундан ташқари, бу қадимий одатни бузишни истамайман ҳам. Бинобарин, жанобларининг мендан буни талаб этишлари ҳам ўринли эмас.

– Майли, билганингча айтавер, – деди дон Кихот, – модомики, ҳикоянгни тинглаш насиб бўлган экан, сабр-тоқат қиламан.

– Шундай қилиб, сеньорим, – давом этди Санчо, – мен сизга айтган чўпон Торральба деган подачи қизни яхши кўриб қолганди. Бу қиз, ҳозир кўз олдимда тургандек, барваста, ўжар бўлиб, мўйлови бўлганидан эркакка ўхшар эди.

– Уни танирдингми? – сўради дон Кихот.

– Мен-ку уни билмайман-а, – жавоб қилди Санчо, – лекин бу воқеани айтиб берган киши, буларнинг ҳаммаси рўйи-рост, бўлган воқеа, агар буни бирорта кишига сўзлайдиган бўлсанг, қасам ичаманки, ўз кўзим билан кўрганман деявер, деган. Шундай қилиб, вақт ўтаверди-ўтаверди, ҳамиша ҳар ерда ҳозир шайтон шумлигини қилаверди, ниҳоят чўпоннинг подачи

қизга бўлган муҳаббати қаттиқ ғазаб ва нафратга айланди. Чўпон уни шу қадар ёмон кўриб қолдики, унинг қорасини кўрмаслик учун ҳатто қишлоқни ташлаб, қизнинг ном-нишони етмайдиган узоқ ўлкаларга кетишга жазм қилди. Йигит эчкиларни тўплаб, Эстремадура яйловлари билан Португалия қиролиги томон кетди. Бундан хабар топган Торральба йигит кетидан йўлга тушди. Қўлда ҳасса тутган, елкасига хуржун ортиб олган қиз яёв, яланг оёқ узоқ йўл босди. Унинг хуржунида бир парча ойна, яримта тароқ, кичкина шишада аллақандай суртадиган нарса бор эди. Дарвоқе, унинг нимаси борлигининг аҳамияти йўқ, бари бир ҳозир текшириб кўриб бўлмайди. Шуни айтишим керакки, қиз чўпон йигитни қувиб бораркан, йигит ўз подаси билан Гвадиана дарёсига етиб келган эди. Бу пайтда дарё тошадиган палла бўлиб, йигит келган жойда на қайиқ ва на сол, на йигитни, на подасини олиб ўтиб қўядиган бир кимса бор эди. Йигит қаттиқ изтиробга тушди, чунки у Торральбанинг етиб келишини, ялиниб-ёлвориб, кўз ёши тўкиб унинг қўнглини юмшатишга уринишини биларди. У чор атрофга аланглай бошлади, ниҳоят, кичкина қайиқчада ўтирган балиқчини кўриб қолди. Қайиқча шу қадар кичик эдики, унга бир одаму бир эчки аранг сиғарди. Бироқ бошқа илож йўқ. У балиқчини чақирди, ўзини ва уч юз бош эчкисини нариги соҳилга ўтказиб қўйишни шартлашди. Балиқчи қайиқчасига бир эчкини солиб нариги қирғоққа ўтказди, қайтиб келиб иккинчи эчкини ўтказди, яна қайтиб учинчи эчкини олиб ўтди... Нариги қирғоққа неча эчкини олиб ўтганлигини яхшилаб санаб тулинг, мабодо ҳисобда бирорта эчкидан адашиб қолсангиз борми, мен ҳикояни давом эттира олмайман, воқеа шу ерда тўхтайтиди-қолади, марҳаматли жанобим. Ҳа, шу нарса ёдингизда бўлсин, сеньор. Энди бу ёғини эшитинг. Нариги қирғоқ ботқоқ ва тойғоқ бўлгани сабабли ҳар бир эчкини эсон-омон ўтказиш учун анча-мунча вақт кетади. Балиқчи ҳарқалай бир эчкини, кейин яна бирини, сўнгра яна бирини олиб ўтди.

– У ҳаммасини олиб ўтди деб қўяқолсанг-чи бир йўла, – унинг гапини бўлди дон Кихот. – Бўзчининг моқиси-дек қирғоқдан-қирғоққа югураверасанми, бунақада йил ўн икки ой ҳам етмайди-ку?!

– Балиқчи қанчасини олиб ўтиб қўйди? – деб сўради Санчо.

– Ким билади дейсан! – жавоб қилди дон Кихот.

– Ахир қанча олиб ўтаётганини астойдил ҳисоблаб боринг деб илтимос қилувдим-ку, бари бир ҳисобдан адашибсиз-да. Энди давомини айта олмайман.

– Бу қанақа бемаънилик! – эътироз билдирди дон Кихот. – Наҳотки, сенинг афсонанг учун қанча эчки олиб ўтилганининг аниқ ҳисоби зарур бўлса, ҳисобдан янглишиб кетилса, ҳикоянгни давом эттира олмасанг?

– Йўқ, сеньор, асло давом эттира олмайман, – жавоб қилди Санчо, – чунки мен ўзларидан ҳисобини олиб бориб турсинлар деб илтимос этганимда ва ўзлари нечта эчки олиб ўтилганлигини айта олмаганларидаёқ сизга айтиб бермоқчи бўлган воқеанинг охири хаёлимдан чиқди-кетди, худо ҳақи, давоми жуда қизиқ эди.

– Демак, афсонанг тамом бўпти-да? – деб сўради дон Кихот.

– Ҳа, худди марҳум бувимдек тамом бўлди, – жавоб қилди Санчо.

– Ростини айтсам, – давом этди дон Кихот, – сен менга шу кунга қадар одамлар тўқилган эртақ, қисса ёки ҳикояларнинг энг ғаройибларидан бирини сўзлаб бердинг. Ҳеч ким умрида бу тариқа бошланиб, шартга узиб қўйиладиган афсонани эшитган эмас, эшита олмайди ҳам. Дарвоқе, сендек ақли расодан бундан бошқа нарсани кутиб ҳам бўлмайди. Афтидан, анави бетиним зарблар эс-хушингни айнитиб қўйганга ўхшайди.

– Бўлиши мумкин, – жавоб қилди Санчо. – Лекин қиссам тугагани аниқ, нега десангиз, кимки олиб ўтилган эчкилар ҳисобидан адашдимми – эртақнинг ҳам кети узилади.

– Узилса узилавермайдими, жуда соз бўпти-да, – деди дон Кихот, – қани, энди бир кўрайлик-чи, Росинант ўрнидан қўзғалармикан.

У яна отнинг биқинига ниқтай бошлади, лекин от жойидан қўзғалмай тепинарди: оёқлари чалкашиб қолган эди. Дон Кихот ноилож сабр-тоқат қилишга, яроқбардорининг ёлғон-яшиқ гапларини эшитиб вақт ўтказишга мажбур бўлди. Яхшики, тонг отишга сал қолган эди.

Тонг энди ёриша бошлаган эдики, Санчо секингина Росинантнинг оёқларини бўшатиб юборди. Бойликдан бўшаган Росинант гўё хурсанд бўлгандай бошини силкий бошлади. Росинантнинг ҳаракатини кўрган дон Кихот, содиқ отим мени мислсиз қаҳрамонлик кўрсатишга чақиряпти, бу хайрли ишнинг бошланишидан нишона, деб ўйлади. Сирли шовқин ҳамон тинмас, дон Кихот бўлса бунинг нималигини шу дамгача англаб етмас эди. Шу сабабдан рицаримиз вақтни беҳуда ўтказмай, иккинчи бор Санчо билан хайрлашди, олдин уқтирганидек кўпи билан уч кун кутишни, мабодо, уч кундан сўнг қайтмаса, тақдири илоҳий бу даҳшатли олишувда ўз омонатини олибди, деб билишини таъкидлади. Шундан сўнг Санчога ўз номидан сеньора Дульсинеяга етказиш зарур бўлган гапларни қайтарди. Охирида дон Кихот ўз содиқ яроқбардорига меҳнатлари эвазига берилажак мукофотлар хусусида ташвишланмаслиги кераклигини айтди.

– Башарти мен ҳалок бўлиб кетганимда ҳам, – деб сўзини тугатди рицарь, – сен бари бир тақдирланасан, чунки мен уйда васиятнома қолдирганман, шунга биноан, менга қилган хизматинга яраша ҳақ олсан; агар яратган Тангри мени хавф-хатардан соғ-саломат сақласа, Санчо, сенга ваъда қилинган орол қўлимда деявер.

Оққўнғил хўжайинининг аламли сўзларини эшитган Санчо яна куйиниб йиғлади-да, ҳар қандай даҳшатли соатларда ҳам унга ҳамдам бўлишга тайёр эканлигини, бироқ дон Кихот ўзини бундай хатарларга урмагани яна ҳам маъқулроқ эканлигини айтди.

Дон Кихот ўз яроқбардорининг садоқатидан кўнгли эриб кетди-ю, лекин унинг илтижоларига қулоқ солмай, Росинантнинг биқинига ниқтаб, зарб товуши, оқим сурони келаётган томонга қараб от солди. Санчо бўлса

яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ҳамроҳи ва ҳамда-ми бўлган содиқ эшагининг юганидан ушлаганча хўжайини изидан йўлга тушди. Улар каштанзордан ўтиб, чўққиларидан баҳайбат шаршара шовиллаб тушаётган баланд қоялар этагидаги ўтлоққа чиқиб қолишди. Бу қоялар тагида қандайдир ғарибона кулбалар бор эди. Йўловчиларимизга уларни қўрқувга солган зарб-товушлар худди шу кулбалардан чиқаётгани аён бўлди. Шаршара шовқинидан Росинант хуркиди, лекин дон Кихот ўз тулпорини тинчлантириб, кулбалар томон дадил боришга жазм қилди. Ўз машуқасига дилдан мурожаат этиб, бу хатарли олишувда қўллаб-қувватлашини илтижо қилди. Санчо ўз хўжайинидан бир одим ҳам ортда қолмай борарди. У Росинант панасида туриб, кўнглига ваҳима солаётган нарсани ўз кўзи билан кўриш иштиёқида бўй чўзавериб, бўйин томири узилишига сал қолди. Улар аста-секин дўнг қояни айланиб ўтган ҳам эдиларки, кўз ўнгларида уларни тун бўйи қўрқув ва ташвишга солган машъум шовқин-суроннинг манбаи намоён бўлди-қўйди: уларнинг рўпарасида (яна аччиғланиб, хафа бўлма, китобхон!) мовут босадиган дастгоҳнинг олтига тўқмоғи бир меъёрда навбатма-навбат зарб билан тушиб гумбурларди.

Жумбоқнинг бундай ечилишини кўрган дон Кихот тошдек қотди-қолди. Унга разм солган Санчо ўз хўжайинининг хижолатдан бошини қуйи солиб турганини кўрди. Дон Кихот бўлса ўз навбатида яроқбардорига кўз қирини ташларкан, Санчонинг ёноқлари шишиб, гўё ҳозир кулгидан ёрилиб кетгудек бўлиб турганини сизди. Ҳафсаласи пир бўлган дон Кихот ўзини тутиб туролмай, кулиб юборди. Дарҳол хўжайинидан андоза олган Санчо ҳам қулоқни қоматга келтиргудек баланд овоз билан қаҳқаҳлаб юборди. У тўрт бор ўзини аранг тўхтатди-ю, лекин яна кулаверди. Ниҳоят, дон Кихотнинг жаҳди чиқа бошлади, бироқ шу заҳоти Санчо бирдан хўжайинининг ғашига тегиб, тантанавор оҳангда очик-ойдин сўзлай кетди:

– Дўстим Санчо, шуни билиб қўйгинки, самонинг мени шу темир асрда бунёдга келтиришдан муроди,



мен ҳалиги олтин билан сайқалланган ёки олтин асрни қайта тиклашим керак. Мен пешонасига хавф-хатарлар, улуввор ишлар ва мислсиз қаҳрамонликлар ёзилган зотлардан бўламан...

Санчо даҳшатли зарбларни биринчи бор эшитган вақтда дон Кихот, нималар деган бўлса ҳаммасини сўз-ма-сўз қайтарди. Санчонинг мазах қилаётганини кўрган дон Кихотнинг ғазаби қайнаб, бечоранинг елкасига найза билан икки марта туширди: агар найза Санчонинг елкасига эмас, бошига тушганда борми, дон Кихот унга хизмат ҳақи бериш ташвишидан қутуларди. Хўжайини билан ҳазиллашиш хавфли эканини кўрган Санчо яна найза тушиб қолишидан қўрқиб, дарҳол сафсатабозликни тўхтатди-да, мўминтойлик билан шундай деди:

– Тинчланинг, муҳтарам жанобим, худо ҳақи, мен ҳазиллашдим, холос.

– Лекин, мен ҳазиллашмоқчи эмасман! – деди дон Кихот. – Жаноб ҳазилкаш, наҳотки, шу босма тўқмоқлар ўрнига бошқа бирон хавфли воқеага дуч келиб қолсак, менинг жасорат кўрсатиб ишни бир ёқли қилишимга ишонмасангиз? Наҳотки, мен, яъни рицарь, аллақандай тақир-туқурни фарқ этишим, унинг қайсиси босма тўқмоғу қайсиси бошқа нарса эканлигини билишга мажбур бўлсам? Ахир, ростини айтганда, сиз жирканч эркаквачча мана шунақа барча тегирмону босма тўқмоқлар орасида туғилиб ўсгансиз; мен эса умримда кўрмаган бўлсам буларни. Ўз хўжайинингиз устидан кулишдан кўра, яхшиси, шу олти босма тўқмоқни олти баҳайбат девга айлантинг, улар менга ҳамла қилишсин. Башарти, қиличимнинг бир зарбасидан тилка-пора бўлишмаса, ана шунда оғзингиз қулоғингизга етганча кулинг мендан.

– Бўлди энди, сеньорим, – деди Санчо, – дарҳақиқат ҳазилни ҳаддан ошириб юборганлигимдан пушаймонман. Келинг энди, яхшиси, ярашиб қўя қолайлик. Худоё худовандо бўлажак кўргиликлардан бутунгидек эсон-омон, бешикаст чиқинг. Ҳар ҳолда иқрор бўлганингиз маъқул, марҳаматли жанобим: ахир, шунчаки оддий

бир мовут босадиган дастгоҳнинг овозидан ўтакамиз нақ ёрилаёзгани – дарвоқе, жаноблари қўрқувни билмайдилар – бинобарин, менинг қутим учиши кулгили эмасми. Ахир, бу ҳақда қишлоғимизда гапириб қолинса борми, эшитган одамнинг кулгидан ичаги узилади-я.

– Биз бошимиздан кечирган воқеа мутлақо кулгили эмас, деб айтолмайман, – деди Дон Кихот, – лекин бу ҳақда бировларга гапиришнинг кераги йўқ. Бундай воқеаларни яхши тушуниб олиш учун ҳамма одамларда ҳам фаҳм-фаросат етишавермайди.

– Ҳар ҳолда, – деди Санчо, – ўзлари найзани яхши ишга соларканлар: калламни мўлжалга олиб ҳамла қилдингиз, худонинг марҳамати билан каминанинг эпчиллик қилиб чап берганлиги туфайлигина елкамга тушди. Ҳа, майли: суйганингиздан урасиз-да, урганингиз ун оши, сўкканингиз сўк оши, қабилида мақол бор, дарвоқе. Мўътабар сеньорлар хизматкорларини сўкиб таъзирини берганларида шу заҳоти янги иштон инъом этганлар; лекин жаҳонгашта рицарлар ўз хизматкорларини яхшилаб калтаклагандан кейин уларга нима инъом этишларини билмайман, мабодо, калтаклардан кейин улар хизматкорларига бирор орол ёки қироллик ҳада қилмасмиканлар?

– Ҳа, тақдир ёр бўлиб, сенинг ҳамма сўзларинг чиндан рўёбга чиқиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас, – деди дон Кихот. – Урганим учун кечир. Ахир, сен кичкина бола эмассан, жаҳл келганда, ақл қочади, деганларидек, сабр-тоқати тугагандан кейин киши нима қилаётганини ўзи ҳам билмай қолади. Бундан буён бу сенга сабоқ бўлади: менга ортиқча гап-сўз айтишдан тилингни тий, чунки мен сон-саноксиз рицарлик китобларини ўқиб чиққанман, лекин уларнинг бирортасида яроқбардорнинг ўз хўжайини билан сенчалик кўп гаплашганини учратганим йўқ. Тўғриси айтганда, бунга иккаламиз ҳам айбдоримиз: сенинг айбинг ҳурмат-эътиборимни унчалик ўрнига қўймаганингда, менинг айбим эса сендан бунга талаб этмаганимда. Масалан, Амадис Галльскийнинг яроқбардори Гандалин Қуруқлик оролининг графи бўлса-да, тарихда айтилганига ишонилса, ўз хўжайини

билан туркларнинг одатига кўра шапкасини қўлга олиб, икки букилиб таъзим этган ҳолда гаплашаркан. Мен Амадисдек қаттиққўл эмасман, аммо-лекин, Санчо, сен хўжайин билан хизматкор, сеньор билан қарол, рицарь билан яроқбардор ўртасидаги фарқни унутмаслигинг керак. Худди мана шу вайдан бутундан бошлаб ўзаро муомаламиздаги бетакаллуфлик ва майнабозчиликни бир чеккага йиғиштириб қўямиз: агар сен мени бирор сабаб билан ранжитсанг, бундан фақат ўзинггина масалдаги сопол тувакчадек жабрини кўрасан. Ваъда қилинган марҳамат кўрсатиш ва мукофотлаш фурсати эса ўз вақти-соати билан келади, мабодо бўлмай қолса, бари бир маошинг йўқолмайди, бу ҳақда мен сенга бир неча бор айтганман.

– Бу гапларингизнинг бари бамаъни, ажойиб, муҳтарам жаноб, – деди Санчо. – Мен бир нарсани билишни истардим. Мукофот бериладиган кун умуман келмай қолиши ҳам мумкин: у ҳолда мен фақат маошгагина қаноат қилишим керак бўлиб қолади. Қани менга айтинг-чи, улуғ зот, қадим вақтларда жаҳонгашта рицарларнинг яроқбардорлари қанча маош олганлар ва қай тартибда ёлланганлар – ойигами ёки кунигами?

– Менимча, – жавоб қилди дон Кихот, – у замонларда яроқбардорлар ҳеч вақт маош олмаганлар, фақат ҳадя-инъомлар билан кифояланганлар. Модомики, мен уйда қолдирган васиятномамда сенинг маошинг ҳақида эслатган эканман, бунга сабаб: бизнинг бу мушкул замонда рицарнинг ҳоли нима кечишини азбаройи билмаганимдан айтганман. Зотан, мен қандайдир арзимаган бир нарсани деб у дунёда азоб чекишни истамайман. Бинобарин, Санчо, сен бу дунёда жаҳонгашталикдан ҳам офирроқ бирор иш йўқлигини билиб қўйишинг зарур.

– Орий рост! – жавоб қилди Санчо. – Сиздек улуғ зот, довюрак жаҳонгашта бир рицарь юрагига босма тўқмоқларнинг гупуллаши ваҳима солишининг ўзи бунинг исботи. Бироқ сиз шунга ишонингки, бундан буён жаноблари билан асло ҳазиллашмайман, сизни

ҳамма вақт ўз хўжайиним, сеньорим, деб иззат-икром билан улуғлайман.

– Ана шунда барака топасан, – жавоб берди дон Кихот, – чунки ота ва онадан кейин ўз хўжайинини кўпроқ ҳурмат қилиш даркор.

### ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

#### **БУЮК САРГУЗАШТ ВА МАМБРИННИНГ БЕБАҶО ДУБУЛҒАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ ҲАМДА РИЦАРЬ БИЛАН УНИНГ ЯРОҚБАРДОРИ ЎРТАСИДАГИ СУҲБАТ**

Шу вақт севалаб ёмғир ёға бошлади. Санчо ёмғирдан қочиб мовут босадиган хонага киришга бажонидил тайёр эди, лекин дон Кихот яроқбардорининг кинояли гапларидан кейин уни шу қадар ёмон кўриб қолгандики, у ерга киришни асло истамди. Шу боисдан улар ўнгга бурилиб, кўп ўтмай бу ерга кечагина келган йўлларига чиқиб олишди. Улар ҳали ярим чақиримча юрганлари ҳам йўқ эдики, дон Кихот олисда келаётган чавандозни кўриб қолди. У бошига худди олтиндек ярақлаётган ғалати қалпоқ кийиб олган эди.

– Менимча, Санчо, – деди дон Кихот, – ҳар қандай мақол тагида ҳақиқат бор, чунки бу ҳикматларнинг ҳаммаси илму фан онаси – турмуш тажрибасидан олинган. Қулдан бўлмаса йўлдан, деган мақол бағоят ҳақ гап экан. Бунақа дейишимнинг маъноси шуки, тақдир кеча биз излаган саргузашт эшигини бекитиб, ҳатто мовут босадиган ишхонадан қўрқишга мажбур этганди: бугун бўлса кўрибсанки, тақдир саховат кўрсатиб бошқа бир саргузашт эшигини ланг очиб турибди. Бироқ бу, афтидан, жиддий ишга ўхшайди! Қара, агар янглишмасам, мен қидириб топаман деб онт ичган, Мамбриннинг дубулғасини кийиб олган чавандоз ўз оёғи билан биз томон келяпти.

– Худо ҳақи, эҳтиёт бўлсинлар, муҳтарам жанобим, – жавоб қилди Санчо, – мовут босадиган ишхонадаги кўргилиқдан бўлмасин тагин, сеньор.

– Ҳе, жин урсин сени, – деди жаҳл билан дон Кихот, – дубулғага мовут босадиган ишхонанинг нима дахли бор экан?

– Нима ҳам дердим, – жавоб қилди Санчо, – аммо рост гап, муҳтарам жаноб, мабодо, менинг илгаригидек ўзлари билан бемалол гаплаша олишимга ижозат берсалар, каминангиз сиздек ҳурмати олийларининг адашаётганликларини исботловчи далиллар келтира олган бўларди.

– Эй, кўрққоқ ва хоин, хўш, мен нимада янглишибман?! – хитоб қилди дон Кихот. – Қани айт-чи, бошига олтин дубулға кийган чавандознинг ола тўриқ йўрға отда келаётганини кўрмаяпсанми?

– Кўряпман, – жавоб қилди Санчо, – қандайдир одамнинг эшак миниб келаётганини кўриб турибман. Эшагининг туси менинг эшагимдақа тўриқ, бошига кийган нарсаси эса ҳақиқатан ҳам ярқироқ.

– Ҳа, ўша Мамбрин дубулғасининг худди ўзгинаси-да, – деди дон Кихот. – Ўзингни четга ол, мени у билан юзма-юз қўй: ана шунда менинг қилич билан бу нотаниш рицардан кўпдан орзу қилганим дубулғани қандай тортиб олишимни томоша қиласан.

– Чеккага чиқиб туришим қийин эмас, – жавоб қилди Санчо. – Бироқ, муҳтарам жаноб, эҳтиёт бўлишингизни ўтиниб сўрайман. Босма тўқмоқ, яъни дастгоҳларга дуч келгандек яна бирор кўнгилсиз воқеага учраб қолманг деяпман.

– У дастгоҳларни эсга солманг, деб мен сизга юз бор айтдим, биродар, – сўзини бўлди дон Кихот, – йўқса, етмиш икки томирингиздаги жонингизни суғуриб олмасам, одам эмасман.

Санчо хўжайинини оғзидан кўпикдек сочилиб чиқаётган сўзларига чиндан ҳам амал қилиб, саваб қолмасин, деган хавфда тилини тийди.

Аmmo бошига ярқироқ дубулға кийиб олган сирли чавандознинг ким эканлигини китобхонга маълум қилиш лозим. Бизнинг рицарь ўз яроқбардори билан бораётган катта йўл яқинида икки қишлоқ бор эди. Буларнинг бири кичкинагина қишлоқча бўлиб, унда на дорихона, на сартарошхона бор эди. Шу сабабли каттароқ қишлоқдаги сартарош ҳар икки қишлоқ аҳлига хизмат қиларди. Айни шу вақт кичик қишлоқдаги бир киши қон олдириши, бошқаси соч-соқолини қирдириши зарур бўлиб қолибди. У янги шляпасини ёмғирдан сақлаш учун ярқиратиб тозаланган жомни бошига тўнтариб кийиб олибди. У Санчо айтгандек, тўриқ эшак миниб келарди, дон Кихотнинг кўзига эса дарҳол рицару олтин дубулға, ола саман от бўлиб кўринди. Зотан, кўзига нимаки кўринса, у ҳаммасини ўзи истаганча тасаввур этиб, бемаъни, аҳмоқона хаёлларга берилиб кетарди.

Сартарош рицаримизга яқинлашган ҳам эдики, Росинантини баҳоли қудрат чоптириб найза ўқталганича унга қарши от солди. Сартарош ёнига етиб келган дон Кихот қичқирди:

– Ўзингни ҳимоя қил, эй, нотавон ёки менга чиндан ҳам тегишли бўлган нарсаларни жанг-жадалсиз топшириб қутулиб қол!

Хаёлига ҳам келтирмаган қандайдир бир шарпанинг беҳосдан қилган ҳамласидан нақ ўтакаси ёрилган сартарош гурс этиб эшакдан ағанади-ю, бошидаги жом тушиб юмалаб кетди. Сартарош елкаси ерга тегар-тегмас, бамисоли кийикдек сакраб туриб, чунон қочдики, ҳатто унга шамол ҳам ета олмасди. Йўлда ётган жомни кўрган дон Кихот бечора сартарошни таъқиб этишни хоҳламади.

– Галабанинг осонлик билан қўлга киришини кўрдингми, Санчо, – деди дон Кихот, – менинг мажусий рақибим тишлаб олган овини овчига ташлаб қочган қундузга ўхшаб оқилона иш тутди.

Дон Кихот Санчога дубулғани олиб келишни буюрди. Санчо уни қўлга олар экан:

– Худо ҳақи, бу жом чакки эмас! Камида саккиз реал туради, – деди.

Сўнгра Санчо жомни хўжайинига узатди, у бўлса дарҳол бошига кийиб, сипарини излаб, уни айлантира бошлади. Сипарини топа олмагач, ниҳоят шундай деди:

– Анчайин ясалган бу дубулғадан кўриниб турибдики, бу мажусийнинг калласи жуда катта экан. Лекин дубулғанинг сипари ва орқа печи йўқлиги бағоят ачи-нарлидир.

Дон Кихотнинг сартарош жомини дубулға деганини эшитган Санчо қаҳқаҳлаб кулиб юборишдан ўзини аранг тўхтатиб қолди, чунки хўжайинининг жаҳли чиққудай бўлса, нималар рўй бериши мумкинлигини ўз вақтида эслаб қолди.

– Нега куляпсан, Санчо? – сўради дон Кихот.

– Мен бу дубулғанинг эгаси бўлмиш ўша мажусий-нинг калласи қандай катталигидан куляпман, – деди Санчо. – Ахир, бу дубулға худди сартарош жомининг ўзгинаси-ку.

– Менинг фикримга нима келганини биласанми, Санчо? Афтидан, бу машҳур сеҳрли дубулға унинг бутун қадру қимматини билмайдиган одамнинг қўлига тушиб қолганга ўхшайди. У дубулғанинг соф олтиндан ясалганини кўриб, унинг сипари ва орқа печини ажратиб ташлаб, куббали асосидан сен айтаётган сартарош жомини ясаб олган. Ҳа, майли. Мен бу дубулғанинг қанақалигини яхши биламан-ку, уни нимага айлантиришганининг мен учун аҳамияти йўқ. Темирчилиги бор биринчи қишлоққа кирганимиздаёқ дубулғани бошқатдан ясаб оламиз, ана шунда бу дубулға олдида темирчилик худосининг уруш худосига ясаб берган дубулғаси ҳеч гап бўлмай қолади. Ҳозирча, йўғидан кўра бори деганларидек, шу тахлитда кийиб юравераман. Ахир, тошбўрондан сақланиш турган гап-ку.

– Ҳа, албатта, мабодо икки қўшин тўқнашувида душманлар палахмонлардан тош отиб, сиздек муҳтарам зотнинг тишларини дабдала қилиб ва менинг ичак-ча-воғимни ағдараёзган анави лаънати малҳам солинган тунука идишчани синдиргандек воқеалар юз бермаса, бўлгани! – жавоб қилди Санчо.

– Ҳечқиси йўқ, Санчо. Малҳамни қайтадан тайёрлаш мумкин, – жавоб қилди дон Кихот. – Унинг қандай тайёрланишини ёддан билишим сенга маълум-ку.

– Ҳа, менинг ҳам эсимда, – деди сергап яроқбардор. – Аммо қачон бўлмасин, умримда уни тайёрлайдиган ёки татиб кўрадиган бўлсам, илоҳим жойимда тил тортмай қолай. Дарвоқе, бу дори-дармоннинг бундан кейин менга зарурати ҳам йўқ, чунки бировни шикастлашдан ёки ўзим жароҳатланишдан эҳтиёт бўламан. Ҳеч вақт биров билан мушгтлашишни мен ўзим бошламайман, кимки мен билан мушгтлашадиган бўлса, орқа-олдимга қарамай қочаман. Тўғри, балки бахтсизлик рўй бериб, яна мени чойшабда иргитишар, на чора, бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Бундай пайтда ғужанак бўлиб олиб, нафасни ичимга ютганча, кўзни чирт юмиб тақдир ва чойшабга тан бериб ётаверишдан бошқа илож йўқ.

– Сен ёмон насронийсан, Санчо, – жавоб қилди бу гапга дон Кихот, – чунки сеҳрли қалъада ёки сен айтгандек қовоқхонада тортган азобингни унутолмайсан. Шуни билиб қўйгинки, олижаноб ва саховатли кўнгила бунга ўхшаш майда-чуйдаларга парво қилмайди. Наҳотки, ўшандан кейин чўлоқланиб қолган бўлсанг? Ёки қовургангни синдиришдими, каллангни ёришдими? Нега сен у ҳазилни эсингдан чиқара олмайсан? Ахир, у фақат ҳазилгина эди-ку. Агар мен шундай деб ўйламаганимда эди, сен учун интиқом олгани у ерга албатта қайтиб борган бўлардим. Мен уларнинг бошига шундай даҳшату мусибатлар солардимки, бунақасини юнонлар ҳам Елена<sup>32</sup> ўғирланганида қила олмаган эдилар. Давроқе, шуни айтишим керакки, – қўшимча қилди рицаримиз кўзларини осмонга тикиб, офир хўрсинаркан, – башарти Елена бизнинг давримизда ёки тенги йўқ Дульсинея Тобосская Троя замонида яшаган бўлса эди, машҳур юнон аёли гўзалликда осонликча машҳур бўла олмас эди.

Дон Кихотнинг бу сўзларига жавобан Санчо шундай деди:



– Ҳа, майли! Модомики, биз ростакамига қасд ололмас эканмиз, бу ҳазил бўла қолсин. Лекин мен бунинг қанақанги ҳазил бўлганини яхши биламан, яна имоним комилки, у менинг ёдимдан ҳеч чиқмайди, елкаларим ҳам асло унутолмайди. Келинг, бу гапни бас қилайлик. Яхшиси, муҳтарам жаноб, сиз худди қуйиб қўйгандай менинг эшагимнинг ўзгинаси бўлган манави ола саман отни нима қилиш кераклигини айтсангиз. Ахир, эгаси уни ўз ҳолига ташлаб кетди. Соқолим билан онт ичаманки, ёмон эшак кўринмайди! У кунимизга яраб қолиши мумкин, бирга олиб кетмайликми?

– Енгилганларни талон-торож қилиш менинг одоб қоидамга кирмайди, – жавоб қилди дон Кихот. – Рицарлик одати душман отини тортиб олиб, ўзини пиёда ҳайдашни ман қилади. Башарти жангда ғолиб чиққан киши ўз отидан ажралиб қолган тақдирдагина у отни қонуний ҳар бир ўлжа сифатида олиши мумкин, холос. Шунинг учун Санчо, бу отни ёки эшакни (сен агар унинг эшак бўлишини жуда истасанг) ўз ҳолига қўй, ишонаманки, биз кетгач, эгаси яна қайтиб келиб, уни олиб кетади.

– Худо билади, – деди Санчо, – уни жуда олиб кетгим келяпти ёки ҳеч бўлмаганда ўзимникига алиштириб олсам, ахир, ундан меники ёмонроқ-ку. Бир эшакни иккинчисига айирбошлашни ҳам тақиқлайдиган рицарлик қонун-қоидалари жуда бемаъни экан-да. Қани, айтсинлар-чи, ҳеч бўлмаганда эгар-жабдуқларни алмаштириб олсам бўлармикан?

– Бу хусусда мен қатъий бирор нарса деёлмайман, – жавоб қилди дон Кихот. – Бу шубҳалироқ нарса – суриштириб аниқлаб олиш зарур. Дарвоқе, кел, мен сенга рухсат этдим, модомики, эшагинг учун эгар-жабдуқ шу қадар зарур экан, алиштириб олақол.

Хўжайиндан рухсат олгандан сўнг, Санчо дарҳол эгар-жабдуқларни алмаштириб, эшагини шу қадар ясатдики, кўрқда унга тенг келадиган эшак топилмас эди.

Сўнгра саргузашт изловчиларимиз бир дарахтзорда тўхташиб, дафн маросими билан бораётган аравалардан Санчо олиб қолган нарсалар билан нонушта қилиш-

ди; яқиндаги анҳордан қониб сув ичишди. Улар бир оз ҳордиқ чиқаргач, яна йўлга тушдилар. Росинантни ўз майлига қўйиб бердилар, эшак ҳам бир қадам орқада қолмай, унинг кетидан эргашиб борарди. Ниҳоят, улар катта йўлга чиқишди, бу йўлнинг қаёққа олиб боришини билишмаса-да, таваккалига кетавердилар. Шу вақт Санчо хўжайинига мурожаат қилди.

– Марҳаматли жаноб, ўзлари билан бир оз гап-лашишга ихтиёр билдирмасмиканлар? Мени сукут сиртмоғига солиб қўйганингиздан бери йўқ деганда тўрт дона савол қорнимда биқиб кетди, бешинчиси бўлса тилим учуда турибди, бунинг ҳам беҳуда кетишини истамас эдим.

– Майли, гапира қол, – деди дон Кихот, – фақат қисқароқ қил, кўп гап қулоққа ёқмас.

– Айтмоқчи бўлган нарсам фақат шуки, сеньор, – гап бошлади Санчо, – мана бир неча кундирки, бу саргузаштларимиздан нақадар арзимаган наф кўрганимизни ўйлайвериш бошим қотади. Ҳазратлари йўл чорраҳаларида ва чўлу биёбонларда турли саргузаштлар ихтиёр этадилар. Бироқ бундай ерларда сизнинг ҳамма зафарларингиз ва хатарли жасоратларингизни бари бир ҳеч ким кўрмайди ва қайд этмайди. Менинг фикримча, гарчанд муҳтарам жаноблари ҳам ўзгача мушоҳадага бормаслар, агар иккаламиз бирор император ёки улус ҳукмдор хизматига ўтсак, анча маъқул иш қилган бўлардик. Шунда муҳтарам жанобларининг буюк жасоратлари ва янада юксакроқ ақл-заковатларини намойиш қилиш имкони туғилармиди. Подшо эса ҳар иккимизни хизматимизга яраша тақдирлай биларди. Бундан ташқари, унинг саройида инсофли тарихчи топиурдиким, у муҳтарам жанобларининг кўрсатган жасоратларини бир умр абадийлаштириш учун хатта туширарди. Ўз ишларим хусусида мен сўз очмоқчи эмасман, чунки менинг кечмишларим мезони сизникидан бошқачароқ. Дарвоқе, сизга айтиб қўяйки, агар яроқбардорларнинг жасоратларини қайд этиш одати бўлганида эди, каминанинг қаҳрамонликлари ҳам чакана китоб бўлмасди.

– Фикрларинг ёмон эмас, Санчо, – жавоб қилди дон Кихот. – Бироқ бундай фахрли хизматга киришдан олдин рицарь имтиҳон тариқасида жаҳонни кезиб, турли-туман саргузаштларни бошдан кечирмоғи даркор. У аввало жаҳонга донг таратиши керак – номи тилларда дoston бўлишига эришмоғи лозим. Ана шунда у бирор атоқли ҳукмдор саройига яқинлашган заҳотиёқ уни кўрган болалар унинг келганлиги ҳақида жар соладилар: уни кўргани оломон йиғилади, тантанавор, ҳаяжонли сурон кўтарилади: ана Қуёш рицари, ёки қудратли ва даҳшатли дев Брокабрунни мағлуб этган Аждар рицарь! Мана у – сеҳрлар занжирини чилпарчин қилиб, тўққиз юз йил асоратда ётган Эроннинг Буюк мамлугини халос этган киши! Ана ўшанда оломоннинг шовқин-суронини эшитган қирол ўз шоҳона қасрининг деразасидан қараб, бизнинг рицарни кўргач, дарҳол унинг яроқ-аслаҳаларидан ёки қалқонга битилган ёзувдан кимлигини билиб олади-да, шундай дейди: «Эй, менинг рицарларим, шавкатли қаҳрамонни, бутун рицарликнинг гултожи ва кўркини қарши олишга пешвоз чиқинг!». Унинг амр-фармони-га кўра ҳаммалари ташқарига чиқадилар, қиролнинг ўзи бўлса зинанинг ярмигача келиб меҳмонни бағрига босади ва сеньора қироличага таништириш учун уни ичкарига бошлайди, бизнинг рицарь қиролича ёнида турган қирол қизини – дунёдаги шу кунгача маълум ва машҳур барча мамлакатлардаги маликалар ичида энг гўзал ва энг ифбатли, иболи маликани кўради. Қиз рицарга, рицарь эса қизга кўз ташлайди ва улар юрагида бирдан кучли ишқ-муҳаббат тугён уради. Улар катта хавф-хатарни олдиндан сезгандек бўладилар ва бир-бирларига бўлган эҳтирос ва изтиробларини қандай баён этишни билмайдилар. Кейин рицарни саройдаги ясоғлиқ оромгоҳга олиб кирадилар, бу ерда унинг яроқ-аслаҳаларини ечишиб, эгнига қимматбаҳо қирмизи мантия ташлайдилар. Агар у ўзининг илгариги кийимида бинойидек бўлса, бундай тўла-тўкис либосда янада очилиб кетади. Оқшом тушгач, рицарь кечки

овқатни қирол, қиролича ва малика билан биргаликда баҳам кўради. Ўзгалар сезмаган ҳолда рицарь билан малика бир-бирларидан кўз узолмай қоладилар ва кўз қарашларида сўз билан ифода этиш мумкин бўлмаган маъноларни билдирадилар. Таомдан сўнг ҳамма ўрнидан турганда, тўсатдан залга бадбашара пакар, унинг орқасидан эса икки дев кузатувида гўзал аёл кириб келади. Аёл қадимги донолар ўйлаб чиқарган синов-шартни ўртага ташлайди; кимки шу шартни ўринлатса, у дунёда энг олий рицарь бўлади.

Қирол ўз рицарларига бахтларини синаб кўришни буюради, лекин уларнинг ҳаммаси мағлубиятга учрайди. Фақат маликанинг буюк бахти-қувончига бизнинг рицаргина бу синовда муваффақият қозонади ва малика мана шундай қаҳрамонга ўз муҳаббатини бағишлаганидан беҳад хурсанд бўлади. Тақдир тақозоси билан худди мана шу пайтда қирол ўзи каби қудратли бошқа бир шоҳга даҳшатли уруш эълон қилади. Шунга кўра бизнинг рицарь бир неча кундан сўнг ўз қуроли кучини кўрсатиш учун унга мурожаат этади. Қирол бажонидил унга рухсат этади ва рицарь бундай марҳамат учун тавозе билан қирол қўлини ўпади. Шу тундаёқ рицарь ўз маҳбубаси малика билан унинг ётоқхонаси деразалари қараган боғ панжарасидан хайрлашади. Бу панжара орқали улар илгари ҳам ишончли канизак кузатувида бир неча бор суҳбатлашган эдилар. Рицарь хўрсинади, малика эса ҳушдан кетади, талвасага тушган канизак гирдикапалак бўлиб, уни ҳушига келтиришга уринади. У тонг отиб, бирор кимсанинг бу ҳолни кўриб қолишидан хавфсирайди. Ниҳоят, малика ўзига келди-да, панжарадан оппоқ қўлларини рицарга чўзади, у бўлса қўлларни ўпаркан, кўз ёшларини тўкади. Улар бир-бирларига қандай хабар етказиб туришни шартлашиб оладилар: малика рицардан тезроқ қайтишини ўтиниби сўрайди, у бўлса тезда қайтишга қасамёд этиб, яна малика қўлларини ўпа бошлайди ва ниҳоят у, гўё ҳаёт билан видолашаётгандек, малика билан чуқур ҳаяжонда хайрлашади.

Кейин рицарь ўз хонасига кетади, ўзини тўшакка отади, бироқ ғам-аламдан бир дақиқа ҳам кўзларини юма олмайди. Тонг ёришар-ёришмас ўрнидан туради-ю, қирол ва қиролича билан хайрлашиб, йўлга равона бўлади. Узоқ вақт жанг қилади у, жангу жадалда зафар қозонади, қиролнинг душманларини енгади, сон-санок-сиз шаҳарларни тобе этади ва ниҳоят, саройга қайтади. Ана шунда у шартлашилган жойда ўз севгилиси билан учрашади ва хизматлари эвазига маликанинг қўлини сўраяжаги ҳақида келишиб олади. Қирол унинг насли-насабини билмаганлиги сабабли розилик бермайди, аммо шунга қарамай рицарь маликага уйланади. Пировардида қирол рицаримизнинг қудратли бир қиролнинг ўғли эканлигидан хабар топиб, бу никоҳни ўзи учун бир бахт деб билади. Кейин қирол вафот этади, тож-тахт маликага қолади ва қарабсизки, рицарь қирол бўлиб олади. Ана шунда бундай юксак мартабага етишда рицарга ёрдам берган яроқбардорига ва бошқаларга ҳиммату марҳамат кўрсатиш фурсати етади. Рицарь яроқбардорини маликанинг канизагига, аниқроғи, уларнинг учрашувига воситачи бўлган гўзалга уйлантиради. Бу гўзал эса қудратли бир герцогнинг қизи бўлиб чиқади.

– Гапнинг лўндасини айтсам, менга худди шуниси керак-да! – хитоб қилди Санчо. – Сиз нимаики деган бўлсангиз, худди шундай бўлишига аминман. Муҳтарам жанобларининг Ғамгин Қиёфа рицарь деб ном олишлари ҳам бежиз эмас-да.

– Бунга шубҳа қилмасанг ҳам бўлади, Санчо, – деди дон Кихот. – Чунки жаҳонгашта рицарлар худди мен сенга айтгандек қирол ёки император тахтига чиққанлар ва чиқадилар. Биз ҳозир қайси насроний ёки мажусий қиролнинг уруш қилаётганини ва унинг гўзал қизи бор-йўқлигини аниқлаб олсаккина бас. Лекин бу ҳақда фикр-маслаҳат этишга ҳали фурсат келади, чунки мен сенга айтгандек саройга боришдан олдин биз саргузаштларни бошдан кечириб шуҳрат қозониб олишимиз керак. Аммо бошқа мушкул томони ҳам бор. Айтайлик, мен ўз жасоратим билан бутун оламда

Ўлмас шуҳрат қозондим, қирғин уруш олиб бораётган қирол ҳам топилди-ю, унинг гўзал қизи ҳам бор. Хўш, мен қайси йўл билан ўзимни қирол зотига мансуб ёки ҳеч бўлмаганда императорга чатишган жойим бор-дек қилиб кўрсатишим мумкин? Ахир, қирол менинг олий насл-насабимга амин бўлмасдан туриб, қизини бермайди-да. Қонли жанглар, мардонавор олишувлар эвазига оладиган бундай мукофотдан маҳрум бўлиб қолмасам эди деган ташвишдаман. Рост, аслида мен қадимий дворянлар авлодиданман, ер ва мулким бор. Иззат-нафсимни ранжитсалар беш юз суэльдо<sup>33</sup> талаб этишим мумкин. Бинобарин, менинг қаҳрамонликларимни битгувчи донишманд шажарамизни мукаммал тадқиқ этади ва менинг қадимги қироллар авлодидан эканлигимни аниқлайди. Акс ҳолда қирол хоҳишига қарамай, иш тутишга тўғри келади. Малика мени шундай қаттиқ севиб қоладики, отасининг норозилигига қарамай мени ўзининг умр йўлдоши ва хўжайини деб атайди; шунда мен уни яширинча узоқларга олиб кетаман, ана унда эса фурсат ёки ажал туфайли ота-онанинг қаҳр-ғазаби ўтади-кетади. Мен қирол бўлганимда сени графлик мартабасига кўтараман.

– Ундай бўлса, – деди Санчо, – ўзимизни ҳақ йўлга бошлагувчи худойи таолога топшириш ва тақдирга тан беришдан бошқа иложимиз йўқ.

– Модомики, граф бўлиб қоларкансан, – давом этди дон Кихот, – демак, сен рицарсан: одамлар нима дейишса дейишаверсин, бари бир улар сени сеньор, деб улуғлашга мажбур бўладилар.

– Хўш, наҳотки сиз мени ўзини вонга муносиб тутолмайди, деб ўйлайсиз? – сўради Санчо.

– Вон эмас, унвон демоқчи бўлсанг керак-а? – деди дон Кихот.

– Ҳа, шундай бўла қолсин, – деди Санчо Панса. – Мен ўзимни йўқотиб қўймасман, дейман. Бир вақтлар мен каттагина бир майдонда қоровуллик қилган эдим, қоровуллик қўйлаги менга шу қадар ярашган эдики, ҳамма бу важоҳатинг билан қози бўлиб олишинг ҳеч гап эмас,

дейишарди. Борди-ю, олтин ва марваридлар билан безатилган мантияни елкамга ташлаб олсам, нималар бўлади-я! Имоним комилки, ўлканинг ҳар тарафидан одамлар мени кўргани югуриб-елиб келишади.

– Тўғри, важоҳатинг жуда басавлат бўлади, – деди дон Кихот, – лекин соқолингни тез-тез олиб туришинг керак, чунки у қалин, тароқ ўтмайди, патак бўлиб кетган. Ақалли кун ора устара билан қиртишлаб турмасанг, ҳар ким бир чақирим наридан ҳам афтингдан танийди.

– Бу мушкул иш эмас, – деди Санчо, – чораси маош белгилаб, сартарош ёллаш-қўйиш. Зарурат туғилгудек бўлса, грандлар орқасидан отбоқарлар юргандек, кетимдан эргашиб юрадиган қилиб қўяман.

– Грандлар орқасидан отбоқарларнинг юришини қаёқдан биласан?

– Маълумингиз бўлсинким, муҳтарам жаноблари, – деди Санчо, – бир неча йил муқаддам мен пойтахтда бир ойча бўлгандим. У ерда мен бир сеньорни кўчада тез-тез кўриб турардим. Уни жуда бадавлат одам дейишса-да, жуда пакана эди. У доим сайр қилар, кетидан эса бир отлиқ худди соядек эргашиб юргани-юрган эди. Мен нега бу одам пакана сеньор билан баравар юрмай, доим ортида боради, деб сўрадим. Менга, отлиқ унинг отбоқари, бинобарин грандлар одатига кўра уларни ҳамма вақт отбоқари кузатиб юриши керак, дейишди. Бу гап ёдимга қаттиқ ўтириб қолган экан, ўшандан бери сира эсимдан чиқмайди.

– Ҳа, гапинг рост, – деди дон Кихот, – сен сартарошни бирга олиб юришинг мумкин. Шуни билгинки, удум-одатлар ҳаммаси бирданига ва тамомила қарор топмаган, шунга кўра сен сартарош кузатувида сайр этадиган биринчи граф бўлсанг ажабмас.

– Сартарош масаласини менга қўйиб бераверинг, муҳтарам зот, – деди Санчо, – ўзлари қирол бўлиб, мени графликка кўтариш чорасини кўрсалар зўр иш бўларди.

– Ташвиш қилма, ҳаммаси бўлади, – деди дон Кихот бамайлихотир, бироқ рўпарага назар ташлар экан, рицаримиз шундай нарсаларни кўрдик, бу навбатдаги бобда ҳикоя қилинажак.

**ЗЎРЛАБ ОЛИБ КЕТИЛАЁТГАН КЎПГИНА  
БАХТСИЗЛАРГА ДОН КИХОТНИНГ  
ОЗОДЛИК БЕРГАНИ**

Дон Кихот рўпарадан пиёда келаётган ўн икки кишини кўрди: уларнинг ҳаммаси тасбеҳга тизилган маржондай битта узун занжирга боғлаб қўйилган, қўллари кишанбанд эди. Уларни тўрт соқчи қўриқлаб борарди: соқчилардан иккитаси отлиқ бўлиб, қадимий пилта милтиқ билан, иккитаси пиёда бўлиб, найза ва қилич билан қуроолланган.

– Мана қирол сургун қилган турнақатор занжирбанд тутқунлар; уларни галерага<sup>34</sup> олиб кетишяпти, – деди Санчо.

– Нимага тутқунлар бўлсин? – деб сўради дон Кихот.  
– Қирол ҳам зўравонлик қилар эканми?

– Мен бундай деяётганим йўқ, – деди Санчо, – бу одамлар ўз жиноятлари учун қиролнинг галераларига мажбурий хизматга ҳукм қилинганлар демоқчиман.

– Хуллас, – деб эътироз билдирди дон Кихот, – бу одамлар галерага ўз хоҳишлари билан эмас, зўравонликдан мажбур бўлиб келишмаяптимикин?

– Худди шундай, – деб жавоб берди Санчо.

– Ундай бўлса, – деб сўзида давом этди хўжайин, – бурчим мени зўравонликка қарши қўзғалиш ва бу бечораларга ёрдамлашишга ундайди.

– Муҳтарам жаноб, – деб эътироз билдирди Санчо, – қирол билан суд зўравонлик қилишмайди, одамларни уларнинг гуноҳларига яраша жазолашади.

Шу орада бандилар етиб келишди ва дон Кихот бағоят мулойимлик билан соқчиларга мурожаат қилиб, бу бечораларнинг нега занжирбанд этилганини тушунтириб беришларини сўради. Отлиқ соқчилардан бири бу сургун қилинганлар ҳазрати олийларига тобе эканини, улар галерага олиб кетилаётганини айтди, унинг кўрган-билгани шугина эди, холос.

– Бари бир мен, – деди дон Кихот, – уларнинг ҳар қайсисидан бошига тушган бу бахтсизликнинг сабабларини алоҳида-алоҳида сўраб билишни истардим.



У илтимосини шунчалар хушмуомалалик билан айтдики, бунга жавобан иккинчи отлиқ соқчи бундай деди:

– Гарчанд бу ярамаслар устидан чиқарилган аниқ ҳукмни ёнимизда олиб бораётган бўлсак ҳам, тўхтаб, қоғозларни сиз муҳтарам жанобларига ўқиб беришга вақтимиз йўқ. Яхшиси, уларнинг ҳар қайсисининг олдига бориб, ўзларидан сўраб билиб олақолинг, сеньор. Агар исташса, бор гапни сизга айтиб беришади, буни жон-жон деб исташса керак, чунки бу зўравонларга разиллик қилиш ёки буни гапириб беришдан улуғроқ ҳузур йўқ.

Дон Кихот рухсат олгач, занжирбандларнинг олдига борди-да, йигирма тўрт ёшлар чамасидаги биринчи тутқун йигитдан нега бундай мусибатга учрагани сабабларини сўради. Йигит бунинг ҳаммасига севги айбдор, деб жавоб берди.

– Бу қанақаси, фақат севги туфайлими?! – хитоб қилди дон Кихот. – Агар севги туфайлигина галерага юборишса, у тақдирда мен аллақачон эшкак эшиб юришим керак эди.

– Муҳтарам жаноблари бошқа севгини кўзда тутмоқдалар, – деди тутқун. – Менинг севгим бошқачароқ, мен уст-бош солинган саватни қаттиқ севиб қолиб, қучоғимга шу қадар меҳр билан босиб олдимки, одил суд зўрлик билан тортиб олмаганида, ҳали ҳам қўйиб юбормаган бўлардим. Ана шу севги туфайли менинг елкамга юз дарра уришди-да, қўшимчасига уч йил галера хизматига ҳукм қилишди.

Дон Кихот иккинчи тутқунга ҳам шу саволни берди, бироқ тутқун оғиз очмай, маънос юришда давом этаверди. Унинг номидан ёнидаги киши сўзга аралашди:

– Уни канарейкалик қилгани, бошқача қилиб айтганда, хонанда ва созанда бўлгани учун олиб кетишяпти, сеньор.

– Ие, бу қанақаси? – яна сўради дон Кихот. – Наҳотки хонанда ва созандаларни ҳам галерага ҳукм қилишса?

– Ҳа, сеньор, – деб жавоб берди тутқун, – тревога вақтида ашула айтишдан ёмони йўқ.

– Бунақасини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, – эътироз билдирди дон Кихот. – Ахир, кимнинг қўшиқ ҳамдами, унинг бўлмади гами, дейишади-ку.

– Бу ерда тескариси, – деди тутқун, – ким қўшиқ айтса бир бор, у умр бўйи хор-зор.

– Ҳеч тушунмаяпман, – деди дон Кихот.

Шу пайт отлиқ соқчилардан бири гапга аралашди:

– Сеньор кабальеро тревога вақтида ашула айтиш дегани – бу виждонсизлар тилида қийноқ вақтида ўз айбини бўйнига олиш дегани. Бу гуноҳкорни қийноққа солишган эди, у ўз жиноятини бўйнига олди: бу мол ҳайдар эди, яъни ҳар йил уй ҳайвонларини ўғирлаб ҳайдаб кетарди. Уни олти йил галерага ҳукм қилишди ҳамда қўшимча икки юз дарра уришди. Ишонмасангиз бу фирибгарнинг елкасини очиб қаранг. Энди бўшанглик қилганидан афсусланиб, ич-этини еб, уялиб юрибди, бошқа муттаҳамлар эса қийноққа охиригача чидаб, айбини бўйнига олмасликка бардоши етмади деб, ундан жирканишиб, жабрлаб, яккалаб қўйишмоқда. Зероки, улар ҲА сўзи ҳам, ЙЎҚ сўзи ҳам бир оғиздан чиқади, деган нақдга амал қилишади. Жиноятчининг энг катта ютуғи шуки, унинг тирик қолиши ёки ўлиб кетиши, гувоҳларга ёки далилларга эмас, балки унинг ўз тилига боғлиқ дейишади. Менимча, уларнинг бу мулоҳазаси тўғри.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – деб жавоб берди дон Кихот.

Шундан кейин у учинчи тутқуннинг олдига бориб, унга ҳам аввалги икки тутқунга берган саволини берди: у уялиб-негиб ўтирмай, шартта-шартта жавоб берди:

– Ўн дукатим бўлмагани учун беш йил муддатга галералар ҳузурига жўнаб кетяпман.

– Сизни бу мусибатдан кутқариш учун жон деб йигирма дукат беришга ҳам тайёрман, – деди қичқариб дон Кихот.

– Вақт ўтди, сеньор, – деди тутқун. – Ҳозир мен денгизнинг қоқ ўртасида сузиб бораётган кемадаги пули кўп, аммо сотиб олгани нон топмаганидан оч қолган бадавлат савдогарга ўхшайман. Сиз эҳсон қилаётган ана шу йигирма дукатим илгари бўлганида-ку, ишбошининг оғзини мойлаб, оқловчининг миясини янгилаган бўлардим, шу билан қарабсизки, бу йўлда занжирга тушган тозидай сургалмай, озодликда жавлон уриб юрардим.

Сўнгра дон Кихот қолган тутқунлар билан ҳам савол-жавоб қилишди. Ҳар қайсиларининг нима учун галерага ҳукм қилингани тўғрисидаги сўзларини батафсил эшитди. Рицаримиз энг сўнгги марта мурожаат қилган тутқун ўттиз ёшлар чамасидаги қадди-қомати келишган, хушбичим, бир кўзи сал ғилай одам эди. У қолган тутқунларга қараганда бошқачароқ занжирбанд қилинган эди. Унинг гавдаси бошидан-оёғигача узун занжир билан чирмаб ташланган. Унинг иккита ҳалқаси бўлиб, биттаси бошқа ҳамма тутқунлар боғланган занжирга уланган, «дўстимни эҳтиёт қил» деб аталувчи иккинчи ҳалқасидан камаригача иккита сим чўзилиб кетган, бу симлар қўлларидаги кишанларга пайвандланган эди; шу туфайли тутқун на қўли, на бошини қимирлата оларди. «Бу одам нега бунчалик қаттиқ кишанлаб қўйилган», – деб сўради дон Кихот.

Отлиқ соқчи унга шундай жавоб берди:

– Чунки унинг бир ўзи бошқа ҳамма тутқунлар қилган жамики жиноятдан ҳам кўпроқ жиноят қилган; бунинг устига у шундай довюрак учарки, жуда маҳкам кишанланишига қарамай, яна қочиб кетмасайди, деб эҳтиёт бўлиб боряпмиз. Сизга бу одамнинг машҳур Хинес де Пасамонте ёки унинг бошқача оти Хинесильо де Парапилья эканини айтсак, шу кифоя бўлса керак.

– Сал оғзингизга қараб гапиринг, сеньор комиссар, – деди тутқун, – одамга ҳар хил лақаблар бераверишни бас қилинг. Менинг номим сиз муҳтарам зот айтганидай ҳеч ҳам Хинесильо эмас, балки Хинес, ўзим Парапильядан эмас, Пасамонтеданман. Яхшиси, сиз ўз авлодингизни ўйласангиз бўларди. Жуда кўп ажойиботлар очардингиз...

– Сал секинроқ, сеньор қароқчи, – деб жавоб берди комиссар, – бўлмаса оғзингни юмиб қўяман.

– Вақти келиб менинг Хинесильо де Парапилья эмаслигимни ҳамма билиб олади.

– Мутгаҳам, ҳали сенинг бунақа лақабинг йўқми? – деб сўради назоратчи.

– Борликка бор-у, – деб жавоб берди Хинес, – лекин ҳеч кимга ўзимни бундай деб ататтириб қўймайман.

Сеньор, – деб мурожаат қилди у дон Кихотга, – сиз бизга бирор нарса бермоқчи бўлсангиз тезроқ беринг-да, кейин йўлингиздан қолманг. Бошқаларнинг ишига аралашиб сўроқ қилаётганингиз жонимга тегди, борди-ю, менинг кимлигимга қизиқсангиз, билиб қўйинг! Мен Хинес де Пасамонте бўламан, мана, мана шу бармоқларим билан тарихимни ўзим ёзганман!

– У тўғри гапни айтяпти, – деди комиссар. – Чиндан ҳам у ўз ҳаётини ёзган, ёзганда ҳам жуда қойил қилган, лекин китоби турмада қолган, гаровига икки юз реал олган.

– Икки юз дукат тўласам ҳам, – деди Хинес, – бари бир уни қайтариб оламан.

– Олсанг нима бўпти, шунақа ажойиб китобми? – сўради дон Кихот.

– Ажойиб бўлганда қандай, – жавоб берди Хинес. – тормеслик Ласарильодан ҳам ана шу хилда ёзилган ёки бундан кейин ёзиладиган ҳамма китоблардан ҳам соз<sup>35</sup>. Унда ёзилганлар ҳаммаси ҳақиқат, бу китоб шу қадар қизиқ ва галатики, ҳар қандай уйдирма ҳам унинг олдида ип эшолмайди, буни фақат сизга айтяпман, муҳтарам жаноблари.

– Китобнинг номи нима? – сўради дон Кихот.

– Хинес де Пасамонтенинг ҳаёти, – деб жавоб берди у.

– Ёзиб тугатилганми? – сўради дон Кихот яна.

– Менинг умрим тугамай туриб, қандай ёзиб тамом қилинган бўлсин, – деб жавоб берди Хинес. – Тугилганимдан то мана ҳозир галерага жўнатилаётганимга қадар кўрган-кечирганларимнинг ҳаммаси ўша китобда баён қилинган.

– Галерага биринчи марта жўнаётган бўлсангиз керак-а? – сўради дон Кихот.

– Худо ва қиролнинг даргоҳида хизмат қилиб, тўрт йилимни галерада ўтказиб юбордимки, қоқ нон билан дарранинг мазаси қандайлиги менга аён, – деб жавоб берди Хинес. – Бироқ яна ўша ерга юборилаётганимдан унчалик хафа эмасман. У ерда шошмай-нетмай китобимни меъёрига етказаман. Испан галераларида ишлайдиган одамларнинг бўш вақтлари шундай кўпки, қандай ўтказишни билмайсан киши.

– Сен аҳмоқ одам эмас экансан! – деди дон Кихот.  
– Бахтиқаро ҳам эмасман, – деб илова қилди Хинес. – Мияси ишлайдиган одамларгина ҳамиша бахтиқаро бўлади.

– Муттаҳамларгина бахтиқаро бўлади, – комиссар Хинеснинг гапини бўлди.

– Мен сиздан боя оғзингизга қараб гапиринг, деб илтимос қилган эдим, сеньор комиссар! – деди Хинес. – Сизга биз бечораларни ҳақорат қилиш эмас, ҳаммамизни қирол тайинлаган жойга олиб бориб қўйиш топширилган. Шунинг учун гапни бас қилинг-да, йўлга тушайлик, бўлмаса ким билади, бошингизга қандай ишлар тушар, балки галерага ўзингиз илиниб қоларсиз!

Комиссар Пасамонтени қўполлиги учун урмоқчи бўлиб, қамчисини ўйнатган эди, дон Кихот уларнинг ўрталарига туриб олди, комиссардан тутқунни урмасликни илтимос қилди.

– Маҳкам боғлаб ташланган одамнинг чакаги сал очилса, нима бўпти? – деди у. Сўнгра у занжирбандларга ўгирилиб, шундай деди:

– Сизларнинг айтганларингиздан мен бир нарсани яққол тушуниб олдим, азиз биродарлар: сизлар гарчанд қонунга мувофиқ суд йўли билан жазоланган бўлсаларингиз ҳам, келгусида кечирадиган умрингизга унча мойил эмассиз, сизларни зўрлаб галерага олиб кетишяпти. Бунинг устига устингиздан чиқарилган ҳукмнинг унча тўғри эмаслиги эҳтимолдан холи эмас! Бирингизни қийноқдан қўрққанингиз, иккинчингизни пули камлиги, учинчингизни ҳимоячингиз йўқлиги, тўртинчингизни судьянинг ноҳақ ҳукми бу балага йўлиқтирган. Ким билади дейсиз, балки ҳақ бўлгандирсиз-у, аммо буни судда исботлай олмагандирсиз. Лекин адолат голиб чиқиши керак. Худо мени нима мақсадда буюк жасоратлар кўрсатишга даъват этиб, жаҳонгашта рицарлар сафига қўшилишимни ва мазлумларни ҳамда эзилганларни ўз паноҳимга олиб, уларни ҳимоя қилишим учун онт ичишимни буюрганини ҳозир кўрасиз. Лекин мен масалани тинч йўл билан ҳал қилиш мумкин бўлган жойда куч ишлатиш керакмаслигини биламан, шунинг учун аввало соқчилар ва комиссардан сизлар-

нинг кишанларингизни ечиб, ўзларингизни тинчгина бўшатиб юборишга рози бўлишларини сўрайман. Аллоҳ таоло билан табиат эркин қилиб яратган кишиларни қулга айлантиришни мен ниҳоятда шафқатсизлик деб биламан. Бунинг устига, сеньор соқчилар, – деб қўшиб қўйди дон Кихот, – бу бечоралар шахсан сизнинг олдингизда ҳам қандай гуноҳ қилишгани йўқ. Ҳар ким ўз гуноҳига ўзи жавоб беради: осмонда худо бор, у ёмонлик қилганларни одиллик билан жазолайди, яхшиликка марҳамат кўрсатади. Бандалари эса бошқа одамларнинг жаллодлари бўлиб қолмасликлари керак. Мен сизларга яхшилик билан ташаккуримга лойиқ бўлишингизни сўраб мурожаат қиламан. Агар илтимосимни ўз хоҳишингиз билан бажармасангиз, найзам ва қиличимни ишга солиб бўлса ҳам, уни бажаришга мажбур этаман!

– Бу қанақа аҳмоқона ҳазил! – хитоб қилди комиссар. – Буни қаранг-а, нималар деб валдираяпти у! Ахир давлат жиноятчиларини бўшатиб юборишга бизнинг ҳақимиз борми, бизга бундай буйруқ беришга сизнинг ҳақингиз борми? Қани, яхшиликча омон-эсон йўллари-га жўнаб қолсинлар-чи, муҳтарам жаноблари, бошларидаги жомни ҳам тўғрилаб олсинлар, ундан кейин беҳуда нарсага овора бўлиб юрмасинлар, сеньор!

Дон Кихот ғазабланганидан ўзини тутолмай, комиссарга шундай шашт билан ташландики, у ҳужумга тайёрланмасданоқ найза зарбидан эгардан қулади. Бу кутилмаган ҳужумдан бошқа соқчилар ҳам аввалига довдираб қолишди. Бироқ улар шу заҳотиёқ эс-ҳушларини йиғиб олишди-да, қилич ва найзаларини шайлаб, бараварига дон Кихотга ташла-нишди. Тутқунлар қутулиш имконияти туғилганини сезиб, бор кучлари билан кишанларни узиб ташлашга киришмаганларида, балки рицаримизнинг аҳволига маймунлар йиғлармиди. Ҳамма гангиб қолди: соқчилар нима қилишни, тутқунларга ташланишни ҳам, ёки ҳужум қилаётган дон Кихотдан ўзларини муҳофаза қилишни ҳам билмай қолишди. Шу орада Санчо Хинес де Пасамонтега кишанни узиб ташлашда ёрдам

берди. Хинес кишандан қутулиши биланоқ йиқилиб ётган комиссарнинг олдига югуриб борди-да, унинг пилтали милтиғини олиб, соқчиларга ўқталди. Лекин ўқ отишга тўғри келмади: чунки жанг майдонида битта ҳам душман қолмаган эди. Пасамонтенинг қўлидаги милтиқдан ва бошқа тутқунларнинг отаётган тошларидан кўрқиб, уларнинг ҳаммаси тумтарақай қочиб қолганди. Санчо қоровулларнинг тўзиб кетганини кўриб, ўзига келди-ю, жуда кўрқиб кетди. У, соқчилар бўлган воқеани оқизмай-томизмай Санта Эрмандадга етказишса керак, шундан кейин Санта Эрмандад тревога кўтариб, дарҳол тутқунлар билан уларнинг халоскорлари изига тушади, деган хаёлга келди. У бу фикрини дон Кихотга айтди-да, уни бу ердан дарҳол кетишга ва яқинда кўриниб турган тоғ оралиғига кириб яширинишга қистай бошлади.

– Ҳовлиқма, – деди дон Кихот, – ҳозир нима қилишимиз кераклигини яхши биламан.

Шундан кейин рицаримиз комиссарни талаб, ҳар томонга тарқаб кетаётган тутқунларни чақирди: улар буйруқ кутиб дон Кихотнинг атрофини ўраб олишди, дон Кихот гапни шундай бошлади:

– Олижаноб кишилар ўзларига яхшилик қилган кишилардан ҳамиша миннатдор бўладилар, чунки кадр билмасликдан зўрроқ гуноҳ йўқ. Сизлар эса, сеньорлар, менинг сизларга валинеъматлик қилганимни ҳозиргина ўз тажрибангизда кўриб ишондингиз. Хўш, шундай экан, қилган мурувватим учун сиздан бир нарсани талаб қиламан: ҳозиргина ўзларингиз қутулган кишанларингизни елкангизга олиб, тезда Тобосо шаҳрига жўнашингизни истайман. У ерда сеньора Дульсинея Тобосская ҳузурида бўлиб, унга Ғамгин Қиёфа рицарь салом айтди дейсиз, сўнгра сизларни халос этиш учун кўрсатган шонли жасоратларимни унга ипидан-игна-сигача сўзлаб берасиз. Истагимни бажарганингиздан кейин хоҳлаган томонингизга кетаверишингиз мумкин.

Шунда Хинес де Пасамонте барча тутқунлар номидан жавоб берди:

– Сеньор халоскоримиз, сиз муҳтарам жанобларининг буйруғингизни сира бажо келтира олмаймиз, нега десангиз, биз тўдалашиб йўлга чиқа олмаймиз. Аксинча, бизни албатта изимизга тушадиган Санта Эрмандад топиб олмаслиги учун турли томонларга тарқалиб кетишимиз керак. Муҳтарама сеньора Дульсинея хузурига бориш ўрнига, бизга ҳар қанча бўлса ҳам дуо ўқишни буюра қолсинлар, биз жон деб муҳтарам жаноблари ҳақиға дуо ўқиймиз. Бизни кишанларини олиб Тобоссога боришга рози бўлишади деб ўйлаш ва ҳали эрталаб соат ўн бўлмай туриб, ҳозир ярим кеча, деб бизни ишонтиришга уриниш қайрағочдан нок қидириш билан баробардир.

– Қасамёд этаманки, – деб қичқирди дон Кихот дарғазаб бўлиб, – дон албаҳ, дон Хинесильо де Парापилья, яна қандай отингиз бор эди, сиз ўша ерга ёлғиз ўзингиз борасиз ва бу кишанларни орқалаб кетасиз.

Пасамонте бу ҳақоратни эшитаркан, дон Кихотни миясини еган деб ўйлаб, ўртоқларига бир нарсани ишора қилди. Улар ўша заҳоти тўрт томонга тарқалишди, шундан кейин дон Кихотнинг устига дўлдай тош ёғдира бошлашди, у қалқони билан ҳам ўзини ҳимоя қилолмай қолди. Санчо эшагининг биқинига яшириниб олиб, тошдан ўзини эҳтиёт қилиб қолди. Хўжайини эса бир неча дақиқа ўзини зарбдан асради, лекин пировардида кўкраги билан елкасига келиб теккан бир неча тошдан гуппа қулади. У қулаши биланоқ тутқунлардан бири унинг устига ўзини отди-да, бошидан жомни олиб, у билан елкасига уч-тўрт марта туширди, сўнгра тутқунлар бечора рицарнинг яроғ-аслаҳалари устидан кийиб юрадиган камзулини ечиб олишди, пайпоқларини ҳам шилиб кетишмоқчи эди, лекин бунга рицаримизнинг пойабзали халақит бериб қолди. Санчонинг плашини ечинтириб, уни фақат кўйлақда қолдиришди, ниҳоят қолган ҳарбий ўлжаларни ўзаро бўлашиб олиб, тоғларга кириб яширинишди.



Жанг майдонида эшак билан Росинант, Санчо билан дон Кихот қолди. Эшак хаёл сургандай бошини қуйи солиб олган, ўқтин-ўқтин қулоғини силкитиб қўярди; чамаси, қулоғининг таги ҳамон жаранглаётгани учун тошбўрон ҳали ҳам тугамаган деб ўйлаётган бўлса керак; Росинант ўз хўжайини билан бирга ерда ётарди, чунки онкўр тутқунлардан унга ҳам хийлагина зиён-заҳмат етган эди. Плашидан ажралган Санчо эса Санта Эрмандадни ўйлаб қўрқувдан титрарди; дон Кихот эса халос этган одамларининг ўзига нисбатан бундай аҳмоқона муомалада бўлганидан ғоят тушкун бўлиб қолган эди.

### ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

#### **ХИНЕС ДЕ ПАСАМОНТЕНИНГ САНЧО ПАНСАНИНГ ЭШАГИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎФИРЛАБ КЕТГАНИ**

Дон Кихот адолатни тиклаш йўлида кўрсатган жасоратининг қандай аянчли тугаганини кўриб, яроқбардорига шундай деди:

– Номуссиз ва виждонсиз кишиларга яхшилик қилиш – денгиздан сув овлаш билан баробар деган гапни жуда қўп марта эшитганман, Санчо. Бунинг тўғрилигига энди ишондим. Одил суднинг ишига аралашмаслик керак, деган маслаҳатингга қўшилмаганимдан афсусланаман. Сўзларингга ишонганимда бу кўнгилсизликка йўлиқмаган бўлардим. Ўтган ишга салават, энди бу азобларга чидаймиз-у, келгусида ақлдиқроқ иш тутишга ҳаракат қиламиз.

– Марҳаматли жанобларига ақл киргунча мен турк бўлиб кетсам керак, – деб жавоб берди Санчо. – Сиз агар менинг маслаҳатимга дарҳол кирганингизда, бу кўнгилсизликларга йўлиқмаган бўлардик, дедингиз. Бўлмаса энди менинг маслаҳатимга киринг – бундан каттароқ балодан ҳам омон қоламиз. Сизнинг барча рицарлик шон-шавкатларингиз Санта Эрмандадга қарши туришда бизга қўл келолмайди, чунки у ҳамма жаҳонгашта рицарларни битта қилганда ҳам сариқ чақага

олмайди. Унинг мерганларининг ўқи ҳозирданоқ қулоғимнинг тагида гувилаётгандай бўлиб туюлмоқда.

– Сен туғма қўрқоқсан, Санчо, – деб унинг гапини бўлди дон Кихот. – Лекин мени қайсарликда айбламаслигинг учун энди сенинг маслаҳатингга кираман-да, Санта Эрмандадга учраб қолмаслик учун бу ердан жўнайман. Бироқ сен мени гўё қўрққанидан бу учрашувдан ўзини четга олди деб ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ҳеч кимга айтмасликка қасам ичасан. Фақат сенинг ёлворишингга қулоқ солганим учун шундай қилаётганимни унутма. Борди-ю, сен менга виждонсизларча туҳмат қилиб, гўё мени чиндан ҳам қўрқса арзийдиган хавфдан ўзини четга олди деб бирор кишига айтиш фикрида бўлсанг, ана шу фикрининг ўзи учуноқ шу ерда ёлғиз ўзим қолишга ва сен шу қадар ваҳим билан гапираётган муқаддас қардошликкина эмас, балки етти ака-ука Маккавейлар<sup>36</sup>, Кастор билан Паллукс<sup>37</sup> ҳамда дунёда мавжуд бўлган ҳамма ака-укалар, қардошларни кутишга тайёрман.

– Сеньор, – деб жавоб берди Санчо, – кетиш қочиш эмас, қутулишга кучимиз етмайдиган хавфни кутиш эса ўтакетган телбалиқдир. Оқиллик эса эртанги кун учун бутун ўзингни эҳтиёт қилишинг кераклигини ва бутун ҳаётингни бир йўла хавфда қолдирмаслигингни буюради. Ҳа, майли, мен жоҳил ва қишлоқиман, лекин бари бир мен аҳмоқ эмасман. Соғлом фикр юрита оламан, шундай экан, маслаҳатимга кирганингиздан афсусланманг. Агар мадорингиз етса, Росинантга мининг, бўлмаса мен ёрдамлашвораман, шундан кейин ортимдан юраверинг, чунки ҳозир бизга қўлимиздан ҳам оёғимиз зарурроқ, дилимга келган гап шу.

Дон Кихот бир оғиз ҳам эътироз билдирмади. Отига минди-да, яқинида кўриниб турган Сиерра Морена тоғ даралари томон эшагини ҳайдаб кетган Санчонинг кетидан жўнади. Санчо тоғдан ошиб ўтиб, Вис ёки Альмодовар дель Кемпогача боришни ҳамда у ерда Санта Эрмандад излаб тополмайдиган қояларда бир неча кун яширинишни мўлжаллаган эди. Олижаноб яроқбардор ўзининг тўриқ эшагида етарли озиқ-овқат олиб кетаётга-

ни учун ҳам, узоқ тоғларга чиқиб кетишга журъат этган эди. Озиқ-овқатлар эса қандайдир каромат билан очкўз тутқунларнинг қўлига тушмай қолган эди.

Кечга яқин улар Сиерра Морена тоғларининг жуда ичкарисига чиқиб олишди, тунагани хилват бир дарада қулоч ёзган катта эман дарахти тагига жойлашишди. Санчо бу ерда овқат тутагунча истиқомат қиламиз, деган қарорга келди. Бироқ тақдирнинг машъумлигини қаранг, дон Кихотнинг мардлиги ва нодонлиги туфайли кишандан қутулган бояги тутқунларнинг энг довураги машҳур фирибгар ва ўғри Хинес де Пасамонет ҳам Санта Эрмандаднинг қўлига тушишдан қўрқиб, тоғларга қочган ва дон Кихот билан Санчо Панса яширинган мана шу дарага ҳали қоронғи тушмай яшириниб олган эди. Ёвузлар миннатдор бўлишни билмайдилар. Бойлик орттириш йўлидаги битмас-туганмас иштиёқ ҳамиша уларни янги жиноятларга атлантиради. Шунинг учун ҳам Хинес саёҳатчиларимизни кўриб, яна улар ҳисобига бир нарса орттиришни ўйлаган бўлса, бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Бу нонкўр фирибгар Санчонинг тўриқ эшагини ўғирлашга аҳд қилди. У Росинантни ҳеч нарсага ярамайдиган қирчанғи деб ўйлади. Шунинг учун унга эътибор ҳам бермади. Мана, ниҳоят, саёҳатчиларимиз уйқуга кетганларида Хинес улар тўхтаган жойга келди-да, эшакни етаклаб қолди; тонг отарда у шу қадар узоқлашиб кетган эдики, энди уни қидириб топишнинг иложи йўқ эди.

Уфққа кўтарилган қуёш бутун ер юзига қувонч, фақат биргина Санчо Пансага алам олиб келди. Энди у эшагидан маҳрум бўлган эди. Санчо эшак йўқолганини пайқаб жон-жаҳди билан фарёд қила бошладики, бундан уйғониб кетган дон Кихот шундай фиғонни эшитди:

– О, ўз уйимда туғилган, севикли жигарбандим, болаларимнинг қувончи, қўшнилариимнинг ҳаваси, хотинимнинг ҳузури, меҳнатларимда кўмакдошим! Энди мен сенсиз қандай яшайман, ахир сен ҳар куни топиб берадиган йигирма олти мараведис ҳар кунги овқатга кетадиган харажатимнинг ярмига етарди.

Дон Кихот гап нима ҳақида кетаётганини билгач, сенга ўзимнинг учта хўтигимни тухфа қиламан деб Санчони овунтиришга уриниб кўрди. Бу қўл келди. Санчо тинчиди, хўнграб йиғлашини қўйди, кўз ёшларини артиб, дон Кихотга олижаноблиги учун миннатдорлик билдирди.

Дон Кихот тоғ бағрига кириши биланоқ чеҳраси ёришиб кетди: унинг назарида бу жойлар энг ажойиб саргузаштлар учун яратилгандай эди. У ана шу фикрларга берилиб, шундай кайфичоғ бўлиб кетган эдики, ҳатто дунёдаги ҳамма нарсани унутганди. Ўзини хавфдан ҳоли сезган Санчо эса бисотларидаги роҳиблар овқатидан энг мазалилари билан қорнини тўйғазишни ўйларди. Рицаримиз ўзлари тунаган дарадан чиқиб олдинга қараб кетди. Санчо бўлса, унинг кетидан пиёда жўнади. У энди йўқолган эшагининг юкини елкасида кўтариб олиб, бирин-кетин қопдан бўлак-бўлак егулик нарса чиқариб, оғзини тўлдириб кавшаб борарди. Бу унга шундай маъқул тушган эдики, энди у бошқа ҳеч қандай саргузаштларни ўйламас эди.

Санчо тўсатдан кўзини очаркан, хўжайинининг тўхтаб, ерда ётган бир нарсани найзаси билан илиб олмоқчи бўлаётганини кўрди. У яқинроқ келиб дон Кихот чарм сумкани найзасининг учига илинтирганини пайқади. Сумка ярим бўлса ҳам, шундай оғир эдики, Санчо ердан кўтаришда хўжайинига ёрдам бераман деб, инқилаб юборди. Дон Кихот яроқбардорига сумкада нима борлигини билишни буюрди. Сумка занжир билан боғлаб қўйилган бўлса-да, Санчо уни оппа-осон очди. Сумкада тўртта голландча юпқа кўйлак, келиштириб тикилган анча-мунча бошқа ички кийимлар бор эди. Бир рўмолчага эса талайгина олтин танга тугиб қўйилганди. Санчо буларни кўриб хитоб қилди:

– Бизни шундай ажойиб саргузаштга йўлиқтирган худога шукр! Қани энди шундай ўлжалар тез-тез учраб турса!

Сўнгра у яна сумкани титкилаб, ҳашамдор муқовали ён дафтарчани топиб олди. Дон Кихот Санчога ён дафтарчани ўзига бериб, пулларни ёнига солиб қўйи-

шини буюрди. Бу билан у яроқбардорини жуда хурсанд қилиб юборди. Санчо Панса зўр миннатдорлик билан хўжайинининг қўлини ўпди-да, сумкадаги ич кийимларни овқат турган қопига солиб олди.

Шундан кейин саёҳатчиларимиз яна янги саргузаштлар излаб йўлга тушишди.

### ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

#### **ДОН КИХОТНИНГ МАЪЮС ГЎЗАЛГА ТАҚЛИДАН ТАВБА ҚИЛИШНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛГАНИ ВА ДУЛЬСИНЕЯ ТОВОССКАЯ ҲУЗУРИГА ЧОПАР ЮБОРИШГА АҲД ҚИЛГАНИ**

Дон Кихот энг хилват тоғ оралиқларидан тобора ичкарилаб борарди. Садоқатли яроқбардори ўз хўжайинининг кетидан судралиб қадам ташларкан, ўлгудек гап сотгиси келар, хўжайини биринчи бўлиб сўз ташлашини тоқатсизлик билан кутарди. Чунки хўжайинининг индамас ва одобли бўлиш зарурлиги тўғрисидаги қатъий буйруғини бузишни истамасди, ниҳоят, тоқати тоқ бўлиб гап бошлади:

– Сеньор дон Кихот, муҳтарам жаноблари, менга оқ фотиҳа бериб, кетишимга ижозат этсангиз. Уйга, бола-чақаларим олдига кетсам: улар билан ақалли истаганимча гаплашиб, мулоҳаза юрита олишим мумкин, сиз муҳтарам жаноблари эса менга кечаю кундуз ана шу даштда дайдишни, бунинг устига лом-мим демасликни буюрасиз, менинг бўлса доим тилим қичиб туради. Бундан кўра мени тириклайин ерга кўмиб қўя қолганингиз маъқул. Яроқбардорга осон эмас экан: умр бўйи саргузашт излаб кунинг ўтаркан, сени калтаклашаркан, чойшабга солиб осмонга улоқтиришаркан, тошбўрон қилишаркан, муштлашаркан, бунинг устига яна офиз ҳам очмагин, кўнглингга тугилиб қолган гапингни айтмагин экан, соқовга ўхшаб қоларкансан.

– Ниятингга тушуняпман, Санчо, – деб жавоб берди дон Кихот, – тилингни тийиб қўйганлигимни бекор қили-

шимга муштоқсан. Майли, шундай бўлсин, мен розиман, оғзингга келганини гапиравер. Лекин шуни унутма: мен сенга фақат шу тоғларда юрган пайтимиздагина хоҳаган вақтингда истаганнингни айтишингга рухсат бераман. Аҳоли яшайдиган жойларга борганимизда, яна тилингни тийиб қўяман, ана ўшанда то мен ўзим сўз ташламагу-нимча индамай юраверасан.

– Шунисига ҳам шукр, муҳтарам жаноблари. Пайтдан фойдаланиб бир савол беришимга рухсат этгайсиз; нега энди борган сари тоққа кириб боряпмиз, одам қадами етмаган бу жойларда санғиб юрмасдан ҳам Санта Эрмандаддан бемалол яширинишимиз мумкин-ку!

– Шуни билиб қўйки, Санчо, – деб жавоб берди дон Кихот, – бу хилват ва бўм-бўш ерлар менда жасорат кўрсатиш иштиёқини тугдирмоқда, шундай жасорат кўрсатаманки, бу жасорат менинг номимни абадий шон-шарафга чулғайди ҳамда бир вақтлар энг машҳур рицарлар кўрсатган барча буюк жасоратлардан юксакроқ жасорат бўлади бу.

– Бу жасоратингиз жуда хавфлими? – деб сўради Санчо Панса.

– Йўқ, – деб жавоб берди Гамгин Қиёфа рицарь. – Тағин ким билади дейсан, балки қаттиқ азоб чекишимга тўғри келар. Ҳаммаси сенинг ғайратингга боғлиқ.

– Менинг ғайратимга боғлиқ? – ҳитоб қилди Санчо.

– Ҳа, – сўзида давом этди дон Кихот. – Мен сени бир топшириқ билан юбормоқчиман, агар уни тез ва муваффақиятли бажарсанг, унда бошимдаги мусибатларим узоққа чўзилмайди, довруғим эса бутун оламга таралади. Лекин бу қандай топшириқ экан, деб сени қийноққа солиб қўйишим ярамайди, шунинг учун тўғридан-тўғри ишга ўтамиз. Сенга албатга маълумки, Санчо, ўз санъати билан донг таратишни истовчи ҳар қандай санъаткор ўзи удуғвор ҳисоблаган устодларнинг ижодига тақлид қилади. Ҳар қандай ақл юритувчи киши ҳам турмушда ана шу қоидаларга риоя қилиши керак. Кимки донишмандлик ва сабр-тоқатлиликда ном чиқаришни истаса, у Улиссга<sup>38</sup> тақлид қилиши

лозим, Гомер Улиссни донолик билан қатъийликни ўзида мужжасамлантирган киши сифатида гавдалантирган. Виргилий ўзининг Энейида<sup>39</sup> бизга ҳурматли ўғил билан донишманд доҳийнинг намунасини тасвишлаб берган. Ҳар иккала шоир ҳам албатта ўз қаҳрамонлари инсониятга ўрнак бўлсин учун уларнинг аслида кечираётган турмушларини эмас, балки келгусида қандай бўлишлари кераклигини тасвирлаганлар. Қандай бўлмасин, жаҳонгашга рицарь ҳам тақлид қилиши учун ўзига бирор қаҳрамонни танлаши керакки, бу тўғрида мен билан тортишиб ўтирмайсан. Ягона ва беқиёс Амадис Галльский менинг учун ана шундай қаҳрамондир. Аммо машҳурларнинг машҳури бўлган бу рицарь нақ сеньора Ориана томонидан рад этилгач, Пенья-Побре қоясини ошён этиб, номини Бельтенеброс, яъни Маъюс Гўзал қилиб ўзгартириб, гуноҳарига иқрор бўлиб тавба-тазарруга берилган вақтида ўз рицарлик жасоратини, донишмандлик, мардлик ва чинакам ошиқлигини айниқса яққол кўрсатган. Унинг изидан боришга яна шунинг учун ҳам қатъий бел боғладимки, бу жасоратга тақлид қилишим, бошқа жасоратлари – дев ва аждаҳоларнинг калласини узиб ташлаши, бутун бошли қўшинларни қувиб, флотни тўзғитиб юбориши ҳамда сеҳргарларнинг сеҳрини пучга чиқариши каби жасоратларига тақлид қилишдан кўра бу мен учун қулайроқдир. Бу кимсасиз хилват қоялар ўйлаган ишларимни амалга ошириш учун бағоят қулай жой ва шу бугуноқ ўзимнинг янги жасоратларимни амалга оширишга киришиш ниятидаман.

– Бу бўм-бўш жойда муҳтарам жаноблари нима қилмоқчилар ўзи? – сўради Санчо ўз хўжайинининг узундан-узоқ гапидан ҳеч нарса тушунмай.

– Амадис Галльскийнинг изидан бормоқчиман, ўз маъшуқамнинг бағритошлигидан умидсизликка тушиб, девонага айланиб юрмоқчиман, деб айтдим-ку сенга, – деб жавоб берди дон Кихот. – Айни вақтда мен жуда қаҳри қаттиқ деб ном олган шавкатли дон Роландга<sup>40</sup> ҳам тақлид қиламан. Дон Роланд гўзал Анжеликанинг ўзига вафосизлик қилганини эшитгач, аламига чидаёлмай телба бўлиб

қолган: у дарахтларни томири билан қўпориб ташлаган, сойларнинг тиниқ сувларини лойқалатган, чўпонларни ўлдирган, уларнинг кулбаларини ёндириб, хонавайрон қилган, абадий ном қолдиришга муносиб бўлган, бундан бошқа минглаб номаъқулчиликларни қилган. Аммо мен Роланд, Орландо ёки Ротоланднинг (у ана шу уч ном билан машҳур бўлган) ҳамма номаъқулчиликларига тақлид қилмоқчи эмасман. Балки мен Амадиснинг бир ўзига тақлид қилиш билан қаноатланарман. Амадис ҳеч қотилик қилмаган, ҳеч кимнинг уйини қўйдирмаган, лекин шунга қарамай ўз қайғуси ва кўз ёшлари билан шуҳрат қозонган. Бундай шуҳратга ундан олдин ўтган рицарлар ҳам, кейин ўтган рицарлар ҳам муяссар бўлолмаганлар.

– Ўйлашимча, сеньор, – деди Санчо, – сиз айтган рицарлар бу майнабозчиликларни маълум сабабларга қўра қилишган. Аммо, билишимча, сиз муҳтарам жанобларининг ақлдан озишларига ҳеч қандай сабаб йўқ. Наҳотки, бирор хоним севгингизни рад этган ёки сеньора Дульсинея Тобосская сизга вафосизлик қилган бўлса?

– Биласанми, дўстим Санчо, – деб жавоб берди дон Кихот, – бирор ваз туфайли жинни бўлиш ҳеч машаққатли ҳам, қаҳрамонлик ҳам эмас, лекин бирон вазсиз жинни бўлиш тамоман бошқа гап. Мабодо ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ жинни бўлиб қолганимни маъшуқам эшитгудай бўлса, чиндан умидсизликка тушиб, ғазабим кўзишига сабаб бўлувчи бирор ноҳўя иш қилиб қўйса, менинг нималар қилишга қодир эканлигимни тушуниб олади. Мен хат ёзиб, сени маликам Дульсинеянинг ҳузурига юбораман, ундан бирор жавоб олмагунча телба бўлиб юравераман. Агар у ўз мактубида менинг содиқлигимга яраша баҳо берса, телбалигим ва тавба-тазарруни бас қиламан, борди-ю, аксинча бўлса, чиндан ҳам ақлдан озиб, ҳеч нарсани ҳис қилмай қўяман. Хуллас, маликам қандай жавоб бермасин, менинг изтироб ва мусибатларим тугайди. Агар сен менга қувончли хабар олиб келсанг, ақлим жойига қайтиб, ундан лаззатланаман, борди-ю, қайғули хабар олиб келсанг, уни тушунмайман, чунки ақлдан



ажраламан. Энди менга айт-чи, Санчо, Мамбриннинг дубулғасини асраб қолган эдинг-ку, тўғрими? Мен халос этган нонкўр тутқунни майда-майда қилиб ташламоқчи бўлганидан кейин ердан кўтариб олганингни кўрган эдим. Майда-майда қилиб ташлай олмаганининг сабаби маълум: сеҳрли дубулғани йўқотиб юбориш осон эмас.

Бунга Санчо шундай жавоб берди:

– Худо ҳақи, сеньор Фамгин Қиёфа рицарь, сиз баъзан шундай гапларни айтасизки, эшитишга ҳеч тоқат қилолмайман. Рицарлар тўғрисидаги, подшоликлар ва давлатларни босиб олиш, менга орол ҳадя қилиш ҳамда эҳсон кўрсатиб, шон-шуҳратга буркайжагингиз ҳақидаги гапларингиз шунчаки қуруқ ваъзхонликми, билмайман, бу бор гапми ёки йўқ гапми, деган фикр келади миямга. Сиз муҳтарам жанобларининг сартарош жомини Мамбриннинг дубулғаси деганингизни бирор киши эшитиб қолса, эҳтимол, сизни чиндан ҳам ақлдан озибди, деб ўйласа керак. Ўша жом менинг сумкамда; унинг ҳамма ёғи пачоқ-пачоқ бўлиб кетган, шундай бўлса-да, мен уни олволгандим. Агар худонинг раҳми келиб, хотиним билан болаларимнинг олдига бориш насиб бўлса, пачоқларини текислаб, соч-соқол олишда фойдаланаман.

– Энди, Санчо, менга ҳам худонинг номи билан қасам ичишимга рухсат эт, – деди дон Кихот. – Қасам ичаманки, шу вақтгача дунёда шунчалик бефаҳм яроқбардор бўлган эмас. Наҳотки, менга хизмат қила бошлаганингдан буён ўтган вақт ичида жаҳонгашта рицарларнинг қўли теккан буюмларнинг сирли нарасага айланиб қолиши ва ўз қиёфаларидан бошқача бўлиб кўринишларига ишонч ҳосил қилмаган бўлсанг? Атрофимизни ҳамиша сеҳргарлар ўраб олганлиги учун шундай бўлаётир, сеҳргарлар бизни қўлаб-қувватлаш ёки аксинча ҳалок этиш иштиёқида барча буюмларни сеҳрлаб бошқа нарасага айлантириб қўймоқдалар. Буни эсдан чиқармагил, ана шунда сен соч-соқол оладиган жом деб ўйлаган буюмни мен нега Мамбриннинг дубулғаси деяётганимни тушуниб ҳомийлик қилаётган сеҳргар Мамбриннинг асл дубулғасини бошқаларнинг

кўзига жомга ўхшатиб кўйиб, ўзининг донолигини намойиш қилади: акс ҳолда бошқалар дубулғани мендан тортиб олиш учун изимга тушишган бўларди, чунки бу дубулға топилмайдиган нарсадир. Лекин одамлар буни сенга ўхшатиб шунчаки соч-соқол оладиган жом деб ўйлаганлари учун ҳам унга қўл чўзишмаётир: нонкўр тутқун аввал уни синдириб ташлашга уриниб кўрди, кейин эса ерга улоқтираркан, уни олишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганини эсласанг бас, ишончинг комил бўлсинки, агар у ҳақиқатни билганда эди, дубулғани ташлаб кетмаган бўларди. Дубулға ҳозир менга керак бўлмагани учун, сенда тураверсин, дўстим. Қаттиқ қайғуга ботганим белгиси сифатида ҳозир яроғ-аслаҳаларимни, бошдан-оёқ ҳамма кийимимни ечаман.

Улар ана шундай суҳбат билан юксак тоғ этагига етиб боришди, унинг қояларини ювиб оқаетган сокин сой ям-яшил ўтлоқ атрофини айланиб ўтарди, бу ўтлоққа қараган киши ҳаяжонланмай қололмас эди. Ўтлоқзорда қуюқ соя ташлаб турган дарахтлар қад кўтарган бўлиб, барра майса ҳамда ранго-ранг гуллар билан қопланган эди. Ғамда отини тўхтатиб, хитоб қилди:

– Бошимга тушган бахтсизликдан қон йиғламоқлик учун ана шу манзилни танлайман. Мана шу ерда дарё бўлиб оққан кўз ёшларим сойга қўшилади, чеккан оҳу фиғонимдан тоғ дарахтларининг барглари бетиним шивирлаб, пора-пора бўлган қалбим ноалаларидан куйлайдилар. О, умрим қуёши! О, Дульсинея Тобосская, сен менинг йўлчи юдузимсан, бор бахтимсан, илоё азиз-авлиёлар қўллаб, бутун орзуларинг амалга ошсин! Қара, ҳижрон мени қай кўйга солди, содиқлигимга яраша марҳамат кўрсат менга! Шу хилватгоҳда ўсиб, камол топган ва эндиликда ёлғизликда менинг ҳамдардарим бўлган эй дарахтлар, новдаларингизни аста чайқаб, менинг бу ерга келганим сизларга малол келмаётганидан ишора қилинг. Сен эса, эй менинг яроқбардорим, муваффақиятларим ҳамда мусибатларимда содиқ йўлдошим, ҳозир мен нималарни қилсам, ҳаммасини хотирангда сақлаб қол ҳамда буларнинг барини менинг

ноумидликка тушишим ва ғам-андуҳга ботишимнинг ягона гуноҳкорига етказ.

У ана шу сўзларни айтиб Росинантдан сакраб тушди-да, унинг эгарини ечди, сўнгра сағрисига шапатилаб, шундай деди:

– О, сен мен каби ўз жасоратлари билан шунча шуҳрат қозонган, тақдирдан шунчалар азоб-уқубат чеккан арғумоғим, энди сен озодсан, хоҳлаган томонингга бораверишинг мумкин, сен эркинлик олишга лойиқсан, сенга эркинликни ўзи ундан маҳрум бўлаётган одам бермоқда.

Санчо эса буни кўриб қичқириб юборди:

– Илоё, тўриқ эшагимни ўғирлаб кетган одамни жин урсин. Мен ҳам ўз оғайнимнинг сағрисига шапатилаб, роса мақтаган бўлардим. Айтгандай, у ёнимда бўлганида эди, уни қўйиб юборишга сира ҳам рози бўлмасдим, чунки мен ҳеч кимни сидқидилдин яхши кўриб қолганим ҳам йўқ, севгидай тоғу тошга чирмашаётганим ҳам йўқ. Лекин, рост гапни айтсам, сеньор Ғамгин Қиёфа рицарь, агар муҳтарам жаноблари чиндан ҳам мени бирор топшириқ билан жўнатмоқчи, шундан кейин ўзлари ақлдан озмоқчи бўлсалар, унда Росинантни яна эгарлашлари керак эди. У йўқолган эшагимнинг ўрнини босади; Росинантни миниб, олдинда турган йўлни тезроқ босиб ўтаман, пиёда жўнайдиган бўлсам, Дульсинеянинг ҳузурига қачон етиб бораман-у, қачон қайтаман, гапнинг ростини айтсам, жуда секин юраман.

– Ҳа, бўпти, – жавоб берди дон Кихот, – фикринг ёмон эмас; майли айтганинг бўлсин; Росинантни олақол. Бу ердан уч кундан кейин жўнаб кетасан, чунки менинг нималар қилишимни ва нималарни гапиришимни кўриб, эшитишингни истайман, кейин эса бунинг барини маликага етказасан.

– Хўш, сиз нималар қилмоқчисиз? – қизиқсинди Санчо Панса.

– Аввалига кийимларимни йирта бошлайман, – жавоб берди дон Кихот. – Кейин яроғ-аслаҳаларимни ҳар

ёққа улоқтираман, бошимни қояларга ураман... Умуман, шундай ишлар қиламанки, кўриб донг қоласан.

– Худо ҳақи, – деди Санчо, – бошингизни қояга эҳтиётлик билан уринг: бўлмаса, бошингизни шундай уриб олишингиз мумкинки, ўзингиз ҳам адойи тамом бўласиз. Ҳамма ғалати ишларингиз ҳам. Сиз муҳтарам жанобларига шундай маслаҳат бераман: гарчи сиз бу борада албатта пешонани бирор нимага уриш керак, бусиз сира мумкин эмас, деб ҳисобласангиз, муҳтарам жаноблари, унда бошингизни сувга ёки пахтага ўхшаш бирорта юмшоқ буюмга урсангиз, ўрнига ўтмасмикан. Бошқасини менга қўйиб қўяверасиз. Мен сеньора Дульсинеянинг олдига бориб, сиз марҳаматли зотнинг пешонангизни қоянинг олмосдан қаттиқ, қиррали жойига урдилар, деб айтаман.

– Яхши маслаҳатларинг учун сендан миннатдорман, дўстим Санчо, – деб жавоб берди дон Кихот, – лекин мен сени огоҳлантириб қўйишим керакки, мен ҳозир сенга нималар деган бўлсам, ҳаммасини бекаму кўст бажараман. Рицарлик қоидалари, ақалли ўз ҳаётимизни сақлаб қолишимиз учун ҳам бизга ёлғон гапиришни ман этади. Шу сабабдан ҳам бошни тошга уриш зарби кучли ва салмоқли бўлиши, бунда зарра сохталикка йўл қўйилмаслиги керак. Бинобарин, жароҳатларимни даволаш учун менга бир оз титилган ип қолдиришинг зарур: минг афсуски, кўргилик экан, малҳамни йўқотиб қўйдик.

– Энг катта бало эшакни йўқотганимизда бўлди, марҳаматли жанобим, – жавоб берди Санчо, – эшагимиз билан бирга биз озиқ-овқат солинган қопдан ташқари ҳамма нарсадан: эҳтиёт қилиб қўйилган ички кийимлардан ҳам, титилган ипдан ҳам, бинтлардан ҳам маҳрум бўлдик. Ўша ярамас гиёҳдан ясалган заҳарли ичимликни яхшиси эсингизга ҳам олмай қўя қолинг, сеньор! Мен буни сиздан ўтиниб сўрайман. Ўша ичимликнинг номини эшитсам, бутун ичим алғовдалғов бўлиб кетади. Сиздан яна битта илтимосим бор: ўзингиз белгилаган уч кунлик муддат тугади, қилган телбаликларингизни мени кўрди деб тасаввур қилинг,

мен эса сеньорангизга шунақанги бўлмағур гапларни болаб етказаманки, асти қўяверинг. Шундай қилиб, хатингизни ёзинг-у, мени тезроқ жўнатинг, нега десангиз, сиз муҳтарам жанобларини мана шу аърофдан тезроқ қутқариб олиб чиқиб кетиш учун зудлик билан қайтишни истайман.

– Сен бу ерни аъроф деб атадингми, Санчо? – хитоб қилди дон Кихот. – Дўзах деб атасанг, бундан ҳам тўғрироқ бўларди.

– Ҳеч-да, – деб жавоб берди Санчо, – дўзахга тушган киши қайтиб чиқолмайди, мен эса Росинантни ниқтайвериб оёқларимдан ажралиб қолмасам, сизни бу ердан қутқариб олиб кетиш умидидаман. Тобосога етиб бориб, сеньорангиз Дульсинеянинг ҳузурида ҳозир бўлдим дегунча сиздек муҳтарам зот қилган ва қилаётган нодонлик ҳамда телбаликлар (унинг ҳам, бунинг ҳам маъноси бир) тўғрисида шундай лоф урамани, у илгари эмандай қаттиқ бўлган тақдирда ҳам дарҳол ипак қўлқопдай юмшаб қолади. Шундан кейин унинг асалдай ширин жавобларини олиб орқамга қараб учаман-да, сиз марҳаматли жанобимни бу аърофдан халос қиламан. Бу аъроф кўринишидангина дўзахга ўхшайди, шунинг учун ҳам сизда бу ердан чиқиб кетиш умиди бор. Мен сизга аввал айтганимдай, дўзахдаги гуноҳкорларда бундай умид йўқ. Муҳтарам жаноблари гапимга қарши чиқмасалар керак, деб ўйлайман.

– Жуда тўғри, – деб жавоб берди Ғамгин Қиёфа рицарь, – хўш, мактубни нима деб ёзамиз?

– Менга туҳфа этишни ваъда қилганингиз учта хўтикни беришини экономангизга ёзишни яна унутиб қолдирманг, муҳтарам жаноб.

– Хотиржам бўл, унутмайман, – деб жавоб берди дон Кихот, – лекин мактубни нимага ёзсам экан? Қоғозимиз йўқ-ку. Балки қадимий одамлардек биз ҳам дарахт баргларига ёки мум тахтакачларга ёзишимиз керакдир, ундай десам, бу ерда ана шундай тахтакачларни топиш ҳам қоғоз топишдай қийин бир гап. Дарвоқе, миямга яхши фикр келиб қолди: тоғдан топиб олган ён

дафтарчамиз бор, ундан икки-уч варақ тоза саҳифа топилади, албатта. Сен эса дастлабки учратган қишлоқда бирорта мактаб муаллимини ёки дьячокни\* топгин-да, хатни яхши қоғозга ҳусни хат билан кўчириб ёзишни буюрган: лекин эҳтиёт бўл, уни одатда қоғозни тирнаб, чаплаштириб ёзадиган мирзаларга бера кўрма, чунки уларнинг ажи-бужи хатини шайтоннинг ўзи ҳам ўқиёлмайди.

– Унда имзони нима қиламиз? – деб сўради Санчо.

– Амадис ўзининг мактубларига ҳеч маҳал имзо чекмаган, – деб жавоб берди дон Кихот.

– Бу-ку шунда-я, – деди Санчо, – аммо тилхатингизнинг тагида албатта имзонгиз бўлиши керак-да, борди-ю, уни қайта кўчирилса, эҳтимол, имзо қалбаки дейишлари мумкин, қарабсизки, унда мен эшаксиз қолавераман.

– Ўз тилхатимга ўзим имзо чекаман, жияним, имзомни кўргач, лом-лим демай, амримни бажо келтиради. Муҳаббатномага келганда, охирига: «Қазоси етгунча қулингиз бўлган Фамгин Қиёфа рицарь» деб ёздир. Имзом қўлим билан чекилмас экан, бунинг аҳамияти йўқ. Чунки, хотирамга қараганда, Дульсинея на ёзишни, на ўқишни билади, бунинг устига умри бино бўлиб менинг ва хатимни, на ёзувимни кўрган. Биз фақат бир-биримизга қараб қўя қолардик, шунда ҳам аҳён-аҳёнда бир. Виждоним ҳақи қасамёд этаманки, кўз нуримдан ҳам ортиқ севган маъшуқамни ўн икки йил мобайнида тўрт марта ҳам кўрмаганман. Унинг падари Лоренсо Корчуало билан волидаси Альдонса Ногалеслар уни шу қадар жиддий тарзда тарбиялашганки, менинг термилиб қолишларимни у умуман пайқамаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

– Ие-ие-ие! – деб юборди Санчо. – Ҳали сеньора Дульсинея Тобосская Лоренсо Корчуалонинг қизи – Альдонса Лоренсомиди?

– Ҳа, – деб жавоб берди дон Кихот, – у бутун дунёнинг маликаси бўлишга лойиқдир.

\*Насронийлар черковидаги энг қуйи даражали руҳоний.

– Э, мен уни жуда яхши танийман, – хитоб қилди Санчо, – нимасини айтасиз. Қизмисан қиз-да ўзиям. Худо урсинки, бақувватлилик ва эпчилликда қишлоқ йигитларининг ҳеч биридан камлиги йўқ! У жаҳонгашталиқ қилиб юрган ёки шунақа ниятда бўлган ҳар қандай рицарнинг адабини бериб қўяди. Турган жойимда тил тортмай ўлай агар, шундай кучлики, асти қўяверинг! Овози шунақанги ўткирки! Сизга мен бир нарсани айтиб қўяй, бир куни у қўнғироқхонамизга чиқиб олиб, отасининг далада ишлаётган батрақларини чақириб роса бақирди, улар ярим милча келадиган жойдан қизнинг товушини қўнғироқхона таккинасида тургандай аниқ эшитдилар. Энг яхшиси шундаки, у нозу карашмани билмайди, нуқул кулгиси қистайди, ҳар нарсага завқланаверади. Сеньор Ғамгин Қиёфа рицарь, энди мен сизга айтмоқчиманки, ўша қиз ҳақи телбалиқ қилишингиз мумкин ва кераккина бўлиб қолмай, муҳтарам жаноблари, балки умидсизланиш ва ҳатто ўзингизни осиб қўйишингизга ҳам асосли сабаблар бор. Бундан хабар топган ҳар қандай одам сизни тўғри қилибди, деса керак. Мен уни анчадан буён кўрганам йўқ, жамолига назар ташлаш учун тезроқ йўлга тушгим келяпти. У анча ўзгариб кетган бўлса керак; чунки қизи тушмагур қачон қарама, далада, очиқ ҳавода, жазирама офтобда, бундан эса кишининг туси тез бузилади. Лекин, сеньор дон Кихот, мен сизга бир ҳақиқатни очаман. Шу кунгача марҳаматли жаноблари ошиқ бўлган сеньора Дульсинеяни бирор малика ёки сиздек мўътабар зот юбориб келган ажойиб совғаларга лойиқ бирон эътиборли хоним, деб ўйлаб, бунга қатъий ва қаттиқ ишониб лақиллаб юрган эканман. Чунки сиз унинг ҳузурига бискайликни, каторгачи тутқунларни юбордингиз, илгари ҳам кўпгина одамларни йўллагандирсиз, эҳтимолки, муҳтарам жаноблари, мен яроқбардорлик хизматларига ўтгунимча анчагина ғалабаларга эришган бўлсангиз керак. Ахир ўзингиз яхшилаб ўйлаб кўринг, сеньор Альдонса Лоренсога, яъни айтмоқчиманки, Дульсинея

Тобосская ҳузурига муҳтарам жаноблари ўзлари енгган кимсаларни юбориб турибдилар ва юбораверадилар, улар Дульсиня Тобосскаянинг ҳузурига бориб, унинг олдида тиз чўкадилар, хўш бундан қизга нима фойда? Ахир, улар қизнинг ҳузурига у зифирпояларини тозалаётган ёки уни саройда туяётган пайтда бориб қолсалар, хунук бўлади-ку. Уни ана шунда, иш устида кўриб улар дарғазаб бўлишлари, совғангиздан эса, эҳтимол, қиз кулиши ҳамда хафа бўлиши мумкин-ку!

– Мен сенга неча марталаб айтдимки, ўтакетган маҳмадонасан деб, яна ўтмас зеҳнинг билан ақл ўргатмоқчи бўласан, – деди дон Кихот, – ўзингнинг ўта аҳмоқ, менинг бениҳоя доно эканлигимни очиқ-ойдин билиб олишинг учун, шуни билиб қўйгилки, романларда баён қилинадиган ҳамда шеърларда мадҳ этиладиган ҳамма графинялар билан қироличалар ҳамма олижаноб ва гўзал хонимлар аслида йўқ. Шеър бағишлаш мумкин бўлсин деб, ошиқ бўлишга, севишга лойиқ экан десин деб уларни шунчаки ўйлаб топадилар. Менинг Альдонса Лоренсони дунёда энг гўзал ва ақлли қиз, энг олинасаб малика, деб ўйлашимга ким тўсқинлик қила олади? Агар билмасанг, билиб қўйишинг керак, Санчо, айниқса, икки нарса ишқ-муҳаббат уйғотади; чинакам гўзаллик билан шон-шуҳрат, Дульсиняда эса униси ҳам, буниси ҳам бор. Гўзалликда ҳеч ким унга тенг бўлолмайди, камдан-кам кишигина у сингари шон-шуҳрат орттирган. Хуллас, мен ҳақ гапни айтяпман, деб ҳисоблайман, чунки менинг тасаввуримда у шундай гўзал, шундай олижаноб тарзда гавдаланадики, на Елена, на Лукреция, на бошқа қадимий машҳур хонимлар унга тенг бўлоладилар. Одамлар нима дейишса деяверишсин. Агар нодонлар менга танбеҳ берадиган бўлишса, унда донишмандлар мени мақтовга буркашади.

– Сиз мутлақо ҳақсиз, муҳтарам жаноблари, – деб жавоб берди Санчо, – фикрингизга қўшиламан, сиз донишмандсиз, мен эса эшакман. Ҳай, ҳай! – «эшак» деган бу ярамас сўз нега оғзимдан чиқиб кетди-я, ахир, осилган одамнинг уйида арғамчидан гап очиш-



майди-ку. Афтидан, йўқотган эшагимни сира-сиранин унутмасам керак. Хўп энди, марҳаматли жаноблари, хатларни ёзиб, мени тезроқ жўнатинг, чунки вақт ўтиб кетяпти.

Дон Кихот ён дафтарчани олиб четроққа чиқди-да, диққат-эйтиборини тўплаб, хат ёза бошлади. Хатни тамомлагач, Санчони чақирди-да, шундай деди:

– Менинг Дульсинеяга юбораётган мактубимга диққат билан қулоқ солиб, уни ёдлаб қолишга ҳаракат қил. Йўлда йўқолиб қолиши ҳеч гапмас. Тақдир менга акслик қилмоқда, ҳар қандай ҳолга тайёр бўлиш керак.

Бунга Санчо шундай деб жавоб берди:

– Ҳа, муҳтарам жаноблари, уни икки ёки уч марта кўчириб ёзинг-да, менга беринг, кейин ўзим уни бус-бутун етказаман. Лекин уни ёдлаб олишим мушкул, мени бундай машаққатдан халос этинг, хотирамнинг шундай абжағи чиқиб кетганки, баъзан ҳатто ўз номимни ҳам унутиб қўяман. Лекин шундай бўлса ҳам, ўқиб беринг, жуда соз ёзилган бўлса керак.

– Қани нималар ёзганимга қулоқ сол, – деди дон Кихот.

*Дон Кихотнинг Дульсинея Тобосскаяга мактуби.  
Мўътабар ва ҳукмдор сеньора!*

*О, болу шакар Дульсинея Тобосская, айрилиқ тигидан юрагининг энг чуқур жойларигача яраланган рицарь, гарчанд ўзи сиҳат-саломатликдан маҳрум бўлса ҳам, сенга сиҳат-саломатлик тилайди. Агар чиройинг мени назарга илмаса, агар қадр-қимматинг менга қарши шайланса, агар нафратинг менга ҳалокатни раво кўрса, мен бу аламни енга олмайман, чунки бу алам бедаво бўлибгина қолмай, беадад ҳамдир. Эй, бағритош гўзалим, севикли рақибам, сен мени гирифтор этган дилхасталикларни оққўнги яроқбардорим Санчо сенга тўла айтиб беради, агар мендан марҳаматингни аямасанг, мен сеникиман, борди-ю, буни раво кўрмасанг, ихтиёринг ўзингда, унда мен ҳаётим билан видолашиб,*

сенинг қахринг ҳамда ўзимнинг оташиин муҳаббатимни қаноатлантирурман.

*Қора ерга киргунча сенинг қулинг бўлган Ғамгин Қиёфа рицаринг.*

– Бобомнинг умри билан қасам ичаманки, – деб хитоб қилди Санчо бу мактубни эшитаркан, – мен бунақанги дабдабали мактубни ҳеч эшитмаганман. Муҳтарам жанобларининг бунақанги усталик билан мактуб тўқишларини ва бу мактубга «Ғамгин Қиёфа рицарь» деган имзонинг жуда ўринли тушганини кўриб, қотиб қоласан киши. Чин сўзим, марҳаматли жаноблари, иблиснинг худди ўзгинасисиз: билмаган нарсангиз йўқ.

– Жаҳонгашта рицарь, – деди дон Кихот, – ҳамма нарсани билиши керак.

– Энди муҳтарам жаноблари, – деб сўзида давом этди Санчо, – қоғознинг орқасига учта хўтик ҳақида ёзиб, аниқроқ имзо чекингким, токи сиз ёзганлигингиздан ҳар ким ҳам дарҳол хабар топсин.

– Жоним билан, – деб жавоб берди дон Кихот ҳамда ёзувини тугатгач, қуйидагиларни ўқиди:

*Сиз ким муҳтарам сеньора жияним, ушбу хатни олиб борган менинг яроқбардорим Санчо Пансага йўлга чиқишим олдидан сиз муҳтарамаларига қараб туришни тайинлаган ўша бешта хўтиқдан учтасини инъом қилинг. Сизга буюраманки, мен бу ерда ундан олган учта эшак ўрнига, ўша учтасини беринг. Бу иш бажо келтирилгач ҳамда ундан тилхат олингач, у билан орамиз очиқ деб ҳисобланади. Сиерра Морена чангалзорларида, мазкур йилнинг йигирма иккинчи августиди ёзилди.*

– Жуда соз, – деди Санчо, – қани, энди имзо чекинг, марҳаматли жаноблари.

– Имзо чекишнинг ҳожати йўқ, – деб жавоб берди дон Кихот, – жимжима чизсак бас, шунинг ўзи имзога ўтаверади, унга учта эмас, уч юзта эшак ҳам бераверади.

– Сиз муҳтарам жанобларига ишонаман, – деб жавоб берди Санчо, – энди бориб Росинантни эгарлай, унга менга оқ фотиҳа беришга тайёрланиб тулинг. Мен сиз марҳаматли жанобларининг қилмоқчи бўлаётган телба ҳаракатларингизга қараб ўтирмай, ҳозироқ йўлга тушаман. Мен ўшасиз ҳам сеньорага шунақанги ажойибот ва ғаройиботлардан гапириб бераман-ки, у ҳайратга тушади.

– Йўқ, Санчо, ақалли баъзи бир телба ҳаракатларимни томоша қилишинг керак. Ана ўшандагина кўрганларингни ва ҳамма тўқиганларингни унга виждон азобисиз сўзлаб бера оласан. Лекин шунга амин бўлгилки, менинг телба ҳаракатларим сенинг ҳамма лофларингдан ошиб тушади.

– Худо ҳақи, муҳтарам жанобим, ўшаларни томоша қилишга мажбур этманг. Унда сизга шундай раҳмим келиб кетадики, албатта ҳўнграб йиғлаб юбораман, эшагимни ўйлаб шунчалар йиғладимки, бошларим хум бўлиб кетди, энди яна бошқатдан кўз ёши тўкишга кучим ҳам, мадорим ҳам қолмади. Борди-ю, муҳтарам жаноблари менга бирор телбаликни кўрсатмоқ иштиёқида бўлсалар, эсларига келганини тезроқ кўрсатсинлар. Менга бунинг сира ҳожати йўқлигини ўзингиз биласиз. Ҳаммасини кўрсатаман десангиз, мен аввал маълум қилганимдек, олтин дақиқаларимиз бекор кетади. Қанчалик тез жўнасам, марҳаматли жаноблари кутаётган ўзларига муносиб хабарни шунча тез олиб қайтаман. Сеньора Дульсинея шуни қатъий билиб қўйсинки, агар у сизнинг мактубингизга муносиб жавоб қайтармас экан, унда худо ҳақи қасам ичаманки, мушт ва шапалоқлар билан бўлса ҳам уни кўндираман. Афв этасиз, сиз муҳтарам зотдек машҳур жаҳонгашта рицарь битта шунақанги... аёлни деб ақлидан озади-ю, бунга чидаб бўладими. Лекин у менинг тилимни қичитмай қўяқолсин, йўқса, шундай гапларни тўқиб соламанки, на у, на мен омон қоламиз. Бунақа ишларни болаб ташлайман. У мени яхши билмайди,

билганида-чи, менинг туғилган кунимда овқат емай, рўза тутган бўларди.

– Очиғини айтсам, Санчо, назаримда сен ҳам менга ўхшаб девона бўлиб қолганга ўхшайсан, – деди дон Кихот.

– Э, йўқ, – деб жавоб берди Санчо, – мен сира ҳам сиз муҳтарам жанобларига ўхшаган девона эмасман, лекин қизиққонликда сиздан ошиб тушаман. Келинг, бу гапни бас қилайлик. Яхшиси айтинг-чи, марҳаматли жаноблари, мен қайтиб келгунча нимани тамадди қиладилар? Чўпонлардан овқат сўраб ёки тортиб олишни мўлжаллаётганлари йўқми?

– Бундан хотиржам бўл, – деб жавоб берди дон Кихот, – олдимда энг лазиз таомлар турган тақдирда ҳам, мен бари бир ана шу ўтлоқдаги гиёҳу ана шу дарахтларнинг мевасидан бошқа ҳеч нарса емаган бўлардим. Менинг кўрсатадиган жасоратим – ҳеч нима емаслик ва ўзимни ҳар қанақанги муҳтожликка гирифтор қилишдир.

Бунга Санчо шундай деб жавоб берди:

– Нимадан хавотирланаётганимни, муҳтарам жаноблари, биласизми? Бу ер шундай ичкарилики, мен қайтиб келадиган йўлни тополмай қолсам керак.

– Сен бу ернинг белгиларини яхши эслаб ол, – деди дон Кихот. – Мен бўлсам, узоққа кетиб қолмасликка ҳаракат қиламан. Ҳа, айтгандай, адашиб қолмаслик ҳамда изни йўқотиб қўймаслик учун текисликка чиққунча буталардан кўпроқ кесиб ташлаб кетавер, қара, ҳамма ёқни бута босиб ётибди. Қайтаётганимда эса лабиринтдаги Тезейнинг ипи бўйлаб борилгандек, ана шу йўл кўрсатувчи шох-шаббаларни қоралаб мени топиб оласан.

– Хўп, шундай қиламан, – деб жавоб берди Санчо Панса.

Санчо биринчи бута новдасини синдириб олди, кейин дон Кихот унга оқ фотиҳа берди ва ниҳоят, улар аччиқ кўз ёши тўкиб ажралишди. Санчо Росинантга минди-да, отни эҳтиётлаш, ўзига қандай меҳрибонлик қилса, унга ҳам худди шундай ғамхўрлик кўрсатиш тўғрисида дон Кихотдан топшириқ олгач, текислик

томон жўнади. Лекин Санчо юз қадам ҳам йўл юрмай қайтиб келди-да, шундай деди:

– Гапингиз тўғри, марҳаматли жаноблари, мен сизнинг телбаларча ҳаракатларингиздан ҳеч бўлмаса бит-тасини кўришим керак экан, акс ҳолда кўрганман, деб қасам ичиб гуноҳ қилган бўламан. Айтгандай, сизнинг энг катта телбалигингиздан хабардорман: бу муҳтарам жанобларининг шу ерда ёлғиз қолаётганларидир.

– Мен сенга ҳамиша шуни таъкидлаб келаётган эдим-да, Санчо, – деди дон Кихот. – Бир дақиқа шошмай тургин. «Отче наш» деб ибодат қилмасингданоқ, мен сенга баъзи нарсаларни кўрсатиб бўламан.

Рицаримиз ортиқча ваъзхонлик қилиб ўтирмай, шоша-пиша фақат қўйлаги қолгунича ечинди-да, икки марта сакради, сўнгра икки марта боши билан умбалоқ ошди. Санчога шунинг ўзи кифоя эди; у ўз хўжайинининг қолган ҳаракатларини кўришни эп билмади-да, Росинантнинг бошини буриб, зудлик билан йўлга тушди.

### ЙИГИРМАНЧИ БОБ

#### **ДОН КИХОТНИНГ СИЕРРА МОРЕНАДА КЎРСАТГАН ЯНГИ ЖАСОРАТЛАРИ ҲАМДА САНЧО ПАНСАГА НИМА БЎЛГАНИ**

Дон Кихот ёлғиз ўзи қолгач, умбалоқ ошиш ва сакрашни бас қилди, энг баланд чўққига чиқиб ўтириб олди-да, илгарилари бир неча бор хаёл сурган нарсалари тўғрисида яна чуқур ўйга чўмди. Кимга тақлид қилса яхши бўларкин, шиддаткор Роландгами ёки Маъюс Амадисгами?

– Роланд қўрқмас рицарь эди, – деб ўйлади у ўз-ўзи-ча, – бу ҳаммага аён. Лекин унинг ҳамма фазилатларини бир ёққа қўйиб қўййлик-да, нима учун ва қандай қилиб ақлдан озганини таҳлил қилайлик. Маъшуқаси Анжелика ундан келишган ёш мавр Медосни устун кўрганини билиб қолган дақиқада ақлдан озганлиги ҳақиқатга яқиндир. Лекин менинг бошимга бундай

иш тушмаган бўлса, унга қандай қилиб тақлид қилай? Менинг Дульсинея Тобосскаям энг олижаноб ва ҳимматли хоним, у менга ҳеч маҳал бевафолик қилмаган деб қасамёд эта оламан-ку, ахир. Агар бу борада шубҳаланиб, шиддаткор Роланд сингари телбалик қиладиган бўлсам, уни бағоят хафа қилиб қўяман-ку. Айни вақтда шуни ҳам биламанки, Амадис Галльский телбаликка ҳам тушмай, ҳеч қандай золимлик ҳам қилмай, ўзининг ошиқлиги билан бутун дунёга дoston бўлган. Унинг тарихида ҳикоя қилинишича, сеньора Ориана унга, то менинг ўзим рухсат этмагунимча кўзимга кўринма, деб буюрган. Шунда Амадис қандайдир бир қаландарнинг кузатувида Пенья Побрега чиқиб кетган, ўзини худога топшириб, то тангри унинг аччиқ аламига ачиниб шафқат қилмагунича кўз ёши тўкаверган. Агар бу рост бўлса (ростлиги турган гап), унда нега энди қип-яланғоч ечиниб, ўзимга ҳеч зарари тегмаган дарахтларни синдиришим керак? Чанқаганимда ташналигимни бостирадиган бу сой сувини нега лойқалатишим керак? Шундай қилиб, яшасин Амадиснинг хотираси; ламанчилик дон Кихот ундан ўрнак олсин. Тўғри, менинг Дульсинеям мендан юз ўтиргани ҳам, мендан нафратлангани ҳам йўқ, бунга ўртамиздаги айрилиқнинг ўзи етарли эмасми? Шундай қилиб, тезроқ ишга киришиш керак! Хотирам! Амадиснинг шонли ишларини ақлимга сол! Ана шу машҳур рицардан ибрат олиб ишни нимадан бошлашим кераклигини ўргат. У ўзини худога топшириб, бетиним сифингани ёдимда. Демак, дарҳол сифинишга киришишим керак. Аммо тасбеҳни қаердан олсам экан?

Бироқ у бу масалани тез ҳал қилди: кўйлагининг этагидан тасмадай бир парчасини йиртиб олди-да, биттасини катгароқ қилиб ўн битта тугунча тугди, тасбеҳ ҳам тайёр бўлди. У Сьерра Морена тоғларида бўлган пайтида ана шу тугунчалар ёрдамида миллионлаб дуоларни ўқиди. У фақат бир нарсадан хижолат чекарди: уни гуноҳларидан халос этиб, кўнглига таскин бергувчи қаландарни топиб бўлмасди бу ердан. Аммо дуо ўқиб, тавба-тазарру қилишдан бошқа илож йўқ эди. У қолган вақтини ўтлоқда

сайр этиб, оху фиғонли шеърлар ёки Дульсинеяни улуғлаб мадҳиялар тўқиш билан ўтказди. У ўзининг бу шеър ва мадҳияларини дарахтлар танасига ўқиб ёки қумларга қизиб ёзарди. Ёзган ҳамма шеърларидан фақат биттаси сақланиб қолган:

*Атрофимда бўй чўзган қатор  
Яшил дарахт, майса, ўт-ўлан.  
Қизиқмайсиз наҳотки бир бор  
Шўрлик ошиқ дардлари билан.  
Менинг гамгин ўйларим сизга  
Ташвиш солмас заррача ахир.*

*Тобосолик Дульсинеядан  
Айри тушиб шўрлик дон Кихот  
Кўз ёш тўқар аччиқ ва тахир.  
Ҳайдаб келди шафқатсиз қисмат  
Ишиқ хазонин яйдоқ маконга.  
Бу изтироб истайди фақат,  
Билмас аммо нечун, қай жонга.  
Эрот ичра чекади азоб,  
Бардош қилмай нетади ахир.  
Тобосолик Дульсинеядан  
Айри тушиб шўрлик дон Кихот.  
Кўз ёш тўқар аччиқ ва тахир.*

*У кўп ваҳший қоялар аро  
Излар экан ором ва юпанч,  
Тақдир лекин аямай асло  
Бошга солди изтироб ва ранж.  
Фигонига ҳатто Амур ҳам  
Зарра парво қилмайди ахир.  
Тобосолик Дульсинеядан  
Айри тушиб шўрлик дон Кихот  
Кўз ёш тўқар аччиқ ва тахир.*

У вақтини ибодат қилиш, тавба-газарру, шеър тўқиш, нолаю фиғон чекиб азиз-авлиёларга сиғиниб, оху зори-

га етишларини ва хаста кўнглига таскин беришларини илтижо қилиш билан ўтказга бошлади. Шунингдек, у еса бўладиган турли-туман гиёҳларни қидириб топди, бундан бошқа тамадди қиладиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Борди-ю, Санчо уч кундан кейин эмас, балки уч ҳафтадан кейин қайтганида, у Ғамгин Қиёфа рицарни шундай озиб-тўзиб кетган, ҳатто туққан онаси ҳам таниёлмайдиган ҳолда учратармиди.

Энди эса шеър ёзиш ҳамда нола-фигон чекишга шўнғиб кетган рицаримизни шу ерда қўя туриб, Санчо Панса ўз хўжайини билан хайрлашиб, унинг топширигини бажариш учун йўлга чиққанидан кейин бошидан нималарни кечирганини ҳикоя қилиб берамиз. Санчо Сиерра Сорена тоғ оралиғидан кўчага чиқиб олгач, Тобосога олиб борадиган йўлни қидира бошлади. Кутилмаганда яқиндагина ўзи чойшабда осмонга итқитилган карвонсаройдан чиқиб қолди. Овқатландиган пайт эди. Санчонинг бирор иссиқ овқат еб олгиси келди, шу ниятда у дарвоза томон юрмоқчи бўлди-ю, лекин бу карвонсаройда ўзини роса калака қилишганини эслаб, иккиланиб туриб қолди. Ҳавода умбалоқ ошиб кетгани бирдан кўз олдида яққол гавдаланди. У нима қилсам экан деб тараддудланиб турганида, дарвозадан икки киши чиқиб қолди, иккови ҳам Санчони дарҳол таниди. Улардан бири ўз ҳамроҳига мурожаат қилиб гап қотди:

– Сиз нима дейсиз, сеньор лиценциат, анави Санчо эмасми? Ахир, у саргузашт қидирувчимиз билан бирга жўнаб кетган деган эди-ку, дон Кеханинг экономкаси.

– Худди ўшанинг ўзи, – деб жавоб берди лиценциат, – остидаги ҳам идальгонинг оти.

Улар Санчони дарров танишди; чунки улар дон Кихотнинг китоблари устидан суд ўтказган ўша руҳоний билан сартарошнинг худди ўзи эди. Панса билан Росинантни таниб, улар дон Кихотдан хабар топиш учун шу заҳотиёқ Санчонинг олдига келишди. Руҳоний Санчо Пансага шундай деди:

– Хўжайинингиз қаерда, дўстим Санчо Панса?



Санчо ўз хўжайинининг қаерда ва қандай аҳволда қолганини улардан яширмақчи бўлди, шунинг учун хўжайинининг жуда муҳим иш билан банд эканини, лекин бунинг қандай иш эканини, ҳатто кўзини ўйиб олишса ҳам, айтолмаслигини билдирди.

– Башарти сиз, Санчо Панса, – деди сартарош, – унинг қаерда эканини бизга айтиб бермасангиз, сиз уни ўлдириб, бор-йўғини шилиб олгансиз, деган фикрга келамиз, бунинг устига унинг отини миниб олибсиз. Бу қирчанғининг хўжайинини бизга топиб беринг, йўқса, ишингиз чатоқ бўлади.

– Менга бекорга пўписа қиялпсизлар, – деб хотир-жамлик билан жавоб берди Санчо Панса. – Мен бировни ўлдирадиган ёки шилиб оладиган одамлардан эмасман. Ҳар ким пешанасига ёзиб қўйилган пайтда ёки тангрининг ўзи буюрган пайтда ўлаверсин. Менинг хўжайиним тоғларда юрибди, у ерда бутун вужуди билан тавба-тазарру қиялпти.

Шу ондаёқ Санчо дон Кихот билан ўзининг нималарни бошдан кечирганларини ҳамда хўжайинини қаерда қолдириб келганини бидирлаб, лаби лабига тегмай гапириб ташлади. Гапнинг охирида Лоренсо Корчуэлонинг қизи бўлмиш сеньора Дульсинея Тобосскаяга мактуб олиб бораётганини айтиб, уни ўз хўжайини қулоғига севиб қолганини илова қилди. Санчонинг ҳикоясидан руҳоний билан сартарош ҳайратда қолдилар. Улар гарчанд дон Кихотнинг девоналиги ҳамда унинг рицарлик фантазияларидан хабардор бўлсалар ҳам, лекин унинг қилган ишларини эшитганларида ажабланмай қоламадилар. Улар Санчо Пансадан дон Кихотнинг Дульсинея Тобосскаяга ёзиб юборган мактубини кўрсатишни илтимос қилдилар. Санчо бу мактубнинг ён дафтарга битилганини, ўзи эса йўлда дастлаб учратган қишлоқда уни алоҳида қоғозга кўчириш учун бериши тўғрисида топшириқ олганини айтди. Хўжайини хатни Санчога беришни унутиб қўйган, Санчо эса буни дон Кихотнинг ёдига солишни хаёлига ҳам келтирмаганди.

Шунда Санчонинг ранги мурдадай оқариб кетиб, ҳамма чўнтақларини бирма-бир титкилай бошлади.

Дафтарча йўқлигига кўзи етгач, мутлақо ўзини йўқотиб қўйди. Умидсизланганидан икки қўли билан соқолини юла кетди, кейин эса ўз-ўзига кетма-кет қаттиқ тарсаки тортиб юборди.

Буни кўриб таажжубланган руҳоний билан сартарош ундан нега ўзини-ўзи қийнаётганини, нима гап бўлганини суриштиришди.

– Сенга нима бўлди дейсизларми? – деб жавоб берди Санчо. – Шундай бўлдики, мен бир дақиқада ҳар қайсиси бир қалъа нархи билан баробар турадиган учта хўтикни қўлдан бердим.

– Нималар деяписиз? Бир вақтда, бунинг устига бир йўла учта хўтикни қандай қилиб қўлдан бериб қўйдингиз? – деб сўради сартарош.

– Мен ён дафтарчани йўқотиб қўйдим, – деди Санчо, – унда Дульсинеяга аталган мактубдан ташқари хўжайиним ёзиб берган хат ҳам бор эди, ана шу хатни кўриб, унинг жияни менга учта хўтикни бериши керак эди.

Санчо уларга ўз эшагининг йўқолганини гапириб берди. Руҳоний эса Санчонинг хўжайини топилгач, уни ўз ваъдасининг устидан чиқиб, яна бир тилхат ёзиб беришга, лекин бу гал алоҳида қоғозга ёзиб беришга кўндиришга ваъда қилиб, уни юпатди. Ён дафтарчадаги тилхатнинг бари бир ҳеч қандай қонуний кучи йўқ деди.

Шундан кейин Санчонинг кўнгли жойига тушди.

– Дульсинеяга ёзилган мактубнинг йўқолганидан унча хафа эмасман, – деди у, – мен бу мактубни деярли эслаб қолганман ва ҳар қандай мирзага ҳам ёддан айтиб бера оламан.

– Ундай бўлса бизга айтиб беринг, Санчо, – илтимос қилди сартарош, – ёзиб оламиз.

Санчо Панса бошини қашиди, аввал осмонга, кейин ерга қараб олди, бармоғини тишлаб турди-да, ниҳоят, оғзини тоқатсизлик билан пойлаб турган тингловчиларни бир оз қийнагач, қичқирди:

– Э, ақлгинам қурсин, сеньор лицензиат! Бу бемаъни мактубни ҳозиргина ипидан игнасигача эслаб турган эдим, худди атайлаб қилгандек, бирданига хаёлимдан

кўтарилди. Унинг: «Мўътабар ва ҳар ким сеньора» деб бошланганини биламан, холос.

– Янглишяпсиз шекилли, Санчо, – деб эътироз билдирди саргарош, – «ҳар ким» деб ёзган бўлиши мумкин эмас. Мактубда ё «ҳақим» ё «ҳоким» деб ёзилган бўлиши керак.

– Ҳа, ҳа, худди шундай, – бунга қўшилди Санчо, – эсимда бўлса, кейин «қаттиққўл ва номашҳур сиздек муҳтарама гўзалнинг қўлларини мен жулдур ва уйқусиз ўпаман» деб, яна унга сиҳат-саломатлик тилагани ва нималардир жуда яхши баён қилинган эди, мактубнинг охирида эса: «Сизнинг тобутдан Ғамгин Қиёфа рицарингиз», деган сўзлар бор эди.

Бундан руҳоний билан саргарош нақ ичаклари узилгудай қотиб-қотиб қулишаркан, унинг хотирасини роса мақташди ва мактубни эслаб қулиш ҳамда ёзиб олишлари учун яна икки марта такрорлашни илтимос қилдилар.

Санчо бир қоп ҳар хил лофларни тўқиб, мактубни яна бир неча марта такрорлади. Кейин у ўз хўжайинининг барча қилиқларини гапириб берди, ўзини эса бу ерда чойшабга солиб, осмонга улоқтирганлари ҳақида индамай қўя қолди. Охирида, мабодо, сеньора Дульси-нея Тобосская кўнгилдагидек жавоб қайтарса, хўжайини янги саёҳатга чиқажаги ҳамда албатта император ёки ҳеч бўлмаганда қироллик тахтига минажаги, – ҳа, улар ўзаро ана шундай келишиб олишганди – агар дон Кихотнинг жасорати ва қудрати эътиборга олинса, бунга эришиш ҳеч гап эмас эканлиги ҳақида сўзлади. Бу нарса содир бўлиши биланоқ хўжайини Санчони бадавлат ва бепоён мулки бўлган бирор амалдорнинг вориси, император ҳузуридаги хонимлардан бирортасига уйлантириб қўяди (унгача Санчо тул бўлиб қолади, албатта, бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас). Бу эса чор атрофи сув билан ўралган орол ва оролчалардан минг марта афзал-да. Буларнинг ҳаммасини Санчо шу қадар бепарволик ҳамда шу қадар аҳмоқона чеҳра билан гапирдики, тингловчилар яна таажжубланиб, бу бечора ҳам дон Кихотнинг алаҳлашидан заҳарланиб, ақлдан озган бўлса, хўжайинининг телбалиги баттар

ошибди-да, деб ўйланиб қолдилар. Руҳоний билан сартарош Санчони яхши умидларидан ҳафсаласини пир қилмаслик учун унинг қайноқ сўзларидан завқланганларини билдирдилар ва дон Кихотнинг сиҳат-саломатлигини сўраб, худога сифинишни маслаҳат бердилар. Хўжайинининг епископликка ёки бирор катта лавозимга кўтарилишдан кўра императорлик тахтига миниш орзусига осонроқ муяссар бўлиши мумкин, деб қўшиб қўйишди. Бунга Санчо шундай жавоб берди.

– Сеньорлар, бир нарсани билиб олмоқчиман, борди-ю, тақдир ўз ишини чаппасига айлантириб, хўжайиним император эмас, балки епископ бўлишни хоҳлаб қолса, унда жаҳонгашта епископлар ўз яроқбардорларини нима билан тақдирлайдилар?

– Одатда, улар ўз яроқбардорларини, – деб жавоб берди руҳоний, – черковнинг бирор сердаромад лавозими билан тақдирлаб, руҳоний ёки хўжалик бошлиғи қилиб тайинлайдилар.

– Бунинг учун, – деб эътироз билдирди Санчо, – яроқбардор уйланмаган бўлиши ҳамда ҳеч бўлмаганда, ибодат вақтида хизмат қила билиши шарт-ку, ундай бўлса, мен бечоранинг шўримга шўрва тўкилди деяверинг! Ахир, менинг хотиним бор-ку! Бунинг устига алифни таёқ дейман-у, қандай ибодатга ярайман. Хўжайинимнинг миясига жаҳонгашта рицарлар каби ҳамда уларнинг изидан бориб император бўлиш ўрнига епископ бўлиш фикри келиб қолса, унда менинг ҳолим нима кечади?

– Куйинманг, дўстим Санчо, – деди сартарош, – биз хўжайинингиздан епископ эмас, император бўлишини илтимос қиламиз. Қалбига илмдан кўра ҳарбий эрмак яқин бўлгани учун унга епископлик кулоҳидан кўра императорлик тожи кўпроқ ярашади.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим, – деб жавоб берди Санчо, – лекин сизларга айтиб қўяй, хўжайинимнинг қўлидан ҳамма нарса ҳам келади. Бошимга бир фикр келиб қолди: худога илтижо қилиб, хўжайинимни тўғри йўлга солишини тилайман, бу йўлда у ҳам шон-

шуҳрат қозонсин, ҳам мени катта-катта совғалар билан мукофотласин.

– Сиз жуда оқилона гапиряпсиз, – деди руҳоний, – яхши насронийдек иш тутяпсиз. Энди эса биз хўжайинингизни сиз айтгандек у берилиб кетган бейфойда тавба-тазаррудан тезроқ қутултириш чорасини кўришимиз керак. Буни қай йўсинда амалга ошириш кераклигини ўйлаб кўриш учун, юринглар, карвонсаройга кирамиз. Бунинг устига анча кеч бўлиб қолди, овқатланиш пайтимиздан ҳам анча ўтиб кетди.

Санчо, сизлар кираверинглар, мен сизларни дарвоза олдида кутиб тураман, деди. Ўзининг карвонсаройга нимага киргиси келмаётганини кейин тушунтириб беришини айтди. Улардан фақат ейиш учун бирор иссиқ овқат, айтгандай, Росинантга сули олиб чиқиб беришларини илтимос қилди. Руҳоний билан сартарош қўноқхонага киришди-да, бир неча дақиқадан кейин Санчога овқат олиб чиқиб беришди, кейин эса ўзлари бечора идальгони қандай қилиб уйга қайтишга кўндириш кераклиги ҳақида бош қотира бошлашди, чунки унинг тақдирида ўзларининг катта ҳиссалари бор. Ниҳоят, руҳонийнинг миясига бир фикр келди. Бу дон Кихотнинг кўнглига ўтирадиган, ўзларига ҳам жуда қўл келадиган фикр эди: у сартарошга ўзининг жаҳонгашта малика бўлиб кийиниб олишини, сартарош эса унинг яроқбардори бўлажagini айтди. Улар шу қиёфада дон Кихотнинг олдида – тоғларга жўнашади. Ҳақоратланган ва бор-йўғидан маҳрум қилинган қиз ҳимоя сўраб дон Кихотга мурожаат этади. Қиз рицарга ялиниб-ёлвориб, уни таҳқирлаган ёвуз сеҳргардан ўч олиб бериш учун дон Кихотни қаерга олиб борса, ўша ерга боришини сўрайди. Бундан ташқари у то дон Кихот ўзининг ана шу илтимосини бажо келтирмагунича юзидан ниқобини олмаслик ҳамда саволларига жавоб бермасликка ижозат беришини илтимос қилади. Дон Кихотнинг бу тузоққа илинишига ва шу йўл билан уни ўз ватанига қайтариб олиб кетишга муваффақ бўлишларига қатъий ишонарди. Руҳоний у ерга боргандан кейин эса унинг фаройиб

телбалигининг олдини оладиган бирорта дори-дармон топиш ҳақида ўйлашиб кўрадилар.

### ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

## ДОН КИХОТНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ МАЖБУР ЭТГАН ТАВБА-ТАЗАРРУДАН ҚАНДАЙ ХАЛОС БЎЛГАНИ

Руҳонийнинг режаси сартарошга ёқиб тушди, улар шу заҳотиёқ ишга киришишди. Карвонсарой бекаси-дан битта юбка билан рўмол сўраб олишди, гаровга эса руҳонийнинг янги либосини қолдиришди. Сартарош ўзига қорамтир буқа думидан узун соқол ясаб олди. Бу дум қўноқхона деворида илиғлиқ турар, хўжайин эса унга тароғини қадаб қўйишга одатланиб қолганди, бека уларга бу кийим-бош нимага кераклигини сўраб қолди. Руҳоний унга дон Кихотнинг телбалигини, уйдан қочиб кетганлигини, саргузашт қидириб узоқ вақтлардан бери санқиб юрганини айтиб берди.

– Ҳозир бечора идальго, – деб тамом қилди руҳоний ўз ҳикоясини, – сизнинг қўноқхонангизга яқин бўлган тоғ оралиғида дарбадар бўлиб юрибди. Биз уни ўша ердан алдаб уйига олиб кетишга қарор бердик. Бунинг учун эса иккаламиздан биримиз аёл киши бўлиб кийиниб олишимиз керак.

Бу ўз уйларида малҳам тайёрлаган ўша жинни эканини хўжайини билан бека дарҳол пайқаб олишди. Улар ўз қўноқхоналарида содир бўлган ҳамма воқеани, гап орасида рицарнинг яроқбардорини чойшабга солиб, осмонга улоқтиришганини ҳам руҳонийга сўзлаб беришди. Руҳоний билан сартарош Санчонинг зўр бериб яширган сирини ана шундан билиб олишди. Уларнинг режасини астойдил маъқуллаган бека руҳонийни бошлаб ясантирди: унга эни кафтдек келадиган қора духобадан йўл-йўл гул солиб тикилган ҳамда оппоқ ипак шокилали кўк духоба белбоғ танғиб қўйилган мовут юбкани кийгизди. Руҳоний рўмол ўрнига ўзининг тунги

қалпоғини бостириб кийди-да, пешонасини бир парча қора шойи билан танғиб, яна бир парча қора шойини ёноқлари билан соқолини беркитадиган ажойиб ниқоб қилиб тутиб олди. Сўнгра у каттакон бир шляпани бостириб кийиб олдики, бу шляпа ҳатто соябон ўрнини боса оларди. Кейин плашга ўралиб, хачирга хотинчасига минди. Қора соқоли белига тушган сартарош эса иккинчи хачирга минди. Улар ҳамма билан, ўйлаган ишлари муваффақиятли тугаши учун тасбеҳнинг ҳар донасини ўгирганда биттадан дуо ўқишга ваъда берган хушфеъл Мариторнес билан ҳам хайрлашдилар. Балки худо бу гуноҳкор аёлнинг нидосини эшитар ҳамда ўзларининг қийин ва чинакамига насронийлик ишларида уларга мадад қўлини чўзар. Бироқ улар карвонсаройдан чиқар-чиқмас, руҳонийнинг хаёлига бундай кийим кийиб аҳмоқона иш қилаётгани келди, чунки руҳоний одамга энг яхши эзгу ният йўлида ҳам хотин киши бўлиб кийиниши муносиб эмас. У буни сартарошга айтди ва ролларини алмашишни илтимос қилди, чунки сартарошнинг таҳқирланган қиз, руҳонийнинг эса яроқбардор бўлгани дуруст: ана шунда, ҳар ҳолда, у ўз мансабини камроқ камситган бўлади, улар бу ҳақда баҳслашишаркан, олдиларига Санчо Панса етиб келди, уларнинг қандай кийиниб олганини кўриб, хахолаб юборди. Бу кулги руҳонийга қаттиқ тегди, сартарошга ролларини алмаштириш зарурлигини янада зўр бериб исботлай бошлади. Ниҳоят, сартарош бунга рози бўлди, лекин дон Кихот яширинган дарага етиб бормагунларича кийимини ўзгартирмаслигини айтди. Шундан кейин руҳоний сартарошга дон Кихотни эргаштириб кетиш учун ўзини қандай тутиши зарурлигини мукамал тушунтира кетди.

Бу гаплар ахийри Санчони зериктирди. У олдинроқ бориб дон Кихотни топиб туришни таклиф қилди. Муғамбир яроқбардор Дульсинеяга мактуб эсон-омон олиб бориб берилганини, у эса, илтифот қилмай қўйишимдан чўчиса, рицарь шу ондаёқ менинг ҳузуримга келсин деб, ўзи, яъни Санчо орқали буюриб юборганини хўжайинига айтиб, уни алдашни қўзлаган эди.

– Дон Кихотни яширинган жойидан чиқишга кўндириш учун, – деб илова қилди Санчо, – балки шунинг ўзи етарлидир. Унда, мухтарам жаноблари, ўзларини қийнаб ўтирмайдилар.

Дўстларимизга бу маслаҳат жуда маъқул тушди; улар Санчонинг таклифига сира иккиланиб ўтирмай рози бўлишди. Ўзлари сал кечроқ йўлга тушишларини ва у буталар шох-шаббасини сочиб келган дарада тўхташларини Санчо билан келишиб олишди. Улар етиб боргунларича Санчо дон Кихотни қидириб топиши ва у билан гаплашиб олгач, руҳоний ва уста Николаснинг йўлига чиқиб туриши керак. Санчо ўз ҳамроҳларига қайси йўлдан бориш маъқуллигини бетафсил тушунтиргач, отини йўрғалатиб кетди, дўстларимиз эса қолган вақтда ҳаракат режасини яна бир марта аниқ муҳокама қилиб олиш учун карвонсаройга қайтишди.

Шу орада руҳонийнинг қайта кийиниш воқеаси кўноқхонада турган ҳамма одамнинг эътиборини тортди. Улар орасида тасодифан бир чиройли жувон ҳам бор эди, у йўл-йўлакай кўноқхонага тушган эди. Бека унга руҳонийнинг режаси ҳақида билганларини айтиб берди, бу саргузаштга ғоят қизиқиб қолган сеньора ана шу режа билан аниқ танишиб олмоқчи бўлди.

Дўстларимиз унга шўрлик идальго тарихини бажонидил ҳикоя қилиб беришди. Айни вақтда улар рицаримизни ростгўй, оқкўнгил ва жасур одам сифатида роса мақташди. Доротея исмли бу ёшгина йўловчи жувонга бу ҳикоя жуда таъсир қилди. Унинг ўзи ҳам рицарлик романларини севар, Амадис билан Роланднинг жасоратларига қойил қоларди. Шунинг учун ҳам шўрлик дон Кихот воқеаси унинг юрагига шундай бориб қадалдики, натижада дўстларимизга уларнинг олижаноб ишларида ёрдам беришга қатъий иштиёқ билдирди.

– Ишонаманки, – деб илова қилди у руҳонийга кулиб туриб мурожаат қилар экан, – таҳқирланган аёл ролини мен сиздан яхшироқ ўйнасам керак. Бунинг устига қиз бола жаҳонгашта рицардан мадад сўраганида, қандай гапиришини мен жуда яхши биламан.



Доротея ҳозир шайланиб чиқишини айтди-да, беканинг хонасига кириб кетди. Бир неча дақиқадан кейин у эгнига қимматбаҳо матодан тикилган чиройли кўйлак, ажойиб кўм-кўк газламадан мантилья\* кийиб, бўйнига маржон, қўлларига билагузуклар тақиб, саёҳатчиларимиз ҳузурига чиқиб келди. Унинг латофати ва гўзаллигидан хижолатга қолган руҳоний билан сартарош ҳаяллаб ўтирмай, шу тобдаёқ Санчо Панса билан учрашиладиган жойга жўнашга қарор беришди.

Эртасига улар белгиланган жойга етиб келишди ҳамда Санчони кутиш мақсадида қоялар билан дарахтларнинг ҳузурбахш соясида сокин сой оқиб ўтадиган кўкатзорга қўнишди. Анча вақт кутишга тўғри келди. Руҳоний билан сартарош эса, Санчо нега бунчалик ушланиб қолди-я, деб ташвишлана бошлашди. Ниҳоят, улар қандайдир қаттиқ қичқириқни эшитиб, Санчонинг овозини танишди. Руҳоний Санчонинг истиқболига юрди; унинг ташвишланиб дон Кихот қаерда, деб берган саволига содиқ яроқбардор ўз хўжайинини битта кўйлақда, сомондай сарғайиб, тинка-мадори қуриб, очликдан ўлай деб қолган, ўз маликаси Дульсинейни соғиниб, оқ тортиб ётган ҳолда топганини айтди.

– Мени кўриб сеньор рицарь жуда хурсанд бўлиб кетди, – деб сўзида давом этди Санчо, – лекин Дульсиней унга у ерларни тарк этиб, тезда Тобосога йўл олишга буйруқ берди, деганимда у гўзалига муносиб жасорат кўрсатмагунича унинг ажойиб кўзларига кўринишга бетлай олмаслигини айтди. Агар аҳвол шу тариқа давом этаверса, – деб илова қилди Санчо Панса, – хўжайинимнинг сира ҳам император бўла олмаслиги хавфи туғилади, менинг эса юксак унвон билан бойликка бўлган умидларим пучга чиқади. Шунинг учун ҳам уни бу хилват жойдан олиб чиқиб кетиш йўлида бирор восита ўйлаб топиш шарт.

Руҳоний ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам дон Кихотни бу ердан олиб кетамиз, деб Санчони юпатишга киришди.

\*Аёлларнинг елкага ташлаб юрадиган енгсиз калта кийими.

Руҳоний билан Санчо Панса шу кўйи гаплаша-гаплаша сартарош билан Доротея қолган жойга етиб келишди. Доротеянинг беқиёс чиройидан ҳамда тўқис либосидан ҳайратланган Санчо бу гўзал сеньоранинг кимлигини, бу одам оёғи етмаган жойларда нима қилиб юрганини руҳонийдан суриштира бошлади.

– Бўтам Санчо, – деб жавоб берди руҳоний, – бу аёл буюк Микомикон қиролигининг валиаҳд маликаси, у ўзини ҳақоратлаган ёвуз девдан ҳимоя қилишни сўраб, сизнинг хўжайинингизни излаб келган. Оққўнгили рицарь дон Кихотнинг доврўғини эшитиб, уни излаб Гвинеядан келган.

– Мана буниси қойил! Жуда соз, – хитоб қилди Санчо Панса, – агар хўжайиним муҳтарам жаноблари айтаётган ўша ёвуз девни ўлдириб, ёмонликни даф этиб, хонимнинг аламини олса, яна ҳам соз бўлади. Агар ўша махлуқ шарпа бўлмаса, дон Кихот уни биринчи олишувдаёқ ўлдириб қўйса керак, чунки хўжайиним шарпалар устидан ҳокимлик қилишга ожиз. Лекин сиз марҳаматли жанобларидан бир илтимосим бор, сеньор лиценциат, хўжайинимнинг бошига тағин епископ бўлиш нияти келмасайди деган хавотирдаман, шунинг учун сиз, муҳтарам жаноблари, унга шу маликага тезроқ уйлан, деб маслаҳат беринг. Ана ўшанда уни ҳеч ким епископлик мансабига ўтказолмайди, у ҳам осонлик билан қиролик тахтига эга бўлади, менинг орзуларим ҳам ушалади. Мен ҳаммасини яхшилаб ўйлаб чиқдим ва борди-ю, хўжайиним епископ бўлса, бу менинг катта кулфатим бўлади, деган қарорга келдим, чунки мен черков хизматиغا ярамайдиган одамман, ваҳоланки, уйланганман, бола-чақам бор. Хотинимни қўйишим мумкин, албатта, лекин бунинг учун кўп вақт овора-ю саргардон бўлиш керак. Шу сабабли агар хўжайиним тезроқ ана шу сеньорага уйланса, бағоят маъқул иш қилган бўларди. У муҳтарам хонимнинг исми шарифларидан беҳабарлиги туфайли қандай улуғлашни ҳам билмайман.

– Уни, – деб жавоб берди руҳоний, – ўз қиролиги номи билан қиролича Микомикон деб аташади.

– Тушунаман, – деди Санчо, – номлари ўз туғилган жойлари билан аталган одамларни кўп учратганман, масалан, Педро де Алькала, Хуан де Убеда, Диэго де Вальядолид, Гвинеяда эса қироличалар ўз қироликлари номи билан аталсалар керак, у ерда одат шунақадир, балки.

– Эҳтимол, шундайдир, – деди руҳоний, – хўжайинингизни уйлантиришга келганда эса, уни қироличага уйланишга кўндириш учун қўлимдан нимаики келса, ҳаммасини қиламан.

Санчо руҳонийнинг ваъдасидан тўла қаноатланди, руҳоний эса Санчонинг соддадиллигидан, бунинг устига хўжайинининг телбалиги унга шу қадар тез юққанидан ажабланмай қололмади. Бу орада Доротея руҳонийнинг хачирига миниб олди, сартарош эса буқа думидан қилинган соқолни боғлаб олди: кейин Санчога рицарнинг олдида руҳоний ва уста Николас билан учрашганини тилга олишни қатъий ман этиб, ундан дон Кихотнинг олдига бошлаб боришни сўрашди.

Санчо индамасликка тантанали ваъда берди ва Доротея ўз ҳамроҳлари билан йўлга тушди. Улар чорак кам бир мил ҳам юришмасданоқ, қоялар орасидаги аллақачон кийиниб олган, лекин қуролсиз рицаримизни кўриб қолишди. Доротея Санчо Пансадан бу одам унинг хўжайини эканини билиши биланоқ хачирини дон Кихот томонга дадил ҳайдади, соқолли сартарош ҳам унинг кетидан бораверди. Улар дон Кихотнинг олдига етиб боришганида яроқбардор хачирдан тушиб, Доротеяга тушишга ёрдам бериш мақсадида унга яқин борди. Бироқ Доротеянинг ўзи хачирдан эпчиллик билан сакраб тушди-да, дон Кихотнинг олдига бориб тиз чўкди, бундан жуда ҳайратланган рицарь уни ердан кўтармоқчи бўлди, лекин у ўрнидан турмай рицарга шундай деди:

– О, довьюрак ва қудратли рицарь, саховатингиз ҳамда меҳрибонлигингиз билан мендай таҳқирланган, дилхаста бир малакка катта таянч бўладиган шафқат кўрсатиб, мени бахтиёр қилмагунингизча ўрнимдан

турмайман. Башарти жанговар шон-шавкатингиз сўнмас шухратингиздан қолишмаслиги рост бўлса, машҳур номингиз доврўғига мафтун бўлиб узоқ мамлакатлардан келган ва бошига тушган мусибатлардан халос этишингизни сиздан ўтиниб сўраётган бир бахтиқаро мазлумага ёрдам қўлингизни чўзишга мажбурсиз.

– Эй, гўзал хоним! – деди дон Кихот. – Сизни ердан кўтариб олишимга рози бўлмагунингизча, мен сизга жавоб ҳам қайтармайман, гапингизга қулоқ ҳам солмайман.

– Йўқ, сенъор, – деб жавоб берди сохта малика, – менга ҳомий бўлишга ваъда бермагунингизча мен ўрнимдан қўзғалмайман.

– Гўзал хоним, бунинг бир шарти бор, агар сизга берадиган ёрдамим ва ҳомийлигим менинг қиролимга, менинг ватанимга, менинг қалбим билан озодлигим калитига эга бўлган маликага бирон зиён-заҳмат етказмасагина, шундай қиламан деб сизга рицарчасига ваъда бера оламан.

– Қасамёд этаманки, бундан уларга ҳеч қандай зиён етмайди, – деб жавоб берди Доротея.

Шу вақт Санчо ўз хўжайинининг ёнига борди-да, қулоғига шивирлади:

– Муҳтарам жаноблари унга ўз ҳомийликлари ва ёрдамларини бемалол ваъда қилиб юбораверишлари мумкин, чунки бу сариқ чақага ҳам арзимайдиган нарса: атиги битта девни ўлдириш керак, холос, худди шундай қилишингизни сўраётган хоним эса, олижаноб малика Микомикон, Ҳабашистондаги буюк Микомикон қиролигининг қироличаси.

– Унинг кимлиги менга бари бир: виждоним ҳамда рицарлик орденим қонуни нимани буюрса, мен ҳар қандай одамга шафқат кўрсатишга тайёрман.

Кейин Доротеяга мурожаат қилиб қўшиб қўйди:

– Ўрнингиздан туринг, эй гўзал хоним, мендан нимани тиласангиз, ҳаммасини бажо келтиришга сўз бераман.

– Ундай бўлса, эй мурувватли рицарь, – деди ўрnidан тураётгиб сохта малика, – зудлик билан менинг

узоқ ватанимга жўнаб кетишингизни сўрайман, марҳаматли жаноб. Бундан ташқари, олло таолонинг амри ҳамда инсоният қонун-қоидаларига хилоф равишда менинг қиролигимни босиб олган сотқиндан ўч олмагунингизча, ҳеч қандай иш ва саргузаштларга қўл урмаслигингиз тўғрисида менга ваъда беришингиз керак.

– Ваъда бераман, – деди дон Кихот тантанали равишда. – Сеньора, шу пайтдан бошлаб сиз ўзингизни эзаётган аламларни улоқтириб ташлашингиз ҳамда бўшашиб кетган умидларингизга куч ва мадор бағишлашингиз мумкин, чунки олло таолонинг марҳамати ҳамда менинг қиличимнинг ёрдамида тез орада яна ўзингизни қадимий ва буюк қиролигингиз тахтида кўрасиз, уни сиздан тортиб олишга журъат этган сотқинлар ҳолига маймунлар йиғлайди. Шундай қилиб, тезроқ ишга киришиш керак, чунки сусткашлик хавфлидир, дейдилар.

Доротея дон Кихотнинг қўлини ўпмоқчи эди, лекин у боадаб ошиқлардан бўлгани учун буни рад этди. Дон Кихот назокат ва тавозе билан эгилди-да, Доротеяни ўрнидан турғазиб, ўзи унинг қўлидан ўпди. Кейин Санчога Росинантнинг айилини тортиб боғлаб, яроғ-аслаҳаларини келтиришни буюрди. Санчо дарахтга илиб қўйилган яроғ-аслаҳаларни худди ўлжадай тортиб олди-да, бирпасда хўжайинини қуролангирди. Шунда рицаримиз тантана билан гап ташлади.

– Шундай қилиб, худо ҳақи, бу бахтсиз маликани ҳимоя қилишга киришамиз.

Сартарош эса кулгисини аранг босиб, бир қўли билан соқолини сийпаганча ҳамон тиз чўкиб турарди. Дон Кихотнинг йўлга тушишга шошилаётганини кўрганидан кейин у ўрнидан турди-да, сохта қироличасининг хачирга минишига дон Кихот билан бирга кўмаклашди. Шундан кейин рицаримиз Росинантга, сартарош эса ўз хачирига минди. Ёлғиз Санчогина пиёда юрди.

Шу онда у беихтиёр ўз эшагини эслади. Аммо содиқ ўртоғини ҳадемай унутди. У яқин орада хўжайиним Микомикон қироли бўлади, мени бирор вилоятнинг ҳоқими

қилиб тайинласа керак, деган ўй билан ўзини юпатарди. Уни мазкур подшоликнинг негрлар мамлакатада эканлиги ва келгусида қора танлиларгина унга вассал бўлиши ранжитарди. Лекин у қуйидаги фикрлар билан ўзига ўзи таскин берарди: «Вассаларим негрлар бўлса нима қипти, шунга ҳам ташвишми? Ҳеч бўлмаганда мен уларни кемаларда Испанияга олиб келаман. Испанияда ҳаммасини сотиб юбораман, менга нақд пул тўлашади, ана шундан кейин бирор унвон ёки лавозимга эришиб, умр бўйи бадавлат яшайман. Бундай қулай ишни қўлдан бериб қўймасликка фаҳм-фаросатим ҳам, маҳоратим ҳам бор: ахир, бор-йўғи ўттиз ёки қирқ мингта келадиган негрни сотиб юбориш нима экан. Худо ҳақи, мен уларнинг каттасини ҳам, кичигини ҳам бир зумда қўлдан ўтказвораман. Уларнинг туси қора куядан ҳам қора бўлса бўлар, уларни бирпасда қумуш ва олтинга айлантирвораман. Мен улар айтган аҳмоқлардан эмасман!» Бу ёқимли ўйлардан маст бўлган Санчо пиёда юришнинг барча қийинчиликларини унутиб юборган эди.

Бу манзарани буталар орасидан кузатиб турган руҳоний дон Кихот ва сохта малика ўз яроқбардори ҳамда Санчо Пансалар билан йўлга тушганларини кўриб, уларга ўзининг ҳам қўшиладиган вақти келганини пайқади.

У буталар орасидан чиқди-да, дон Кихотга гўё унинг кимлигини эслаётгандай тикилиб қолди, сўнгра қучоқларини кенг очиб идальгомизга отилди.

– О, рицарлар кўзгуси, олижаноб ватандошим, мардонавор ламанчилик дон Кихот, мазлумларнинг таянчи ва пуштипаноҳи, жаҳонгашта рицарларнинг гули ва шуҳрати, – деб хитоб қилди у, – мен сизни энг бахтли даврда учратдим!

У шундай деб дон Кихотнинг чап оёғини қучоқлаб олди. Дон Кихот ҳам руҳонийнинг гаплари ва ҳаракатидан ҳайрон бўлиб, унга жиддий нигоҳ ташлади ва, ниҳоят, таниди. Бу учрашувдан жуда ажабланган дон Кихот одан тушишга ҳаракат қилган эди, лекин руҳоний уни ушлаб қолди. Шунда дон Кихот гап ташлади:

– Сеньор лиценциат, қўйиб юборинг, отдан тушай; сиздек мўътабар зот пиёда кетаётган бир пайтда менинг отда юришим яхши эмас.

– Мен сира бунга рози бўлмайман, – деб жавоб берди руҳоний, – мухтарам жаноблари отдан тушмасинлар. Сиз ўзингизнинг ажойиб қаҳрамонона ишларингизни мана шу шонли тулпорда амалга оширдингиз. Мени, ношуд бир дин арбобини эса марҳаматли жанобларининг ҳамроҳларидан бирортаси ўз хачирига мингаштириб олса, шунга ҳам хурсанд бўламан. Ўзимни худди тулпор Пегасда ёки машҳур ҳабаш Мусоракнинг зебрасида кетаётган рицардай ҳис қиламан.

– Мен бунга ўйламабман, сеньор лиценциат, – деб жавоб берди дон Кихот, – лекин сеньора малика менга бўлган муҳаббати туфайли ўз яроқбардорига эгарга сиз мўътабар зотни миндириб, ўзи мингашиб олишига буйруқ беради деб ишонаман.

– Буйруқ беришимнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман, – деди малика, – менинг яроқбардорим шундоқ, ҳам гапга тушунадиган одобли одам, дин арбоби пиёда қолиб, ўзи отда юришга асло рози бўлмайди.

– Жуда тўғри, – деб жавоб берди сартарош.

У шундай деб хачирдан тушаркан, руҳонийга минишни таклиф қилди, руҳоний ялинтириб ўтирмай, дарров хачирга минди. Бахтга қарши, хачир ёлланган, бунинг устига ҳурковуч бўлиб, сартарош мингашмоқчи бўлганида шаталоқ отаверди. Хайриятки, уста Николаснинг кўкраги ёки калласига тепиб юбормади, тепиб юборганида борми, балки сартарош бунақанги режани чиппақка чиқарармиди. Шунда ҳам кўрқиб кетганидан шартта ўзини четга оларкан, шошилганидан қоқилиб кетиб ерга ағдарилди ва шунда ясама соқоли тушиб кетди. Бечора ўзини йўқотиб қўйганидан нима қилишини билмай қолди, қўллари билан юзини беркитиб олганча ҳамма тишимни синдириб юборди деб додлайверди.

Шу орада йўлда ётган соқолни кўриб дон Кихот ифодалаб бўлмайдиган даражада ҳайратга келди-да, қичқириб юборди:

– Худо ҳақи, бу мўъжиза-ку! Хачир унинг соқолини пичоқ билан кесгандай узиб олди-я!

Ёлғонлари очилиб қолиши мумкинлигини кўрган руҳоний сакраб тушди-да, сартарош ўзига соқол қилиб олган буқа думини дарҳол кўтариб олди-ю, қўллари билан юзини яшириб ётган уста Николас томон отилди. Сартарошнинг бошини ўзининг кўкрагига қўйиб, алланималар деб вайсаганча, яна соқолини ёпиштириб қўйди. Ҳамроҳарига алоҳида афсун ўқиганини, шунинг учун ҳозироқ соқолнинг яна ўсиб чиқажагини айтди. Кейин четга ўтиб турди, яроқбардор эса соғ-саломат, бешикаст ўрнидан турди, соқоли ҳам кўксига тушиб турарди. Бундан дон Кихот бағоят ҳайратда қолди ва шу ондаёқ ана шу афсунни ўзига маълум қилишни руҳонийдан сўради, чунки унинг фикрича, бошқа бахтсизликлар юз берганда ҳам мазкур афсун қўл келиши мумкин, негаки, одамнинг соқоли юлиб олинса, унинг чаккалари албатта яра бўлиб қолиши керак. Ваҳоланки, маликанинг яроқбардори дарҳол тузалиб кетди. Бинобарин, бу афсун соч-соқолни ўстирибгина қолмай, жароҳатни ҳам тузатар экан.

– Жуда тўғри, – деб жавоб берди руҳоний, – бу афсунни сизга айтиш – мен учун катта қувонч. Жаҳонгашта рицарга бунинг жуда катта фойдаси тегиши мумкин.

Кейин оралиғи икки милга яқин бўлган карвонсаройга етиб боргунларича хачирга олдин руҳоний, кейин бошқалар, хуллас, учовлари навбатма-навбат минадиган бўлишди. Шундай қилиб, ишлар яна ўз жойига тушганидан кейин ҳаммалари – дон Кихот ўзининг Росинантида, малика билан руҳоний хачирларда, сартарош билан Санчо Панса эса пиёда йўлга чиқишди. Дон Кихот бир оз йўл юрганидан кейин Доротеяга шундай деди:

– Сеньора ҳазрати олиялари, мени хоҳлаган томонингизга бошланг.

Бироқ малика ҳали жавоб бермасданоқ, лиценциат гап ташлади:

– Сиз зоти олиялари бизни қаерга бошлаб боришни лозим кўрасиз? Микомикон қиролигига бўлса керак? Тўғрими?



Доротея нима жавоб бериш кераклигини шу заҳотиёқ пайқаб олди.

– Ҳа, сеньор, – деди малика, – мен ўша қироликка боришим керак.

– Модомики, шундай экан, – деб давом этди руҳоний, – менинг қишлоғим орқали ўтишимиз керак, у ердан сиз зоти олиялари Картахенга жўнаб кетасиз. Картахенда орқадан шамол эсиб, қулай шароит бўлди дегунча кемага тушишингиз мумкин. Денгизда бўрон кўтарилмай турса, атиги тўққиз йилгина йўл босиб, улуг Меотий қўлига етиб борасиз, у ердан ҳазрати олийларининг қироликларига юз кунлик йўл қолади чоғи.

– Муҳтарам жаноблари хато қияптилар, – деб жавоб берди Доротея, об-ҳаво ҳамма вақт нобоп бўлса ҳам ватанимдан Испанияга етиб олишим учун атиги икки йиллик йўл. Шунга қарамай мен омон-эсон етиб келдим ҳамда кўрмоқчи бўлган одамимни – сеньор дон Кихотни кўрдим. Испания соҳилига оёғим тегар-тегмас унинг доврўғи қулоғимга чалиниб қолди ва қалбимда ана шу шавкатли рицарни топиш, унинг мурувватидан баҳраманд бўлиш, ўзимнинг адолатли ишимни унинг енгилмас қўлига топшириш иштиёқи туғилди.

– Мени мақташни бас қилинг, – унинг гапини бўлди дон Кихот, – нега десангиз, мен ҳар қандай хушомадни ёмон кўраман, мақтовларингизнинг мутлақо самимийлигига гарчанд шубҳам бўлмаса-да, сеньорам, ҳарқалай камтарин каминангиз шаънига ҳақоратдай бўлиб туюлади. Сизга айтадиган гапим шуки, мен қанчалик жасорат кўрсатишга қодир бўлмай, ҳаммасини хизматингизга бағишлайман, сиз учун ҳатто жонимдан кечиб, ўзимни қурбон қилишга ҳам тайёрман. Лекин бунинг ўз вақти келади, ҳозир эса, сеньор лиценциат, енгил-елпи, бунинг устига хизматкорсиз бир ўзингиз бу ерларга қандай қилиб қолдингиз, ана шуни гапириб беринг, булар ҳаммаси мени жуда ажаблантирмоқда.

– Буни сизга қисқача сўзлаб бераман, – деб гап бошлади руҳоний. – Сиз муҳтарам жанобларига шу нарса маълум бўлсинким, сеньор дон Кихот, бундан

кўп йиллар муқаддам Америкага кўчиб бориб қолган бир қариндошим юборган пулни олиш учун умумий дўстимиз сартарош, уста Николас билан Севильяга жўнадик. Оладиган пулимиз оз эмасди! Роппа-роса олти миш минг пезо<sup>41</sup> – бу чакана эмас. Хўш, кеча биз ана шу йўллардан ўтиб бораётган эдик, бизга тўрт қароқчи ҳамла қилиб, ҳамма нарсамизни битта қўймай шилиб олишди. Шу атрофда яшайдиган одамларнинг гапига қараганда мазкур ҳодисанинг энг ғалати томони шуки, сургун қилинган бу қароқчилар шу яқин орада озод қилиб юборилган экан. Овозларга қараганда, комиссар билан қўриқчиларнинг қаршилигига қарамай, уларни қандайдир бир довюрақ ботир бўшатиб юборган эмиш. Бу одам ё жинни, ё бўлмаса тошбағир ва виждонсиз, қароқчиларнинг ўзидай муттаҳам бир одам эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг-а, муҳтарам жаноблари, бу билан у бўрини қўйга, тулкини товукқа ёки пашшани асалга қўйиб юборгандай иш тутган. Афтидан, қиролнинг доно буйруғини бузганидан кейин, у адолат судини ҳақорат қилишга ва ўзининг қонуний жаноби қиролга қарши исён кўтаришга жазм қилган: чамаси, у галераларни матросларсиз қолдиргиси ҳамда бир неча йилки дам олаётган Санта Эрмандадни ишга солгиси келиб қолган. Хуллас, у шундай ишларни қилганки, бундан руҳи изтиробда, танаси азобда қолади.

Шуни айтиш керакки, Санчо ўз хўжайинининг сургун қилинганлар орасида бошидан кечирган саргузаштини руҳоний билан сартарошга аллақачон айтиб берган эди. Шунинг учун ҳам руҳоний ўз ҳикояси дон Кихотга қандай таъсир қилишини кўриш учун қароқчилар ҳақидаги бу воқеани тўқиган эди. Дон Кихот эса руҳонийнинг ҳар сўзини эшитганда ранги оқариб-бўзариб турди-ю, лекин бу доврўғи кетган талончиларни ўзи бўшатиб юборганини айтишга жазм қилолмади.

– Бизни талаганлар ана ўшалар, – деб сўзини тамомлади руҳоний, – уларни муносиб жазодан яширганни шафқатли тангрининг ўзи кечирсин.

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

### СОҲИБЖАМОЛ ДОРОТЕЯНИНГ ДОНОЛИГИ ВА САНЧО ПАНСАНИНГ ЭШАГИ ТОПИЛАНИ

Руҳоний гапини тугатмасданоқ Санчо хитоб қилди:

– Бу жасоратни менинг хўжайиним кўрсатди, сеньор лиценциат, чин сўзим. Бу ишга қўл уришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўриш керак, деб қанча айтдим! Тўғри эмасми, сеньор? Ёвуз қилмишлари учун эшкакчиликка бадарға қилинган жиноятчиларни бўшатиб юбориш офир гуноҳ эканлигини сизга айтмаганмидим?

– Тентак! – деди шу пайт дон Кихот. – Ўз йўлида учраган дарбадар ва эзилган кишилар айблими ё йўқми, буни текшириб ўтириш жаҳонгашта рицарларга ярашмайди. Биз бахтсизларнинг жиноятига эмас, тортаётган азоб-уқубатларига эътибор берамиз. Мен мунчоқ ёки тасбеҳ доналари ипга терилгандай занжирларга боғлаб қўйилган уқубатдаги кишилар билан тўқнашдим ва виждоним буюрганича йўл тутдим. Бу ёғини тангрининг ҳукмига ҳавола қилдим. Хатти-ҳаракатим кимга номақбул туюлса, демак, у рицарлик нималигини мутлақо билмайди. Мен буни истаган кишига қиличимнинг қудрати билан исбот қила оламан. Бироқ бундан муҳтарам сеньор лиценциат мустаснолар, у кишининг руҳонийлик мартабалари олдида бўйин эгаман.

У шундай деб, оёғини узангига тиради, сартарош жоми ўрнига яна кийиб олган дубулғасини пешонасига сурди, чунки бу Мамбриннинг машҳур дубулғаси каторгачилар томонидан яроқсиз ҳолга келтирилган, ҳозир эса тузатишга муҳтож бўлиб, эгарга илиғлик турарди.

Дон Кихотнинг ҳаяжонланганини кўрган, унинг яна бирорта кўнгилисиз ҳодисани бошлашдан хавфсираган зийрак ва ҳозиржавоб қиз Доротея ранжиган рицарни тинчлантиришга уринди:

– Сеньор, менга берган қасамингиз ёдингизда бўлсин. Сиз менинг учун ўч олмасдан туриб ҳеч қандай

саргузаштларга бош қўшмасликка ваъда бергансиз. Ғазабингизни босинг. Сизни ишонтириб айтаманки, каторгачилар енгилмас қулингиз туфайли озод бўлганини сеньор лиценциат билганда эди, у сиз муҳтарам зотга бирор ёмон сўз айтишдан олдин тилини тишлаб қоларди.

– Онт ичиб айтаманки, бу ҳақ гап, – маъқуллади руҳоний, – бундан кўра мен мўйловимни битта-битта юлганим маъқул эди.

– Мен гапни бас қиламан, сеньорам, – деди дон Кихот, – қалбимда қайнаб турган адолатли ғазабни ҳам босаман. Ўз ваъдамнинг устидан чиқмагунимча тинч, хотиржам юраман. Яхши ниятларим эвазига, сиздан ўтиниб сўрайман, агар малол келмаса, менинг ҳаққоний ҳамда даҳшатли қасамим кимнинг бошига тушишини, сизни ким хафа қилганини айтиб берсангиз.

– Ҳаммасини бажонидил айтиб бораман, – деди Доротея, – фақат бошимга тушган кулфат ва офатларни эшитиш сизни зериктириб қўймаса деб қўрқаман.

– Зериктирмайди, сеньорам, – жавоб қилди дон Кихот.

Доротея унинг гапига жавобан:

– Ундай бўлса қулоқ солинглаар, сеньорлар, – деди.

У шу сўзларни айтиши биланоқ руҳоний билан сартарош доно Доротея қандай нарсаларни тўқиркан деб унга яқинроқ келишди; Санчо ҳам дарҳол уларга эргашди. У қизнинг бошига қандай кулфатлар тушганини тезроқ билишга қизиқарди, чунки у ҳам дон Кихот сингари қизнинг айтганлари соф ҳақиқатлигига ишонарди. Доротея эса эгарга қулайроқ ўтириб олиб, шундай ҳикоя бошлади:

– Аввало, ҳаммангизга маълум бўлгайким, сеньорлар, исмим...

Шу ерда у дудуқланиб қолди, чунки руҳоний ўзига нима исм қўйганини эсидан чиқариб юборганди. Руҳоний гап нимадалигини дарҳол фаҳмлаб, уни хижолатдан чиқаришга шошилди.

– Ҳазрати олийлари, ўз кулфатларингизни эслаб бунчалик хижолатпазликка тушиб қолишингиз ажаб-

ланарли иш эмас, – деди у. – Кулфат кимнинг бошига тушса, унинг хотирасини ўтмаслаштиради. Кишилар кўпинча бошларига бахтсизлик тушганда сизга ўхшаб ўз исмларини ҳам унутиб қўядилар. Сиз исмингиз малика Микомикон ҳамда улуғ Микомикон қиролигининг қонуний ворисаси эканлигингизни унутиб қўйганга ўхшайсиз. Бироқ мен эсга солишим билан сиз ҳазрати олийлари бизга айтмоқчи бўлган гапларингизни фармуш хотирингизда яна тиклагайсиз деб ишонаман.

– Жуда тўғри, – деди қиз. – Ишонаманки, бу ёғини эслатмасангиз ҳам гапимдан адашмай ҳақиқий саргузаштимни ҳикоя қилиб бераман. Қиролни, яъни отамни Донишманд Тинакрио дейишарди, чунки у афсунгарлик билимини сувдек биларди. Афсун унга онам – қиролича Харамилья отамдан илгари оламдан ўтишини, унинг вафотидан сўнг ўзи ҳам кўз юмишимни, менинг эса етим бўлиб қолишимни маълум қилди. Бу мудҳиш башорат ташвишга соларди: у мамлакатимизнинг ёнгинасида, катта оролда Ёвузқўз Пандафиландо исмли дев яшашини биларди. У ўзини ғоятда даҳшатли қилиб кўрсатиш ниятида атайин кўзини олайтириб, ўқрайиб боқарди, шунинг учун ҳам уни ёвузқўз деб аташарди. Одам ўзининг сеҳрли билими билан мен етим қолганим ҳақидаги хабар девга етган ҳамоно катта қўшин тортиб қиролигимизга бостириб кириши, уни эгаллашини билиб олди. Бу офат, вайронгарчиликдан девга турмушга чиқсамгина қутулиш мумкин экан. Лекин отам менинг бунга асло рози бўлмаслигимга шубҳа қилмаган. Бу борада заррача янглишмаганди у; бу жирканч махлуқ билан бўладиган никоҳ фикрининг ўзиёқ мени даҳшатга солиши кундай равшан эди. Кейинроқ отам, борди-ю, Пандафиландо ҳужум қилиб қолгудай бўлса, қаршилиқ кўрсатмаслигимни огоҳлантирди. Бу дев шунчалик кучлики, унга ҳеч қанақа қўшин бас келолмайди. «Саховатли, садоқатли фуқароларимизни қирилишдан сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли, – деган эди отам, – қироликни

ихтиёрий равишда ташлаб, мадад излаб Испанияга кетишдир». Мен у ерда ўша вақтга бориб донғи дунёга тараладиган жаҳонгашта рицарни топишим лозим экан. Бу рицарнинг исми дон Асон ёки дон Хигот бўлиб, у менинг ҳимоячим, халоскорим бўлиши керак экан.

– Эҳтимол, у дон Кихот дегандир, – Санчо Панса қизнинг сўзини бўлди, – ёки бошқачароқ қилиб Ғамгин Қиёфа рицар дегандир.

– Худди шундай, – деди Доротея. – Отам яна ўша рицарнинг новча озғинлигини, ўнг елкасининг пастроғида холи борлигини ҳам айтган эди.

Буни эшитган дон Кихот яроқбардорига:

– Бу ёққа кел, биродар Санчо, ечинишга кўмаклаш, донишманд қирол айтган рицарь чиндан ҳам ўзим эканлигимга ишонч ҳосил қилмоқчиман.

– Муҳтарам жаноблари ечиниб нима қиладилар? – сўради Доротея.

– Отангиз айтган ўша холим бор-йўқлигини кўрмоқчиман, – жавоб қилди дон Кихот.

– Бунинг учун ечинишнинг ҳожати йўқ, – деди Санчо, – муҳтарам жанобларининг елкаларининг қоқ ўртасида худди ўшанақа хол борлигини аниқ биламан: бу – мардлик нишонаси.

– Шунинг ўзи кифоя, – деди Доротея, – холингиз елкангиздами ё бўйнингиздами – бунинг мутлақо аҳамияти йўқ; муҳими – у бор, қаерингизда бўлса ҳам бари бир, тананинг ҳамма ёғи бир хил. Саховатли отам башоратининг тўғрилигига шубҳам йўқ, сеньор дон Кихотга мурожаат қилиб хато қилмадим, отам ҳам худди шу кишини назарда тутган. Унинг донғи бутун Испанияга ёйилиши ҳам бежиз эмас. Кемадан Осунага тушмасимданоқ унинг жасорати ҳақидаги гапларни эшитдим, юрагим ўша заҳотиёқ менинг халоскорим, ҳимоячим шу киши эканлигини сизди.

– Менинг сеньорам, Осуна денгиз гавани эмас-ку, қандай қилиб у ерга кемадан тушдингиз? – деб сўради дон Кихот.

Доротея ҳали жавоб қайтармасданоқ гапга руҳоний аралашди:

– Сеньора малика сиз муҳтарам зотнинг номларини биринчи маротаба эшитган жойи Осуна эканлигини айтмоқчи бўлган бўлса керак, ўзлари Малагада кемадан тушганлар.

– Худди шундай демоқчи эдим, – маъқуллади Доротея.

– Ундай бўлса, тушунарли, – деди руҳоний. – Хўш, гапингизда давом этаверинг, ҳазрати олиялари.

– Бошқа нима ҳам дердим, – деди Доротея, – бундан ташқари, тақдир менга раҳм қилиб, сеньор дон Кихотни топиб олдим. Илтифот ҳамда марҳаматлилиги туфайли менга ёрдам беришга рози бўлди. У ёвузкўз Пандафиландо деган девга қарши курашишга ваъда берди ва унинг ўша ёвуз махлуқни енгиб, қонунсиз ўғирланган осойишталигимни яна қайтариб беришига шубҳам йўқ. Бу ишлар тақдири азалда битилганидек, отам Донишманд Тинакрио башорат қилгандай амалга ошиши керак. Бундан ташқари, отамнинг юнон ҳамда халдей тилларида ёзилган ёрлиқларида шундай дейилган: агар башоратномада номи зикр қилинган рицарь девнинг калласини узиб, менга уйланишни истаса, дарҳол, ҳеч қандай гап-сўзсиз унинг қонуний хотини бўлишим ҳамда ўз тақдирим билан биргаликда қироликни унинг ҳукмронлигига топширишим лозим.

– Мана бу гапга нима дейсан, дўстим Санчо? – хитоб қилди дон Кихот. – Нималар гапирилаётганини эшит-япсанми? Сенга худди шу гапларни айтмаганмидим? Мана, ҳукмронлик қиладиган қиролигимиз ҳам бор.

– Худо ҳақи, тўғри! – деди Санчо. – Ўша сеньор Панфиландонинг бўйинини узиб, маликага уйланмаслик тентакликнинг ўзгинаси-ку!

Шу сўзларни айтгач, севинчи ичига сиғмай икки марта кўкка сакради, кейин Доротея минган хачирнинг юганидан ушлаб тўхтатди-да, унинг қўлини ўпишга ялиниб изн сўрай бошлади. Хўжайиннинг тентаклиги ва хизматкорининг лақмалигини кўриб, ким ҳам кулмайди дейсиз. Доротея унга қўлини чўзди, қироликни бошқара бошлаши биланоқ, уни катта амалдор этиб тайинлашга ваъда берди. Санчо чиройли сўзлар билан

шу қадар миннатдорчилик билдира бошладики, атрофдагилар яна кулиб юборишди.

– Кечмишларим ана шунақа, сеньорлар, – давом этди Доротея. – Энди икки оғизгина гапим қолди, холос. Биз гаванга яқинлашганимизда қаттиқ, бўрон қўзғалди. Кемамиз чўкиб кетди, ҳамроҳларимнинг ҳаммаси қутурган денгиз тўлкинлари қаърида ҳалок бўлишди. Мен билан анави соқолли яроқбардоргина омон қолдик, тахталарга тирмашиб, соҳилга қандайдир мўъжиза билан зўрға келиб олдик. Кўриб турибсизки, менинг ҳаётим ажойибот ҳамда сир-асрордан иборат. Шу билан ҳикоямни тамомлайман. Ортиқча бирор нарса деган бўлсам узр. Кимнинг бошига оғир бахтсизлик тушса, у ўша одамнинг хотирасини заифлаштиришини сеньор лиценциат тўғри айтдилар, менинг умрим эса бошдан-оёқ мудҳиш кўргиликлардан иборат бўлди.

– О зоти улуг, жасур сеньора, – деди дон Кихот тантанали қилиб, – қаршимдаги синовлар қанчалик улуг ҳамда ғаройиб бўлмасин, ўз ваъдамни охиригача бажаришга онт ичаман. Қаҳрли душманни қарши олиш учун дунёнинг нариги чеккасигача сиз билан бораман, худонинг паноҳида унинг калласи қиличим зарби билан ерга думалайди. Уни бир ёқлик қилиб, сизни ўз давлатингиз тахтига ўтқазгач, ихтиёрни ўзингизга қўйиб бераман, зероки, қалбим банд, инон-ихтиёрим ақлим ўғирлаган... Хўп, етар энди. Шуни айтишим мумкинки, уйланишни ҳатто хаёлимга ҳам келтиролмайман.

Дон Кихотнинг бу гаплари Санчога ёқмади, у ўзини тутта олмай хитоб қилди:

– Онт ичиб айтаманки, сеньор дон Кихот, ҳозир ақлингиз жойида эмас. Шундай аслзода маликага уйланиш ҳақида гап кетаётган бир пайтда иккиланишга ҳожат бормикан? Хўш, тақдир ҳар қадамда мана шунақа одамларга дуч қилаверади деб ўйлайсизми? Қўлингизга ўз оёғи билан кириб келаётган қироликдан юз ўғирманг, қирол бўлиб олганингиздан кейин мени маркиз ёки ноиб қилиб қўясиз. Уйланинг, албатта уйланинг! Жин урсин сизни! Наҳотки сеньора Дульсинеяни маликадан гўзал деб



ўйласангиз? Мутлақо ундай эмас! Онт ичиб айтаманки, у маликанинг патагига ҳам арзимайди.

Бундай таҳқирона сўзларни эшитган дон Кихот бир зумда газабга келди, найзасини кўтариб, ҳе йўқ, бе йўқ, Санчони икки марта туширдик, у ерга қулади. Агарда Доротея рицаримиздан яроқбардорига раҳм қилишни илтимос этмаганида, уни ўлдириб қўярмиди.

– Наҳотки, – деб хитоб қилди рицаримиз, – сизнинг бундай ҳаёсизликларингизни ҳадеб кечираверади деб ўйласангиз, эй сурбет? Ҳой ярамас, разил одам, бундай ўйга борманг, ҳа, тенги йўқ Дульсинея ҳақида тилингиз шундай бепошна гапларга борган экан, албатта разил одамсиз! Ҳой аҳмоқ, бекорхўжа, қишлоқи, унинг хаёлининг ўзи менга қанчалик куч, жасорат бахш этишини биласизми? Эй тили илоннинг тилидай қалдираган муттаҳам, ким қироликни эгаллаб, девнинг калласини узди ҳамда сизни мақр қилиб қўйди (зероки, ўйланган нарсани қилинган деб ҳисоблайман)? Ўзининг жасорати учун мени танлаб олган Дульсинеянинг қаҳрамонлиги эмасми бу? У менинг қонимда, мен билан зафар қучяпти, унинг ёди билан қалбим тепади, нафас оламан, у – менинг ҳаётим, борлигим. Эй ярамас, кўрнамак одам, сизни у киши жулдурвоқи одамдан аслзода сеньорликка кўтарган-а! Ўз валинеъматингиз яхшилиги эвазига қўланса сўзлар билан фисқи-фасод тарқатяпсиз-а!..

Санчо қаттиқ зарбадан гангиб қолган бўлса-да, ҳар ҳолда дон Кихотнинг сўзларини эшитди. У ўрнидан лип этиб туриб, Доротеянинг ҳачири орқасига ўтди-да, ўша ердан туриб хўжайинига эътироз билдирди:

– Сеньор, сиз мана шу маликага ўйланишдан воз кечаётганингизни ўйлаб кўринг, унда сиз қирол бўлолмайсиз. Шундай экан, сиздан қандай марҳамат кутишим мумкин? Ана шунга ўқиняпман, холос. Осмондан тушгандай олдингиздан чиқиб қолган мана шу маликага ўйланишингиз лозим. Кейинроқ сеньора Дульсинеянинг ёнига қайтишингиз мумкин-ку. Гўзаллик масаласига келсак, бу ишга мен аралашмайман. Софдиллик билан

айтсам, менимча, иккови ҳам чиройли. Лекин сенъора Дульсинеяни анчадан бери кўрганим йўқ.

– Нега кўрмас экансиз? – дон Кихот унинг гапини бўлди. – Ҳой шаккок хоин, ҳозиргина ундан салом келтирдинг-ку!

– Мен уни бир зумгина кўрдим, ҳозир қандайлигини яхши пайқай олмадим демоқчи эдим. У ҳарқалай хуснда тенгсиз деб айтишим мумкин.

– Бу сафар уни кечирдим, – деди дон Кихот, – сен ҳам хафа қилганим учун мени афв эт. Кўпинча кишилар жаҳл устида кейин пушаймон бўладиган ишларни қилиб қўядилар.

– Буни биламан, муҳтарам жаноблари, – деди Санчо. – Мана мен ҳам тилимнинг учида турган гапни айтиб юборишдан ўзимни тия олмайман.

– Шундай бўлса ҳам, Санчо, – деди дон Кихот, – нима деяётганингни ўйлаб гапир, ортиқча сўзни гапирмаслик учун тилингни маҳкам тишла.

– Ҳўп майли, – деди Санчо, – Худо ҳаммасига шоҳид, менинг гапларимми ё сизнинг хатти-ҳаракатингизми, муҳтарам жаноблари, қайси бири ёмонлигини ўзи билади.

– Етар жавраш, Санчо! – Доротея унинг гапини бўлди. – Бориб хўжайинингизнинг қўлини ўпинг, кечирим сўранг. Бундан кейин тобосолик гўзал сенъора ҳақида яхши-ёмон гапларни гапирганда, эҳтиёт бўлинг. Гарчанд мен уни мутлақо билмасам-да, унга хизмат қилишга чин кўнглимдан розиман. Қолган ишда худога суянаверинг, ҳаммаси ўз изидан кетаверади: мол-мулк-ли бўласиз, кейин князлардай яшайверасиз.

Санчо дон Кихотга яқинлашиб, қўлини ўпишга изн сўради: у эса керилиб узатди қўлини. Санчо уни ўпди, дон Кихот эса унга оқ фотиҳа берди. Сўнгра садоқатли яроқбардорига олдинроққа ўтишни таклиф қилди. Рицаримиз ундан энг муҳим нарсаларни сўраб олиши лозим эди. Санчо итоат қилди, улар орқадагилардан бир оз илгарилаб кетишгач, дон Кихот шундай деди:

– Сенинг сафаринг ҳақида сўрашга сира қулай фурсатни тополмадим шу чоққача. Ҳозир тақдир

бизга ана шундай фурсатни ҳады қилганда, Дульсинея тўғрисидаги хушxabарни билиш бахтидан мени маҳрум қилма.

– Сизга нима мақбул бўлса, сўрайверинг, – деб жавоб берди Санчо. – Сеньор бир нарсани сиздан ўтиниб сўрайман: бундан буён бунчалик қизиққон бўлманг.

– Нега бундай дейсан, Санчо? – сўради дон Кихот.

– Шунинг учунки, – деди Санчо, – мени нима учун урганингизни тушунолмайд қолдим. Сеньора Дульсинеяни фақат сиз муҳтарам жаноблари учун азиз бўлгани туфайлигина чуқур ҳурмат қиламан (у қанақасига азиз бўларди!).

– Санчо, илтимос қиламан, жаврашни бас қил, – деди дон Кихот, – гапларинг менинг сезгимни таҳқирлаяпти. Бу ҳақда ҳозиргина сенга айтгандим, янги гуноҳга эски тавба ўтмайди деган мақолни биласан-ку.

Шу пайт уларнинг рўпарасидан эшак минган қандайдир бир киши кела бошлади. Аввалига уни лўли деб ўйлашди, лекин ҳар бир эшакни кўрганда кўзи косасидан чиққудай олайиб кетадиган Санчо номаълум кишига тикилиб туриб, у озод қилинган каторгачи Хинес де Пасамонте, остидаги эшак эса ўзининг сеvimли эшаги эканини дарҳол пайқаб қолди. Ажабланган ва сеvimниб кетган Санчо қичқириб юборди:

– Ўғри Хинесильо, кўрнамак махлуқ, бор бисотим, ҳаётимни қайтар, оромимни бузма, эшагимни бер, бойлигимни қайтар, кейин, йўқол, ўғри, муттаҳам, ярамас!

Бироқ шунча ҳақоратли сўзларнинг ҳожати йўқ эди. Санчо ҳақоратга оғиз жўблаши биланоқ Хинес эшакдан ўзини ташлаб, зинфиллаганича қочиб қолди, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Санчо эшаги ёнига чопиб борди-да, бўйнидан қучоқлаганча шундай деди:

– Бойлигим, жигаргўшам, қадрдон дўстим, аҳволинг на кечди?

Шундай деркан, у эшагини худди одамдай эркалатиб, ўпа бошлади. Эшак эса эгасининг эркалатиб ўпишига жимгина йўл бериб турарди. Шу пайт бошқа йўловчилар ҳам етиб келишди ва Санчони табриклай

бошлашди, дон Кихот эса эшаги топилганига қарамай, яна учта хўтик ҳадя қилажагини айтди. Санчо жуда бахтиёр эди.

Шундан кейин у эшагига минди, ҳаммалари яна йўлда давом этдилар. Дон Кихот ўз яроқбардори билан ҳамон олдинда борарди. Доротея билан руҳоний ва уста Николас кейинда боришарди. Гапларини Дон Кихот эшитмаслигини билиб руҳоний Доротеяга шундай деди:

– Сеньорита, ҳикоя тўқишдаги санъатингизга қойилман: бу ҳикоя рицарлик романларидаги воқеаларнинг худди ўзгинаси-ку!

– Мен рицарлик романларининг кўпини ўқиганман, – деди Доротея, – уларнинг мазмунини эсда яхши сақлаб қолганман, афсуски, географияни яхши билмайман, шаҳарларнинг номини аралаштириб юбораман. Осунада тушдим деб таваккалига айтиб юбордим.

– Мен ҳам худди шундай деб ўйладим, – деди руҳоний, – ишни силлиқлаш учун дарҳол гапга аралашдим. Бу бахтиқаро идальгонинг ҳар қандай хаёлий, уйдирма нарсаларга лаққа ишонишининг сабаби – бу воқеалар худди унинг аҳмоқона китобларидаги каби ҳикоя қилингандир. Бунга ажабланмай бўладими? Бу ҳали ҳаммаси эмас! Гап рицарлик ҳамда рицарлар ҳақида кетса, бу саховатли идальгонинг оғзи энтак-тентак гаплардан бўшамай қолади. Қолган вақтларда шундай соғлом, чуқур мулоҳаза юритадики, беихтиёр унга ҳурматинг ошиб кетади. У севган мавзуга гапни буришинг билан яна фирт тентак бўлади-қолади.

Улар шу қўйи гаплашиб боришаркан, дон Кихот Санчо Панса билан суҳбатни давом эттирди.

– Дўстим Панса, жанжални бас қилайлик. Гина-кудуратни бир ёққа йиғиштириб қўй, энди Дульсинеяни қачон, қаерда ва қандай кўрганинг ҳақида гапириб бер. У нима қилаётган экан? Унга нима дединг? У нима деб жавоб берди? У менинг мактубимни ўқиётганда юзида қандай ўзгаришлар юз берди? Уни ким кўчириб берди? Хуллас, бундай пайтда айтишга, савол-жавоб беришга арзийдиган ҳамма нарсани сўзлаб бер, токи

эшитиб ҳузур қилсин деб, ҳеч нарсани қўшиб-чатма, энг муҳими, мени хурсандликдан маҳрум қилмаслик учун ҳеч нимани яширмай, оқизмай-томизмай гапир.

– Сеньор, – деди Санчо, – гапнинг тўғриси айтсам, хатингизни ҳеч ким кўчиргани йўқ, кўчириб ёзолмасди ҳам, ахир, у ўзингизда қолган эди-да, сиз уни менга беришни унутибсиз.

– Тўғри айтяпсан, – деди дон Кихот, – мактуб ёзилган ён дафтарчани сен кетгач, икки кундан кейин ёнимдан топиб олдим. Бу мени анча ташвишлантириб, хафа қилди. Мактубни олмаганингни пайқаб дарҳол қайтасан деб ўйлагандим.

– Шундай қилардим ҳам, – деди Санчо, – лекин бахтни қарангки, хатни сиз ўқиган пайтда ёдлаб олган эдим. Мен мирзага айтиб турдим, у сўзма-сўз ёзиб берди, кейин у черков раддияси ҳақидаги кўп хатларни ўқиган бўлса ҳам, бунақа чиройли хатни умрида кўрмаган ҳамда ўқимаганлигини айтди.

– Ҳозиргача ҳам ёддан биласанми? – сўради дон Кихот.

– Йўқ, сеньор, – деди Санчо. – Мен уни керак бўлгунча ёдимда сақладим. Уни мирзога ёздирганимдан кейин оқ ёдимдан кўтарилди. Дарвоқе, бошланиши ёдимда «Олий нафрат...», ие, кечирасиз – «олинасаб сеньора», охирини ҳам биламан: «Гўрга киргунча дўстингиз», «Ғамгин Қиёфа рицарингиз», хатнинг ўрталарига «жоним», «ҳаётим», «кўз қорачиғим» каби сўзларнинг юзтачасини қистириб юбордим.

### *ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ*

#### **РИЦАРНИНГ ЎЗ ЯРОҚБАРДОРИ БИЛАН СУҲБАТИ ВА АНДРЕС ИСМЛИ БОЛА БИЛАН УЧРАШГАНИ**

– Мен яна шуни билмоқчиман, – деди дон Кихот Санчо Панса билан суҳбатни давом эттириб, – маъшуқам, гўзалларнинг тенгсиз маликаси, сеньора Дульсиня сен борганинда нима қилаётган экан. Айтмоқчи, ақлим

етиб турибди: эҳтимол, у ўзига мафтун бўлган рицарга, яъни менга қилинадиган тухфага гавҳар қадаётган ё зар ип билан гул тикаётган бўлса керак.

– Йўқ, – деди Санчо, – у орқа ҳовлида буғдой элаётган эди.

– Эҳтимол, – деди дон Кихот, – лекин унинг қўли теккан буғдойлар инжуларга айлана бошлагандир. Дўстим, у буғдойларнинг қанақалигини кўрмадингми: оқмиди ё қорами?

– Сарик, – деди Санчо.

– Шунга амин бўлгинки, Санчо, у сепган сарик мағиз буғдойлар оппоқ нон бўлади. Лекин ҳикояни давом эттир. Мактубимни берганингдан кейин сеньора Дульсинея нима қилди? Мактубни роса ўпгандир-а? Ёки менга бўлган камоли ҳурмати туфайли бошига қўйдими? Қани, тезроқ гапир!..

– Сизнинг хатингизни унга бераётганимда, у буғдой тўла ғалвирни астойдил силкитиб эларди. Шу сабабли менга: «Дўстим, мактубни анави қопнинг устига қўя қолинг. Ҳозир ишим бошимдан ошиб ётибди. Буғдойни элаб бўлиб ўқийман», – деди.

– О, донишманд сеньора! – деди дон Кихот. – У ҳузур қилиб ўқиш учун шошилмаган. Хўш, Санчо, ундан кейин-чи? У ишини тамом қилгунча сен билан нималар тўғрисида гаплашди? Менинг тўғримда сўрагандир? Нима деб жавоб қилдинг? Қани, тезроқ гапир, мендан бирорта сўзни ҳам яширмай ҳаммасини гапир.

– У ҳеч нарсани сўрамади, – эътироз билдирди Санчо. – Мен сизнинг унинг ишқида адойи тамом бўлиб, тоғларда қип-яланғоч юрганингизни, қоқ ерда ухлаб, қаттиқ, чағир тошлар устида умбалоқ ошишингизни, дарё-дарё кўз ёш тўкиб, нолаю фиғон чекиб, тақдирга лаънатлар ўқиб ётганингизни айтиб бердим.

– Тақдирга лаънатлар ўқияпти деб чакки айтибсан, – эътироз билдирди дон Кихот. – Аксинча, тақдир мени баланд мартабали Дульсинея Тобосскаяни севишдек бахтга муяссар этгани учун умримнинг охиригача шукр қиламан.

– Баландликка баланд, буни тўғри айтдингиз: у мендан уч вершок\* новча, – деди Санчо.

– Наҳотки, бўйларингни ўлчашган бўлсанглар? Бунга нечук ҳаддинг сизди?

– Бу жуда осон бўлди, – жавоб қилди Санчо. – Буғдой тўла қопни эшакка ортишиб бераётганимда, у билан ёнма-ён туришга тўғри келди: худди шу ерда унинг мендан новчароқлигини пайқаб қолдим.

– Дарҳақиқат, – деди дон Кихот, – қалбининг юксак фазилатлари новча бўйига муносиб бўлибди. Хўш, у буғдойни элаб бўлиб, мактубни ўқиғач, нима деди?

– У хатни ўқигани ҳам йўқ, чунки ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди, – деди Санчо. – Хатни олди-ю, бировнинг қўлига тушиб қолишидан ҳадиксираб, майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Ишқида сарсон-саргардон бўлиб юрганингизни айтиб беришимнинг ўзиданоқ кифояланди. Охирида сиз муҳтарам жанобларининг қўлингизни ўпажагини, ўша чангалзорлардан тезроқ чиқиб, тентаклигингизни ташлашингизни, Тобосога тезроқ етиб келишингизни буюради; у сиз марҳаматли жанобларини жуда-жуда кўргиси келибди. Муҳтарам жанобларининг ўзларини Ғамгин Қиёфа рицарь деб аташларини айтиб берганимда, у роса кулди. Мен ундан бискайлик йигит салом айтдим деб сўрасам, йигитнинг келганини, у кўзига ажойиб кўринганини айтди. Яна ундан каторгачилар ҳақида сўрадим, худога шукрки, уларни кўрмабди.

– Қани, менга айт-чи, сен олиб борган хушxabар эвазига у сенга нима ҳадя қилди? Чунки қадимдан хонимлар билан жаҳонгашта рицарлар ўртасида маъшуқалардан ошиқларга, ошиқлардан маъшуқаларга хабар келтирувчи яроқбардорларга, маҳрамларга ёки митти одамларга қимматбаҳо нарсалар ҳадя қилиш удуми бор.

– Бу яхши одат экан, – деб мақтади Санчо, – афсуски, уни ҳозир унутиб юборишган. Эндиликда бир бурда нон билан пишлоқ бериш расм бўлибди. Мен хайрлашаётганимда сеньора Дульсинейя ўшанақа бурдани девордан

\*Вершок – 4,4 см га барабар узунлик ўлчови.

менга узатди. Шуни ҳам айтайки, пишлоқ қўй сутидан қилинган экан.

– Маъшуқам анча сахий, – деди дон Кихот. – Эҳтимол, ўша пайтда унинг қўлида қимматбаҳо безаклар бўлмагандир. Шунинг учун у сенга ҳеч нарса бермаган. Лекин сен ташвишланма, дўстим. Ҳақингни оласан. Ҳаммасини ўзим тўғрилайман. Санчо, мени нима ажаблантираётганини биласанми? Назаримда, сен у ёққа учиб бориб келганга ўхшайсан; ахир, сен йўлда уч кун бўлдинг, холос. Тобосогача бўлган масофа эса ўтгиз милдан ортиқроқ. Ўйлайманки, менга ғамхўрлик, ҳомийлик қилаётган доно сеҳргар (шунақа одамим бор, бўлиши керак, йўқса, мен ҳақиқий жаҳонгашта рицарь бўлолмасдим) сени сездирмай ўша ёққа олиб бориб ташлаган. Бунинг ажабланидиган ери йўқ; кўпинча доно сеҳргар жаҳонгашта рицарни тўшагида ухлаётган жойидан олиб кетади, уйғонгач ухлаётган жойидан мингларча мил олисда эканлигини ҳеч тасаввур қилолмайди. Жаҳонгашта рицарлар ҳар қадамда учрайдиган хавф-хатарлардан бир-бирларини сеҳргарларнинг ёрдамисиз халос қилолмайдилар. Баъзан улардан бири Арманистон тоғларида бирорта андриак, ёвуз махлуқ ёки бошқа баҳайбат душман билан урушаётган бўлади, жанг ниҳоятда қизиган, ўлим хавфи туғилган бир пайтда қаёқдандир булут устида ёки оташ аравада, ҳозиргина Англияда юрган бошқа бир рицарь оғайниси келиб қолади, уни ўлимдан қутқариб, кечки овқатга қадар яна уйига етиб боради. Унинг уйдан жанг майдонигача эса камида икки ё уч минг мил келади. Бундай мўъжизалар жасур рицарларга ғамхўрлик қилувчи сеҳргарларнинг афсуни кучи билан бўлади. Шунинг учун ҳам, дўстим Санчо, Тобосога бунчалик тез бориб келганинга ажабланмайман ҳам: эҳтимол, донишманд ҳомийларимдан бирортаси сени у ерга осмонда учираиб олиб борган-у, сен буни сезмагансан. Энди бошқа нарсдан гаплашайлик. Яхшиси, нима қилишим кераклигини айт. Сеньорам тезда ҳузурига етиб боришимни буюрибди, шундай экан, унинг амрини бажо келтиришим керак. Бироқ мен



маликанинг орқасидан итоаткорлик билан боришга онт ичганман, рицарлар удуми ваъданинг устидан чиқиш, ундан кейингина ўзи, ўз муҳаббати ҳақида ўйлашни тақозо этади. Маъшуқамни тезроқ кўриш истаги мени қийнаётир, лекин шуҳрат чанқоғи ҳамда номус бурчи мен аҳд қилган янги жасоратни зафар билан қоплашга даъват қилади. Аввало, мен маликага берган ваъданинг устидан чиқишга аҳд қилдим. Тезроқ Микомикон қиролигига етиб бориб, дев билан жанг қиламан, унинг калласини оламан, маликани тахтга ўтқазиб, бир дақиқа ҳам ҳаялламай маъшуқам сари ошиқаман. Аминманки, у менинг хатти-ҳаракатимни қувватлайди, ўзбошимчалигимни кечиради, чунки дев устидан ғалаба қозонганим унинг номини бутун оламга машҳур қилади. Ахир, қиличим билан кўрсатган, кўрсатаётган, кўрсатажак қаҳрамонликларим унинг ҳомийлиги ва унга бўлган садоқатим самарасидир.

– Эҳ, нималар деяпсиз-а, муҳтарам жаноблари! – деди Санчо. – Наҳотки, сиз мана шундай бой, машҳур маликадан воз кечсангиз, менга айтганларидек, айланаси йигирма минг мил келадиган бой, гўзал табиатга эга бўлган қироликни қўлдан чиқариб юборсангиз? Бу қиролик Португалия билан Кастилияни бирга қўшганда ҳам, ундан каттароқ! Худо ҳақи, гап қайтарманг! Енгилтак сўзларингизни тарк этинг-у, маслаҳатимга қулоқ солинг: руҳоний учраган биринчи жойдаёқ, дарҳол маликага уйланинг, бўлмаса, лиценциатимизнинг ўзлари ҳам қойилмақом қилиб никоҳ ўқиб юборадилар. Журъат қилганим учун узр, лекин мен ҳам маслаҳат берадиган ёшга кириб қолдим. Дарҳол уйланинг! Узоқдаги думбадан яқиндаги ўпка яхши, танлаб-танлаб тозисига учраб, сўнгра пушаймон қилиб юрманг.

– Менга қара, Санчо! – деди дон Кихот. – Агар унга уйланиб, тезроқ қирол бўлсин ва мени хайр-эҳсонларга кўмиб ташласин деб маслаҳат бераётган бўлсанг, билиб қўйки, уйланмасдан туриб ҳам орзуларингни рўёбга чиқаришим мумкин. Дев билан жангга киришдан олдин маликадан мабодо енгиб чиқадиган бўлсам, қи-

роликнинг ярмини беришга ваъда оламан. Ана унда никоҳдан ўтмасдан ҳам қироликнинг ярмини олишим, уни истаган кишига ҳады этишим мумкин. Уни сендан бошқа кимга ҳам ҳады қилардим?

– Албатта менга, – деди Санчо, – фақат менга берадиган вилоятингиз, муҳтарам жаноблари, денгизга туташган бўлсин, чунки у ерлар менга қарамай қоладиган бўлса, вассал-негрларимни кемага ўтқазиб, Испанияга олиб бораман ҳамда қул қилиб сотаман. Энди, марҳаматли жаноблари, сизга бир маслаҳат беришга рухсат этинг: сеньора Дульсинея билан кўришаман деб вақтни бекор ўтказиб ўтирманг, яхшиси зудлик билан девни ўлдиргани жўнай қолайлик. Буни қанчалик тез бартараф қилсак, шунча яхши, аминманки, бундан бизга фойда бўлади, шуҳратимиз ортади.

– Такрор айтаман, Санчо, – деди дон Кихот, – менга бемалол ишонишинг мумкин. Маслаҳатингга амал қиламан, аввало, девни ўлдириб, кейин Дульсинея билан учрашаман. Аммо шуни билиб қўй, иккаламизнинг ўртамиздаги гап шу ерда қолсин. Ахир, Дульсинея бунчалик эҳтиёткор, камтар экан, ҳамма нарсанинг махфий қолишини истар экан, мен ҳам, бошқа одам ҳам бу ҳақда лом-мим демаслигимиз керак.

– Ундай бўлса, – деди Санчо, – нега сеньора Дульсинеянинг ҳузурига ўзингиздан енгилган одамларнинг ҳаммасини юбораверасиз? Бу унга бўлган ўз муҳаббатингизни бутун оламга ёйиш эмасми? Кимни енгган бўлсангиз, у маъшуқангизнинг ҳузурига бориб, тиз чўкиб сизнинг юборганингизни маълум қилаверса, севгингиз махфий қолармиди?

– О, нақадар содда ва аҳмоқсан-а! – деди дон Кихот. – Санчо, менинг муҳаббатим маъшуқамнинг шуҳратини оширишини, наҳотки, фаҳмламасанг? Шуни яхши уқиб ол: ҳеч қандай илтифотдан умидвор бўлмай, маъшуқа хаёлида юрган жаҳонгашта рицарь туфайли қиз шон-шуҳратга қопланади.

– Руҳоний ўз ваъзида, – деди Санчо, – бундай муҳаббат билан фақат Худони севиш мумкин деган:

марҳаматдан умидвор бўлмай, жазодан қўрқмай севиш зарур, бироқ мен бирор нарса учун худони севишни, унинг хизматига бел боғлашни афзал билардим.

– Жин урсин бу тентакни! – деди дон Кихот. – Баъзан у билимдонлардан ҳам яхшироқ фикрларни айтади.

– Мен эса, худо ҳақи, ўқишни ҳам билмайман, – деб жавоб қилди Санчо.

Шу пайт уста Николас тўхтанглар, деб қичқириб қолди, чунки руҳоний билан малика йўл чеккасидан оқаётган булоқ бўйида дам олишга аҳд этишганди. Бу Санчога ёқиб тушди. У дон Кихотнинг содиқ яроқбардори ўзини лақиллатаётганини фаҳмлаб қолишидан ҳадиксираб, қил устида турган одамдай хавотирда эди. Бу орада бошқа йўловчилар ҳам етиб келишди, ҳаммалари ўтиришиб, тамадди қилишни бошлашди.

Улар овқатланишиб турганида йўлда бир бола пайдо бўлди. У йўловчиларни кўриб, тўсатдан тўхтади, бир оз тикилиб турди-да, ўзини дон Кихотга ташлаб, унинг оёқларини қучди, ёлғондан йиғлаб хитоб қилди:

– Оҳ, сеньорим! Наҳотки, муҳтарам жаноблари мени танимаётган бўлсалар? Ахир, мен ёвуз хўжайиним эман дарахтига боғлаб қўйганида, ўзингиз озод қилиб юборган боламан-ку!

Дон Кихот уни таниди, қўлидан ушлаб атрофдагиларга мурожаат қилди:

– Сеньорлар, ёвуз, ярамас одамлар томонидан қилинган дилозорлик учун ўч олиш, адолатни ҳимоя қилиш йўлида жонбозлик кўрсатаётган жаҳонгашта рицарларнинг оламда яшаши нақадар зарурлигига энди ишончингиз комил бўлса керак. Биласизми, сеньорлар, яқинда ўрмондан ўтиб бораётиб, чинқириқ, оҳ-воҳ овозларини эшитдим. Ўз бурчимни ҳис қилиб, ўша томонга шошилдим. Маълум бўлишича, эманга боғланган бола бақираётган экан. Мен шунисига хурсандманки, ўша бола ҳозир қаршингизда турибди, гапларимни тасдиқлай олади. Хуллас, у дарахтга боғланган эди, унинг ёнидаги деҳқон болани камар билан танасидан қон чиққунча саваларди. Мен деҳқондан бечорани нега бунчалик қаттиқ

савалаётганини сўрасам, у бола ўз хизматкори эканини, ялқовлиги ва ярамаслиги учун таъзирини бераётганини айтди. Шунда бола хўнграб туриб: «Сеньор, мен ундан ўз ҳақимни беришни сўраганим учун уряпти!» – деди. Хўжайин эса ўзини оқлаб гапира кетди. Мен унга қулоқ соларканман, гаплари икки пулга ҳам арзимаслигини пайқаб қолдим. Шундан сўнг болани ечишга амр қилдим, деҳқондан эса болани уйга олиб бориб, охирги реалигача ҳақини бериши учун ваъда олдим. Шундайми, ўғлим Андрес? Ахир, унинг хўп додини берганимни, амримни дарҳол бажо келтириш учун ялиниб-ёлворганини сен биласан-ку. Жавоб бер! Қўрқма! Нима ҳодиса юз берган бўлса, манави сеньорларга айтиб бер, ҳаммасини, токи жаҳонгашта рицарларнинг қанчалик зарур, фойдали эканлигини билиб қўйишсин.

– Муҳтарам жанобларининг ҳамма гаплари – чин ҳақиқат, – деди бола, – бироқ ишнинг охири жаноблари ўйлагандан бошқачароқ бўлди.

– Бошқачароқ дейсанми? – деди дон Кихот. – Наҳот-ки хўжайин ҳақингни бермаган бўлса?

– Ҳақ бериш у ёқда турсин, сиз ўрмондан чиқишингиз биланоқ у мени яна дарахтга боғлади, шундай саваладики, авра-астаримни ағдариб ташлади. Ураётиб мени шу қадар масхара қилдики, оғриқнинг азоби бўлмаганда ўзим ҳам кулиб юборардим. Кейин у мени чала ўлик ҳолда ўрмонга ташлаб кетди, касалхонага аранг етиб олдим, хўжайиним уриб яра қилган жойларни даволатиб шу кунгача ётиб қолдим, у ерда. Ҳаммасига муҳтарам жаноблари айбдорлар. Агар сиз бировларнинг ишига аралашмай, ўз йўлингизда кетаверганингизда, хўжайиним мени оз-моз савалаб, кейин қарзини тўларди. Сиз бўлсангиз бекорга аралашиб унинг жаҳдини авжига миндирдингиз. Тўғри, у гапингизни қайтаролмади. Лекин сиз кетишингиз биланоқ у бутун қаҳрини менга сочди, шундай сочдики, умрбод майиб бўлиб қолсам керак.

– Нотўғри иш қилганимни тан оламан, – деди дон Кихот. – У ўз қарзини тўламагунча кетмаслигим керак

эди. Лекин агар у ҳақингни тўламаса, ҳатто китнинг қорнига яшириниб олганда ҳам, уни излаб топишга ваъда қилганим эсингда бўлса керак, Андрес?

– Тўғри, – деди Андрес, – бироқ бундан менга нима фойда?

– Фойдаси бор ё йўқлигини ҳозир кўрасан! – деб хитоб қилди дон Кихот.

У шундай деб шоша-пиша ўрнидан турди-да, Санчо-нарироқда ўтлаётган Росинантни эгарлашни буюрди.

Шу пайт Доротея ундан нима қилмоқчи эканлигини сўраб қолди.

Дон Кихот деҳқонни ахтариб топажагани ва охирги тийинигача қолдирмай Андреснинг ҳақини олиб беражагини айтди. Шунда малика ўзига қироликни қайтариб бермагунча унинг бошқа саргузаштларга бош қўшмайман деган ваъдасини эслатди. Шу сабабли у ўз газабини босиши ва деҳқонни излашдан воз кечиши керак.

– Ҳа, бу тўғри, – деди дон Кихот. – Қайтиб келгунимча Андрес сабр қилиши керак, лекин мен яна бир карра ваъда бериб, онт ичиб айтаманки, деҳқондан ўч олиб, ўз қарзини тўлашга мажбур қилмагунимча ором нималигини билмайман.

– Онтингизга ишонмайман, – деди Андрес, – сизнинг ўч олиб беришингизнинг ҳожати йўқ. Бунинг ҳаммаси сафсата! Мен ҳозир фақат Севильяга қандай етиб олиш ҳақида ўйлаяпман. Агар қўлингизда бўлса, йўлда егани егулик нарса берсангиз-у, тинчгина қолаверсангиз. Илоҳим, менга қанча яхшилик қилган бўлсангиз, жаҳонгашталиқда ҳам шунча эзулик кўринг.

Санчо халтасидан бир бурда нон билан пишлоқ олди, уни болага бераётди:

– Ўғлим Андрес, манавини ол, сенга худо ёр бўлсин, – деди. Андрес бошқа ҳеч нарсага умид боғламагани учун нон билан пишлоқни олди-ю, бошини қуйи солиб, кетишга ҳозирланди. У кетаётди дон Кихотга шундай деди:

– Эй жаҳонгашта рицарь, худо ҳақи, борди-ю, қачон бўлмасин яна учрашиб қолгудек бўлсак, гарчи мени

нимта-нимта қилиб юборишаётган бўлсалар ҳам бунга аралашманг. Агар муҳтарам жаноблари мени ҳимоя қиладиган бўлсалар, аҳволим баттар танглашади. Оламдаги барча жаҳонгашта рицарлар билан биргаликда гумдон бўлинглар! – Андрес шундай деди-ю, оёғини қўлтиқлаб қочиб қолди, чунки бу адабсизлиги учун қувиб етиб жазолашларидан қўрқди.

Дон Кихот Андреснинг ҳикоясидан жуда хижолатда қолди, унинг ҳамроҳлари эса ўзларини кулгидан аранг тутиб туришарди.

### ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

#### **ДОН КИХОТНИНГ ҚИЗИЛ ВИНО МЕШЛАРИ БИЛАН ЖАНГ ҚИЛГАНИ**

Йўловчиларимиз дамларини олгач, хачирларни эгарлашди ва ҳеч қандай саргузаштсиз, Санчо Панса эслаганда, кўнгилсизлик туғдирган карвонсаройга етиб боришди. Лекин у ичкарига киришга мажбур бўлди. Карвонсарой эгаси, унинг хотини, қизи ва Мариторнес дон Кихот билан Санчони кўришиб, хурсандлик билан қийқириб пешвоз чиқишди. Рицаримиз улар билан кеккайибгина омонлашди ва ўтган сафаргидан кўра дурустроқ ўрин ҳозирлашни буюрди. Карвонсарой бекаси агар у олдинги сафаргидан кўра яхшироқ ҳақ тўласа, князлар ётадиган ўрин ҳозирлаб беражагини айтди. Дон Кихот бош қимирлатиб розилик билдирди. Унга олдин ўзи бир марта тунаган қазноққа яхшигина ўрин солиб беришди.

Руҳоний тушлик овқат буюрди, хўжайин эса дурустроқ инъомдан умидвор бўлиб, бисотида бор энг яхши таомлардан берди. Ҳамма стол атрофига ўтирди, фақат дон Кихот ҳамон ухларди; уни уйғотмасликка аҳд этишди, чунки бечора рицаримизга овқатдан кўра уйқу аълороқ эди. Тушлик маҳалида хўжайин, унинг хотини, қизи, Мариторнес ва карвонсаройда яшаётган одамлар ҳузурида дон Кихотнинг телбаликлари ва уни

излаганликлари ҳақида гап кетди. Ҳамма бир-бирига дон Кихотнинг галати телбалиги ҳамда саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилди. Руҳоний ҳамма иллат рицарь романларини ўқишда эканлигини, ана шу сабабли дон Кихотнинг ақли айниб қолганлигини айтди. Хўжайин бунга эътироз билдирди:

– Худо ҳақи, бу ҳодиса қандай рўй берганига ҳеч ақлим етмаяпти, фикримча, дунёда бундан кўра ўқимишлироқ нарса бўлмаса керак. Менда ана шу романлардан икки-учтаси бор, тўғриси айтганда, улар менга катта ҳузур бахш этади. Фақат мен эмас, балки бошқалар ҳам бундан баҳраманд бўлишган. Ўрим палласида байрам кунлари бизда ўроқчилар тўпланишади; уларнинг орасида ҳамма вақт бирор саводхони топилиб қолади албатта; у китобни қўлига олади, биз эса ўттиз кишича бўлиб унинг атрофига ўтириб оламиз-да, бутун вужудимиз билан тинглаймиз. Ўзим ҳақимда шундай дейишим мумкин: китобда рицарнинг ўнг ва сўлга урган шиддатли зарбалари ҳақида гап кетганида, бутун куч-қувватимни сарф этиб шу жангларда қатнашгим, бу ҳақда кечаю кундуз эшитгим келади.

– Мен ҳам жуда ҳузур қиламан, – деб қўшиб қўйди бека. – Бундай китобхонлик пайтида уйга шунақаям жимлик чўкадики, пашша учса эшитилади. Бу романларга шундай берилиб кетасизки, мен билан жиқиллашишга ҳам қўлингиз тегмай қолади.

– Жуда тўғри! – деди Мариторнес. – Мен ана шундай воқеаларни, айниқса, соҳибжамол сеньориталар ҳақидаги ҳикояларни тинглашни жуда ёқтираман, улар бирорта апельсин дарахти остида ўзларининг садоқатли рицарлари билан бирам қаймоқлашиб ўтиришадикки, асти қўяверинг.

– Сиз нима дейсиз, сеньорита? – руҳоний хўжайиннинг қизига мурожаат қилди.

– Ростини айтсам, сеньор ўзим ҳам билмайман, – деди у. – Мен ҳам романлар ўқилганда, гарчи озроқ тушунсам-да, берилиб қулоқ соламан. Менга отамнинг ҳавасини келтирадиган жанглар эмас, балки рицарлар-

нинг ўз маъшуқаларини қўмсаб айтган мунгли гаплари кўпроқ ёқади. Тўғри, баъзида раҳмим келганидан йиғлайман ҳам.

– Борди-ю ўша рицарлар сизнинг дардингизда йиғлашса, – деди Доротея, – сиз уларни дарҳол юпартардингиз, тўғри эмасми, сеньорита?

– Нима қилишимни ҳам айтолмайман, – деди қиз. – Фақат бир нарсани биламан, ана шу маъшуқаларнинг баъзилари ўз рицарларига шу қадар шафқатсизки, рицарлар уларни шер, йўлбарс деб, бошқа жирканч нарсаларнинг номи билан аташади. Эҳ, худойим! Нақадар раҳмсиз, виждонсиз аёллар-а, пок одамларга бир қиё боқиш улар учун қийин-а, рицарлар эса уларнинг ишқида ё ўлади, ё жинни бўлиб қолишади! Ўзини бунчалик тарозига солишнинг нима ҳожати бор экан, сира тушунолмайман.

– Жим бўл, ҳой қиз, – онаси унинг гапини бўлди. – Қизларнинг бундай ишлар ҳақида билиши ҳам, фикр юритиши ҳам мумкин эмас.

– Сеньор мендан сўрадилар-да, – деди у, – жавоб бермасам бўлмайди-ку, ахир.

– Хўп, етар, – деди руҳоний, – сеньор хўжайин, яхшиси менга китобларингизни келтиринг. Уларни бир кўриб қўймоқчиман.

– Жоним билан, – деди хўжайин. У ўша заҳоти ўрнидан қўзғалиб, хонасига кетди, қулфлоглиқ эскигина қутини келтирди, очиб, унинг ичидан дона-дона қилиб ёзилган бир неча қўлёзма ва катта-катта учта китоб олди. Биринчи китоб «Дон Сиронхилио Фракийский», иккинчиси «Фелисмарте Гирканский», учинчиси эса, «Улуғ капитан Гонсало Эрнандес Кордовский тарихи» бўлиб, унда Диэго Гарсия де Паредес ҳаёти бирга қўшиб ёзилган эди. Руҳоний дастлабки икки сарлавҳани ўқиб, сартарошга юзланди ва шундай деди:

– Бизга дўстимизнинг экономкаси билан жияни камлик қилиб турибди.

– Уларсиз ҳам иш битираверамиз, – деди сартарош, – бу китобларни молхонага олиб бориш ёки яхшигина



ловиллаб ёнаётган печкага ташлаш менинг ҳам қўлимдан келаверади.

– Нима? – деди хўжайин. – Муҳтарам жаноблари китобларимни ёндирмоқчимилар?

– Манави иккитасини: Дон Сиронхилио ва Фелисмартени, холос.

– Наҳотки, бу китоблар еретик ёки флегматик бўлса? – деб сўради хўжайин.

– Дўстим, сиз флегматик эмас, схизматик демоқчи бўлдингиз, шекилли? – деб саргарош унинг хатосини тўғрилаб қўйди.

– Ҳа, ҳа, – деди хўжайин, – фақат бирортасини албатта ёқмоқчи бўлсангиз, яхшиси «Улуғ капитан Диэго Гарсия»ни олақолинглар. Қолган китоблар хусусида шуни айтаманки, улардан бирини ёндиргандан кўра ўзимни ёндиришга изн бераман.

– Иним, – эътироз билдирди руҳоний, – бу китобларнинг ҳар иккови ҳам ёлғон-яшиқ, бўлмағур, бемаъни нарсалар билан тўла, «Улуғ капитаннинг тарихи» эса чин ҳақиқат; унда Гонсало Эрнандес Кордовскийнинг хизматлари ҳақида ҳикоя қилинади. У ўзининг улуғ ҳамда ҳисобсиз жасоратлари билан бутун дунёда улуғ капитан номини олган. Эстрададурдаги Трухильо шаҳридан чиққан Диэго Гарсия де Паредес эса ажойиб жангчи бўлган. У шу қадар қудратга эга бўлганки, бир бармоғи билан тегирмон паррагини тўхтатиб қўя олган: кунларнинг бирида бутун бир қўшинни кўприкдан ўтказмай яқка ўзи жанг қилган. У кўп қаҳрамонликлар кўрсатган, агар унинг ҳаётини бирорта моҳир тарихчи ёзадиган бўлса, унинг шуҳрати Гектор, Ахилл ҳамда Роландларникини босиб кетади. Афсуски, у ўз ҳаёти ҳақида ўзи ёзган, ўз саргузаштларини ёзишда жуда камтарлик қилган.

– Бу гапингизни момамга айтинг! – деди хўжайин. – Тегирмон паррагини тўхтатгани ҳайратомуз иш эмиш! Худо ҳақи, агар сиз Фелисмарте Гирканскийни ўқисангиз, ёмон бўлмасди. У қиличи билан бир зарба беришда, худди болалар ясайдиган роҳибчалардек, гўё

улар ловиядан ясалгандай бешта девни қоқ иккига бўлиб ташлаган. Кейинги сафар эса у тиш-тирноғигача қуролланган бир миллион олти юз мингдан ортиқроқ аскарни бўлган жуда катта қўшинга дуч келган, уларни қўй сурувидай тумтарақай қилиб қувган. Сиз дон Сиронхилио Фракийский ҳақида нима дея оласиз? Кунларнинг бирида у дарёда сузиб бораётганида, сув ичидан баҳайбат олов илон чиқиб қолган; бу махлуқни кўрган дон Сирохилио илонга ташланиб, унга миниб олган, томоғидан шундай қаттиқ бўға бошлаганки, ўша заҳотиёқ бўғилаёзган илон ўзини гиппа бўғиб турган рицарни дарё тубига судраб тушиб кетган. У ерда рицар ўзини улкан қасрда кўрган, илон эса чолга айланиб, эшитишга арзийдиган нарсаларни ҳикоя қилган. Сиз гапирмай қўя қолинг, сеньор! Мана шу китобни ўқинг, қойил қолганингиздан эсингизни йўқотиб қўясиз. Сизнинг Улуғ капитанингиз билан Диэго Гарсиянгизни эса сариқ чақага ҳам олмайман.

Буни эшитган Доротея уста Николасга астагина шундай деди:

– Хўжайинимизнинг дон Кихот бўлиб қолишига озгина етишмайди, холос.

– Мен ҳам шу фикрдаман, – деди сартарош. – Афтидан, у бу китобларда ёзилган нарсалар чин ҳақиқат деб ўилайди, унга бунинг ёлғонлигини ялангоёқ кармелитлар<sup>42</sup> ҳам уқдира олмаса керак.

– Менга қаранг, иним, – руҳоний хўжайинга мурожат қилиб гапида давом эди, – бу романларда номи зикр қилинган Фелисмарте Гирканский ҳам, дон Сиронхилио Фракийский ҳам, бошқа рицарлар ҳам аслида бўлмаган, буларнинг ҳаммаси бекорчи ёзувчиларнинг уйдирмаси, улар ўз китобларини беҳуда эрмак учун ёзганлар.

– Етар, мени чалғитишни бас қилинг, муҳтарам жаноблари! Ўзим ҳам бешгача санашни, этигим қаеримни сиқишини биламан. Наҳотки, мана шу ажойиб китобларда ёзилганларнинг ёлғон ёки уйдирма эканлигига мени ишонтирмоқчи бўлсангиз! Ахир, бу китоблар Қирол Кенгаши аъзолари рухсати билан босилган-ку,

улар бундақа ёлгон-яшиқ сеҳргарлик ҳамда жанглар ҳақидаги уйдирмаларни босишга рухсат берадиган жаноблар эмас-ку. Ахир, бу қиролнинг садоқатли фуқароларини тўғри йўлдан оздириш-ку!

– Дўстим, сизга айтдим-ку, ахир, – эътироз билдирди руҳоний, – бу романларнинг ҳаммаси бекорчиларга эрмак учун ёзилган деб. Ҳукумат шахмат ёки тўп ўйини учун ҳам рухсат беради-ку, ахир. Нега энди ҳукумат рицарлик романларини босишга рухсат этмас экан? Бу афсона гапларни тўғрига йўувчи нодон одамлар борлиги кимнинг ҳам хаёлига келарди? Шундай қилиб, сенъор, мана, китобларингизни олинг-у, уларда нима рост, нима ёлгонлигини ўзингиз ҳал қилинг, бунинг сизга фойдаси зўр бўлади. Илоҳим, карвонсаройингизда турувчи дон Кихотнинг дардига мубтало бўлманг.

– Йўқ, йўқ, – деди хўжайин, – жаҳонгашта рицарь бўлмайман, ҳали эсимни еб қўйганим йўқ. Ўша шавкатли рицарлар яшаган даврга қараганда ҳозир тартиб-қоидалар тамоман ўзгариб кетганини яхши биламан.

Ўз одатига зид равишда чуқур сукут сақлаб ўтирган Санчо хўжайин билан руҳонийнинг суҳбатига эътибор билан қулоқ солди. Санчо Панса рицарлар ҳақидаги романлар қип-қизил уйдирма эканлигини ва эндиликда рицарлар йўқлигини эшитиб, ўз хўжайинининг Микомикон мамлакатига қиладиган сафари нима билан тугаши устида қаттиқ бош қотириб қолди. У ўзини йўқотган, хижолатда қолган аҳволда идальгомиз ухлаётган қазноққа кетди. Лекин бир неча дақиқадан кейин ҳовлиққанча чопиб келди.

– Бу ёққа, сенъорлар, тезроқ ёрдам беринглар! – деб бақирди у. – Хўжайиним даҳшатли жангга кирди, бунақанги даҳшатли жангни умрим бино бўлиб кўрмаганман, худо номи билан онт ичиб айтаманки, у Микомикон маликасининг душмани бўлган девга қилич билан шундай ҳамла қилдики, калласини сапчадай узиб ташлади.

– Нималарни валдираяпсиз, иним? – деб хитоб қилди руҳоний. – Санчо, эсингиз жойингиздами ўзи? Жин

урсин, дев биздан икки минг мил нарида-ю, бу ҳодиса қандай юз бериши мумкин?

Шу пайт қазноқдан дон Кихотнинг шиддатли бақириқлари эшитилди:

– Қўлимга тушдинг-ку, энди омон қолмайсан, ўғри, қароқчи, қўрқоқ!

Бу ҳайқириқлар кимдир деворга зарб билан ураётгандай даҳшатли шовқин-суронга аралашиб кетди. Ҳамма қазноқда нима бўлаётганини билиш учун қулоғини динг қилди.

Шу пайт Санчо яна бақириб қолди:

– Нега қаққайиб турибсизлар? Хўжайинимга ёрдамлашгани бормайсизларми? Айтмоқчи, унинг якка ўзи ҳам душманга бас келаверади. Дев алақачон ўлган, у худо олдида нопок умр кечиргани учун жавоб берапти. Мен шовиллаб оққан қонни, вино тўла мешдай боши елкасидан думалаганини ўз кўзим билан кўрдим.

– Агар анави дон Кихотми ё дон Алвастими бош томонида турган вино тўла мешни ёриб юбормаган бўлса, мени ҳар нима деяверинг. Вино оққан-у, бу аҳмоқ уни қон деб ўйлаган.

У шу сўзларни айтди-ю, жанг бўлаётган жойга ошиқди, хонадагилар ҳам унинг орқасидан қазноққа боришди, уларнинг кўз олдида ғаройиб манзара намоён бўлди. Бизнинг идальго қазноқнинг ўртасида турар, эгнида калта кўйлак, жун босган узун, ориқ оёқлари роса ифлосланган эди: бошида хўжайиннинг ёғи чиққан қизил қалпоғи, чап қўлига Санчо ёмон кўрган чойшабни (негалиги унинг ўзига яхши аён) ўраб олган, ўнг қўлида эса яланғочланган қилич, ҳар томонга ҳамла қилаётгир. Бунинг устига гўё дев билан олишаётгандай қаттиқ қичқирарди. Ажабланадиган жойи шуки, бу ишларни у кўзини юмиб қиларди. Унинг тасавури келажакда бўладиган жанг ҳақидаги фикр билан банд бўлгани учун тушига Микомикон қиролигига етиб боргани ва ўз душмани билан жанг қилаётгани кирди. У чала уйқуда виноли мешларни девлар деб гумон қилиб, уларни шунчалик чавақлаб ташладики, хона

винога тўлиб-тошди. Хўжайин ўз бойлигининг нобуд бўлганини кўриб ғазаби қайнаб кетди; муштумини тугиб дон Кихотга ташланди, агарда шўрлик рицарни сартарош билан руҳоний ҳимоя қилишмаганда борми, уни чала ўлик қилиб дўппослашарди. Бироқ еган муштлари ҳам идальгонинг уйқусини тарқата олмади. Сартарош қудуқдан катта идишда совуқ сув келтириб, унинг бошидан оёғигача қуйишга мажбур бўлди. Ана шундан кейингина у уйғонди. Бу орада Санчо девнинг калласини ахтариб ҳамма ёқни тимирскиларди. Излаши беҳуда эканини англаб шундай деди:

– Бу уйда бирор сеҳргарликка дуч келишни олдиндан билгандим. Ўтган сафар худди шу ернинг ўзида қанчадан-қанча тепки, тарсакиларни едим, уни ўйласам, юрагим ваҳимага тушади. Мени ким савалагани бир шайтонга аён. Энди бўлса ҳалиги калла ҳам йўқолди, ахир, хўжайиним бир зарба билан уни узиб ташлаганини, қон фавворадай отилиб чиққанини ўз кўзим билан кўргандим-а.

– Қанақа қон, қанақа фаввора? Эй, худо ургур, барча азиз-авлиёларнинг қаҳрига учрагур, – деб бақирди хўжайин, – ҳой фирибгар, бу қон фавворалари илма-тешик қилиб юборилган мешлардан чиқаётганини кўрмаяпсанми? Эҳтиёт бўл, ҳой тентак, тагин вино дарёсига ғарқ бўлиб ўлмагин. Илоҳим, у дунёда хўжайинингни шайтонлар ўзи манави мешларни илма-тешик қилгандай илма-тешик қилиб ташлашсин!

– Ҳеч нарсага тушунмаяпман, – деди Санчо, – агар ўша йўқолган каллани топмаса, менга тегадиган графлик сувда эриган туздек йўқ бўлди деяверинг.

Санчонинг ўжарлик билан ҳадеб такрорлаётган бу беҳуда гаплари шундоқ ҳам дон Кихотнинг етказган зараридан ғазаби қайнаб турган хўжайиннинг тоқатини тоқ қилди. У олдинги сафаргидек ҳеч нарса тўламай кетолмайсизлар деб, худонинг номини шафе келтириб қасам ича бошлади.

Энди уларга рицарликнинг ҳеч қандай имтиёзлари ёрдам бера олмайди, у ҳатто илма-тешик қилиб ташланган мешларни ямаш учун ҳам ҳақ тўлашга уларни

мажбур қилади. Бу орада дон Кихотни тинчлантириш учун руҳоний унинг қўлидан ушлади, рицаримиз уни малика Микомикон деб ўйлаб, руҳонийнинг қаршисида тиз чўкди ва шу сўзларни айтди:

– Эй, ҳазрати олиялари, аслзода ва шуҳратли сеньора, бундан буён ярамас махлуқнинг қилмишларидан қўрқмасдан тинч яшайверишингиз мумкин. Бугундан бошлаб ўзимни сизга берган ваъдамдан халос бўлдим деб ҳисоблайман, худойи таолонинг қудрати ҳамда ишқида ёнаётганим ўша маъшуқамнинг марҳамати туфайли ўз ваъдамнинг устидан чиқдим.

– Ана, мен сизларга нималар дегандим? – қичқирди Санчо. – Аслида мен маст ҳам эмасдим. Хўжайиним девни ўлдирганига қойил қолинг. Энди ҳамма иш михдай, графлик эса чўнтагимда турибди.

Ҳар иккала тентакнинг: хўжайини билан хизматкорининг бу валдирашларига кулмай бўладими? Ҳамма хахолаб кулиб юборди. Фақат хўжайиннинг юрагига кулги сиғмасди; ахир, у алвастини ҳар жиҳатдан сўкарди. Ниҳоят, сартарош билан руҳоний дон Кихотни ўрнига ётқизишга муваффақ бўлишди. Рицарь жуда чарчаган, шекилли, ётди-ю, донг қотиб ухлаб қолди. Шундан сўнг дўстларимиз ҳалигача девнинг калласини топа олмаган Санчо Пансани юпата бошладилар. Ҳаммасидан ҳам виносидан ажраган хўжайинни тинчлантириш қийин бўлди. Бу орада хўжайиннинг хотини саннаб йиғлай бошлади:

– Илоҳим, отинг ўчгур бу жаҳонгашта рицарь ҳовлимизга касофат келтирди. Унинг келиши бизга қимматга тушди! У ўтган сафар ҳам на овқатга, на кўрпа-ёстиққа, на хашакка, на ўзи, яроқбардори, оти ҳамда эшаги еган сулига – ҳеч нарсага ҳақ бермай кетиб қолган эди. Ўшанда у саргузашт излаб юрган рицарлар, илоҳим шунақа саргузашт талаб рицарлар гумдон бўлсин, ҳақ тўлаши шарт эмас деб айтганди: дайди рицарларнинг удумида шундай дейилганмиш. Кейин эса бошқа бир сеньор – унинг ошнаси

менинг энг яхши кўйлагимни сўраб олиб, ўзининг сафарларида шундай дабдаласини чиқарибдики, юрагинг туздай ачишиб кетади. Энди бўлса, ўлганнинг устига чиқиб тепгандай анави тентак рицарь ҳамма мешларни илма-тешик қилиб, винони оқизиб юборди, илоҳим, қонинг ҳам худди шу винодай оққур. Ота-боболарим ҳақи қасамёд қилиб айтаманки, агар охирги тийинигача ундан ундириб олмасам, отимни бошқа қўяман.

Ҳазаби қайнаб-тошган бека яна кўп жавради; унинг ёнига хизматкор қиз Мариторнес ҳам қўшилди. Ниҳоят, руҳоний вино, меш, бошқа нарсаларнинг ҳақини тўлаймиз деб ваъда қилиб, уларни тинчитди.

Бу орада девнинг калласини тополмай бўғилиб турган Санчо беканинг саннаб йиғлашига ва руҳонийнинг гапларига диққат билан қулоқ сола бошлади. Худди шу пайтда у ҳеч қандай ёвуз кўзли девнинг йўқ эканлигини, хўжайин эса мешлар билан жанг қилганини англаб қолди. Бундан у ниҳоятда ранжиди. Энг алам қиладигани шу эдики, бу ердагилардан ҳеч ким: хўжайин билан хотини ҳам, руҳоний ҳам Доротеяга маликага қилгандай муомала қилишмасди. Ҳамма унга оддий муносабатда бўлишар, уни Доротея, сеньорина дейишар, ҳазил қилишар ва кулишарди. Унинг ўзи ҳам ўзини оддий тутар, хўжайиннинг қизи билан шивирлашиб кулар, меҳмонлар билан гаплашар, уларга илтифот кўрсатарди; хуллас, у машҳур маликага, қудратли қироликнинг ворисига мутлақо ўхшамасди. Санчо ўзини бутунлай йўқотиб қўйди. Унинг миясида даҳшатли шубҳа пайдо бўлди. «Буларнинг ҳаммаси алдаш бўлса-чи? – деб ўйлади у. – Устимиздан кулиш, эрмак қилиш учун хўжайиним билан менинг бошимни айлантиришмаяптимикиан? Шуниси ажабланарлики, руҳонийдек босиқ, ақлли одам ҳам шу ҳазилга аралашибди-я».

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

### ДОН КИХОТНИНГ ҲАРБИЙ ИШ ВА ИЛМ-ФАН ҲАҚИДАГИ АНТИҚА ФИКРЛАРИ

Ичини шубҳалар кемирган Санчо сабри тугаб, энди-гина уйқудан турган дон Кихотнинг ҳужрасига дадил юриб борди.

– Сеньор Ғамгин Қиёфа муҳтарам жаноблари, – деди Санчо, – энди истаганингизча ухлашингиз мумкин. Девни ўлдириб, маликага унинг қироллигини қайтариб бериш ҳақида ташвиш тортмасангиз ҳам бўлади. Бу иш охирига етди.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – деди дон Кихот, – аммо-лекин дев билан чакана жанг қилмадим. Ниҳоят, унга қақшатқич зарба беришга муваффақ бўлдим, калласини танидан жудо қилдим, қон эса дарё бўлиб оқди.

– Қизил винодек бўлиб оқди деяверинг, – деди Санчо, – муҳтарам жанобларига маълум қилишга журъат этаманки, билмасангиз билиб қўйсангиз, сиз ўлдирган дев каттакон меш, қон эса олти арроб<sup>43</sup> қизил вино, кесилган бош эса... Қуриб кетсин шу бош, сизнинг ғалабангиз далили сифатида малика Микомиконга кўрсатаман деб уни роса ахтардим-у, лекин ҳеч қаердан топа олмадим.

– Нималарни валақлаяпсан, аҳмоқ! – дон Кихот ўрнидан қўзғалиб, ғазаб билан қичқирди. – Сен бутунлай ақлдан озганга ўхшайсан.

– Яхшиси, ўрнингиздан туринг, муҳтарам жаноблари, нималар қилганингизни кўриб, дев билан олишганингиз учун қанча пул тўлашингизни ҳам билиб қўйинг. Хўжайин билан хотини илма-тешик қилиб ташланган меш, тўкилган вино учун каттагина пул тўлашга мажбур қилишади. Сеньор, бу ҳали оз! Микомикон Доротея деган оддий бир хонимга айланиб қолди. Сиз ухлаб ётганингизда ана шунақа ғаройиб ҳодисалар юз берди.

– Ҳеч нарса мени ажаблантира олмайди, – жавоб берди дон Кихот, – ўтган сафар ҳам шу ерда тўхтага-



нимизда, бу уйда сеҳрли нарсалар юз беришини сенга айтгандим, эсингда бўлса керак. Ҳозир ҳам ўшанақа ҳодиса юз берган, бунга ажабланмаслик керак.

– Агарда мени осмонга итқитишган чойшаб ҳам сеҳрланган бўлганида эди, бу гапларга ишонган бўлардим. Ахир, у ҳақиқий, оддий бир чойшаб эди-ку. Бунинг устига ҳозирги хўжайин, илгари ҳам худди ўшанинг ўзи эди, ҳазилу аския билан чойшабнинг бир четидан ушлаб туриб, мени итқитгани яхши эсимда. Мен гуноҳкор, оми одам бўлсам ҳам, ҳамма нарса шу тариқа юз берган экан, бу ерда ҳеч қандай сеҳргарлик йўқ, балки буни яхшигина савалашнинг ўзгинаси деб ўйлайман.

– Майли, худо хоҳласа, ҳаммаси ўз изига тушиб кетади, – деди дон Кихот, – кийимларимни бер, сен айтган ҳамма ҳодисаларни ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

Дон Кихот ўз яроқбардори ёрдамида қазноқда кийинаётганда руҳоний ва сартарош Доротея билан биргаликда бундан кейинги режалар ҳақида фикр юритишарди.

Ниҳоят, улар Доротея илгаригидек малика Микомикон ролини ўйнайверсин, дон Кихотни эса девга қарши олиб борилган жанг ҳали тамом бўлмаганига ва маликани Микомикон қиролигигача кузатиб қўйишига ишонтиришга жазм қилишди.

Улар ўзаро фикрлашиб олишмасданоқ дон Кихот тўлиқ қуроланган ҳолда ҳозир бўлди: унинг бошида пачоғи чиққан Мамбриннинг дубулғаси – сартарош жоми, серсуяк гавдасида занглаган совут, қўлида қалқон. У тантанавор, вазмин юриб гўзал Доротеяга яқинлашди ва шундай деди:

– Соҳибжамол сеньора, яроқбардорим сиз ҳазрати олияларининг ҳалок бўлиб йўқолганингизни, малика ҳамда машҳур сеньорадан оддий қизга айланиб қолганингизни айтди. Агар бу ҳодиса сизни ҳимоя қила олмаслигимдан хавфсираб, афсунгар қирол, яъни отангиз изми билан юз берган бўлса, шуни билингки, у жуда адашади, жаҳонгашта рицарлар тарихидан яхши хабардор эмас экан. Агарда у ҳам мен сингари рицар-

лик романларини диққат билан ўрганганида унчалик машҳур бўлмаган рицарларнинг ҳозиргидек эмас, балки бундан ҳам зўрроқ жасоратлар кўрсатганлари ҳақидаги беҳисоб мисолларни топарди. Қаҳри қаттиқ, кучли дев Пандафиландони енгиш менинг учун ҳеч гап бўлмади. Мен у билан бир неча соат илгари тўқнашдим ҳамда уни ўлдирдим. Камтарлигим бу жасоратни ёйишга йўл қўймайди. Вақти келиб бу қаҳрамонлиkning тафсилотини билиб ҳам қоларсиз.

– Нималарни валдираяпсиз, сеньор, – шу пайт хўжайин гапга аралашди. – У қанақасига дев бўлсин. Сиз бор-йўғи вино тўла мешларимни илма-тешиқ қилдингиз, холос.

Лекин руҳоний ишора билан дон Кихотнинг гапини бўлмасликни илтимос қилди.

– Эй аслзода, тахти-тождан маҳрум этилган сеньора, – деб дон Кихот гапида давом этди, – башарти ҳурматли отангиз – қирол Микомикон менинг қудратимга ишонмай, сизни бошқа қиёфага киритган бўлса, илтимос қиламан, шу қиёфага кирганингизга ишонманг, чунки дунёда менинг қиличим йўл очадиган жойда хавф-хатар бўлмайди. Душманингизнинг бошини сапчадай узиб ташлаган эканман, ҳадемай сизнинг бошингизга қонуний равишда ўзингизга тааллуқли бўлган тожни кийгизаман.

Дон Кихот маликадан жавоб кутиб жим қолди, у ўзини жиддийликка солиб, ҳозиржавоблик билан жавоб қайтарди:

– Шавкатли Фамгин Қиёфа рицарь! Менинг ўзгариб қолганлигимни айтган одамнинг гапига мутлақо ишонманг, чунки кеча қандай бўлсам, бугун ҳам шундайман. Фолиб қулингизнинг қудратидан фойдаланиш фикридан ҳали воз кечганимча йўқ. Сеньора, отам ҳақидаги яхши фикрингизда қолаверинг, у жуда донишманд одам. Ахир, у сизни учратишимни, менинг ҳимоячим, халоскорим бўлишингизни олдиндан башорат қилган. Мен аминманки, у сизни жаҳонгашта рицарлар ичида энг машҳури ҳамда энг ботири деб билган фикридан ҳеч қачон қайтмайди.

Эртага яна йўлга равона бўламиз, бугун кеч бўлиб қолди, кўп йўл юришга улгурмаймиз.

Ақлли қиз Доротея ана шундай деди. Уни эшитган дон Кихот газабланиб, Санчога мурожаат қилди:

– Шуни билиб қўйки, Санчо, бутун Испанияни ахтарганда ҳам, сенчалик аҳмоқни топиб бўлмайди. Айт-чи, ўғривачча, ярамас одам, ҳозиргина малика Доротея деган оддий қизга айланиб қолганини, мен узиб ташлаган калла вино солинган меш эканлигини менга айтмадингми? Хуллас, шундай бемаза гапларни айтдингки, умрим бино бўлиб бунчалик хижолатда қолмагандим. Худо номи билан онт ичиб айтаманки... (Шу пайт кўзини осмонга тикди, тишларини гижирлатди) ҳозироқ дабдалангни чиқариб ташлайман! Бу барча алдоқчи яроқбардорлар учун яхшигина сабоқ бўлсин.

– Мендан аччиқланманг, сеньорим, – деди Санчо босиқлик билан. – Ҳамма нарса илгаригидай қолгани, малика Микомикон ҳеч қандай қиёфага кирмаганига сиздан кўра кўпроқ хурсандман. Демак, бу ишда ўз улушим – губернаторлик ёки бирорта оролни олиш умиди йўқолмайдиган бўлди. Хўш, девнинг ўрнига вино солинган мешларга ҳужум қилганингизга келсак, худо ҳақи, адашганим йўқ. Тешилган мешлар ҳозиргача тўшагингизнинг бош томонида, қизил винолар эса ерда кўл-кўл бўлиб ётибди. Менга ишонмасангиз озгина сабр қилиб туринг. Ҳали кўрасиз, сеньор хўжайин келтирган зиёнингиз учун мўмайгина пул талаб қилади.

– Менга қара, Санчо, мени кечиргин-у, лекин сен қип-қизил аҳмоқнинг ўзисан. Наҳотки, бу мени таъқиб этиб юрган ёвуз сеҳргарнинг қилмиши эканлигини туншунмасанг? Лекин бу ҳақда гапни бас қилайлик, бари бир сени ўнглаб бўлмайди.

– Бас, – деб такрорлади руҳоний ҳам, – бу ҳақда бошқа гапирмайлик. Модомики, сеньора малика эртага жўнаймиз дедими, шундай қилайлик. Оқшомдан саҳаргача ширин суҳбат қуриб ўтирайлик, эртага олижаноб рицарь дон Кихотнинг орқасидан йўлга тушамиз, чунки

унинг йўлда кўрсатадиган қулоқ эшитмаган жасоратлари ҳамда қаҳрамонликларини кўришни истаймиз.

– Сизларга хизмат қилиш, кузатиб бориш – менинг бурчим, – деди дон Кихот. – Менга кўрсатган илтифотларинг, менинг ҳақимдаги яхши фикрларинг учун бағоят миннатдорман. Жонимни қурбон қилиб бўлса ҳам, ишончларингни оқлашга интиламан.

Бу орада кеч кирди, меҳмонхона эгаси руҳонийнинг буйруғи билан яхшигина кечки овқат ҳозирлаш ҳаракатига тушди. Ҳамма стол атрофига ўтирди, дон Кихотни эса, қаршилиқ кўрсатса ҳам, энг ҳурматли жойга ўтқазди. Дон Кихот малика Микомиконнинг ўз ҳимоячиси билан ёнма-ён ўтиришини истади. Овқат маҳалида хушчақчақлик авжига чиқди. Айниқса, дон Кихот тақсимчани бир томонга суриб, зўр ҳавас билан гапга тушганида, ўтирганлар хурсандчилигининг чеки бўлмади.

– Сеньорлар, агарда яхшигина ақл юритилса, одамдаги барча касб-ҳунардан рицарлик устун туришини тан олиш керак. Рицарлар кўрсатган жасорат олдида бошқа одамларнинг иши арзимас бир нарсадай бўлиб қолади. Манави машҳур малика Микомиконга ҳамда унинг халоскори бўлган менга қараб туриб жаҳонгашта рицарлик касби ва маҳоратининг одамлар ўйлаб чиқарган касб, маҳоратдан устун эканлигига ким ҳам шубҳа билдира олади? Рицарларнинг ҳаёти катта хавф-хатар ва синовлар билан боғлиқ эканлигини рад этишга ким ҳам журъат эта олади? Ҳарбий билимдан юқори билимлар ҳам бор деган кишилар жуда янгиладилар. Аслида улар нима деётганларини ўзлари ҳам билишмайди. Улар келтирган далилга кўра, маънавий меҳнат жисмоний меҳнатдан устун эмиш. Яна уларнинг фикрича, ҳарбий ишда маънавий фазилатлар ҳеч қандай роль ўйнамас эмиш, гўёки бунда мардикорлар ҳунаридек жисмоний кучдан бўлак ҳеч нима талаб қилинмас эмиш. Бизнинг рақибларимиз шундай дейишлари билан ўз нодонликларини намойиш қиладилар, холос. Биз ҳарбийлар шундай ишларни қиламизки, у зўр ақл ҳамда уддабуроликни талаб қилади. Наҳотки,

бутун бир қўшин ёки шаҳарнинг масъулияти зиммасида бўлган жангчининг ақли танасидан камроқ ишласа? Фақат жисмоний кучнинг ўзигина душманнинг ниятини, унинг режаларини, ҳарбий ҳийла ҳамда мақрларини англаш, олдиндан билишга, сизга таҳдид қилаётган хавфни йўқотишга ёрдам бера олармиди? Буларнинг ҳаммаси ақлнинг иши, тана иши эмаслиги равшан. Энди кўрайлик-чи, кимнинг ақли ўткирроқ. Буни фан билан ҳарбий таълим ўз олдига қўйган вазифаларни муҳокама қилиш орқали биламиз, чунки энг олижаноб мақсадга интилган ақлгина юқори туради. Фаннинг мақсад ва вазифаси бахт-саодатни (эзгуликни) адолатли равишда тақсимлаш, ҳар кимга ўз улушини бериш, саховатли қонунларнинг бажарилиши учун жон куйдириш ҳамда ғамхўрлик қилишдан иборат. Бу мақсад, шубҳасиз, олижаноб, юксак, зўр мақтовга сазовордир, лекин ҳарбий таълим интилаётган мақсад ҳар ҳолда кўпроқ, мақтовга лойиқ, чунки унинг мақсади – тинчлик, кишилар фақат осойишта ҳаётдагина роҳат-фароғатда яшаши мумкин. Ана шу тинчлик – урушнинг чинакам мақсади, агар урушнинг мақсади шу бўлса, жангчининг мақсади ҳам шу. Демак, ҳарбий таълимнинг ўз олдига қўйган мақсадлари фан интилаётган мақсадлардан муҳимроқ, юқорироқ туради.

Дон Кихот шу қадар берилиб, аниқ ва оқилона гапирардики, шу дамда ўтирганлардан бирортаси ҳам уни тентак деёлмас, балки унинг гапларини жон қулоғи билан эшитарди. У сўзида давом этди:

– Хўп, энди талабалар тақдирини олиб кўрайлик. Уларнинг катта бахтсизлиги – камбағалчилик: талаба кўпинча оч қолади, совуқ еб қалтирайди, гарибона кийинади. Ҳар ҳолда у бир бурда нонини топиб ейди, бу зодагонларнинг дастурхони қолдиғи бўлса ҳам, тиланиб олса ҳам майли, ҳарқалай ҳаво совуқ кунларда талаба учун яхши одамларнинг уйида исиниб олишига печка ёки манқал топилади. Албатта, талабанинг кўйлағи оз, иссиқ тўн эса анқонинг уруғи эканлиги

ҳаммага маълум. Албатта, улар қоқилиб, йиқилиб, яна ўрнидан туриб кетаётган йўл оғир, нотекис, эгри-бугри, лекин тиришқоқлик, интилиш туфайли талаба орзу қилган олимлик даражасига эришади, одам бўлади. Ана ўшанда унинг учун маъмурчилик, тўкин-сочинлик бошланади: у мазали овқатлар ейди, қиммат матолардан кийимлар кияди, ҳамма ерда ҳурмат-иззат кутади уни. Энди талаба билан жангчининг тақдирини бир-бирига таққослаб кўринг. Бу бахтиқаро жангчидан ҳам қашшоқроқ одам оламда йўқ: у озгина маошга қаноат қилиб яшайди, лекин бу маошни ҳам доимо ушлаб қолишади ёки мутлақо тўлашмайди. Тўғри, баъзида у талончилик ҳисобига ҳам кун ўтказади, лекин шуни ҳам унутманглarki, у шу ишга қўл уриши билан ўз ҳаётини таҳлика остида қолдирибгина қолмай, гуноҳга ҳам ботади. Лекин бундай гуноҳ орттириб тузукроқ умр кечириш ҳамма вақт ҳам насиб бўлавермайди унга. Шунинг учун ҳам бир бурда қаттиқ нон топса ҳам шукур қилади, иссиқ овқатни эса камдан-кам учрайдиган лаззатли таом деб билади, ана шунинг учун ҳам дабдаласи чиққан совути одатда унинг учун шоҳона кийим ҳамда кўйлак ўрнида хизмат қилади. Жазирама ёз кунларида у қуёш тафтида пишади, қишда эса изғирин совуқда шамдек қотади, ўз қайноқ нафаси билангина ўзини иситади. Кечаси ўринда ётиб, кундузи азоблардан қутулади деб ўйламанг. Агарда бу ўрин унинг кўзига тор бўлиб кўринса бунга ўзи айбли, чунки яланғоч ердан ўзига яраша жой ўлчаб олиб, чойшабнингғижимланишидан асло чўчимай, истаганича роҳат қилиб ётиши мумкин. Ва ниҳоят, жанг кунлари ҳам етиб келади. Бу кун мард жангчига қандай юксак марҳаматлар ҳадя қилиши мумкин? Агар дайди ўқ чаккасини ялаб ўтса, дока ё латга-путталардан бошига табиблар қалпоғи кийгизилади ёки у жароҳат олиб, қўли ё оёғидан ажралади. Башарти фалак унга марҳамат қилса, жангдан соғсаломат чиқадиган бўлса яна илгаригидек камбағал,

фақирлигича қолаверади. У яна ўзини кўрсатиш учун янги жанг ёки галабаларни кута бошлайди, бундай жангда эса у мукофот олишдан кўра, ҳаётини осонгина йўқотади. Сеньорлар, бир жангчи ўзини кўрсатгунча қанча-қанча одам ўлиб кетгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Мен қандай жавоб беришларингни олдинданок биламан, сизлар ўлган, майиб бўлганлар минг-минглаб топилади, мукофотланган одамлар эса бармоқ билан санарли дейсиз. Олимлар орасида ишлар бутунлай бошқача, тўғри эмасми? Улар тирикчилик ўтказиш учун доимо бирор нарса топа оладилар, ёмон яшамайдилар. Демак, жангчининг меҳнати оғир, лекин оладиган мукофоти оз. Энди ҳанузгача ҳал этилмаган, ҳарбий ишнинг бошқа фанлардан устун туриши масаласига яна қайтайлик. Илм тарафдорлари бизсиз ҳарбий иш қила олмайди, чунки уруш ўз қонунларига эга, бу қонунларни фақат фан очиб беради, холос, дейишади. Ҳарбий иш тарафдорлари эса уларга эътироз билдириб, агар ҳарбий маҳорат бўлмаганда эди, бу қонунларнинг ўзи бўлмас эди, зотан, шугина шаҳарларни ҳимоя қилади, йўл хавфсизлигини таъминлайди, денгизни қароқчилардан қўриқлайди, хуллас, ҳамма ёқда тинчлик, осойишталикни ўрнатади, деб айтади. Ахир, илгаридан исбот қилинган-ку, нима қиммат турса, у қадрланиши, баҳоси ҳам ортиқ бўлиши лозим. Олимлар машҳурлик ҳамда тўқчиликка қаттиқ меҳнат қилиш, оч қолиш, қашшоқлик, бош қотириш, ошқозонни бўш сақлаш ва бошқа нарсалар эвазига эга бўлади. Бироқ яхши жангчи бўлиш учун жангчи олимнинг бошига тушган барча қийинчиликларга бардош бериши, бунинг устига ҳар дақиқада ўз ҳаётини таҳлика остида қолдириши зарур. Агар олимнинг кўнглига эҳтиёж ҳамда қашшоқлик ваҳима солиб турса, бу қамал қилинган қалъада қолган жангчининг кўрқуви олдида нима деган гап? Айтайлик, у бирорта истехком ёки қалъа олдида соқчилик қиляпти, у ана шу минор остидан душманнинг лаҳм қазиб келаётга-

ни, уни портлатмоқчи эканлигини сезади. Бироқ бу даҳшатли қўрқувга қарамай, ўз постини ташлаб кетишга ҳақи йўқ. Унинг қўлидан келадиган бирдан-бир иш лаҳм ҳақида ўз капитанига хабар бериб қўйиш, холос, шундан кейин у яна ўз жойига келиб туради, яна бир дақиқадан кейин эса қанотсиз осмону фалакка кўтарилишини кутиб ўтиради. Лекин урушда бундан ҳам хавфлироқ ҳодисалар юз беради. Тасаввур қилинг, очиқ денгизда иккита кўп эшкакли кема бир-бирига чангак ташлайди: аскарлар эни икки фут келадиган тахта йўлда туришга мажбур, уларга ажал уруғини сепувчи душманнинг замбараклари тўғрилланган; уларнинг оғзи бир найза бўйичалик нарида: сал бежо ҳаракат жанг қилувчиларни денгиз тубига фарқ қилиши мумкин, бироқ шунга қарамай, ор-номус устунлик қилиб, улар душман замбараги ўқларига кўксини қалқон қилишади, торгина тахта йўлдан бориб, душман кемасига ташланишади. Бу ерда ажабланишга арзийдиган нарса шуки, бири денгиз тубига фарқ бўлса, бошқаси дарҳол унинг ўрнини эгаллайди<sup>44</sup>. Уруш даҳшатлари ичида бунақа жасурлик, мардликни мутлақо топа олмайсиз! Ана шу ўт очувчи қуроллар яратилмасдан олдин жанг қилганлар анча бахтиёр эди; имоним комилки, кимки шу қуролни ўйлаб чиқарган бўлса, у ҳозир ўзининг шайтонга хос кашфиёти учун дўзахда жавоб беряпти, азоб тортяпти, чунки ана шу қуролнинг шарофати билан жасур кабальеро бирор разил қўрқоқнинг қўлида ҳаётдан ажралади. Жангчининг жасур қалбини мардлик, матонат алангалади, тўсатдан узоқ йиллар ширин ҳаёт кечиришга лойиқ бўлган одамнинг ўйларини ҳам, ҳаётини ҳам аллақайлардан учиб келган дайди бир ўқ сўндиради. Жасур жангчини ўлдирган қотил эса ўз лаънати машинасининг ўтидан талвасага тушадиган қўрқоқ бир киши бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам баъзида биз яшаётган мана шундай жирканч замонда жаҳонгашта рицарликни танлаганимдан пушаймон бўлиб кетаман;



гарчи мени ҳеч қандай хавф-хатар чўчитолмаса-да, ҳарқалай порох ёки кичкинагина қўрғошин парчаси қиличим кучи билан оламда шуҳрат қозонишдан маҳрум қилиб қўймаса, деб хижолат тортаман. Худо ёр бўлиб, ўз ниятларимни амалга ошира олсам, шундай хавф-хатарларни баргараф қиламанки, бунақасини ўтган замон жаҳонгашта рицарлари мутлақо кўрмаган, ана шунда мен шон-шуҳратга ботаман.

Дон Кихотнинг узундан-узоқ нутқи ана шундай бўлди. У гапга шу қадар берилиб кетдики, Санчонинг аввало озгина тамадди қилиб олиб, кейин фикр юритиш лозимлигини айтишга қарамай, овқатдан бир луқма ҳам тотмади. Дастурхон атрофида ўтирган бошқа кишилар эса, мана шундай ақлли, ширин сўз одамнинг гап рицарлик томон бурилиши биланоқ тентакдан фарқи бўлмайд қолишидан беихтиёр афсусланишди. Руҳоний, гарчи ўзи олимлар табақасига мансуб бўлса-да, дон Кихотнинг фикрларига тўлиқ қўшилганини айтди.

Дон Кихотнинг нутқини фақат руҳонийгина эмас, балки ҳамма қувватлади: барчалари мамнун ва хурсанд эдилар. Бу орада вақт ярим кечадан оғиб қолган, шу боисдан туннинг қолган қисмида дам олишга жазм этишди. Фақат дон Кихотгина дам олмаслигини ва тонггача қалъани қўриқдаяжанини айтди.

– Нима ҳодиса бўлишини ким билсин? – деди рицарь.  
– Тўсатдан бирорта дев ёки ёвуз сеҳргар ҳужум қилиб қолиши ҳам мумкин-да.

Атрофдагилар унга миннатдорлик билдириб, ётишга ҳозирлана бошлашди. Хонимлар ўз хоналарига кириб кетишди; эркаклар тўғри келган жойда ётиб қолди. Санчо эса бошқалардан кўра дурустроқ ўрнашиб, отхонадаги эшаги абзалларига ёнбошлади. Дон Кихот эса ҳали ҳам қалъа деб юргани карвонсаройни қўриқлаш учун Росинантига миниб йўлга чиқди.

## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

### КАРВОНСАРОЙДА ЮЗ БЕРГАН ҒАРОЙИБ ҲОДИСА

Бутун меҳмонхона чуқур уйқуга чўмди, фақат хўжайиннинг қизи билан хизматкор қиз Мариторнесгина уйғоқ. Улар дон Кихотнинг отлиқ, тўлиқ қуроланган ҳолда карвонсарой атрофида айланиб юрганини кўришиб, у билан ҳазиллашмоқчи бўлишди.

Ҳамма уйлар ичида фақат битта чордоқнинг деразаси йўлга қараган эди. Ҳазилкашлар шу дераза ёнига жойлашиб, дон Кихотни кўриб туришди; у отда найзасига суянганича ўтирар, вақти-вақти билан худди юраги ёрилиб кетаётгандек чуқур, гамгин хўрсиниб қўярди. У хўрсинаркан, мулойим қилиб шундай дерди:

– О, маликам Дульсинея Тобосская – гўзалларнинг гўзали, ақл хазинаси, саховатлар эгаси, оламдаги барча энг яхши нарсаларнинг тимсоли! Шу тобда нима қилиб ўтирибсан? Сенга хизмат қилиш ниятида хавф-хатар йўлига кирган, ишқингда ёнган рицарни эсламаяпсанмикин? Эй, тўлин ой, ундан менга хабар келтир! Эҳтимол, сен ҳозир унинг юзига тикилиб тургандирсан, унинг ҳашаматли саройи кўшикида кезиб юрганини ёки шийпонда панжарага суяниб, сенга тикилиб, менинг ҳақимда ўй сураётганини, менинг мажруҳ қалбимни эзилаётган дардни ўзининг шон-шуҳрати, номусига халал етказмай юмшатиш ҳақида ўйлаётганини кўриб тургандирсан. Эҳтимол, у тортган азобларим эвазига хурсандлик, дардмандликка – юпанч, ўлим ўрнига ҳаёт, хизмат эвазига илтифот кўрсатиш тўғрисида бош қотираётгандир! Эй, тоғлар ортидан маъшуқам билан дийдор кўришишга ошиқаётган нурли кўёш, ёлбораман сенга, мендан унга салом айт! Лекин унга тикилиб туриб, юзидан бўса ола кўрма, йўқса, уни сендан рашк қиламан, рашким шу қадар кучлики, Фессал водийсидами ёки Пеней соҳилларидами, аниғи эсимда йўқ, чопқир нимфани қувиб, унга рашк

қилган сен гўзал Фебнинг рашки меникининг олдида ҳеч нарса эмас<sup>45</sup>.

Дон Кихотнинг таъсирчан гапи худди шу ерга етганда, хўжайиннинг қизи уни аста чақириб қолди:

– Муҳтарам сеньор! Марҳамат қилиб бу ёққа келсангиз!

Дон Кихот унинг овози келган томонга бошини бурди ва ҳамма ёқ сутдек ойдинга фарқ бўлган бир пайтда кимдир уни дераза томонга чақираётганини кўрди (дераза унинг кўзига ҳашаматли қалъалардаги катта, олтин панжарали деразага ўхшаб кўринди, чунки унинг меҳмонхонани қалъа деб билганидан хабаримиз бор); ўша заҳоти унинг ожиз тасавурида, ўтган сафаргидек, қалъа бекасининг гўзал қизи қалбидаги муҳаббат жўш уриб, ўз шаънига доғ туширишдан ҳам қўрқмай, Дульсиня Тобосскаянинг шафқатсизлигидан азоб чеккан рицарнинг дардини енгилатмоқчи ва уни юпатмоқчи деган хаёл жонланди. Ўзини одобсиз деб ўйламасликлари учун Росинантнинг бошини буриб, деразага яқинлашди-да, хўрсиниб гап бошлади:

– Эй, соҳибжамол хоним! Сизнинг илтифотингиз, улўф саховатингизга муносиб бўлмаган бир кишига бунчалик илтифот қилаётганингиздан афсусланаман. Бунинг учун мендек толеи паст жаҳонгашта рицарни койимаслигингиз лозим, чунки унинг муҳаббати бир кўргандаёқ, ишқи кўнглини забт этган маъшуқасидан бошқага хизмат қилолмайди. Эй гўзал сеньора, ғазабланманг, мени унутинг, ўз оромгоҳингизга кириб кетинг, мени ўз марҳаматингиздан баҳраманд қилишга уринманг, мени ўз ҳолимга қўйинг. Лекин муҳаббат билан эмас-у, бошқа йўл билан мурувватингиз учун миннатдорчилик билдиролсам, майли, истагингизни сўранг. Гўзал рақибам, ҳозир ёнимда бўлмаган қалбим ҳукмдори номи билан онт ичиб айтаманки, нимани истасангиз, дарҳол бажо келтираман. Илонлардан ўрилган медузанинг сочини ёки шишага қамалган қуёш нуруни талаб қилинг, ҳаммасини муҳайё қиламан.

– Сеньор рицарь, бекамга буларнинг ҳеч қайсиси даркор эмас, – деб унинг гапини бўлди Мариторнес.

– Бекангизга нима керак экан, эй назокатли хоним?  
– деб сўради дон Кихот.

– Бекам қўлингизни чўзишингизни илтимос қияптилар, холос, – деб жавоб қилди Мариторнес. – У қўлингиз тегиши биланоқ, ўзини мана шу деразада кўриниш каби ўз шаънига доғ туширишдек хавфли қадамга ундаган иштиёқ тугёни тинчийди, деган умидда; борди-ю, сеньоранинг отаси унинг бу қилмишини билиб қолса, энг енгил жазо берганда, бекамнинг қулоғини кесиб ташлайди.

– Кошки шундай бўла қолса! – хитоб қилди дон Кихот. – Қани, шундай қилиб кўрсин-чи, ошиқи беқарор қизига қўл кўтаришга журъат этган шафқатсиз отани қандай офир жазо кутса, уни ҳам шундай жазо кутади!

Мариторнес дон Кихотнинг ўз илтимосига кўнаётганини кўриб, зинфилаганча пастга тушди, отхонага кириб, Санчо Панса эшагининг нўхтасини олди ва ўша заҳотиёқ орқасига қайтди, худди шу тобда дон Кихот Росинантнинг эгарига оёғини қўйиб, ўзи тасаввур қилган ҳамда ортида муҳаббат ўқидан кўкси яраланган қиз турган панжарали деразага қўлини чўзиб шундай деяётган эди:

– Сеньора, бу қўлни, тўғрироғи, ёвузлар гарданига қамчи бўлиб тушгувчи қўлни қабул этгайсиз. Такрор айтаман, ҳали ҳеч кимсанинг, ҳатто ишқи кўнглимни банд этган вужудим хоқонининг ҳам қўли тегмаган мана шу қўлларимдан ушланг. Мен уни сизга бўса олиш учун эмас, балки ундаги пайларнинг чайирлигини, мушакларнинг ўйнаб туришини, томирларининг бўртиб чиққанлигини кўриб, қўл эгасининг куч-қудратига баҳо беринг деб чўзаётирман.

Шунда Мариторнес:

– Уни ҳозир кўрамиз, – деди.

У нўхтадан сиртмоқ ясаб, дон Кихотнинг қўлига солди, бир учини эшикнинг лўкидонига маҳкам боғлади. Қайиш сирилиб қўли офриганини сезган дон Кихот шундай деди:

– Назаримда, марҳаматли хоним қўлимни нозик бармоқлари билан эмас, темир исканжа билан қисаётганга

ўхшайдилар-а. Қўлимга бунчалик азоб берманг, сизга етказган озоримда унинг ҳеч қандай айби йўқ. Шунини билиб қўйингки, ошиқ кўнглига бунчалик бешафқат ўч олишни тугиб қўймайди.

Бироқ дон Кихотнинг гапини ҳеч ким эшитмади. Иккала қиз ҳам кула-кула қочиб кетишди, у эса қўли боғланганича қолаверди.

Бечора зўр ташвиш ва кўрқувда қолди. Росинант сал қимирласа тамом, рицаримиз бир қўли билан осилиб қолади. Шу сабабли у қимирлашга кўрқар, бутун умиди ювош, итоаткор отида эди. Ниҳоят, дон Кихот боғланиб қолганини, хонимларнинг эса қаёққадир қочиб кетганликларини фаҳмлади ва бу ишда яна сеҳргарлар иштирок этганлар деб ўйлади, албатта. Шунда у ўзининг бефаросатлиги ва соддалигига лаънатлар ўқий бошлади: у яқиндагина анчагина кўнгилсизликларни кўрган қалъага яна келмаслиги керак эди. Ахир, жаҳонгашта рицарларнинг қонунида, агар бирор рицарнинг саргузашти бахтсизлик билан тугаса, унда бу бошқа бир рицарнинг қисмати эканини англади, инчунин, унга яна қўл урмаслик лозим дейилган-ку. Ана шуларни ўйлаб, у қўлини бўшатиш учун ҳадеб силтайверди. Лекин унинг хатти-ҳаракатлари натижасиз эди, қайиш тобора унинг қўлини қаттиқроқ қисар, оғриқ эса баттар кучаярди. Бирор одам ёрдамга келиб бўшатиб юбормаганича, унинг эгар устида қимирламай туришдан бошқа иложи қолмаган эди. У барча сеҳр-афсунларни парча-парча қилувчи Амадиснинг қиличини қўмсади, ўзини мана шу деразага боғлаб қўйган тақдирни лаънатлади, ахир, ҳозир унинг ёрдамига қанчадан-қанча азият чеккан, оч-яланғоч одамлар муҳтож рицаримиз ўз маъшуқаси Дульсиней Тобосскаядан ҳам хаёлан мадад сўради ва ниҳоят ҳозир бутун ёруғ жаҳонни унутиб, эшагининг эгарини бошига қўйиб донг қотиб ухлаб ётган садоқатли яроқбардори Санчо Пансани чақира бошлади. Санчо эшитмаётганига ишонган дон Кихот донишмандлардан Лиргандео билан Алькифони ёрдамга чақирди, саховатли Ургандудан ҳимоя қилишини ўтина бошлади. Ниҳоят, тонг ёриша

бошлаганда у шу қадар талвасага ва бесаранжомликка тушдики, ҳўкиздай бўкираверди. Рицаримизга кундуз ҳам озодлик бахш этмайдигандай, мана шу ерда умрбод сеҳрланганича қоладигандай бўлиб туюлди. Ундаги бу ишончнинг мустаҳкамланиб қолишига Росинантнинг ўзини ғалати тутиши ҳам сабабчи бўлди: вафодор от тун бўйи қоққан қозикдай қилт этмай турди. Рицаримиз бу ёмон аломат, демак, отим билан биргаликда самовий мавжудотларнинг ёвуз таъсири тугамагунча ёки бошқа бир сеҳргар бу сеҳрни йўқ қилмагунча шу кўйи емай, ичмай, ухламай тураверарканман деб ўйлади.

Тонг ёриша бошлаши биланоқ карвонсаройга отларининг эгарига мушкет осган, башанг кийинган тўртта отлиқ етиб келди. Меҳмонхона дарвозаси берк бўлгани учун келган одамлар уни тақиллата бошладилар. Уларни кўрган, ҳеч нарсага аҳамият бермай, ўзини соқчи деб ҳис этган дон Кихот ғазаб билан қичқирди:

– Рицарлармисиз, яроқбардорлармисиз, ким бўлишингиздан қатъи назар, бу қалъанинг дарвозасини тақиллатишни бас қилинг! Шундай каллаи саҳарда қалъа эгаларининг ухлаётганига, қуёш заррин нурларини оламга сочгандагина дарвозалар очилишига наҳотки ақлларинг етмаса? Кун ёйилгунча сабр қилинглар, ана шундан кейин сизларни бу ёққа қўйса бўладими-йўқми эканлигини биламиз.

– Бу қанақасига қалъа бўлсин? Нималар деяпсиз, ахир? Карвонсаройда такаллуфга ўрин борми?! Агар сиз карвонсаройнинг эгаси бўлсангиз, буйруқ беринг: дарвозани очишсин, биз сайёҳлармиз, отларимизни овқатлантириб олгач, яна йўлга тушамиз, жуда шошиляпмиз.

– Жаноблар, наҳотки, мен карвонсарой эгасига ўхшасам? – деб сўради дон Кихот.

– Кимга ўхшашингизни билмайман, – деди отлиқ. – Фақат қўноқхонани қалъа деб сафсата сотиб ўтирганингизни биламан, холос.

– Бўлмасам-чи, бу қалъа-да, – деди дон Кихот, – шу атрофдаги энг яхши қалъа, бу ерда қўлида салтанат

ҳассасини тутган, бошига тож кийган одамлар паноҳ топишган.

– Назаримда, бу ерда масхарабозлар труппаси тўхтаганга ўхшайди: маълумки, уларда кўпинча қаттиқ қоғоздан ясалган тожлар, салтанат ҳассалари бўлади; бундай қашшоқ, кўримсиз қўноқхонада ўшалардан бошқа қирол ҳамда шаҳзодаларга бало борми?

– Агар жаҳонгашта рицарлар бошига тушган саргузаштлардан беҳабар бўлсангиз, – деб эътироз билдирди дон Кихот, – дунёни билмас экансизлар.

Бироқ дон Кихот билан гап таллашиш тун бўйи йўл юриб келган отличларнинг юракларига сиғмасди. Улар дарвозани шу қадар ғазаб билан тақиллата бошладиларки, қўноқхонадагиларнинг ҳаммаси уйғониб кетди, қўноқхона эгаси эса ким тақиллатаётганини билгани чиқди. Шу пайт отличлардан бирининг оти, қулоқлари шалвираб, ўйга толгандай бошини қуйи солиб қимирламай осилиб қолган эгасини кўтариб турган Росинантга яқинлашаркан, уни ҳидлай бошлади. Гарчи Росинант ёғочдай қотиб турса ҳам, унинг томирларида қон кўпириб оқарди: у ҳам эркалашга нисбатан ҳиссиз қолмади, ўз навбатида оғайнисини искай бошлади. Бироқ у сал қимирлаши биланоқ дон Кихотнинг оёқлари силжиб, эгардан сирғалиб кетди, агар нўхтага осилиб қолмаганида ерга гурсиллаб йиқиларди. Шунда у шу қадар қаттиқ оғриқни сездикки, худди қўлини елкасидан суғуриб олаётгандай бўлди. Оёқлари ерга тегай-тегай деб турарди, лекин бундан унинг аҳволи енгиллашмади: яна озгина чўзилса, оёғи ерга тегишини кўрган дон Кихот жон-жаҳди билан ерга ётишга ҳаракат қилиб кўрди, бироқ бундан оғриқ зўрайди, холос. Ниҳоят, азоб чидаб бўлмаслик даражасига етди, дон Кихот шундай бўкириб юбордики, қўноқхона эгаси шошилиб дарвозани очди, даҳшат ичида қичқириқ келган томонга югурди. Дод-войдан Мариторнес ҳам уйғониб кетди; гап нимадалигини дарҳол фаҳмлаб, ҳеч кимга сездирмай хонага югуриб кирди ва дон Кихот осилиб турган нўхтани ечиб юборди, рицарь ерга шалолаб тушди. Шу пайт унинг

олдига хўжайин билан сайёҳлардан бир нечтаси етиб келишди, уни қуршаб олишиб, нима ҳодиса бўлганини, нега қичқирганини сўрай бошлашди. Рицаримиз эса ҳеч кимга жавоб бермай, қўлидаги сиртмоқни ечиб ташлаб, ўрнидан турди-да, Росинантга минди, қалқонини қўлга олиб, найзасини тик ушлаганча олдинга чопиш учун орқага тисарилди, сўнгра бақирганича от қўйиб келди:

– Кимки мени бирорта гуноҳ учун сеҳрланган дегудек бўлса, малика Микомикон ижозати билан уни ёлғончи деб айтаман, ундан жавоб талаб қиламан ҳамда якка-ма-якка жангга чақираман.

Дон Кихотнинг гаплари янги келган кишиларни ҳайратда қолдирди, лекин хўжайин дон Кихотнинг кимлигини тушунтириб, унга эътибор бермасликни, унинг ақдан озганлигини айтди.

Бу орада тонг тамоман ёришиб, қуёш нурлари, шунингдек, дон Кихот кўтарган шовқин карвонсаройдагиларни уйғотиб юборди. Қўноқхона ҳовлиси аста-секин одамга тўла бошлади. Янги келганлар ўз ишлари билан машғул бўлиб, дон Кихотга ҳеч эътибор бермадилар, шу сабабли рицаримиз аламига чидолмай фигони фалакка чиқди. Агарда дон Кихот рицарлик орденининг низомида жаҳонгашта рицарлар гарчи илгари бирор жасорат кўрсатиш йўлида онт ичган бўлса-да, янги саргузаштга бош қўшиши мумкин деган бандини топа олганида борми, уларни ҳол-жонига қўймай чақирқни қабул қилишга мажбур этган бўлармиди, балки. Бироқ малика Микомиконнинг подшолигини олиб бермагунича тасодифий тўқнашувларда қатнашишини одобсизлик ҳамда ўз ҳаётини таҳлика остида қолдириш деб тушунди, шунинг учун ҳам ўзининг уришиш ниятидан қайтди. Худди шу пайт дарвоза ёнидан қичқирқ эшитилди: хўжайиннинг янги келганлар билан банд эканини кўрган, қўноқхонада тунаган икки киши ижара ҳақини бермай жуфтакни ростлаб қочмоқчи бўлишди; лекин хўжайин уларни дарвоза олдида тутиб олди-да, ҳақ тўлашларини талаб қилди; у оғзидан боди кириб, шоди чиқиб сўкинарди, қочмоқчи бўлганлар қутурганча мушт дўлайиб



унга ташланишди. Бечора хўжайин бақириб, одамларни ёрдамга чақира бошлади, лекин ҳамма ўз ишига шунчалар берилиб кетган эдики, ҳеч ким дод-войга эътибор бермади: шу пайт хўжайиннинг қизи нарироқда турган дон Кихотга муружаат этиб хитоб қилди:

– Сеньор рицарь, муҳтарам жаноблари, худо сизга битмас-туганмас куч ато қилган экан, бечора отамга ёрдам беринг, анави ярамаслар уни дўппослашяпти.

Унинг бу гапига дон Кихот хотиржамлик билан жавоб берди:

– Эй гўзал қиз, ҳозир сизнинг илтимосингизни бажо келтира олмайман, чунки ўз зиммамга олган жасоратни охирига етказмагунимча янги саргузаштларга аралашмасликка ваъда берганман. Бўлмаса шундай қилайлик: бориб отангизга айтинг, улар билан қаттиқроқ муштлашаверсин, асло бўш келмасин, бу орада мен унга ёрдам бериш учун малика Микомикондан ижозат оламан; агар у рухсат берса, кўнглингиз тўқ бўлаверсин, уни албатта қутқариб оламан.

– Вой, шўрим қурсин! – деди шу ерда турган Мариторнес. – Муҳтарам жаноблари рухсат олиб келгунларича хўжайиним нариги дунёда бўлади.

– Сеньора, фақат рухсат олсам бўлгани, – деб жавоб қилди дон Кихот, – хўжайинингиз у дунёда бўладими, йўқми – менга бари бир: у дунёда бутун дўзах менга қарши турса ҳам, уни қутқариб келаман. Унинг учун шундай ўч оламанки, сизлар бағоят мамнун бўласизлар.

У шу сўзларни айтarkan, жаҳонгашта рицарларга хос қиёфага кириб, Доротеянинг қаршисида тиз чўкди ва ҳазрати олияларидан шиддатли жанг қилаётган қалъа эгасига ёрдам бериши учун изн сўради. Малика жон-жон деб рухсат берди, дон Кихот қўлига қалқон билан қиличини олиб, ўша заҳоти хўжайинини ҳанузгача дўппослаётган иккала одам олдига – кўноқхона дарвозаси томон чошиб кетди, лекин уларга яқинлашгач, Мариторнес билан беканинг хўжайинга тезроқ ёрдам беришини сўраб қичқиришаётганга ҳам қарамай, тўсатдан таққа тўхтаб қолди.

– Мен шунинг учун шошилмаяпманки, – деди дон Кихот, – қора халққа қарши қилич кўтариш менга ярашмайди. Яроқбардорим Санчони бу ёққа чақиринглар, чунки бундай ҳолларда ўч олувчилик, ҳимоя қилиш унинг зиммасида бўлади.

Бу орада тепки ва муштлар хўжайинга шу қадар кўп ёғилдики, Мариторнес, бека ва унинг қизи хўжайинлари, эри, отасининг аҳволи оғирлашганини кўриб, дон Кихотнинг шошилмаётганидан жаҳллари чиқди.

Худди шу пайт қўноқхонага дон Кихот Мамбрин дубулғасини, Санчо Панса эшагидан эгар-жабдуғини тортиб олган ўша сартарош келиб қолса бўладими! Сартарош эшаги билан отхонага кирди, у ерда эгар атрофида ивирсиб юрган Санчо Пансани кўриб қолди. Ўз нарсаларини кўриб, ўша заҳотиёқ яроқбардорга ташланди.

– А-а, ўғри жаноблари, қўлга тушдинг-ку! Ўғирлаб кетган жомни, эгар-жабдуқни бу ёққа чўзинг энди! – деб бақира бошлади у.

Тўсатдан қилинган ҳужум туфайли Санчо қаддини ростлади-ю, ўйлаб турмай сартарошнинг башарасига бошлаб мушт туширди, унинг оғзи-бурни қонга беланди. Бироқ сартарош эгарни маҳкам ушлаб олиб шундай қичқирдики, қўноқхонадагиларнинг ҳаммаси бу шовқинни эшитиб шу ёққа югуришди. Сартарош дод соларди:

– Адолат, ҳақиқат қилинсин! Қирол номи билан! Мана бу ўғри, йўлтўсар менинг эгаримни ўғирлаб олганди, энди ўзимни ўлдирмоқчи.

– Ёлғон, – жавоб қилди Санчо, – мен йўлтўсар эмасман! Бу эгарни хўжайиним дон Кихот одил жангда қўлга киритган.

– Одил жангда? – бақирди ғазабланган сартарош Санчога мушт дўлайиб. – Вой муттаҳам-э!

Санчо сартарошга қарши зарба берди, ҳар иккиси роса муштлашди. Етиб келган одамлар орадан нима гап ўтганлигини, ким ҳақу ким ноҳақ эканлигини билмаганликлари учун жанжалга аралашмай, бақрайиб туришарди.

Бу орада дон Кихот қўноқларни ўз қарзларини тўлаб, қўноқхона эгасини тинч қўйишларига иқрор қилган эди.

Шундан сўнг ўз яроқбардорининг шовқин-суронини аллақачонлар эшитган рицаримиз нима гаплигини билиш учун отхона томон югурди. Санчонинг сартарош билан чаққон жанг қилаётганини кўрган дон Кихот ўз яроқбардорининг жасоратидан мамнун бўлди ва имкон бўлиши биланоқ уни рицарликка ўтказишга қарор қилди, зотан, довюрак Санчо рицарлар орденига шараф билан хизмат қилиши мумкин эди.

### ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

#### **КАРВОНСАРОЙДА ЮЗ БЕРГАН ҒАЛАТИ ҲОДИСАЛАРНИНГ ДАВОМИ**

Сартарош билан Санчо Панса ўртасидаги жанжал тобора кучайиб борарди.

– Қаранглар, сеньорлар, – деб қичқирарди сартарош ҳовлига тўпланиб, муштлашишни кузатиб турганларга қараб, – мана бу муттаҳам менинг эгаримни ўғирлаган. Бир куни келиб худонинг менга ўлим юбориши қандай ҳақ бўлса, эгарнинг меникилиги ҳам шундай ҳақ. Оғилни қаранг, эшагим ўша ерда, у ёлғон гапирмаса керак. Ишонмасанглар, ўзларинг эшагимни эгарлаб кўринглар, башарти эгар унга тўғри келмаса, майли, мени муттаҳам дея қолинглар. Бундан ташқари, бу қароқчи соқол олишга ишлатадиган яп-янги, бир эскудога сотиб олган жомимни ҳам илиб кетибди.

Дон Кихот буни эшитгач, ўзини тўхтатиб қололмади: уришаётганларнинг ўртасига тушиб, уларни ажратиб, қайси томон ҳақлиги аниқлангунча эгар ҳамманинг кўзига кўриниб турсин деб, уни ерга қўйиб қўйди-да, шундай деди:

– Сеньорлар, Мамбриннинг дубулғаси бўлиб келган, бўлиб келаётган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоладиган нарсани сартарошлик жоми деб атаётган мана бу олижаноб яроқбардор йўл қўйган чалкашлик нимадан иборатлиги ҳозир сизга аён бўлади. Мен бу дубулғани ундан ҳалол жангда тортиб олганман,

шундан буён унинг қонуний хўжайинидирман! Бу одам қайси эгар ҳақида гапираяпти, сира тушунолмаяпман. Тўғри, яроқбардоримга бу шўринг қурғур қўрқоқнинг отидаги эгар-жабдуғини олишига изн берганим сал-пал ёдимда. Модомики, эндиликда отнинг эгар-жабдуғи ўзгариб, эшакнинг эгарига айланиб қолган экан, мен буни мўъжизадан бўлак нарса деб тушунолмайман: рицарлик саргузаштларида бундай ўзгариб қолишлар тез-тез юз бериб туради. Ҳозир бунга ўзингиз амин бўласиз. Қани, бўтам Санчо, югуриб бориб, мана бу олижаноб одамга сартарошлик жоми бўлиб кўринган дубулғани олиб кел-чи.

– Жин урсин, сеньор, – деб жавоб берди Санчо, – ҳақлигимизни исботлашга бошқа далилимиз йўқ экан, манави эгар-жабдуқ, отники бўлса, сартарошлик жоми ҳам Мамбриннинг дубулғаси бўлиб чиқади-да.

– Амримни бажар, – қатъийлик билан унинг сўзини бўлди дон Кихот. – Бу қалъадаги нарсаларнинг ҳаммаси ҳам сеҳрлаб қўйилмаган-ку, ахир!

Санчо жомни келтиргач, дон Кихот уни тўпланганларга кўрсатиб, шундай деди:

– Сеньорлар ва кабальеролар! Мана бу тилла дубулғага қараб, унинг сартарошлик жомига ўхшаш-ўхшамаслигини ўзларингиз бир ўйлаб кўринглар... Мана бу яроқбардор бизни бир чақага арзимаган сартарошлик жомини ўғирлашда айблаб нақадар уятсизлик қилмоқда. Ўзим тобе бўлган рицарлик ордени ҳақи қасамёд қилиб айтаманки, бу мен ундан тортиб олган ўша дубулға, мен унинг ҳеч нарсасини йўқотганим ҳам, унга ҳеч нарса қўшганим ҳам йўқ.

– Ҳа, бу тўғри гап, – деди шунда Санчо, – чунки менинг хўжайиним дубулғани қўлга киритгандан буён уни атиги бир марта кийиб, яъни кишанланган бахтсиз кимсаларни озод этишда жанг қилган. Агар ўшанда хўжайинимнинг бошида мана шу сартарошлик дубулғаси бўлмаганда аҳволи чатоқ эди, чунки бу жангда бошимизга дўлдай тош ёғилган эди.

– Қани, буни сартарошлик жоми эмас, дубулға деб туриб олган бу жаноблар тўғрисида сиз, азизлар, нима дейсизлар? – деб қичқирди сартарош.

– Бунинг аксини айтишга ким журъат эта олади! – деб хитоб қилди дон Кихот. – Агар бу рицарь бўлса, ноҳақ гап айтаётганини, борди-ю, яроқбардор, унга минг карра ёлгон гапираётганини исботлаб бераман.

Мазкур мунозара пайтида шу ерда ҳозир бўлган уста Николас ҳамманинг кайфини чоғ қилиш ниятида дон Кихотни қўллаб-қувватлашга жазм этди, шунинг учун ҳам сартарошга мурожаат қилиб, шундай деди:

– Сеньор сартарош, шуни билиб қўйингки, мен, аввало, сизнинг касбдошингизман, мана, йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён шу касбни қиламан, шундай экан, бирорта ҳам сартарошлик асбоби йўқки, мен уни билмаган бўлай. Бундан ташқари, ёшлигимда аскарлик хизматини ўтаганман. Бинобарин, тасдиқлайманки, оқ ранг қора рангга, ҳақиқат ёлгонга қандай ўхшаш бўлса, мана бу муҳтарам сеньор қўлидаги буюм ҳам сартарошлик жомига шундай ўхшайди. Кўп нарсалар етишмаса ҳам, айтаманки, бу ҳақиқий дубулға.

– Албатта, етишмайди-да, – деди дон Кихот. – Аввало, сипари йўқ.

– Мутлақо тўғри, – гапга аралашди сартарош дўстининг ниятини тушунган руҳоний.

Бу ҳазил ҳаммага ёқиб тушди, тўпланганлар орасида бир неча кабаљеро бор эди, улар ҳам дон Кихотнинг қўлидаги нарса сартарошлик жоми эмас, балки дубулға деб бир овоздан тасдиқлашди.

– Эй худо, ўзинг кечир, – деб хитоб қилди гангиб қолган сартарош. – Шунча муҳтарам одамлар буни қандай қилиб жом эмас, дубулға дейишяпти? Бундай ҳолда бутун бир дорилфунун ҳайратда қолиши мумкин. Майли, нима қилай, мана бу сеньор айтгандай, жомим дубулға бўлиб чиққанидан кейин эшагимнинг эгари ҳам отнинг жабдуғи бўлади-да.

– Барча рицарлик ишларида биз сеньор дон Кихотни энг яхши ҳакам деб биламиз, – деди руҳоний, – шундай

экан, бунинг эшакнинг эгари ёки отники эканини у ҳал қилиб бериши керак.

– Худо ҳақи қасамёд этаманки, сеньорлар, – деди дон Кихот, – бу қалъада кўпгина ғаройиб ҳодисаларга дуч келдим, шунинг учун ҳам ростини айтсам, бу ерда содир бўлган ҳар қандай воқеа тўғрисида ҳукм юритишга менда журъат йўқ. Менимча, бу ердаги ҳамма воқеалар қандайдир сеҳргарлик натижасида содир бўлаётир. Мана бутун кечаси ҳам мен нақ икки соат қўлимда осилиб турдим, нега менинг бошимга бундай кулфат тушганини ўзим ҳам билолмай қолдим. Шундай экан, ҳакамликни ўз зиммамга олиш мен томонимдан енгилтаклик бўлур эди, ана шуни эътиборга олиб, бу вазифани сизларнинг ихтиёрингизга топшираман, сеньорлар. Эҳтимол, мендек рицарлик сафига ўтмаганингиз сабабли сеҳр кучи сизларга таъсир этмас, бинобарин, бу қалъада содир бўлаётган ҳодисаларни, менга туюлганидек эмас, асл ҳолида кўришга қодирсизлар.

– Сеньор дон Кихот, – деди руҳоний, – жуда тўғри айтяптилар: бу жумбоқни ечиш бизнинг ишимиз. Бироқ бизнинг ҳукмимиз қонуний бўлиши учун, мана бу сеньорлар фикрларини яширин билдирадилар, кўпчилик нима деганини эса кейин маълум қиламан.

Дон Кихотнинг ғалатилигини билганлар роса ҳузур қилишди, лекин уни энди кўриб турганларга бу манзара гоят аҳмоқона бўлиб туюлди. Қўноқхонага эндигина кириб келган уч сайёҳ (кўринишларидан улар кўпроқ ўқчи аскарларга ўхшашарди) худди шу фикрда эди. Сартарошлик жоми кўз олдидан Мамбриннинг дубулғасига айланиб қолганидан сартарош ҳаммадан кўп ҳаяжонда эди. Ўз эшагининг эгари ҳам ҳашамдор от эгарига айланиб қолишига унда шубҳа йўқ эди. Шунга қарамай, руҳонийнинг одамлардан уларнинг яширин фикрини қандай жиддийлик билан олаётганини кўриб ҳамма хахолаб юборди. Ҳозир бўлганларнинг ҳар қайсиси шунчалик тўполон чиқишига сабаб бўлган бу қимматбаҳо нарсанинг эгар ёки отнинг жабдуғи эканлигини руҳонийнинг қулоғига айтиши керак эди. Руҳоний дон Кихотни таниганларнинг ҳаммасидан

уларнинг фикрини билиб олгач, жабрланган сартарошга ниҳоят шундай деди:

– Сизга гапим битта, ҳурматли зот. Одамларнинг фикрини олиш жонимга тегди, кимдан сўрамай, ҳамма бирдек: жабдуқни, яна зотдор отнинг жабдуғини эшакнинг эгари дейиш бемаънилиқдир, деб жавоб берди. Шундай қилиб, сеньор сартарош, ўзингизга ёки эшагингизга қанчалик алам қилишидан қатъи назар, умум фикрига итоат этишга мажбурсиз; бу эшакнинг эгари эмас, отнинг жабдуғи вассалом, гап тамом.

– Агар ҳаммангиз, сеньорлар, янглишмаётган бўлсангиз, мен жаннат бетини кўрмай; агар бу эгар эмас жабдуқ бўлса, худо мени бандам демай қўяқолсин. Ахир, мен маст эмасман-ку, башарти бугун эрталаб шундай гуноҳ қилган қилган бўлсам-да, бироқ нонуштага ичмагандирман!

Сартарошнинг соддалигидан ҳамма қанчалик кулган бўлса, дон Кихотнинг:

– Шундай қилиб, энди ҳар ким ўзига тегишли нарсани олиши керак, – деб қилган телбалигидан ҳам шунча кулди.

Ўқчилардан бири шундай деди:

– Мен буларнинг ҳаммасини шунчаки ҳазил эканига аминман, кўринишидан анча ақлли бўлган кишиларнинг қаршимизда турган нарсаларни дубулға ҳамда отнинг жабдуғи деб жиддий айтишларига йўл қўйиб бўлмайди. Борди-ю, улар бизнинг ҳис-туйғуларимизга қарши ўлароқ, буларни дубулға билан отнинг жабдуғи десалар, унда бунинг тагида бир сир бор. Буларнинг сартарошлик жоми билан эшакнинг эгари эмаслигига тирноқча ишонсам, турган еримда тил тортмай ўлай!

Бошқа ўқчи шундай хитоб қилди:

– Бу эгар бўлмаса, отам боласи эмасман! Кимки бундай эмас деса, ўша ғирт маст.

– Эй, пасткаш муттаҳам, ёлғон гапиряпсиз, ёлғончилигингиз учун қаттиқ жазоланасиз! – деб хитоб қилди дон Кихот. У шундай деб, найзасини кўтариб, ўқчининг бошига шунақанги зарб билан туширдик, у ўзини

четга олиб қолмаганида турган жойида тил тортмай ўлган бўларди. Найза ерга қаттиқ урилганидан бўлак-бўлак бўлиб кетди. Шу орада ўз ўртоқларига нисбатан қилинган бу муомалани кўриб турган бошқа ўқчилар Санта Эрмандадга бўйсунитишни дон Кихотдан талаб қила бошладилар.

Қўноқхона хўжайини югуриб кириб темир калтаги билан қиличини олиб чиқди-да, ўқчиларнинг ёнидан жой олди, у ҳам Санта Эрмандад жамиятининг аъзоси эди. Сартарош кўтарилган тўс-тўполондан фойдаланиб эгарига ёпишди, иккинчи томондан Санчо унга ўзини отди, дон Кихот эса ўз қиличини яланғочлаб, ўқчиларга ташланди. Руҳоний қичқирар, бека додлар, унинг қизи чийиллар, Мариторнес йиғлар, Доротея ўзини йўқотиб қўйган эди. Сартарош Санчони, Санчо сартарошни дўппосларди; кабальеролардан бири унинг қўлини ушлашга журъат этган ўқчининг жафига шундай туширдик, ўқчининг оғзи қоп-қора қон бўлди. Бошқа бир кабальеро иккинчи ўқчини ерга қулатиб, газаби қайнаб, уни жон-жаҳди билан тепарди, хўжайин Санта Эрмандадни ёрдамга чақириб овозининг борича бақирарди; хуллас, бутун қўноқхона йиғи, қичқириқ, дод-фарёдга кўмилди; ҳамма ёқда паришонлик, тўс-тўполон, саросима ҳукмрон эди. Қиличларнинг жаранглаши, таёқларнинг тақиллаши эшитиларди, қон дарёдай оқарди. Тўс-тўполон авжига чиққан бир пайтда дон Кихот ўзини тўсатдан Аграманте қароргоҳидаги<sup>46</sup> рицарлар жанжали устидан чиқиб қолган ҳис қилди, шу боисдан бутун карвонсаройни бошига кўтариб овози борича қичқирди:

– Тўхтанглар! Қиличларингизни қинига солинглар! Тинчланинглар! Жонларингиздан умидларингиз бўлса, менга қулоқ солинглар!

Унинг тўсатдан янграган овозини эшитиб, ҳамма жим бўлди, дон Кихот сўзида давом этди:

– Бу қалъа сеҳрланган, унда беҳисоб иблислар жойлашиб олган, демабмидим сизларга, сеньорлар? Энди



бунга ўзларингиз ишонган бўлсаларингиз керак. Қаранглар! Аграманте қароргоҳида бўлиб ўтган машҳур жанжал жонланди бу ерда. Бунда биримиз қилич деб, иккинчимиз от, учинчимиз бургут, тўртинчимиз дубулғани деб жанг қиляпмиз. Жанг қиляпмиз-у, лекин нега ўзимизнинг ва бошқаларнинг қонини тўкаётганимизни ҳеч қайсимиз ҳам билмаймиз. Қон тўкиш бас қилинсин! Ўзаро тинчлик сулҳини тузамиз. Қодир худо ҳақи қасамёд этаманки, арзимаган баҳона билан бир-бировимизни ўлдириш биздек олижаноб унвонга эга бўлган зотлар учун бағоят уят.

Бироқ ўқчилар тинчланишни истамасди. Кабальеролар уларнинг роса таъзирини берганди, энди эса ўч олиш ўтида ёнардилар. Лекин муштлашиш пайтида соқоли юлиб олинган саргарош дон Кихотнинг чақиригидан хурсанд бўлиб кетди. Санчо олижаноб хизматкор сифатида ўз хўжайинининг биринчи сўзидаёқ итоат қилди. Фақат хўжайингина иккинчи марта бутун қўноқхонани остин-устин қилаётган ана шу жиннини жазолаш кераклигини талаб қилиб қичқирарди.

Ниҳоят, шовқин аста-секин пасая бошлади. Шу орада ўқчилардан бири дон Кихотни ҳибсга олиш тўғрисидаги буйруқ ёнида эканини эслади: Санто Эрмандад каторгачиларни қонунга хилоф разишда озод қилиб юборгани учун уни ҳибсга олиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Ўқчи буйруқни эсларкан, дон Кихотнинг белгиларини текшириб кўрмоқчи бўлди. У қўйнидан буйруқни олиб, унда кўрсатиб ўтилган белгиларни ҳижжалаб ўқиркан, дон Кихотга қараб-қараб қўярди. Ниҳоят, дон Кихотнинг қамоққа олиш ҳақида буйруқ берилган худди ўша одам эканига ишонч ҳосил қилгач, у қоғозни ўраб чап қўлига олди-да, ўнг қўли билан дон Кихотнинг ёқасидан ушлаганча, бор овози билан қичқира бошлади:

– Санта Эрмандадга итоат қил! Башарти кимки менинг Санта Эрмандад номидан иш тутаётганимга ишонмаса, мана бу буйруқни ўқисин: унда мана бу йўлтўсар қароқчини ушлашим зарурлиги ёзилган!

Рухоний буйруқни ўқиб чиқди-да, ўқчининг ҳақ гапираётганига қаноат ҳосил қилди, чунки буйруқда дон Кихотнинг барча белгилари тўла-тўқис, аниқ кўрсатилган эди; у фақат уҳ тортиб, ғамгин бош чайқаб қўйди. Қандайдир бир муттаҳам ўзини ҳақорат қилаётганини кўрган дон Кихот эса ғазабга келди-да, иккала қўли билан ўқчининг томоғидан ғиппа бўғиб олди. Агар ўртоқлари ёнини олмаганида-чи, шўрлик ўқчи балки дон Кихот бармоқларини ёзишидан олдин бўғилиб қолган бўларди. Зиммасида ўз биродарлик жамияти аъзосининг ёнини олиш мажбурияти бўлган хўжайин шу ондаёқ жабрдийдага ёрдамга ташланди. Эрининг тагин муштлашишга тушиб кетганини кўрган бека яна қичқира бошлади, қизи билан Мариторнес ҳам барча азиз-авлиёлардан кўмак сўраб, унга жўр бўлишди. Бу хангомаларни кўрган Санчо эса шундай деди:

– Э худо, бу қалъадаги турли сеҳргарликлар ва мўъжизалар тўғрисида хўжайиним айтган гаплар чиндан ҳам ҳақ бўлиб чиқди-ку: бу ерда бир соат ҳам вақтни осойишта ўтказиб бўлмайди!

Ниҳоят, тўпланганлар дон Кихот билан ўқчини ажратиб қўйишга муваффақ бўлдилар. Бироқ ўқчилар жиноятчини ўз ихтиёрларига топширишларини талаб қилишда жавоб этдилар, тоғ сўқмоқларида ҳамда қатнов йўлларида одамларни тунаётган қароқчининг оёқ-қўлини боғлашда ўзларига ёрдам беришларини Санта Эрмандад номидан талаб қила бошладилар. Уларнинг бу гапини эшитган дон Кихот эса нафрат аралаш кулиб қўйди-да, ниҳоят, осойишта овоз билан гапга тутинди:

– Эй ярамас ва пасткаш одамчалар, қани, менга яқинроқ келинглар-чи! Бечора бандаларнинг занжири-ни узиб ташлаб, тутқунларни озод қилаётган, бахтсизларга мадад бераётган, йиқилганларни оёққа турғазиб қўяётган, мазлумларнинг ёнини олаётган бир одамни йўлтўсар қароқчи дейишга журъат этяпсизларми ҳали? О, ифлос махлуқлар, само сизларни жаҳонгашта рицарликнинг улуғворлигидан тўғри бебаҳра этган, бунга сизлар чиндан ҳам муносиб эмассизлар! Сизлар нақа-

дар зўр гуноҳ ва гафлатга ботгансизлар-а! Жаҳонгашта рицарнинг ўзи у ёқда турсин, унинг соясига кўрпача солишларинг керак. Санта Эрмандад номи билан катта йўлларда босқинчилик қилаётган ўқчи-қароқчилар, қани, яқинроқ келинлар, хўш, айтинглар-чи, мени ушлаш ҳақидаги буйруққа имзо чеккан ўша нодоннинг номи нима? Жаҳонгашта рицарларнинг оддий судга берилмаслиги, уларнинг қонуни – қилич, уларнинг ҳукми жасорат, фармойишлари эса уларнинг шахсий иродаси эканлиги ҳали ўша жирканч қоқбошга маълум эмасми? Буюк жаҳонгашта рицарлик ишига бутун ҳаётини бағишлаш тўғрисида тантанали қасам ичиб, рицарликка ўтган бахтиёр кимсага, рицарлик номи берадигандай катта имтиёзларни бирорта дворянлик ёрлиғи беролмаслигидан наҳотки беҳабар бўлса у? Рицарлардан қайси бири солиқ, ўлпон тўлайди, қироличага туфли пули беради<sup>47</sup>, ер-мулкига жарима, дарёда сузгани ёки йўлда юрганига ҳақ тўлайди? Қайси қалъа эгаси кўрсатган меҳмондўстлиги учун ундан ҳақ олади, қайси қирол уни ўз дастурхонига ўтқазидан бош тортади? Қайси олижаноб қиз уни севмайди? Ва, ниҳоят, тўрт юз ўқчи билан учрашганда уларни таёқ билан тўрт юз марта туширишга журъати етмайдиган жаҳонгашта рицарь топиладими?

Дон Кихот гапираётганида руҳоний бу ишни ёпишга ўқчиларни ундамоқчи бўлди.

– Дон Кихотнинг ақли жойида эмаслигини наҳотки кўрмаётган бўлсангиз, – деди у. – Бечорани ушлаб олиб кетган тақдирингизда ҳам бари бир жиннилиги учун қўйиб юборасизлар.

Қўлида буйруғи бўлган ўқчи дон Кихотнинг жинни ёки жинни эмаслигини суриштириш унинг иши эмаслигини айтди. Мен бошлиқларимнинг буйруғини бажаришим керак, бошқа билан ишим йўқ, деди у.

– Шунда ҳам, – деб жавоб берди руҳоний, – сизлар уни қамоққа ололмайсизлар; менимча, унинг ўзи ҳам бунга йўл қўймаса керак.

Мунозара давом этаркан, бу орада дон Кихот ўзини шу қадар бемаъни тутдики, бечора идальгонинг жиннилигига ўқчилар ишонмаган тақдирларида уларнинг ўзлари дон Кихотдай эси паст бўлиб чиқардилар. Шунинг учун ҳам уни ўз ҳолига қўйиб, ҳатто сартарош билан Санчо Пансани яраштириб қўйишга тутиндилар.

Одил суд нозирлари ишни кўриб, чиқарган ҳукмлари тортишаётган томонларни тўла яраштириб қўймаган бўлса-да, ҳар ҳолда уларни қаноатлантирди: рақиблар эгарларини алмашдилар, лекин ҳар ким ўз айили билан юганини олиб қолди. Мамбриннинг дубулғасига келганда эса, шуни айтиш керакки, руҳоний сартарошга жоми учун дон Кихотдан яширинча саккиз реал берди, сартарош эса мени алдашди деб ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам умр бўйи шикоят қилмаслик мажбуриятини олиб, руҳонийга тилхат ёзиб берди.

Руҳонийнинг сартарошни тақдирлаганини хўжайин пайқамай қолмади. Фурсатни қўлдан бой бермаслик учун, дон Кихотдан тунагани, нобуд қилган мешлари билан винуни учун ҳақ тўлашни талаб қилиб туриб олди. У оладиган ҳақнинг сўнгги чақасигача тўланмагунича Росинантни ҳам, Санчонинг эшагини ҳам отхонадан чиқармаслигига қасам ича бошлади. Руҳоний хўжайиннинг кўрган ҳамма зарари учун унга дурустгина ҳақ тўлаб, буни ҳам тинчитди. Шундай қилиб, тинчлик тикланди, бу ерда ҳозир бўлганларнинг бари бунинг учун мурувватли ҳамда шакаргуфтор руҳонийдан миннатдор бўлиш керак, деган ягона хулосага келдилар.

Бу кўнгилсиз ишларнинг ҳаммаси бартараф қилинган, дон Кихот яна йўлга тушиш ҳамда зиммасидаги буюк жасоратни амалга ошириш вақти етди деган қарорга келди. Ана шунинг учун Доротеянинг олдида тиз чўкиб, шундай деди:

– Гўзал ва олинасаб сеньора! Тиришқоқлик – муваффақиятнинг онаси, дейилган бир ҳикматли мақол бор. Душман устидан қозониладиган ғалаба бутунича хужумкорлик ва тезкорликка боғлиқ бўлган ҳарбий иш юзасидан бу мақол, айниқса, ҳаққоний айтилган. Ким

душманининг ниятини олдиндан билиб, чора кўра олса, у жангда ғолиб чиқади. Эй, гўзал сеньора, бу гапни шунинг учун айтяпманки, фикримча, бундан буён бу қалъада қолишимиз фойдасиз ва ҳатто хавфлидир. Чунки Пандафиландо ёвузкўз ўзининг махфий айғоқчилари орқали менинг у билан жанг қилмоқчи бўлаётганимни билиб олиши мумкин; ана унда бу ёвуз дев ҳар қанча ҳаракатим ва толмас билагимнинг забардастлигига қарамай, эгаллашга қудратим етмайдиган қўрғонга яшириниб олади. Шунинг учун ҳам унинг макрли ниятларига қарши чора кўриб улгурайлик ва тезда йўлга тушайлик.

Дон Кихот гўзал маликанинг жавобини эътибор билан кутганча жим турарди. Доротея эса унга тақлидан шундай деди:

– Сеньор рицарь! Бошимга тушган катта мусибатни бартараф этишда менга мадад беришга тайёрлигингиздан миннатдорман. Умумий истагимизнинг амалга ошишида анбиёю авлиёлар ёр бўлсин. Ана ўшанда сиз олам олижаноб хотинлардан холи эмаслигини кўрасиз. Энди мен ҳаялламай йўлга тушишга тайёрман. Менинг инон-ихтиёрим сизда. Модомики тақдиримни сизга топширган эканман, ўткир ақллари ниманики амр этса, мен бунга эътироз билдиролмайман.

– Ҳозироқ йўлга тушамиз! – хитоб қилди дон Кихот. – Сабрсизлик мени йўлга шошироқда, чунки сусткашлик – бу ҳалокат келтиради, деб бекорга айтилмаган. Санчо! Росинантни эгарла, ўз эшагинг билан қироличанинг тулпорини юганла, қалъа эгалари билан хайрлашиб, мақсад сари интиламиз!

Санчо бош чайқаб қўйиб, гапга тутинди:

– Содиқ хизматчингиз ва яроқбардорингиз сифатида айтишга мажбур бўлган гапимни айтсам ранжимагайсиз, муҳтарам жаноблари.

– Тезроқ гапир, нима демоқчисан? – деб жавоб берди рицарь бу жумбоқли сўзлардан хавотирланиб.

– Муҳтарам жаноблари, ўзини Микомикон давлатининг қироличаси қилиб кўрсатаётган бу сеньоранинг менинг марҳум онам қандай қиролича бўлса шундай

қиролича эканини таг-томири билан яхши билиб олдим. Буні қаранг-а, марҳаматли жаноблари, шу ерлик кабальеролардан бири унинг кўнглини топмоқчи бўлиб уринса, сеньоранинг ўзи ҳам унга илтифот кўрсатаяпти. Биз тунлари ухламай, кунларни бугунгидай тўполонли ўтказиб йўл босиб, манзил ошиб юрганнимизда, ана шу йигитча унга уйланиб, девдан тортиб олганларимизни ўзиники қилиб олиб, яна бизнинг устимиздан кулиб юрмасайди, деб қўрқаман! Шундай бўлгандан кейин, Росинантни юганлаб, эшакни эгарлашга шошилиб нима қиламан, яхшиси, жойимиздан жилмаганимиз маъқул, ташвишини бошқалар тортаверсин, биз бўлсак шундоқ ҳам оч қолмасмиз.

Яроқбардорнинг шармандали гапини эшитиб дон Кихот қаттиқ ғазабланди, қошлари чимирилиб, кўзларида ўт чақнаб кетди, жаҳл билан хитоб қилди:

– Эй, ярамас, пасткаш одам! Эй нодон оғзи бузуқ! Қорангни ўчир бу ердан! Қироллар зотига мансуб одамнинг муборак исмини булғамоқчи бўлган ёвуз, турган-битгани ёлғон, бемаза, жирканч ифвогар, туҳматчи! Қани, йўқол кўзимдан, ғазабимга дучор бўла кўрма!

Санчо Панса дон Кихотнинг қаҳр-ғазабидан шу қадар қўрқиб кетган эдики, ер ёрилса, кириб кетишга тайёр эди. У ўзини оқлашга журъат ҳам қилмай, хўжайинининг кўзидан яширинишга шошилди.

Бироқ Доротея дон Кихотнинг феълани яхши билгани учун рицаримизни тезда тинчита олди.

– Сеньор Ғамгин Қиёфа рицарь! Бемаъни гаплари учун яроқбардорингиздан аччиқланиб ўтирманг! Санчонинг соғлом ақли ва пок виждони унинг туҳмат қилганига шубҳаланишга йўл қўймайди. У ҳозир гапираётган гап жодугарларнинг сеҳри таъсирида кўзига ҳақиқатан ҳам шундай кўринган бўлса керак. Лекин бунинг шайтон васвасасидан бошқа нарса эмаслиги ўз-ўзидан тушунарли. Бу қалъада ҳамма нарса сеҳр-гарларнинг найранглари туфайли содир бўлади, деб сиз ўзингиз айтдингиз-ку, ахир, сеньор рицарь.

– Қодир худо ҳақи қасам ичаманки, – деб хитоб қилди дон Кихот, – ҳазрати олиялари жуда ҳақ гапни айтдилар! Ҳа, албатта, бу гуноҳкор Санчо ёвуз сеҳргар томонидан алданиб, жин урмай туриб кўриб бўлмайдиган шунақа нарсалар кўринган кўзига, бу шўринг қурғурнинг алдаш нималигини билмайдиган ҳалол ва бегуноҳ одамлигини мен биламан-ку, ахир.

Шундан кейин дон Кихот ўз яроқбардорининг гуноҳини кечиражагини айтди. Руҳоний Санчони чақирди. Санчо бўйнини эгганча ўз хўжайинига яқинлашди-да, унинг олдида тиз чўкиб, қўлини ўпишга изн сўради. Дон Кихот Санчонинг илтимосини қондиргач, насиҳатомуз шундай деди:

– Хўш, бўтам Санчо, ишонаманки, мен сенга бу қалъада ҳамма нарса сеҳрлаб кўйилган деб таъкидлаганимда, ҳақ гапни айтганлигимга энди тушунгандирсан!

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – деб жавоб берди Санчо, – чойшабда бардор-бардор қилиб осмонга улоқтиришдан бошқа ҳамма нарса сеҳрланган бу ерда. Сиз қандай изоҳласангиз ҳам, бу кўнгилсиз воқеа мутлақо табиий йўсинда рўй берганди.

Дон Кихот яроқбардорини бари бир ўз фикридан қайтаролмаслигини кўргач, унинг бу сўзларига ҳеч қандай эътироз билдирмади.

### ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

#### **ЛАМАНЧЛИК ДОН КИХОТНИНГ ҒАЛАТИ УСУЛ БИЛАН СЕҲРЛАНГАНИ**

Дон Кихот ўз ҳамроҳлари билан қўноқхонага келганининг иккинчи куни эди. Руҳоний билан сартарош йўлга чиқиш тўғрисида бош қотира бошлади. Дўстларимиз Доротеяни энди яна безовта қилиб ўтирмаслик ниятида ўз кучлари билан кифояланмоқчи бўлдилар. Иккита хўкиз қўшилган аравани ёллашди, кейин ичига бир одам бемалол сиға оладиган ҳажмда тахтадан қафас ясашни буюришди. Руҳонийнинг илтимоси

билан кабалъеро, ўқчилар ва ниҳоят, хўжайиннинг ўзи дон Кихотни ана шу қафасга солишда руҳоний билан сартарошга кўмаклашишга киришишди. Улар рицарь таниб қолмаслиги учун ниқоб қилиб олиб, дон Кихотнинг хонасига киришди. Ўтган кечадаги тўс-тўполондан чарчаган дон Кихот қаттиқ ухлаб ётарди. Хонага кирганлар эҳтиёткорлик билан унинг олдига бориб, бирдан ушлаб олишди-да, оёқ-қўлини боғлашди. Бу шу қадар тез бажарилдики, рицаримиз ширин уйқудан уйғонганда, қимирлашга ҳам ҳоли йўқ эди. Унинг пароканда хаёлида бу ниқоб кийган одамлар шу ондаёқ шарпа бўлиб туюлди, ўзини эса уларга мафтун бўлиб гангиб қолган кишидай сизди, чунки на қимирлай олар, на ўзини ҳимоя қила олар эди. Хуллас, ҳамма иш руҳонийнинг режасидай бўлиб чиқди. Тўғри, бу кийимини ўзгартириб олган одамларни Санчо дарҳол таниди. Бироқ бу воқеа нима билан тамом бўлишини кутиб, оғиз очишга журъат этолмади. Бу ғалати саргузаштнинг пироварди қандай тугагини кўриш ниятида дон Кихот ҳам индамасди. Кўп кутишга тўғри келмади. Сирли нотанишлар қафасни келтиришди-да, унинг ичига шўрлик рицарни солишгач, тахталарни шундай қаттиқ михлаб қўйишдики, уни бузиш учун ҳар қанча уринилганда ҳам фойдасиз бўларди.

Шундан кейин қафасни ҳовлига елкаларида кўтариб олиб чиқишди. Шу пайтда уста Николас даҳшатли овоз билан қичқириб юборди:

– О, Ғамгин Қиёфа рицарь, асирга тушдим деб ўпкаланма. Мардлигинга ишониб интилаётган зафаринг тезроқ тугалланиши учун шундай қилиш керак. Зафаринг эса Тобосонинг қордай оппоқ каптари билан қаҳрли Ламанч шери қовушиб, уларнинг мағрур бўйинлари никоҳнинг лаззатли юклари остида эгилгандагина тугалланади. Ана шу ажойиб қўшилиш натижасида илоҳий жасур шербаччалар дунёга келади. Шербаччаларнинг тирноқлари шавкатли оталарининг тирноқларидай ўтқир бўлади. Бу нарса қуёш яна бир карра жамол кўрсатишидан аввалроқ содир бўлади.



Бир вақтлар белида қиличи, иягида соқоли, бурнида ис билиш қобилияти бўлган яроқбардорларнинг энг олижаноби, энг итоатлиси бўлган Санчо, сен эса, жаҳонгашта рицарларнинг энг сарасини кўз олдинда шундай аҳволда олиб кетишаётганини кўриб кўрқиб, хафа бўлиб ўтирма! Чунки – агар парвардигори олам лозим кўрса – саховатли хўжайинингнинг сенга берган ваъдаси тезда амалга ошади, сен эса шу қадар юксак ва обрўли мартабага эришиб, ўзингга ўзинг ҳайратда қоласан. Бундан ташқари, доно Ментирониана\* тегишли маошингнинг ҳаммасини тугал олишингни сенга айтиб қўйишни менга топширди. Шунинг учун сеҳрланган шавкатли рицарингнинг изидан юравер, чунки манзилга етгунча бирга бўлишингиз керак. Доно Ментирониананинг истаги шундай бўлгани учун бошқа ҳеч нарса деёлмайман. Хўп хайр, ташвишланма, худо ёр бўлсин, мен бўлсам маликамнинг ҳузурига жўнайман.

Сартарош ўзининг авлиёнамо гапларини баланд товуш билан тугатаркан, охирида шу қадар майин пичирлашга ўтдики, ҳатто ана шу ҳазилдан хабардор бўлганларнинг ўзлари ҳам гўё авлиёнинг аста-секин аллақасёққа олислаб кетаётганига ишонишга тайёр эдилар.

Дон Кихот бу гапларни эшитиб юпанди, чунки башорат билан айтилган сўзларнинг мазмуни унга мутлақо равшан эди. Бу башоратга мувофиқ у маъшуқаси Дульсинея Тобосскаяга муқаддас ва қонуний никоҳ ишлари билан қўшилажагини, улар шербачча ўғиллар кўражакларини, ана шу шербаччалар эса Ламанчни абадул абад улугълаяжакларини фаҳмлаганди. Шунинг учун чуқур нафас олиб деди:

– Эй менинг мададкорим, ким бўлишингдан қатъи назар, сенга бир зорим бор, мени олиб кетишаётган зиндонда озиб-тўзиб кетишимга йўл қўймаслигини донишманд сеҳргар-ҳомиямдан илтимос қил! Энг аввало, мен ҳозир эшитган беқиёс ва қувончли ваъдалар амалга ошсин! Ана ўшанда мен асирликда чеккан ҳамма қийинчиликларимни роҳат, ўзим боғланган занжирни

\* Ментирониана (mentira – «ёлғон» сўзидан олинган) – испанчасига «ёлғончи» дегани.

эрмак деб биламан; мен ётган тахталар эса менга зиндоннинг поли эмас, балки юмшоқ тўшак бўлиб туюлади. Яроқбардорим Санчо Пансани юпатганинг учун ҳам сенга ташаккур айтаман. Ишонаманки, у ўзининг олижаноблиги ва ростгўйлиги билан қувончли дамларда ҳам, қайғули пайтларда ҳам мени ташлаб кетмайди, борди-ю, аччиқ қисмат туфайли мен унга орол совға қилиш ёки уни губернаторликка ўтказиш юзасидан берган ваъданинг устидан чиқмаган тақдиримда ҳам бари бир маоши тураверади. Ўз васиятимда, мен, афсуски, унинг улўф хизматларига қараб эмас, ўзимнинг кам маблағимга қараб унга мукофот белгилаганман.

Санчо Панса дон Кихот олдидан зўр эҳтиром билан таъзим қилди-да, унинг иккала қўлини ўпди. Дарвоқе, у хоҳлаган тақдирида ҳам бари бир бир қўлини ўпа олмас эди, чунки иккала қўли битта қилиб боғлаб қўйилган эди.

Шундан кейин шарпалар қафасни ҳўкизлар қўшилган аравага қўйишди. Дон Кихот аравага чиқарилиши биланоқ хитоб қилди:

– Мен жаҳонгашта рицарлар ҳақида жуда кўп ажойиб саргузаштларни ўқиганман-у, лекин сеҳрланган рицарларни лапашанг, бесўнақай ҳўкизлар қўшилган араваларда олиб кетишганини ҳеч қачон ўқимаганман ҳам, кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам. Одатда, сеҳргарлар уларни икки филдиракли оташ араваларда ёки учар аждаҳоларда учириб олиб кетишади. Лекин ҳўкиз қўшилган аравада олиб юриш, худо ҳақи, бу қулоқ эшитмаган нарса! Бунга ажабланса бўлади. Балки ҳозирги сеҳргарлар ўзларидан илгари ўтганларга қараганда бошқача йўл тутишар, эҳтимол, жаҳонгашта рицарларнинг унутилиб юборилган ишларини қайтадан рўёбга чиқарганим учун менга нисбатан сеҳрлаш ва ўғирлаб кетишнинг янги усуллари кашф этилгандир. Сен бунга нима дейсан, бўтам Санчо?

– Мен бу ҳақда нима дейишни ҳам билмай қолдим, сеньор, – деб жавоб берди Санчо. – Ахир, мен рицарлик китобларини ўқимаганман, рицарлик ишларини сиз

муҳтарам жанобларичалик билмайман. Лекин шунга қарамай, ёнимизда айланиб юрган шарпалар жуда ёмон католиклар эканига қасам ичардим.

– Католиклар! – хитоб қилди дон Кихот. – Улар қандай қилиб католик бўлишсин, азизим! Ахир булар бошимга шу савдони солиш учун ёлғондакам гавдага айланган иблислар-ку! Гапимнинг ростлигига ишонмоқчи бўлсанг, уларни ушлаб, тегиб кўргин, танлари ҳаводан эканлигини билиб оласан.

– Муҳтарам жаноблари, янглишаётганингизни айтишга ижозат беринг: бу иблисларнинг таналарини аллақачон ушлаб кўрганман. Ҳаводан эмас, ростакам тана. Мана бу ўнг томонда юрган шарпага қаранг, унинг танаси аллақандай атоқли ва бадавлат кабалъеронинг танасидай силлиқ ва нозик, ўзидан ҳам роҳати-жон анбар гуркираб турибди. Эшитишимга қараганда, шайтонлардан нуқул олтингугурт иси келармиш.

– Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, дўстим Санчо, – деб жавоб берди дон Кихот, – шуни билиб қўйгилки, иблислардан ҳеч нарсанинг ҳиди келмайди, чунки улар руҳдан иборат. Лекин дўзахнинг жуда ёмон қўланса ҳиди ҳамма ерда улар билан бирга бўлади. Агар бурнингга ўша иблисдан анбар ҳиди анқиётгандек туюлган бўлса, унда сен ё янглишяпсан, ёки у ўзининг иблис эканини сен пайқаб қолмаслигинг учун анбар пуркаб олган.

Рицарь билан яроқбардор ўртасида ана шу суҳбат давом этар экан, руҳоний билан сартарош «найрангларимизни Санчо фош қилиб қўймасин тагин» деган хавфда тезроқ йўлга тушишга қарор қилишди. Хўжайинни бир чеккага чақириб олиб, унга иложи борича тезроқ Росинантни эгарлаш ва Санчонинг эшагини юганлаш ҳақида буйруқ беришди. Кейин руҳоний ўқчиларга яхши мукофот ваъда қилиб, уларни сеҳрланган асирни қишлоғигача кузатиб қўйишга кўндирди. Уста Николас Росинантнинг эгари қошига бир томондан қалқонни, иккинчи томондан сартарошлик жомини илиб қўйди-да, Санчога имо-ишора билан эшагига миниб, Росинантни етаклаб олишни буюрди. Ўқчи-

лар араванинг икки томонида туриб олишди. Ана шу ҳозирлик ишлари тугаб, йўлга тушиш олдидан бека қизи ва Мариторнесни эргаштириб, ўзларини гўё дон Кихотнинг бошига тушган кулфатдан йиғлагудай хафа бўлган кишилардай кўрсатиб, у билан хайрлашгани чиқишди. Буни кўриб дон Кихот сўз қотди:

– Олижаноб ва раҳмдил хонимлар, менга қайғурманглар! Ҳақиқатга хизмат қилган кишининг бошига бундай мусибатлар тушаверади. Агар бошимга қора кунлар тушмаганида эди, унда мен ўзимни машҳур жаҳонгашта рицарь ҳисобламаган бўлардим. Зероки, ҳеч нарса билан донг таратмаган рицарлар ҳеч қачон бунақанги фалокатларга йўлиқмайдилар, негаки, дунёда ҳеч ким уларни эсга олмайди. Бироқ шавкатли рицарлар ҳамиша оғир синовларга дуч келадилар, чунки ёвуз рақиблар бундай рицарларнинг марддиги ва жасоратига ҳасад билан қараб, уларни ҳар қандай йўллар билан йўқотмоққа ҳаракат қиладилар. Лекин эзгулик шу қадар қудратли нарсаки, у энг ўткир сеҳргар Зороастр<sup>48</sup> эга бўлган сеҳргарлик ақли билан қасдма-қасдликка синовларда голиб чиқади ҳамда қуёшнинг шуъласи осмонда қандай порласа, унинг шуъласи ерда ҳам шундай порлайверади. Агар мен сизларни бирор нарса билан ранжитган ёки хафа қилган бўлсам кечиринглар, гўзал хонимлар! Агар шундай бўлган бўлса, унда менинг ихтиёрим билан бўлмаганига ишонаверинг, чунки мен ҳеч қачон ҳеч кимни қасддан ва атайин хафа қилмаганман. Яна озодликка чиққанимдан кейин энг аввало бу қалъада менга кўрсатган жуда кўп марҳаматларингизни унутмаганимни сизларга исботлаш учун шошиламан ҳамда миннатдорчилик билдириб, ўзимнинг садоқатли хизматим ила сизларни тақдирлайман.

Дон Кихот қалъа эгалари билан хайрлашаётганда руҳоний ва сартарош ўз хачирларига минишди. Йўлга тушиши тартиби шундай бўлди: олдинда арава; уни эгаси деҳқон ҳайдаб кетди, араванинг икки томонида эса, аввал айтганимиздек, мушкет кўтариб олган ўқчилар жўнашди, уларнинг кетидан Росинантни етаклаб эшакда Санчо Панса, энг орқада эса ўз

хачирларида руҳоний билан сартарош боришарди. Улар яна дон Кихот таниб қолмасин деб, чўчиганларидан ниқобларини ечишмаган эди. Қўллари боғланган рицарь қафасда панжарага суяниб, оёқларини узатганча чидам билан индамай борар экан, жонли одамдан кўра кўпроқ тош ҳайкални эслатарди. Улар аста-секин, жимгина икки тошга яқин йўл босиб, ниҳоят, қўм-қўк майсалар билан қопланган водийга етиб боришди. Шу ерга келганларида аравакаш тўхтаб, ҳўкизларни ўтлатиб олиш кераклигини айтди. Бироқ сартарош сал нарироққа боришни таклиф қилди, унинг сўзига қараганда бундан серўтроқ бошқа бир водийга яқин қолган эди, ҳамма сартарошнинг таклифига рози бўлиб, йўлларида давом этишди.

Шу пайт руҳоний қайрилиб қараб, узоқда бир неча башанг кийинган отлиқлар келаётганини кўрди. Улар бақувват йўрға хачирларга миниб олишгани учун йўловчиларимизга тез яқинлаб келишарди. Кейин маълум бўлишича, булар съестада<sup>49</sup> олдин карвонсаройга етиб олиш учун шошилаётган толедолик каноник билан унинг хизматкорлари экан. Бу ғалати сафга етиб олиб, аравани, ўқчиларни, Санчо, Росинант, руҳоний, сартарошни, ниҳоят, қўллари боғланиб қафасга ташланган дон Кихотни кўрган толедолик каноник (гарчанд ҳасса билан мушкет кўтариб олган ўқчиларни кўриб, бу асир Санта Эрмандад жазоламоқчи бўлган хавфли қароқчи ёки бошқа бирорта жиноятчи эканини ўзи пайқаган бўлса-да) нега бу одамни ғалати усул билан олиб кетишаётганини сўради.

Каноникнинг саволига ўқчилардан бири шундай жавоб берди:

– Сеньор, бу рицарни нега қафасга ташлашганидан бизнинг хабаримиз йўқ, яхшиси, буни сизга унинг ўзи тушунтириб бера қолсин.

Уларнинг гапини эшитган дон Кихот шундай деди:

– Сеньорлар, сизлар жаҳонгашта рицарлар ишидан яхши хабардормисизлар? Агар хабардор бўлсанглар, унда ўз мусибатли саргузаштларимдан сўзлаб бераман,

хабардор бўлмасанглар, унда сизлар билан гапиришиб ўтиришнинг фойдаси йўқ.

Шу пайт руҳоний билан сартарош уларнинг ламанчлик дон Кихот билан суҳбатга тушиб кетишганини кўриб, ўзларининг ҳийла-найранглари очилиб қолишидан кўрқиб яқинроқ келишди.

Дон Кихотнинг саволига каноник шундай жавоб берди:

– Ростини айтсам, бўтам, диний ақидалардан кўра рицарлик романларини кўпроқ ўқиганман, шундай бўлгач, агар ҳамма иш шунга боғлиқ бўлса, асло хавфсираб ўтирмай, истаган нарсангизни менга гапириб бераверишингиз мумкин.

– Ундай бўлса, – деди дон Кихот, – ҳасадгўй ва хиёнаткор афсунгарлар томонидан сеҳрланган мендек бир кимсани ана шу қафасда олиб кетаётганларини билиб қўйинг, сеньор рицарь. Негаки, ёвузларнинг ҳимматлиларга нисбатан қиладиган таъқиби, олижаноб кишиларнинг уларга нисбатан бўлган севгисидан кучли туради. Мен ҳасадга нисбатан қасдма-қасдлик билан ўз номини мангулик қасрига ёзиш қисматига эга бўлган жаҳонгашта рицарлар сафиданман, токи бундан келгуси авлодлар ибрат олсинлар ҳамда барча жаҳонгашта рицарлар буюк шуҳрат ва ҳурматга эришиш учун қайси йўлдан боришларини билиб қўйсинлар.

Шу пайт руҳоний гапга аралашди:

– Сеньор дон Кихот бор ҳақиқатни гапиряпти. У ўз гуноҳлари ва жинойтлари учун эмас, балки эзгуликни жуда ёмон кўрадиган, шон-шавкатни кўролмайдиган афсунгарларнинг ёвуз макрлари туфайли мана шу қафасга сеҳрлаб қамаб қўйилган. Қаршингизда Ғамгин Қиёфа рицарь турибди, сеньор. Унинг ҳақида эшитгандирсиз, албатта. Унинг олқишга лойиқ хизматлари ва жасоратлари, ҳасадни емиришга, адоватни хиралаштиришга қанчалик уринмасин, бари бир бронза ҳамда мангу эсдалик мармар тошига битилажак.

Каноник асир билан унинг ҳамроҳи қай тариқа гап-лашаётганини эшитгач, ҳайратидан чўқиниб олишига сал қолди. Ҳа, унинг мулозимлари ҳам нима гаплигига

тушунолмай, ҳаммалари анграйиб қолишди. Лекин гап нима ҳақда бораётганини эшитган Санчо Панса, сирни фош қилмоқчи бўлиб дадиллик билан сўзга аралашди.

– Сеньорлар, мени истаганларингча сўксанглар ҳам, мақтасаларинг ҳам, – деди у, – лекин энди индамай туролмайман. Онам қанчалик сеҳрланган бўлса, хўжайиним дон Кихот ҳам шунчалик сеҳрланган. Унинг ақли жойида; у ҳам бошқалар сингари, худди уни қафасга солишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган кечаги кундагидай ебичиб, истаганини бажо келтириб юрибди. Шундай бўлгандан кейин унинг сеҳрлаб қўйилганига мени ишонтира олармидингизлар? Менга сеҳрланганлар емайди, ичмайди, гапирмайди ҳам дейишарди ҳамиша, менинг хўжайиним эса, агар уни тўхтатмасангиз, ўтгиздан ортиқ стрепчийдан\* ҳам кўп гапирган бўларди.

У шундай деб руҳонийга мурожаат қилди:

– Эҳ, сеньор руҳоний, сеньор руҳоний, наҳотки мени ўзингизни танимаяпти деб ўйласангиз? Наҳотки сизнингча бу янги сеҳргарликларнинг ҳаммаси нимага бориб тақалишини билиб, сезиб олмаган бўлсам? Қанчалик муғамбирлик қилманг, бари бир ҳамма найрангларингизнинг учини топиб олдим. Ҳа, қаерда ҳасад ҳукмрон бўлса, ўша ерда ҳимматга ўрин йўқ, сахийлик билан хасислик ўртасида мурса бўлмайди. Жин урсин барини! Агар сиздек тақсирим учраб қолмаганларида, хўжайиним малика Микомиконга аллақачон уйланган бўларди, мен ҳам ҳозир камида граф бўлиб олардим. Одамлар: тақдир гилдираги тегирмон тошидан тез айланади, деб тўғри айтишаркан, мен буни энди тушуниб турибман: кеча арши аълода юрган одам бутун жаҳаннамда ётибди, дейишади. Мен ўзимдан кўра рафиқам билан болаларим учун кўпроқ хафаман. Улар ўз оталари уйга бирорта оролнинг губернатори ёки вице қироли бўлиб қайтишига ҳақли равишда ишонишлари мумкин эди, бунинг ўрнига энди уйдан қандай чиқиб кетган бўлса, шундай қуруқ қайтади. Сеньор руҳоний, мен бу

---

\* Стрепчий – Москва Русида рўзгор ишларини олиб борувчи сарой ходими.

гапларни виждонингизни уйғотиш ҳамда хўжайиним шаънига қилаётган аҳмоқона муомалангиздан пушаймон бўлишингиз учун айтаяпман. Эҳтиёт бўлинг! Сеньор дон Кихотни қафасга солиб, уни эзгу ишлар қилишдан ҳамда муҳтожларга қўмаклашишдан маҳрум этганингиз учун яна у дунёда парвардигор сизни жазога тортиб юрмасин.

– Роса одамга ишонган эканмиз-ку, – деди бунга жавобан сартарош. – Демак, сиз ҳам ўз хўжайинингиз билан бир гўр экансиз-да, Санчо? Худо ҳақи, сизни ҳам қафасга солсакмикан деган гап келяпти хаёлимга. Афтидан, дон Кихотнинг рицарлик алаҳдашлари сизга ҳам юққан, сиз ҳам унга ўхшаб сеҳрлангандек кўринасиз. Унинг ваъдаларига беҳуда ишониб, ўзингизга ноёб туюлган оролни деб, бошингизни қотириб юрибсиз.

– Хўш, орол нимага ёмон бўлар экан? – эътироз билдирди Санчо. – Дунёда ҳар қандай оролдан ҳам ёмонроқ нарсалар бор. Ҳар қайсимизнинг ўзимизга яраша ташвишимиз бор. Ахир, мен одамман-ку, шундай бўлганидан кейин, фақат оролнинг губернаторигина эмас, ҳатто папанинг ўзи бўлишим, хўжайиним эса биттагина эмас, балки ҳаммага тортиқ қилинганда ҳам, ортиб қоладиган даражада кўп оролни босиб олиши мумкин. Сеньор сартарош, сиз яхшиси, аввал ўйлаб, кейин сўйланг, бу сизга соқол олиш эмас, бу ерда мураккаб нарса ҳақида гап боряпти. Очигини айтсам, биз ҳаммамиз бир-бировимизни таниймиз, шундай бўлганидан кейин менинг кўзимни бўяшнинг ҳожати йўқ. Гўё сеҳргарлар менинг хўжайинимни сеҳрлаб қўйишган эмиш – бу ҳақда яхшиси гапирмай қўя қолайлик. Ким ҳақ, ким ноҳақ, бунинг ҳаммаси парвардигорнинг ўзига аён.

Сартарош Санчонинг соддалик қилиб тагин сирларини очиб қўйишидан хавфсираб, унга ҳеч нарса демади. Руҳоний эса каноникка қафас ҳақидаги сир ва бошқа ғалати нарсалар тўғрисида ҳикоя қилиб беражагини айтиб, уни ўзи билан сал олдинроққа ўтишга таклиф қилди. Каноник рози бўлди, улар аравадан сал олдинроққа ўтиб кетишгандан кейин руҳоний унга дон



Кихотнинг жинни бўлиб қолганини, уни қишлоғига олиб бориб, дори-дармон билан тузатиш ниятида тоғдаги дарадан қандай қийинчилик билан олиб чиқишни ҳамда қафасга солишга муваффақ бўлишганини сўзлаб берди. Каноник руҳонийнинг сўзларини зўр эътибор билан тинглади, руҳоний сўзини тугатгандан кейин эса, шундай деди:

– Гапнинг чини, рицарлик романлари сингари бўлмағур уйдирмаларга қандай қилиб қизиқиб қолиш мумкинлигини мен асло тушунолмайман. Ахир, орзу ҳақиқатга яқин, амалга ошиши мумкин бўлган тақдирдагина яхши орзу ҳисобланади. Уйдирма саргузаштларни шундай ёзиш керакки, улар мумкин бўлмайдиган нарсаларни сал эви билан ҳамда ҳар қандай лофларни силлиқлаштириб бериб, бизни ҳаяжонлантирсин ва қувонч бахш этсин. Рицарлик романларининг муаллифлари эса, худди атайлаб қилгандай, бунинг аксича иш тутишади: бир-бирларини бўлмағур гаплар ва даҳшатли уйдирмалар билан тўлдириб юборадилар, ҳақиқатни бузиб кўрсатадилар, унга яқин ҳар қандай нарсани йўққа чиқарадилар. Улар асардаги қисмларнинг ҳажм жиҳатидан баробар бўлиши, ҳикояларнинг бир-бири билан изчил боғланган ва бир бутун бўлиши ҳақида сира қайғурмайдилар, натижада ажойиб санъат асарларини эмас, балки қандайдир мудҳиш ва қўрқинчли хом хаёлларни тўқиб чиқарадилар. Бунинг устига улар ғоятда ғализ услубда, барча фанлар борасида ниҳоятда жоҳиллик билан, шунингдек, дид жиҳатдан қўпол тарзда ёзадилар. Шунинг учун мен рицарлик романаари жамоатчиликка зарарли таъсир кўрсатади, бинобарин, ана шу асарларнинг муаллифлари насроний давлатидан қувғин қилишга лойиқ кимсалардир, деб ҳисоблайман.

Руҳоний каноникнинг фикрига тўла қўшилди. Сўнгра у каноникка дон Кихотнинг китоблари қандай ёндириб юборилганини айтиб, уларни қандай қилиб синчиклаб кўздан кечириб чиққанини, қайсиларини олиб қолганини сўзлаб берди.

Каноник бундан роса маза қилиб кулди. Лекин рицарлик романлари ичида ҳам қадрлашга арзийдиган

баъзи нарсалар борлигини укдириб ўтди. Бу ўша асарларнинг мазмунидир, мазмун эса ёзувчи тасаввури учун кенг йўл очиб беради. Ёзувчи жанглари, кема ҳалокатларини, бўронларни, саёҳатларни тасвирлай олади; турли воқеаларни, хилма-хил табақа ва касбдаги кишиларнинг учрашувларини тасвирлаб бера олади; астроном, географ, физик, муסיқачи олимларнинг ролида чиқа олади. Агар буларнинг ҳаммаси яхши ўйлаб тўқилса ва ёқимли услубда ҳикоя қилиб берилса, унда ёзувчи чиндан ҳам ҳақиқий санъат асари ярата олади. Руҳоний ўзининг ҳурматли ҳамкасабасининг бу фикрларига қўшилди ҳамда улар ўртасида адабиёт ҳақида мароқли суҳбат бошланиб кетди. Худди шу вақт уларни қувиб етган сартарош бундай деди:

– Сеньор лицензиат, мен боя сизга айтган водий – мана шу. Бу ер овқатланиб, дам олиш учун қулай, хўкизларга ҳам кўк ўт сероб.

– Жуда соз, – деб жавоб берди руҳоний. – Бўлмаса шу ерда ҳордиқ чиқара қоламиз.

### *ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ*

#### **САНЧО ПАНСА БИЛАН УНИНГ ХЎЖАЙИНИ ЎРТАСИДАГИ ОҚИЛОНА СУҲБАТ, ШУНИНГДЕК, ДОН КИХОТНИНГ КАНОНИК БИЛАН ҒОЯТ ОҚИЛОНА БАҲСИ**

Руҳоний ва сартарошнинг каноник билан гапга киришиб кетганликларидан ҳамда улар дон Кихотни назоратсиз қолдирганликларидан фойдаланиб, Санчо ўз хўжайини ўтирган қафас ёнига келди-да, шундай деди:

– Сеньор, ўз виждонимни қийнамаслик учун сизни қандай сеҳрлаб қўйишгани ҳақида бор ҳақиқатни маълум қилишим керак. Бизни кузатиб бораётган икки ниқобли киши ҳамқишлоғимиз руҳоний билан сартарош уста Николасдан бошқа ҳеч ким эмас. Менимча, ҳасадлари келиб-кетганлиги туфайли улар сизни ушлаб қафасга солганлар. Ўз жасоратларингиз

билан сиз улардан устун чиққанингизни энди кўриб туришибди. Борди-ю, шундай бўлса, унда сиз умуман сеҳрланмагансиз, балки шунчаки панд еб, аҳмоқ қилингансиз деган маъно чиқади. Буни исботлаш учун сизга бир савол беришга рухсат этинг. Агар саволимга кутганимдай жавоб қайтарсангиз, унда сира сеҳрланмаган, балки ақлдан озганлигингизга тажрибада ишонч ҳосил қиласиз.

– Истаган нарсангни сўрайвер, бўтам Санчо, – деб жавоб берди дон Кихот. – Саволларингга очиқчасига ва аниқ жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан. Илло, борди-ю, биз билан кетаётган мана бу махлуқларни ҳам қишлоқдаги эски танишларимиз – руҳоний билан сартарош деб ўйласанг, унда катта хато қиласан. Чунки улар мени жодулаган сеҳргар бўлгани сабабли сенга эски дўстларимиз бўлиб кўриниш учун уларнинг қиёфасига киришган. Улар сени чалғитиш ва менинг кимнинг қўлида эканимни англаб олишимга халал бериш ниятида дўстларимизнинг қиёфасига кириб олишган. Ҳа, айтгандай, руҳоний, уста Николас ҳақида нималар деб вайсасанг, менга бари бир. Мени асир олиб, қафасга солиш асло оддий одамларнинг эмас, балки сеҳргарларнинг қўлидангина келиши мумкинлигига қаттиқ ишонаман. Шундай экан, мен жаҳонгашта рицарлар тўғрисидаги романларда ўқиганларимнинг баридан устун турган воситалар ёрдамидагина сеҳрланганман деган хулоса ва натижа чиқаришим мумкин. Шунинг учун сен хотиржам бўлишинг ва бу тўғрида ўйлашни бас қилишинг мумкин: мен қанчалик туркка ўхшасам, улар ҳам руҳоний билан сартарошга шунчалик ўхшашади. Энди хоҳлаган нарсангни сўрайвер, эртага эрталабгача сўрасанг ҳам жавоб беравераман.

– Ё Биби Марям, ўзинг мадад бер! – деб қичқириб юборди Санчо. – Дунёда сиз муҳтарам жанобларининг бошидан ҳам мустаҳкамроқ ва миясиз бош бормикин! Бошингизга тушган кулфатда сеҳргарлик эмас, маккорлик кўпроқ айбдор деб рост гапни айтсам-у, фарқига бормасангиз, ахир, бу қанақаси. Хўп, яхши!

Ҳеч қанақа сеҳрланмаганлигингизни ҳозир мен сизга очиқ-ойдин исботлаб бераман. Менга очиғини айтинг – бу бахтсизликдан қутулиш ва тезроқ сеньора Дульсинеянинг қучоғига киришингизда сизга худо ёр бўлсин!...

– Мени аврашни бас қил, – унинг сўзини бўлди дон Кихот. – Қани бўл, бамаъни саволларингни бер. Сенга айтдим-ку, ҳаммасига очиқчасига жавоб бераман деб.

– Менга шу керак, – маъқуллади Санчо, – сиз муҳтарам жанобларидек ўзини ҳарбий ишга бағишлаган ва жаҳонгашта рицарь унвонига эга бўлганлар борки, ҳаммасига ярашадиган ҳамда зарур бўлган даражада ҳеч нарсани қўшмай ва олиб ташламай менга бор ҳақиқатни айтиб беришингизни истайман, фақат...

– Ҳеч нарсани ёлгон гапирмайман деяпман-ку сенга! – деб хитоб қилди дон Кихот. – Қани саволингни берсанг-чи! Ўзингнинг борди-келди гапларинг билан жонимга тегдинг-ку, Санчо!

– Мен эса ўз хўжайинимнинг ҳалол ва ростгўйлигига ишонаман; шундай экан, модомики, асосий масалага ўтдикми, сизга шундай саволим бор: муҳтарам жаноблари, қафасга ташланганингиздан бери ўз табиий заруриятингизни қондириш иштиёқи ёки эҳтиёжи туғилмадими?

– Тушунмаяпман, Санчо, қандай зарурият ҳақида гапиряпсан? Агар мени очиқ-ойдин жавоб берсин десанг, аниқроқ айт.

– Сўзларимнинг маъносини муҳтарам жаноблари наҳотки тушунмаётган бўлсалар? Ахир буни мактабда она сути оғзидан кетмаган болаларга ҳам ўқитишадди-ку. Яъни, бир сўз билан айтганда, қочиб қутулиб бўлмайдиган ишни бажаргингиз келмадими?

– Энди тушундим, Санчо. Албатта, шундай қилгим келди, яна бир неча марта, мана ҳозир ҳам худди шундай хоҳишим бор. Биродар, менга ёрдам бергил! Нима қилишни ҳам билолмай қолдим, тағин бирор фалокат юз бермасайди деб қўрқяпман.

– А-ҳа! – тантанали хитоб қилди Санчо. – Қўлга тушдингизми! Мен худди шуни билиб олмоқчи эдим-да!

Қани энди айтинг-чи, сеньор, одамларнинг: «Ҳайронман унга нима бўлган ўзи, – емайди, ичмайди, ухлолмайди, саволларга ҳам ўринсиз жавоб беради, тагин у сеҳрланган бўлмасин», деган гапларини наҳотки эшитмагансиз? Бундан эса ким еб-ичмаса, ухламаса, табиий зарурияти бўлмаса, у сеҳрланган бўлади деган маъно чиқади. Муҳтарам жаноблари сингари, таклиф қилишганда ичса, беришганда еса, нима ҳақда сўрасангиз ҳаммасига жавоб қайтарса, унда мутлақо бунинг акси бўлиб чиқади-ку!

– Сен оқилона фикр юритяпсан, Санчо, – деб жавоб берди дон Кихот, – лекин савдойиликнинг хиллари турлича бўлишини унутганга ўхшайсан, чамаси. Эндиликда сеҳрланганлар илгари ҳеч ким қилмаган, лекин ҳозир мен қилаётган ҳамма ишларни қилаётган бўлишлари мумкин. Ҳар ҳолда мени сеҳрлашганига ишончим қатъий, мени хотиржам қилаётган нарса – шу. Мен сеҳрланмаганман, балки шунчаки дунёда ошиб-тошиб ётган бахтсиз ва муҳтожларга қўлимдан келадиган ёрдамимни беролмай, худди бекорчи ва иродаси суст одамдай қафасда ўтирибман, деб ўйлаганимда қанчалик изтироб чеккан бўлардим.

– Менимча, – деб жавоб берди Санчо, – ҳарқалай муҳтарам жаноблари тўла хотиржам бўлишлари учун мана шу қафасдан қутулиб чиқиб, ажойиб Росинантингизга минишга уриниб кўрсалар бўлармиди. Қаранг, Росинантингиз ҳам гўё сеҳрлаб қўйилгандай, қандай ғамгин ва ўйчан. Бу ишда сизга ҳар томонлама кўмаклашишга ваъда бераман. Қафасдан қутулганингиздан кейин эса яна саргузаштлар излаган йўлга тушишга уриниб кўрамиз. Борди-ю, бахтга қарши ҳаракатимиз пучга чиқиб, бизларни ҳалок қилмоқчи бўлган ёмон ниятли кишилардан қочиб қутулолмасак, ваъдам шуки, содиқ ва олижаноб яроқбардорга хос равишда мен ҳам сиз марҳаматли жаноблари билан бирга қафасга кираман.

– Хўп майли, биродар Санчо, – деди дон Кихот, – ана шу режани амалга ошириб, мени озодликка чиқариш учун қулай вазият топсанг, ҳамма гапингга бўйсу-

наман. Аммо бунинг амалга ошишига умидим йўқ. Бошимга тушган бахтсизликни сен жуда оддий қилиб тушунтириб беряпсан.

Аммо шу пайтда олдинда кутиб турган руҳоний, каноник ва сартарош ёнига арава етиб келди. Ҳамма уловидан тушди: аравакаш ҳўкизларни аравадан чиқариб ўтлагани кўм-кўк яйловга қўйиб юборди. Санчо руҳонийдан ўз хўжайинининг бир дақиқага қафасдан чиқишига рухсат беришини сўради, акс ҳолда шавкатли рицарнинг шаънига тўғри келмайдиган воқеа содир бўлиши мумкинлигини тушунтирди. Руҳоний гап нима ҳақида бораётганини пайқади, дон Кихотнинг озодликка чиққач, яна ўз билганини қилиб, янги саргузаштларни излаб қочиб кетишидан қўрқмаганида Санчонинг илтимосини ҳозироқ бажонидил бажарган бўлишини айтди.

– Унинг қочиб кетмаслигига кафилман, – деди Санчо.

– Рухсатимизсиз биздан узоқлашмаслик ва қочиб кетмасликка рицарлик сўзини берса, – деб илова қилди каноник, – унда мен ҳам кафилман.

– Сўз бераман, – деб жавоб қилди бу гапни эшитиб турган дон Кихот. – Сеҳрланганларнинг эрклари, ўзлари истаганларидек, ўз ихтиёрларида бўлмагани учун ҳам жон-жон деб сўз бераман, чунки сеҳргар ундайларни уч юз йил бир жойда қотиб туришга мажбур қила олади, борди-ю, қочиб кетсалар, сеҳргар уларни ҳамиша тутиб кела олади. Шунинг учун ҳам мени бемалол қафасдан чиқараверишларинг мумкин.

Шунда каноник дон Кихотнинг қўлини ечиб, қафаснинг эшигини очиб юборди. Хурсанд бўлиб кетган дон Кихот эпчиллик билан ташқарига чиқди; энг аввал керишиб, оёқ-қўлларини қимирлатди, кейин эса Росинантнинг олдига бориб сағрисига шапатилаб қўйди-да, шундай деди:

– Эй дунёдаги барча арғумоқларнинг ноёби ва фахри, аминманки, худо ва Биби Марям бизларга мадад бериб, яқинда муддаомиз мустажоб бўлади! Сен яна ўз хўжайининингни олиб юрасан, мен эса яна тангрининг амри билан адолатга хизмат қилавераман.

Шундан кейин дон Кихот нонушта қилиш иштиёқида майсазорда ўтирган гуруҳга қўшилди. Каноник дон Кихотни овқатланишга таклиф қилди, бунга идалъго бажонидил рози бўлди, у ўзини сеҳрланган деб ҳисоблаган бўлса ҳам, анча очқаб қолган эди. Рицаримизнинг ғалати савдойилигига қизиқиб қолган каноник уни ўз ёнига ўтказди-да, раҳмдиллик билан сўради:

– Сеньор идалъго, наҳотки, бемаъни ва бемаза рицарлик романларини ўқишдан таъсирланиб, ақлингизга путур етганидан ўзингизни чиндан ҳам сеҳрланганман деб ўйласангиз? Наҳотки, чин нарсадан ёлғон қанчалик йироқ бўлса, ҳақиқатдан шунчалик йироқ бўлган бу уйдирмааларга ишонасиз? Дунёда бунақанги сон-саноксиз Амадислар, бунақанги трапезунд императорлари, Фелисмарт Гирканскийлар, учар отлар, жаҳонгашта хонимлар, аждаҳолар, андрианлар, девлар, сеҳргарлар, жанглар, шайдойи маликалар, граф бўлиб олган яроқбардорлар, кулгили пак-пакана одамлар, севги мактублари, турли сеҳру жодулар ва мўъжизалар – хуллас, рицарлик романларида тўлиб-тошиб ётган ана шу сафсатааларга инсон ақли ишониши мумкин? Шахсан ўзим уларни ўқиганимда, улар менга бирмунча завқ бағишлайди. Лекин ана шу бемаза гапларни ўйлай бошлаганимда, менда тўсатдан ғазаб туйғулари пайдо бўлади. Бу романларнинг ҳаммаси жуда катта зиён келтирадики, уларни битта қўймай куйдириб юборса арзийди. Улар ҳаммаси бемаънигарчилик ва ёлғондан иборат бўлиб, инсон табиати қонунларига зиддир. Асосийси эса улар энг мулоҳазали ва олижаноб идалъголарнинг онгини заҳарлайди. Сиз муҳтарам жанобларининг аҳволи буни кўрсатиб турибди. Ахир ўша асарлар сизни шундай аҳволга олиб келдики, натижада, бирор шер ёки йўлбарсни пулга кўрсатиб қишлоқ-ма-қишлоқ олиб юргандек, сизни ҳам қафасга солиб, ҳўкиз аравага солиб юришга тўғри келди. Эҳ, сеньор дон Кихот, ўзингизга раҳмингиз келсин, эс-ҳушингизни йиғиб олиб, худо ато этган ақлингизни бахт-саодатингиз йўлида ишга солинг. Ажойиб қобилиятингизни бошқа

китобларни ўқишга бағишланг, ана шунда жонингиз ҳам омон қолади, шуҳратингиз ҳам ошади! Борди-ю, туғма лаёқатингиз туфайли қаҳрамонларга бағишланган китобларга қизиқсангиз, унда муқаддас китоблардан бўлган Судейни ўқинг, мазкур китобда чинакамига буюк воқеалар ва жасоратлар ҳаққоний тасвирланганини кўрасиз. Муҳтарам жанобларининг расо ақллари шундай китобларни ўқишга лойиқ, сеньор дон Кихот!

Дон Кихот каноникнинг сўзларини зўр эътибор билан тинглади, гапини тамомлаганидан кейин эса, унга узоқ вақт қараб туриб, ниҳоят шундай деди:

– Агар хато қилмасам, марҳаматли жаноблари дунёда жаҳонгашта рицарлар бўлмаган, рицарлик романларининг ҳаммаси уйдирма, давлатга зарарли ва фойдасиз, уларни ўқиб бекор қилгансиз, уларга ишониб бундан ҳам ёмон иш қилгансиз, уларнинг қаҳрамонларига эргашиб эса ўтакетган даражада бемаъни иш қилгансиз, деб ишонтиришга уриняптилар, шекилли? Лекин ана шу романларда қаҳрамонликлари ифодаси тўлиб-тошиб ётган Амадис Галльский билан Амадис Греческий ва бошқа рицарлар яшаб ўтганини наҳотки инкор этсангиз!

– Марҳаматли жаноблари менинг фикримни жуда тўғри талқин қиляптилар, – деб тасдиқлади каноник.

Дон Кихот эса сўзида давом этди:

– Муҳтарам жанобларининг бунга қўшимча қилиб айтишларича, ана шундай китобларни ўқиш менга катта зиён келтирибди, чунки мени ақдан оздириб, мана бу қафасга тушиб қолишимга сабаб бўлибди; башарти мен тузалсам-у, рицарлик романлари ўрнига кўпроқ ҳаққоний, кўпроқ мароқли ва ибратли китобларни ўқий бошласам, яхши иш қилган бўлармидим?

– Мутлақо тўғри, – деб таъкидлади каноник.

– Модомики, бутун дунёда, – деди дон Кихот, – ҳақиқат деб топилган нарсани қоралашга жазм этган экансиз, демак, сеҳрланган ва ақдан озган сиз ўзингизсиз. Муҳтарам жанобларига ўхшаб рицарлик романларининг ҳаққонийлигини инкор этган киши,



марҳаматли жаноблари ўзларига ёқмаган китобларни қандай ҳолга солмоқчи бўлсалар, ўшандай жазога лойиқдир. Сиз саргузаштлар излаган Амадис ҳам, бошқа рицарлар ҳам дунёда яшамаган деб мени ишонтирмоқчи бўляпсиз, ваҳоланки, улар тўғрисида романларда очиқ-ойдин баён қилиб берилган! Бундай дейиш, қуёш нур сочмайди, муз совуқ эмас, ер қаттиқ эмас деб исботлашга уриниш билан баробардир. Дунёда қайси одам инфант Флорипес ва Гюа Бургундский воқеасининг ёлғонлигига бизни ишонтира олади! Ёки Буюк Карл даврида Мантибль кўпригида Фъеарабрас кўрсатган жасоратни олайлик! Бунинг ҳаммаси, ҳозир кундуз эканидай рост бўлмаса, мени жин урсин! Агар бу ёлғон бўлса, демак, унда на Гектор, на Ахилл, на Троя уруши, на Франциянинг ўн икки пэри, на қарғага айланиб, ҳануз кўкда парвоз қилиб юрган қирол Артур Английский бўлган, зотан, шу кунга қадар унинг қайтишини кутишяпти-ку ўз қиролигида! Бир вақтлар Пьер ўзини осмонда учириб юрган ёғоч арғумоқни бошқарган мурват то шу кунгача қиролик қуролхонасида сақланиб келган экан, Пьер билан гўзал Магеллона тарихини ким инкор эта олади. Бабъеканинг эгари ҳам ўша ерда; Ронсевалда эса Роланднинг<sup>50</sup> катталиги ходадай келадиган бурғуси сақланиб қолган. Демак, мана шулардан кўриниб турибдики, ўн икки пэр ҳам, Пьер ҳам, Сид ҳам, уларга ўхшаган бошқа рицарлар ҳам

*Саргузаштлар излашар экан:*

*Ҳалқа бўлиб шунчалар машҳур яшаган, –*

дейиш керак.

Икки жасур испан – Педро Барба билан Гутьерра Кихадаларнинг<sup>51</sup> (ота томонидан мен ўшаларнинг авлодига бориб тақаламан) Бургундиядаги саргузаштлари ҳам тўқимами, улар граф де Сен Полнинг ўғлини жангга чақириб, устларидан галаба қозонишмаганмиди, ахир? «Посо»да баён қилинган Суэро де Киньонес<sup>52</sup> турнири ҳам, Луис де Фальсеснинг кастилиялик рицарь дон Гон-

сало де Гусман<sup>53</sup> билан бўлган яккама-якка олишувини ҳам ва, умуман, бизнинг ҳамда чет эл насроний рицарларининг беҳисоб жасорат ва қаҳрамонликларининг барчасини ҳам уйдирма дерсиз. Ваҳоланки, буларнинг ҳақиқатлиги юзасидан баҳслашиб ўтирган одамнинг ўзи ақлдан озганлиги ҳар кимга ҳам аён дир.

Дон Кихотнинг ўзи севган жаҳонгашта рицарлар тарихига доир маълумотларни чуқур билиши каноникни қойил қолдирди.

– Сеньор дон Кихот, – деди у, – сиз келтирган ми-солларнинг баъзилари тўғрилигини мен инкор эта олмайман. Масалан, Франциянинг ўн икки пэри чиндан ҳам бўлган деган фикрингизга қўшилишга тай-ёрман. Лекин архиепископ Турпиннинг улар тўғри-сида ёзган ҳамма нарсани чиндан бажарганларига ишонмайман. Бизга улар фақат рицарлар бўлгани ва француз қироллари танлаб олиб, пэрлар\* деб ном беришганигина маълум, чунки бу рицарлар насл-насаб жиҳатдан, жасорат ва шон-шавкатда тенг бўлганлар. Муҳтарам жаноб айтган қирол қуролхонасида Бабьеканинг эгари ёнида сақланаётган граф Пьернинг мурватига келганда, мен ўзимни гуноҳкор деб тан оламан: мен ё нодонман, ёки кўзим хира, эгарга яхшилаб разм солибман-у, аммо гарчанд муҳтарам жаноблари айтганидек унчалик кичик бўлмаса ҳам, мурватни кўрмабман.

– Э йўқ, мурват ўша ерда бўлса керак, албатта! – деб хитоб қилди дон Кихот. – Мен, овозаларга қараганда, ана ўша мурват учун махсус чарм филоф ясашганини ҳам қўшимча қилишим мумкин.

– Ҳаммаси бўлиши мумкин, – деб жавоб берди каноник, – лекин диний мартабам ҳақи қасам ичаманки, у ерда мурват кўрганим эсимда йўқ. Боринг-ки, мурват ўша ерда деб фараз ҳам қила қолайлик, шунда ҳам бу нарса менда романларнинг муаллифлари ёзган ўша Амадислар ва бошқа сон-саноксиз рицарлар тарихига ишонч туғдиролмайди. Сиз ҳам муҳтарам жаноблари,

\* Paire – французча «тенг» дегани.

ҳурматли ва бамаъни одам сифатида бемаъни рицарлик романларида тўлиб-тошиб ётган ҳамма аҳмоқона уйдирмаларни ҳақиқат деб билмаслигингиз керак.

– Яхши! – деб хитоб қилди дон Кихот. – Демак, қиролнинг рухсати ва маъмурларнинг маъқуллаши билан нашр этилган, катта-ю кичик, бой-у камбағал, олижаноб-у оддий кишилар завқ-шавқ билан мутолаа қилиб, тасаннолар ўқишаётган бу китобларни сиз ёлгон-яшиқ китоблар деяпсиз! Ахир, бу китоблар мазмунида ҳеч қанақа тўқима йўқ – чинакам ҳақиқат ётибди-ку! Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас! Ахир, уларда ҳар қайси қаҳрамон ҳаётидан ҳамма аниқ маълумотлар келтирилади-ку: ота-онасининг номи, туғилган жойи тилга олинади; унинг кўрсатган қаҳрамонликлари батафсил ҳикоя қилиниб, у бўлган мамлакатлар баён этилади-ку. Бас, муҳтарам жаноблари, уларни таҳқирламанг! Яхшиси, менинг маслаҳатимга қулоқ солинг: бу китобларни қайтадан ўқиб чиқинг, сизга улар қандай завқ беришини кейин ўзингиз ҳам кўрасиз. Рицарлик романларини ўқишдан ҳам ортиқ роҳат борми! Сизнинг ақл порлаб турган кўз олдингиздан турли одамлар, қаҳрамонлар, баҳайбат махлуқлар, ажойиб қалъалар, мудроқ ўрмонлар ўта бошлайди, кутилмаганда эса биқирлаб қайнаб ётган қатрон тўла катта қўл намоён бўлади. Қўлда сон-саноқсиз илонлар, калтакесаклар ва бошқа ваҳший ҳамда даҳшатли газандалар бижирлаб ётган бўлади, тўсатдан қўлнинг қоқ ўртасидан кишининг кўнглини эзадиган мунгли нидо эшитилади: «Эй рицарь, сен ким бўлишингдаи қатъи назар, агар бу қўрқинчли кўлнинг қоп-қора сувлари остида яшириниб ётган хазинани қўлга киритмоқчи бўлсанг, қудратли юрагингни ишга солиб, қоп-қора бўлиб қайнаб ётган сувга сакра. Ана ўшанда сен мана шу тим қора тўлқинлар тагида қолиб кетган етти парининг етти қалъасидаги ажойиб мўъжизаларни кўрасан». Ана шу йўл кўрсатувчи мунгли овозни эшитиш биланоқ рицарь ҳеч нарсанинг фарқига бормаиди, хавф-хатарни ўйламаиди, оғир, улкан яроғ-аслаҳалар-

ни ечишни ҳам хаёлига келтирмайди. Ўзини худога ва маъшуқасига топшириб, қайнаб турган кўлнинг қоқ ўртасига сакрайди, лекин тўлқинлар унга йўл очади, ниҳоят, қаршисида Елисей далалари ҳам тенглашолмайдиган ўтлоқ пайдо бўлади. Унга бу ернинг осмони яна-да тиниқроқ, қуёш яна-да ёрқинроқдек туюлади, соя-салқин дарахтзор уни мафтун этади, дарахтларнинг янги барглари шундай ялтирайдики, унинг кўм-кўк ранги кўзларига нур бағишлайди, париллаб шохдан-шохга учиб-қўниб юрган турли-туман қушчаларнинг сайрашлари қувончини оширади. Тип-тиниқ ариқча қумлар ва оппоқ, тошларни оралаб оқади. Мана у хилма-хил яшма билан жило берилган мрамрдан ясалган фавворани кўради. Мана ялтираб турган турли-туман кристаллар билан аралаштирилган олтиндан, кунгуралари олмосдан бўлган мустаҳкам қалъа ёки ҳашаматли сарой намоён бўлади; унинг ҳамма ёғи қиматбаҳо тошлар билан қопланган бўлади, меъморчилик услуби эса уни янада мафтун этади, жимжимадор миноралари, осма кўшклари, қатор-қатор устунлари ва нарвонлари ундан ҳам жозибали. Қалъанинг дарвозаси тўсатдан очилиб кетади-ю, ичкаридан қўғирчоқдай ясанган гўзал қизлар турнақатор бўлиб чиқиб келишади. Қизлардан бири рицарнинг қўлидан ушлайди-да, индамай, уни ҳашаматли қалъага бошлайди. Рицарь қалъага киргач ювинади, унинг баданларига муаттар нарса суришади, энг хушбичим қилиб тикилган хушбўй кийимлар кийгизишади, устига эса сербар узун уст кийим ташлашади, бу энг камида бир шаҳар баҳосидан қиммат туради. Кейин уни бошқа залга бошлаб киришади, у ерда тўкин дастурхон ёзилган, унинг қўлларига топ-тоза анбар ёки муаттар гулларнинг шираси қўшилган сув қуйиб юборишади, сўнгра фил суягидан ясалган тахтга ўтқазишади; қизлар унга лом-мим демай хизмат қилишади, кўплаб ширин-шарбат ноз-неъмат олиб келиб уни меҳмон қилишади. У овқатланаётганида қандайдир сирли мусиқа янграб туради. У овқатланиб бўлиб, дастурхон йиғиштириб олингач, тўсатдан қар-

шисида ўз гўзаллиги билан бошқа ҳамма қизлардан устун турадиган яна бир қиз пайдо бўлади; у рицарнинг ёнига ўтиради-да, унга бу ернинг қандай сарой эканлигини айтиб, ўзининг кимлигини таништиради. Уни ёвуз сеҳргар сеҳрлаб қўйганлигини, кўпдан буён ўз халоскорини орзиқиб кутаётганини сўзлаб беради... Бу ёғини давом эттириб ўтирмайман. Жаҳонгашта рицарлар ҳақидаги ҳар қандай роман ҳар қандай китобхонни ҳайратда қолдириши ва ҳаяжонлантириши кераклиги бусиз ҳам тушунарли. Шундай қилиб, гапимга қулоқ солинг, муҳтарам жаноблари, бу китобларни ўқиб чиқинг: агар хафақон бўлсангиз, даволайди, кўнглингиз хира бўлса, очиб юборади. Менга келганда, гапимга ишонаверинг, жаҳонгашта рицарь бўлганимдан буён мен мард, эҳтиромли, сахий, одобли, ҳимматли, хушмуомала, қўрқмас, дилкаш бўлиб қолдим. Мен фалокатларга ҳам, бандиликка ҳам, сеҳрланишга ҳам сабр-тоқат билан чидайвераман! Ҳозир мени жиннига чиқариб қафасга солиб қўйишди, лекин агар олло-таоло менга мурувват қилса, бақувват қўлларимни ишга солиб, бирор мамлакатнинг қироли бўлиб олишимга аминман. Ўшанда менинг қалбимда қанчадан-қанча шафқат ва сахийлик яшириниб ётганини кўрасиз. О, мен дўстларимга, айниқса, бечора яроқбардорим Санчо Пансага яхшилик қила оламан, мен яроқбардоримни дунёда энг яхши одам ҳисоблайман. Мен уни граф қилиб қўйишга аллақачон ваъда берганман, гарчанд графликни бошқара олмаслигидан қўрқсам ҳам, буни амалга оширишни жуда-жуда истардим.

Санчо дон Кихотнинг кейинги гапларини эшитиб, шундай деди:

– Сизни ишонтириб айтаманки, сеньор дон Кихот муҳтарам жаноблари, менга бир неча марта ваъда қилганингиз графликни бошқаришга фаҳм-фаросатим етади. Бунга тезроқ эришсам, бас!

– Иним Санчо, шунинг унутмангки, – деди каноник, – ҳар қайси сеньор ўз мулкига ўзи қози бўлиши керак, бунинг учун эса билимли ва мулоҳазали бўлиш, энг

асосийси – адолат юзасидан иш юрита билиш лозим, бусиз эса бошқаришингиз пала-партиш бўлиб кетади.

– Бу фалсафаларингизга ақлим етмайди, – деб жавоб берди Санчо, – лекин мен фақат бир нарсани биламан, графликка муяссар бўлсам, уни бошқара оламан. Ахир, ҳар қандай одамда бор қалб менда ҳам бор, гавдам эса кўпларникидан каттароқ. Ҳа, мен ўз мулкимни ҳар қандай қиролдан яхши бошқара оламан, бошқараётганимда эса хаёлимга нима келса, шуни қиламан, хаёлимга келганини қилар эканман, ўз ҳузур-ҳаловатимни ўйлаб яшайман, ўз ҳузур-ҳаловатимни ўйлаб яшарканман, ҳаммадан хурсанд бўламан, кимки ҳаммадан хурсанд бўлса, ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди, ҳеч нарсага муҳтож бўлмагандан кейин эса гап тамом, вассалом.

Шу ерда дон Кихот гапга аралашди:

– Санчо графликни бошқара оладими, йўқми, бунни келажак кўрсатади. Мен эса буюк Амадис Галльскийга эргашаётирман. У ўз яроқбардорини Қуруқлик оролига граф қилиб кўтарган. Шунинг учун мен жаҳонгашта рицарларга хизмат қилган энг яхши яроқбардорлардан бири Санчо Пансани ҳеч қандай виждон азобисиз графлик мартабасига кўтара оламан.

Каноник бўлмағур хаёлларга берилиб кетган рицарнинг телбалигигами ёки ўз хўжайини айтган сўзларга ишонган хизматкорнинг соддалигигами – қайси бирига кўпроқ ажабланишини билмай қолди.

Улар шу кўйи гаплашишаркан, каноникнинг хизматкорлари гилам тўшаб, озиқ-овқатни ёйиб қўйишди, шундан кейин ҳаммалари овқатлангани ўтиришди.

## ЎТТИЗИНЧИ БОБ

### **ЧЎПОН БИЛАН УЧРАШУВ, ЧЕРКОВ МАРОСИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН САРГУЗАШТ ҲАМДА ДОН КИХОТНИНГ УЙИГА ҚАЙТИШИ**

Улфатлар ўтлоққа ўтиришиб тинчгина овқатланишаётганда, қаердандир буталар орасидан кўнғироқчаларнинг жиринглаши қулоққа чалинди. Худди шу дақиқада буталар орасидан ола-була эчки сакраб-сакраб чиқиб қолди; кетидан қичқириб қувиб келаётган чўпон уни яна подага қайтаришга беҳуда уринарди. Қўрқиб кетган қочоқ гўё ҳимоя талаб бўлгандай, довдираганча тўппа-тўғри одамлар томон югурди, уларга яқинлашгач эса худди қоққан қозикдек қаққайиб туриб қолди. Уни қувиб етган чўпон шохидан ушлаб олиб шундай деди:

– Эй, чипор шумтакам! Ҳали шўхлик ҳам қилмоқчи бўлдингми? Қайси бўри тишлаб олди сени, қизалоғим? Қайт дарров, қайт, жонгинам. Отар сенга ёқмаса-да, лекин ҳар ҳолда у ерда дугоналаринг орасида хатарсиз бўласан. Қўй-э, инжиқлигинг қуриб кетсин.

Чўпоннинг ўз эчкиси билан гўё ақлли жонивордай гаплашгани ҳаммаларининг кўнглини очиб юборди ва каноник унга шундай деди:

– Ўтиниб сўрайман, иним, шошманг, эчкингизни подага ҳайдамай тулинг, мана бу гўшти олинг-да, бир стакан майдан ичинг, жаҳдингиздан тушасиз, эчкингиз ҳам нафасини ростлаб олади.

Каноник шундай деди-да, унга бир бурда яхна қуён гўшти узатди. Чўпон самимий миннатдорчилик билан қабул қилиб, каноникнинг ёнига ўтирди, винони ичиб гўшт билан тамадди қилгач, ниҳоят, шундай деди:

– Муҳтарам жаноблари, менинг мана бу эчки билан қандай гаплашганимга қараб, мени аҳмоқ экан деб ўйлашларини истамасдим. Гапимнинг тагида гап бор. Мен гарчанд деҳқон бўлсам ҳам, одамлар билан қандай, ҳайвонлар билан қандай муомала қилишни жуда яхши биламан.

– Бунга бажонидил ишонаман, – деб жавоб берди кانونик, – чунки тоғларда олимлар, чўпонлар кулбасида эса файласуфлар етишишини ўз тажрибамдан биламан.

– Ҳар ҳолда, – деди чўпон, – у ерларда кўпинча бошидан кўп нарсаларни кечирган ва турмушни биладиган одамлар яшайди. Мен илгари чўпон эмас эдим.

– Қани, бошдан кечирганларингизни бизга ҳикоя қилиб беринг, – мурожаат қилди унга руҳоний, – бажонидил тинглаймиз.

Унинг илтимосига шу ердагиларнинг ҳаммаси қўшилди.

– Менинг бошдан кечирганларим жуда оддий кечинмалар, муҳтарам сеньорлар, – деди чўпон. – Мен қўшни қишлоқдаги бадавлат бир деҳқоннинг ўғлиман. Тўқ ва фаровон турмуш кечирардим. Ўша қишлоқда бир сулув қиз ишларди, у жуда обрўли ва бадавлат хонадоннинг қизи эди. У шу қадар суқсур эдики, доврўғи бутун музофотга ёйилган эди. Унинг қўлини сўраганлар жуда кўп бўлди, лекин совчи юборганлар орасида унинг отасига мен, шунингдек, ўз қишлоғимизда туғилиб ўсган яна бир давлатманд ва кўҳлик йигит айниқса ёқиб қолган эдик. У иккаламиздан қайси биримизни яхши кўришини билмай, яхшиси, қизнинг ўзи танлашини афзал ҳисоблаб, ундан қайси биримиз ёқишимизни сўради, у нима деганидан беҳабарман-у, лекин отаси қизим ҳали жуда ёш, уни эрга беришни кечиктиришга тўғри келади, деб жавоб қилди. Шу орада қишлоқда янги ошиқ пайдо бўлди. У бир деҳқоннинг ўғли эди, у урушда қатнашиб юртига қайтиб келган, ола-була киймига хилма-хил шақир-шуқурларни ва занжирларни тақиб олган эди. У мақтанчоқ, ҳам безбет эди. Ўзининг ажойиб қаҳрамонликлари: ўзи борган турли мамлакатлар, катта шаҳарлардаги қувноқ ва фаровон ҳаёт ҳақида усталик билан сўзлаб берарди. Бунга шуни ҳам илова қилиш керакки, у дурустгина мусиқачи бўлиб, гитарани жуда бошлаб чаларди, бунинг устига шоирлик ҳам қиларди, қишлоғимизда юз берган ҳар бир ҳодиса тўғрисида узунлиги бир ярим мил келадиган романслар



ёзарди. Сулув қизнинг исми Леандра эди, у ана шу олифтага ёқиб қолиб, олифта унинг кўнглини овлашга ўтди. Биз, бошқа ошиқлари, қиз ғурури йўл бермай, унинг сўзини рад этади деб ўйлаган эдик. Лекин кунлардан бир кун қиз ҳамма қимматбаҳо буюмларини, анчагина пулни олиб, у билан номаълум томонга қочиб кетганида бизнинг умидсизликдан ҳайрон бўлиб қолганимизни тасаввур қилиб кўринг-а, муҳтарам сенъорлар. Қизини жонидан яхши кўрган ота бошига тушган ғамдан нақ эсини йўқотиб қўяёзди, уни қидириб ҳамма ерга борди, бутун полицияни оёққа турғазишди, барча ўрмон ва ўтлоқларни ағдар-тўнтар қилиб юборишди. Қочоқ қизни ниҳоят тоғдаги бир ғордан топишди. Уни бор буд-шудидан маҳрум қилиб, ўз ҳолига ташлаб кетган ўша йигит. Олифта йигит ўғри экан-да, у қизнинг ҳамма кўйлақларини, қимматбаҳо буюмларини ва пулларини тортиб олиб кетиб қолибди. Афтидан, унинг ҳисобига бойишни истаган экан. Бу воқеа бутун музофот бўйлаб катта шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди. Сулув қиз ўз дугоналарининг кўзига кўринолмай ноқулай аҳволда қолган эди, отаси уни вақтинча қўшни монастирга олиб бориб қўйди. Ўшандан кейин яшаш шундай жонимга тегиб кетдики, эчкиларни ҳайдаб тоққа жўнадим; ана шу қоялар орасида, дарахтлар соясида, сой бўйларида ёлғизликда яшаб, чилпарчин бўлиб кетган муҳаббатимга ачиниб, энгилтак ва ўжар қизни қарғаб юрибман.

Чўпоннинг ҳикояси тингловчиларга жуда қаттиқ таъсир қилганидан ҳаммалари бир-бирларига гап бермай чуғурлашиб, унга ҳамдардлик изҳор қилишди.

Дон Кихот ҳаяжонланиб кетганидан хитоб қилиб юборди:

– Сизни ишонтириб айтаманки, эчкибоқар оғайни, агар мен ҳозир саргузаштлар излашга жўнай олганимда эди, энг аввало сизнинг Леандранинг тавба-тазарру қилаётган монастирга борардим-да, хотинлар монастири бошлиғи ва бошқа менга тўсиқлик қилмоқчи бўлганларнинг қаршилигига қарамай, қизни халос этардим.

Лекин, э воҳ, мен сеҳрланганман, шунинг учун бу дақиқада бирор чора кўришга қодир эмасман. Бироқ аминманки, олижаноб сеҳргар ёвуз жодугардан кучли чиқади ва тезда ўз ҳолимга қайтаман. Шунинг учун ҳам сизга кўмаклашиш ва ҳомийлик кўрсатишга қатъий ваъда бераман, чунки ожизлар ва мазлумларни ҳимоя қилувчилар зиммасига шундай вазифа юклатилган.

Чўпон дон Кихотга қаради-да, унинг устидаги аломат кийимлари ва ғалати сўзларидан ажабланиб, ёнида ўтирган сартарошдан сўради:

– Сеньор, бу одам ким? Гаплари жуда ғалати, кийимлари ҳам қизиқ.

– У, – деб жавоб берди сартарош, – таҳқирланганларнинг қасоскори, адолат ҳимоячиси, хонимлар ҳомийси, девларга даҳшат солувчи ва жангларда голиб чиқувчи машҳур ламанчилик дон Кихотдан бўлак ким бўларди.

– Гапингизнинг ҳаммаси, – деди чўпон, – жаҳонгашта рицарлар ҳақидаги уйдирмаларга ўхшайди. Бундай ишларни фақат ана ўша жаҳонгашта рицарларгина қилганлар, сиз муҳтарам жаноблари бўлсангиз, буларни сеньор дон Кихот номи билан боғлаяпсиз. Менимча, ё муҳтарам жаноблари ҳазиллашяптилар, ё бу олижаноб сеньорнинг боши қовоқроқ.

– Сиз сурбет, муттаҳамсиз! – деб хитоб қилди дон Кихот кўзлари чақнаб. – Қовоқбош овсар сизнинг ўзингизсиз. Бировни ҳақорат қилиш мана бундай бўлади!

У шундай деб, олдида турган думалоқ нон билан чўпоннинг башарасига шундай туширдик, унинг бурни пачоқ бўлиб кетди. Чўпонга бу ҳазил унча ёқмади, шекилли, у гиламни гилам, дастурхонни дастурхон демай, овқатланаётганлар орасидан босиб ўтиб, дон Кихотга ташланди-да, икки қўли билан унинг томоғидан бўғиб олди. Агар Санчо Панса ёрдамга келмагандами, шўринг қурғур рицарнинг ҳоли хароб бўларди. Содиқ яроқбардор чўпоннинг елкасидан ушлаб олди-да, икковлари ҳам тағларида қолган дастурхонга ағдарилиб тушиб, ликопча, косаларни синдириб, овқатларни сочиб, винони тўкиб юборишди. Нафасини ростлаб олган

дон Кихот яна эчкибоқарга ташланди, қоп-қора қонга бўялган чўпон эса овқатланишда фойдаланиладиган бирорта пичоқни олиш ниятида гиламда судраларди, лекин бахтга қарши яқин орада бирорта ҳам пичоқ йўқ эди. Шунда сартарош дон Кихотни тагига босиб олиб эзишда чўпонга яширинча ёрдам берди, бечора дон Кихот калтакнинг тагида қолиб кетди. Каноник билан руҳоний дон Кихотнинг типирчилаётганини, чўпоннинг аламига чидаёлмай жикиллаётганини кўриб роса кулишарди; ўқчилар завқланиб сакрашар ва худди бир-бирини ғажиётган икки итни олқишлаётгандек гиж-гижлатишарди, бир Санчо Пансагина нима қилишини билмас, ўз хўжайинига ёрдамга ташланай деб шунча уринса ҳам, каноникнинг хизматкори қўлидан қутулиб чиқиб кетолмасди.

Худди шу дақиқада сурнайнинг жуда мунгли овози эшитилиб ҳамма бирдан сесканиб кетди, дон Кихот ўз рақибига шундай деб бақирди:

– Менга қара, эй иблис, – зотан, мени енгишга кучинг ва жасоратинг етган экан, иблиссан-да, – сендан илтимос, ҳеч бўлмаса бир соатга ярашиб турайлик. Қулоғимга сурнайнинг мунгли овози чалинди, назаримда, у мени янги саргузаштларга чорлаётганга ўхшайди.

Мушт уриб, мушт ейиш жонига теккан чўпон обрўси борида муштлашишни тўхтатишга муяссар бўлишидан шодланиб, шу заҳотиёқ дон Кихотни қўйиб юборди. Рицарь ирғиб ўрнидан турди, сурнай овози эшитилаётган томонга бошини ўгирган эди, худди хаёлий шарпалардек оқ либосга ўралган кўпгина одамнинг тепаликдан тушиб келаётганликларини кўрди.

Ҳамма гап бу йил ёмғир ерни тўйдирмаётганида эди, шунинг учун худо раҳм-шафқат қўлини чўзиб, ерга ёмғир ёғдириб, қурғоқчиликни тўхтатармикин деган умидда деҳқонлар бутун музофот бўйлаб диний маросимлар, ибодатлар, ўз-ўзини уриб тавба қилиш каби юришларни ўтказаетган эдилар. Қўшни қишлоқ аҳолиси ҳам водий ён бағрида қаққайиб турган муқаддас бутхонага ана шундай юриш қилгандилар. Лекин

дон Кихот ўз-ўзини ураётганларнинг галати кийинганини кўрган заҳотиёқ, тақдир ўзига яна бир хавфли саргузаштни йўлаганини кўз олдига келтирди. Саф олдида бир неча киши қора чойшабга ўралган авлиё ҳайкалини кўтариб олган эди. Шу манзаранинг ўзиёқ дон Кихотнинг виждонсиз ва қабиҳ қароқчилар бирор машҳур сеньорани ўғирлаб кетаётибди деб ўйлашига етарли бўлди. Бошига шу фикр келиши биланоқ, у Росинант томон югурди, эгар қошидан юганини олиб, уни бир зумда юганлади-да, Санчодан қилич беришини талаб қилди, кейин лип этиб отига минди-ю, қалқонни қўлига олиб, ҳамроҳларига бақариб шундай деди:

– Нима учун оламда жаҳонгашта рицарлар бўлишини ана энди кўрасиз. Мен ҳозир анави қароқчилар ўғирлаган олижаноб сеньорани озод қилганимда, шавкатли орденимиз ҳурматга сазоворми, йўқми, билиб оласизлар!

Шу сўзларни айтиб у Росинантни оёқлари билан ниқтаган эди, Росинант ўзларини уриб тавба қилаётганларга қараб шаталоқ отиб кетди. Руҳоний, каноник ва сартарош дон Кихотни ушлаб қолишмоқчи эди, лекин бунинг иложи бўлмади, уни Санчонинг дод-вой солиб қичқиришлари ҳам тўхтата олмади:

– Қаёққа кетяпсиз, сеньор дон Кихот? Қайси шайтоннинг васвасасига учиб муқаддас черковимизга қарши боряпсиз, ахир! Бундай тузукроқ қаранг, ахир, бу диний маросим-ку! Нима қилаётганингизни бир ўйлаб кўринг, сеньор! Бошқаларнинг ишига тумшуфингизни тикяпсиз деб, бу гал дангал айтса бўлади.

Бироқ Санчо бекорга зўр бериб бақираётган эди. Унинг хўжайини оқ либос кийганларга ҳужум қилиб, мотам чойшабига ўралган хонимни халос этишга шундай шошилардики, унинг бир оғиз сўзини ҳам эшитмади. Эшитганда ҳам бари бир қайтмас, гарчанд қиролнинг ўзи шундай буйруқ берганда ҳам қулоқ солмасди.

Маросим устига от чоптириб борди, роса ҳолдан тойган Росинантини тўхтатди-да, хириллаган овоз билан ҳовлиқиб хитоб қилди у:

– Ҳой! Кимсизлар ўзларингиз? Ҳалол одамлар юзларини беркитишмайди. Тўхтанглар! Гапимга қулоқ солинглар!

Биринчи бўлиб ҳайкални кўтариб бораётганлар тўхташди, диний оятларни куйлаб бораётган тўрт кишидан бири эса дон Кихотни ғалати ва кулгили қиёфада кўриб, унга шундай жавоб берди:

– Сеньор, бирор нарса демоқчи бўлсангиз, тезроқ гапиринг. Биродарларимиз қамчи билан аъзойи баданларини азоблаяптилар, тўхтаб гапингизни эшитишга фурсатимиз йўқ.

– Бўлди, ортиқча сўзнинг кераги йўқ, – деб жавоб берди дон Кихот, – дарҳол мана бу хонимни қўйиб юборинглар, кўз ёшлари ва ғамгин чехрасидан уни қаттиқ ҳақоратлаб, зўравонлик билан олиб кетаётганликларинг кўриниб турибди. Қаршингиздаги рицарь ана шунақанги озорлар учун қасос олгани дунёга келган, сизлар хонимнинг тилагини бажо келтириб, уни ҳақли равишда озод этмас экансизлар, рицарь сизларни бир қадам ҳам олға силжиттирмайди.

Дон Кихотнинг бу сўзларини эшитишиб ҳаммалари уни жинни деб ўйлашди-да, завқланишганидан хахолаб юборишди. Бироқ бу кулги дон Кихотнинг ғазабдан ёниб кетишига сабаб бўлган учкун эди. У индамай қиличини ўйнатганча тахтиравонга ташланди. Ҳайкални кўтаришиб бораётган деҳқонлардан бири тахтиравондан узун ёғочни олиб, дон Кихотга юзланди. Рицарнинг қиличи ана шу таёққа тегиб уни иккига бўлиб юборди, лекин деҳқон қўлида қолган бўлаги билан дон Кихотнинг елкасига шундай туширдик, рицарь ҳушдан кетиб, отдан қулади. Шу дақиқада Санчо, хўжайинимга ҳеч ким тегмасин, хўжайиним умрида ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, атиги бир сеҳрланган рицарь деб қичқира бошлади. Бу орада деҳқон дон Кихотни ўлдириб қўйдим деб ўйлаб, қўрқиб кетганидан кийикдан ҳам тез югуриб дала томонга тирақайлаб қоча бошлади.

Воқеа содир бўлган жойга дон Кихотнинг бошқа ҳамроҳлари етиб келишди. Маросим қатнашчилари

мушкет кўтариб олган ўқчиларни кўриб аҳволимиз чатоқ, деб ўйлашди-да, Мадонна ҳайкали атрофини зич ўраб, ҳужумчиларга зарба бергани ҳозирланишди. Аммо иш кутилгандан яхши томонга бурилди. Маросимда қатнашаётган бошқа руҳоний бизнинг руҳонийни таниб қолди. Шунинг учун ҳам ҳар иккала душман томон бир-бирига туғдирган хавф тарқадикўйди. Маросимни кузатиб бораётган руҳонийга дон Кихотнинг кимлигини тушунтириб беришди, руҳоний қимирламай ҳамон ерда ётган гавдаси тепасида айтиб йиғлай бошлади.

– О, рицарларнинг гули, тақдиринг йўғон таёқнинг бир зарбасидан ўлиш экан-да! О, ўз наслининг чиройи, о, бутун Ламанч, бутун дунёнинг шуҳрати, гурури! Сенсиз энди бутун олам ярамас одамлар билан тўлиб кетади, улар энди жазодан қўрқмай жиноят қилаверади. О, ҳамма Искандарлардан юз чандон сахий одам, чунки атиги саккиз ойлик хизмати эвазига яроқбардорингга атрофини денгиз ўраб олган ороларнинг оролини совға қилдинг-а. О, сен такабурлар олдида камтар, камтарлар олдида мағрур, хавфдан қўрқмас, мусибатли кунлардан бардошли, аллакимнинг хуштори, яхшиларга тақлидчи, ёвузларнинг офати, ҳар қандай пасткашликнинг душмани – хуллас, чинакам жаҳонгашта рицарь!

Санчонинг нола қилиб ҳўнграб йиғлашидан дон Кихот ўзига келди-да, қаддини сал кўтариб шундай деди:

– Эй, ширин-шакар Дульсинея, ким сиздан йироқда яшаса, у бундан ҳам ёмонроқ фалокатларга йўлиқади. Сеҳрланган аравага чиқишимга ёрдам бер, дўстим Санчо. Елкам дабдала бўлиб кетганидан Росинантга минолмайман.

– Бажонидил, сеньорим, – деб жавоб берди Санчо. – Биласизми, юринг, сизга яхшилик қилаётган мана бу сеньорлар билан бирга қишлоғимизга кетайлик. Борганимиздан кейин ўша ерда янги саргузаштни ўйлаб топамиз, бу шундай сафар бўлсинки, ундан ҳам фойда топайлик, ҳам шуҳрат.

– Сен бамаъни гапни айтдинг, – деди дон Кихот. – Ақллилик устимиздаги юлдузлар туркумининг ёмон таъсири тугагунча кутишни тақозо этади.

Каноник, руҳоний билан сеньор Николас дон Кихотнинг қароридан хурсанд бўлиб кетишиб, рицарни аравага ўтқазишда Санчо Пансага қўмаклашишди. Дон Кихот шу қадар ҳолдан кетиб қолган эдики, энди унга қафаснинг кераги ҳам йўқ эди. Шунинг учун қафасни йўлга ташлашиб, араванинг тагига бир қучоқ беда солишди, сўнгра вазмин аравакаш ҳўкизларига қамчи босди-да, карвон аста-секин йўлга тушди. Йўлда биринчи бўлиб чўпон қолди. У йўловчилар билан дўстона хайрлашди-да, ўз эчкисини етаклаб подага қайтди. Чўпондан кейин ўқчилар ҳам руҳонийдан ўзларига тегишли мукофотни олиб, шу атрофдаги энг яқин қовоқхонага жўнашди.

Ниҳоят, каноник ҳам дон Кихот воқеаси нима билан тугашини кейин ўзига хабар қилишини руҳонийдан сўраб, унга ва ҳамроҳларига оқ йўл тилади-да, уйига жўнади. Шундай қилиб, ҳамма ҳар томонга тарқалиб кетди, энди руҳоний, саргарош, дон Кихот билан Санчо Пансанинг ўзлари йўлда давом этишди. Улар олти кун деганда дон Кихотнинг қишлоғига куппа-кундуз куни кириб боришди. Бахтга қарши якшанба куни бўлгани учун дон Кихот тушган арава ўтадиган майдон одамлар билан лиқ тўла эди. Ҳамма ким келаётганини кўриш ниятида арава томон югурди ва ўз ҳамқишлоғини таниб, ҳайратда қолдилар. Қандайдир бир бола хўжайинлари ориқлаб, сарғайиб кетган ҳолда қайтиб келганини, ҳўкиз қўшилган аравадаги бир қучоқ беда устида ётганини айтгани унинг экономкаси билан жиянининг олдига югуриб кетди. Бу оқкўнгил аёлларнинг уввос тортиб, лаънати рицарлик романларини қарғаб, кўкракларига муштлаб йиғлай бошлашганини кўрган кишиларнинг уларга раҳми келарди.

Дон Кихотнинг қайтганини эшитиб Санчо Пансанинг хотини ҳам югуриб келди. У эридан энг аввало эшакнинг соғ-саломатлигини сўради. Эшаги ўзини хўжайинидан ҳам яхши сезаётганини айтди Санчо.

– Вой худойим-эй, ўзингга шукр, – деб хитоб қилди Санчонинг хотини, – кўрсатган марҳаматингга шукр! Қани, дўстим, энди менга айтинг-чи, хизматингиздан бирор фойда бўлдимиз? Менга қандай совғалар олиб келдингиз? Дўндиқларингизга бошмоқ олиб келдингизми?

– Совға ҳам, бошмоқ ҳам олиб келганим йўқ, – деди Санчо, – лекин бундан ҳам муҳимроқ ва жиддийроқ нарса бор.

– Мени жуда хурсанд қилиб юбордингиз, – деди хотини, – қани ўша нарсани кўрсатинг-чи, тезроқ бўлинг, жонгинам. Кўнглим тезроқ жойига тушсин, сиз кетгандан буён қуявериб ўлиб бўлаёздим!

– Уйда кўрсатаман, хотинжон, лекин ҳозир айтадиган гапим шуки, агар худо насиб қилиб яна саргузашт излаб йўлга тушсак, тез орада менинг граф ёки бирор орол губернатори бўлишимни кўрасан, орол бўлганда ҳам унча-мунчаси эмас, дунёдаги энг ажойиби бўлади.

– Илоҳо омин, эржон, орол дейсизми, кошкийди, жуда қўл келади! Лекин оролингиз нимаси, ҳеч нарсани тушунмаяпман, менга тушунтириб беринг.

– Эшакка асал беришмайди, – деб жавоб берди Санчо, – вақти келганда буни ўзинг тушуниб оласан, хотинжон. Тобеларинг сенга жаноби олиялари деб мурожаат қилишганда, оғзинг очилиб қолишини тасаввур қилиб турибман.

– Нималар деяпсиз ўзи, Санчо? Қанақа жаноби олиялари, анави орол, тобелар дегани нима? – деб сўради эридан Тереса Панса.

– Тереса, сен ҳамма нарсани бирдан билиб олишга шошилма. Мен айтган ҳақиқатни эшитишингнинг ўзи ҳам етарли. Дарвоқе, шуни айтишим мумкинки, саргузашт изловчи жаҳонгашта рицарнинг барчанинг ҳурматига сазовор яроқбардори бўлишдан кўнгиллироқ иш йўқ. Тўғри, бу саргузаштларнинг кўпчилиги кўнгилдагидек бўлиб чиқавермайди, бунга иқроп бўлиш керак. Мен буни ўз тажрибамдан биламан, чунки, мени чойшабда ирғитдилар ҳам, роса калтакладилар ҳам. Аммо-лекин, ҳарқалай бахт орқасидан тоғларга тирмашиш, ўрмон-



ларда адашиш, қояларга чиқиш, қалъаларга кириш, қўноқхоналарда зўрлик билан қора чақа ҳам тўламай тунаш, қуриб кетсин ҳаммаси, жуда антиқа ишлар-да!

Санчо Панса ва унинг хотини Тереса Панса шу зайлда суҳбатлашдилар. Бу орада идальгонинг жияни ва экономка у бечорани эпчиллик билан ечинтиришиб, эски каравотга ётқизишди. Идальгонинг кўзлари аланг-жалаанг бўлиб уларга тикилар, қаердалигини билолмас эди. Руҳоний идальгонинг жиянига тоғасига яхшилаб қарашни тайинлаб, уйдан яна қочиб кетмаслиги учун барча тадбирларни кўриш зарурлигини илтимос қилди. Уни уйга қайтариб келгунча қандай қийинчиликларни бошдан кечирганларини гапириб берди. Буни эшитган ҳар икки аёлнинг фигони фалакка чиқди, бундай бемаъни рицарлик китобларини ва уларни ёзган кишиларни жаҳаннам қаърига тортсин деб, худога илтижо қила бошладилар. Улар салгина тинчланганларидан сўнг бечора идальгога меҳр-шафқат кўрсата бошладилар. Елкаси шикастланган, ҳамма ёғи ғурра бўлган, озиб-тўзиб, сарғайиб кетган идальго бўлса каравотда қимирламай жимгина ётарди<sup>54</sup>.

### ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

## **ДОН КИХОТ БЕТОБЛИГИДА РУҲОНИЙ, САРТАРОШ ВА УНИНГ ОРАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ҲАНГОМАЛАР**

Руҳоний билан сартарош яқингинада бошдан кечирган воқеаларни тағин эсига солиб қўймайлик, деган андишага бориб, бетоб рицаримизни қарийб бир ойгача келиб кўришмади. Лекин улар дон Кихотнинг жияни ва экономкага тез-тез йўлиқиб, беморга тузукроқ ғамхўрлик қилишни уқтирар, айниқса, унга тўйимли, юраги ва миясига озуқа берадиган фойдали овқатлардан тайёрлаб беришларини тайинлардилар. Аёллар кечаю кундуз ўз хўжайинларини бетиним парвариш қилаётганликларини, у кишининг ҳам оз-оздан тузалиб бораётганини ва баъзи-баъзида ўзини эс-ҳуши жойида бўлган одамдек

тутаётганини айтиб беришди. Буни эшитиб, дон Кихотнинг мухлислари ер-кўкка сифмай суюнишди. Хайрият, уларнинг дон Кихотни деб чеккан машаққатлари зое кетмабди. Ахир, уни Сиерра Морена тоғларидан излаб топишди, қовоқхона хўжайинию сипоҳлар билан ора-ларидаги можарони бартараф қилишди, ниҳоят, дон Кихотни аравада уйга олиб келишди. Лекин, шундай бўлса-да, улар дон Кихотнинг чиндан ҳам соғайиб қолганини ўз кўзлари билан кўришни жуда-жуда ишташарди. Шу сабабдан улар дон Кихотни албатта кўришга қарор қилдилар, аммо бечора идальго билан суҳбатлашганда жаҳонгашта рицарлар ҳақидаги ҳар қандай ишоралардан йироқда туришни, бинобарин, унинг ҳали битмаган ярасига яна туз сепмасликни келишиб олдилар.

Шу шартлар билан улар дон Кихот ҳузурига киришди. Идальгонинг эғнида пахтали яшил камзул, бошида қизил қалпоқ, болишга виқор билан суяниб ўтирарди. Шунчалик ориқ, шунчалик сарғайиб кетган эдики, бир қарашда қуриб, қовжираб қолган мумиёга ўхшаб кетарди. Дон Кихот дўстларини илтифот билан қарши олди, соғлиғи ҳақидаги саволларга ҳам самимий, оқилона, ҳатто юракка тегадиган сўзлар билан жавоб берди. Оддийгина, бамайлихотирлик билан бошланган суҳбат, ниҳоят, давлат ишлари ва ҳукумат фармойишларига бориб тақалди. Бу фармойишлардан баъзиларини суҳбатдошлар танқид қилишди, баъзиларини эса, аксинча улуғладилар. Суҳбатдошларнинг ҳар бири ўзини янги қонуншунос, шу куннинг Ликурги<sup>55</sup> ёки Солони<sup>56</sup> деб биарди. Азбаройи тўлқинланиб кетганликларидан, оғиз кўпиртириб давлатни чунонам ағдар-тўнтар қилиб юборишардики, гўё давлат улкан бир темирчи кўрасига тушиб, эриб, қайта қуйилиб, бутунлигича янги шаклга кирганга ўхшарди. Ўртага ташланган ҳамма масалалар юзасидан дон Кихот оқилона фикрлар айтарди, руҳоний билан саргарош буни кўриб, эс-ҳуши жойига келиб қолганига тамомила ишонч ҳосил қилди.

Бу суҳбатда дон Кихотнинг жияни билан экономка ҳам иштирок этишиб, хўжайинларининг шундай бамаъ-

ни фикр юритаётгани учун худога минг қатла шукрона келтириб ўтиришди. Руҳоний, дон Кихотнинг батамом соғайиб кетганлигига қатъий ишониниш ниятида аввалги жаҳонгашта рицарлик хусусида гап очмаслик ҳақидаги қароридан воз кечди. У суҳбатни аста-секин пойтахтдаги энг сўнгги янгиликларга буриб, гап орасида, аниқ маълумотларга қараганда, турк султони кучли флот билан йўлга чиққанмиш, деб қистириб ўтди. Султоннинг мақсади нимаю бу даҳшатли уруш қаерда бошланади, буни ҳали-ҳозирча ҳеч ким билолмаяпти. Аммо-лекин бутун насроний олами тагин ташвишда. Ҳазрати олийлари ҳозирча, Неаполь, Сицилия қирғоқларини, Мальта оролларини мустаҳкамлашни буюрди, деди.

Бунга дон Кихот:

– Ҳазрати олийлари ўз салтанатларини олдиндан мустаҳкамлаб, жуда ақли иш тутибдилар. Демак, душман давлатимизни ғафлатда қолдира олмайди. Башарти қирол мендан маслаҳат сўрашни лозим топганида эди, мен ҳазратларига ўта серҳикмат мушоҳадаларимни тавсия этган бўлур эдим, – деди.

Руҳоний бу сўзларни эшитгани ҳамоно, ўзича: «О, парвардигор сени ўз паноҳида асрасин, бечора дон Кихот! Афтидан, сен яна тубсиз телбалик чоҳига юз тутяпсан», – деб қўйди.

Сартарош эса, руҳонийнинг фикрини дарҳол пайқаб, дон Кихотдан қиролга қандай чоралар кўришни маслаҳат этажagini сўради ва:

– Сизнинг бу таклифларингиз ҳам ҳукмдорларга бериладиган сон-саноқсиз, лекин бемаъни маслаҳатлардан бўлмасин тагин деб қўрқаман, – деб қўшиб қўйди у.

– Мен берадиган маслаҳатлар, – жавоб берди дон Кихот, – сира бемаъни эмас, аксинча, жуда бамаъни, сартарош афандим.

– Мен бирор ёмон фикр айтмоқчимасдим, – шошапиша эътироз билдирди сартарош, – фақат демоқчиманки, сон-саноқсиз маслаҳатгўйлар режаларнинг аксариятини ё юзага чиқариб бўлмайди, ёки улар қуруқ сафсата, ёинки қирол ва қироликка катта зарар етказади.

– Мен тузган режа бемаъни, қуруқ сафсата ҳам эмас, амалга ошмайдиганлар хилига ҳам кирмайди, аксинча, жуда пишиқ ўйланган, амалга ошириш ҳам оппа-осон, – деди яна дон Кихот қатъий.

– Маслаҳатларингизни билишга жуда муштоқмиз, марҳаматли сеньор дон Кихот, – деди руҳоний.

– Ўз режаларимни бу ерда ва ҳозир ошкор қилишни истамасдим, чунки бу сир эртагаёқ қирол маслаҳатчиларининг қулоғига бориб етади-ю, ташаккурни ҳам, мукофотни ҳам менинг ўрнимга бошқа биров илиб кетади.

– Шахсан мен, – деди буни эшитиб сартарош, – Худони ўртага қўйиб, олдингизда қасам ичаманки, сўзларингизни ер юзидаги биронта одам боласига етказмайман.

– Мен бунга ишонаман, сартарош афандим, – хитоб қилди дон Кихот, – сиз ваъдангизда қаттиқ турасиз.

– Гарчанд у унчалик ҳалол одам бўлмаганида ҳам тилини тишлаб, соқовдай жим юришига мен кафилман, – гапга аралашди руҳоний, – акс ҳолда мен уни судга бериб, суд чиқимларини тўлашга мажбур қиламан!

– Илтифотли афандимиз, сиз руҳоний жаноблари учун ким кафолат беради? – сўради дон Кихот.

– Менинг ному мартабам сўзларингизни махфий тутишни тақозо этади, – деди руҳоний.

– Унда жуда соз! – хитоб қилди дон Кихот. – Эшитинг, мен ўз режаларимни сизларга баён этай. Ҳазрати олийларига менинг маслаҳатим шуки, у ўз жарчилари орқали эълон қилдириб ва маълум бир кунни белгилаб, Испанияда дайдиб юрган барча жаҳонгашта рицарларни пойтахтга тўпласин. Улар беш-ўн киши бўлса ҳам майли. Бунинг аҳамияти йўқ. Негаки, улар орасида шундай бир қаҳрамон топилиб қолиши мумкинки, бутун турк лашкарларини яксон қилиб ташлаш бир ўзининг қўлидан келар. Фанимга диққат билан қулоқ солиб, фикрларимни кузатиб боринглар, сеньорлар. Наҳотки сизлар битта жаҳонгашта рицарь икки юз минг кишини худди писта пўчоғидай қириб ташлай олиши ҳақида ҳеч қачон эшитмаган бўлсангизлар?

Қани, менга айтингизлар-чи, рицарлар тўғрисида-ги ҳар бир романда ана шундай ёки шунга ўхшаш Амадис Галльскийнинг беҳисоб авлод-аждодларидан бирортаси тирик бўлиб турклар билан куч синашганида, онт ичаманки, ўзимни султон ўрнида кўришни унчалик орзу қилмасдим. Аммо, бари бир, парвардигор ўз халқидан раҳм-шафқатини дариг тутмайди ва эл ҳимоясига қадимий жаҳонгашта рицарларчалик қудратлиси бўлмаса-да, ҳар ҳолда довуракликда улардан қолишмайдиганини йўллайди. Тангрининг ўзи мени англайди – ортиқ гапим йўқ.

– Оҳ, пуштипаноҳим яна жаҳонгашталиқ савдосига мубтало бўлибди. Ёлғон бўлса, тил тортмай ўлай, – деб қичқариб юборди жияни.

Бунга жавобан дон Кихот шундай деди:

– Мен жаҳонгашта рицарь бўлиб туғилганман, шундай бўлиб дунёдан ўтаман.

Гапга сартарош аралашди:

– Муҳтарам сеньорлар, сизлардан ўтиниб сўрайман, менга сўз беринглар. Севильяда бўлиб ўтган арзимас бир воқеани айтиб берай. Ҳозир жуда-жуда ўрнига тушарди-да.

Дон Кихот ижозат берди. Руҳоний ва бошқалар жим бўлишиб, диққат билан қулоқ солдилар, сартарош ҳикоясини бошлади:

– Севилья қишлоғидаги жиннихонада битта тентак ётган экан. Ақлдан озганлиги учун қариндош-уруғлари уни шу ерга келтириб ташлашибди. Бир неча йил азоб тортиб ётгач, ҳалиги жинни ўзининг соф-соғ экани ва ақли-ҳуши жойига келганлигига ишониб, архиепископга мурожаат қилиб хат ёзибди ва ўз хатида марҳаматли тангри эс-ҳушини қайтарганини, энди уни бу зиндондан озод этишини илтижо қилиб ялиниб-ёлворибди. Яна хатида у, мени бу ерга қариндошларим қасддан, мени мол-мулкка шерик қилмаслик илинжида келтириб ташлаган, деб қўшимча қилибди. Бу жиннининг туппа-тузук, бир соғ-саломат одамчалиқ фикрлаб ёзган мактубларини олавериб, унинг соғайиб кетганига қаноат ҳосил қилган

архиепископ жиннихона бошқарувчисининг ҳузурига ўз вакили – капелланни жўнатибди. Капеллан бошқарувчидан бутун воқеани суриштириб билиши, ҳалиги жинни билан учрашмоғи, агар у жинни бўлмай, чиндан ҳам эс-ҳуши жойида бўлса, уни ўзи билан бирга олиб қайтиши лозим экан. Қисқаси, капеллан жиннихонага кепти. Бошқарувчини чақириб, ниятини айтибди. Госпиталь бошлиғи: «Йўқ, ҳали эс-ҳуши жойига келган эмас. Ростдан ҳам у киши баъзан ўзини саломат одамдай тутуди, анча-мунча бамаъни гаплар ҳам айтади. Лекин кўпинча гапларининг ниҳояси ҳуда-беҳуда, бемаъни вайсаш билан тугайди. Дарвоқе, бунга қаноат ҳосил қилиш учун ўзи билан гаплашиб кўрсангиз ҳам бўлади», – дебди. Капеллан амалда синаб кўрмоқчи бўлиб, жинни билан хонани ичкаридан қулфлаб олиб, бир соатдан ортиқроқ суҳбатлашибди. Шу вақт давомида жинни бирор оғиз ножўя гап айтмабди, аксинча, жуда бамаъни, оқилона сўзлашибди.

Буни кўриб, капеллан уни тамоман ақли жойида экан, деб тан олишга мажбур бўлибди. Гап орасида телба ўзининг бу касалхонада туришидан манфаатдор бўлган қариндошлари томонидан бошқарувчининг сотиб олинганини ҳам айтибди. Қисқаси, у бошқарувчини порахўр, қариндошларини эса зиқна, тошбағир одамлар, ўзини эса уларнинг ғаразли ҳийлаи найрангларининг беғуноҳ қурбони қилиб кўрсатибди. Капеллан беморнинг сўзларига ишонибди ва унинг тамоман соғайиб кетганини ўз кўзи билан кўрсин деб, телбани ўзи билан бирга архиепископ ҳузурига олиб кетишга аҳд қилибди. Шунинг учун ҳам у бошқарувчидан беморга эски кийим-бошини беришини сўрабди. Бошқарувчи вакилнинг олдидан яна бир бор ўтиб, ундан ўз қарори ҳақида яхшилаб ўйлаб кўришни илтимос қилибди. Лекин капеллан бошқарувчининг маслаҳат ва огоҳлантиришларига қулоқ солмай, бечорани олиб кетаман деб туриб олибди. Энди бошқарувчининг ҳам жавоб беришдан бошқа чораси қолмаган эди, чунки архиепископнинг амри – госпиталь бошқарувчиси учун

фармон-да. Телбага ўз кийимларини кийдиришибди. Шунда у озод бўлаётганига кўзи етиб, капелландан марҳамат қилиб, жинни ўртоқлари билан хайрлашувига рухсат беришини сўрабди. Вакил розилик берибди-ю, бироқ ўзи ҳам бу ерда қандай кишилар истиқомат қилаётганини бирров кўриб қўйиш ниятида, телбага эргашибди. Бу ерда ҳозир бўлганлардан баъзилари ҳам улар билан биргалашиб боришибди. Озод бўлаётган жинни ашаддий телба, лекин ҳозир жазаваси босилиб, хотиржам даври бошланган жинни ўтирган панжарали хонага яқинлашиб:

– Оға, мен уйимга қайтпман, менга биронта топширигингиз йўқми? Гарчанд мен бунга лойиқ бўлмасам ҳам, парвардигори оламнинг чексиз инояти ва муруввати туфайли ақлим жойига келди. Бир муддат ҳам умидингиздан узмай яратганга илтижо қилаверинг. Вақти-соати келиб, агарда бутун ихлосингиз худога қаратилган бўлса, сиз ҳам мен каби дардингизга шифо топгайсиз, – дебди.

Жабрдийданинг бу нутқини ҳалиги ашаддий жиннинг рўпарасидаги хонада ўтирган телба эшитиб қолибди. У ётган еридан ирғиб туриб, бақирибди:

– Соғайиб, ақли жойига тушиб, уйига кетаётган ким ўзи?

– Бу мен, оға, қайтаётган. Энди бу ерда ўтиришимнинг ҳожати қолмади. Худонинг марҳаматига шукрона келтириб жўнаяпмиз! – деб жавоб берибди бояги жиннимиз.

– Мундоқ яхшилаб ўйлаб боқинг, нималар деяётганингиз ҳақида. Тагин шайтон йўлдан урган бўлмасин, – жавоб берибди телба, – ҳовлиқишнинг кераги йўқ. Жойингизда жимгина ўтираверинг. Кетган билан, бари бир қайтиб келасиз!

– Имоним комилки, соппа-соғман, – эътироз билдирибди жўновчи, – бу ерга эса энди қадам босмайман. Шунча азоб-уқубат тортганим етар.

– Сиз соппа-соғмисиз? Сиз-а? – дебди телба. – Ҳай, майли, кўрармиз ҳали, худо ёр бўлсин. Лекин ўзим

ердаги ноибни бўлган Юпитер ҳақи қасам ичаманки, сизни госпиталдан бўшатиб юбориб қилган биргина гуноҳи учун Севильяни шундай жазолайки, у дунёи бу дунё сира ёддан чиқмайдиган бўлсин, илоҳо омин. Сен ғариб кимса биласанки, бу менинг қўлимдан келади, чунки мен – Чақмоқчақар-Юпитердирманки,<sup>57</sup> жаҳонни қийратиб, унга ҳалокат ва даҳшат келтирадиган ўтли яшинларнинг бари менинг ихтиёримда! Мен бу нодон Севилья қишлоғининг шундай адабини берайки... Шу кун, шу соатдан бошлаб уч йилгача ва шаҳар-у на қишлоққа, на бутун вилоятга бир томчи ёмғир юборайин! Хўш! Сен озодсан, сен соппа-соғсан, сенинг ақли-ҳушинг жойида-ю, мен бўлсам, жинниман, касалман, тутқунман! Ҳа, ерга бир томчи ёмғир юборгунча, осилиб ўламан, осили-иб!!

Атрофдагилар телбанинг қичқириқ ва сўзларини эътибор билан тинглаб туришибди. Фақат озод бўлаётган телбагина капелланнинг тирсагидан тортиб дебди:

– Аччиғингиз келмасин, марҳаматли сеньор, бу жиннини қўяверинг, сўзларига эътибор қилманг, мен сув худоси ва отаси Нептун бўламан, модомики, Юпитер далаларингизни суғормас экан, унда ўзим истаган вақтда, истаганимча ёмғир ёғдириб беравераман.

Капеллан бунга жавобан шундай дебди:

– Ҳар қандай бўлгандаям, сеньор Нептун, сеньор Юпитерни ранжитиш керак эмас. Марҳамат қилиб, ҳозирча шу ерда яшай туринг, қачонки, бўш вақтимиз ва қулай фурсат келиб қолса, яна жанобларини сўроқлаб келармиз.

Бу манзарани кузатиб турган бошқарувчи ва бошқалар хахолаб қулиб юборишибди, бундан капелланнинг газаби қўзиб кетишига сал қолибди. Сўнгра бечора телбага қайтадан касалхона кийимини кийдиришибди, у яна госпиталда қолибди. Бу воқеа шу билан тугабди.

– Шу тобда жуда-жуда ўрнига тушади, деб айтган воқеангиз шуми, жаноб сартарош? – деб сўради дон Кихот. – Эҳ, жаноб сартарош, жаноб сартарош, дарҳақиқат, ғалвирдан қараб туриб ҳам ҳеч нарсани



кўролмаган кишини ҳақиқий сўқир дейиш керак! Мен, жаноб сартарош, Нептун ҳам, сув худоси ҳам эмасман. Ўзимни донишманд ҳам деёлмайман. Мен фақат инсонларга улар ер юзиде жаҳонгашта рицарликнинг бахтиёр замонлари барқарор этилишини тиламасдан нақадар енгилтаклик қилаётганларини тушунтириб қўймоқчиман, холос. Эҳтимолки, бизнинг мажруҳ асримиз илгариги дориламонлик гаштидан маҳрум ва унга нолайиқдир. Бундай гашт ўтмишда, жаҳонгашта рицарлар давлатни мудофаа қилганларида, хотин-қизларни ҳимоя этганларида, етим-есир, ғарибу ғураболарга кўмаклашганларида, мағрурларни жазолаб, мўминларни сийлаганларида ҳақ ва барқарор эди. Ҳозирги рицарлар муқаддас совутларни ипагу барқутга алмаштирганлар. Улар ҳозир тақир, зах ерда тунамайдилар, очиқ ҳавода қолиб жазирама иссиғу аччиқ изғирин азобини тортмайдилар. Ҳозиргиларнинг биронтаси туни билан мишжа қоқмай найзага суяниб, оёғини узангидан олмай, соқчилик қилиб кўрсин-чи! Қилолмади! Эҳ-ҳа, эски вақтларда қанақайди! Айтайлик, рицарь ўрмон чеккасига чиқиб қолди. У тоғдан ошиб ўтиб, кимсасиз денгиз бўйига тушарди. У ерда эшкаксиз, елкансиз, ҳеч қандай анжомлари ва мачтаси бўлмаган бирор қайиқ кўринса бас, таппа сакраб чиқарди-ю, боши оққан томонга қараб сузиб кетаверарди. Даҳшатли тўлқинлар қайиқни чархпалак қилиб кўкка итқитади, яна ҳалокат гирдобиде йўқ қилиб юбормоқчидек пастга ташлайди, лекин рицарь дадил туриб, асов тўлқинлар ва қутурган бўрон билан олишади, ниҳоят, қарабсизки, ватанидан минг-минглаб мил йироқларга бориб келади. Бу бир умр кўрмаган олис ўлкаларда минг бир хил қийинчиликка гирифтор бўлади, зўр-зўр ёвлар билан олишади, кўрмаган азоб-уқубатларни кўради, аммо бари бир, охирида ғалаба қилади ва келгуси авлодлар тилида дoston бўладиган жасоратлар кўрсатади. Бундай рицарларнинг бутун ҳаёти хавф-хатар, машаққату жангу жадалларда ўтган.

Биз-чи? Биз нима кўряпмиз ҳозир? Шижоат устидан танбаллик, меҳнат устидан тараллабедодлик, олижаноблик устидан нуқс, жасурлик устидан сурбетлик тантана қилган замон ҳозир! Жаҳонгашта рицарлик асрида гуллаб, камолга етган ҳарбий шон-шавкат ўрнини эса маккорона ихтиролар эгаллади! Мабодо сўзларимга қўшилмайдиган бўлсангиз, қани менга айтинг-чи, машҳур Амадис Галльскийдан ким ботирроқ? Пальмерин Английскийдан ким оқилроқ? Ким тирант Оқбадандан илтифотлироқ ва эплироқ? Лисуарт Греческийдан ким хушмуомалароқ? Дон Бельянисдан кўпроқ зарба еган ва зарба берган бирон кимса борми? Персион Галльскийдан довюракроқ киши борми оламда? Фелисмарте Гирканскийчалик хавф-хатардан кўп қутулиб кетган одам ким? Эспландиан каби самимий, диққат рицарни биласизми? Дон Сиронхилио Фракийскийдан шижоатлироқ ким бор? Жасоратда Родамонте билан кимни ёнма-ён қўясиз? Доноликда қирол Собрианога ким тенг кела олади? Рейнальдодан дадиароқ рицарь борми? Роланддек енгилмас кишини эшитганмисиз? Бу қаҳрамонларнинг ҳаммаси, – яна алақанчасини мисол келтиришим мумкин, – жаноб руҳоний, жаҳонгашта рицарлар эди. Мен мана шунақа ёки шуларга ўхшаган рицарларни таклиф этишни қиролга маслаҳат берардим, чунки улар ҳазрати олийларига сadoқат билан хизмат қилар, турк султони эса, алампдан сочинини юлган бўлар эди. Илло, назаримда, мен уйда қоладиганга ўхшайман, сабабки, жаноб капеллан мени олиб кетмайдиган кўринади. Сартарош афандим зикр этганидек, магарким Юпитер бизни ёмғирдан маҳрум қилар экан, уни истаган пайтимда ўзим ёғдираман... Буни «кўчирмакаш жом» сеньор гапини тушунганимни билиб қўйсин деб, айтяпман.

Гапга яна руҳоний аралашди:

– Сеньор дон Кихот, сўзларингизни тинглаб ўтириб, менда бир гумон пайдо бўлди. Боядан бери виждонимни кемириб, азоб беряпти. Илтифот кўрсатиб шуни айтишга ижозат берсангиз.

– Сизга наинки буни, яна кўп нарсаларни ҳам айтишга ижозат бериш мумкин. Қани, бизга ўз гумонларингизни баён қилинг, чунки биронтамизнинг виждонимиз нимадандир оғригани инсофдан эмас.

– Ундай бўлса, ижозатингиз билан шубҳаларимни ўртага ташлайман, – сўз бошлади руҳоний, – сеньор дон Кихот, менинг бир нарсага сира-сира ишонгим келмайди. Наҳотки, сиз ҳозиргина ном-баном санаб ўтган жаҳонгашта рицарларнинг яшагани рост бўлса? Наҳотки, улар ҳақиқатан ҳам оддий одамлардай эт билан суякдан тузилган бўлса? Аксинча, наздимда, бу гапларнинг бари уйдирма ва ёлғон, эзгу бир орзудирким, жабрдийда халқ, кўпинча хаёл суриб, тўғрироғи уйқусираб сўзлаб келган улар ҳақида.

– Кўп одамлар гирифтор бўлган янглишувга сиз ҳам учрабсиз, – деб жавоб берди руҳонийнинг бу сўзларига дон Кихот, – лекин, ҳарқалай, сиз билан баҳслашишга ҳам ҳожат йўқ. Мен олдинданоқ айтиб қўйишим мумкинки, Амадис Галльскийни ўз кўзим билан кўрганман: у новча, рангпар, қоп-қора чиройли соқолли, камгап, одамларга гоҳ мулойим, гоҳида хўмрайиб қарайдиган, қаҳри жуда секин келадиган, лекин тез жаҳддан тушадиган одам эди. Мана шу Амадисни қандай таърифлаган бўлсам, юқорида санаб ўтганим бошқа рицарларни ҳам худди шундай тасвишлаб беришим мумкин. Агар улар ҳақида ёзилган романларни диққат билан ўқиб чиқсангиз ва улар кўрсатган жасоратларни эсласангиз, уларнинг ташқи қиёфасини кўз олдингизга келтиришингиз осон, чунки кишининг ташқи қиёфаси ички дунёсига мос бўлади.

– Сеньор дон Кихот, хўш, сизнинг фикрингизча, Морганте полвоннинг бўйи қанақа бўлган, айтиб беролмайсизми? – сўраб қолди сартарош.

– Гарчандки муқаддас китобларда полвонлар дарҳақиқат яшаб ўтганлар, деб ёзишса-да, лекин бу масала ҳалигача чигал. Диний ривоятларда филистимлялик Голиаф деган одам тўғрисида гап кетади.

Унинг бўйи етти ярим тирсак бўлган. Демак, афсонавий паҳлавон дейиш мумкин эди. Бундан ташқари, Сицилия оролида болдир ва елка суяклари топилган. Бу суяклар бўй-басти минорадек келадиган кимсага мансублиги аниқ. Шунда ҳам, бари бир, гарчанд мен унчалик новча эмас, деб ўйласам-да, Моргантенинг бўйи-бастини аниқ айтолмайман. Аммо унинг ҳаёти тафсилотлари берилган ривоятларда, Морганте бир неча бор уйда тунаган, дейилади, модомики, у бемалол кира оладиган уйлар бор экан, демак, уни айтарли даражада баҳайбат гавдали дейиш ноўрин.

– Сиз ҳақсиз, – деди руҳоний. Дон Кихотнинг бемаъни мулоҳазалари унинг учун бир эрмак эди. Шунинг учун у рицаримиздан, Рейнальдо Монтальбанский, Роланд ва бошқа Франция пэрлари, собиқ, жаҳонгашта рицарларнинг ташқи қиёфаси қанақалигини сўради.

– Менинг шу нарсага имоним комилки, – жавоб берди дон Кихот, – Рейнальдо кенг юзли, қирмизи ёноқли, сал ўйноқироқ бақакўзли бир одам бўлган; ниҳоятда гинахон ва қизиққон бу одам қароқчилар ва бузуқ, ярамас одамлар билан ошначилик қилган. Хўш, Роланд, Ротоланд ёки Орландга келганимизда эса – чунки у романларда мана шу уч ном билан аталади – менинг тахминимча, у ўртабўй, яғриндор, сал маймоқ оёқ, буғдойранг, малла соқоли, бадани сертук, қарашлари даҳшатли, ўн гапирганда, бир гапирмайдиган, лекин жуда одобли ва ниҳоятда хушмуомала одам бўлган.

Шу онда дон Кихотнинг эҳтиросли нутқи жияни билан экономаканинг шовқин-сурони туфайли узилиб қолди. Қичқирикни эшитган меҳмонлар ўринларидан ирғиб туриб, ҳовлига отилишди.

## ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

### **САНЧО ПАНСА БИЛАН ДОН КИХОТНИНГ ЖИЯНИ ВА ЭКОНОМКА ЎРТАСИДАГИ МОЖАРО**

Бу орада ҳовлида аломат бир жанжал бошланиб кетган эди, Санчо ўз хўжайинининг олдига кирмоқчи бўлар, ўзини дон Кихотнинг ҳузурига киритишларини талаб қиларди. Бироқ дон Кихотнинг жияни билан экономка уни остонага ҳам яқинлатмай, ҳадеб:

– Бу дайдиваччага бизнинг уйда пишириб қўйибдими! Қани, марҳамат қилиб, бу ердан туёғингизни шиқиллатиб қолинг-чи. Сиз нимаям қилардингиз хўжайинимизнинг олдида, унинг миясини айнитиш-у яна қаёқларгадир етаклаб, сарсон-саргардон қилишдан бошқа нарса қўлингиздан келармиди? – дея бақирди.

– Ёлгон, алвасти экономка! – деб бақирди бунга жавобан Санчо, – мен эмас, бу сенинг хўжайининг миямни айнитиб, йўлдан оздирган. Ўша – сенинг хаёлпараст хўжайининг мени уйимдан жудо қилди. Сенга фалон оролни совға қиламан, деб алақайси гўрларга бошлаб борди. Ўша оролига етишишни ҳануз кутиб ётибман.

– Худоё худовандо ўша лаънати орол бошингни есин, жувонмарг Санчо, – деб чийилларди дон Кихотнинг жияни, – бошингга урасанми ўша оролни? Ё уни пишириб емоқчийдингми, очофат!

– Э-э-э, оролни ҳечам ейишмайди, уни бошқарадилар, – эътироз билдирарди Санчо. – Қани энди, пешонамга битганида-ку, мен уни тўртта шаҳар кенгаши ё бўлмаса ўшанча пойтахт алкальдидан<sup>58</sup> кўра минг марта афзалроқ бошқарардим.

– Бари бир сизни сеньоримизнинг олдига ҳечам қўймаймиз! Бу ердан яхшиликча жўнаб қолинг, сиз қаҳру газабнинг кони, бадхулқларнинг учига чиққанисиз! Бориб ерингизни ҳайданг, рўзгорингизни тебратинг. Орол-пороларни каллангиздан чиқариб ташланг!

Бу даҳанаки жанг руҳоний билан сартарошга ёғдай ёқиб тушган, шунинг учун улар хахолаб қулишарди.

Бироқ дон Кихот, Санчо бўлар-бўлмас гапларни вайсаб, шаънига доғ тушириб қўймаса эди, деган ташвишда хотинларга, меҳмонни ичкари ўтказиб юборинглар, деб қичқирди. Санчо хотинлар ўртасидан ғоз юриш қилиб уйга кирди. Руҳоний билан сартарош эса дон Кихот билан хайрлашиб, бечора идальгонинг жаҳонгашта рицарлик касалидан ўла-ўлгунча қутулолмаслигига қаноат ҳосил қилишиб, уйларига жўнашди.

– Мана, кўрасиз, ошнам, – деди руҳоний сартарошга, – биродаримиз тез кунда яна олам бўйлаб сафарга отланадилар.

– Менинг ҳам бунга имоним комил, – жавоб берди сартарош, – чунки мен рицарнинг аҳмоқлигидан кўра, яроқбардорининг лақмалигидан кўпроқ ажабланыпман: йўқ оролдан шунчалик умид қиляптики, унинг қовоқ калласидан бу фикрни қандай чиқариб ташлаш мумкинлигига ҳайронман.

– Тангри шифосини берсин икковининг, – деди руҳоний. – Қани кўрамиз, рицарь ва яроқбардорининг бу телбалиги қандай оқибатларга олиб бораркин. Назаримда, улар бир-бировлари учун яратилгандек, хўжайиннинг тентаклиги-ю хизматкорининг эса калтафаҳмлиги шундоқ мос тушганки, асти қўяверинг.

– Сиз ҳақсиз, – деди сартарош, – улар ҳозир нималар тўғрисида суҳбат қуришаётганикин, билсак, зап иш бўларди-да.

– Имоним комилки, – жавоб қилди руҳоний, – жияни билан экономка кейин бизга ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб беришади. Бари бир, суҳбатларига қулоқ солишади, уларнинг табиати шунақа ўзи.

Дон Кихот бўлса, Санчо билан ёлғиз қолиб, эшикни қулфлади-да, шундай деди:

– Санчо, сени гўё мен уйингдан жудо қилган эмишман, бу менга оғир ботади. Ахир, биласан-ку, сен каби мен ҳам уйимни ташлаб кетганман. Бирга отландик, бирга дунё кездик, бошимизга тушган оғир-енгиликларни ҳам баҳам кўрдик ва, ниҳоят, башарти сени бир марта чойшабда осмонга улоқтирган бўлсалар, мени юз

марта калтаклашди, мабодо менинг устунлик жойим бўлса, у ҳам – мана шу.

– Аслида ҳам ўшанақа бўлиши керак эди-да, – жавоб берди Санчо, – чунки марҳаматли жанобимизнинг ўзлари айтганларидай, бало-қазоларнинг аксарияти яроқбардордан кўра рицарнинг бошига кўпроқ ёғилади.

– Янглишяпсан, Санчо, – деди дон Кихот, – лотинларнинг бош офриса, бутун аъзойи баданинг зирқирайди, деган мақолини эслагин-а. Гарчандки, мен сенинг хўжайининг ва ҳомийинг эканман, демак, мен – бош, хизматкорим бўлмиш сен эса менинг аъзойимсан. Шундоқ экан, менинг кулфатим, бу – сенинг ҳам кулфатинг, мен сенинг дардингга шерик, сен эса менга ҳамдард бўлмоғинг лозим, Санчо.

– Ҳамиша-ку, худди шундоқ бўлиши кераг-а, – деди Санчо, – аммо-лекин сизнинг аъзойи баданингиздан бири бўлмиш мени чойшабга солиб осмонга ирғитишганда, бош жаноблари ҳамдард бўлиш ўрнига девор ортида ҳеч қаерлари офримай қўл қовуштириб турдилар. Модомики, аъзолар бош офриғини бирга тортишга мажбур эрсалар, унда бош ҳам аъзоларининг офриғига шерик бўлсин-да.

– Наҳотки сени осмонга ирғитишганда менга осон бўлди, деб ўйласанг? – хитоб қилди дон Кихот. – Йўқ, бу таънанг ноўрин. Башарти сен ўша дақиқада жисман азоб чеккан бўлсанг, мен руҳан ундан кўра ортиқроқ эзилдим. Кел, бу нарсаларни қўя турайлик, кейинроқ бафуржа ҳал қилармиз. Яхшиси, дўстим Санчо, менинг ҳақимда қишлоқда қандай сўзлар бор, шундан сўзла. Халқ идальго ва кабальеролар ҳақида қандай фикрда? Ўлиб, йўқ бўлиб кетган жаҳонгашта рицарлик даврини қайта тиклаш борасидаги менинг режаларим ҳақида нималар дейишяпти? Қисқаси, Санчо, қулоғингга қандай гап етган бўлса, ҳаммасини тўкиб сол. Фақат, яхшиликни оширмай, ёмонликни яширмай, бари-барини сўзлаб беришинг шарт! Негаки, садоқатли хизматкорлар ўз сеньорларига бор ҳақиқатни шундай гапириб беришлари лозимки, унда жанобимга ёқмай қолмай тагин, деган

андиша ҳам ёки ортиқча ҳурмат-тавозе юзасидан андавалаш ҳам бўлмасин. Санчо, сен шуни бир билиб қўйки, агарда бизнинг ҳақтўй фикрларимиз мувофиқликсиз, бор ҳолича ҳукмдорларнинг қулоғига етиб борсами, у вақтда бутунлай бошқача замон бўлиб кетарди. Унда ўтган асрларни темир аср, бизнинг замонни эса олтин аср дейилса, бўлаверарди. Бу сўзларни сенга даромад тарзда, сени огоҳлантириб, менга ҳақиқий аҳволни бўямай-нетмай айтиб берарсан, деган мақсадда гапирдим, Санчо.

– Илтимосингизни бажонидил адо этаман, сеньор, – деди Санчо, – лекин, марҳаматли жаноблари менинг сўзларимдан аччиқланмасликлари керак. Ахир, ўзингиз бор ҳақиқатни оширмай ва яширмай, қандай бўлса, шундайлигича айтиб бер, деяпсиз, тўғрими?

– Аччигим чиқмайди, деб ваъда бераман, Санчо, бемалол ва тўппа-тўғри гапираверишинг мумкин, – деди дон Кихот.

– Бўлмаса, тингланг, – деди Санчо, – халқ сиз марҳаматли жанобларини бутунлай ақдан озган, мени эса, кам деганда савдойи бўлиб қолган, деяпти. Идальголар эса, сиз муҳтарам жанобни атиги бир-иккитагина тоқзору икки-уч акра ҳайдаладиган ергагина эга бўлатуриб, ўзини дворян ва рицарь қилиб кўрсатмоқчи, бу тамомила қонунсиз, деган фикрдалар. Кабальеролар эса қандайдир бир идальгонинг, яна ҳамиша ковушини куяга бўяб, қора пайпоқни кўк ипак билан ямаб юрувчи бир идальгонинг ўзлари билан тенглашмоқчи эканлигидан норози бўляптилар. Хулласи калом, яроқбардорликкагина яроқли эмишсиз.

– Бу гапларнинг менга дахли йўқ, мен ҳеч қачон ямоқ кийим киймайман, ҳамма вақт яхши кийиниб юраман.

– Хўш, сизнинг шон-шавкатингиз, одобингиз, жасоратингиз, тадбиркорлигингизга келганда эса, турли хил фикрлар юрибди. Бировлар «тентаг-у, аммо эътиборингни ўзига тортади», деса, бошқа бировлар «ботир-у, лекин омади юришмаган», дейишяпти. Яна бир хил кишилар «тадбирли-ю, бироқ ақдан озиб қолган-да», деган фикрдалар. Буни эшитган одамлар бири олиб,



бири қўйиб, гап қиялптиларки, натижада сиз иноятли жанобим билан иккимизнинг соғ жойимиз қолмайдиганга ўхшайди.

– Шу нарса ёдингда бўлсинки, Санчо, – деди бунга жавобан дон Кихот, – ҳамиша бирор кимса саховат чўққисига чиқиб қолса борми, уни доим таъқиб этишга киришадилар. Ҳа, ҳа, ўтмишдаги машҳур ва манзур одамларнинг бирортаси ҳам туҳмат ва ғийбатдан қутулолган эмас. Масалан, Юлий Цезарни олайлик. Ботирларнинг ботири, бағоят донишманд ва жасур лашкарбоши бўлган шундай одамни ҳам амалпарастлигу нопокликда айблашган. Ўз хизмати маҳоратлари билан Буюк деган ном олган Искандар ҳақида ароқхўр деб гап тарқатишган. Дон Галаорни ўтакетган жанжалкаш, унинг акаси, машҳур Амадис Галльскийни, ҳатто йиғлоқи деб ғийбат қилганлар. Ана шунинг учун ҳам, Санчо, бундай ёлғон-яшиқ гаплар бир пақирга қиммат эканлигини ҳамма билади. Лекин эҳтимол, бор гапни ҳали айтиб бўлмагандирсан, Санчо?

– Ҳамма бало ҳам ана шунда-да, қуриб кетсин, падари бузрукворим! – деб жавоб қилди Санчо.

– Демак, ҳамма гап бугина эмас, шундайми? – сўради дон Кихот.

– Йўқ, гапнинг нордони ҳали чиққани йўқ, – деди Санчо. – Шу тобгача айтганларимнинг бари ҳолва эди. Мабодо, марҳаматли жаноб, ўзингиз ҳақингиздаги ғийбатларни тўла-тўкис эшитаман десангиз, мен ҳозир ҳузурингизга шундай бир кишини бошлаб келаманки, у сизга оқизмай-томизмай ҳамма нарсани айтиб беради. Кеча кечқурун Бартоломе Каррасконинг ўғли Саламанкадан қайтиб келди. У бакалавр<sup>59</sup> унвонини олибди. Мен уни табриклагани борсам, у «Уддабурро идальго ламанчлик дон Кихот» деган китоб чиқди, деб қолди. Китобда сиз билан менинг бутун саргузаштларим тасвирланган эмиш. Ҳатто иккаламизнинг қандай воқеаларга қачон гувоҳ бўлганимиз, ўзаро суҳбатларимиз сўзма-сўз баён қилинганмиш. Бу гапларни эшитиб, буларни қаёқдан била қолибди деб, муаллифга ҳайрон қолдим. Айни

пайтда қўрқиб кетганимдан бир неча марта чўқиниб ҳам олдим. Ўша бакалаврни бир кўриб қўймайдиларми, муҳтарам жаноблари, истасангиз қўз юмиб-очгунча бошлаб келардим-да.

– Агар чақириб келсанг, мени ниҳоят қувонтирган бўлардинг, дўстгинам, – деди дон Кихот. – Сўзларингга жуда қизиқиб қолдим. Энди бутун гапни аниқ-равшан биламагунимча, томоғимдан овқат ўтмайди.

– Бўлмаса, айтиб кела қолай уни, – деди Санчо.

### ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

#### **ДОН КИХОТ, САНЧО ПАНСА ВА БАКАЛАВР САМСОН КАРРАСКО ЎРТАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН СУХБАТ**

Дон Кихот ажойиб китоб тўғрисида батафсил гапириб берадиган бакалавр Карраскони кутиб, чуқур хаёли суриб ўтирди. У ўзи кўрсатган жасурликлар матбуотда ҳам чиққанлигидан ниҳоятда таажжубланар, бу китобни бирор донишманд-сеҳргар ёзган бўлса ажаб эмас, деб ўйларди. Кейин Дульсинея ҳам бу китобга киритилган бўлса керак, албатта, деган фикр хаёлига келиб, у ҳақда ортиқча бирор гап айтиб юборилмадимикан, деб ташвишлана бошлади.

У ана шундай хаёлларга чўмиб ўтирганида Самсон Карраскони эргаштириб Санчо ҳам етиб келди. Дон Кихот Самсонни камоли ҳурмат ва илтифот билан кутиб олди.

Бакалавр, гарчанд исми Самсон бўлса-да, паст бўйли, кулча юзли, пучуқ ва оғзи катта бир кимса бўлиб, кўринишидан ҳазил-мутойибага, ҳар хил шўхликларга ўчга ўхшарди.

Дон Кихотни кўриши биланоқ у дарров тиз чўкиб, шундай деди:

– О, сеньор ламанчлик дон Кихот, қўлингизни ўпиш учун рухсат бериб, мени удуғ мурувватингиздан баҳраманд қилгайсизки, зотан, Саламанка универси-

тетининг бакалаври шаънига қасам ичиб айтаман, сиз марҳаматли жаноб, ер юзини қачонлардир кезиб чиққан ёки энди кезиб чиқадиган ҳамма жаҳонгашта рицарларнинг энг машҳурисиз. Худоё худовандо сизнинг улуғ қахрамонликларингизни ёзиб чиққан Саид Амет Бененчелини<sup>60</sup> ўз паноҳида асрасин. Бу китобни араб тилидан ўзимизнинг испанчага ағдариб, жаҳон аҳлига эрмак топиб берган олиҳиммат одам боласига ҳам эгамнинг меҳр-шафқати ёғилсин.

Дон Кихот унга ўрнидан туришни буюрди ва:

– Наҳотки менинг тарихим ёзилгани рост, тагин унинг муаллифи донишманд араб бўлса? – деб сўради.

– Ҳа, худди шундоқ, олиҳиммат сеньор, – деди Самсон, – ҳозиргача бу китоб ўн икки мингга яқин нусхада босиб чиқарилди. Ўзингиз бир кўринг-а: китоб Португалияда, Барселонада, Валенсияда нашр этилган. Айтишларига қараганда, ҳозир Антверпенда ҳам нашр этилаётганмиш. Ўйлайманки, ҳаш-паш дегунча дунёдаги халқларнинг ҳаммаси ўз тилларига таржима қилиб олишса керак.

– Саховатли ва олижаноб киши ўзи ҳаётлигидаёқ жаҳон бўйлаб яхши донг таратганидан шод бўлмоғи керак, – деди бунга жавобан дон Кихот, – қайтариб айтаман: яхши ном чиқариш. Чунки ёмон ном чиқариш – бу ўлимдан ҳам баттар.

– Ҳеч қачон жаҳонгашта рицарларнинг бирортаси сизчалик яхши ном чиқариб, бунчалик донг таратган эмас, – такалуф билан деди бакалавр. – Хавф-хатарларни енгишда сиз каби жасорат кўрсата оладиган, мушкулотларга, бахтсизлик ва жароҳатларга сиздек бардош бера оладиган матонатли, сеньора донья Дульсиняя Тобосскаяга содиқликда марҳаматли жанобингизга тенг келадиган бирор кимса йўқ.

– Мен, – дарҳол гапга аралашди Санчо Панса, – сеньора Дульсиняяни «донья» деб аташганини ҳеч қачон эшитмаганман. У кишини тўғридан-тўғри «сеньора Дульсиняя Тобосская» деб аташади.

– Ўтирозингиз ўринсиз, – деди Карраско.

– Албатта, ўринсиз, – деб қувватлади уни дон Кихот, – лекин марҳаматли сеньор бакалавр, айтинг-чи менга, тарихимни ўқиганлар мен кўрсатган қаҳрамонликларнинг қай бирини кўпроқ мақташяпти?

– Бу борада ҳар хил фикрлар бор, чунки кишиларнинг диди ҳам турли-туман бўлади: айтайлик, баъзилар шамол тегирмонлари билан содир бўлган саргузаштларингизни мақташса, бошқаларга мовут дастгоҳлари билан рўй берган воқеалар кўпроқ ёқяпти; кўпчиликка эса, аслида қўй сурувлари бўлган икки лашкар ўртасидаги жанг, айниқса, маъқул тушяпти; яна бошқа бировлар кўмиш маросими билан савдоларни кўкка кўтариб мақташяпти. Шунингдек, бандиларни озод қилишдаги довюраклигингизу машҳур бискайлик билан юзма-юз олишувингиз ҳам ҳаммани танг қолдирыпти.

– Марҳамат қилиб айтинг-чи, сеньор бакалавр, – яна гапга аралашди Санчо, – янгуэслик хачир ҳайдовчилар билан бўлган ғаройиб саргузаштларимиз, барака топкур Росинантнинг қариганда шўхлик қилмоқчи бўлганлариям китобга кирибдими?

– Бу китобда ҳамма воқеа бор! – хитоб қилди Самсон. – Доно муаллиф саргузаштларингизнинг биронтасини ҳам тушириб қолдирмабди. У киши, ҳатто бағрикенг Санчонинг қандай қилиб чойшабда учганини ҳам ёзибди.

– Мен ҳечам чойшабда учмаганман, – шу заҳоти эътироз билдирди Санчо, – мен, авваламбор, ҳавода, шунда ҳам ўзим хоҳлаганимдан узоқроқ учганман.

– Менимча эса, – деди дон Кихот, – ҳар бир кишининг ҳаётида муваффақиятсизлик ва хунук кўргиликлари бўлади, айниқса, жаҳонгашта рицарнинг турмушида. Шундай экан, донишманд ёзувчи фақат муваффақиятлар тўғрисидагина эмас, катта-кичик камчилик ва хатоларни ҳам, албатта, айтиб ўтиши керак.

– Бироқ, – сўзини давом эттирди бакалавр, – баъзи ўқимишли китобхонлар жанг пайтида сеньор дон Кихот жаноблари армонсиз татиб кўрган сон-саноқсиз таёқ зарбларини муаллиф тасвирламаслигини маъқул кўришади.

– Ахир тарих дегани ҳаққоний бўлиши керак-да! – деб қўйди Санчо.

– Тўғри-ю, лекин бари бир бундай майда-чуйдалар ҳақида тўхтаб юрилмаса ҳам бўларди! – гап ташлади дон Кихот. – Қаҳрамоннинг обрўсига путур етказадиган баъзи бир тафсилотлар айтилмаса ҳам, китобнинг ростгўйлиги сира бузилмасди. Ахир, ростини айтганда, Эней Виргилий айтганчалик тақводор, Улисс эса Гомер тасвирлаганидек унчалик ҳам уддабуро эмас-ку!

– Тўппа-тўғри, – жавоб берди Самсон, – аммо-лекин дoston бошқа-ю, тарих бошқа-да. Шоир ҳодисаларни ўзининг фикрича, қандай бўлиши лозим бўлса, шундай ёзади. Тарихчи эса, воқеаларни рўйи-рост, қай ҳолда ўтган бўлса, шундайлигича, қўшиб-чатмай, тушириб қолдирмай ёзиши керак.

– Хўш, модомики, бу билимдон араб бир гапни оқизмай-томизмай ёзиши зарур бўлса, у ҳолда бизнинг хўжайин татиб кўрган калтаклар каби мен еган таёқларни ҳам эслаган бўлмоғи керак. Зотан, таёқ билан у улур зотнинг елкаларигагина туширишган бўлса, каминага келганда марҳаматларини аямай аъзойи баданимни зирқиратиб савалашди. Дарвоқе, бунга ажабланмаса ҳам бўлади, хўжайиним айтганларидек, шохга урганда туёқ зирқирайди.

– Шаккоксан-да, Санчо, – деди дон Кихот, – ўзингга керак бўлса, хотиранг ярақлаб туради.

– Қани, энди, менга қолса-ю, тўқмоқларни унутиб юборсам, – жавоб қилди Санчо, – бироқ бадандаги моматалоқ гашимга тегяпти, ҳанузгача биқинларим офрияпти.

– Бир оз тинч тур, Санчо, – деди дон Кихот, – сеньор бакалаврнинг сўзини бўлма. Бу киши китобда мен ҳақимда яна нималар ёзганини айтиб берсинлар.

– Мен ҳақимда ҳам, – деди Санчо, – ахир мен бу тарихнинг асосий шахсларидан бириман-ку.

– Бу тарихда агар сиз иккинчи шахс ҳисобланмангиз, Санчо, – деди бакалавр, – Худонинг қаҳрига учраганим бўлсин. Ҳатто шундай одамлар ҳам учрай-

дики, улар бош қаҳрамондан кўра сиз ҳақингизда кўпроқ ўқишни истайдилар. Дарвоқе, баъзилар эса, сизни ўзингизнинг ўта соддалигингиздан сеньор дон Кихот ваъда қилган орол губернаторлигига лаққа ишонган-қўйган, дейди,

– Яна бир оз сабр қилиш керак, бахт қуёшининг порлашига ҳозирча фурсат бор, – деди дон Кихот. – Йиллар ўтиши билан Санчонинг тажрибаси ортади ва ана ўшанда оролни бошқаришга ҳозиргидан кўра анча уқувлироқ бўлиб қолади.

– Тангри ҳақи қасамёд этаманки, сеньор, – эътироз билдирди Санчо, – агар оролни бошқаришга ҳозир қодир бўлмасам, демак, Мафусаил ёшига<sup>61</sup> кирганимда ҳам уни идора эта олмас эканман. Гап менинг уқувимда эмас, балки ваъда этилаётган оролнинг мавҳумлигидадир.

– Яратганга ишон, шукр қил, Санчо, – деди дон Кихот, – ҳамма нарса сен ўйлагандан ҳам зиёда бўлиши мумкин, зотан, Худойи каримнинг амрисиз дарахтдан бирор япроқ ҳам узилиб тушмайди.

– Ҳақ рост, – илова қилди Самсон, – Худо марҳамат қилгудай бўлса, Санчо бир оролни эмас, балки минглаб оролни бошқариши мумкин.

– Мен кўп тоифа губернаторларни кўрганман, – деди Санчо, – ҳаммасини йиғиштириб келганда, менинг бир тукимга ҳам арзимайди, лекин уларни сеньор деб улуғлашади, улар кумуш идишларда овқатланишади.

– Улар орол губернаторлари эмас, – эътироз билдирди Самсон, – улар кичикроқ мулкни бошқарадиган кишилар; орол губернаторлари эса ҳеч бўлмаганда грамматикани билишлари керак.

– Бу соҳада мен ҳеч нарса билмайман, – деди Санчо. – Келинг, менинг губернаторлигимни худонинг ихтиёрига қўйиб қўяйлик. У мени қаерга раво кўрса, ўша ерга юборар. Бошқа масалага кўчсак, сеньор бакалавр Самсон Карраско. Менинг қилмиш-кечмишларим китобхонга ёқиб тушганидан мамнунман. Умуман, агар одамлар бизнинг қиссамизни ўқиб, мақташаётган бўлсалар, жуда соз.

– Шундай, Санчо, хўжайинингизнинг қиссаси китобхонларга жуда ёқиб тушади. Бироқ улардан баъзилари доно Саид Бененчелидан хурсанд эмаслар, сабаби: сиз Сиерра Моренада топиб олган жомадондаги пулни нима қилганлигингиз ҳақида ҳеч нарса демаган. Ваҳоланки, кўпчилик ўша пулларни нима қилганлигингизни билишни истайди.

Бунга Санчо шундай жавоб қилди:

– Сеньор Самсон, мен ҳозир ҳисоб-китоб қилишга қодир эмасман, нега десангиз, бирдан қорнимнинг жуда мазаси қочиб қолди, агар бир қултум бақувватроқ вино билан ўзимни сийлаб олмасам бўлмайди. Рухсатингиз билан уйга физиллаб бориб келаман, у ерда хотиним билан вино қуйилган фляга менга маҳтал бўлиб турипти. Бир оз тамадди қилиб қайтиб келаман-да, сўнгра пулларни нима қилганимни сўзлаб бераман.

Санчо жавобни ҳам кутиб ўтирмай, шу заҳотиёқ уйига жўнаб қолди.

Дон Кихот бакалаврни қолишга ва озгинагина бўлса ҳам, овқатни баҳам кўришни илтимос қилди. Бакалавр таклифни қабул қилди. Одатдаги таомга бир жуфт кабутар ҳам қўшилди; ўтиришда рицарлик ҳақида гап кетди ва айёр Карраско усталик билан дон Кихотнинг пинжига кириб, ғалати ишларга қойил қолгандек бўларди; зиёфатдан сўнг мезбон ва меҳмон ҳордиқ чиқариш учун ёнбошлади. Кўп ўтмай Санчо қайтиб келди ва бўлинган суҳбат яна уланиб кетди.

Санчо биринчи бўлиб сўз бошлади:

– Сиерра Морена дарасидан топган пулларимизни нима қилганлигимни сеньор Самсон билмоқчи эдилар. Хўп, айтақолай, мен пулларни ўзимга, хотинимга ва болаларимга харж қилдим. Шу сабабдан ўз хўжалигимни ташлаб, жаноби дон Кихот билан бирга беҳуда дайдиб юрганим учун хотиним мени койимайди. Мабодо уйга ҳамёним қуруқ қайтиб кўрай-чи, унда ёруғ дунёдан қувлаб соларди. Мен ҳақимда яна бошқа бирор нарса билмоқчимисиз – марҳамат. Мана мен, қаршингизда турибман, ҳатто қирол олдида ҳам жавоб беришга

тайёрман. Дарвоқе, сирасини айтганда, менинг пул топганим ёки топмаганим, сарфлаганим ёки сарфлаганимнинг кимга қанчалик дахли бор, ахир? Бу сафару саргузаштларимиз давомида бошимга ёғилган калтакларнинг ҳар бирига тўрт мараведисдан тўлаганда ҳам мен яна камида юз червонча олишим керак. Майли, аввало, ҳар ким қўлини кўксига қўйсин-у, сўнгра оқни қораю қорани оқ деб айтиб кўрсин. Ҳаммамиз ҳам худо қандай яратган бўлса, ўшандаймиз, баъзан эса ундан ҳам баттарроқмиз.

– Марҳамат қилиб айтинг-чи, – дон Кихот ўзининг маҳмадона яроқбардорининг сўзини бўлиб, – муаллиф китобнинг иккинчи қисмини чиқаришни ваъда қилган эмасми, мабодо?

– Ҳа, ваъда қилган, – жавоб берди Самсон. – Лекин китоб учун қаердан маълумот олишни билмаяпти. Бўлмаса иккинчи ва, ҳатто учинчи қисмини ҳам бажонидил чиқарар эди у. Ахир, китоб унга катта даромад келтиради.

Шу пайт Санчо яна гапга аралашди ва шундай деди:

– Майли, у сеньор мавр ёки бошқача аташадими уни, ҳарқалай яхшироқ ҳаракат қилсин. Биз бўлсак менинг хўжайиним билан унинг учун шундай саргузаштларни тайёрлаб қўямизки, у иккинчи қисминигина эмас, балки юз қисмининг барисини ёзиши мумкин. Ўша олижаноб одам бизни бу ерда сомонга ағанаб мудраб ётишгандир деб ўйласа керак. У одам бизни туёқларимизни зинфиллатишаётганларида кўрганда эди, қайси оёғимиз оқшанини билиб оларди. Ҳозирча шуни айтмоқчиман; сеньор рицарь маслаҳатимга қулоқ солганида, биз аллақачонлар баҳаво далаларда сайр қилиб, камситилганларни, адолатни ҳимоя қилиб юрган бўлардик.

Худди шу пайт Росинантнинг кишнаган овози суҳбатдошларимиз қулоғига чалиниб қолди. Дон Кихот отнинг бу кишнашини яхшилиқдан нишона деб билди ва уч-тўрт кунлик осойишта ҳаётдан сўнг яна йўлга тушишга қарор қилди. У ўз қарорини бакалаврга айтиб, ундан қайси



томонга юриш маъқул бўларкин деб маслаҳат сўради. Сеньор Карраско рицаримизни бундай жасорат учун мақтади. Лекин у имкони борича ўзини эҳтиёт қилиши зарурлигини таъкидлади, чунки идальгонинг ҳаёти ўзи учун эмас, балки унинг ёрдами ва ҳимоясига муҳтож бўлган бахтсизлар учун зарурлигини айтди. Сўнгра у дон Кихотга Арагон қиролигига, муқаддас Георгий кунда тантанали мусобақа бўладиган Сарагосса шаҳрига боришни маслаҳат берди<sup>62</sup>. У ерда дон Кихот арагон рицарлари билан мардонавор олишиши ва енгиши мумкин. Бу эса жаҳондаги жамики рицарлардан устун чиқиш ва шон-шуҳрат таратиш демакдир.

– Сиз, сеньор Самсон, билмасангиз керак, – гапга аралашди шу заҳоти Санчо, – менинг хўжайиним мазахўрак бола бир тўп қовунни кўриб қолиб қандай ташланса, юзларча қурооланган душман устига шунчалик шоша-пиша ташланади. Бироқ қуриб кетсин, нафсиламрини айтганда, сиз ҳақсиз, сеньор бакалавр, ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор! Баъзан ҳужум этмоқ, баъзан чекинмоқ керак. Бунинг устига мен, агар янглишмаётган бўлсам, худди хўжайинимнинг ўзгинасидан: ботирлик икки нарсанинг, яъни қўрқоқлик ва тентакликнинг қоқ ўртасида туради, деган гапни эшитганман. Агар шундай бўладиган бўлса, бекордан-бекорга, сабабсиз қочиш, душман куч жиҳатидан устун турган бир пайтда ҳамла қилиш керак эмас. Ҳар эҳтимолга кўра олдиндан айтиб қўйяпман: агар хўжайиним мени ўзлари билан олиб кетишни ихтиёр қилсалар, мен фақат бир шарт билангина рози бўлишим мумкин: яъни жангни шахсан ўзлари қиладилар, мен бўлсам, у кишининг кийим-кечаги тоза ва қоринлари тўқ бўлишини ўз зиммасига оламан. У киши мени ҳеч бўлмаганда, энг разил қароқчиларга қарши тиф кўтарар деб ҳам ўйламасин! Мен, сеньор Самсон, ўз жасоратим билан эмас, балки жаҳонгашта рицарларга хизмат қилган барча яроқбардорлар ичида ўзимнинг ўта ғамхўр ва содиқ яроқбардорлигим билан шуҳрат қозонмоқчиман. Агар хўжайиним дон Кихот узоқ вақт қилган садоқатли

хизматларим эвазига – менга орол инъом этса, ундан гоят миннатдор бўламан. Мабодо инъом этмаса, нима ҳам қилардим, мен – инсонман, инсон эса бу ёруғ дунёда худодан бошқа ҳеч кимдан умид қилмайди. Дарвоқе, ким билсин, балки бир бурда нон губернаторга қараганда оддий кишига мазалироқ туюлиши муқаррардир. Ким билсин, балки худди ўша губернаторликда шайтон оғзидаги тишларим биттаси ҳам қолмай синсин деб, мени чалиб юбормоқчидир? Мен Санчо бўлиб туғилганман, Санчолигимча оламдан ўтишни истайман. Лекин мабодо ортиқча хавф-хатар, ташвиш орттирмай, осмондан тап этиб орол тушиб қолгудай бўлса, мен ундан воз кечадиган тентаклардан эмасман. Ахир, сигир берсалар, тизгинга чоп, оёғинг тагидан ёмби чиқиб қолса, тўппа-тўғри уйингга юмалат, деб бекорга айтмайдилар-ку.

– Сиз, биродар Санчо, ўз фикрингизни профессордек баён қилдингиз, – деди Карраско. – Худойи таолога астойдил илтижо қилинг-у, сеньор дон Кихотга ишонинг: у киши сизга оролгина эмас, балки бутун бошли қироликни тортиқ қилади.

– Ҳа, майли, – деди Санчо, – сеньор Карраскога журъат этиб айтаманки, қироликни ҳадя этиш уни тубсиз жарга ташлаш деган гап эмас. Мен ўз аҳволимни биламан: саломатлигим қироликлар ва оролларни бошқаришга бардош беради.

– Эҳтиёт бўлинг, Санчо, – деди Самсон, – мартаба феъл-атворни ўзгартиб юборади. Губернатор бўлиб олгандан кейин туққан онангиздан ҳам юз ўгиришингиз мумкин.

– Мен унақалардан эмасман, – деди Санчо. – Онам ҳақиқий насроний, мен ҳам ҳақиқий насронийман, шундай экан ундан хижолат чекадиган жойим йўқ. Мен билан яқинроқ танишганингиздан сўнг нонкўрлардан эмаслигимни билиб оласиз.

– Худо хоҳласа, губернатор бўлганингда кўрамиз, губернаторлик эса узоқ эмас, – деди дон Кихот.

Сўнгра дон Кихот бир ҳафтадан кейин йўлга чиқшини айтди. У бу ишни, айниқса, руҳоний билан уста Николасдан, шунингдек, жияни ва экономадан сир

тутиб туришни бакалаврдан илтимос қилди, токи улар олижаноб ҳамда мардона режасига халал беришмасин. Карраско бунга ваъда берди ва дон Кихот билан хайрлашиб чиқиб кетди.

### ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

#### **САНЧО ПАНСА ВА УНИНГ ХОТИНИ ТЕРЕСА ПАНСА ЎРТАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ОҚИЛОНА ВА ФАЛАТИ СУҲБАТЛАР**

Санчо уйга шод-хуррам қайтди, буни олисданоқ сезган хотини дарҳол сўради:

– Нима бўлди сизга, дўстим Санчо, намуноча вақтингиз чоғ?

– Хотинжон, худо худолигини қилса-ю, сенга туюлгандек вақти чоғликдан мени халос этса, қанийди энди.

– Тушунолмаяпман, эржон, – деди хотини, – ҳеч нарсани тушунолмаяпман – Худо худолигини қилса-ю, сизни шодликдан халос этса, нима деганингиз? Гарчи мен саводсиз бир аёл бўлсам ҳам, ҳар ҳолда, хурсанд, мамнун бўлиш ҳар кимга маъқул тушишини биламан.

– Модомики тушунмас экансиз, Тереса хоним, ижозат этгайсиз, мен сизга тушунтириб бераман, – деди Санчо. – Қувончимнинг боиси шундаки, мен яна саргузашт излашни ихтиёр қилган хўжайиним дон Кихот хизматига қайтиб боришга қарор қилдим. Менинг яроқбардорлик лавозимим у билан бирга юришни тақозо этади, бундан ташқари, яна бир неча юз червон қўлга туширишни қаттиқ мўлжал қилганман. Айни вақтда сени ва болаларни ташлаб кетиш менга анча оғир бўляпти. Агар худо шафқат қилиб, бирор кимса оёқ босмаган йўларда дайдимай, оёқларим тийилиб, ўз уйимда бир бурда нонни бемалол топа олганимда эди, қувончим барқарорроқ бўларди. Ҳозир бўлса, ўртамизга тушадиган жудолик қувончини заҳар қияпти. Мана шунинг учун мен худо худолигини қилса-ю, мени қувончдан халос этса, кўнгилдагидек бўларди, деган эдим.

– Биласизми, Санчо, – деди Тереса, – жаҳонгашта рицарликка кирганингиздан бери шундай гапирадиган бўлдингизки, сўзларингизни ҳеч ким тушуна олмайди.

– Тангри тушунадими, бас, хотинжон, – деди Санчо, – дарвоқе, дунёдаги ҳамма нарса унга аён. Онаси, маълумингиз бўлсинким, бир кеча кун эшагимни яхшигина парвариш қилишларига тўғри келади, токи, у жангга шай бир ҳолга келсин. Сулини икки баравар кўпроқ беринг, эгар-жабдуқларини кўздан кечиринг – ахир, биз тўй-томошага кетаётганимиз йўқ-да. Бутун жаҳонни айланишга, девлар ва даҳшатли махлуқлар билан олишишга, вишилаган, ўкирган, маъраган, додлаган овозларни эшитишга тўғри келади. Агар хачир ҳайдовчилар, подачилар ва сургундан қутқарилганларга дуч келганимизда-ю, булар ҳаммаси айтишга арзийдиган хавф-хатар бўла олмасди.

– Кўриб турибман, эржон, – деди Тереса, – жаҳонгашта рицарларнинг яроқбардорлари ейдиган нон ҳам ҳалол экан. Мен бундай фалокатлардан сизни тезроқ халос этишни илтижо қиламан тангридан.

– Ростини айтсам, хотинжон, – деди Санчо, – агар яқин орада орол губернатори бўлишга ишонмаганимда эди, яна сафарга чиқишдан кўра шу ерда ўлганим афзалроқ эди.

– Нималар деяпсиз, азиз эржоним, – хитоб қилди Тереса, – гапингизни ел учирсин-э! Илоё соғ-саломат бўлинг, ўша губернаторлигини кўтарсин. Губернатор бўлиб туғилганмидингиз, шу кунгача губернатор бўлмай яшаб келдингиз, вақти-соатингиз битганда, губернатор бўлмай ҳам, у дунёга кетасиз. Ахир, ёруғ дунёдагиларнинг ҳаммаси губернатор эмас-ку! Шундай бўлса ҳам, ҳар кимнинг кунни ўтяпти, ҳамма ҳам бирдек одам. Менга қаранг, Санчо, борди-ю сиз тасодифан губернатор бўлиб қолсангиз, мени ва болаларингизни унутманг, яна шу нарса эсингизда бўлсин, Санчико ўн бешга кирди; ўғлимизнинг мактабга борадиган вақти келди. Аббат ота уни руҳоний қилишга ваъда берган. Қизингиз Мирисанчани яқин орада узатишимиз керак, буни ҳам унутманг.

– Агар худо губернаторликка ўхшаш бир лавозимга етказса, хотинжон, ана ўшанда мен Марисанчани албатта шунақанги амалдор тўрага бераманки, қизимизни фақат сеньора деб чақиришадиган бўлишади, – деди Санчо.

– А, йуф-а, Санчо, – жавоб қилди Тереса, – уни оддий кишига беринг. Бўлмаса қизимиз ёғоч кавуш ўрнига баланд пошна туфли кийиши, мовут юбка ўрнига фижда ва ипак кўйлақлар кийиши зарур бўлиб қолади. Агар у Марикадан доньяю сеньорага айланиб қолса борми, тамомила ўзини йўқотиб қўяди, ҳар қадамда панд ейди. Ана ўшанда унинг қўпол қишлоқи қиз эканини ҳар қандай одам ҳам билиб олади ва юзига солади.

– Овозингни ўчир, тентак, – гапини бўлди Санчо, – майли, икки-уч йил ипак ва бахмаллар кийиб юрсин, кейинчалик бундай мумтозлик, ҳашамат бинойидек ярашади-қолади, ярашмаса ҳам, ҳечқиси йўқ! Аввало, бека бўлиб олгин, у ёғи ўз-ўзидан бўлаверади.

– Тенг-тенги билан, тезак қопи билан-да, Санчо, – деди Тереса, – осилсанг, баланд дорга осил, деб оёғингиз ердан узилиб қолмасин тагин, кўрпангга қараб оёқ узат, деган мақолни эсдан чиқарманг. Топган гапингизни қаранг-у, Марисанчани алақандай графгами ёки рицаргами бериш керак эмиш, кейин эри уни қишлоқи, қўпол, тўнка деб камситсин-а. Йўқ, эржон, худо ҳақи, мен бу мақсадда қиз ўстирганим йўқ! Сиз кўпроқ пул ишлашни билаверинг. Санчо, қизни узатишни эса менга қўйиб қўйинг, аралашманг. Қишлоғимизда меҳнаткаш, барваста йигитча бор, уни ҳамма билади, йигитча қизимизга тез-тез кўз ташлаб туради. Қизимизнинг тенги ана шу йигит, қизимизнинг бахти очилади, кўз олдимизда бўлишади, ҳаммамиз: ота-оналар, болалар, куёву набиралар билан бир жойда бўламиз; ана шунда дунёнинг лаззатию худонинг марҳаматидан баҳраманд бўламиз. Уни пойтахтдаги ёки ҳашаматли саройдагиларга эрга беришнинг асло ҳожати йўқ, у ердагилар қизимизнинг сўзларини тушунишмайди, у ҳам ҳеч нарсани фарқ қила олмайди, ахир.

– Овозингни ўчир, шайтон! – ўшқирди Санчо. – Қизимизнинг мўътабар зотга беришимга қаршилиқ кўрсатиш фикри бошинга қаёқдан ўрнашиб олди ўзи? Ҳа, набираларимизни сенъор деб аташса, сенга малол келадими? Биласанми Тереса, эскиларнинг шундай гапи бор: «Қўлингга келиб қўнган бахт қушидан фойдалана олмасанг, вақтни бой берсанг, кейинги аттангинг асқатмайди». Бахт – омаднинг ўзи эшигимизни тақиллатиб келган экан, очишимиз керак. Бахт отига минган эканмиз, қўявер, бизни илгари олиб кетаверсин. Агар мен сердаромад губернаторликни қўлга киритсам ва ниҳоят, ботқоқликдан холи бўлсам, наҳотки, бу сенга ёқмаса-я? – сўзини давом эттирди Санчо. – Ахир Марисанчани амалдор сенъорга берсам, ҳамма сени донъя Тереса Панса деб улуғлашади-ку, ахир, черковда ўтирадиган жойнинг гиламу парёстиғи бўлади, қишлоғимиздага дворян аёлларнинг ҳасаддан ичлари ёниб ўлади-ку. Агар маъқул бўлмаса, ўтирган жойингда ўтиравер. Лекин шуни билгинки, хотин, ҳар қанча қаршилиқ қилмагин, бари бир қизим Марисанча графиня бўлади.

– Нима деяётганингизни ўйлаб айтяпсизми, эржон, – деди Тереса. – Ишқилиб, бу графлик қизимизнинг бошига ҳалокат келтирмаса, гўрга эди! Хоҳлаганингизни қилинг, герцогга берасизми, шаҳзодага берасизми – кимга берсангиз бераверинг, лекин шуни билиб қўйингки, мен у дунёю бу дунё бунга рози бўлмайман. Мен оддий одамларданман, кибру ҳавога тоқатим йўқ. Чўқинтириш вақтида менга ўша дон-понларсиз оддийгина, покизагина Тереса деб ном қўйишган. Отамни Каскахо дердилар, қизлигимда Тереса Каскахо эдим, ҳозир эса Тереса Пансаман. Шунинг ўзи менга кифоя, донъя фалончи дейишларини ҳеч истамайман. Мени маломат, ифво қилишларига тоқатим йўқ, ахир, мен графиня ёки губернатор хотин бўлиб қолсам борми, шу заҳотиёқ; манави чўққанинг кибру ҳавосини қаранг, кечагина эрта тонгдан зигир поя арчиб, черковга мантилья ўрнига этагини бошига ёпиб борарди-ю, энди бўлса фикмаю гулдор кўйлак кийиб олиб, бурнини осмонга кўтариб юришини кўринг, деб

гап-сўз қилишади. Шукрки, худойи карим ҳали ақлимдан оздиргани йўқ – мен ҳеч вақт бундай қилмайман. Сиз эса дўстим, губернаторми ё графми – ким бўлсангиз бўлаверинг, кўнглингиз кўтарганча кеккаяверинг. Аммо онам ҳақи қасам ичаманки, на мен ва на қизим қишлоқдан ҳеч қаёққа бир қадам ҳам жилмаймиз. Ҳалол, номусли аёл уйида гумдон бўлиб ўтиради, унинг учун ҳар қанақа иш бир овунчоқ бўлади. Ўша дон Кихотингиз билан янги саргузаштларга жўнайверинг, бизни ўз ҳолимизга қўйинг, инқиллаб-синқиллаб ўтираверамиз. Ҳалол яшаймиз, худонинг ўзи бизни қўлайди. Ҳа, дарвоқе, айтинг-чи, хўжайингизни дон деб ким мартабасини ошириб юборди ўзи? Ахир, на отаси, на бобоси дон эмасди-ку!

– Назаримда, ичингга иблис кириб олганга ўхшайди, – деди Санчо. – Раҳм қил, эй худо, нималар деб вайсаяпсан, хотин, гапингнинг боши қаёқдаю оёғи қаёқда, ақлим етмай қолди! Нима сабабдан аллақандай Каскахо, либослару, мақолу, кибру ҳаво ҳақида жавраб қолдинг. Берироқ кел-чи, тентак, нодон хотин. Агар мен қизимнинг минорадан калла ташлашини ёки дарбадар бўлишини ихтиёр қилаётган бўлсам, бошқа гап эди. Аксинча, мен қизимни донья ва мўътабар сеньорлар даражасига кўтаришни, тахтиравонда бахмал ёстиқларга ўтказишни чоғласам-у, сенинг дод-воингга бало борми?

– Бунинг боисини биласизми, эржон? – деди Тереса. – Гап шундаки, кийим-бош сени ҳам ясантиради, ҳам ечинтиради, деган мақол бор. Камбағалга одамлар шунчаки бир назар ташлаб қўядилар, бойлардан эса кўз узмайдилар. Агар бу бой кечагина камбағал бўлган бўлса, ана унда иғво-маломатнинг кети узилмайди, нега десангиз кўчамизда иғвогарлар сон-саноқсиз.

– Тўхта, Тереса, гапларимга қулоқ, сол, – деди Санчо. – Сен бунақа сўзларни умрингга эшитмаган бўлсанг керак. Дарвоқе, бу менинг сўзларим эмас, ўтган рўза кунлари қишлоғимизда бўлган воиз отанинг сўзларидан. Ана ўша дуохон отанинг кўзимиз тушган ҳамма нарса ўтмишни эслашдан кўра кучлироқ таъсир кўрсатади,

деган гаплари ҳали ёдимдан чиқмайди. Шунинг учун ҳам башанг кийинган, атрофида хизматкорлари гирдикапа-лак бўлган эътиборли кишига кўзимиз тушса, ҳар ҳолда ҳурмат қиламиз, гарчи у одамни яқиндагина қашшоқ, ночор аҳволда кўрган бўлсак ҳам. Бу бизни ажаблантирмайди, негаки – булар ҳаммаси ўтмиш. Асосийси эса кўз олдимизда тургани. Агар кишининг толеи қулф уриб, уни ночорликдан халос этиб, фаровонлик, дориламонлик чўққисига кўтаргудек бўлса-ю, у одам хушфеъл, сахий бўлса, унда, Тереса, у одамнинг ким бўлганлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди, бунга ишонаверишинг мумкин, албатта ҳасадгўйлардан бошқа, ҳамма уни ҳурмат қилади, дарвоқе, улардан қочиб қаерга ҳам борардинг.

– Гапингизга тушунолмаяпман, эржон, – жавоб қилди Тереса, – билганингизни қилинг, ваъз-насихатларингиз билан бошимни қотираверманг ҳадеб. Агар ўз ваъдангизда қаттиқ турадиган бўлсангиз...

– Ваъдангизда эмас, хотинжон, аҳдингизда дейиш керак, – сўзини бўлди Санчо.

– Мен билан тортишаверманг, барака топкур, – деди Тереса, – Худога қандай хуш келса, шундай гапиряпман, унақа нозикниҳол маъноларга ақлим етавермайди менинг. Яна такрор айтаманки, агар губернаторликни олиш ниятида қаттиқ турган бўлсангиз, Санчо, ўғилчангизни ўзингиз билан олиб кетинг: токи вақтни бой бермай, уни губернаторлик ишларига ўргатинг. Ахир, одатда бола ота касбини ўрганиши керак-да.

– Губернатор бўлганимдан кейин, – жавоб қилди Санчо, – ўғлимни олиб кетгани почта отларини жўнатаман, сенга эса пул юбораман. Ўша вақтда пулдан камчилигим бўлмайди, мабодо губернаторда пул бўлмай қолса, унга жони-дили билан қарз берадиган одам ҳамма вақт топилади. Ўшанда сен ўғлимизни шундай кийинтиргинки, унинг илгари қандай кун кечиргани билинмасин.

– Пул юборсангиз бас, – деди Тереса, – боплаб кийинтиришни менга қўйиб бераверинг.

– Ниҳоят, сен қизимиз графиня бўлиши керак, деган фикримга қўшилдинг-да, – деди Санчо.



– Уни графиня ҳолида кўрган куним, – жавоб қилди Тереса, – мен уни қора ерга кўмган куним бўлади. Лекин, билганингизни қилаверинг; биз, хотинлар, эрларимизнинг, гарчи улар бефаросат бўлсалар ҳам, раъйига қарашимиз керак.

Шундай деди-ю, худди Марисанчага мотам тутаётгандек йиғлай бошлади. Санчо хотинини овутишга киришди. Марисанчани бари бир графга берса ҳам, лекин ҳали-ҳозирча бу ишни тўхтатиб туришини айтди. Эр-хотиннинг суҳбати шу кўйи тугади ва Санчо сафар хусусида келишиб олгани дон Кихот ҳузурига қайтди.

### ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

## **ДОН КИХОТ, УНИНГ ЖИЯНИ ВА ЭКОНОМКА ЎРТАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ВОҚЕА, ЯЪНИ БУТУН ҚИССАНИНГ ЭНГ МУҲИМ БОБЛАРИДАН БИРИ**

Санчо Панса ўз рафиқаси Тереса Панса билан суҳбатлашган вақтда дон Кихотнинг жияни ва экономка ҳам бекор ўтиришмаганди. Ҳар икки аёл тоға ва хўжайин бўлмиш идальгонинг юриш-туришидан унинг яна машъум саргузаштлар кетидан йўлга ҳозирланаётганини яққол кўриб туришар эди. Шунинг учун улар қандай бўлмасин уни бу зарарли фикрдан чалғитишга уринардилар. Бироқ, уларнинг ҳамма насиҳат-ёлворилари беҳуда кетди; дон Кихот бирор сўзни эшитишни истамас, ўз фикрида қатъий турарди. Ниҳоят, экономка жамики далил-баҳоналарини ўртага ташлаб хитоб қилди:

– Ҳақ сўзни айтаман сизга, сеньорим, агар муҳтарам жаноблари уйда тинчгина ўтирмай, тавбасига таянмаган кимсадек яна тоғу тошларда, водий-воҳаларда лаънати саргузаштлар кетидан тушадиган бўлсалар, овозим борича дод соламан, йиғлайман, худога ва қиролга арз қиламан. Улар сизни бу йўлдан қайтаришсин, уйда ўтиришга мажбур этишсин.

Бунга дон Кихот шундай жавоб қилди:

– Экономка, сенинг арзингга худонинг берадиган жавобини, шунингдек, қирол ҳазрати олийларининг нима дейишини билолмайман. Шуниси менга аёнки, мен қирол ўрнида бўлсам, ҳар ёқдан ёғиладиган бетаъсир талаб-илтимосларга жавоб бериб ўлтирмас эдим. Қиролнинг ташвиши кўп бўлади, лекин унинг энг оғир вазифаси ҳамманинг гап-сўзини эшитиш-у, унга жавоб қилишдир. Шунга кўра мен ўз ташвишим билан безор қилмас эдим.

Бунга жавобан экономка деди:

– Айтинг-чи сеньор, қирол ҳазратларининг пойтахтида рицарлар борми?

– Бор, – жавоб қилди дон Кихот, – ва кўп, улар шоҳ саройининг дабдабаси, шон-шуҳрати учун ва қирол ҳукмининг улғуворлигини қўллаш мақсадида тутиб турилади.

– Нега бўлмаса жаноблари ўз қироли, сеньорга хизмат қилишни, пойтахтда тинчгина яшашни истамайдилар?

– Мўътабар хоним, билиб қўйингки, – жавоб қилди дон Кихот, – ҳамма рицарлар ҳам саройга киравермайдилар ва ҳамма сарой рицарлари ҳам жаҳонгашта рицарь бўлолмайдилар ёки бўлишлари шарт эмас. Албатта, жаҳонгашта рицардан сарой рицарининг ҳаёти тинч ва роҳатда ўтади. Сарой рицари саройда тинчгина ўтиради, ширин таом ейди, мириқиб ухлайди, агар сайрни ихтиёр қилиб қолса, географик харитани ёзиб олиб, бугун жаҳон бўйлаб қуллари билан саёҳат қилади. Қалтис, хатарли йўлга йўлиқмайди ва бундай саргузашт арзонга тушади. Биз, жаҳонгашта рицарлар бўлсак, жазирама иссиққа, қаҳратон совуққа, селу бўронга қарамай, эртаю кеч демай, яёвми, отлиқми ўз оёқларимиз билан ер юзини ўлчаб чиқамиз. Биз душманни сурат-расмлардангина фарқ қилмай, балки юзма-юз тўқнашамиз. Ҳар бир қулай фурсатда душманга унинг найзаси бизникидан узунмасмикин, сеҳрли тумори йўқмикин, қиличида сир йўқмикин,

деб ўйлаб ўтирмасдан, унга ҳужум қиламиз. Биз ким қуёшга қараб туриб олишиши кераклигини муҳокама қилиб ўтирмаймиз, сарой рицарлари олишуви учун белгиланган одат ва маросимларга риюя қилиб, бунақанги майда-чуйдаларга вақт сарфлаб ўтирмаймиз. Жаҳонгашта рицарь бўйи булутлардан баланд, оёқлари баҳайбат миноралардек, қўллари улкан кемаларнинг мачта устунларига ўхшаш, шиша эритилаётган қўрдек ярақлаган кўзлари тегирмон тошларидек келадиган ўнлаб девга дуч келганда ҳам саросимага тушмайди. Мана шундай махлуқларга дуч келганда жаҳонгашта рицарь мардонавор ташланади ва унинг эгни танга балиқ пўстидан бўлишига қарамай (айтишларича, балиқ тангалари олмосдан қаттиқ бўлармиш) ва шамшир ўрнига Дамашқ пўлатидан ясалган кескир қиличини писанд қилмай мағлуб этади. Шунинг учун ҳам олий фармон ҳукмдорлар жаҳонгашта рицарларни бошқалардан афзалроқ билсалар, адолатдан бўларди. Кўпдан-кўп қироликларнинг жаҳонгашта рицарлар туфайлигина сақланиб келганликларини тарихдан биламиз. Буларнинг ҳаммасини сенга айтишдан мақсад сарой рицарига қараганда, жаҳонгашта рицарнинг номи нақадар мўътабарлигини билиб қўйгин демоқ-чиман, хоним.

– Оҳ, сеньорим, – хитоб қилди жияни, – ахир ўйлаб кўрсангиз-чи, жаҳонгашта рицарлар ҳақидаги қиссаларнинг ҳаммаси тўқилган афсона, холос-ку! Аслида, бу китобларнинг ҳаммасини ёқиб юбориш, ҳеч бўлмаганда уларнинг қанақалигини билдириш учун тавқи лаънат тамғасини қўйиб қўйиш керак эди.

– Синглимнинг қизи, туғишганим, яъни жияним бўлганинг учун худога шукрлар қилгин, акс ҳолда, беодоб сўзларинг учун таъзирингни бериб, бугун жаҳонга ошкор қилардим. Бу қанақаси? Кўкйўталдан қутулмаган бу қизча жаҳонгашта рицарлар тарихини қоралашга қандай журъат эта олади! Бу сўзларни сеньор Амадис эшитганда нима дерди! Дарвоқе, сени кечириши ҳам мумкин эди. Зотан, у ўз даврининг

кўнгилчан, хушфеъл рицари бўлган. Аммо сўзларинг-ни бошқа бирортаси эшитиб қолса борми, ҳолингга вой, чунки ҳамма рицарлар ҳам баодоб ва сипо одам бўлавермайди. Улар орасида жоҳил ва қўрслари ҳам бор. Ахир ўзини рицарь деб юритган ҳар қандай киши ҳам бу номга муносиб бўлавермайди. Баъзилар асл олтиндан бўлса, баъзилари қалбаки олтиндан қилинган, кўринишда ҳаммаси рицарь, аслида эса бунақа эмас. Паст табақадан чиққан ва рицарь бўлишга жон-жаҳди билан уринган кишилар, айни вақтда, шавкатли рицарь бўлганлари ҳолда оддий одамлардек кўринишга ҳаракат қилганлар ҳам бор. Биринчи тоифа иззат-нафс ва саховат туфайли донг чиқарадилар; иккинчи тоифа эса заифлик ва қусури туфайли нуфузи кетади.

– Ўз паноҳингда асра, худойим! – деб хитоб қилди жияни. – Сиз, сеньор тоға, шунчалик кўп биласизки, мабодо зарур бўлиб қолса, домлалик ёки олимлик қила олишингиз мумкин-у, лекин бошингиз айланиб довдираб қолгансиз, заифлашиб ва кексайиб қолганингизга қарамай жасоратингиз, кучингиз ҳақида гапирганингиз-гапирган. Қаддингизни йиллар букиб қўйипти-ю, сиз бўлсангиз оламдаги ҳамма эгри-бугри нарсаларни тўғриламоқчисиз, лекин энг муҳими, сиз рицарман деб даъво қиласиз. Бу мутлақо нотўғри. Тўғри, идальго баъзан рицарь бўлиши мумкин, лекин камбағал одам ҳеч вақт рицарь бўлолмайди!

– Сенинг гапларингда озгина жон бор, жиян, – деди дон Кихот. – Бироқ менинг гапларимга қулоқ сол. Албатта, сен ҳақсан – мен камбағал идальгоман. Лекин бу мен рицарь бўла олмайман, деган гап эмас. Тўғри, ҳаммани иқрор қилдириш камбағал учун жуда оғир. Зодагонларга мансуб бўлмаган киши туғилиш расмига кўра, бу оламдаги аёнлар сафидан жой ололмайди. Бадавлат бўлмагандан сўнг у ҳотамлик, саховат шуҳратидан маҳрум бўлган бўлади. Камбағал рицарнинг шуҳрат қозониши ва ҳаммага танилиши учун фақат биргина йўл бор – бу яхшилик қилишдир. У хушмуомала, бао-

доб, илтифотли, хушфеъл, мўмин-қобил киши бўлмоғи керак. Айниқса, марҳаматли бўлмоғи лозим, зотан, агар очикқўнгил билан камбағалга икки мараведис берса, катта бойликни ҳадя-инъом қилиб ҳамма ёққа жар солган кишидан саховати кам бўлмайди. Мана шундай яхшиликлар орттирган киши шуҳрат қозонса керак ва ҳар қанақа одам ҳам унинг олижаноблигига иқрор бўлади. Ана ўшандагина у киши давлат ва ҳурмат ҳақида ўйлаши мумкин, холос. Бунга муяссар бўлиш учун эса икки йўлдан бормоқ зарур: бири – илм-фан йўли, иккинчиси – ҳарбий санъат йўли. Мен илм-фандан кўра ҳарбий санъатдан кўпроқ хабардорман ва, шубҳасиз, Марс сайёраси белгиси остида тутилганман. Шунга кўра ҳам мен жангу жадал йўлини танлаганман ва бутун олам бунга монелик қилса ҳам, шу йўлдан бо-раман. Бинобарин, сиз беҳудага ўзингизни қийнаманг, мени осмон, тақдир даъват этаётган, ақл-идрок тақозо этаётган, бутун вужудим билан берилган бу йўлдан қайтаришга уринманг. Жаҳонгашта рицарнинг қандай офир қийинчиликларга, муҳтожлик ва хавф-хатарларга дуч келишини биламан, лекин мен бу йўлда толеим ёр бўлиб, беҳад бахт-саодатга эришишимни ҳам биламан. Яхшилик йўли тор бўлади-ю, ёмонликники кенг. Бироқ кенг ва яланг йўл ўлимга, яхшиликнинг тор ва машаққатли йўли эса ҳаётга, яъни мангу ҳаётга олиб келади. Буюк кастил шоиримизнинг қуйидаги сўзларини эсга олинг:

*Абадийлик юксак аршининг,  
Йўли доим хатарли, баланд –  
Унга чиқар фақат ботирлар.*

– Оҳ, шўрим қурсин мен бахтсизнинг! – хитоб қилди жияни. – Охирида тоғам яна шеърхонлик қилиб юборди. Унинг ҳамма нарсага ақли етади, билади. Шунга кафилманки, агар тоғам гишт терувчи бўлишни истаганида эди, бошқаларга қуш уясини яшаш қанча осон бўлса, тоғам учун уй қуриш ҳам шунча осон бўларди!..

Шу пайтда эшикни кимдир қоқди. Жияни сўради:

– Ким у?

– Менман, Санчо, – деган жавоб эшитилди.

Экономка бу номни эшитган заҳотиёқ ўзини панага олишга шошилди. Унинг Санчо Пансани кўришга ҳеч тоқати йўқ эди. Жияни эшикни очди, дон Кихот чиқиб қулочларини ёзиб яроқбардорини қарши олди. Шундан сўнг улар хонада ҳоли қолишди-да, қизғин суҳбатга киришиб кетишди.

### ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

#### **ДОН КИХОТ БИЛАН УНИНГ ЯРОҚБАРДОРИ ЎРТАСИДА НИМА ҲОДИСА БЎЛГАНИ ВА ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРУВЧИ БОШҚА ВОҚЕАЛАР**

Экономка дон Кихот билан Санчо Пансанинг хонани ичидан бекитиб олишганини кўрган заҳотиёқ рицарь билан яроқбардорнинг нима ҳақда маслаҳатлашмоқчи эканликларига дарҳол ақди етди. У ташвиш ва хафалиқдан ўзини қаерга қўйишини билмай ёпинчиқ олиб, бакалавр Самсон Карраско ҳузурига югурди; унга хўжайинининг янги дўсти – ширинсўз одам бу бемаъни ниятдан уни қайтара оладигандай бўлиб туюлди.

Карраско ҳовлисида сайр қилиб юрарди; экономка унинг ёнига чопиб борди-да, кўзларига филт-филт ёш олиб, энтикканича унинг оёғи тагига ўзини ташлади. Бакалавр эса уни жуда ташвишли ҳолда кўриб, сўради:

– Сизга нима бўлди, сеньора экономка? Бошингизга қандай кулфат тушди? Сизни сўнгти нафасини оляпти, деб ўйлаш мумкин-а.

– Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, марҳаматли сеньор Самсон, фақат хўжайиним ташлаб кетадиганга ўхшайди, ҳа, албатта ташлаб кетса керак.

– У кимни ташлаб кетади, ахир? – сўради Самсон. – Ўз танасини тарк этмоқчи эмасми? Нима, қаттиқроқ шикастландими у?

– Э, йўқ, танасини эмас, – жавоб берди у, – бизни ташлаб кетади. Азизим сеньор бакалавр, унинг бизни ташлаб кетиш ниятида эканлигини, тагин янги саргузаштлар ахтаришга жўнашини айтмоқчиман. Худо билади, нега у буни саргузашт деркин. Биринчи сафар роса таёқ еб, эшакка ётқизиб олиб келишди уни, иккинчи гал аравада келтиришди, сомондай сарғайган, озиб-тўзиб кетган, кўзлари киртайиб қолганди, аҳволи шу қадар аянчли эдики, ҳатто туққан онаси ҳам танимасди! Унинг сал ўзига келиб олиши учун олти юзта тухум сарфладим, ахир, худо шоҳид, сўзларимнинг чинлигига товуқларим ҳамда қўшниларишимиз гувоҳ.

– О, бунга сўзсиз ишонаман, – деди бакалавр. – Товуқларингиз шу қадар ажойиб, семиз ҳамда одоблики, ёлғон гапиришдан кўра ёрилиб ўлишни афзал кўришадди. Бас, сеньора экономка, демак, гап сизни сеньор дон Кихотнинг янги қилмишлари ташвишлантираётгани устида кетаётирми?

– Ҳа, сеньор, – жавоб қилди у.

– Ундай бўлса, ташвишланманг, – деди бакалавр, – уйга кетаверинг, менга бирор иссиқроқ овқат ҳозирлаб қўйинг, йўл-йўлакай эса авлиё Аполлонияга илтижо қилиб боринг. Мен ҳозир ҳузурингизга бораман, ана шунда кароматларни кўрасиз.

– Вой, гуноҳкор бошим! – жавоб берди экономка. – Марҳаматли жаноб авлиё Аполлонияга илтижо қилишни буюряптиларми? Ахир, авлиё Аполлония тиш оғриғига шифо беради-ку. Хўжайинимнинг тишлари соппа-соғ, унинг боши касал.

– Нима деётганимни ўзим биламан, сеньора экономка. Мен билан баҳслашманг. Мен саламанкалик бакалавр эканлигим сизга маълум-ку, шунинг учун мен билан баҳслашиш ярамайди, – деди Карраско.

Экономка уйига жўнади, бакалавр эса, шўрлик идальгонинг янги ниятлари ҳақида маслаҳатлашгани тезликда руҳоний ҳузурига жўнади.

Бу орада дон Кихот билан Санчо Панса бўлажак сарфарнинг икир-чикирларигача қизгин муҳокама қилиб олишди.

– Сенъор, ниҳоят, сиз марҳаматли жаноб қаёққа жўнасангиз, мен ҳам сизга ҳамроҳ бўлишга мажбур эканимни хотинимга баён этишга муваффақ бўлдим, – деди Санчо ўз хўжайинига.

– Санчо, сен баён қилдим демасдан, тушунтирдим, деб айтишинг керак эди, – деди дон Кихот.

– Эсимда, – жавоб берди Санчо, – мен сиз марҳаматли жанобга менинг хатоимни тўғриламам, деб икки марта илтимос қилган эдим. Агар менинг нима демоқчи эканимни тушунмасангиз, тўғридан-тўғри: «Санчо, шайтон, алвасти, мен сени тушунолмаяман», денг. Агар дурустроқ сўзларни танлай олмасам, ана ундан кейин мени тўғриланг. Ахир, мен ройиш одамман-ку.

– Санчо, гапимга тушунмаям, – деди ўша заҳоти дон Кихот, – «мен ройиш одамман» деганинг нима ўзи?

– Ройиш одам деб, – жавоб берди Санчо, – мен қандоқ бўлсам шу туришимни айтади.

– Энди ундан баттар тушунмаям, – норозилик билдирди дон Кихот.

– Модомики, сиз менинг гапимга тушунмаётган бўлсангиз, – деди Санчо, – қандай қилиб очиқроқ тушунтиришимни ҳам билмайман. Билмайман, вассалом. Мени парвардигорнинг ўзи кечирсин!

– Бўлди-бўлди, фаҳмладим, – деди дон Кихот, – сен ройиш, ювош, қобил, менинг ҳар қандай тузатишларимга кўнувчи, нима десам, ҳаммасини бажо келтирувчи одамман, демоқчисан.

– Бас бойлашаман, – деди Санчо, – сиз ҳамма нарсани дарҳол фаҳмлагансиз-у, лекин мендан яна биронта бемаъни гап эшитаман деб, мени адаштироқчи бўлгансиз, холос.

– Эҳтимол, – деди дон Кихот. – Шундай қилиб, Тереса нима деяпти?

– Тереса, – деб жавоб берди Санчо, – сен марҳаматли жаноб билан яқинроқ боғлан, чунки қалам билан ёзилганни болта билан чопиб бўлмас, узоқдаги думбадан яқиндаги ўпка яхши, картани бўлгандан кейин уни чийлаб бўлмас, осмондаги турнадан қўлингдаги читтак



афзал, дейди. Хотинларнинг маслаҳати сариқ чақага арзимаслигини биламан-у, бироқ кимки уларга қулоқ солмаса, ўша тентак.

– Фикрингга қўшиламан, – деди дон Кихот. – Гапир, дўстим Санчо, давом эт, бугунги ҳар бир сўзинг гавҳарга тенг.

– Гап шундаки, – давом этди Санчо, – ўлим ҳаммамизнинг бошимизда бор. Сиз, марҳаматли жаноб буни мендан кўра яхшироқ биласиз; бугун бормиз, эртага йўқмиз; кўзининг умри қўйникидан узунроқ эмас; бу дунёда ҳеч ким бирор дақиқа худонинг иродасидан ортиқ яшай олмайди; ўлимнинг қулоғи кар, у ҳаёт эшигимизни тақиллатганда доимо шошилади; уни сифиниш ҳам, куч ҳам, салтанат ҳассаси ҳам, митра\* ҳам – ҳеч нарса тўхтатиб қололмайди, – ҳамма шундай дейди, черковда ҳам шу ҳақида ваъз-насиҳат қиладилар.

– Бунинг ҳаммаси тўғри, – деди дон Кихот! – Бироқ гапни қаёққа бураётганингга ақлим етмаяпти.

– Гапни шу томонга бурыпманки, – деди Санчо, – токи сиз марҳаматли жанобим маошини менга нақд пул билан тўлаб қўйсангиз, чунки мукофот учун хизмат қилишни истамайман, мукофот ё кеч, ё вақтидан ўтиб, ё бутунлай бўлмасдан қолиши мумкин. Чинакамига бирон нарсага эга бўлсангиз, худо ҳам лутфини аямайди. Гапнинг қисқаси, озми-кўпми маошим қанчалигини билмоқчиман: ахир товуқ ҳам доналаб еб қорин тўлдиради, тома-тома кўл бўлур дейдилар, модомики бирор нарса ишлаб топган экансан, демак, ҳеч нарса йўқотмабсан. Албатта, муҳтарам жаноблари ваъда қилган оролни инъом этгудек бўлсалар, гарчанд бунга кўпда ишонмасам-да, мен кўрнамак ҳамда хасис бўлиб қолмайман. Башарти маошимни шу оролдан келадиган даромадлардан ушлаб қолсангиз бир оғиз ҳам индамайман.

– Мен аллақачон мақсадингни тушундим, – жавоб берди дон Кихот, – фикрингнинг мағзи-мағзигача ҳам фаҳмладим, беҳисоб мақоллар билан қаёққа ўқ

---

\* Православ олий руҳонийларининг ибодат вақтида киядиган бош кийим.

отаётганингни ҳам биламан. Қулоқ сол, Санчо, агар жаҳонгашта рицарлар ҳақидаги романларда жаҳонгашта рицаръ ўз яроқбардорига маош тўлаган, деган гапни бирор ерда учратган бўлсам, мен бажонидил сенга маош тайинлаган бўлардим. Бироқ мен ҳамма романларни битта қолдирмай ўқиганман-у, лекин бу ҳақда бирор ерда ёзилганини эслолмайман. Уларнинг ўз хизматлари эвазига мукофот олишгани менга маълум. Улар буни хаёлларига ҳам келтирмаган бир пайтда тўсатдан хўжайинларига бахт кулиб боққан-у, хўжайин ҳам уларга ё бирорта оролни, ё шунга ўхшаган бирор нарсани, ёки жуда бўлмаса, сеньор ун-вони каби мартабасини инъом этган. Агар шу умид ҳамда сабр-тоқат билан кутиш сизни қаноатлантирса, Санчо, ҳамда менинг хизматимга қайтишни хоҳасангиз – марҳамат! Бироқ сиз мени жаҳонгашта рицарларнинг қадимий одатларини бузади, деб ўйлаган бўлсангиз, янглишасиз. Шунинг учун, дўстим Санчо, уйга қайтинг-у, менинг аҳдимни Тересангизга етказинг. Агар унинг розилиги билан фақат мукофот умидида менга хизмат қилмоқчи бўлсангиз – бош устига! Чунки сиз менинг тақдиримга шерик бўлишни истамасангиз, худо ёрингиз бўлсин, тоат-ибодат қилиб ётаверинг. «Бош омон бўлса, дўппи топилади», «яхши ният – ёрти мол», «бунақа мунозарага чақа кетса арзийди» каби мақолларни эслашингизни маслаҳат бераман, Санчо. Кўриб турибсизки, биродар Санчо, мақолга кўмиб ташлашда сиздан қолишмайман. Бу гапларни шунинг учун айтяпманки, сизга ўхшаган бесўнақай ҳамда сергап бўлмаса-да, сиздан садоқатлироқ, сергайратроқ яроқбардор топилиб қолар.

Бечора Санчо бундай қатъий ва узил-кесил рад жавобидан ҳайратда қолди. Кўз олди қоронғилашди, дадиллик қанотлари дарҳол синди, чунки у дон Кихот бошидан зар сочганларида ҳам сафарга менсиз бормайди, деб ишонарди. У хўжайинига нима дейишини билмай, хижолат бўлиб, гангиганича хонанинг қоқ ўртасида туриб қолди: худди шу пайт уйга Самсон Карраско, экономка ҳамда

жияни кириб келишди: хотинлар бакалаврнинг дон Кихотни бемаъни ниятидан қандай қилиб қайтаришини эшитишни истардилар. Карраско рицарга тантана билан яқинлашиб, олдинги галдагидек уни қучоқлади-да, баланд овоз билан хитоб қилди:

– О, жаҳонгашта рицарлар кўрки! О, ҳарбий маҳоратнинг чароғон қуёши! О, испан халқининг шон-шуҳрати! Парвардигори оламдан илтижо қиламанки, кимки сизнинг учинчи сафарингизга тўсқинлик ҳамда монелик қилмоқчи бўлса, ўз ниятлари калавасига ўралашиб қолсинлар ва уларнинг макри найранглари ер билан яксон бўлсин.

Сўнг экономкага мурожаат қилиб, давом этди:

– Сеньора экономка авлиё Аполлонияга илтижо қилмаса ҳам бўлади, чунки сеньор дон Кихотнинг ўз улуғвор ҳамда мисли кўрилмаган ниятларини амалга оширишни давом эттиришига худойи таолодан амр бўлганлиги менга аён. Бу рицарни янги қаҳрамонликлардан воз кечишга ишонтирсам, ўз бошимга мислсиз гуноҳ орттирган бўламан, чунки бугунги кунда ёлғиз жаҳонгашта рицарлар бурчини бажаришга даъват этилган, зотан, у сусткашлик қиларкан, етим-есирлар ҳимоячисиз азоб-уқубат чекаверади, ёмонлик жазосиз, бева-бечоралар ҳомийсиз қолаверади; шундай экан, қани олға, олижаноб, жасур сеньор дон Кихот! Бир соат ҳам фурсатни ўтказманг, марҳаматли жаноблари шу бугуноқ сафарга отлансинлар. Башарти сафарга ҳозирлик кўрмаган бўлсангиз, қўлимдан келганича хизматингизга тайёрман; агар сизда эҳтиёж сезилса-ю, сизга яроқбардор бўла олсам, ўзимни бениҳоя бахтиёр ҳисоблардим.

Шунда дон Кихот Санчога мурожаат қилиб деди:

– Энди нима дейсан, Санчо, ахир, мен сенга яроқбардорлар доимо топилади, деб айтмовдимми? Кўряпсизми, менга ким ўз хизматини таклиф қилаётир: Саламанк университетининг кўрки ва шуҳрати, ёш, навқирон, хушчақчақ, эпчил, камгап, иссиқ ҳамда совуққа, очлик ҳамда ташналикка бардош бера оладиган, хуллас, жаҳонгашта рицарбоп яроқбардор, оламда

тенги йўқ бакалавр Самсон Каррасконинг ўзи-я. Бироқ ўз ҳузур-ҳаловатимни кўзлаб, бу билим пешвоси ҳамда олимлик тимсолини йўлдан уришимга тангри ҳам рози бўлмайди. Мазкур Самсон ўз ватанида қолиб, унинг шуҳратини, шунинг қаторида ўзининг қариб қолган, соч-соқоли оқарган ота-онасининг шуҳратини ёяверсин, башарти Санчо мени кузатиб боришни лозим кўрмас экан, истаган яроқбардорни ўз хизматимга олишга розиман.

– Йўқ, йўқ, марҳаматли жаноб! – деб қичқирди ҳажонланган Санчо кўзларидан шашқатор ёш оқиб. – Лозим кўраман. Тузини ичиб, кўрнамаклик қилган одам, деб айтмасинлар мени. Менинг аждод-авлодим ҳеч қачон ўз шаънига кўрнамаклик доғини туширмаган. Бутун олам, айниқса, бизнинг қишлоғимиз авлодларим – Пансалар кимлигини яхши билади. Бундан ташқари, сизнинг хайрли ишларингиз ҳамда бебаҳо сўзларингиздан англадимки, сиз, марҳаматли жанобимнинг мени албатта мукофотлашингизга ишондим. Модомики, мен қанча маош беришингизни сўраган эканман, буни хотинимнинг истагига мувофиқ қилгандим. Унинг миясига бир ўй келганидан кейин, албатта ўз айтганини қилдириш учун бидиллайвериб, миямни қоқиб қўлимга беради. Хуллас, эркак-эркаклигича, хотин-хотинлигича қолиши керак, демак, мен эркак эканман, уйимда ҳам эркаклигимча қолавераман. Хотинимнинг эса ҳар қанча жаҳли чиқса, чиқаверсин! Шундай қилиб, марҳаматли жанобим, васиятни ёзаверинг-у, фақат қайд қилишни унутманг – тезроқ сафарга жўнайлик! Виждон амрини бажариб, сиз марҳаматли жанобни сафарга шошилтираётган сенъор Самсоннинг кўнгли заҳмат чекмасин. Сиз, муҳтарам жанобимга ҳалоллик ҳамда садоқат билан хизмат қилишга сўз бераман. Мана кўрасиз, шундай яроқбардорингиз бўламанки, бунақасини ҳеч қайси жаҳонгашта рицарь умрида кўрмаган бўлсин.

Санчо сўзларига қулоқ соларкан, бу яроқбардор рицарга жуда муносиб экан, деган қарорга келиб, дунё

бунақа тентакларни ҳали кўрмаган, деб кўнглидан ўтказди бакалавр. Ниҳоят, дон Кихот билан Санчо қучоқлашиб ярашишди. Эндиликда қаҳрамонларимиз учун каромат қилувчи улуғ бир зот даражасига кўтарилган бакалаврнинг маслаҳатига кўра сафар уч кундан кейинга тайинланди. Баъзи бир тайёргарликларни кўриш, аввало, сипарли дубулға топиш зарур эди, чунки дон Кихот бунингсиз илож йўқлигини айтди. Самсон ўз танишларидан ажойиб дубулға топиб беришни бўйнига олди.

Бу орада дўстларимизнинг суҳбатини эшитиб турган экономка билан жияни аввалига ҳайрон бўлишди, кейин эса умидсизликка тушиб, ғазаблари қўзиб кетди. Уларнинг бакалавр Карраскони қаргаган қарғишларини санаб адо қилиб бўлмайди; улар, ёлланиб олинган йиғловчилардай, ўз хўжайинларининг кетишини эшитиб, гўё унга аза тутаётгандек, сочларини юлиб, юзларини тирнаб ув тортардилар. Бироқ Самсон Карраско экономка ва жиянининг назарида хоинларча иш тутгандай кўринса-да, руҳоний ва сартарошнинг маслаҳати билан ҳаракат қилган эди. Уларнинг режаси қандайлигини китобхон кейинроқ билади.

Шундай қилиб, дон Кихот билан Санчо уч кундан кейин барча тайёргарлик ишларини битказишди. Ниҳоят, учинчи куни кечга яқин уларни ярим мил жойгача кузатиб қўймоқчи бўлган бакалаврдан ташқари ҳаммадан яширин ҳолда Тобосо шаҳри томон йўлга тушдилар. Санчонинг сафар халтаси озик-овқатга, дон Кихот берган кармони эса пулга тўла эди. Хайрлашиш пайтида Самсон рицаримизни қучоқлади ва рўй берадиган барча муваффақиятлари ҳамда муваффақиятсизликлари ҳақида хабар қилиб туришни илтимос қилди. Дон Кихот унинг илтимосини бажо келтиришга ваъда берди, шундан сўнг Самсон қишлоққа, икки йўловчи эса азим шаҳар Тобосо томонга қараб йўлга тушди.

## ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

### **САНЧОНИНГ ҲИЙЛА-НАЙРАНГ ЙЎЛИ БИЛАН СЕНЬОРА ДУЛЬСИНЕЯНИ АВРАГАНИ**

Бакалаврнинг қораси кўздан йўқолиб, дон Кихот билан Санчо Панса ёлғиз қолиши биланоқ Росинант кишнаб, эшак эса ҳанграй бошлади. Рицарь билан яроқбардор бунини яхшилиқ нишонаси деб билдилар. Бироқ ростини айтганда, қирчанғи отнинг кишнашидан эшакнинг ҳанграши қаттиқроқ эди, шу сабабли Санчо хўжайинидан кўра ўзига бахт кўпроқ кулиб боқади, деб ҳисоблади. Шундай бўлса-да, ўз тахминини эшиттириб айтишга юраги дов бермади. Анча вақт иккови ҳам – рицарь билан яроқбардор – индамай боришди, ниҳоят дон Кихот жимликни бузиб, деди:

– Дўстим Санчо, эртага Тобосога етиб борамиз деган умиддаман. Янги саргузаштлар ахтаришдан олдин у ерга боришга аҳд қилганимдан хабаринг бор-ку, ахир. Мен у ерда беқиёс Дульсинеядан оқ йўл оламан. Шу оқ фотиҳа билан ҳар қандай хавфли можарода ҳам, албатта, ғалаба қозонаман, чунки оламда маъшуқанинг марҳаматичалик ҳеч нарса жаҳонгашта рицарга жасорат бахш эта олмайди.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – деди Санчо, – бироқ мен марҳаматли жанобларининг маликам билан фотиҳа оладиган қулай жойда учрашишларига шубҳа қиламан; у молхона девори орқали фотиҳа берадимиз сизга: муҳтарам жанобларининг Сиерра Морена тоғида ақдан бегона бўлганлигинингиз ҳақидаги мактубни келтирганимда, уни худди ана ўша ерда кўришга муваффақ бўлганман.

– Наҳотки, шундай беқиёс, мақтовга тил лол қоладиган гўзалларнинг гўзали турган жой сенга молхонага ўхшаб кўринган бўлса! – деб хитоб қилди ғазабланган дон Кихот. – Сен адашибсан, Санчо, сен кўрган нар-

салар унинг маликаларга хос ҳашаматли саройининг нақшин аркию пешайвонлари.

– Эҳтимол, шундайдир, марҳаматли жанобим, – жавоб берди Санчо Панса. – Булар арк бўлса бордир, бироқ хотиримдан кўтарилиб кетмаган бўлса, кўзимга молхонага ўхшаб кўринган эди.

– Нима бўлса ҳам, ўша ёққа борамиз, Санчо! – деди дон Кихот. – Деразадами, девор ёнидами, тешик-тирқиш орқалими ё боғ панжараси орасиданми – уни қаердан кўрсам ҳам бари бир: унинг ҳусн қуёшининг заррача нури кўзларимга етиб борса кифоя, ўша заҳоти ақлим равшанлашади, руҳим тетиклашади. Ўшанда ҳеч ким мен билан ақдда ҳам, ботирликда ҳам тенглашолмайди.

– Ростини айтганда, сеньор, – эътироз билдирди Санчо, – ўша қуёшни – сеньора Дульсиняя Тобосскаяни кўрганимда у унчалик ёрқин эмас эди, ҳеч қандай нур ҳам таратмаётган эди, у марҳаматли хоним буғдой элаётгани учун юзини чанг булутдек қоплаб олган эди.

– Демак, сен Санчо, сеньора Дульсиняя буғдой элаяпти, деган фикрингда турмоқчи ҳамда шуни тасдиқламоқчи бўляпсан, – деди дон Кихот. – Бундай ишларни қилиш аслзода ҳамда олижаноб хонимларга ярашмайди, чунки улар бошқа машғулотлар учун яратилганлар. Тўртта малика ўзларининг биллурдай қасрларида қандай машғулот билан шуғулланганлари ҳақида ҳикоя қилувчи шоиримизнинг шеърларини эсла. Улар зар, ипак ҳамда дур билан қимматбаҳо матоларга гул тикканлар! Эҳтимол, менинг сеньорам ҳам сен кўрганингда, агар ёвуз сеҳргар менинг жасурликларимни кўра олмай, олижаноб, кўрганда кўз қувонадиган чехрасини қабиҳ ҳамда жиркантирувчи нарсага айлантириб юбормаган бўлса, шундай иш билан машғул бўлиши керак, албатта. Муаллиф тарихимни битаркан, шуҳратимга ҳасад билан боқиб, бир воқеани иккинчиси билан алмаштирмаса, кўрсатган қаҳрамонликларимни ҳикоя қила туриб ҳақиқатга кўпгина бемаъни ҳамда уятга қолдирадиган уйдирмаларни аралаштириб юбормаса, деб қўрқаман.

О, беҳисоб қулфатларнинг кони, яхшиликни кемирувчи қурт бўлган ҳасад!

– Ростини айтганда, мен ҳам шундан чўчийман, – деб жавоб берди Санчо. – Фикримча, бакалавр Карраско айтган ўша китобда менинг ор-номусим ҳам гўё йўлдан четга бураман деб тихирлик қиладиган қайсар тўнғизни койигандай роса ерга урилган-ов. Ҳолбуки, мен бирорта сеҳргар ҳақида ёмон гапирганим йўқ, ҳасад билан боқадиган даражада бойлигим ҳам йўқ. Айбимни яширишнинг нима кераги бор, мен ичидан пишган ва хиёл муғамбирроқ одамман, бироқ буларнинг ҳаммаси табиий соддалигим пардаси остида яширинган. Майли, ким нима деса, деяверсин. Одамлар мен ҳақимда ҳар қанча гапирсалар ҳам, парвойимга келтирмайман.

– Аммо-лекин, Санчо, – эътироз билдирди дон Кихот, – шуҳратга бўлган иштиёқимиз ҳеч қачон сўнмайди. Сен қандай ўйлайсан, тиш-тирноғигача қуроланган Гораційни<sup>63</sup> кўприқдан Тибр дарёсига ўзини ташлашга нима мажбур қилган? Нега Муций<sup>64</sup> ўз қўлини куйдирган? Цезарни Рубикондан<sup>65</sup> ўтишга нима ундаган? Шон-шуҳрат иштиёқида қилинган бу ҳаракатларнинг ҳаммасини бандалар олий мукофот ҳамда абадийлик деб билганлар. Бироқ шон-шуҳратга интиларканмиз, биз ор-номус ҳамда яхшилик чегарасидан чиқиб кетмаслигимиз керак. Полвонларни енгиш билан биз гурурни йўқотишимиз, олижаноблик билан ҳасадни, босиқлик билан ғазабни, овқатдан ўзимизни тортиш билан очкўзликка мойилликни, тинимсиз дарбадарлик билан ялқовликни енгишимиз лозим. Доимо ҳақиқий шуҳратга ҳамроҳ бўладиган мақтовга сазовор бўлишга ана шундай эришилади, Санчо.

– Асли шундайку-я, марҳаматли жанобим, – эътироз билдирди Санчо, – лекин мен сиз марҳаматли жанобдан ўзим шубҳа қилган бир нарсани сўрамоқчиман.

– Бош устига, – деди дон Кихот. – Гапир, қўлимдан келганча жавоб бераман.



– Айтинг-чи, сеньор жаноблари, – деб гап бошлади Санчо, – нима муҳимроқ – паҳлавонни ўлдиришми, ё ўлганни тирилтиришми?

– Албатта, ўлганни тирилтириш, – деб жавоб берди дон Кихот.

– Мана шу ерда сизни қўлга туширдим! – Хитоб қилди Санчо. – Демак, ўлганларни тирилтириш, кўр кўзларни даволаш, чўлоқларни тузатиш, беморларни соғайтириш – буларнинг ҳаммасини қилиш жаҳонгашта рицарларнинг улуғвор қаҳрамонлик шуҳратига соя солиб қўяди-ку!

– Фикрингга батамом қўшиламан, – деди дон Кихот, – бироқ бундан қандай хулоса чиқармоқчисан?

– Хулоса шуки, – деди Санчо, – сиз билан мен авлиё бўлишимиз керак экан. Шундагина интилаётганимиз ҳақиқий шон-шуҳратга эга бўламиз. Биласизми, сеньор, кеча ё илгари кун иккита қашшоқ роҳибни авлиёликка ўтказишди. Энди уларнинг белидаги занжир белбоққа қўл теккизиб қўйишнинг ўзи катта бахт. Энди бу занжирлар Роланднинг қиличидан ҳам мўътабарроқ. Шунинг учун, сеньор жаноблари, жаҳонгашта рицарь бўлишдан кўра, бирор диний орденнинг итоаткор роҳиби бўлиш афзалроқ.

– Бу тўғри, – жавоб келди дон Кихот, – лекин ҳамма ҳам роҳиб бўла олмайди-да. Бундан ташқари, рицарлик ҳам диний орден ҳисобланади, рицарлар орасида ҳам авлиёлар бор.

– Наҳотки? – деди Санчо. – Бироқ мен арши аълода жаҳонгашта рицарларга қараганда роҳиблар кўпроқ деб эшитганман.

– Чунки рицарлардан роҳиблар кўп.

Шунга ўхшаш ибратли суҳбатлар билан қаҳрамонларимиз бутун кечани ва эртанги кунни ҳам ўтказдилар. Кун ботиш олдидан азим шаҳар Тобосо кўзга ташланди. Шаҳарга кўзи тушиши биланоқ дон Кихот жуда суюниб кетди, Санчо эса аксинча, нима қилишини билмаганидан маъюс бўлиб қолди. Шундай қилиб, иккови ҳам: бири ўз маъшуқасини кўришга зор бўлганидан, иккинчиси эса, ўз

ёлгонининг ошкора бўлишидан ҳаяжонланар эди. Бироқ Санчонинг бахтига, дон Кихот қоронғи тушгунча шаҳарга кирмасликка қарор қилди; улар Тобосо яқинидаги эман-зордан чиқиб осойишта сукунат чўмган қишлоққа кириб келишди, қишлоқ аҳолиси кун бўйи қилган меҳнатларидан кейин қаттиқ уйқуга кетган эди.

Фақат итларгина жон-жаҳдлари билан ҳуриб дон Кихотнинг қулогини қоматга келтирар ва Санчонинг юрагини ёргудек бўлишарди. Гоҳ-гоҳ эшак ҳанграр, чўчқалар ҳўриллар, мушуклар миёвлар эди ва бу турли-туман овозлар тун сукунاتини ёриб, янада ваҳималироқ эшитилар эди. Ошиқ рицаримиз буни ёмонлик нишонаси, деб билди, шундай бўлса ҳам Санчога:

– Қани, биродар Санчо, мени Дульсинея қасри томон бошла. Ким билади, эҳтимол, у аллақачон уйғонгандир, – деди.

– Жин урсин мени, қайси қасрга бошлаб бораман сизни? – жавоб қилди Санчо. – Жаноби олияларини қасрда эмас, кичкинагина бир кулда кўрганман.

– Демак, – деди дон Кихот, – сен келган пайтда, аслзода сеньорлар ҳамда маликалар муҳитида бўлганидек, у ҳам ўз сарой хонимлари билан биргаликда қасрнинг кичик хоналарининг бирида дам олаётган экан.

– Сеньор, – деди Санчо, – сеньора Дульсинеянинг кичкинагина кулбаси ҳашаматли қаср бўлишини жуда-жуда истасангиз, мен сиз билан баҳслашиб ўтирмайман. Майли, марҳаматли жанобларининг кўнгиллари нимани хоҳдаса, шундай бўлсин. Наҳотки, шундай бемаҳалда қаср дарвозаси очик бўлса. Агар биз дарвозани тақиллатсак, бутун маҳаллани чўчитиби, оёққа турғизамиз.

– Аввало, сен мени қаср ёнига олиб бор, – деди дон Кихот, – нима қилишимиз лозимлигини шунда айтман сенга, Санчо. Қара, Санчо, ҳов анави ерда катта иморат кўриняпти: бу иморат Дульсинеянинг қасри эканлигига шубҳам йўқ.

– Қани, олға юраверинг бўлмаса, марҳаматли жаноб, – гулдиреди Санчо. – Ким билсин, эҳтимол ўшадир. Мен эса, бу қасрни кўзим билан кўриб, қўлим билан

ушлаганимда ҳам, бари бир, ҳозир кундузи эканлигига қанчалик ишонсам, бунинг ўша қаср эканига ҳам шунчалик ишонаман.

Дон Кихот Санчони бошлаб кетди. Бироқ қоп-қорайиб турган иморатга яқинлашарканлар, улар баланд минорани кўрдилар-да, дарров қаршиларидаги қаср эмас, балки черков биноси эканини пайқадилар. Шунда дон Кихот:

– Биз черковга келиб қолибмиз, Санчо, – деди.

– Кўриб турибман, – жавоб берди у, – илоҳим, ўз қабримизга рўпара келиб қолмайлик, чунки шундай бемаҳалда черков қабристонидан санғиб юриш яхши қилиқ эмас. Лекин, эсимда бор, марҳаматли жанобларига айтган бўлсам керак, сеньорамизнинг уйи боши берк тор кўчада жойлашган.

– Худо ургур, каллаварам! – деб қичқирди дон Кихот. – Қаср ҳамда саройларнинг боши берк тор кўчаларда қурилганини қаерда кўргансан?

– Сеньор, – жавоб берди Санчо, – ҳар қайси юртнинг ўз таомили бор, эҳтимол, бу ерда, Тобосода сарой ҳамда ҳашаматли биноларни тор кўчаларга қуриш расмдир. Шунинг учун, муҳтарам жанобим, шу яқин ўртадаги тор кўча ҳамда боши берк кўчаларни ахтариб чиқишга изн берсалар. Эҳтимол, бирор жин кўчада ўша лаънати ит ражигур қасрга дуч келиб қоларман.

– Бундай одобсизларча сўзлашга қандай журъат этдинг! – ғазаб билан қичқирди дон Кихот. – Маъшуқамга тегишли ҳамма нарса ҳақида ҳурмат-эҳтиром билан гапиришга мажбурсан.

– Ҳаракат қиламан, марҳаматли жаноб, – деди Санчо, – бироқ, бир мартанинг ўзидаёқ бекамизнинг уйи қаерда эканлигини эслашимни, бунинг устига ярим кечада уни ахтариб топишимни талаб қилиб турсангиз, албатта сабр косам тўлиб кетади-да. Ахир ўзингиз уни юз минг марта кўрган бўлсангиз ҳам, тополмаяпсиз-ку!

– Санчо, қонимни қайнатиб юборяпсан, – деди дон Кихот. – Қани бу ёққа кел-чи, муттаҳам, мен сенга оламда яккаю ягона Дульсинеяни ҳеч қачон

кўрмаганимни, унинг қасри остонасига ҳам қадам босмаганимни минг марталаб айтмаганмидим? Унинг ақли-заковати ҳамда ҳусни-малоҳати ҳақидаги оламга таралган мақтов ва овозаларни эшитиб, унга ғойибона ошиқ бўлганман.

– Ундай бўлса, – жавоб берди Санчо, – сиз марҳаматли жанобим олдида бўйнимга олиб айтаман: сиз, сеньорим, уни ҳеч қачон кўрмаган бўлсангиз, мен ҳам ҳеч қачон кўрмаганман.

– Бундай бўлиши мумкин эмас! – қичқирди дон Кихот. – Ахир сен, унга бериб юборган мактубимга жавоб келтирган эдинг-ку. Яна унинг буғдой элаётганини, хайрлашиш пайтида сенга нималар берганини бекам-қўст айтиб бергандинг-ку!

– Бунинг унчалик аҳамияти йўқ, сеньор, – жавоб қилди Санчо, – иқрор бўлишим керакки, мен ҳам уни овозаларга қараб кўрганман, жавобини ҳам овозаларга қараб келтирганман.

– Санчо, Санчо, – деди дон Кихот, – ҳазил қилишнинг ўз вақти бор, акс ҳолда, у бемаъни, ноўрин чиқиб қолади. Майли, кўнглимни асир қилган маъшуқам билан ҳеч қачон суҳбатлашмаган, кўришмаган бўлай. Бироқ нега энди сен ҳам у билан кўришмаганман ва суҳбатлашмаганман деб ўтирибсан? Ахир, бунинг қип-қизил ёлғонлигини биласан-ку!

Улар суҳбатлашиб турган пайтда қандайдир бир киши омов қўшилган иккита хачирни етаклаб келаверди.

Омовни кўриб дўстларимиз, бу киши деҳқон, ишга шошилганидан тонг саҳарда турибди, деган хулосага келишди. Деҳқон йўл-йўлакай бир романсни куйлаб келарди:

*Французлар, юришмади ишингиз,  
Ронсевалнинг зўр жанглариди.*

– Санчо, шу ерда тил тортмай қолайки, – деди дон Кихот қўшиқни эшитиб, – шу туннинг ўзида қандайдир хайрли ҳодиса рўй беради. Анави деҳқоннинг нимани куйлаётганини эшитяпсанми?

– Эшитишга-ку эшитяпман-а, – жавоб берди Санчо, – лекин бизнинг ишларимиз билан Ронсеваль жанги ўртасида қандай ўхшашлик борлигига ақдим етмаяпти.

Шу пайт деҳқон улар билан тенглашди ва дон Кихот ундан сўради:

– Худо омадингизни берсин, яхши одам, Тобосонинг оламда тенги йўқ маликаси донья Дульсинейанинг қасри қаердалигини айтиб беролмайсизми?

– Сеньор, – деб жавоб берди йигит, – мен бу ерлик эмасман: шу қишлоқлик бир катта ер эгасининг қароли бўлиб ишлаётганимга бир неча кун бўлди, холос. Қарши томондаги уйда ерлик руҳоний билан унинг ёрдамчиси яшайди; улардан бири, эҳтимол, иккови ҳам сиз марҳаматли жанобга ўша сеньора малика ҳақида маълумот бериши мумкин, чунки уларнинг дафтарида Тобосо аҳлисининг ҳаммаси ёзилган. Бироқ менинг билишимча, бу ерда битта ҳам малика йўқ. Дарвоқе, бу ерда кўпгина эътиборли хонимлар яшайди, уларнинг ҳар бири ҳам ўз уйида ўзини маликалардай сезиши мумкин-ку.

– Эҳтимол, сендан сўраётганим малика шу эътиборли хонимлардан бири бўлса керак, дўстим, – деди дон Кихот.

– Бўлиши мумкин, – жавоб берди йигит, – ҳўп, яхши қолинглар, тонг отиб қолаётир.

У шундай деб кейинги сўраб-суриштиришларни кутмай, хачирларини ҳайдаб кетаверди.

Санчо эса, хўжайинини боши қотган ҳамда норози ҳолда кўриб деди:

– Ҳақиқатан ҳам, сеньор, тонг отаётир. Тонгни ўрта кўчада кутиб олиш бизга ярашмайди. Шаҳардан чиқиб кетганимиз маъқул эмасми? Сиз марҳаматли жанобим, яқинроқдаги чакалакзорлардан бирортасига яшириниб турасиз, мен бўлсам бу ерга кундузи қайтиб келиб, бекамизнинг уйи, саройи ёки қасрини топмагунча ҳамма жин кўчаларни ахтаравераман. Агар тополмасам, демак, пешонам шўр экан дейман, топсам, у марҳаматли маликага сизнинг Тобосода эканлигингизни, у кишини кўришга рухсат сўраётганингизни айтаман.

– Санчо, – хитоб қилди дон Кихот, – икки оғиз сўз билан кўп доно гапларни айта олдинг, маслаҳатингни бажонидил қабул қиламан. Шундай қилиб, жигаргўшам, ўрмонга кетдик. Мен ўша ерда қоламан, сен бўлсанг шаҳарга қайтасан, маъшуқамни топиб, у билан гаплашасан. Унинг ақли-заковати ҳамда илтифотидан ажойиб марҳаматлар кутаман.

Дон Кихот билан Санчо Тобосодан чиқиб, қишлоқдан икки мил нарида бир хилватгина чакалакзорни топишди. Дон Кихот шу ерда тўхтаб, Санчога қишлоққа қайтишини, токи кўнглини асир қилган рицари у билан кўришишга зор эканлигини ҳамда келажакдаги улуғвор, машаққатли жасоратлар кўрсатишига оқ фотиҳа беришини илтимос қилаётганини, сеньора Дульсинеяни топиб айтмагунча кўзига кўринмасликни буюрди. Санчо бу топшириқни бажо келтиришга ҳамда олдинги галдагидек хушхабар келтиришга ваъда берди.

– Қани, энди йўлга туш, жигаргўшам, – деди дон Кихот, – магар у хонимнинг хусни кўзларингни қамаштирса, сира хижолат чекма. О, дунёдаги барча яроқбардорларнинг энг бахтлиси! Тенги йўқ малак Дульсинея билан бўладиган учрашувнинг икир-чикирларигача ёдингда тут. Менинг топшириғимни айтаётганинда унинг чехрасида ўзгариш бўладими, номимни эшитиб, ҳаяжонга тушиб уялиб кетармикин, шуларга эътибор бер. Агар ўз олий мартабасига яраша ҳашаматли кўшқда парёстиқларга ботиб ўтирган бўлса, безовталиқдан кўзғалиб қўярмикин, бунга ҳам диққат қил, башарти тикка турган бўлса, қара, оғирлигини оёқдан-оёққа соладими, ўз жавобини икки-уч марта такрорлайдими, гарчанд сочлари силлиқ таралган бўлса ҳам, ажойиб қўллари билан сочини силайдими, шуларни ҳам билгин; гапнинг қисқаси, жигаргўшам, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини эсингда сақлаб қол, агар сен ҳаммасини қандай бўлса, ўшандайлигича айтиб берсанг, шу белгиларга қараб, унинг кўнгил хилваттоҳида нималар яширинганини ҳамда менинг муҳаббатимга қандай қарашини билиб оламан. Қани, йўлга туша қол, дўстим. Иқболинг меникидан ҳам баланд бўлсин.

– Бораман-у тезда қайтаман, – деди Санчо, – сиз эса, марҳаматли жанобим, кўнглингизни хотиржам қилишга ҳаракат қилинг. Эҳтимол, юрагингиз сиқила-сиқила ёнғоқдай бўлиб қолгандир. Жасурлик ёвуз тақдирни енгади, кимда думба ёғи бўлмаса, уни остани илмоғи ҳам йўқ, яна, «қуролсиз овга чиқсанг, оёғинг остида қуён ўрмалар» деган мақолларни ёдингизда тутинг. Мен буни шунинг учун айтяпманки, сеньорамизнинг саройи ҳамда қасрларини кечаси ахтариш қийин бўлган эди, Бироқ кундузи уни топишга ишонаман. Модомики, топар эканман, у билан бошлаб гаплашиш қўлимдан келиб қолар.

Шундай деб, Санчо эшагини буриб, шито билан ҳайдаб кетди. Дон Кихот эса, Росинантдан тушмай найзасига суянганича ғамгин ўйларга берилиб кетди. Санчо чакалакзордан чиқиб, атрофга кўз югуртирди-да, дон Кихотнинг кўринмаётганига ишонч ҳосил қилгач, эшагидан таппа сакраб тушди. Сўнгра серсоя дарахтнинг тагига ўтириб олиб, ўз-ўзича мулоҳаза юрита бошлади:

– Қани, энди айт-чи, ошнам Санчо, муҳтарам жаноблари қаёқда кетаётibdилар? Мабодо йўқолган эшагингни ахтаргани эмасми? – Йўқ, албатта. – Бўлмаса нимани ахтаряпсан? – Хўжайинимнинг айтишига қараганда, қуёш ва кўкдаги барча юлдузларни бирга қўшиб олганда ҳам тенг келадиган, гўзалликда беқиёс маликани излашга кетаётирман. – Уни қаердан топомқчисан, Санчо? – Қаердан? Азим шаҳар Тобосодан. – Хўп, майли, уни излашни сенга ким топширди? – Адолат ўрнатувчи, чанқоқларга нон, очларга сув берувчи машҳур рицарь ламанчлик дон Кихот. – Буларнинг ҳаммаси яхши. Санчо, ўша маликанинг уйи қаердалигини биласанми ўзи? – Хўжайиним у қирол саройида, ҳашаматли қасрда яшайди, деб айтаётир. Бу қаср эса Тобосода. – Хўп, борди-ю, Тобосо аҳолиси сенинг номаълум қаср ҳамда номаълум маликани излаб юрганингни билиб қолиб, қовурғаларингни пачақлаб, баданингда бирорта ҳам соғ жойингни қолдирмасачи? Сенинг таъзирингни бериб, терингни ёнғоқ пўстидай шилиб

олишса, улар ҳақли деб ўйламайсанми? – Шубҳасиз, улар ҳақ бўлади. Лекин улар менинг бор-йўғи биргина вакил эканлигинимни ҳисобга олишлари керак:

*Чопар бўлиб келдингиз фақат,  
Йўқ, сиз айбдор эмассиз, дўстим.*

Бироқ бунга ортиқча умид боғлама, Санчо, чунки ламанчликлар шу қадар жиззаки, шу қадар ҳалол бўладиларки, ўз устларидан бировнинг кулишига сира чидаёлмайдилар. Худо шоҳид, агар улар сени фош қилиб ташлашса, ҳолингга вой. – Менга тегма, жим! Момақалдирок, гулдурайвер, лекин нарироқда гулдир! Бировнинг ҳузур-ҳаловатини деб бундай мушкул аҳволда қолишга қайси фалокат йўлдан урди мени? Шайтон, худди шайтоннинг ўзи мени шу балоларга гирифтор қилди!

Санчо қўйидаги оқилона қарорга келгунча узоқ вақт ўз-ўзи билан суҳбатлашиб ўтирди:

– Хўп, майли, – деди у ўз-ўзига, – умримиз охирида биз бўйинтуруғини кўтариб юрадиган ажалдан бошқа, дунёда ҳамма нарсанинг иложи бор. Бутун қилмишидан хўжайинимнинг қўл-оёғи кишанлаб қўйиладиган жинни эканлиги кўришиб турибди. Аммо мен ҳам ундан қолишмайман. Мен ундан ҳам беш баттар жинниман, нега деганда унга ўз ихтиёрим билан хизмат қилаётирман. Ахир, мақолларда қозонга яқин юрсанг, қораси юқади, ёмонга яқин юрсанг балоси юқади, дейилган. Гап зотинг кимлигида эмас, балки ким билан ош-қатиқ бўлганинда экан. Хулласи калом, у – жинни. Шунинг учун кўзига йўқ нарсалар бор бўлиб кўринаверади: оқни қора, қорани оқ дейди, шамол тегирмонларини – девлар, попларнинг хачирларини – туя, қўйлар сурувини – душман қўшинлари деб ўйлаганини эслашнинг ўзи кифоя бунга. Шундай экан, биринчи учраган деҳқон аёлни сенъора Дульсинея деб уни ишонтириш унча қийин бўлмайди. Агар ишонмаса, мен қасам ичаман: агар унинг ўзи ҳам қасам ича бошласа, мен яна қасам ичаман; у эътироз бил-



дира бошласа, мен ўз айтганимда қаттиқ туриб оламан. Эҳтимол, менинг қайсарлигимдан аччиқланиб, мени яна шунга ўхшаш топшириқлар билан ҳеч қаяққа жўнатмас. Аниқроғи, бирор ёвуз сеҳргар унинг гўзал маъшуқасини деҳқон аёлга айлантириб қўйган, деб ўйлайди.

Бу ўйлардан Санчонинг қўнгли таскин топиб, ишим битди, деб ҳисоблади. Дон Кихот Тобосода бўлганлигига шубҳа қилмасин учун кечгача дарахт тагида ўтирди. У энди эшагига минаман, деб турганда, Тобосо томондан учта деҳқон аёлнинг эшак миниб келаётганини кўриб қолди. Санчо ўша заҳоти ҳадеб оҳ-воҳ қилиб, муҳаббат азобидан тўлиб-тошиб турган хўжайин олдига шошилди. Яроқбардорга олисданоқ кўзи тушган дон Кихот:

– Қалай, дўстим Санчо, бугунги кунни оқ тош билан нишонлайми ё қора тош биланми? – деди.

– Яхшиси, – жавоб берди Санчо, – марҳаматли жанобим, Саламанкадаги талабалар шуҳрат қозонган профессорларини қизил ҳарфлар билан нишонлаганидек, сиз ҳам қизил тош билан нишонлай қолинг.

– Демак, – деди дон Кихот, – хушxabар келтирибсан-да!

– Энг аъло хушxabар! – жавоб берди Санчо. – Муҳтарам жаноблари фақат Росинантни ниқтаб, икки канизак кузатувида сиз марҳаматли жанобим билан учрашгани келаётган сеньора Дульсиняя Тобосскаяга пешвоз чиқсангиз бас.

– Худонинг марҳамати беадад! – хитоб қилди дон Кихот. – Нималар деяпсан ўзи, дўстим Санчо? Менга қара, мени алдама, ёлғондакам хурсандлик билан чинакам қайғумни енгиллаштиришга уринма.

– Сиз марҳаматли жанобни алдашимдан нима фойда? – эътироз билдирди Санчо. – Ёлғон ё чин гапирётганимни шу ернинг ўзидаёқ текшириб кўришингиз мумкин. Отингизни ниқтанг-у, орқамдан юринг. Сиз маликаи ҳазрати олияларини ўз улуғлигига муносиб ҳашаматда кўрасиз. У ҳам, унинг канизаклари ҳам заррин, дуру жавоҳир, олмос, ёқутлар, зар кийимларга бурканиб, кўзни қамаштириб келишяпти, елкаларига ёйилиб тушган сочлари қуёшдек нур сочиб турибди.

Улар оламда ўзларига тенг кела олмайдиган оқ тулпорларда келишяпти.

– Улар йўрға миниб келишяпти, демоқчимисиз. Санчо?

– Тулпорми – йўрғами, фарқи унча катта эмас, – эътироз билдирди Санчо, – улар нимада келишаётган бўлса ҳам, дунёда ҳалигача бунақа гўзал хонимлар бўлмаган. Айниқса, малика Дульсинея ниҳоятда чиройли, унга бир қараш билан ақлдан озиш мумкин.

– Кетдик, дўстим Санчо, – деди дон Кихот. – Мана шундай кутилмаган хушxabарларинг учун дастлабки саргузаштимдаёқ қўлга туширган энг яхши ўлжани сенга ҳадя қиламан. Агар бу ҳам озлик қиладиган бўлса, учта биямдан туғиладиган тойчоқларимни ҳам инъом этаман, уларнинг тез кунда қулунлашидан хабаринг бор-ку, ахир.

– Менга тойчоқлар кўпроқ ёқади, – деди Санчо, – чунки дастлабки саргузаштингиздаёқ қўлга туширадиган ўлжангизнинг яхши бўлишига унча ишонмайман.

Улар ўрмондан чиқиб, учта деҳқон аёлни кўрдилар. Дон Кихот Тобосо йўлини синчиклаб қаради, деҳқон аёллардан бошқа ҳеч кимни кўрмай, Дульсинея ўз ҳамроҳлари билан шаҳардан йўлга чиққанига яроқбардорининг ишончи комил эканлигини Санчо Пансадан ҳаяжонли оҳангда сўради.

– Йўлга чиққан! – қичқирди у. – Нима деб алжираяпсиз, сеньор? Нима, марҳаматли жанобларининг кўзлари орқаларидами дейман? Ахир, уларнинг тушки қуёшдай ярқираб биз томон келаётганларини наҳотки кўрмаяпсиз?

– Мен фақат учта эшакка миниб келаётган учта деҳқон аёлни кўряпман, холос, – жавоб берди дон Кихот.

– Э худо, бизни шайтон васвасасидан ўзинг асрагин! – деди Санчо. – Наҳотки, осмондан янгигина ёққан қордек оппоқ уч йўрға сиз марҳаматли жанобга эшак бўлиб кўринаётган бўлса? Э худойим, ўзинг кечиргин, бу гап рост бўладиган бўлса, соқолимни битталаб юлишга тайёрман.

– Сенга айтдим-ку, дўстим Санчо, – эътироз билдирди дон Кихот, – қаршимиздан келаётган эркак ёки

урғочи эшаклар. Бу, мен – дон Кихот, сен – Санчо Панса эканлигидай равшан.

– Жим бўлинг, сеньор, – деди Санчо, – бундай гапларни гапирманг, яхшиси, кўзингизни каттароқ очинг-у, ўй-фикрингизни банд этган маъшуқангизни кутиб олишга шошилинг, у жуда яқинлашиб қолди, ахир.

Шу сўзлар билан Санчо деҳқон аёлларга яқинлашди, шошилиб улардан бирининг эшаги юганидан ушлади. Тиз чўкиб туриб, деди:

– О, гўзаллик қироличаси, маликаси, герцогиняси, ҳазрати олиялари! Сизга асир бўлган рицарга ўз марҳаматингизни кўрсатгайсиз. Гўзаллигингиздан кўзи қамашган бу шўрлик лол қолиб, худди мрамар ҳайкалдек қимирламай турибди. Мен унинг яроқбардори Санчо Пансаман, унинг ўзи эса Ғамгин Қиёфа лақабли рицарь, яъни ламанчлик рицарь дон Кихотдир.

Дон Кихот ҳам Санчонинг ёнига тиз чўқди. У Санчо сеньора ва қиролича деб атаган аёлга хира тортган кўзларини катта очиб қаради. Эвоҳ! Унинг қаршисида хунуккина, кулча юзли, қаншари паст, оддийгина кийинган оддий бир деҳқон аёл турарди. Шўрлик рицарнинг ҳафсаласи пир бўлди, бироқ бир оғиз ҳам гапиришга журъат қилолмади. Аёл эса, оғзи очилиб, анграйганча бу ғалати одамлар ўзидан нимани талаб қилаётганини тушунмай, тиз чўкиб турган рицарь ва яроқбардорга тикилиб турарди. У фақат биргина нарсани, бу тентакларнинг йўлларини тўсиб турганларинигина фаҳмлаган эди, холос.

Шунинг учун ҳам у жаҳд билан қатъий қичқирди:

– Йўлни тўсманг, лаънатилар, бизни қўйиб юборинглар. Биз шошиляпмиз.

Санчо бунга жавобан:

– О, Тобосонинг маликаси ҳамда олий ҳукмдори! Наҳотки, жаҳонгашта рицарлар орасида энг машҳурининг сиз марҳаматли хоним қаршисида итоаткорлик билан тиз чўкиб турганини кўриб, шафқат тўла қалбингиз юшамаса? – деди.

Бу сўзларни эшитиб, бошқа бир деҳқон аёл деди:

– Бу жанобчаларнинг қишлоқи қизларни масхара қилишини қаранг-а. Эҳтиёт бўлинг, сеньорлар! Бўл-маса, бизнинг ҳазилимизнинг оқибати ёмон бўлади! Ўз йўлларингга кетаверинглар-у, бизни тинч қўйинглар.

– Тур ўрнингдан, Санчо, – деди дон Кихот шунда. – Тақдир ҳали менинг бахтсизликларимга тўймаганини, фақир кўнглим учун барча хурсандчилик йўллари кесилганини кўриб турибман. О, қалблар орзуси, саховатли малика, – деб давом этди у биринчи деҳқон аёлга мурожаат қилиб, – сен ишқингда куйиб-ёнган ғамгин кўнглининг яккаю ягона қувончисан, шуни билгинки, мени таъқиб қилиб юрувчи ёвуз сеҳргарнинг иродаси билан кўзларим қоп-қора парда билан қопланди, уни ваҳимали туман қуршаб олди, ҳуснда тенги йўқ жамолингни кўриш ўрнига бир камбағал деҳқон аёлнинг юзини кўриб турибман. Шундай бўлса ҳам, ёлвораман, менга мулойим ҳамда ошиқона бир қиё боқ. Қара, қаршингда бўйимни эгиб, тиз чўкиб турибман. Наҳотки, менинг чексиз ҳамда итоаткорона садоқатим билан муҳаббатимга ишонмайсан?

– Бу гапларни катта бувангизга айтинг! – қичқирди деҳқон аёл. – Бунақа хушомадингизга кўзим учиб тургани йўқ! Яхшиликча айтяпман: жўнанг, йўлни тўсманглар.

Санчо четга чиқиб, деҳқон аёлга йўл берди ва ўз нияти муваффақият билан тугалланганидан хурсанд бўлди. Сеҳрланган Дульсинея ўз «тулпор»ини кучининг борича калтак билан уриб, дала бўйлаб ҳайдаб кетди. Бироқ эшак оғриқнинг зўридан шаталоқ ота бошлади ва эгасини ерга қулатди. Буни кўриб, дон Кихот уни турғизиб қўйгани отилди. Санчо эса эшакни тутиб, эгарини ростлай бошлади. Айил тортилиб бўлингач, идальгомиз ўз маликасини қўлида кўтариб, эшакка ўтқизмоқчи бўлган эди, бироқ сеньора уни бу ишдан хориж қилди; ўрnidан тургач, югуриб келиб, эшакнинг сағрисига қўлини қўйиб, лочиндек эпчиллик билан эшакка ирғиб миниб олди. Шунда Санчо:

– Авлиё Роке номи билан қасам ичаманки, бекамиз шунқордан ҳам чаққон экан. У энг чаққон кордуанликни ёки мексикаликни ҳам чавандозликка ўргата олади? Бир сакрашда эгарнинг орқа қошидан учиб ўтиб миниб олди, энди бўлса, ўз йўрғасини худди зебрани ҳайдагандай ҳайдаб кетяпти, канизаклари ҳам ундан ортда қолмаётирлар. Уларнинг шамолдан ҳам тез елиб бораётганликларини қаранг-а.

Санчо тўғри гапирган эди, чунки Дульсинеянинг эгарга сакраб минганини кўрган икки деҳқон аёл ҳам жон-жаҳдлари билан унинг кетидан эшакларини йўрғалатиб кетдилар.

Дон Кихот уларни кўзлари билан кузатиб қолди, уларнинг қораси ўчгач, Санчога мурожаат қилиб деди:

– Буни қара-я, Санчо, сеҳргарларнинг макри ҳамда душманлигининг оқибати қаергача бориб етаркан: улар мени маъшуқамнинг рухсорини бутун гўзаллиги латофати билан кўриш қувончидан маҳрум қилишди. Дарҳақиқат, мен оламдаги барча бахтсизликларга намуна бўлиш учун хизмат қилишган, ёвуз тақдирнинг ўткир ўқларига нишон бўлиш учун яратилган эканман. Санчо, бу хоинлар менинг Дульсинеямни сеҳрлаш билан қаноатланишмабди, – йўқ, унга яна қўпол деҳқон аёл қиёфасини бериш ҳам зарур экан. У ҳатто олий мартабали сеньораларга хос бўлган муаттар ҳид таратишдан ҳам маҳрум бўлибди. Чунки, тўғриси айтганда, мен йўрғасига миндириб қўяй деб яқинлашганимда, ундан ниҳоятда бадбўй саримсоқ ҳиди димоғимга уриб, бўғилиб ўлишимга оз қолди.

– Нақадар аблаҳ одамлар! – хитоб қилди Санчо. – Эҳ, шумният, маккор сеҳргарлар, томогингиздан гиппа бўғиб, ҳаммангизни балиқлардай ипга терса. Оҳ, ярамаслар! Хўжайинимдан нақадар заҳарханда кулдиларинг! Сеньорамнинг гавҳардай тиниқ кўзларини мовий, соф олтиндай сочларини сариқ новвоснинг думи қилиб кўрсатдиларинг жанобимнинг кўзига! Унинг гўзал рухсорини ҳам ўзгартирдингиз, бироқ бу ҳам

сизга озлик қилибди. Ундан таралиб турадиган муаттар бўйларни бадбўй саримсоқ пиёз ҳидига айлантирибсиз. Шундай бўлса-да, онт ичаманки, қаршимизда оламдаги энг сулув қиз турган эди.

– Сенга ишонаман, дўстим, – деди дон Кихот, – чунки табиат Дульсинеяга беқиёс ҳусн бахш этган. Аммо, Санчо, менга шуни айт-чи, унинг йўрғасида оддий эгармиди ё суянчиқли эгармиди?

– Йўғ-е, – деди Санчо, – бу калта узангили, нархи ярим подшоликка тенг зарҳал ёпқичли сафар эгари эди.

– Мен шуларни ҳам кўрмабман! – деди алам билан дон Кихот. – Минг бора такрор-такрор айтаманки, Санчо, мен бандаларнинг энг бахтсизиман.

Алдоқчи Санчо эса ўз хўжайинининг бу бемаъни сўзларини эшитиб, уни усталик билан лақиллатгани учун кулгидан ўзини аранг тийиб турарди. Ниҳоят, улар бир оз тинчланишгач, ўз йўрғаларига миниб, Сарагосса томон йўлга тушдилар. Дон Кихот бу ажойиб шаҳарда ҳар йили ўтказиладиган тантанали байрамларда қатнашиш ниятида эди. Бироқ кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган кўпгина саргузаштлар йўловчиларимизнинг у ерга етиб боришларига монелик қилганини китобхон пастроқда ўқиб биледи.

### ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

#### **ДОН КИХОТНИНГ ЖАСУР РИЦАРЬ БИЛАН ФАЛАТИ УЧРАШУВИ ВА ИККИ ЯРОҚБАРДОРНИНГ ШИРИН СУҲБАТИ**

Чуқур ўйга ботган дон Кихот гўзал сенъора Дульсинеяни хунук бир деҳқон аёлга айлантириб қўйган сеҳргарларнинг ёвуз ҳазили ҳақида хаёл суриб борарди. У қандай қилиб ўз маъшуқасини асл қиёфасига келтириш ҳақида астойдил бош қотирарди. У ўз ўйларига шу қадар берилиб кетдики, Росинантнинг жиловини қўйиб юборганини ҳам сезмади, от ўзининг

эркинлигини сезиб, ҳар қадамда тўхтаб, кўм-кўк ўтдан чимдирди. Санчо хўжайинининг бундай ноумидликка тушганини кўраркан, унга бир оз далда бермоқчи бўлиб, шундай деди:

– Сеньор, ғам-қайғу жониворлар учун эмас, инсонлар учун яратилган, бироқ кишилар ғамга ҳаддан ташқари берилиб кетсалар, улар ҳам қайвонга айланадилар. Ўзингизни қўлга олинг, марҳаматли жаноб, руҳингиз тушмасин, эс-ҳушингизни йиғинг, жаҳонгашта рицарларга муносиб равишда бардам бўлинг. Бу нима деган гап! Нега шунчалик ғам чекиш? Менга деса, оламдаги барча Дульсинеяларни жин урсин: дунёдаги ҳамма сеҳр-жодудан битта жаҳонгашта рицарнинг саломатлиги қимматроқ.

– Жим бўл, Санчо, – унинг гапини қаҳр билан бўлди дон Кихот, – сенга айтяпман, жим бўл, сеҳрланган гўзал сеньорамиз ҳақида бундай гапирма: унинг бошига тушган мусибатларга фақат мен айбдор. Мен ўз қаҳрамонликларим билан ёвуз душманим қудратли сеҳргарнинг қалбида ҳасад уйғотганим учун унинг бошига шундай бахтсизликлар тушди.

– Мен ҳам шуниси айтяпман-да, – жавоб берди Санчо, – кимки унинг илгари қандайлиги ҳамда кейин қандай қиёфага кириб қолганини билса, юраги ағдар-тўнтар бўлиб кетади.

– Сенга-ку унчалик эмас-а, Санчо. Сен уни бутун хусну малоҳати билан кўрдинг-ку, ёвуз афсунлар сенга таъсир қилмади, кўзларинг туманлашмади, унинг чиройи сендан яширинмади. Сеҳргарнинг бутун кучи фақат менга қаратилган эди. Қулоқ сол, Санчо. Унинг кўзлари гавҳардай тиниқ, деганинг эсим-да. Бундай кўзлар аёлларда эмас, балки балиқларда бўлади. Менимча, Дульсинеянинг кўзлари икки кўм-кўк зумрадга, қошлари эса соя ташлаб турган иккита пештоққа ўхшаса керак. Гавҳар эса албатта тишлари. Шундай, Санчо. Сен, эҳтимол, адашиб унинг кўзларини тиши деб ўйлаган бўлсанг керак.

– Шундай бўлиши ҳам мумкин, – жавоб берди Санчо. – Унинг хунуклиги сизни қандай ҳайратда қолдирган бўлса, гўзаллиги мени ҳам шундай ҳайратда қолдирди-да. Бунни қўя турайлик. Биласизми, марҳаматли жанобим, ҳаммадан ҳам нима кўпроқ ташвишга соляпти? Сиз биронта девни ё рицарни енгиб, унга сеньора Дульсинея ҳузурига бор, деб буюрдингиз, дейлик. Бу шўрлик дев ёки енгилган бахтсиз рицарь қандай қилиб уни қидириб топади? Гўё мана ҳозир унинг Тобосо кўчаларида тентаклардай сандироқлаб, сеньора Дульсинеяни ахтариб юрганини яққол кўриб тургандайман. У билан кўчанинг қоқ ўртасида бетма-бет рўпара келиб қолганида ҳам, бари бир уни танимайди.

– Санчо, эҳтимол, сеҳр-жоду мен енгган дев ҳамда рицарларга таъсир этмас, – жавоб берди дон Кихот. – Мана сенга таъсир этмади-ку, сеньора Дульсинеяни бутун гўзаллиги билан кўра олдинг-ку, ахир. Бунни амалда синаб кўриш қийин эмас: дастлаб енгган рицарларимни Тобосога юбораман ҳамда қайтиб, у ерда нималар кўрганини айтиб беришини буюраман. Ўшанда бутун ҳақиқатни биламиз-қўямиз.

– Сиз бунни яхши ўйлаб топдингиз, сеньор, – деди Санчо. – Бундай ҳийла билан зарур бўлган ҳамма нарсани билиб оламиз. Агар сеньора Дульсинеянинг асл қиёфаси фақат сиз марҳаматли жанобгагина кўринмаса, унда кулфат унинг бошига эмас, фақат сизнинг бошингизга тушган бўлади. Ишқилиб, у соғ-саломат бўлса бас, биз бўлсак яна бирорта саргузашт ахтариб, бир йўлини топармиз. Қолган ҳамма нарсани вақтга ҳавола қиламиз, у – бизнинг дардимиздан ҳам оғирроқ дардларни даволовчи табиб.

Шу кўйи суҳбатлашганча рицарь билан яроқбардор йўлда давом этдилар. Ниҳоят, вақт ярим кечадан оққанда Санчо озгина мизғиб олмоқчилигини айтди. Йўловларидан тушдилар, Санчо эшагининг эгарини олиб, ўтлоққа қўйиб юборди. Росинантнинг эгарини олмади. Дон Кихот унга сафар пайтида ва очиқ ҳавода



тунаганларида Росинантнинг эгарини олиб қўйишни қатъиян ман қилган эди. Ҳаммага маълумки, юганни ечиб, эгарнинг қошига илиб қўйиш жаҳонгашта рицарларга одат бўлиб қолган, бироқ эгарни олишдан эса худо сақласин! Санчо худди шундай қилиб, Росинантни эшак билан бирга ўтлагани қўйиб юборди. Ҳар иккала ҳайвон ўртасида ўзларига хос қалин ва ягона дўстлик пайдо бўлган эди. От билан эшак бирга бўлишлари биланоқ бир-бирини ялай бошлар, сўнгра чарчаган ва мамнун бўлган Росинант бошини эшакнинг бўйнига қўйиб, ўйчан ҳолда ерга тикилиб, токи қоринлари очмагунича шу алпозда бир неча соатлаб туришаварди. Улар одамлар орасида ҳам камдан-кам учрайдиган даражада қалин дўст эдилар. Китобхон муаллиф одамларни ҳайвонлар билан таққослаётгани учун хафа бўлмасин, чунки бунинг хафа бўладиган жойи йўқ. Одамлар ҳайвонлардан кўпгина фойдали сабоқларни олганлар: масалан, итлар одамларни миннатдорчилик билдиришга, чумолилар эҳтиёткорликка, филлар одоблиликка, отлар садоқатлиликка ўргатганлар ва ҳоказо.

Ўз қаҳрамонларимизга қайтайлик, Санчо кечки овқатни еб, улкан пўкак дарахт тагига чўзилди ва шу заҳотиёқ хуррак ота бошлади, дон Кихот эса азим туп эман дарахти тагига чўзилди, кўзи уйқуга бориб-бормай, орқа томонда қандайдир шовқинни эшитди. У ўрнидан ирғиб туриб, шовқин қаёқдан келаётганини билиш мақсадида тикилиб қараб, диққат билан қулоқ сола бошлади. Шу вақт у икки отликни кўрди. Улардан бири отдан сакраб тушди-да, шеригига деди:

– Отдан туш, дўстим, отларнинг сувлигини чиқар: менимча, бу ердан уларга ширали ўт топилади, менга эса – муҳаббатнинг ширин хаёлларини суриш учун сукунат ҳамда танҳолик даркор.

Шундай қилиб, номаълум киши ўзини шартга қўкат устига ташладики, қурол-аслаҳалари жаранглаб кетди. Дон Кихот бу номаълум кишининг жаҳонгашта рицарь эканлигини дарҳол пайқади. У тош қотиб ухлаб ётган

Санчога яқинлашиб, кўлидан тортди, уни зўрға тебратди, кейин шивирлаб деди:

– Биродар Санчо, мана саргузашт ҳам бошланди!

– Илоҳим, яхши саргузашт бўлсин! – деди Санчо. – Қани ўша саргузашт?

– Бошингни буриб қара, – деди дон Кихот, – ҳов анави ерда кўкат устида бир жаҳонгашта рицарь ётибди. Билишимча, у унча хурсанд эмас. У нимадандир хафа бўлиб, отидан қандай сакраб тушганини ҳамда ерга ётиб олганини кўрдим.

– Нега энди марҳаматли жанобларига ҳозир бирор саргузашт содир бўладигандек туюлади? – сўради Санчо.

– Саргузашт содир бўляпти демоқчи эмасман, – деди дон Кихот. – Йўқ, бу фақат унинг бошланиши, чунки барча саргузаштлар шундай бошланади. Қулоқ сол, у удни ё виолани\* созлаяпти, худди ашула айтишга ҳозирланаётгандай томоғини қириб, тупураётганга ўхшайди.

– Гапингиз ҳақ рост, – жавоб берди Санчо, – бу ошиқ рицарнинг ўзгинаси.

– Жаҳонгашта рицарнинг ошиқ бўлмай иложи йўқ, – деди дон Кихот. – Қани, бир қулоқ солайлик-чи, унинг ашуласидан кўнглида нима борлигини билиб оламиз.

Санчо ўз хўжайинига ҳали жавоб бермасданоқ номаълум киши ашула бошлаб юборди. У ўртамиёна куйларди. Шундай бўлса-да, дўстлар ашулани эътибор бериб эшитдилар.

### СОНЕТ

*Хоним, сиздан ўтинчим фақат:*

*Хоҳишингиз айлангиз баён.*

*Бажаргумдир уни шу замон*

*Ўтказмайин заррача фурсат.*

*Ё дилдаги аламни шу вақт*

*Ичга ютиб, берайинми жон.*

\* Виола – катта скрипкага ўхшаган қадимги мусиқа асбоби.

*Қолмасинми азоб ҳам пинҳон  
Амур<sup>у</sup>ни етказар албат.  
Дилда ҳарир каби ҳисларим,  
Олмос сабрим ҳаммаси сизга.  
Тоширайин қўлларингизга  
Ғусса тўла юрак дафтарин.  
Истагингиз ёзингиз унга,  
То ўлгунча асрайин барин.*

Номаълум рицарь ашуласини тугатиб, оҳ урди. Унинг оҳи қалбининг энг ичкарисидан узилиб чиққандай бўлди. Бирпасдан сўнг у дардли ва ғамгин овоз билан гап бошлади:

– О, дунёдаги барча хотинларнинг энг гўзали ҳамда энг шафқатсизи! Наҳотки, сен – Касильдея Вандальская, ўзингга асир бўлган рицарнинг абадий дарбадарликда ҳамда оғир, мушкул заҳматлар остида ҳалок бўлишига йўл қўйсанг? Наҳотки, менинг буйруғим билан ҳамма рицарлар: Наварра, Леон, Тартесия, Кастилия ва ниҳоят ламанч рицарлари сени оламдаги энг гўзал хоним деб таниганлари сенга етарли эмас?

– Бу ёлғон! – деб қичқирди дон Кихот. – Мен ламанчлик рицарман, буни ҳеч қачон тан олган эмасман, тан олмайман ҳам. Чунки бу менинг маъшуқам шаънига доғ туширади. Ана, кўряпсанми, Санчо, бу рицарь алаҳлаяпти. Майли, давомини ҳам эшитайлик, эҳтимол, у янада равшанроқ гапирар.

– Албатта, гапиреди, – деди Санчо, – афтидан бир ойгача тинмай қўшиқ айтадиган кўринади.

Бироқ иш Санчо ўйлагандан бошқачароқ бўлиб чиқди. Номаълум рицарь яқинроқда кимдир гапираётганини эшитиб, нолаю илтижоларини тўхтатиб, ўрнидан турди-да, хушмуомалалик билан деди:

– Ким бор у ерда? Кимсиз? Хушчақчақ одамлардан-мисиз ё ғам чекувчилардан?

– Ғам чекувчиларданмиз, – жавоб берди дон Кихот.

---

\*Амур – муҳаббат худоси.

– Ундай бўлса менга яқинроқ келинглар, – деди номаълум рицарь, – шунни билингни, сиз қайғу билан гамнинг тимсоли бўлган бир кимсага яқинлашмоқдасиз.

Бундай дўстона ва назокатли жавобни эшитган дон Кихот яқинроқ келди, Санчо унинг орқасидан юрди. Нола чекаётган рицарь дон Кихотнинг қўлидан ушлаб, деди:

– Мана бу ёққа ўтиринг, сеньор рицарь, чунки мен сизнинг жаҳонгашта рицарлар орденига мансуб эканингизни фаҳмлаб турибман. Сизни шу ерда танҳолик ҳамда бегубор осмон ҳамроҳ бўлиб турган жойда учратганимдан кўришиб турибди бу. Фақат жаҳонгашта рицаргина тунагани мана шундай кимсасиз жойни танлайди.

Дон Кихот бунга жавобан деди:

– Гапингиз тўғри, ҳақиқатан, мен шу орденнинг рицариман; кўнглимга, худди ўз бошпанасидек, гам-қайғу ҳамда кулфат уя қуриб олган, бироқ шунга қарамай, қалбимда бошқаларнинг гамига ҳамдард бўлиш учқуни ҳам сўнмаган. Сизнинг азоб-уқубатларингиз ҳозиргина айтган ашулангизда нолаю илтижо қилаётганингиз шафқатсиз малакнинг муҳаббати туфайли туғилган деб билдим.

Эрталаб бир-бирлари билан муштлашишларини халларига ҳам келтирмай, ёнма-ён ўтириб, шу алпозда дўстона суҳбатлашардилар.

– Энди менга айтинг-чи, сеньор рицарь, – деди номаълум рицарь дон Кихотга, – сиз ошиқ эмасмисиз?

– О, албатта! Бахтга қарши ошиқман, – жавоб берди дон Кихот. – Дарвоқе, ўзимизга муносиб хонимни севиб, муҳаббат азобларини кулфат деб билмай, балки лаззат деб ҳурматламоғимиз лозим.

– Агар ўша хонимларимизнинг бениҳоя нафратлари, – деди номаълум рицарь, – ақл ҳам фикрларимизни хиралаштирмаганда эди, сиз тамомила ҳақ эдингиз.

– Менинг маъшуқам ҳеч қачон менга нафрат билан қарамаган, – эътироз билдирди дон Кихот.

– Албатта, нафрат билан қарамаган, – тасдиқлади яқингинада турган Санчо, – чунки бекам қўйдаи ювош, момиқдай майин.

– Бу сизнинг яроқбардорингизми? – сўради номаълум рицарь.

– Ҳа, – жавоб берди дон Кихот.

– Мен ўз хўжайини гапираётган вақтда, – деди номаълум рицарь, – унинг гапига суқилишга журъат эта оладиган яроқбардорни ҳеч қачон кўрмаганман. Мана, менинг яроқбардорим: бўйи отасиникидан паст бўлма-са-да, бироқ дадил айтишим мумкинки, у умрида мен бор жойда ҳеч қачон гапга аралашмаган.

– Мен гапиравераман, – деб эътироз билдирди Санчо, – бундақалар олдида гапиришдан қўрқмайман... Хўп, майли, гапимни охирига етказмай қўя қолай. Жим туришим ҳам мумкин.

Шунда номаълум рицарнинг яроқбардори Санчонинг қўлидан ушлаб, деди:

– Чеккароққа чиқайлик, дўстим, кўнглимиздагиларни холироқ жойда гаплашайлик, қўявер, сеньорлар, хўжайинларимиз бир-бирларига ўз муҳаббатлари ҳақида сўзлайверишсин. Эҳтимол, улар саҳаргача гаплашса ҳам, гаплари тамом бўлмас.

– Бош устига, – жавоб берди Санчо, – сиз марҳаматли жанобимга ўзимнинг кимлигимни гапириб бераман, ўшанда мени баъзи маҳмадона яроқбардорлар билан тенглаштириш мумкин эмаслигини билиб оласиз.

Улар чеккароққа чиқиб, сершоҳ эман тагига ўтирдилар, уларнинг ўртасида қизгин суҳбат бошланди.

– Жаҳонгашта рицарларнинг яроқбардорлари бўлган бизлар енгил ҳаёт кечираётганимиз йўқ, – деди номаълум рицарнинг яроқбардори. – Мана, тер тўкиб ҳалола нон еймиз, бу эса тангрининг ота-боболаримиз бошига солган тавқи лаънатларидан бири.

– Хўрлик-зорлик тортиб еяётган бир бурда нонни деб айтишингиз ҳам мумкин эди, – жавоб берди Санчо, – чунки жаҳонгашта рицарларнинг иссиқ ҳам совуқдан азоб тортаётган яроқбардорларидан бахтсизроқ яна ким бор? Бироқ шу нон доимо бўлса гўрга эди-я, кўпинча кун бўйи қорнингни ел билан қаппайтириб юраверасан, киши.

– Бироқ бизда инъом олиш умиди бор-ку! – эътироз билдирди номаълум рицарнинг яроқбардори. – Бунинг ҳаммасига чидаш ҳамда сабр-тоқат қилиш мумкин, зотан, агар яроқбардор хизмат қилаётган жаҳонгашта рицарнинг озгина омади юришиб қолса, унинг хизмат-кори бирорта ажойиб орол ёки кўнгилдагидек графликни инъом қилиб олишига дадил ишонавериши мумкин.

– Ўз хўжайинимга, мен бир оролга ҳукмронлик қилсам ҳам бўлаверади, деб айтганман, – деди Санчо, – хўжайиним эса шундай саховатли ҳамда сахийки, орол беришни менга бир неча бор ваъда қилган.

– Агар хизматларим эвазига, – деди рицаръ Леса (янги рицарни шундай деб атаймиз)нинг яроқбардори, – менга каноник\* рутбасини беришса ҳам розиман. Хўжайиним менга энг яхши черков қавмини ваъда қилган.

– Демак, – деди Санчо, – муҳтарам жанобимнинг хўжайинлари ҳалол яроқбардорига ана шундай инъомларни ваъда қилган бўлса, у киши диний орден рицарларидан эканлар-да. Менинг хўжайиним – дунёвий одам. Тўғри, ақлли кишилар уни архиепископ бўлишга кўндиришга уриниб кўрдилар. Яхшики, у кўнмади, мен бўлсам диний унвон ёқиб қолмаса эди деб даҳшатдан қалтираб турдим, чунки диний лавозимларни бажо келтиришга ўзимни лаёқатсиз деб биламан.

– Ҳақиқатан, сиз адашяпсиз, марҳаматли жаноб, – эътироз билдирди иккинчи яроқбардор. – Диний лавозим баъзи ороллардан сердаромадроқ бўлиши мумкин, негаки, ҳамма ороллар ҳам бирдай эмас: улар орасида қашшоқ ҳамда кишини диққат қилиб юборадиганлари ҳам бор. Бунинг устига, энг ҳосилдор ҳамда бой ороллар ҳам уларни бошқараётган бахтсиз кишининг бошига оғир кулфат юки ҳамда ташвиш солади. Мен ўйлайманки, яроқбардорликдан дармони қуриган сиз билан менга ўхшаган одамлар бу ниятлардан воз кечишимиз фойдалироқ. Яхшиси, хўжайинларимиздан ҳеч қандай орол, графлик ҳамда

\* Католиклар ибодатхонасида черков уставига бўйсунган, лекин роҳибликка қасамёд қилмаган руҳоний.

диний лавозимларни кутмай, келган жойимизга қайтиб, дурустроқ иш, масалан, овчилик ёки балиқ тутиш билан машғул бўлганимиз маъқулроқ; ҳар қандай яроқбардорда ҳам бир-икки този ит билан қармоқ топилади; ўз қишлоғида у шуғулланадган бирор иш топилиб қолади, албатта.

– Буларнинг ҳаммаси бор менда, – жавоб берди Санчо, – фақат отим йўқ; бироқ хўжайинимнинг отидан кўра яхшироқ эшагим бор. Тангри яқинлашиб келаётган ҳайитдан бенасиб қилса қилсинки, устига тўрт пақир арпа берганда ҳам, эшагимни унинг отига алишмайман. Агар эшагимнинг фазилатларини санай бошласам, сиз марҳаматли жаноб мени ҳазиллашяпти деб ўйлайсиз. Тозилар ҳам бемалол топилади, ахир қишлоғимизда уларнинг таги мўл, бировнинг ҳисобига ов қилишнинг эса гашти ўзгача бўлади.

– Онт ичиб айтаманки, сеньор яроқбардор, – деб жавоб қилди Санчога унинг суҳбатдоши, – мен бу бемаъни рицарлик хизматларини ташлаб, ўз қишлоғимга қайтишга аҳд қилдим, – учта болам бор, ҳаммаси ҳам шарқ гавҳарларига ўхшайди.

– Менда эса иккита, – деди Санчо, – шундай ажойиб болаларки, уларни, айниқса қизимни саройга – папанинг ҳузурига олиб боришга ҳам тортинмайди киши. Онасининг қаршилигига қарамай, худо хоҳласа, уни графиня қилмоқчиман.

– Графиня, бўлажак сеньоранинг ёши нечада? – сўради Лесанинг яроқбардори.

– Ўн бешга бориб қолди, аммо бўй-басти найза тенги, мусаффо баҳор тонгидек сўлим, куч-қувватда баркамол. Мен парвардигори оламдан тезроқ бола-чақам билан дийдор кўришиш, кечирилмас гуноҳдан қутқаришни ёки хавфли яроқбардорлик хизмати (бу ҳам ўшанинг ўзи)дан халос этишни илтижо қиламан. Мен бу ҳунарни бир марта қилиб кўргандим, иккинчи марта қилишга истагим йўқ эди. Мени ўтган сафар кимсасиз Сиерра Морена дарасидан топиб олганим олтин тангалар тўла ҳамён йўлдан оздирди. Ўшандан

бери шайтон мени олтин тангалар билан ҳавасимни қўзғайди. Олтинлар кўз олдидан сира нари кетмайди, ҳар дамда бир халта олтин топиб олиб, бағримга босаётганга ҳамда уйга олиб бориб, ер сотиб шаҳзодалардай кун кечираётганга ўхшайман. Шу ҳақда ўйларканман, ақдан озган хўжайинимнинг қўлида хизмат қилаётиб бошимга тушган азоб-уқубатларга қийналмай бардош бераман. Чунки, виждонан айтганда, хўжайиним рицардан кўра тентакка кўпроқ ўхшаб кетади.

– Шунинг учун ҳам, – деди иккинчи яроқбардор. – «Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга солодур», деганлар. Гап тентаклар ҳақида борадиган бўлса, мен сизга айтсам, оламда менинг хўжайинимдан аҳмоқроқ одамни топиб бўлмайди. У мурувватидан эшак ҳаром ўладиган қабилдаги одамлардан. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир рицарнинг ақини киргизгунча ўзи ақдан озди ҳамда оқибати аввало ўзи учун ёмон бўладиган нарсани ахтариб кетди.

– Эҳтимол, у бирортасини севиб қолгандир? – сўради Санчо.

– Ҳа, – жавоб берди номаълум рицарнинг хизматкори, – у Касильдея Вандаская деган хонимни севади, бунақа феъли тез сеньорани оламни изласангиз тополмайсиз. Ҳарқалай, бу билан уни қўрқитолмайсиз. Унинг мияси ҳар хил ният ҳамда макрга тўлиб ётибди. Сиз тезда бунга ишонч ҳосил қиласиз.

– Ҳар тўкиснинг бир айби бор, – деди Санчо. – Бошқаларникида «тош қизиғи» гоҳ-гоҳ бўлса, меникида ҳар куни. Доноликдан тентаклик кўпроқ бўларкан. Бебахт дўстлар учрашса, мушкул осонлашар қабилдаги мақол ҳақ бўлса, демак, сиз марҳаматли жаноб билан суҳбат қурганимдан мамнунман, зотан, сиз хизматини қилаётган рицарь ҳам менинг хўжайинимдай тентак эканлиги мени овутади.

– У тентак бўлса ҳам, жуда довюрак, – эътироз билдирди шериги, – тентаклик ҳамда ботирликдан кўра унда айёрлик кўпроқ.

– Лекин менинг хўжайиним унақа эмас, – жавоб берди Санчо, – унда ҳийла-макрдан нишона ҳам йўқ. У кўнгли-



да кири йўқ одам, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди, ҳаммага яхшилик қилади. Унда заррача ҳам айёрлик йўқ; ҳар қандай ёш бола ҳам қоқ пешин пайтида ҳозир кечаси деб уни ишонтира олади. Мана шу соддадиллиги учун уни чин кўнглимдан яхши кўраман, ҳар қандай телбаликларига қарамай, уни ташлаб кетолмайман.

– Шундай бўлса ҳам, биродарим сеньор, – эътироз билдирди рицарь Лесанинг хизматкори, – бир кўр иккинчисини етакласа, икковининг ҳам чуқурга йиқи-лиш хавфи туғилади. Саргузашт ахтарувчилар баъзан кўнглисиз, ҳатто хавфли саргузаштларга ҳам дуч келиб қолади. Шунинг учун ҳам рицарларимизни ташлаб, уйга қайтганимиз маъқул эмасмикин?

Суҳбат давомида Санчо дам ўтмай тупуриб ўтирди. Шериги буни сезиб, деди:

– Гапни ниҳоятда кўп гапирганимиздан тилимиз танглаймизга ёпишиб қолганга ўхшайди дейман. Андак сабр қилинг, биродар: эгаримнинг қошига бундай пайтларда асқатадиган дори илиб қўйибман.

У ўрнидан турди ва ҳаял ўтмай каттагина бир мешда вино билан узунлиги бир газ келадиган пирог олиб қайтди. Пирогининг ҳам ичига шундай каттакон қуён ўраб пиширилибдики, Санчо уни ушлаб кўриб, бу қуён эмас, эчки деб ўйлади. Бундай тўкин зиёфатни кўриб, у сўради:

– Сеньор, шунақа таомларни доим олиб юрасизми?

– Сиз нима деб ўйловдингиз? – жавоб берди у. – Мен алақандай паст яроқбардорларга ўхшайманми? Менинг отимга юкланган озиқ-овқатларни биронта генерал ҳам сафарда олиб юролмайди.

Санчо мезбонни қистатмай, муштдай-муштдай бўлакларни оғзига солиб, шоша-пиша ютинаркан, деди:

– Бу эртактлардагидек антиқа зиёфатингиздан кўриниб турибдики, сиз, марҳаматли жаноб, ҳалол, садоқатли яроқбардор экансиз. Мен бахтсизнинг кўрган куним қурсин: халтамда бори-йўғи бир урганда ҳар қандай девнинг ҳам калласини ёриб юборадиган бир

бўлак қаттиқ пишлоқ, озгина ёнғоқ ҳамда бир бойлам ширин пўстлоқ бор, холос. Чунки менинг хўжайиним жаҳонгашта рицарлар қуруқ мева ҳамда далада ўсадиган гиёҳдан бошқа нарса емасликлари керак, деган қоидага амал қилади.

– Номусимни ўртага қўйиб онт ичаман, биродар, – эътироз билдирди бошқа яроқбардор, – менинг ошқозоним ёнғоқ, ёввойи нок ва ўрмондаги ўсимлик томирларига мувофиқлашмаган. Хўжайинларимизнинг кўнглига нима маъқул келиб, қандай қоидаларга амал қилишса қилишаверсин, халтамда доимо яхна гўшт, эгаримда вино тўла меш иилғиқ бўлади. Мен уни шу қадар яхши кўраманки, баъзан бағримга ҳам босиб оламан.

Шундай сўзлар билан у мешни Санчонинг қўлига берди, у эса мешнинг оғзини оғзига қўйганича, юлдузларга боқиб, чорак соатча ётди. Ичиб бўлгач, бошини ён томонга қийшайтириб, оғир хўрсинган ҳолда деди:

– Жуда ажойиб вино экан-да, биродар. Азиз авлиёлар ҳурмати, менга айтинг-чи, сеньор, винонгиз Сьюдад Реаль виносидан эмасми?

– Сиз винонинг пири экансиз! – хитоб қилди униси. – Бу ҳақиқатан ўша ернинг виноси, ўзиям жуда кўп йиллик.

– Хўш, вино масаласида, – деди Санчо, – ҳеч қачон адашмайман. Шуни бир тасаввур қилиб кўринг-а, сеньор яроқбардор, мен вино борасида шундай қобилиятга эгаманки, фақат ҳидласам кифоя, ўша заҳотиёқ қайси вилоятнинг виноси, сифати қанақа, мазаси қандай, неча йиллик эканлигини айтиб бераман. Ҳар ҳолда, ажабланадиган жойи йўқ, менинг авлодимдан винони билувчи икки киши бўлган. Ламанчда кўп йиллар мобайнида бунақа одамлар бўлмаган. Қулоқ солинг, бир кун улар билан шундай ҳодиса содир бўлибди: кунлардан бир кун уларга бочкадан татиб кўргани вино қўйиб беришибди ҳамда унинг фазилати, нуқсонини айтиб беришларини илтимос қилибдилар. Биринчиси винони тилининг учи билан татибди, иккинчиси фақат ҳидлаб кўрибди, холос. Биринчиси винодан темирнинг

мазаси келяпти деса, иккинчиси чармнинг ҳиди анқиб турипти дебди. Хўжайин эса бочка топ-тоза, биринчи марта вино солинган бўлса, ундан қанақасига темир ёки чарм ҳиди келиши мумкин, дебди. Бироқ ҳар иккала машҳур вино танувчи ўз сўзида қаттиқ туришибди. Орадан бир оз вақт ўтгач, вино сотилиб, бочкани бўшатишганда унинг ичидан чарм ипли калит чиқибди. Энди тушунапсизми, марҳаматли жаноб, бундай тоифадаги одам вино ҳақида бирон нарса билади.

– Нима ҳам дердим, – жавоб берди иккинчи яроқбардор, – шунинг учун ҳам биз ҳеч қандай саргузаштга аралашмаслигимиз керак деб ҳисоблайман. Узоқдаги думбадан яқиндаги ўпка яхши эмасми? Яхшиси, ўз кулбамизга қайтаверайлик, худо бераман деса, ўша ерда ҳам марҳаматини аймаяди биздан.

– Мен ўз хўжайинимни Сарагоссагача кузатиб боришим керак, – деди Санчо, – яна ўша ерда нима қилишимизни ўйлаб кўрамиз.

Ниҳоят қадрдон яроқбардорларимиз шунчалик кўп гапириб, кўп ичишибдики, оқибатда уйқу уларнинг тилини боғлаб қўйди. Тишлаган пироглари оғзиларида қолди, деярли бўшаган мешни қучоқлаганларича ухлаб қолишди. Энди буларни қўйиб, номаълум рицарь билан Ғамгин Қиёфа рицарь нималар ҳақида суҳбатлашганини китобхонга маълум қилиб ўтайлик.

### ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

#### **НОМАЪЛУМ РИЦАРЬ ВА УНИНГ ЯРОҚБАРДОРНИНГ АСЛИДА КИМЛАР ЭКАНЛИГИ АНИҚЛАНГАНИ**

Номаълум рицарь дон Кихот билан узоқ суҳбатлашгандан сўнг ниҳоят шу нарсага иқрор бўлди:

– Сеньор рицарь, сизга маълум бўлсинки, фалакнинг гардиши биланми ё аниқроғи ўзимнинг дид-фаросатим биланми ҳусн бобида тенги йўқ Касильдея Вандальс-каяни яхши кўриб қолдим. Шунинг учун ҳам тенги

йўқ деб айтаётирманки, бўйчанликда ҳам, зотининг улуғлигида ҳам, ҳуснда ҳам ҳеч ким у билан тенглашолмайди. Менинг тошбағир, мағрур Касильдеям Геркулеснинг<sup>66</sup> ўғай онасидай менга кўпгина қаҳрамонликлар кўрсатишни амр қилди. Бир синовдан ғалаба билан ўтган пайтимда, бундан кейинги синов охиргиси, унда ҳам ғалабага эришсам, ўшанда садоқатим учун мени тақдирлаяжагини айтди. Бироқ қаҳрамонликларим бир-бирига уланиб кетяпти, уларнинг ҳисобидан ҳам адашдим, синовларим қачон тамом бўлишини ҳам билмай қолдим. Бир куни у менга Севилья паҳлавони Хиральдани<sup>67</sup> яккама-якка жангга чақиришни амр қилди. Бошқа сафар эса, рицарлардан кўра юк ташувчиларга муносиброқ иш – Гисандонинг<sup>68</sup> азамат тош буқаларини кўтариб, тарозуда тортишни буюрди. Ундан кейин эса Кабра<sup>69</sup> тоғидаги тубсиз жарликка ўзимни ташлашни, кейин у зимистон жарликда нималар кўрганимни сўзлаб беришни амр қилди. Мен барча қаҳрамонликларни ўринлатдим: Хиральдани ҳам енгдим, Гисандо буқаларини ҳам кўтардим. Кабра жарлигига ҳам ўзимни ташладим. Кўрдингизми? Буларнинг ҳаммаси у кишига озлик қиляпти. Яқинда у менга Испаниянинг ҳамма вилоятларини кезиб чиқиш ҳамда йўлимда учраган барча жаҳонгашта рицарларни ўзининг ҳусн бобида оламдаги аёллар орасида яккаю ягона эканини, менинг эса жасур ҳамда дунёда энг кетворган ошиқ рицарь эканимни тан олишга мажбур қилишимни топширди. Унинг истагини бажо келтириб, бутун Испанияни кезиб чиқдим, менга қаршилиқ кўрсатишга журъат қилган кўпгина рицарларни енгдим. Ҳаммасидан ҳам шуҳрат қозонган рицарь ламанчлик дон Кихотни яккама-якка жангда енгиб, унинг Дульсинейасидан менинг Касильдеям гўзал эканлигига уни иқрор бўлишга мажбур қилолганим билан фахрланаман. Менимча, биргина шу ғалабанинг ўзи дунёдаги барча рицарлар устидан қозонилган ғалабага тенг келади, чунки мен сизга ҳикоя қилаётганим дон Кихот уларнинг ҳаммасини

енгган, шундай экан, мен уни енгибманми, демак, унга тегишли шон-шуҳрат, улуғворлик ҳам меники бўлади.

*Ганимларнинг шавкати*

*бўлса қанча юқори,*

*Ғолибнинг ҳам шунчалик*

*баланд бўлар виқори.*

Дон Кихот номаълум рицарь ёлғон гапираётгани учун қичқириб, унинг гапини минг мартача бўлишга ҳозирланиб, ажабланиб қулоқ солди. Бироқ у сабр қилди; ёлғон гапираётганига суҳбатдошининг ўзи иқроп бўлишини хоҳлади. Шунинг учун у хотиржамлик билан жавоб қайтарди:

– Эҳтимол, марҳаматли зот сеньор рицарь, Испаниянинг, ҳатто бутун жаҳоннинг жаҳонгашта рицарларини енгандирсиз. Бу хусусда сиз билан тортишиб ўтирмаман. Лекин ламанчлик дон Кихотни енгганлигингизга шубҳаланаман. Гарчанд унга ўхшаш одамнинг топилиши амри маҳол бўлса-да, эҳтимол, сиз ўшанга ўхшаш бирор бошқа одамни енгган бўлсангиз керак.

– Қанақасига бошқа одамни! – қичқирди рицарь Леса. – Само ҳақи онт ичаманки, яккама-якка жангда худди дон Кихотнинг ўзи билан олишдим, уни енгдим ҳамда мендан шафқат сўрашга мажбур қилдим. Хоҳлайсизми, мен унинг қадди-қомати ва туси қанақалигини тасвирлаб берман. У – новча, ориқ ҳамда бесўнақай, қотма юзли, қирғийбурун: сочлари мош-гуруч, мўйлови қора, пастга осилган одам. У рицарь Ғамгин Қиёфа номи билан жанг қилади, унинг яроқбардори Санчо Панса исмли деҳқон; биқинини қисиб юради. Остида Росинант номли от, ниҳоят, унинг маъшуқаси бир вақтлар Альдонса Лоренсо деб аталган Тобосская Дульсинеядир. Башарти сиз ҳозиргача гапларимга ишонмаётган бўлсангиз, мана қиличим: у ишонмаслик тимсоли бўлсангиз ҳам, ишонишга мажбур қила олади.

– Ўзингизни босинг, сеньор рицарь ва сўзларимга қулоқ солинг, – деди дон Кихот. – Даставвал, сиз гапи-

раётган дон Кихот менинг энг яқин дўстим эканлигини билиб қўйинг. Биз шу қадар қадрдонмизки, у билан мен бир одамдаймиз. Сиз ўша рицарни шунчалик аниқ таърифладингизки, зотан, ўшанинг худди ўзини енгганингизга ишонишим керак. Бироқ кўзларим билан қўлларим бунинг тамоман аксини айтиб турибди. Биронта душман сеҳргар бу шуҳрат қозонган рицарнинг қиёфасига кириб, унинг устидан ғалаба қозонишингизга ҳамда оламшумул шуҳратидан маҳрум қилишга имкон берган деб тахмин қилиш қолади, холос. Бир неча кун бурун улар бекорга гўзал Дульсиняя Тобосскаянинг қиёфасини ўзгартириб, қўпол ҳамда бесўнақай деҳқон аёлга айлантормаган. Улардан биронтаси дон Кихот қиёфасига кириб, унинг устидан ғалаба қозонишингизга имконият туғдиргани эҳтимолдан холи эмас. Мабодо сўзларимга ишонмасангиз, мана, қаршингизда дон Кихотнинг ўзи турибди. У буни қўлда қуроли билан, қандай хоҳласангиз ўшандайига, пиёда ё отда жанг қилиб кўрсатиб кўяди.

Шундай дея у сакраб ўнидан турди ва қиличига қўли узатди. Суҳбатдоши ҳам ўрнидан туриб, хотиржамлик билан жавоб берди:

– Яхши қарздор, сеньор дон Кихот, гаров қўйишдан ҳеч қачон қўрқмайди. У ким бўлишидан қатъи назар, сизнинг қиёфадошингизни енгган одам ўзингизни ҳам енгилдан умидвордир. Бироқ ҳозир тун, ўғри ҳам қароқчиларга ўхшаб қоронғида жанг қилиш рицарлар шаънига муносиб эмас. Шу сабабли тонг отишини кутайлик; токи кўрсатадиган жасоратимизга қуёш гувоҳ бўлсин. Бироқ менинг яккама-якка олишув олдидан зарурий шартим бор, мағлуб ғолибнинг иродасига, агар унда рицарнинг шаънини ерга урадиган ҳеч гап бўлмаса, бўйсунуши керак.

– Шартингизни қабул қиламан, – деди дон Кихот.

Шундан сўнг иккови виноли меш олдида донг қотиб ухлаб ётган яроқбардорлари олдида жўнадилар. Рицарлар уларни уйғотиб, отларни ҳозирлашни буюрдилар, чунки саҳар пайтида улар ўртасида кўз кўриб қулоқ

эшитмаган, қонли, даҳшатли жанг бўлади. Бу хабарни эшитиб Санчо ташвишга тушди, номаълум рицарнинг яроқбардори ўз хўжайинининг қаҳрамонликлари ҳақида шунча гапирдики, у дон Кихотнинг ҳаёти учун чинакамига хавфсиради. Шундай бўлса-да, иккала яроқбардор бир оғиз ҳам гапирмай, бир-бири билан дўстлашиб, бирга ўтлаётган отлар томон кетдилар.

Йўлда рицарь Лесанинг яроқбардори Санчога деди:

– Сизга шуни маълум қиламанки, биродар, бизда, Андалузияда рицарлар жанг қилаётганда уларнинг яроқбардорлари қўл қовуштириб, тек турадиган одат йўқ. Шуни билиб қўйингки, хўжайинларимиз яккама-якка жанг қилаётганда биз ҳам олишишимиз керак.

– Бу одат, сеньор яроқбардор, – жавоб берди Санчо, – фақат уришқоқларгагина ёқади, жаҳонгашта рицарларнинг яроқбардорларига эса асло алоқаси йўқ. Хўжайиним жаҳонгашта рицарлик қонун-қоидаларини ёддан билишига қарамай, бунга ўхшаш одатлар ҳақида лоақал бир марта ҳам гапирмаган. Хўп, бунинг ҳаммаси тўғри ҳам бўлсин; ўз хўжайинлари яккама-якка жанг қилаётган пайтда яроқбардор ҳам уришади деган қоида ҳақиқатан бор дейлик, бари бир буни бажармасликни афзал кўраман. Мен, яхшиси, тинчликсевар яроқбардорларга солинадиган жаримани устамаси билан тўлашга розиман. Ишонаманки, бу икки фунт шамнинг баҳосидан ҳам ошмайди, мен бу икки фунтни бажонидил бераман: у жароҳат боғланадиган титилган ип билан бинтга қараганда арзонроққа тушади. Мен ҳозирданоқ ўзимни пешонам ёрилгандай ҳис қилаётирман. Бундан ташқари, менинг қиличим йўқ, умрим бино бўлиб тақмаганман ҳам.

– Бунинг ҳам чорасини топамиз, – деди иккинчи яроқбардор, – ўзим билан иккита бир хил қоп олволганман; сиз биттасини, мен биттасини оламан, бир хил қурол билан уришаверамиз.

– Майли, бунисига розиман. Бунақа жангда ярадор ҳам бўлмайди. Биз бир-биримизнинг чангимизни қоқамиз, холос, – жавоб берди Санчо.

– Йўқ, жуда ҳам бунчалик эмас, – эътироз билдирди униси. – Шамол қопларимизни учуриб кетмаслиги учун ичига олти дондан силлиққина тош соламиз. Ана шундагина бир-биримизнинг ҳаётимизга ҳеч қандай таҳдид солмайдиган ҳамда бу кўнгилли учрашув узоқ эсда қоладиган қилиб туширамыз,

– Буни қаранг-а, отамнинг кули қўкка совурилаверсин-е, – хитоб қилди Санчо, – бошимиз омон қолиши, суягимиз толқон бўлмаслиги учун қопни қанақа момифу пахта билан тўлдирарканлар-а. Йўқ, йўқ! Қопингизни ипак пилла билан тўлдирганингизда ҳам, бари бир, уришмайман. Роса аҳмоқни топибсиз-у! Худо хўжайинларимизга куч-қувват берсин, ўзлари уришаверишсин, биз эса ҳузур қилиб еб-ичиб ўтираверамиз. Вақт ўзи умримизни қисқартириш учун жон куйдиради, ажалимиздан беш кун бурун ўлишга шошилишимизнинг нима ҳожати бор?

– Ҳар ҳолда, – яна эътироз билдирди иккинчи яроқбардор, – ҳеч бўлмаса, ярим соатгина уришишимиз керак.

– Асло! – жавоб берди Санчо. – Нега сиз билан уришаман? Ҳозиргина биров билан ош-қатиқ бўлиб, дарров жанжал чиқарадиган кўрнамак нодонлардан эмасман. Бунинг устига, сиз мени бирон важдан хафа ҳам қилганингиз йўқ.

– Э, иш бунга қараб қолмайди, – деди у. – Хўжайинларимиз жангга киришганда, мен сиз марҳаматли жанобга яқинлашиб, уч ё тўрт тарсаки тушираман. Ана шунда суғурдек донг қотиб ухлаётган бўлсангиз ҳам, эҳтимол, ғазабингиз қўзғаб кетар.

– Бундай илтифотга, – жавоб берди Санчо, – мен ҳам ҳозиржавоблик билан жавоб қайтараман: сиз марҳаматли жаноб ғазабимни қўзғашга улгурмаслариданоқ қўлимга таёқ олиб, шундай тушираманки, ғазабингиз босилиб, у дунёга борганда қўзғалмаса дейман. Мен қитиқ патимга тегдириб ўтирадиган одамлардан эмасман. Ҳамма ўнг қулоғи билан ҳам, чап қулоғи билан ҳам эшитиб қўйсин, энг муҳими, ҳеч ким ўз яқинини ғазаблантирмасин. Бировнинг кўнглида нима борлиги-



ни ҳеч ким билмайди-ку, ахир. Баъзан қўйнинг жунини қирқтирмоқчи бўлсанг, ўзингнинг соч-соқолингни қиртишлаб қўйишади. Ҳатто бечора мушукнинг ҳам гашига тегиб, бурчакка қисиб борсангиз шердай олишади. Ахир, мен одамман-ку, агар менинг гашимга тегилса, қўлимдан нималар келиши бир худонинг ўзига аён. Шунинг учун сиз марҳаматли жанобга, сеньор яроқбардор, олдиндан айтиб қўйяпман; бизнинг олишувимиздан етадиган зарар ҳамда қусурлар учун жавоб берасиз.

– Хўп, майли, – деди у, – кечаси ётиб ўйла, эртаси туриб сўйла, дейдилар.

Бу орада дарахтларда мингларча ранг-баранг қушчалар сайрай бошлади. Улар ўз қўшиқлари билан чехрасидан заррин соч толаларидай нур таралиб, шарқ томонда оқариб келаётган гўзал тонгни табриклаётганга ўхшарди. Тонгни қаршилаб толлар чак-чак ширин маннасини<sup>70</sup> тўқар, чашмалар қулар, ариқчалар чулдурар, ўрмонлар шод-хуррам чайқалар, далалар яна ҳам кўм-кўк бўлиб яшнарди.

Бироқ бу кўз қувонтирадиган тонг Санчо Пансага хурсандлик бахш этмади. Дастлаб, тонг ёришиши билан номаълум рицарь яроқбардорининг ҳаддан ташқари катта бурнига кўзи тушди. Бу баҳайбат бурун нафармон рангда бўлиб, ўртаси букир, ҳамма ёғи сўталга тўла эди; буруннинг учи оғзидан икки энлик пастга тушиб турар, бундан яроқбардорнинг қиёфаси шунчалик жирканч кўринардик, Санчо худди тутқаноғи тутиб қолган боладай қалтираб кетди. У ўша заҳоти бу махлуқ билан муштлашиш у ёқда турсин, ҳатто унинг аччиғини келтириб қўйишдан кўра икки юз шапалоқ ейишга ҳам рози бўлмоқчи бўлди.

Дон Кихот ҳам ўз навбатида рақибига қаради, бироқ у алақачон сипарини тушириб олгани учун рицаримиз унинг юзини кўра олмади. Фақат номаълум кишининг калтабақай, ўрта бўй одам экани кўриниб турарди. Совути устида ёпинчиқ бўлиб, гўё асл зар ипларидан тўқилгандай эди, ярим ой шаклидаги ҳисобсиз кичкина ойначалар билан безатилганлиги учун ёпинчиғи ҳаддан ташқари

нафис ҳамда салобатли кўринарди. Унинг дубулғасидан яшил, сариқ, оқ рангдаги укпарлар ҳилпираб турарди; унинг каттакон найзаси дарахтга суяб қўйилган эди.

Дон Кихот буларнинг ҳаммасига диққат билан разм соларкан, рақибим жуда кучли бўлса керак, деган қарорга келди. Бироқ бу нарса уни заррача бўлсин даҳшатга солмади; аксинча, у рицарь Лесага менсимай ҳамда дадил мурожаат қилди:

– Башарти жанговарлик ғайрати, жўш уриб турган сиз марҳаматли жанобга малол келмаса, сеньор рицарь, сипарингизни кўтаришингизни ҳамда юзингизда ҳам бутун қиёфангиздаги сингари жасорат белгилари намоён эканини кўришга ижозат беришингизни илтимос қиламан.

– Жангимиз қандай тугамасин, сеньор рицарь, – хоҳ сиз энгинг, хоҳ энгилинг, бари бир мени кўришга етарли вақтингиз бўлади, – жавоб берди рицарь Леса. – Бироқ ҳозир истагингизни қондира олмайман: менимча, сипаримни кўтариб вақтни беҳуда сарфлайдиган бўлсам, гўзал Касильдея Вандальскаяни ошкора хафа қилган бўламан. Менинг ишим унинг бошқа ҳамма хонимлардан афзал эканлигига сизни дарҳол иқдор қилишдир.

– Ҳар ҳолда, – эътироз билдирди бизнинг рицарь, – гапингиз бўйича сиз энгган ўша рицарь ҳақиқатан ҳам мен – ламанчлик дон Кихот эканлигимни таъкидлашга мажбурсиз.

– Бу гапингизга шундай жавоб бераман, – деди рицарь Леса, – сиз мен энгган рицарга бир олманинг иккинчи палласидек ўхшайсиз. Бироқ айтганингиздай, сизни, рицарь ламанчлик дон Кихотни ёвуз сеҳргар таъқиб қилиб юрган экан, ўша одам билан сизнинг бир кимса эканликларингизни исботлаб ўтирмайман.

– Сизнинг адашаётганингизга шунинг ўзи етарли, – деди дон Кихот, – бироқ отларимизни келтиришлари биланоқ бу нарса янада ойдинлашади; тангрининг, маъшуқам ҳамда қиличимнинг ёрдамида юзингизни кўриш учун менга сипарингизни кўтаришга зарур бўлган вақтдан ҳам озроқ вақт керак бўлади. Ана ўшандагина сиз энгган рицарь мен эмаслигимга ишонасиз.

Шу билан гап тамом бўлди. Улар отларига минишди, дон Кихот ўз рақибига ҳамла қилаётганда кўнгилдагидек от қўйиш учун Росинантни орқага бурди; рицарь Леса ҳам шундай қилди. Дон Кихот йигирма қадамча юришга ҳам улгурмай, рицарь Леса унга қичқирди:

– Шартимиз эсингизда бўлсин, сеньор рицарь, мағлуб бўлган ўзини ғолибининг ихтиёрига топширади.

– Эсимда, – жавоб берди дон Кихот, – бироқ ғолиб мағлубга рицарлик қоидаларига зид келадиган нарсаларни буюрмайди.

– Албатта, – деди рицарь Леса.

Шу пайт дон Кихотнинг кўзи қўққисдан яроқбардорнинг ғалати бурнига тушиб қолди, унинг катталиги ҳамда рангини кўриб Санчодан ҳам баттар ҳайратга тушди. У буни эртакларда тасвирланган қандайдир махлуқ ё ҳали ҳеч қаерда учрамаган янги одам жинсидан бўлса керак деган қарорга келди. Санчо эса, дон Кихотнинг бир чеккага кетаётганини кўриб, ўзи билан жанжал чиқармаслиги учун бурни катта одам билан ёлғиз қолишни истамади. Шунинг учун у хўжайини орқасидан диконглаб югурди. Дон Кихот Росинантни орқага қайтариб, ўз рақибига ташланишга фурсат етган бир пайтда Санчо қичқириб қолди:

– Ялинаман, марҳаматли жанобим, рақибингизга қарши ташланишдан олдин менинг манави эманга чиқиб олишимга ёрдамлашиб юборсангиз. Бу ердан анави рицарь билан яккама-якка олишувингизни яхшироқ кузатаман.

– Тўғриси айтганда, Санчо, – жавоб берди дон Кихот, – баландга – сўрига чиқиб олиб, буқалар жангини хавф-хатарсиз бемалол томоша қилмоқчисан-да.

– Ростини айтсам, – деди Санчо, – анави яроқбардорнинг баҳайбат бурни кўнглимга шунчалик ваҳима соляптики, у билан ёлғиз қолишдан қўрқаётиман.

– Ҳа, унинг бурни шунақа экан, – деди дон Кихот, – агар дон Кихот бўлмаганимда, мен ҳам қўрққан бўлардим. Майли, бу ёққа кел, дарахтга чиқиб олишингга ёрдамлашиб юбораман.

Дон Кихот ўз яроқбардорини эманга ўтқазиб бўлгунича рицарь Леса керакли масофага бориб олди. У дон Кихот жангга тайёр деб ўйлаб, отини орқага буриб, рақиби устига от солди. Бироқ дон Кихотнинг Санчони дарахтга ўтқазаетганини кўриб, юганни тортиб, ярим йўлда тўхтади. Аммо дон Кихотга рақиби бостириб келаётгандай бўлиб туюлди. Шунинг учун у шипорларини Росинантнинг ориқ биқинига шунчалик жон-жаҳди билан қададики, от умрида биринчи марта елиб кетди. Отини учириб келаётган дон Кихотни кўрган рицарь Леса Росинантдан ҳам ҳам оппоқ отини бор кучи билан ниқтай бошлади.

Бироқ от ўжарлик қилиб, жойидан жилишни истамади; у ўжарлик қилаётган от билан овора бўлиб турганда дон Кихот унга шундай шитоб билан ташландики, бечора рицарь ҳатто найзасини жангга ҳозирлай олишга ҳам улгурмади. У кўкрагидан қудратли зарба еб, от сағриси оша ерга шу қадар гурсиллаб тушдики, ўлган одамдай кўлини ҳам, оёғини ҳам қимирлатолмай қолди.

Санчо дон Кихотнинг рақиби қулаганини кўрган заҳоти эмандан туша солиб, ҳовлиққанча хўжайини томон югурди. Дон Кихот Росинантдан сакраб ерга тушди, рицарь Леса ёнига чопиб келиб, унинг ўлган-ўлмаганини билиш мақсадида дубулғасини еча бошлади, бирдан... У кимни кўрганлигини китобхонда ажабланиш, ҳайрат ва ваҳима туғдирмасдан қандай гапириш керак? У бакалавр Самсон Каррасконикига ўхшаш юз, қиёфа, сиймони кўрди! Ҳайратдан ўзини йўқотиб қўяёзган дон Кихот қичқирди:

– Югур бу ёққа, Санчо, манави одамга қара! Сен ўз кўзларингга ишонмайсан. Тезроқ, жигаргўшам, қарангин, сеҳр-жоду одамни нималар қиларкан, жодугар ҳамда сеҳргарларнинг қудрати нақадар зўр-а.

Санчо чопиб, енгилган рицарнинг юзига қаради ва азиз авлиёларни бирма-бир ёдга олиб чўқина бошлади. Сўнг ҳаддан ташқари кўрққан ва ҳайрон қолган Санчо дон Кихотга шундай деди:

– Менинг фикрим шундай, сеньорим, ўзини бакалавр Самсон Карраско қилиб кўрсатган бу жодугарнинг оғзига қилич солмоғингиз лозим эди. Ким билсин! Эҳтимол душман сеҳргарларингиздан бирини ўлдирарсиз.

– Гапинг тўғри, Санчо, – жавоб берди дон Кихот, – чунки душманинг қанча оз бўлса, шунча соз бўлади.

У Санчонинг маслаҳатини бажо келтириш учун қиличини яланғочлаган ҳам эдики, шу пайт рицарь Лесанинг яроқбардори югуриб келиб қолди. У бутунлай ўзгариб кетибди: унинг нафармон ранг баҳайбат бурни қаёққадир ғойиб бўлибди. Яроқбардор бақирди:

– Тўхтанг, марҳаматли жаноб сеньор дон Кихот. Нима қилиясиз ўзи? Ахир, оёғингиз остида дўстингиз бакалавр Самсон Карраско ётибди-ку, мен эса унинг яроқбардориман.

– Бурнинг қани? – ҳайратдан ўзини йўқотган Санчо унинг сўзини бўлиб қичқирди.

– Ёнимда, чўнтагимда, – жавоб берди у ва чўнтагидан лакланган, маскарадда киядиган бурунни олди.

Санчо бу яроқбардорга яхшироқ тикилиб, ҳайратланиб сўради:

– Ё авлиё Мариа, ўзинг кечир мени! Ахир, бу менинг кўшним ҳам оғайним Томе Сесьял-ку.

– Бўлмаса кимман? – жавоб берди ўзининг баҳайбат бурнидан халос бўлган яроқбардор. – Ҳа, мен Томе Сесьялман, дўстим Санчо Панса. Бу ёққа қандай қилиб келганимни кейин айтиб бераман. Бироқ худо ҳақи, хўжайинингиздан илтимос қилинг, у рицарь Лесани ўлдириб қўймасин. Барча авлиёлар ҳақи онт ичаманки, бу ҳамқишлоғимиз беадаб ҳамда телба бакалавр Самсон Каррасконинг ўзгинаси.

Бу орада рицарь Леса ўзига келди. Шунда дон Кихот унинг томоғига яланғочланган қилич дамани қадаб деди:

– Агар ҳуснда тенги йўқ Дульсинея Тобосская ўз чиройи билан сизнинг Касильдея Вандальскаянгиздан ортиқ эканлигига иқрор бўлмасангиз, жонингиздан ажраласиз, рицарь. Шунингдек, сиз Тобосо шаҳрига

жўнашингиз ҳамда маъшуқамга бўлган воқеани сўзлаб беришингиз керак. Сўнгра менинг олдимга қайтиб келасиз – шуҳратимнинг овозаси мени топиб олишингизга ёрдам беради – кўнглим мулки хоқони билан бўлган учрашув ҳақида мени хабардор қиласиз. Кўриб турибсизки, менинг талабларим жаҳонгашта рицарлар қоидасига ҳам, бизнинг шартимизга ҳам зид эмас.

– Сеньора Дульсинеянинг ифлос, йиртиқ кавуши Касильдеянинг таралмаган, аммо озода сочларидан дурустроқ эканига иқрорман, – деди енгилган рицарь, – шунингдек, маъшуқангиз ҳузурига бориб келишга ҳамда мендан талаб қилаётганингиздай тўлиқ ҳисоб беришга ваъда қиламан.

– Бундан ташқари, – давом этди дон Кихот, – бир замонлар сиз енгган рицарь, ҳатто менга ўхшаган бўлса-да, ҳеч вақт ламанчлик дон Кихот бўлмагани ҳамда бўла олмаслигига ҳам иқрор бўлишингизни талаб қиламан. Ўз навбатида ҳам сиз бакалавр Самсон Карраскога ўхшасангиз-да, ҳар ҳолда у эмас-у, бошқа одам эканлигингизга иқрор бўламан. Душманларим мени шафқат қилсин деб, сизни унинг қиёфасига киритганлар.

– Буларнинг ҳаммасига иқрорман, йўл қўяман ҳамда қабул қиламан, – жавоб берди ерда ётган рицарь. – Энди кучим етадиган бўлса ўрнимдан туришга рухсат беринг. Роса шалоғим чиқди, ўзимни жуда беҳол ҳис қилаётирман.

Дон Кихот Томе Сесьяль билан биргаликда унинг ўрнидан туришига кўмаклашишди. Бу орада Санчо ўз ошнасида кўзини узмас ҳамда ҳар хил саволлар билан уни кўмиб ташламоқда эди. Яроқбардорнинг жавоблари Санчонинг қаршисида ҳақиқатан ҳам ҳақиқий Томе Сесьяль турганини тўлиқ исбот қиларди. Бироқ дон Кихотнинг рицарь Лесани бакалавр Самсон Карраскога айлантириб юборган ёвуз сеҳргарларнинг қилмишлари ҳақидаги гаплари Санчони шу қадар шубҳага солиб қўйган эдики, ҳатто ўз кўзларига ҳам ишонмасди. Ўз шубҳасини батамом ҳал қилишга улгурмай қолди. Рицарь Леса ўрнидан зўрға туриб, отига минишга шошилди ва

яроқбардорини эргаштирганча ўша заҳотиёқ яккама-якка жанг бўлган майдонни ташлаб кетди.

Рицаримиз яккама-якка олишувнинг натижасидан жуда мамнун эди. У рицарь Лесани ажойиб жангчи деб билгани учун уни енгганидан жуда мағрурланди. Бундан ташқари, рақибининг рицарларга хос сўзига ишониб, ўз маъшуқаси ва унинг тақдири ҳақида ишончли ахборотлар олишга умид боғлади. Дон Кихот шундай жасур рицарь ваъдасига вафо қилиб, Дульси-нея билан бўлган учрашуви ҳақида сўзлаб бериш учун қайтиб келишига сира шубҳа қилмасди.

Бироқ дон Кихот бир нарсани ўйласа, рицарь Леса тамоман бошқа нарсани ўйларди. Бу рицарь аллақачон ўз ваъдаларини унутиб, тезроқ жароҳатларини боғлашни ўйларди.

Юқорида зикр этилган ҳодисаларни англаш учун китобхон бакалавр Самсон Карраско ўз вақтида эконома ва жияннинг умидларини йўққа чиқариб, дон Кихотга жаҳонгашта рицарлик ҳаётини давом эттиришни маслаҳат берганини хотирласин. Гап шундаки, сафарга даъват этишдан олдин у дон Кихотни машғум саргузаштлар излаб дайдийвермасдан уйда тинчгина ўтиришга мажбур қилиш ҳақида поп ва сартарош билан узоқ маслаҳатлашишди. Бу йиғилишда, дон Кихотни ҳеч қандай панд-насиҳат ниятидан қайтариб бўлмади, майли, боши оққан томонга кетаверсин, деган қарорга келишганди ҳаммалари. Самсон Карраско жаҳонгашта рицарь кийимини кийиб, унинг кетидан жўнайди. Гўё дон Кихот билан қўққисдан учрашиб қолгандай, уни яккама-якка жангга чақиради – бунга албатта баҳона топилади – ва, шак-шубҳасиз енгади. Жанг олдидан рицарь-бакалавр ўз рақибини билан енгилгач ўз ихтиёрини енгган кишига бутунлай топширади деб шартлашади, сўнгра дон Кихотни енгиб, уни қишлоққа қайтаришни ва икки йилгача ундан ҳеч қаёқда чиқмасликни буюради. Ҳеч ким енгилган дон Кихотнинг рицарлик қоидасини бузмаслигига ва бу буйруқни муқаддас билиб бажаришига шубҳа қилмас-

ди. Мажбуран қишлоқда яшаган бу давр орасида эса, у эҳтимол, ўзининг тентакликларини ташлар ё дўстлари унинг тентаклик дардига бирор даво топишар.

Бакалавр рицарлик ролини ўз зиммасига олди, Санчо Пансанинг хушчақчақ, тентактабиат қўшнисини ва ошнаси Томе Сесьяль эса яроқбардор сифатида хизмат қилишни таклиф қилди. Самсон рицарлик яроқ-аслаҳаларини тақиб, совутларини кийди, Томе Сесьяль эса Санчо таниб қолмасин деб сохта бурун ясаб олди. Сўнгра дон Кихот кетган йўлдан бориб, ўрмонзорда уларга етиб олдилар. Бу бемаъни эрмакнинг оқибати қандай бўлганини зийрак китобхон алақачон билади. Бакалавр бакалавр эмас-у, балки унинг қиёфасига кирган рицарь эканлигига дон Кихотнинг имони комил бўлмаганда, бечора Карраско лиценциат унвонини олиш имкониятидан абадий маҳрум бўлган бўларди, чунки у қуш ахтарган жойдан ҳатто унинг уясини ҳам топа олмади.

Саёҳатнинг бундай ачинарли туталланганлигини кўрган Томе Сесьяль бакалаврга шундай деди:

– Тўғриси, сеньор Самсон Карраско, биз қилмишимизга яраша жазоландик; қайси ишни осон бошласанг, унинг чигалидан қутулиш қийин, деб бекорга айтмаганлар. Дон Кихот – тентак, бизни бўлса ақлимиз расо, бунинг устига у соғ-саломат қолиб, устимиздан кулаётир, сиз марҳаматли жаноб эса ҳамма ёгингиз моматалоқ бўлиб уйга қайтаётирсиз. Айтинг-чи, ким тентакроқ: ўз айбисиз ақдан озган кишими ё ўз ихтиёри билан жиннилик қилаётган кишими?

Бунга Самсон шундай жавоб берди:

– Бу тентаклар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, ихтиёрсиз равишда ақдан озган тентак ўшандайлигича қолаверади, ўз ихтиёри билан бўлган тентак эса, хоҳлаган пайтида ақлини йиғиб олаверади.

– Шундай экан, – жавоб берди Томе Сесьяль, – сиз, марҳаматли жанобнинг яроқбардори бўлиш билан ихтиёрий тентак бўлдим, энди кўнгилли равишда бу хизматни ташлаб, уйга қайтмоқчиман.



– Билганингизни қилинг, – деди Самсон. – Дон Кихотни болаб дўппосламагунимча ҳеч қачон уйга қайтмайман. Энди мен ақлини киритиш мақсадида эмас, балки ўзимнинг таҳқирланганим учун ўч олиш мақсадида таъқиб қиламан уни. Қовурғаларим шу қадар оғрияптики, унга ҳамдард бўлиш хаёлимдан ҳам кўтарилиб кетди.

Бир неча мил юришгач, ниҳоят улар бир қишлоққа етиб бордилар, бахтларига у ерда бахтиқаро Самсонни даволайдиган суяк солувчи табибни топдилар. Томе Сесьяль уни ташлаб уйига қайтди, бакалавр эса ёлғиз қолиб, келажакда қандай қилиб ўч олиш ҳақида бош қотира бошлади.

### ҚИРҚИНЧИ БОБ

## **ДОН КИХОТНИНГ ШЕРЛАР БИЛАН БЎЛГАН САРГУЗАШТДА КЎРСАТГАН МИСЛСИЗ ҚАҲРАМОНЛИКЛАРИ**

Биз ҳикоя қилгандек, дон Кихот мамнун ва мағрур ҳолда йўлида давом этди, чунки у қўлга киритган ғалабам билан жаҳонгашта рицарлар орасида энг шон-шавкатлиси бўлиб қолдим, деб ишонарди. Энди уни душман сеҳргарларнинг қилмишлари кўрқитолмас эди: у олдинги сафарларида бошига ёғилган ҳисобсиз калтаклар, тишининг ярмини ўпириб кетган тош, сургун қилинганларнинг кўрнамаклиги, уни сўйил билан калтаклаган янгуэслик хачир ҳайдовчиларнинг сурбетлиги – буларнинг бари ни унутди. У ўз-ўзига эндиликда зиммасида битта иш: сеньора Дульсинейни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам сеҳргарларнинг сеҳридан қутқазиб қолганини таъкидларди, ана ўшанда ўтган асрлардаги машҳур рицарларнинг биронтасидан ҳам қолишмайди. Шундай ўйларга берилиб бораркан, Санчо тасодифан гапириб қолди:

– Сеньор, ошнам Томе Сесьялнинг каттакон бурни сира кўз олдимдан кетмаётгани жуда қизиқ-а?

– Наҳотки сен, Санчо, чиндан ҳам рицарь Леса – бакалавр Карраско, унинг яроқбардори – оғайнинг Томе Сесьяль деб ўйлайсан?

– Нима дейишга ҳам ҳайронман, – жавоб берди Санчо, – ундан бошқа ҳеч ким уйим, хотиним, болаларимни шунчалик аниқ таърифлаб беролмасди. У бурнини олганда Томе Сесьялнинг нақ ўзгинаси бўлди-қолди. Ахир, мен у билан қишлоқда доим учрашиб тураман, у билан ёнма-ён яшаймиз-да.

– Санчо, кел, сал оқилона фикр юритайлик, – деди дон Кихот. – Бу ёққа яқинроқ кел-чи. Айт-чи, нега бакалавр Самсон Карраско жаҳонгашта рицарь сингари кийиниб, ўзига қурол топиб, мени жангга чақирдийкин? Наҳотки, бирон вақт мен унга душманлик қилган бўлсам? Наҳотки, мен унинг душманман? Менинг шуҳратимга ҳасад қиляпти десак, у ҳеч қачон жангчи бўлмаган-ку!

– Ҳаммаси шундайку-я, марҳаматли жаноб, лекин сиз рицарь Лесанинг худди қуйиб қўйгандай бакалавр Карраскога ўхшашини, унинг яроқбардорининг эса ошнам Томе Сесьялдан бир туки ҳам фарқ қилмаслигини қандай тушунасиз? Борди-ю, сиз марҳаматли жаноб ўйлагандек буларнинг ҳаммаси сеҳргарлик бўлса, нега энди улар албатта ўша иккала азаматга ўхшашади?

– Ишонавер, биродар, буларнинг ҳаммаси ёвуз сеҳргарларнинг васвасаси ҳамда ҳийла-макрлари, – жавоб берди дон Кихот, – бу бизни бир-биримизга боғловчи дўстлик иплари менинг кўнглимни юмшатсин, қиличимнинг дами билан дўстимнинг шафқатсизлиги ўртасида рахна солсин деб мағлуб рицарни дўстим бакалаврнинг қиёфасига киритишган. Шундай қилиб, улар мени озодликдан маҳрум қилмоқчи бўлган маккор душманнинг ҳаётини ҳийла ва найранг билан сақлаб қолдилар. Санчо, сеҳргарлар учун гўзал чехрани хунукка, хунук юзини эса чиройликка айлантириш ҳеч нарса эмаслигини тасдиқлай оласан-ку. Ҳуснда тенгсиз Дульсинеянинг чиройи ҳамда латофатини ўз кўзинг билан кўрганингга, менга эса у саримсоқ пиёз ҳиди

анқиб турган, кўзлари хира, қўпол ҳамда таъвия деҳқон аёл бўлиб кўринганига ҳали икки кун ҳам бўлгани йўқ-ку, ахир. Модомики, жинояткор сеҳргар Дульсинеяни ана шундай жирканч, бадбашарага айлантирган экан, қўлимдан ғалаба шуҳратини тортиб олиш учун рицарь Лесани Самсон Карраскога, унинг яроқбардорини эса оғайнингга айлантириши ҳеч гап эмас-ку.

– Бор ҳақиқат бир худонинг ўзига аён, – Санчо мужмал жавоб берди. Дульсинеянинг бошқа қиёфага киргани ўзининг ҳийла-найранги самараси эканини у жуда яхши биларди; шунинг учун ҳам дон Кихотнинг аҳмоқона далиллари уни бунга ишонтира олмасди. Бироқ Санчо ортиқча гапириб қўйиб, ўз ёлғонининг ошкора бўлишидан кўрқиб, индамасликни афзал билди. У яқинларида юрган подачиларни кўриб, улардан сузма ё пишлоқ сотиб олиш мақсадида йўлдан бурилиб, улар томон юрди. Бу орада чуқур ўйга ботган дон Кихот йўлида давом этди, иттифоқо, бошини кўтариб, қирол байроқлари билан безатилган араванинг ўзи томон келаётганини кўриб қолди. Тақдир янги саргузашт юборди деб ўйлаб, яроқбардорини бақариб чақирди. Санчо хўжайинининг бетоқат хитобини эшитиб, ўзини йўқотди. Сотиб олинган сузмани шоша-пиша дон Кихот яқиндагина ечиб, унга бериб қўйган дубулғага солиб, хўжайини томон шошилди.

– Тезроқ, дўстим, – деди дон Кихот, – дубулғани бер. Мен жангга ҳозирланишим керак, чунки узоқда кўринаётган арава албатта менга янги саргузашт ваъда қилди.

Санчо ичидаги сузмани тўкишга ҳам улгурмай, шошилиб дубулғани узатди. Дон Кихот у ёқ бу ёғига қарамай дубулғани шартта бошига кийди. Сузма эзилиб, зардоби юзига оқиб тушди. Эсхонаси чиқиб кетган рицарь хитоб қилди:

– Бу нима ўзи, Санчо? Менинг бош суягим юмшаб, миям эриб кетганга ўхшайдими? Эҳтимол, бу тердир. Бироқ ҳозир даҳшатли бир можаро бўлишига шубҳа қилмасам-да, модомики, терлаган эканман, бу албатта

кўрқувдан эмас. Юзимни артишга бирон нарса бер, бўлмаса бу тер кўз очгани кўймайди.

Санчо индамай унга рўмолча узатди ва хўжайини нима бўлганини билмай қолгани учун худога шукр қилди. Дон Кихот юзини артди ва нима гаплигини билиш учун дубулғасини ечди. Дубулға ичидаги оқ бўтқага кўзи тушиб, ҳидлаб кўриб, деди:

– Сеньорам Дульсинейанинг ҳаёти билан онт ичаманки, сен хоин, дайди, сурбет яроқбардор дубулға ичига сузма солиб кўйибсан.

Санчо унга пинагини бузмай жавоб берди:

– Марҳаматли жаноб, агар шу сузма бўладиган бўлса, беринг, мен уни еб қўя қолай. Шайтон есин бунини, эҳтимол, унинг ўзи қилгандир бу ишни. Сиз марҳаматли жанобнинг дубулғасини ифлос қилгани қандай ҳаддим сизгадир! Биласизми, сеньор, марҳаматли жанобларига хизмат қилаётганим учун мени ҳам қандайдир сеҳргарлар таъқиб қилаётган бўлса керак, деб ўйлайман. Шубҳасиз, улар сизнинг жиғингизга тегиш, мени дўппослатиш учун дубулғага шу ифлос нарсани солиб кўйишган. Бироқ ишонаманки, бу сафар улар икки кўлини бурнига тиқиб қолишаверади, чунки хўжайинининг оқилона фикр юритишига ишонаман. Агар қатик ё сузма бўлганида уни дубулғангизга солгандан кўра, қорнимга гумдон қилиб қўя қолардим.

– Эҳтимол, тўғри айтаётгандирсан, – деб унга кўшилди дон Кихот. Сўнгра яна бир марта бошини, юзини, соқолини артди, сузмани тўкиб ташлаб, дубулғани яна кийди, узангига оёғини яхшироқ тираб, хитоб қилди:

– Мана энди шайтоннинг ўзи билан жанг қилишга ҳам тайёрман! Шундай деб, у арава томон от кўйди. Араванинг олд томонида бир қуролсиз киши ўтирарди. У билан хачир ҳайдовчидан бошқа ҳеч ким кўринмас эди. Дон Кихот олдинга ўтиб, сўради:

– Йўл бўлсин, биродарлар? Бу қанақа арава, унда нима олиб кетяпсизлар ва бу қандай байроқлар?

Хачир ҳайдовчи жавоб берди:

– Арава меники, Оран губернатори олий ҳазратларига совға учун пойтахтга юбораётган ваҳший шерларни

катакка солиб олиб кетаётирмиз, манави байроқлар қирол жаноблариники, улар қирол мулкини олиб кетаётганимизни англатади.

– Шерлар каттами? – сўради дон Кихот.

– Жуда баҳайбат, – жавоб берди арава олдида ўтирган киши. – Мен ҳайвонот боғида қоровулман, шерларга қараб тураман, бироқ бунақа шерларни ҳеч кўрмаганман. Бу ерда ҳам эркаги, ҳам урғочиси; бугун уларга овқат бермаганимиз учун ҳозир иккаласи ҳам жуда оч. Шу сабабли бизга йўл беринг, марҳаматли жаноб, уларни овқатлантириш мумкин бўлган бирор жойга тезроқ етиб олишга шошиляпмиз.

Буни эшитиб, дон Кихот мийиғида кулиб қўйди-да, деди:

– Демак, шундай қилиб, сеҳргарлар энди менга қарши шерларни ҳам юборибди-да! Худо номи билан қасамёд қиламанки, шерлар билан мени қўрқитолмасликларини ҳозир кўриб қўядилар! Қани, эй яхши одам, аравадан тушинг-чи! Катакларни очиб, шерларни озод қилинг, ламанчилик дон Кихотнинг кимлигини уларга кўрсатиб қўяман. Манави шерларни менга гижгижлаган сеҳргарлар аламларидан ёрилиб ўлсинлар.

Ўтакаси ёрилаётган Санчо дон Кихотнинг олдида чопиб бориб, шерлар билан ҳазиллашмаслигини сўраб, ялина бошлади:

– Худо ҳақи, сеньор, қирол шерларини ўз ҳолига қўйинг, ахир улар ҳаммамизнинг дабдаламизни чиқариб ташлайди-ку.

Аммо дон Кихот Санчонинг гапларига заррача ҳам эътибор бермай, назоратчига қичқирди:

– Ҳой, жаноб бекорхўжа, жин урсин сизни, тезроқ катакларни очиб юбормасангиз, манави найза билан сизни аравага санчиб қўяман.

Аравакаш бундай қаҳрли бақирқдан қўрқиб кетиб, деди:

– Сеньор жаноблари, сиз марҳаматли зотнинг амрини бажо келтираман, лекин шафқат қилиб дастлаб хачирларни бўшатиб, улар билан биргаликда хавфсиз жойга

бекиниб олишга рухсат беринг. Агар бу йиртқичлар эркинликка чиқиб, хачирларимни тилка-пора қилиб ташлагудек бўлса, мен гадо бўлиб қоламан; ахир, менинг бутун бойлигим – хачирларим билан аравам, холос.

– Э, ноумид банда! – хитоб қилди дон Кихот. – Тезроқ ерга тушиб, хачирларингни бўшатгин-у, билганингни қил. Бироқ сен тезда беҳуда уринганингни ҳамда бунчалик эҳтиёткорлик қилиб овора бўлганингни кўрасан.

Аравакаш шошилиб пастга тушди-да, хачирларини бўшатди, назоратчи эса баланд овоз билан қичқирди:

– Шу ердаги ҳамма одамларни гувоҳликка чақириб айтаманки, катакларни ихтиёримдан ташқари мажбурият орқасида очиб, шерларни қўйиб юбораётирман. Бундан ташқари сеньорга эшиттириб айтаманки, шерлар келтирган зиёни, бунинг устига менинг маошимни ҳам у ўз чўнтагидан тўлайди. Бироқ эшикларни очиб юборишимдан олдин ҳамма яхшироқ яшириниб олсин. Мен ўзим йиртқичлардан қўрқмайман, уларнинг менга ҳеч қандай ёмонлик қилмасликларига ишонаман, бироқ бошқаларни гажиб ташлашлари мумкин.

Бу сўзларни эшитиб, Санчо кўзларига ёш олиб, шамол тегирмонлари билан бўлган, мовут босиладиган жойдаги, умуман, ҳаётларида қилган ҳамма қилмиш ва саргузаштлари бунинг олдида болалар ўйинидай нарса эканини айтиб, бу аҳмоқона ниятдан қайтишни ўз хўжайинидан илтимос қила бошлади.

– Сеньор шунинг билинги, – деди Санчо, – бу ерда ҳеч қанақа сеҳр йўқ. Булар одатдаги, жонли арслонлар. Темир қафасга назар ташлаган эдим, улардан бирининг панжасини кўриб қолдим, бунақа тирноқли арслон тоғ баробар бўлса керак дейман.

– Қўрқувдан у сенга ярим дунёдек бўлиб кўринган бўлиши мумкин, – жавоб қилди дон Кихот. – Нарин бор, Санчо, менга халақит берма. Мабодо, мен ҳалок бўлсам, бизнинг илгариги ваъдамизни эсдан чиқармагин: бундан Дульсинейни хабардор қилгин.

Сўнгра бизнинг рицарь назоратчини яна шошилта бошлади ва дўқ-пўписаларини такрорлай кетди.

Санчо ўз эшагини, хачир ҳайдовчи ўз хачирларини арслонлар юкланган аравадан имкони борича нари ҳайдашди. Бечора яроқбардор ўз хўжайинининг бу гал асло омон қолмаслигини англаб, обдан йиғлар, йиғлаш-сиқташлар, дуолар орасида кучи борича эшагини «хих-хих»лаб борарди.

Назоратчи бу одамларнинг анча узоқлашиб, бехатар бўлишганини кўргач, дон Кихотдан арслонлар билан олишиш ниятидан қайтишни илтимос қилиб ёлвора бошлади. Бироқ рицарь кескин жавоб қилиб, ёлвориш ва аврашлардан фойда йўқ деди ва қафас эшикларини очишни буюрди. Назоратчи биринчи қафасни очиш билан овора бўлаётганида дон Кихот қандай жанг қилишни – пиёдами ёки отдами – фикр қилди. Ниҳоят, арслонлар қиёфаси Росинантни қўрқитиши мумкин деди-да, пиёда жанг қилишга қарор қилди. Шунинг учун отдан ирғиб тушди-да, найзани бир четга улоқтирди, қалқонни қўлга олиб, қиличини яланғочлади. Сўнгра ўзини аввало худога, кейин эса сеньора Дульсинеяга бағишлаб, ажиб жасорат ва қатъият билан арава томон аста қадам ташлай бошлади.

Дон Кихотнинг жангга шайланганини кўрган назоратчи арслонларни бари бир қўйиб юбориш кераклигини билиб, биринчи қафас эшикларини ланг очиб юборди. Катакда ғоят баҳайбат ва даҳшатли арслон ўтирарди.

Бироқ бу йиртқич қафасдан ирғиб чиқиб дон Кихотга ташланиш ўрнига тескари боқди, оёқларини кериб бутун гавдаси билан чўзилди. Сўнгра оғзини катта очиб эснади, тилини чиқариб юз-кўзини ялай кетди. Бетини ялаб бўлгандан сўнг бошини қафасдан чиқариб қоп-қора, кўмирдек ялтироқ кўзлари билан чор-атрофга қаради. Унинг мағрур, ҳайбатли гавдаси ва ваҳшиёна қараши ҳар қандай довюрак одамни даҳшатга солса-да, дон Кихот пинагини бузмай, унга тик қараб турар ва биргина нарсани истарди: арслон аравадан тезроқ тушса-ю, у билан яккама-якка олиша

қолса, чунки бизнинг рицарнинг арслонни тилка-пора қилиб ташлашга имони комил эди.

Аmmo мурувватли арслон човкар эмас эди. У дон Кихотнинг бемаъни гердайишига парво ҳам қилмай чор-атрофга қаради, ўтирилиб бизнинг рицарга орқасини кўрсатди, сўнгра бепарво ва бемалол чўзилди. Буни кўрган дон Кихот назоратчига арслонни калтаклаб ғазабини келтириб, қафасдан ҳайдаб чиқаришни буюрди.

– Йўқ, буни мутлақо қилолмайман, – деди назоратчи. – Агар мен унинг жиғига тегсам борми, даставвал менинг ўзимни бурдалаб ташлайди. Шуларнинг ўзи ҳам керагидан зиёда, мухтарам зот. Сиз ўз жасоратингизни исбот этдингиз. Таваккалига иш тутиш ярамайди. Довюрак жангчининг иши душманни жангга чақириш ва уни майдонда кутиш. Менимча, жангчидан талаб этилаётган нарсa шу бўлса керак. Мабодо, душман жанг майдонига келмаса, демак, унинг қўрққани ва енгилгани шу бўлади. Майдонда кутган мард эса ғалаба тожини кияди.

– Эҳтимол, ҳақ гапни айтаётирсиз, дўстим, – дон Кихот. – Ундай бўлса, эшикларни бекитинг ва менга гувоҳнома беринг. Эшикларни қандай бекитганингизни, қафас олдида менинг дадил турганимни, арслоннинг эса чиқмаганини, мен уни узоқ кутганимни, лекин у менга орқасини ўгириб, катакда бемалол ёнбошлаб олганини – ҳаммасини батафсил ёзинг. Мен ўз бурчимни адо этдим: ҳар қандай сеҳр-жодулар барҳам топди. Тангрининг ўзи ақл, адолат ва ҳақиқий рицарликни ато қилсин. Хуллас, қафасни бекитинг, мен эса қочоқларга имо-ишора қилай, қайтишсин. Менинг қаҳрамонлигимни улар сизнинг ўз оғзингиздан эшитишсин.

Назоратчи темир қафасни бекитди, дон Кихот эса сузма томчисидан сўнг юзини артган рўмолни найза учига илди-да, қочоқларни чақириш учун уни ҳавода айлантира бошлади. Дон Кихотнинг ишорасини кўрган Санчо хитоб қилди:

– Хўжайиним ваҳший ҳайвонларни ўлдирмаган бўлса, жонимни олинг. Ахир, у бизга қайтинглар деган ишорани қиялпти-ку.



Аравакаш қайрилиб қаради ва ҳақиқатан ҳам дон Кихотнинг орқага қайтинглар деб чақираётганини кўрди. Улар анча енгил тортиб орқага қайтдилар. Аравага яқин келишганда дон Кихот хачир ҳайдовчига деди:

– Биродар, сиз хачирларингизни қайтадан аравага қўшиб, йўлингизда давом этишингиз мумкин. Сен эса, Санчо, бу кишига ва назоратчига кетган вақтлари эвазига бир тилла эскудодан совға бергин.

– Жоним билан, – деди Санчо, – ҳа, арслонлар нима бўлди? Яраландими ёки ўлдирилдими?

Шунда назоратчи дон Кихотнинг мардлиги ва жасоратини таърифлаб ва жангнинг натижаси хусусида шошилмай батафсил сўзлай кетди. Бу кишига арслоннинг кўзи тушар-тушмас қути ўчди, қафас очиқ бўлса ҳам у ташқарига чиқишга журъат этмади. Рицарь арслоннинг жиғига тегишни буюрди, лекин назоратчи арслонни гижгижлаб қафасдан зўрлаб чиқариш худога ҳам хуш тушмаслигини айтди. Ана шундан сўнггина рицарь ноилож қафас эшиklarини бекитишга рухсат этди.

– Хўш, сен нима дейсан, Санчо? – сўради дон Кихот. – Ҳақиқий жасоратга яна қандай сеҳр бардош бера олиши мумкин? Сеҳргарлар мени омаддан маҳрум қилишлари мумкин, бироқ улар мендаги мардлик ва жасоратни йўқота олмайдилар.

Санчо икки эскудони берди, хачирчи хачирларини қўшди, назоратчи катта ҳадя учун миннатдорчилик билдириб, дон Кихотнинг қўлларини ўпди ва пойтахтга боришлари биланоқ унинг қаҳрамонлигини қиролнинг ўзига сўзлаб беришга ваъда қилди.

– Мабодо, жаноби олийлари бундай қаҳрамонлик кўрсатган одам ким ўзи, деб сўраб қолгудай бўлсалар, – деди дон Кихот, – унда у кишига: арслонлар рицари деб айтинг, зотан, шу кундан бошлаб мен ўз номимни Фамгин Қиёфа рицарь эмас, балки Арслонлар рицари деб атамоқчиман.

## ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ

### **ЛАМАНЧ ВИЛОЯТИНИНГ ҚОҚ КИНДИГИДАГИ МОНТЕСИНОС ҒОРИДА<sup>71</sup> СОДИР БЎЛГАН АНТИҚА САРГУЗАШТЛАР**

Дон Кихот ва унинг яроқбардори шерлар билан бўлган шавкатли саргузаштдан сўнг Сарагоссага қараб йўл олдилар. Аммо рицаримиз йўл-йўлакай ламанч вилоятининг қоқ киндигидаги машҳур Монтесинос ғорига албатта кириб ўтишни хоҳларди. Шуниси ачинарлики, унинг ўзи ҳам, яроқбардори ҳам ғорга борадиган йўлни билмасди. Лекин, уларнинг бахтига тез орада йўлда руҳонийнамо икки талаба ва улар билан бирга икки деҳқон учраб қолди. Тўртовлари ҳам эшак миниб олишганди. Талабалар ҳам, деҳқонлар ҳам дон Кихотга таажжубланиб қарар (у билан биринчи марта учрашган ҳар бир киши шу ҳолатга тушарди), оддий одамларга ўхшамайдиган бу ғайритабиий кишининг ким эканлигини тезроқ билиб олишни истардилар. Дон Кихот улар билан саломлашди ва йўллари бир эканини билиб, ҳамроҳ бўлишни таклиф этди. Йўловчиларнинг савол ёғдиришининг олдини олиб, ўзининг номи ламанчлик дон Кихот, лақаби эса Арслонлар рицари эканини; унвони ва машғулотига кўра етти иқлимда саргузаштлар изловчи жаҳонгашта рицарь эканлигини қисқа қилиб тушунтириб берди. Деҳқонлар учун бу гаплар бориб турган бемаъниликдек туюлган бўлса, талабалар ўша ондаёқ дон Кихотнинг ақдан озганини сезиб олдилар. Шунга қарамай, улар дон Кихотга ажабланиш ва ҳурмат билан қарадилар.

Дон Кихот уларга машҳур Монтесинос ғорига бориб, унинг мақталган мўъжизалари чиндан ҳам мавжудлигини ўз кўзлари билан кўриш истаги борлигини изҳор қилди ва ғорга қандай қилиб боришни сўради. Талабалардан бири уни ғорга бошлаб борадиган бўлди ва ўзининг рицарь романларини севишини, ламанчлик дон Кихотдек машҳур рицарга ҳамроҳ бўлишни ўзи учун шон-шараф деб билишини айтди.

Йўлда дон Кихот бу талабадан ўз ҳаётини қайси фанларни ўрганишга бағишлаганини қизиқиб сўради. У, ўзининг ижтимоиётчи эканини, шунингдек, жамиятнинг ҳузур-ҳаловати ва фойдасини кўзлаб нашр эттириш мақсадида китоб ёзаётганини айтди. Унинг китобларидан бири «Либослар ҳақида» деб аталаркан. Унда етти юз уч хил либоснинг нусхаси, ранги ва бичими тасвирланаркан. Сарой аъёнлари ана шунга асосланиб, ҳар қандай байрамга ҳам бош қотириб ўтирмай уст-бош танлай оларкан.

– Менинг, – қўшиб қўйди талаба, – Виргилий Полидорга қўшимча<sup>72</sup> номли бошқа китобим ҳам бор. Унда турли кашфиётлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу китобга мен жуда кўп меҳнат ва илм сарф этганман: мен унда Полидор батафсил тўхталиб ўтмаган барча масалаларни очиқ-ойдин тушунтирганман ва ниҳоятда лўнда қилиб баён этганман. Масалан, у одамлардан биринчи марта ким тумов бўлгани, ким биринчи бўлиб жароҳатга суртадиган шифобахш малҳамни кашф этганлиги ҳақида маълумот беришни унутган. Мен йигирма бешдан ортиқ муаллифларнинг асарларига суяниб, бу масалани мукамал тушунтирганман. Муҳтарам жаноблари менинг қанчалик заҳмат чекканим ва бу китобларимнинг одамлар учун қанчалик фойдали эканини билиб олишлари мумкин.

Талабанинг ҳикоясини диққат билан тинглаб бораётган Санчо унинг сўзини бўлди:

– Қани айтинг-чи, сеньор, илоё китобингизни бостиришда худо омадингизни берсин, биринчи бўлиб ким ўз бошини қашиганини айтиб беролмайсизми? (Дарвоқе, албатта айтиб бера оласиз, чунки сиз ҳамма нарсани биласиз). Шахсан мен ўйлайманки, бу ишни биринчи бўлиб Одам Ато қилган.

– Эҳтимол, ўшадир, – жавоб берди талаба, – чунки Одам Атонинг боши ва сочи бўлгани шубҳасиз. Модомики, у оламга биринчи келган одам экан, демак, у биринчи бўлиб бошини қашиган-да, албатта.

– Мен ҳам шундай деб ўйлагандим, – жавоб берди Санчо, – энди айтинг-чи, ким биринчи акробат бўлган?

– Ростини айтсам, биродар, – жавоб берди талаба, – бу масалани ўрганиб чиқмай туриб, сизга тезда жавоб бера олмайман. Мен ўз китобларимга қайтгач, мана шу масалалар устида ҳам бош қотираман ва яқин кунлардаги учрашувимизда сизнинг истагингизни қондираман, чунки бу учрашувимиз охирги учрашув бўлиб қолмаслигига аминман.

– Менга қаранг, сеньор, – эътироз бидирди Санчо, – сиз ташвишланмай қўя қолинг, ўз саволимга аллақачон ўзим жавоб топдим. Биласизми, биринчи марта сакраган ва умбалоқ ошган Люцифер. Уни осмону фалакдан ташлаб юборганларида то жаҳаннамга етиб олгунча сакраб ва умбалоқ ошиб борган.

– Сен ҳақсан, дўстим, – тасдиқлади талаба.

– Албатта, Санчо, бу савол ва жавобни ўзинг ўйлаб чиқармагансан. Сен уни бирон жойда эшитгансан.

– Худо ҳақи, сеньор, агар мен сўроқлаш ва жавоб беришга тушиб кетсам, эртагача ҳам тутатолмайман. Сизни ишонтириб айтаманки, мен бемаънигарчиликлар ҳақида сўраш ва ҳар хил ёлгон-яшиқлар билан жавоб бериш учун ёрдам сўраб қўшниларга чиқиб юрмайман.

– Санчо, сен ўзинг биладигандан кўра кўпроқ нарса-ни гапириб бердинг, – жавоб берди дон Кихот, – чунки шундай кишилар ҳам борки, улар турли масалаларни ҳал этиш устида бош қотирадилар, ечилганидан сўнг эса сариқ чақага арзимайдиган бўлиб чиқади бу масалалар.

Дон Кихот, Санчо ва талаба бутун кунни мана шунанганги кўнгилли суҳбатлар билан ўтказишди, кечқурун эса кичикроққина бир қишлоққа тушдилар. Эрта-лаб талаба дон Кихотга Монтесинос ғоригача салкам икки мил қолганлигини, агар унинг қарори қатъий бўлса, чуқур ғорнинг остига тушиши учун арқон олволиш зарурлигини айтди. Дон Кихот у ерда нима борлигини билиш учун тубсиз жаҳаннамга ҳам тушишга тайёр эканлигини айтди. Улар юз саржиндан узунроқ арқон сотиб олиб, ғор томон йўл олдилар. Ғорга кирадиган

йўл кенг ва катта эди, лекин қалин буталар билан қопланганидан горнинг орзи мутлақо кўринмай кетган эди. Горни кўргач, ҳамроҳлар уловларидан тушдилар. Санчо ва талаба рицаримизни арқон билан маҳкам қилиб боғлай бошлади. Дон Кихотни чирмаб боғлашаркан, Санчо уни бу ниятдан қайтаришга уриниб кўрди.

– Нима қилаётганингизни ўйлаб кўринг, марҳаматли жанобим, ўзингизни тириклайин гўрга тикманг ва муздек бўлсин деб қудуққа тушириладиган шишага ўхшаманг. Бу горни текшириш сизнинг ишингиз эмас, нима қиласиз ташвиш орттириб ўзингизга, сеньорим, бу ҳар қанақанги зиндондан ҳам даҳшатлироқ, ахир.

– Бас қил, дўстим Санчо, – жавоб берди дон Кихот. – Бемаъни гапларни гапириб алжияпсан: бу машҳур горни текшириш фақат менга насиб қилган.

Шунда йўл бошловчи:

– Муҳтарам жаноб, сеньор Дон Кихот, сиздан ўтиниб сўрайман, у ерда нимаики учраса, ҳаммасини яхшилаб кўриб олинг. Эҳтимол, менинг ўзгаришлар тўғрисидаги бўлажак китобимга ярайдиган бирор нарса топилиб қолар, – деди.

– Хотиржам бўлинг, сеньор, – гапга қўшилади Санчо. – Чилдирма яхши чилдирмачининг қўлида, унинг гумбурлашини кўрасиз.

Барча тайёргарликлар тугагач, дон Кихот шундай деди:

– Ҳе аттанг, қўғироқчалар олволмай, яхши иш қилмабсиз: мен уларни арқонга боғлаб қўярдим-да, вақти-вақти билан жиринглатардим, сизлар менинг тириклигимни ва ҳамон пастга қараб тушиб бораётганимни билиб турардинглар. Лекин энди вақт ўтди. Мен ўзимни худога топширдим, унинг ўзи мадад берсин.

Шундан сўнг дон Кихот тиз чўкиб, худога илтижо қилди, ундан бу хавfli, ғайритабий саргузаштни муваффақиятли якунлашда мададкор бўлишни сўради. Кейин у баланд овоз билан:

– О, қалбимнинг хоқони, гўзалликда беқиёс Дульсинея Тобосская! Бахтиёр қулингнинг илтимос ва ил-

тижолари етиб борса, оламда танҳо ҳусни-малоҳатинг ҳаққи ёлвораман: мени эшит. Сендан бир нарса илтимос қиламан: офир дақиқаларда мени илтифотинг ва ҳимоянгдан маҳрум этма, мен унга ташнаман. Ҳозир мен ўзимни кўз олдимдаги тубсиз жаҳаннамга ташлайман. Мен буни шунинг учун ҳам қилаётирманки, агар сен менга мададкор бўлсанг, дунёда мен қўл урмаган, амалга оширмаган жасорат ва қаҳрамонлик йўқлигини ҳаммага маълум қилиб қўймоқчиман.

Дон Кихот ана шу сўзларни айтиб, ғор оғзига яқинлашди. Шунда у ғорнинг оғзига ўз билак кучи ва қиличи билан йўл очиб бора олиши мумкинлигини кўрди. У қиличини яланғочлаб чирмашиб кетган буталарни чопа бошлади. Форга уя қурган қарға-қузғунлар шовқиндан безовталаниб, бирданига «гурр» этиб кўтарилди. Улар қўққисдан, шиддат билан бараварига кўтарилганидан рицаримизни гуппа ерга қулатиб юбордилар. Лекин дон Кихотни бунақанги арзимас нарсалар довдирата олмасди. Қушлар учиб чиқиб кетгач, у бир учини Санчо билан талаба ушлаб турган арқонни тортиб, даҳшатли ғорнинг остига тушишга ҳозирланди. Санчо хайрлашаркан, унга оқ йўл тилаб, қайта-қайта чўқинтирди ва шундай деди:

– Худованди каримнинг ўзи мадад берсин, азиз-авлиёлар қўлласин, эй барча жаҳонгашта рицарларнинг гули, кўрки, қаймоғи! Оқ йўл, ер юзининг пўлат қалбли, мис билак аъло баҳодири! Сенга худонинг ўзи ҳамроҳ бўлсин, такрор айтаманки, у сени ўз хоҳишинг билан тушаётган даҳшатли жаҳаннамдан яна ёруғ дунёга олиб чиқсин.

Талаба ҳам у билан шу тариқа хайр-хўшлашди. Шундан сўнг дон Кихот ер остига тушаркан, арқонни аста-секин бўшатаётган ҳамроҳларига вақти-вақти билан мурожаат қилиб турди. Дон Кихотнинг овози аста-секин пасая борди ва ниҳоят ғор қаърида ўчиб кетди. Арқон охиригача бўшатиб бўлингач, Санчо билан талаба бир оз кутиб туриш, кейин дон Кихотни яна тепага тортиб олишга қарор қилдилар. Ярим соатдан сўнг улар арқонни торта бошладилар. Арқон қушдай энгил тортилар эдики, гўё унга ҳеч қандай юк боғлан-

магандек эди. Улар дон Кихот горда қолиб кетди, деб ўйлашди ва Санчо шоша-пиша арқонни тортар экан, йиғлаб юборди. Аммо арқонни ярмидан кўпини тортиб бўлгач, улар унда қандайдир бир юк осилиб турганини сезиб, жуда хурсанд бўлиб кетдилар. Ниҳоят, чуқурлик ичидан дон Кихот кўринди:

– Хуш келибсиз, марҳаматли сеньорим! Биз у ерда мангу қолиб кетдингиз деб, қўрқиб юрибмиз! – деди баланд овоз билан Санчо.

Лекин дон Кихот жавоб бермади. Зудлик билан рицарни гор ёқасига тортиб олишаркан, унинг кўзлари юмук, ухлаб ётганини кўрдилар. Шундан сўнг талаба билан Санчо уни қимирлатиб, силкий бошладилар. Ниҳоят, дон Кихот ўзига келиб, узоқ ва қаттиқ уйқудан тургандек керишди, чор атрофга ваҳима билан аланглаб, шундай деди:

– Дўстларим, мени инсон боласига насиб этмаган ажойиб бир манзарани томоша қилишдан маҳрум этганларинг учун сизларни худонинг ўзи кечирсин! Дарҳақиқат, мен ҳаётнинг барча лаззатлари худди соя ва уйқудек ўтиб кетаётганини тушуниб етдим. О, бахтсиз Монтесинос! О, қаттиқ жароҳатланган Дурандарте! О, бадбахт Белерма! О, кўз ёши дарё бўлган Гвадиан ва Руидеранинг бахтиқаро қизлари!

Санчо билан талаба дон Кихотнинг сўзларини диққат билан тингладилар, афтидан у машаққат билан аранг гапирарди. Улар дон Кихотдан бу дўзахда нималарни кўрганини батафсил гапириб беришни илтимос қилишди.

– Сизлар бу горни дўзах деяпсизларми?! – хитоб қилди дон Кихот. – Уни бундай деманглар, бунга у муносиб эмас, ҳозир ўзларингиз ҳам ишонч ҳосил қиласизлар.

У жуда очқаб қолганлиги учун ейдиган бирон нарса беришларини сўради. Майса устига, талабанинг плашини ёйиб, тўрвадан овқат олиб, бирданига ҳам тушлик, ҳам кечки овқат қилишди. Ҳамма нарса йиғиштириб бўлингач, дон Кихот ҳикоя қила бошлади:

– Мана энди, дўстларим, диққат билан қулоқ солинглар. Ўн икки ёки ўн тўрт саржин чуқурликда, горнинг

ўнги томонида бутун бошли арава хачири билан жойлашадиган ўнгир бор экан. Уни сизлар мени арқонда пастга тушираётганларингизда пайқадим. Пастга тушишдан чарчаганим сабабли у ерга кириб бир оз дам олишга қарор қилдим. Мен сизларга арқонни бошқа бўшатманглар деб бақирдим, лекин сизлар, чамамда, эшитмадингизлар. Мен пастга тушаётган арқонни йиғиштириб, ўрадим-да, устига ўтириб чуқур ўйга ботдим. Мен дам олгунча сизлар ҳамма арқонни тушириб бўлган эдингизлар, шунинг учун энди қандай қилиб пастга тушаман деб бош қотира бошладим. Мен ана шу нарса ҳақида ўйлаб турганимда, кўкқисдан қаттиқ уйқу босди, ухлаб ётганимда нима воқеалар содир бўлганини билмайман, лекин уйқудан кўзимни очсам, ақл бовар қилмайдиган бир ажойиб чаманзор ичида турибман. Ҳайратда қолганимдан тушимми бу, ўнгимми деб, кўзларимни уқалай бошладим. Шу заҳоти кўз олдимда ҳашаматли қирол саройи пайдо бўлди: саройнинг девор ва миноралари оқ ва шаффоф биллурдан қилинганга ўхшарди; кутилмаганда улкан дарвозаларланг очилиб кетди, ичкарида узун сафсар ранг плашкийган нуроний қария кўринди. Плашнинг устида коллеж муаллимлари киядиган кўк атласдан калтагина ёпқич. Бошида қора қалпоқча: қордай оппоқ соқоли кўкрагини қоплаб турибди; қўлида ўрмон ёнғоғидан каттароқ донали тасбеҳ. Унинг қадди-қомати, қадам босишлари, улғувор қиёфаси мени ҳайратда қолдириб, қалбимда унга нисбатан иззат-ҳурмат ҳиссини уйғотди. У ёнимга келиб, мени бағрига босиб: «Баҳодир рицарь ламанчлик дон Кихот, бу сеҳрланган дашту биёбонда узоқ йиллардан бери сени кутиб ётибмиз, сен Монте-синос номли бу чуқур ғор сирларини дунёга маълум қилишинг керак. Бу қаҳрамонлик сенга насиб қилган, чунки фақат сенгина ўзингнинг енгилмас жасоратинг ва ажойиб қаҳрамонлигинг билангина бу ишга бел боғлай оласан. Қани, ортимдан юр, шуҳратли сеньор, мен сенга сеҳрланган бу саройдаги мўъжизаларни



кўрсатаман. Мен бош соқчиман – исмим Монтесинос, форга ҳам менинг номим берилган», – деди. Шунда мен, бизнинг қўшиғимиздагидек Ронсевалда ўлдирилган сизнинг ўз дўстингиз Дурандартенинг юрагини ханжар билан кесиб олиб, сеньора Белермага совға қилиб келтириб берганингиз тўғрими? – деб сўрадим. У менга, ҳаммаси тўғри эканлигини, фақат оддий ханжар билан эмас, балки болаб чархланган уч қиррали ханжар билан шундай қилганини айтди.<sup>73</sup>

– Эҳтимол, – гапга аралашди Санчо, – бу севильялик Рамон де Осес ясаган ханжарлардандир.

– Билмайман, – жавоб берди дон Кихот, – лекин, ҳар ҳолда бундай бўлмаса керак, чунки пичоқчи Рамон де Осес яқиндагина ўтган, Ронсеваль жанги эса бир неча асрлар муқаддам бўлиб ўтган. Умуман, бу унчалик муҳим эмас.

– Тўғри айтасиз, – деди талаба, – давом эттиринг, муҳтарам сеньор дон Кихот, мен ҳикоянгизни зўр мамнуният билан тинглаётирман.

– Мен ҳам худди ана шундай мамнуният билан ҳикоя қилаётирман, – таъкидлади дон Кихот. – Шундай қилиб, ҳурматли Монтесинос мени биллур саройга олиб кирди. Бу ерда ганч билан пардоз берилган, паст ва муздаккина залда мрамор сағана турарди. Шу сағананинг қопқоғида рицарь ётарди, лекин у одатдаги сағаналарга қўйиладиган ёдгорлик тошларидагидек мис ва яшмалардан эмас, балки барча кишилар каби суяк ва гўштдан иборат эди. Унинг ўнг қўли юраги устида турибди. Менинг марҳум рицарга нақадар ҳаяжон ва қизиқиш билан қараётганимни кўрган Монтесинос, савол беришимни кутиб турмай, ўзи гапира кетди: «Бу ерда ўз замонасидаги ошиқ ҳамда шавкатли рицарларнинг гули ва шон-шарафи, менинг дўстим Дурандарте ётибди. Уни иблис фарзанди, француз сеҳргар Мерлин<sup>74</sup> сеҳрлаб қўйган. Бу ёвуз сеҳргарнинг нима мақсадда Дурандартени, мени ва бошқа кўп рицарлар ва хонимларни сеҳрлаб қўйганини ҳозирча ҳеч ким билмайди. Аммо мени

тамоман бошқа нарса қизиқтиради: аниқ биламанки, Дурандарте менинг қўлимда жон берган: унинг ўлимидан кейин ўз қўлим билан унинг юрагини кесиб олганман, унинг офирлиги, тўғриси айтсам, икки фунтча келарди, чунки тиббиётчиларнинг фикрича, юраги катта кишилар кичик юракли одамларга қараганда анча-мунча жасоратли бўлишади. Ҳақиқатан ҳам бу рицарь ўлган бўлса-ю, яна қанақасига у худди ҳаёт одамдай гоҳ нола қилиб, гоҳ хўрсинади?». Монтесинос мана шу сўзларни айтиб бўлар-бўлмас, бахтсиз Дурандарте қаттиқ нола қилиб, гапира бошлади:

*Монтесинос, унижон,  
Дилдан сенга илтимос:  
Куним битиб, ногаҳон,  
Ажалим етса, паққос.  
Дарров ёриб кўксимни,  
Юрагим олинг албат.  
Ҳамда элтингиз уни,  
Белерма томон фақат.*

Бу сўзларни эшитган Монтесинос рицарь олдида тиз чўкиб, кўзларидан ёш оқиб жавоб берди: «О, сеньор Дурандарте, азиз биродарим, мағлубиятга учраган кунимиз менга буюрган топширигингизни алақачоноқ бажарганман. Мен сизнинг юрагингизни кесиб олиб, тўр дастрўмол билан артиб, уни олиб бор кучим билан Францияга қараб чопдим. Аммо бунгача мен сизнинг жасадингизни ерга қўйдим ва шу қадар кўз ёш тўқдимки, кўкрагингизни тилиб, юрагингизни узиб олганда қўлларимга теккан қонни унинг нами билан ювдим. Ронсевалдан чиққандан сўнг йўлда учраган биринчи қишлоқда сасиб кетмасин ва сеньора Белермага бузилмай етказай деб юрагингизга туз сепдим. Зотан, шу нарсани билиб қўйингки, севимли дўстим ва биродарим, сеньора Белерманинг ўзлари ҳам шу ердалар. Сеньора Белермани, сизни, мени, сизнинг

яроқбардорингиз Гвадиана, дуэнья\* Руидера ва унинг етти қизи билан икки жиянини, сизнинг беҳисоб таниш-билишларингиз ва дўстларингизни доно Мерлин ўз сеҳри ҳукми остида сақлаб келмоқда бу ерда. Беш юз йилдан бери шу ерда азоб чекамиз. Лекин ҳанузгача биронтамиз оламдан ўтганимиз йўқ. Фақат Руидера, унинг қизлари ва жиянларигина орамизда йўқ, холос. Улар доим йиғлардилар, Мерлиннинг уларга раҳми келиб, ачинганидан бўлса керак, дарё бўғозига айлантириб юборган бўлиши керак; ҳозир тириклар оламида. Ламанч вилоятида уларни Руидера бўғозлари дейишади. Шунингдек, сизнинг яроқбардорингиз Гвадиана ҳам орамизда йўқ: у ўз номи билан аталадиган дарёга айланган.<sup>75</sup> Бу дарё ёруғ дунёга чиқибди, лекин сизни соғинганидан яна ер қаърига кириб кетибди. Аммо у Мерлин амрини бажаришдан батамом бош торта олмайди. Шунинг учун у вақти-вақти билан қуёш ва одамларга кўриниш беради. Руидера бўғозлари ана шу дарёни ўз сувлари билан таъминлаб туришади. У сонсиз жилғаларни ўзига бирлаштириб, улуғворлик билан денгиз томон ошиқади. Лекин ғам ва қайғу унинг сувини заҳарлаган, унда Тахо дарёсининг зилол шалолаларида биланглаб юрадиган балиқларга тамоман ўхшамайдиган, қуруқ суякдан иборат бемаза балиқлар яшайди. Бу гапларнинг ҳаммасини сизга жуда кўп сўзлаб берганман. Аммо сиз менга жавоб бермайсиз. Эҳтимол, сиз менга ишонмаётгандирсиз ёки гапларимни эшитмаётгандирсиз. Бу менинг учун нақадар офир эканини худодан бошқа кимса билмайди. Лекин мен бугун сизга шундай бир хабарни етказаманки, у сизнинг қайғунгизни енгиллаштирмаса-да, ҳар ҳолда уни орттирмайди ҳам. Билиб қўйинг, доно Мерлин бир неча марта башорат этган ўша улуғ рицарь сизнинг қаршингизда турибди! Мен ламанчлик дон Кихот ҳақида гапираётирман! У аллақачонлар унутилиб кетган жаҳонгашта рицарликни қайта тирилтирди ва

\* Дуэнья – канизак

уни шундай шон-шарафларга буркадики, рицарлик ўтган замонларда ҳам бунчалик машҳур бўлмаган. Мен умид қиламанки, унинг ёрдами ва ҳимоясида бу машъум сеҳру жодулардан қутуламиз. «Агар бу воқеа содир бўлмаганда ҳам, – жавоб берди ғамгин Дурандарте секин, эшитилар-эшитилмас, – азиз дўстим, ҳар қандай умидсизликка тушмаслик керак. Қани кел, яна бир арта ўйнайлик!»

Шундай деб у ёнбошига ағдарилиб, яна ўзининг одатдаги индамаслик ҳолатига тушди.

Шу пайт қаттиқ қичқириқ, нолаю фарёд ва йиғи эшитилди. Мен орқамга қарадим ва биллур девор оша нариги залда оқ салла ва мотам либосида дафн маросимига турнақатор тизилиб бораётган гўзал қизларни кўрдим. Маросим охирида салобатли, мотам либосидаги алақандай бир сеньора нутқ сўзлади. Унинг бошидаги оқ чойшаби этагига тушиб турар, ҳашаматли салласи эса бошқа қизларникига қараганда иккита келарди. Қошлари пайваста, бурни гўё чимчилаб қўйгандек, оғзи катта ва лаблари ялтираб турар эди. Унинг қўлида жуда нафис сочиқ бўлиб, унда мумиёдай ранглари ўчиб, буришиб, қуриб қолган юрак ётарди. «Бу қизлар ўз хўжайинлари Дурандарте ва сеньора Белерма билан мана шу ерда азобланаётган канизлардир», – деди Монтесинос. Энг ортда бораётган хоним эса, сеньора Белерманинг ўзи. У ҳар ҳафтада ўз канизлари билан саройни тўрт марта айланиб чиқади. Ана шу пайтларда Дурандартенинг эзиб ташланган юраги ва жасади узра фарёд чекиб нола қилишади. Монтесинос шуни ҳам таъкидладикки, зероки, Белерма қўшиқларда тавсифланганидек, гўзал ва латофатли кўринмас экан, боиси бадбахтларча ҳалок бўлган рицарини дам-бадам хотирига тушириб турадиган қўлидаги юракдир. Ахир шундай бўлмаганида, бизнинг ўлкамизда, умуман, бутун дунёда шон-шуҳратга сазовор бўлган Дульсинея Тобосская ҳам гўзаллик ва назокатда унга бас кела олмасди.

«Ўтиниб сўрайман, сеньор Монтесинос, – дедим мен, – таққослашдан ҳамиша қочиб керак, чунки бу ҳамиша ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Дульсинея Тобосская ҳам худди сеньора Белерма сингари гўзалликда беқиёсдир, шунинг учун бу ҳақдаги гапни бас қилайлик». У менга бундай жавоб берди: «Мени кечирасиз, сеньор дон Кихот. Мен сеньора Дульсинеяни сеньора Белермага ўхшатиб, нотўғри гапириб қўйганимни тан оламан. Тўғриси айтганда, муҳтарам жаноблари ўша хонимнинг измида эканликларини фаҳмладим, шунинг учун тилимни тишлаб, уни самодан бошқа нарсага қиёс қилмаслигим лозим эди». Улуғ Монтесиноснинг бу узрини эшитиб, менинг сеньорамни қандайдир бир хоним билан таққослаганида пайдо бўлган жаҳлим бир оз пасайди.

– Ажабо, марҳаматли жаноб, – гапга аралашди Санчо, – ахир, қандай қилиб сиз ўша чолнинг суякларини мажақлаб ташламадингиз, соқолларини битталаб юлмадингиз?

– Йўқ, дўстим Санчо, – жавоб берди дон Кихот, – биз барча оқсоқолларни, айниқса, сеҳрланган рицарларни ҳурмат қилишимиз керак.

Шу пайт талаба гапга аралашди:

– Сира тушунолмаёпман, сеньор дон Кихот, сиз қандай қилиб ер остида бу қадар кўп нарсани кўриб, улар ҳақида сўраб-гаплаша олдингиз. Ахир, сиз у ерда узоқ бўлмадингиз-ку!

– Мен ғорга тушгандан бери қанча вақт ўтди? – сўради дон Кихот.

– Бир соатдан сал ошди, – жавоб берди Санчо.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, – эътироз билдирди дон Кихот, – мен у ерда уч кеча-кундуз бўлдим.

– Менинг хўжайиним тўғри гапиряптилар, – тасдиқлади Санчо. – Ахир у киши сеҳрланган ғорга тушганлар-да, шунинг учун бизнинг бир соатимиз ер остида уч кеча-кундузга тўғри келади.

– Бўлмасам-чи, худди шундай, – жавоб берди дон Кихот.

– У ерда бирон нарса едингизми, сеньор? – сўради талаба.

– Туз тотмадим, – жавоб берди дон Кихот, – ҳатто очиққанам ёдимдан кўтарилиб кетибди.

– Сеҳрланганлар овқатланишарканми? – яна сўради талаба.

– Йўғ-э, – жавоб берди дон Кихот. – Аммо баъзи одамларнинг тахмин қилишича, уларнинг тирноғи, соч-соқоллари доим ўсаверармиш.

– Ухлашлари мумкин эканми, сеньор? – сўради Санчо.

– Албатта йўқ, – жавоб берди дон Кихот, – ҳар ҳолда мен улар билан бирга бўлган уч кеча-кундуз давомида ҳеч ким мижджа қоқмади.

– Бу ерда бир мақолни эслаш жоиз бўлиб қолди, – деди Санчо. – «Яхшига яқин юрсанг, етарсан муродга, ёмонга яқин юрсанг, қоларсан уятга». Муҳтарам жаноблари овқат емайдиган ва ухламайдиган сеҳрланганлар билан дўстлашибдилар, модомики, ҳамма вақт улар билан бирга бўлган бўлсангиз сиз ҳам овқат емагансиз, ухламагансиз. Бунинг ҳеч қанақа ажабланадиган жойи йўқ. Дадиллигим учун кечирасиз-у, жаноб сеньорим, мен сизнинг ҳикояларингизга заррача ишонган бўлсам, худо урсин (шайтон урсин дейишга сал қолди).

– Нега ишонмайсиз?! – хитоб қилди талаба. – Наҳотки, дон Кихот ёлгон гапирса? Башарти бирон қизиқарли уйдирма билан бизни овунтирмоқчи бўлган бўлса, у вақтда бу ҳикояни тўқишга фурсати ҳам етмасди.

– Ўйлайманки, хўжайиним ёлгон гапирмайди, – жавоб берди Санчо.

– Унда нима деб ўйлаяпсан бўлмаса? – сўради дон Кихот.

– Мен ўйлайманки, – жавоб берди Санчо, – ўша Мерлинми ё бошқа бирор жодугарми ҳикоя қилаётган воқеангизни сизнинг миянгизга қуйиб қўйган.

– Сенинг тахминларинг ҳақиқатга ўхшаб кўринса-да, биродар Санчо, бари бир, сен янглишаётирсан, – қатъий жавоб берди дон Кихот, – шу нарса ёдингда бўлсин, мен

нимани айтган бўлсам, ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, қўлларим билан ушлаганман. Монтесинос турли-туман мўъжизалар билан бир қаторда ажойиб ўтлоқларда худди охулардек сакрашиб ўйнаб юрган уч деҳқончани кўрсатди. Бунга нима дейсан? Мен ўша заҳотиёқ ҳеч тенги йўқ Дульсинея Тобосская ва ҳамроҳларини танидим. Мен Монтесиносдан, буларнинг кимлигини биласизми, деб сўрадим. Ҳурматли оқсоқол билмаслигини айтди. «Эҳтимол, – қўшиб қўйди у, – булар яқин орада Мерлин сеҳрлаган атоқли сеньоралардир. Бу яйловларда сеҳргарнинг ёвуз сеҳру жодуси қурбони бўлган янги сеньора ва хонимлар тез-тез пайдо бўлиб турадилар».

Санчо Панса хўжайиннинг бу сўзларини эшитганида кулгидан ёрилиб кетаманми деб қўрқди: чунки у Дульсинеянинг бошқа қиёфага кириши сирини ҳаммадан кўра яхшироқ биларди, ахир, бу ишнинг ягона сеҳргари ва гувоҳи бўлганди-да у! Энди у хўжайиннинг ақлдан озганлигига чиндан ишонди.

– Ўша сиз ер ости салтанатига тушган кунга лаънатлар бўлсин, марҳаматли хўжайин жаноблари, – деди Санчо, – сеньор Монтесинос бемаврид учраб, бошингизни тамоман айлантириб қўйибди. Марҳаматли жаноблари, мана шу ерда ўтириб, ҳар бир қулай фурсатда ҳикматли панд-насиҳатлар қилиб, ақлга сиғмайдиган бемаъни гапларни йиғиштирганингиз маъқул эди!

– Сени бу беодоблигинг учун адабингни бериб қўйиш керак эди-ю, – деди дон Кихот, – лекин мен сени ва сўзларингизнинг қийматини яхши биламан.

– Мен сизникини, сеньор, – эътироз билдирди Санчо. – Хоҳласангиз, ўлгунимча калтакланг, марҳаматли жанобим. Бари бир, мен то сиз ақлингизни йиғиб, тузалмагунингизча сўзимдан қайтмайман. Муҳтарам жаноблари, жанжаллашиб қолмасимиздан бурун менга шуни айтинг-чи, сиз сеньора Дульсинеяни қандай танидингиз? Сиз у билан гаплашганингизда нима деб жавоб берди?

– Мен уни шунинг учун ҳам таний олдимки, – жавоб берди дон Кихот, – ўша кунни уни Тобосо яқинидаги ўт-

лоқда кўрганимдаги кийимларида экан. Мен гапирсам у индамай шартта орқасига бурилди-ю, камон ўқидай учиб кетди. Мен унинг орқасидан қувмоқчи бўлдим, лекин Монтесинос бу ҳаракатим зое кетишини айтди. Бунинг устига ёрдан чиқадиган вақтим ҳам яқинлашмоқда эди. Монтесинос менга белгиланган вақт-соат етиб, Белерма, Дурандарте ва бошқаларни сеҳр-жодудан халос этиш учун қандай қаҳрамонликлар кўрсатишим кераклиги ҳақидаги сирни очажagini айтди. Мен ер ости подшолигида кўп қайғули нарсаларни кўрдим, айниқса, Дульсинеянинг ҳамроҳларидан бирининг олдига келиб, кўзларидан дув-дув ёш тўкиб паст товуш билан: «Менинг маликам Дульсинея Тобосская сиз марҳаматли жанобларнинг қўлларини ўпишни ва сиҳат-саломатлигингизни сўрашни буюрдилар. Маликам сиздан бундай оғир муҳтожлик дамларида сиз муҳтарам жанобларининг илтифот кўрсатишингизни ва мана бу йўл-йўл юбка бадалига олти реал қарз бериб туришингизни ўтиниб сўради. У бу қарзни сизга тез кунда қайтариб беришга ваъда бераётир», дейиши юрак-бағримни эзиб юборди. Бу илтимос мени ҳаддан ташқари ҳайратда қолдирди. Мен сеньор Монтесиносга мурожаат қилиб, сўрадим: «Сеньор Монтесинос, сеҳрланган аслзода хонимлар ҳам муҳтожлик тортиши мумкинми?!» «Менга ишонинг, муҳтарам сеньор ламанчлик дон Кихот жаноблари, – жавоб берди у, – муҳтожлик ҳамма ерда учрайди, ҳатто сеҳрланганларга ҳам шафқат қилмайди. Модомики, сеньора Дульсинея Тобосская ишончли гаров билан олти реал қарз сўраган экан, унинг илтимосини бажаришингиз лозим: афтидан, аҳволи жуда тангга ўхшайди». «Менга гаров керак эмас, – жавоб бердим, – олти реални ҳам бера олмайман, чунки ёнимда атиги тўрт реал бор». Мен бу пулларни қизга бериб, шундай дедим: «Азизим, маликангизга айтингки, унинг бахтсизлиги қалбимни азоблаётир. Мен унинг оёқлари остига сочиш учун беҳисоб бойликка эга бўлиш иштиёқидаман. Яна шуни ҳам етказингки, мен ундан йироқда яшай олмайман, усиз ўзимни хурсанд ҳис этолмайман. Мен



гўзал сеньорадан ўтиниб сўрайман, илтифот кўрсатиб, доғида куйган рицари билан суҳбатлашсин. Токи сеньора Дульсинеяни сеҳр-жодудан халос этмагунча дастурхондан туз тотмасликка, уй ичида ётмасликка қасамёд қиламан. Онт ичиб айтаманки, уни озод этиш учун бутун дунёни кезиб чиқишга тайёрман». «Бугина эмас, марҳаматли жаноблари, маликангиз учун ҳали жуда кўп нарсаларни қилишингиз зарур», – деди қиз, сўнгра у тўрт реални олди-да, менга таъзим қилиш ўрнига, бехосдан осмонга шундай сакрадики, ердан бир саржин баландга кўтарилди.

– Ё худо! – хитоб қилди баланд овоз билан Санчо. – Наҳотки, бу жодугарлар ёруғ дунёда шунчалик кучга эга бўлса, соғлом ақлли хўжайинимни тентакка айлан-тириб қўйса-я. О сеньор, сеньор, худо ҳақи ақлингизни йиғиб олинг, ўз қадр-қимматингизни ўйланг, сизни ақлдан оздирган бу бемаъниликларга ишонманг!

– Сен, Санчо, бу гапларни менга яхшилик қилиш учун айтяпсан, – деди дон Кихот, – аммо сен сеҳргарликнинг нималигини билмайсан, шунинг учун ўзинг тушуниб етмаган нарсаларнинг мавжудлигига ишонмайсан.

Санчо Пансанинг беадаблиги ва хўжайиннинг сабр-тоқатлилиги талабани ҳайратда қолдирганди. Лекин у дон Кихотнинг бу мулойимлигига сабаб, гарчанд сеҳрланган бўлса-да, сеньора Дульсинея Тобосская билан учрашуви шодиёнаси бўлса керак, деб ўйлади. Унинг ўзи эса, бизнинг тентак рицаримиз ҳикоя қилган нарсаларнинг ҳаммасига чиндан ишонди.

– Мен ўйлайманки, сеньор дон Кихот, – мурожаат қилди рицарга, – саёҳатим жуда муваффақиятли, кўнгилдагидек бўлди. Биринчидан, сиздек муҳтарам жаноб билан танишдим. Иккинчидан, Монтесинос горининг сирини, Гвадиананинг ва Руидера бўғозининг тарихини билдим, буларнинг ҳаммаси менинг испан Овидиямга керак бўлади. Учунчидан, ўйин қарталари Буюк Карл замонида ҳам мавжуд эканини аниқладим, чунки буни

Дурандарте эслатиб ўтибди. Бу кашфиётни мен ўзимнинг янги китобим «Полидорга қўшимча»га киритаман.

– Марҳаматли жаноблари тўғри айтадилар, – деди дон Кихот. – Мен сизга яна жуда кўп қизиқ ва фойдали маълумотларни айтиб берардим. Лекин бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз, ҳозир эса қаерда тунаш ҳақида бош қотириш керак.

– Бу ердан сал нарироқда бир дарвеш яшайди, – жавоб берди талаба. – Айтишларига қараганда, у олижаноб ва раҳмдил одам эмиш. Унинг бизга тунагани жой беришига шубҳам йўқ, бир стакан яхшигина вино ҳам топилиши мумкин.

Вино ҳақидаги гапни эшитиши биланоқ Санчо ҳамроҳларини тезроқ йўлга тушишга шошилтира бошлади. Дон Кихот ўз Росинантига, Санчо талаба билан эса эшакка миниб, шошилиб йўлга тушдилар.

### ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ

#### **ҚЎФИРЧОҚ ТЕАТРИ БИЛАН БЎЛГАН АЛОМАТ ҲАНГОМАЛАР ТАВСИФИ, ШУНИНГДЕК, «КАРОМАТ» ҚИЛУВЧИ МАЙМУННИНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР КАРОМАТЛАРИ**

Йўловчиларимиз қатнов йўлга чиқишганда, қаршидан устига найза ва алебада юкланган хачирни жадал ҳайдаб келаётган бир кишини кўрдилар. Йўловчи буларга яқинлашгач, таъзим қилиб, индамай ўтиб кетди.

Лекин дон Кихот унга қараб:

– Ҳой, яхши одам, тўхтанг. Менимча, сиз хачирингиз истаганидан кўра илдамроқ кетяпсиз, – деди.

– Жуда шошилиб турибман, сеньор, – жавоб берди у. – Кўриб турибсизки, қурол олиб кетаётиман. Булар эртагаёқ керак бўлади, шунинг учун йўлда тўхтамайман, хайр! Аммо сиз буларни нима мақсадда олиб кетаётганим билан қизиқсангиз, эсингиздан чиқарманг, мен бугун бу ердан унчалик олисда бўлмаган меҳмонхо-

нада тунайман. Агар сиз ҳам ўша томонга борсангиз, учрашиб қолармиз, ўшанда сизга мўъжизавий ажойиботларни сўзлаб бераман, ҳозирча яна бир марта хайр!

У ўз хачирини шундай жадал ҳайдаб кетдики, ҳатто дон Кихот унинг қандай ажойиботлар ҳақида сўзлаб бермоқчи бўлганини сўрашга ҳам улгуролмади. Рицаримиз ҳамиша қандайдир бир янгиликни билиш иштиғи билан яшагани учун талаба таклиф этган дарвешникига бормай, кечани меҳмонхонада ўтказишга қарор қилди.

Улар шундай қилишди: орқага қайтиб, меҳмонхонага қараб кетдилар.

Йўлда улар бир ёш йигитга етиб олдилар. У қадди-қомати келишган, хушчақчақ ва кўринишдан ўн саккиз ёшлар чамасидаги чаққонгина йигит эди. Унинг елкасида шамшир бўлиб, унга кичик бир тугунчани осиб олган, эгнида бахмал камзул бўлиб, кўйлаги ташланган эди. Афтидан бошқа кийимини ўша тугунчага тугиб олганди. Оёқларида шаҳарча модадаги ипак пайпоқ, тўртбурчакли кавуш. Йигит ўзини овунтириш мақсадида алақайси бир ашулани хиргойи қилиб борар эди. Йўловчиларимиз унинг ёнига етиб борганларида у мана бу бандни айтиб тугаллаётганди:

*«Жангга ҳайдар мени муҳтожлик – беор,  
Агар пул топсайдим, бормасдим зинҳор».*

– Кечирасиз, ёш сеньор, қаёқда кетяптилар? Саёҳатга жуда юкингизни енгил қилиб чиқибсиз? – деди дон Кихот.

– Саёҳатга чиқишнинг боиси камбағаллик ва ҳавонинг иссиқлигидан. Жангга кетяпман.

– Иссиқлигидан бўлиши мумкин, буни тушунаман, – деди дон Кихот, – лекин камбағалликдан деганингизга ҳайронман?!

– Сеньор, – жавоб берди йигит, – камзулимнинг жуфти – бахмал чолворим мана бу тугунчада. Агар мен уларни йўлда кийсам, шаҳарда кийимсиз қола-

ман, янгисини олишга эса пулим йўқ, шунинг учун ҳам мана шундай салтгина кетяпман. Бу ердан ўн икки мил нарида жойлашган пиёдалар полки қароргоҳига бораман. У ерда аскарликка ёзиламан, сўнгра бошлиқлар бизни кемага ўтказадиган портгача етказиб қўйишар. Айтишларича, Картахенга олиб боришаркан. Мен қандайдир бир қашшоқ сарой амалдорига хизмат қилишдан кўра, урушда қиролга хизмат қилишни афзал деб биламан.

– Эҳтимол, муҳтарам жаноблари, охирги иш жойларини тарк этиш олдидан бирорта мукофот олган бўлсалар керак? – сўради талаба.

– Агар мен испан трандига ёки бирор аслзода амалдорга хизмат қилганимда эди, – жавоб берди йигит, – эҳтимол, бундай мукофотни олардим, мартабаси баланд кишиларникида хизмат қилиш катта афзалликларга эга: бирданига поручик, капитан бўлиш ёки яхшигина мукофот олиш мумкин. Мендек бахтиқаро, ўзлари бирор яхшироқ ишга жойлашиш илинжида юрган, оладиган маошларининг ярми крахмалли ёқаларига сарф бўладиган кишилар даргоҳида хизмат қилишга тўғри келди. Мендек бир дайди маҳрамнинг омади келиб, кичкинагина бахтга эришса, бир мўъжиза бўларди.

– Айтинг-чи, дўстим, – сўради дон Кихот, – наҳотки сиз бутун хизматингиз давомида хўжайинларингиздан биронта ҳам ливрея\* орттирмаган бўлсангиз?

– Икки ливреям бор эди, – жавоб берди маҳрам, – лекин, роҳибнинг шогирди монастирдан кетмоқчи бўлса, ундан жуббасини ечиб олиб, эски либосларини қайтариб берадилар. Менинг хўжайинларим ҳам худди шундай қилдилар: кетишим олдидан ливреяларимни олиб қўйдилар.

– Бу ҳақиқий хасислик. Лекин, модомики, сиз пойтахтни тарк этиб, ўзингизни ҳарбий ихтисосга бағишлаганга қарор қилган экансиз, энди ўзингизни бахтли деб билсангиз керак. Бизнинг қонуний пушти паноҳимиз – қиролга хизмат қилишдан, айниқса, аскар бўлиб

\*Ливрея – хизматкорларга бериладиган ёқали махсус кийим.

хизмат қилишдан кўра дунёда шарафли ва фойдали иш йўқ. Агар биз ҳарбий хизматда унчалик кўп бойлик орттиролмасак ҳам, ҳар ҳолда, илм билан шуғуллангандан кўра катта шарафга муяссар бўламиз. Тўғри, олимларга нисбатан алақандай сезилмас устунликка эга. Ҳозир мен сизга айтиб бермоқчи бўлган нарсани яхши эслаб қолинг, чунки менинг сўзларим сизга фойда келтиради ва тасалли беради. Ҳамиша мен бахтсизликка учрайман, деган фикрни ўзингиздан йироқ тутинг. Бахтиқароликнинг энг ёмони – ўлим, аммо сизнинг ўлимингиз қаҳрамонона бўлса, сиз уни энг улуғ бахт деб ҳисоблашингиз лозим. Башарти сиз жанг майдонида омон қолсангиз, кексайиб, майиб бўлиб қолсангиз ҳам ҳеч нарса, ҳатто камбағаллик ҳам жасур солдатнинг шон-шарафини заррача камайтира олмайди. Дарвоқе, ҳукумат ҳозирданоқ майиб бўлган жангчиларга кексаликда осойишта яшашлари учун шароит яратиш чораларини кўрмоқда. Зероки, уларга худди негрларга қилинганидек муносабатда бўлиш ярамайди. Хўжайинлар негрларни қартайиб, ишга ярамай қолганда, озод этадилар, бошқача қилиб айтганда, уйларидан ҳайдаб чиқариб, очлик қаърига улоқтирадилар. Сизга айтмоқчи бўлган гапларим мана шу. Энди отимга мингашиб олинг, мен сизни карвонсаройга олиб бораман, у ерда бирга овқатланамиз, эртага эса яна олға қараб кетасиз. Худо сизга оқ йўл ато қилсин, чунки сизнинг оқилона қарорингиз Халлоқнинг марҳаматига сазовордир.

Маҳрам дон Кихотнинг отига мингашишга кўнмади, лекин карвонсаройда кечки овқатни тановул қилишга рози бўлди. Бу пайтда Санчо ўз-ўзича ғўлдирарди:

– Э худо, менинг хўжайинимга шафқат қил. Ахир, ҳозир шунчалик оқилона ва ажойиб фикрларни айтган шу одам қандай қилиб Монтесинос ғорида алақандай бемаъничиликларни кўрганлигини тасдиқлашга журъат этади! Хайр, охири бахайр бўлсин.

Улар карвонсаройга етиб қолганда, қош қорайиб қолган эди. Дон Кихот ўзининг доимий одатига кўра карвонсаройни қандайдир қаср деб ҳисобламай, оддий

меҳмонхона деб билганидан Санчо жуда хурсанд бўлиб кетди. Улар ичкарига киришлари биланоқ рицарь хўжайинидан қурол олиб кетаётган деҳқонни сўради. Хўжайин унинг отхонада хачирининг эгарини олаётганини айтди.

Дон Кихот мўъжизавий ажойиботлар ҳақидаги ҳикояни тезроқ эшитишга ошиққанидан отхонага бормоқчи бўлди. Аммо бу ерда яна бир келгиндининг пайдо бўлиши уни йўлдан тўхтатди. Узун бўйли, озгингина бу одам туя жунидан тўқилган матодан костюм кийиб олган эди. Унинг чап кўзи ва ёноғининг ярмига кўк шойини малҳам билан ёпиштириб қўйилган бўлиб, кўрган киши юзининг бутун чап томони қандайдир касалга мубтало бўлган экан, деб ўйлар эди. У ўзини дадил ва сурбетларча тутар, шанғиллаб ва дағдаға қилиб гапирарди.

– Сеньор хўжайин, менга бирон жой-пой топилмайдими? – деб шанғиллади остонада туриб, – бир тўда улфатларим ҳам бор.

– Жин урсин! – хитоб қилди хўжайин. – Ахир бу сеньор маэсе\* Педро-ку! Хуш келибсиз, сеньор маэсе! Маймунчангиз ва театрингиз қани? Нега мен уларни кўрмайман.

– Улар ҳозир келиб қолишади, – жавоб берди кўзига кўк шойи ёпиштирилган киши, – сизникида тунаб қолиш мумкинми-йўқлигини билгани олдинроқ етиб келгандим.

– Мен сеньор маэсе Педрога тунашга жой бериш учун ҳатто герцог Альбага<sup>76</sup> ҳам рад жавобини берардим, – деди хўжайин. – Маймун ва театрингизни бу ёққа олиб келинг. Бугун меникида йўловчилар жуда кўп, улар қўғирчоқларингиз ва маймунингизнинг найрангбозликларини томоша қилиш учун пулни аяшмайди.

– Роса вақтида келибман-да, – жавоб берди кўзига шойи ёпиштирилган киши. – Мен томоша ҳақини камайтиришга ҳам розиман. Харажатларимни тўлашса

\*Маэсе – маэстро, устоз.

ҳам кифоя. Ҳозир бориб маймун ва театр юкланган аравагани олиб келаман.

У ана шу сўзларни айтиб, меҳмонхонадан чиқиб кетди. Шу заҳотиёқ дон Қихот маэсе Педронинг кимлиги ва унинг қандай театр ҳақида гапирганини сўради.

Ҳўжайин жавоб берди:

– Бу киши – қўғирчоқ театрнинг эгаси. У арагон ла-манчи бўйлаб кезиб юради ва баҳодир Гайфероснинг Мелисендрани<sup>77</sup> қандай қилиб халос этганлиги ҳақида томоша кўрсатади. Биз кўпдан бери бунчалик қизиқар-ли ва маҳорат билан ўйналган томошани кўрмаган эдик. У ўзи билан бир билимдон маймунни олиб юради. Бу маймуннинг мислсиз маҳоратига маймунларгина эмас, ҳатто одамлар ҳам қойил қолади. Ундан бирон нарса ҳақида сўраб кўринг-а! У сизни диққат билан тинглайди, сўнгра бир сакраб ҳўжайиннинг елкасига чиқиб олади-да, сизнинг саволларингизга бериладиган жавобларни унинг қулоғига шипшитади, маэсе Педро эса бу жавобни айтиб беради. Маймун келажакдан кўра, ўтмишдан анча хабардор, у ҳар вақт ҳам мўл-жалга уравермаса-да, ҳар ҳолда камдан-кам адашади. Биз унинг миясига иблис уя қуриб олган, деб ўйлаймиз. Агар маймун жавоб берса, тўғрироғи у қулоғига шип-шитгандан сўнг эгаси жавоб берса, сиз маэсе Педрога икки реал берасиз. Бу катта пул, албатта, Педро жуда бадавлат деган миш-мишлар ҳам бор; ҳар ҳолда, у шод-хуррам умр кечиради, бирйўла беш киши учун гапиради, беш киши ичадиганини ичади, буларнинг ҳаммаси маймуни ва театрнинг шарофати.

Шу пайт Педро аравача билан қайтиб келиб қолди: аравачада қўғирчоқ театри солинган яшик ётар ва кети худди намотга ўхшаган каттагина думсиз маймун ўтирар эди. Бун кўрган дон Қихот ўша заҳотиёқ:

– Қани айтинг-чи, муҳтарам башоратгўй сеньор, бизни келажакда нималар кутмоқда? Мана сизга икки реал, – деди.

Санчога уларни маэсе Педрога беришни буюрди, лекин маймунчанинг ўрнига эгаси жавоб берди:

– Сенъор, бу ҳайвон келажак ҳақидаги саволларга жавоб бермайди. У ўтмиш ва ҳозирги кун ҳақида баъзи бир нарсаларни билади.

– Жин урсин! – хитоб қилди Санчо. – Мен ўтмишим ҳақида фолбинлик қиладиганларга сариқ чақа ҳам бермайман. Ахир, бу ҳақда менинг ўзимдан бошқа ким яхшироқ билиши мумкин? Ўзим биладиган нарса учун пул тўлаш ашаддий тентаклик-ку. Лекин, агар сизнинг маймунингиз ҳозирги дамда содир бўлаётган воқеаларнинг ҳаммасини билса, мана икки реал, қани, маймун жаноби олийлари айтиб берсинлар-чи, менинг хотиним Тереса Панса шу тобда нима иш қиляпти?

Маэсе Педро пулни олмади ва шундай деди:

– Мен хизмат қилмасдан олдин мукофот олмайман.

Сўнгра у ўнг қўли билан чап елкасини икки марта урди: маймун бир сакраб хўжайинининг елкасига чиқди-да, тумшугини унинг қулоғига теккизиб туриб, тез-тез тишларини ғижирлата бошлади; бу иш қисқагина бир дуони ўқиш учун қанча вақт кетса, шунча фурсат давом этди. Сўнгра маймун сакраб ерга тушди, маэсе Педро эса дон Кихот олдида тиз чўкиб, унинг оёқларини қучоқлаганча деди:

– О, жаҳонгашта рицарликни қайта тиклаган, шон-шуҳратли рицарь, оёқларингизга бош уришга рухсат этинг. О, шуҳрати барча мақтовлардан устун турган ламанчлик дон Кихот, о, заифларнинг юпатувчиси, йиқилганларнинг таянчи, барча бахтсизларнинг қувончи ва суянчиги!

Дон Кихот донг қотиб, довираб қолди, талаба таажжубда, маҳрам ҳайратда қолди, хўжайин ўзини йўқотиб қўйди, ўша дақиқада хонага қайтиб келган, қурол олиб кетаётган деҳқон ажабланганидан оғзи очилиб қолди, хуллас, ҳалиги сўзни эшитган кишиларнинг ҳаммаси ҳаяжонга тушган, маэсе Педро эса сўзида давом этарди:

– Сен, Санчо Панса, дунёдаги энг яхши рицарнинг энг яхши яроқбардорисан, бу билан фахрлан! Сенинг ажойиб хотининг Тереса соғ ва саломат. Шу тобда у зигир поясини толалаб эшяпти. Янада аниқ бўлсин



учун шуни ҳам қўшиб қўяйки, унинг чап томонида оғзи учган кўза, иш унумли бўлсин ва қувончли ўтсин учун унга анчагина вино қўйиб қўйилган.

– Бунга ишониш мумкин, – жавоб берди қўнгли бузилган Санчо, – хотиним жуда яхши, меҳнатсевар, винога келганда эса, бу хусусда у мендан қолишмайди.

– Энди мен ишонч билан айтишим мумкинки, – унинг сўзини бўлди дон Кихот, – кимки кўп саёҳат қилса, у шунчалик кўп нарсани кўради ва билади. Менга агар дунёда каромат қилувчи маймун бор десалар, асло ишонмасдим. Бу ажойиб ҳайвонча менинг ламанчлик дон Кихот эканимни айтиб берди. Тўғри, у мени ортиқча мақтаб юборди. Лекин мен, қандай бўлишимдан қатъи назар, ҳаммага яхшилик қиладиган, пашшага ҳам озор бермайдиган мулойим ва раҳмдил қалб берган худодан миннатдорман.

– Менинг пулим бўлганда эди, – деди маҳрам, – сеньор маймундан келажакдаги саёҳатларимда мени нималар кутаётганини сўрардим.

– Мен маймуннинг келажакни олдиндан айтиб бера олмаслигини айтгандим, бўлмаса, сеньор дон Кихотнинг ҳурмати учун сиздан пул ҳам сўраб ўтирмасдим. Мана энди мен ўз театримни ўрнаштириб, бу машҳур рицарь шарафига барчангиз учун бепул томоша кўрсатаман, – деди маэсе Педро.

Буни эшитган уй эгаси жуда хурсанд бўлиб кетди ва маэсе Педрога театрини ўрнатиш учун қулай жой кўрсатди.

Маэсе Педро театрни ўрнаштираётганда дон Кихот маймунни диққат билан кўздан кечирди, сўнгра Санчо ни бир чеккага тортиб, гапини ҳеч ким эшитмаслигига амин бўлгач, сўзлай кетди:

– Менга қара, Санчо, мен бу ажойиб маймунни диққат билан кўздан кечирдим, фикримча, бу маэсе Педро иблис билан яширинча шартнома тузган албатта. Иблис маймунга ўтмиш ва ҳозирни билиб олишда ёрдамлашади, эгаси эса бунинг орқасидан пул ишлайди. Аммо у бойиб

олгандан сўнг эса имонини шайтонга бахшида этишга тўғри келади, чунки инсоният душмани шунинг эвази-гагина одамларни қўллаб-қувватлайди. Тўғри, маймун ўтмиш ва ҳозирги пайтнигина каромат қила олади, холос. Лекин иблис ҳам бундан ортиқ нарсани билмайди. У келажак ҳақида тахмин қила олиши мумкин, бу ҳам камдан-кам бўлади, чунки вақт-соат биргина худонинг ўзига аён, холос. Маймуннинг иблис ёрдамида гапириши турган гап, мен бир нарсага ҳайронманки, қандай қилиб ҳозиргача муқаддас инквизицияга хабар қилинмаган, сўроқ қилиниб, қандай куч унинг башорат қилишга таъсир этиши аниқланмади экан?!

– Ҳар ҳолда, – эътироз билдирди Санчо, – марҳаматли жаноб, маэсе Педрога маймунидан Монтесинос гориди бошдан кечирган саргузаштларингизнинг бари ростлигини сўраб, аниқлаб беришини амр қилсангиз, соз бўларди. Чунки мен ҳамон, кўнглингизга олманг-у, буларнинг ҳаммаси ёлғон ва уйдирма, ҳеч бўлмаганда тушингизда кўргансиз, деб юрибман.

– Майли, – рози бўлди дон Кихот. – Менимча, бу гуноҳ ҳисобланса-да, сенинг маслаҳатингга кўнаман.

Бу орада маэсе Педро пайдо бўлиб, тайёргарликлар тугаганини айтиб, дон Кихотни томошага таклиф этди. Бироқ дон Кихот ундан Монтесинос гориди ўз бошидан кечирган саргузаштларнинг тўғри-нотўғрилигини сўраб беришни илтимос қилди. Маэсе Педро шу заҳотиёқ маймунни келтириб, дон Кихот ва Санчонинг олдига қўйди-да:

– Менга қаранг, сеньор маймунжон, бу рицарь Монтесинос деб аталган юртда содир бўлган воқеаларнинг чин ёки хаёлий нарсалигини билмоқчи, – деди.

Шундан сўнг у одатдаги ишорасини қилди, маймун эса сакраб унинг чап елкасига чиқиб олди-да, қулоғига алланарсани шипшигандай бўлди. Шундан сўнг маэсе Педро шундай деди:

– Маймуннинг айтишича, муҳтарам жаноблари горда кўрган ва бошларидан кечирганларининг баъзи

бирлари тўғри, баъзилари нотўғри экан. Унинг билгани – мана шу. Агар марҳаматли жаноблари батафсил жавоб олишни хоҳласалар, келгуси жумагача кутсинлар. Ўшанда у барча саволларга жавоб беради, ҳозир унинг каромат қилиш қобилияти тугаб қолди, унинг айтишича, бу куч унга жумадан олдин қайтиб келмас экан.

– Мен нима дегандим! – хитоб қилди Санчо. – Мен марҳаматли жанобларининг Монтесинос ғоридаги саргузаштлари ҳақидаги ҳикояларининг ярмига ҳам ишонмай тўғри қилган эканманми?

– Мен ҳақиқатни гапирганманми, ёлғонми, буни келажак кўрсатади, Санчо, – жавоб берди дон Кихот, – чунки сирлар қанчалик ер қаърида ётмасин, бари бир, вақт ўтиши билан улар ёруғ дунёга чиқади, қани, энди бу ҳақда гапни тўхтатайлик, бориб маэсе Педронинг ўйинини томоша қилайлик. Эҳтимол, унда биронта янгилик бордир.

– Биронта янгилик эмиш! – бақирди маэсе Педро. – Менинг театримда олтмиш минг янгилик бор. Сизни ишонтириб айтаманки, муҳтарам жаноблари, менинг театрим дунёдаги энг машҳур, энг ноёб томошалардан бири! Энди ишга киришайлик, вақт ҳам кеч бўлиб қолди, ҳали биз кўп нарсани кўрсатишимиз ва ҳикоя қилиб беришимиз лозим.

Дон Кихот ва Санчо унинг гапига кўниб, театр ўрна-тилган хонага қараб кетдилар. Чор-атрофда ёниб турган шамлар театрни ҳашаматли қилиб юборганди. Маэсе Педро қўғирчоқларни бошқарадиган бўлгани учун парда орқасига ўтиб кетди, сахна оддига калтакча ушлаган шогирд болани кўйиб қўйди. Бу бола сахнада пайдо бўлаётган шаклларни таёқча билан кўрсатиб, томошабинларга тушунтириб туриши керак эди.

Тўпланганларнинг ярми ўтиришди, қолганлари тик турардилар. Дон Кихот, Санчо, маҳрам ва талаба энг яхши жойга ўтириб олиб, томоша бошланишини сабр-сизлик билан кутардилар.

Қўққисдан сахна орқасида дўмбира, карнайларнинг овозлари, тўпларнинг гумбурлашлари эшитила бошла-

ди. Лекин бу шовқин-сурон тезда тиниб, бола баланд овоз билан сўзлай кетди:

– Сиз муҳтарам жанобларга ҳозир биз кўрсатадиган тарихий ҳақиқат француз хроникаларидан ва испан романсларидан сўзма-сўз олинган. Буни катталаргина эмас, ҳатто кичкинтой болалар ҳам билади. Унда сеньор дон Гайфероснинг Сансуэнье шаҳрида (ўша вақтларда Сарагосса шаҳри ана шундай аталган) Маврлар қўлида асирликда азоб чекиб ётган хотини Мелисендрани қандай қилиб озод қилганлиги ҳикоя қилинади. Сеньорлар, мана қаранглар, дон Гайфероснинг ўзи қўшиқларда куйлаганидек соққа ўйнаётир:

*Соққа ўйнар дон Гайферос,  
Мелисендра эсда йўқ.*

Мана, саҳнага бошида тож ва қўлида салтанат ҳассаси билан Мелисендранинг отаси император Буюк Карл чиқиб келмоқда. Куёви бекорчи ўйин билан машғуллигини, ҳеч нарсанинг гамини емай, парвойи фалак ўтирганини кўрган императорнинг жаҳди чиқди ва уни койиди. Диққат қилинлар-а, қанчалик шиддат билан Гайферосга ҳужум қилмоқда. Қаранглар, уни ҳассаси билан калтакламоқда. Баъзи муаллифларнинг айтишича, Карл куёвининг роса пўстагини қоққанмиш. Карл Гайферосдан қандай қилиб бўлмасин ўз хотинини озод этишни талаб қилмоқда. Акс ҳолда, кекса император унинг шармандасини чиқариб, обрўсини бир пул қилишини айтиб дўқ уряпти:

*Менинг гапим шу, энди ўйлаб кўр!*

Сўнгра, кўриб турибсизлар, император ҳаяжонланган дон Гайферосни қолдириб чиқиб кетяпти. Ана, дон Гайферос газабдан ўзини тутолмай қолди. У тахта ва соққаларни улоқтириб ташлаб, ҳозир қурол беришни сўради. У ўз амакиваччаси дон Роланддан қиличини вақтинча бериб туришини илтимос қилди. Дон Роланд

қилични беришга кўнмади, лекин биродарига ёрдам беражагини айтди. Аммо жаҳли чиққан дон Гайферос унинг ёрдамини рад этди, агар хотини ер қаърига қамаб қўйилган бўлса ҳам, уни қутқариб олишга қодир эканлигини уқтирди. Шундан сўнг Гайферос милтиқни олиб, дарҳол йўлга тушмоқчи бўлиб чиқиб кетди.

Энди, сеньорлар, узоқдан кўринаётган Сарагосса саройининг минораларига диққат қилинлар. Минора айвончасида мавританча кўйлак кийиб олган хотин турибди. Бу гўзалликда тенги йўқ Мелисендрадир. Париж ва ўз эрини соғиниб, Францияга олиб борадиган йўлга нигорон бўлиб турибди. Қасрнинг катта айвонида салобатли бир мавр ўтирибди. Бу гўзал Мелисендрани асир қилган маврлар қироли Марсилийдир.

– Мана энди, – давом эттирди бола ҳикоясини, – гасконча плаш кийиб олган, учқур от минган чавандоз пайдо бўлди. Бу – дон Гайферос. У минора олдига бориб тўхтади. Гўзал Мелисендра ўз эрини таниди ва унга романснинг сизларга таниш бандлари билан мурожаат этипти:

*Францияга тушса йўлинг,  
Гайферосдан хабар ол!*

Мен романсни бошдан-охиригача такрорлаб ўтирмайман. Одатда, эзмалик зериктириб қўяди. Қаранг, дон Гайферос плашини қандай усталик билан ҳаволатди. Мелисендра қувончли ишора билан уни таниганлигини билдирди. У ўйлаб ўтирмай, азиз ёстиқдошининг отига мингашиш учун пастга тушяпти. Э, воҳ, бу не кўргилик! Кўйлагининг этаги минора шийпончасининг темир панжарасига илиниб, осилиб қолди. Лекин ҳақ таолонинг ўзи кишини ўлим ёқасидан ҳам қутқариб қола олади: дон Гайферос қимматбаҳо кўйлаги йиртилиб кетади ҳам демай, уни даст кўтариб ерга туширди-да, орқасига миндириб, елкасидан маҳкам ушлаб олишни буюрди. У сеньора Мелисендра йиқилиб тушмасин деб қўрқяпти, чунки сеньора бундай от чопиш-

ларга кўникмаган-да. Қаранглар, от қандай қувонч билан кишнаяпти, у сағрисидаги сулув бекаси билан қандай ғурурланяпти? Улар отни буриб, шаҳардан чиқиб, қувонч ва шодликка тўлиб Франция томон елиб боришяпти. Оқ йўл сизларга, бахтли келин-куёвлар! Ўз ватанингизга эсон-омон етиб олинглар! Сизларга худо ҳамиша бахтли ва тотувлик билан яшашни ато қилсин! Мафусаил ёшини берсин!

Шу пайт маэсе Педро баланд овоз билан шундай деди:

– Жўнроқ қилиб гапир, хаёлингни бўлма: баланд-парвозлик ёмон одат.

Бола унга жавоб бермай сўзида давом этди.

– Аммо шундай бекорчи ялқовлар ҳам топиладики, улар доим ҳаммага кўз-қулоқ бўлишади. Улар Мелисендранинг қандай тушгани ва отга минганини кўриб, буни қирол Марсилийга етказдилар. Марсилий ўша заҳотиёқ бонг уришни амр қилди. Қаранг, бу қандай тезлик билан амалга ошмоқда: мана ҳамма мачитларда қўнғироқчалар чалиняпти, бутун шаҳарни қўнғироқ жаранги тутиб кетди.

– Ҳой бола! – деб бақирди дон Кихот. – Бу қип-қизил ёлғон-ку! Мачитларда қўнғироқ чалиняптимиш! Ахир маврлар қўнғироқ ўрнига ноғора ва бизнинг кларнетимизга ўхшайдиган сурнай чаладилар-ку!

Бу сўзларни эшитган маэсе Педро қўнғироқ чалишни бас қилиб, бундай деди:

– Сеньор дон Кихот, бунақанги майда-чуйда нарсаларга эътибор берманг ва тўғри-нотўғрилигини суриштирмай қўя қолинг. Бари бир сиз уни ўзингиз истаган тахлитда кўра олмайсиз. Бизда деярли ҳар куни ёлғон-яшиқ ва уйдирмалар билан тўла комедияларни намойиш қилишади. Шундай бўлса-да, бу томошалар катта муваффақият қозониб, кишиларда зўр қизиқиш уйғотаётир. Сўзингни давом эттиравер, бола! Қўявер, булар нима деса, деяверишсин! Майли, томошамда қуёш нурларидек беҳисоб уйдирмалар бўлса бўлаверсин. Бу ҳеч гап эмас. Мен кассамни тўлдирсам, бас!

– Ким билади, менимча сизнинг гапингиз тўғрига ўхшайди, – жавоб берди дон Кихот.

– Қаранглар, қандай ажойиб чавандозлар эр-хотинларни қувишмоқда. Карнайлар жарангламоқда, сурнайлар чийилламоқда, дўмбира ва ноғоралар гумбурламоқда. Улар етиб келиб, қочоқларни ушлаб, ўз отларининг думига боғлаб олиб кетишмаса деб қўрқяпман. Унда қандай даҳшатли кўргилик бўлади-я!

Дон Кихот қаршисида шунча маврни кўриб ва шовқин-суронни эшитиб, қочоқларга ёрдам беришга қарор қилди. У ўрнидан туриб бақирди:

– Мен шу ерда эканман, машҳур рицарь дон Гайферосни бунчалик хафа қилишларига йўл қўймайман! Тўхта, пасткаш қаланғи-қасанғилар! Уни таъқиб қила кўрма, йўқса, кунларингни кўрсатиб қўяман!

У гапдан амалий ишга ўтиб, қиличини яланғочлаганча бир сакраб сахна олдига бориб қолди ва ғазабдан қутулиб, шиддат билан кўғирчоқ маврларни қира бошлади. У кўғирчоқларни зарб билан йиқитар, калласини чопар, тилка-пора қиларди. У қулочкашлаб бир туширганди, оз бўлмаса маэсе Педронинг бошини сапчадек узиб юбораёзди. Хайриятки, у ғужанак бўлиб, чўнқайиб ўтириб олган эди. Маэсе Педро бақира бошлади:

– Марҳаматли жанобим сеньор дон Кихот, бас қилинг, тўхтанг! Эсингизни йиғинг! Ахир, сиз жонли маврларни эмас, менинг бор-йўқ бойлигим бўлган кўғирчоқларни қираётирсиз. Эй худо, шўрим қурсин! Сиз мени гадо қилдингиз!

Аммо дон Кихот ҳеч нарсани эшитмас ва тушунмасди ҳам. У икки кўллаб қулочкашлаб чопаверди. Бир дақиқада бутун театр ер билан яксон бўлди. Барча иплар кесилди, кўғирчоқлар парча-парча қилинди, қирол Марсилией оғир яраланди, император Буюк Карнинг боши тожи билан қоқ ўртасидан иккига ажраб кетди. Ҳамма томошабинлар доврираб қолдилар, маймун томга қочиб чиқиб кетди, талаба кўрқиб кетди, маҳрамнинг эхонаси чиқиб, ҳатто Санчо Пансанинг ҳам ўтакаси ёрилаёзди. (Бўрон тўхтагандан сўнг, у ўз

хўжайинининг ҳеч қачон бунчалик ваҳшиёна ғазабланганини кўрмаганини айтди.) Дон Кихот театрни тор-мор этгач, тинчланди ва шундай деди:

– Қани, энди шу тобда жаҳонгашта рицарнинг инсоният учун катта фойда келтиришига ишонмайдиган, ишонишни истамайдиган кишиларнинг ҳаммаси шу ерда бўлса! Бир ўйлаб кўринглар-а, агар мен иттифоқо шу ерда бўлмаганимда, машҳур дон Гайферос ва гўзал Мелисендраларнинг аҳволи не кечарди? Албатта, бу қора ниятли итваччалар уларни ушлаб азобларди ва хор қиларди. Бас, шундай экан, яшасин жаҳонгашта рицарлик!

– Майли, яшаса яшайверсин, – маэсе Педронинг мунгли овози эшитилди, – аммо менинг қазои муаллақим етди. Мен шундай бахтсизманки, қирол дон Родриго билан биргаликда:

*Кечагина ҳукмдор эдим,  
Бугун-чи, йўқ хатто бошпана, –*

дея оламан, холос. Бир дақиқагина муқаддам мен ўзимни қиролларнинг қироли деб ҳисоблардим, отхоналаримда юзаб отлар турарди, сандиқлар кийим-кечакларга тўлиб-тошиб ётарди, энди эса мен хонавайрон қилиндим, камситилдим, камбағал ва қашшоқ бўлиб қолдим. Ҳаммадан маймуннинг қочиб кетгани ёмон бўлди: энди мен уни тутиб олгунимча, она сутим оғзимдан келади. Буларнинг ҳаммаси менинг вазифам – етим-есирларни ҳимоя қилиш, адолат ўрнатиш ва бошқа олижаноб ишларни амалга оширишдан иборат деб уқтириб юрган сеньор рицарнинг тентакона ғазабланишининг натижасидир. Унинг саховати бир менгагина насиб қилмади, холос. Лекин шунга ҳам арши аълода ўтирган худои таолога шукур қилишим керак. Афтидан Қайғулик Сиймо рицаримизнинг пешонасига кўғирчоқларим киёфасини йўқотиш битилган экан.

Маэсе Педронинг гаплари Санчо Пансанинг кўнглини бузиб юборди.



– Йиғлама, бунчалик куйинма, – деди у, – юрагимни эзма ортиқ. Менинг хўжайиним дон Кихот олиҳиммат ва виждонли киши. У сенга қанчалик зарар етказганини тушунгач, ортиғи билан тўлайди, албатта.

– Мен, сеньор дон Кихот ўзи синдирган қўғирчоқларнинг ярмининг товонини берса ҳам миннатдор бўлардим. Унда муҳтарам жаноблари виждон азобини чекмасдилар, чунки бировга зарар етказиб, уни тўламаган киши бу жазодан қочиб қутула олмайди.

– Бу гапларингизнинг ҳаммаси тўғри-ю, лекин мен бир нарсага тушунмаётирман, маэсе Педро, сиз қайси зарарлар ҳақида гапираётирсиз? – сўради дон Кихот.

– Қандай зарарлар тўғрисида дейсизми? – хитоб қилди маэсе Педро. – Бу бемаҳсул, қаттиқ ерда сочилиб ётган парчалар-чи! Уларни сизнинг қудратли қўлларингиз ер билан яксон этмай, ким қилди? Бу қўғирчоқлар меники бўлмай, кимники эди? Ахир мени ўшалар боқиб келарди-ку!

– Ҳа, энди тушундим, – деди дон Кихот, – мени таъқиб қилаётган жодугарлар аввал кўзимга ҳақиқий, жонли кишиларни кўрсатиб, кейин уларни ўзлари хоҳлаган шаклга айлантитарканлар. Сеньорлар, мен чин виждондан гапираётирман; бутун томоша менга жонли ҳақиқатдек туюлди: қўғирчоқ Мелисендра ҳақиқий Мелисендра бўлиб, дон Гайферос – дон Гайферос, Марсилиий – Марсилиий, Буюк Карл – Буюк Карл бўлиб кўринди. Мен жаҳонгашта рицарлик бурчини бажариш учун қочоқларни ҳимоя қилишга аҳд қилдим. Мана шу муқаддас мақсад йўлида ўзларингиз шоҳиди бўлган ишни қилдим. Агар нотўғри иш қилган бўлсам, унда мен эмас, балки мени таъқиб қилиб юрган ёвузлар гуноҳкор. Шунга қарамай, бу хатога ўзим гуноҳкор бўлмасам-да, етказилган зарарларни тўлашга тайёрман. Айтинг-чи, маэсе Педро, парчаланган қўғирчоқлар учун қанча сўрайсиз, мен ҳозирнинг ўзидаёқ кастиль тангалари билан тўлашга тайёрман.

Маэсе Педро таъзим қилиб деди:

– Мен барча камбағаллар ва оч-яланғоч дайдиларнинг ҳақиқий ҳомийси ламанчалик шонли дон Кихот-

нинг шундай қилишига ишонардим. Яксон қилинган қўғирчоқларимнинг қанча туришини сеньор хўжайин билан Санчолар баҳолай қолишсин.

Санчо билан хўжайин бу таклифни қабул қилишди. Шундан сўнг маэсе Педро боши олинган Сарагосса қироли Марсилиини қўлига олиб:

– Кўриб турибсизки, бу қиролни қайта тирилтириб бўлмайди. Шунинг учун, агар сизлар эътироз билдирмасангизлар, унинг ўлдирилиши, жон бериши ва нобуд қилинганлиги учун ярим реал берилишини сўрардим, – деди.

– Давом этинг, – жавоб берди дон Кихот.

– Мана бу қоқ иккига бўлинган калла учун, – гапида давом этди маэсе Педро нимталанган император Буюк Карлни қўлига олиб, – инсоф билан бешу чорак реал сўрасам бўлади.

– Бу унчалик арзон эмас, – эътироз билдирди Санчо.

– Ҳар ҳолда қиммат ҳам эмас, – деди хўжайин, – менимча, сиз ҳам қуймасин, кабоб ҳам – беш реал берилса бўлади.

– Унга бешу чорак реал бераверинглар, – гапга ара-лашди дон Кихот, – чорак реал кам бўлди нима-ю, ор-тиқ бўлди нима, бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Фақат тезроқ тугатинг, маэсе Педро, кечки овқатнинг ҳам вақти бўлиб қолди, қорним жизиллаб кетяпти.

– Мана бу қўғирчоқнинг бурни кесилиб, кўзи чиқа-рилган, – давом этди маэсе Педро. – Бу – гўзал Мели-сендра, унинг учун инсоф билан икки реалу ўн икки мараведис сўрайман.

– Оббо, жин урсин мени, – хитоб қилди дон Кихот, – менимча, ҳозир Мелисендра ўз жуфти ҳалоли билан Франция чегарасидан ўтди, чунки улар остидаги от йўртиб эмас, гўё учиб борарди. Шунинг учун илтимос, мушукни қуён деб сотманг ва бу бурунсиз қўғирчоқни Мелисендра деб ишонтиришга ҳаракат қилманг мени. Ҳақиқий Мелисендра ҳозир Францияда ўз эри билан бахтиёрлик айшини суряпти. Ҳар ким хизматига яраша

олади, сеньор маэсе Педро, шунинг учун ҳамма ҳам тўғри юриши ва соғлом фикр юритиши зарур.

Дон Кихотнинг яна тўнини тескари кийиб олганини кўрган маэсе қўрқиб кетди ва ҳеч вақо ололмай қуруқ қолмайин деб, шоша-пиша гапира кетди:

– Мен чиндан ҳам янглишибман, бу Мелисендра эмас, унинг хизматкорларидан бири. Бунга олтмиш мараведис бера қолинг, мен розиман.

Шундай қилиб, у бирин-кетин барча синган қўғир-чоқларини баҳолаб чиқди. У гапини тугатгач, Санчо билан хўжайини унинг талабини бир оз қисқартирдилар, келтирилган зарарнинг жами чоракам қирқ реал бўлди. Санчо энди ҳамёнини чиқарай деб турганда, маэсе Педро маймунни тутиш учун яна икки реал беришни талаб қилди.

– Беравер, Санчо, – деди дон Кихот, – агар у маймунни тута олмаса ҳам, бир мириқиб ичсин. Башарти бирон кимса сеньора донья Мелисендра ўз эри дон Гайферос билан Францияда, ўз отоналари даврасида ўтирганлигини исботлай олса, ҳозироқ бажонидил икки юз реал берар эдим.

– Бу вазифани менинг маймунидан бошқа ҳеч ким бажара олмасди, – деди маэсе Педро. – Бахтга қарши, энди уни иблис ҳам ушлай олмайди.

Театрнинг фирибгар эгаси ана шу сўзларни айтarkan, Санчодан олган пулларни ҳам ёнга солди-да, биргаликда овқатланишга унамай, атрофдагиларга таъзим қилиб, ётоғига қараб кетди. Маэсе Педронинг дон Кихот ва Санчо Панса билан бундан буён суҳбатлашишдан қочаётганининг сабаби бор эди.

Китобхонлар Сиерра Морена дарасида дон Кихотнинг жасорати билан бошқа сургун қилинганлар қаторида Хинес де Пасамонтенинг ҳам озод этилганлигини эсласалар керак. Ана ўша Хинес адолат судига тушиб қолишдан қўрқиб, ўз қиёфасини турли тусга солишга ҳаракат қилди. Чап ёноғига кўк шойи ёпиштириб, турли саргузаштлардан сўнг Арагон қироллигига етиб олган эди.

Бу ерда у қўғирчоқ театрига эга бўлди, барбарий асирлигидан аллақандай насронийлардан маймун сотиб олиб, унга елкасига сакраб чиқиб, қулоғига нималарнидир шивирлашни ўргатди. У ўз театри ва маймуни билан қайси бир қишлоққа бормоқчи бўлса, аввал сўраб-суриштириб у ерда яшайдиган кишилар, уларнинг саргузаштларини аниқлаб оларди. Ҳамма гапни билиб олгач, у қишлоққа қараб жўнар, томоша кўрсатарди, кейин эса маймуннинг санъатини томоша қилишни таклиф этарди. У ҳар бир томоша олдидан маймуннинг ўтмиш ва ҳозир ҳақида каромат этажаги, лекин унинг ақли келажакни билишга етмаслигини уқтирарди. Ҳар бир саволга берилган жавоб учун икки реал ҳақ оларди. Пасамонте – маэсе Педро ўткир зеҳнли одам бўлиб, меров ва лақма кишиларни жуда усталик билан алдар, ичида улар устидан кулиб юрар эди. Энди китобхонга унинг дон Кихот ва Санчо Пансаларни осонгина танигани тушунарлидир. Лекин олижаноб рицарь ва унинг яроқбардори қанчалик соддадил бўлмасин, маэсе Педро уларни узоқ вақт алжиратиб туришдан қўрқарди. Шунинг учун у кечки овқатдан бош тортиб ўз хонасига ғойиб бўлди.

Маэсе Педронинг ғойиб бўлганидан хўжайин бир оз ранжиди, бошқалар эса вақтичоғлик билан кечки овқатга ўтиришди. Дон Кихот ҳаммага зиёфат берди, унинг саховатининг чегараси йўқ эди. Зиёфат охирида рицарь қурол олиб кетаётган деҳқоннинг мўъжизалар ҳақида ҳикоя этишга берган ваъдасини эслаб, ундан сўзлашни илтимос этди. Деҳқон бўлса, ортиқча ялинтириб ўтирмай, ўз саргузаштларини сўзлай бошладиким, бу келгуси бобда баён этилади.

## ИККИ ДЎСТНИНГ ЙЎҚОЛГАН ЭШАКНИ ИЗЛАШГАНИ

– Сизга маълум бўлгайки, муҳтарам жаноблари, – деб ҳикоя қила бошлади ҳикоячи, – бу ердан тўрт ярим мил йироқдаги бир қишлоқда рехидорнинг<sup>78</sup> эшаги йўқолиб қолди. Бу ҳол рехидорни чуқур қайғуга солди. У эшагини роса ахтарди, бироқ қанча ахтармасин жонивордан ном-нишон йўқ эмиш. Шу аҳволда икки ҳафта ўтиб кетди. Кунларнинг бирида рехидор майдондан ўтиб кетаётганида ўша қишлоқлик бошқа бир рехидор унинг орқасидан етиб келиб: «Суюнчига нима берасиз, оғайни? Эшагингиз топилди!» – дебди. «Жуда ажойиб суюнчи беришга ваъда қиламан, – дебди у, – фақат қаердан топилганини айтсангиз, бас». «Мен уни бугун эрталаб ўрмонда кўрдим, – дебди иккинчи рехидор, – у югансиз эди, шу қадар ориқлаб кетибдики, кўрган одамнинг раҳми келади. Мен уни олдингизга ҳайдаб келай дедим-у, лекин у шу қадар ёввойилашиб кетибди-ки, мени кўрибоқ шаталоқ, отиб қочиб кетди. Бутазорлар ичида кўздан йўқолди. Истасангиз бирга борамиз, бироқ олдин эшагимни отхонага боғлаб қўяй, ҳозир қайтаман». «Сиз мени кўп хурсанд қилдингиз, – дебди биринчиси, – сизга ҳам бу яхшилигингизни қайтараман». Хуллас, икки рехидор қўлни-қўлга бериб ўрмонга жўнашибди. Эрталаб иккинчи рехидор эшакни кўрган жойда ҳеч нарса кўринмабди, уларнинг қидиришлари натижасиз тугабди. Эшакнинг йўқолганига ишонч ҳосил қилган иккинчи рехидор оғайнисига мурожаат қилибди: «Менга қаранг, оғайни, қочоқ ўрмонда адашиб қолиш у ёқда турсин, ҳатто ер тубига кириб кетган бўлса ҳам, уни қўлга тушириш йўлини топдим. Мен эшакка ўхшаб жуда яхши ҳанграйман, агар бу иш сизнинг қўлингиздан ҳам оз-моз келса, ишимиз юришиб кетди деяверинг». «Оз-моз эмиш! Нималарни алжираяпсиз, оғайни, – дебди у. – Худо ҳақи, ҳанграшда

эшакнинг ўзини ҳам йўлда қолдириб кетаман». «Жуда соз, – дебди иккинчи рехидор, – энди шундай қилайлик: сиз ўрмон ичидан бу ёққа, мен эса мана бу ёққа кетаман. Шундай қилиб, бутун ўрмонни кезиб чиқамиз, вақти-вақти билан ҳанграб қўямиз. Эшак эса бизнинг ҳанграшимизни эшитиб, ажаб эмаски, ҳанграб жавоб қилса». Бунга эшагини йўқотган рехидор шундай жавоб қилибди: «Ажойиб фикр, оғайни, ақлингизга тасанно». Шу ерда улар ажралишибди. Бир оздан сўнг уларнинг иккови шундай қойиллатиб ҳанграшибдики, эшак топилди, ҳар бирига жавоб бераётгандай бўлиб туюлибди. Ҳар иккови алданганича бир-бирига қараб чопишибди. Улар дуч келишгач, биринчи рехидор: «Оғайни, наҳотки ҳанграган эшак меники эмас?» – дебди. «Йўқ, – дебди шериги, – ҳанграган мен эдим». «Эътироф қилиб айтаманки, – дебди биринчиси, – сиз билан эшакнинг ўртасида қилча ҳам фарқ йўқ экан. Умрим бино бўлиб бунчалик чиройли ҳанграшни эшитмаганман». «Сиз ҳам ана шундай мақтовга лойиқсиз, – дебди бу режани ўйлаб топган рехидор. – Яратганнинг номи билан онт ичиб айтаманки, энг моҳир эшакни ҳам ҳанграшда уялтириб қўяркансиз. Овозингиз шу қадар баландки, уни ўрнида баландлатиб, ўрнида пастлатяпсиз; хуллас, бу масалада ўзимни енгилган деб ҳисоблайман, нодир санъатингизга таҳсин ўқийман». «Биласизми, оғайни, – дебди биринчи рехидор, – эндиликда ўзим ҳақимда жуда яхши фикрдаман. Ўйлайманки, менда шундай истеъдод бор экан, қўлимдан ҳар нарса келади. Илгари ҳам дурустгина ҳанграй олишимни билардим, лекин шу кунгача бу санъатни етук даражада эгаллаганимни ҳеч ким айтмаганди».

Улар яна ажралишиб, ҳанграшга тушишибди, лекин бир-бирларини эшак гумон қилишиб, яна адашаверишибди. Ниҳоят, улар эшак эмас, балки ўзлари ҳанграётганликларини ажратиш учун кетма-кет икки мартадан ҳанграшга шартлашиб олишибди. Шундай қилиб, ҳамма ёқни бошларига кўтариб ҳанграшганича ўрмонни кезиб чиқишибди, лекин йўқолган эшакдан

ҳамон дарак йўқ эмиш. У ўзининг борлиги ҳақида жавоб ҳам беролмас экан, негаки рехидорлар ўрмоннинг энг қалин жойидан унинг суяк-саёқларини топишибди. Бўрилар уни аллақачон чавақлаб кетишибди. Бунни кўрган эшакнинг эгаси: «Мен бўлсам нега жавоб бермаяпти деб ҳайрон бўлиб юрибман. Агар тирик бўлганида, бизнинг ҳанграшимизга албатта жавоб берарди, ҳар ҳолда у эшак-да. Ишқилиб, оғайни, вақтимиз беҳуда кетмади. Сизнинг қулоқни қоматга келтириб ҳанграшингизни эшитдим». «Қуллуқ, оғайни, – дебди униси, – аббат авжга яхши чиқади, лекин роҳиба ҳам, ундан қолишмайди». Улар тарвузи қўлтиғидан тушган, чарчаган, томоқлари қирилган ҳолда қишлоққа қайтиб келишибди ва бўлган воқеаларни дўстларига, таниш-билишларига айтиб беришибди; ҳар қайсиси оғайнисининг эшакка ўхшаб бошлаб ҳанграганини шавқ-завқ билан ҳикоя қилибди. Бу ҳақдаги хабар бутун вилоятга тарқалибди. Бунни эшитганларнинг ҳаммаси ичаклари узилгудай кулишибди, доимо сергак, ҳамиша душманлик уруғини сепиб юрувчи шайтон эса данақдай ҳамиртурушдан бир тоғора жанжал, иғво тайёрлабди. Эндиликда қўшни қишлоқдан бирорта одам ҳамқишлоқларимиздан бирор кишини кўриб қолса эшак бўлиб ҳанграй бошлабди. Бора-бора бу ҳазил чинакам кулфатга айланди: эшак бўлиб ҳанграш қишлоқдан-қишлоққа таралаверибди, теварак-атрофдаги қишлоқлардагилар бизнинг қишлоқликларни оқ одамлар орасидан негрни осонгина ажратгандай ажратиб оладиган бўлишибди. Қишлоғимиз масхараловчиларга қарши бир неча бор жангга отланди. Ҳозир ҳам ҳамқишлоқларим бизни доим таъқиб қилаётган қўшни қишлоқликларга қарши юриш қилишга ҳозирланмоқда. Жангга қуруқ бормаслик учун мени найза, ойболта олиб келишга юборишди. Сизларга айтадиганларим шу, холос. Бу фаройиб бўлиб туюлмаса, ғазабланманглар».

Саховатли деҳқон ўз ҳикоясини ана шундай тугаллади.

Дон Кихот ва унинг ёнидагилар деҳқоннинг ҳикоясини қизиқиш билан эшитдилар. Кўп ўтмай ҳамма бир-бирига хайрли тун талаб, дам олгани тарқади. Тун тинч ўтди. Деҳқон қурол-аслаҳа билан тонг отмасдан жўнади. Кун ёйилганда талаба билан маҳрам ўрнидан туришиб, дон Кихот билан хайрлашгани боришди. Талаба ўз қишлоғига қайтиши, маҳрам эса йўлда давом этиши керак эди, шу сабабли дон Кихот унга йўл харажати учун анчагина пул берди. Ўзининг очиққўллиги билан қўноқхона эгасини ҳам ҳайратга солди. Лекин у Санчо хўжайинининг буйруғи билан кечки овқат ва тунашгани учун кўпгина пул тўлаганида баттар севиниб кетди. Ана шу ишларни тугаллагач, дон Кихот ўз яроқбардори билан яна узоқ сафарга равона бўлди.

Қўноқхонадан чиққач, дон Кихот Эбро соҳили билан кетмоқчи бўлди, кейин Сарагосса томон отланишга чоғланди, чунки мусобақанинг бошланишига анча бор эди. Улар икки кунгача осойишта йўл юришди, ҳеч қандай саргузаштлар бўлмади. Учинчи куни дон Кихот аллақандай тепаликка кўтарилаётганда карнай, ноғораларнинг гулдуросини, пилта милтиқлардан отилган ўқ товушларини эшитди. Аввалига нарироқдан аскарлар отряди ўтаётгандай бўлиб туюлди. Лекин тепалик устига чиққач, пастда калта найзалар, ойболта ва пилта милтиқлар билан қуролланган оломон тўпланганини кўрди. Баъзиларнинг қўлларида пилта милтиқ, кўплари думалоқ қалқонлар кўтариб олишган. Пастга тушгач, байроқни, ундаги тамғани кўриб қолди. Унинг диққатини ҳангровчи эшак тасвирланган оқ шоҳи байроқ кўпроқ тортди. Эшакнинг атрофига шундай сўзлар ёзилган эди:

*Эшак бўлиб бемақсад  
Ҳангради икки аҳмоқ.*

Шу пайт дон Кихот улар ўзларига озор берганларга қарши жангга отланган ҳангровчиларнинг ҳамқишлоқлари эканлигини фаҳмлади. Бундай ҳодисаларга



аралашишга тоқати бўлмаган Санчонинг ранжишига қарамай, дон Кихот сипарини кўтариб, олижаноб ва жасур қиёфада эшак тасвири туширилган байроққа яқинлашди. Аскарбошилар бу одам ўз тарафдоримиз деб ўйлаб, унинг атрофини қуршашди. Улар дон Кихотга индамай ҳайрат билан тикилиб туришаверди. Дон Кихот ҳеч ким гапиришга журъат қилолмай индамай турганидан фойдаланиб, баланд овоз билан шундай гап бошлади:

– Саховатли сенъорлар, сизларга бир-икки оғиз гап айтмоқчиман ва ўтиниб илтимос қиламан: гапимни бўлманглар. Борди-ю гапларим сизга унча ёқмаса ишора қилиб қўйсаларинг бас, ўша заҳотиёқ оғзимга муҳр босиб, тилимни жиловлаб қўяман.

Ҳамма эътибор билан қулоқ солишга ваъда берди. Шундан сўнг дон Кихот гапида давом этди:

– Сенъорлар, мен – жаҳонгашта рицарман, касбим – ҳарбий машғулот, вазифам – ожизларга ҳомийлик қилиш, бахтсизларга ёрдам бериш. Бундан бир неча кун муқаддам бошингизга тушган кулфатдан ҳамда қўлга қурол олиб ўзларингизни хафа қилганлардан ўч олиш ниятингиз борлигидан хабар топдим. Сизларнинг ишингиз ҳақида жуда кўп, узоқ мулоҳаза юритдим, ниҳоят ўзларингизни ҳақоратланган деб ҳисоблашга ҳеч қандай асосларинг йўқ деган хулосага келдим, чунки якка бир киши ҳеч қачон бутун бир жамоани таҳқирлай олмайди. Обод мамлакатдаги ақлли кишилар фақат тўрт хил тақдирдагина қилич яланғочлаб ўз жонини, молу мулкини фидо қилиши мумкин: биринчидан, католик динимизни ҳимоя қилганда; иккинчидан, ўз ҳаётини муҳофаза қилганда, чунки илоҳий ҳамда азалий қонун амри ҳам шу; учинчидан, ўз номусини, оиласини, молу мулкини ҳимоя қилганда; тўртинчидан, ватанни ҳимоя қилганда. Албатта, бунга яна қўлга қурол олиб ҳимоя қилишга арзийдиган адолатли, оқилона нарсаларни ҳам қўшиш мумкин. Бироқ сира ранжита олмайдиган, арзимаган нарса, ҳазил, пичинг учун соғлом ақлдан маҳрум кишиларгина қуролланиши мумкин. Бунинг устига адолатсиз

ўч олишни излаш (адолатли ўч олиш умуман йўқ) душманларга яхшилик қилиш, бизни кўролмайдиганларни севишни талқин қилувчи муқаддас динимизга қарши бориш демакдир. Кўпларга ана шу тариқатга риоя қилиш қийинга ўхшаб кўринади, фақат бу кишилар худодан кўра бу дунё ишларини кўпроқ ўйлаганидан шундай бўлади.

– Жин урсин мени, – деди Санчо Панса ўзича, – хўжайиним қип-қизил художўйнинг ўзгинаси экан-ку. Иккита тухум бир-бирига қандай ўхшаса, у ҳам художўйга шунчалик ўхшайди.

Дон Кихот эса озгина нафасини ростлаб олди, ҳамма одамлар гапга жим қулоқ солиб турганларини кўриб сўзида давом этмоқчи бўлди. Лекин шу пайт ўз донолигини кўрсатишга ошиққан Санчо сабри чидамай хўжайинининг гапини бўлди.

– Хўжайиним ламанчлик дон Кихот, – деб гап бошлади у, – бир вақтлар Фамгин Қиёфа рицарь, ҳозир эса Арслонлар рицари деб аталган жуда ақлли идалго, у лотин тилини ҳар қандай бакалаврдан ҳам яхши билади. Бундан ташқари, у тажрибали жасур жангчи, яккама-якка жангнинг барча қонун-қоидаларини беш қўлдай билади. Шу сабабли унинг маслаҳатига кирганларнинг маъқул. Аҳмоқ одамлар эшак бўлиб ҳанграб гашларингга тегишса хафа бўлмасаларинг ҳам бўлади. Эсимда бор, ёшлигимда ҳеч ким сўрамаса ҳам, жуда қойил қилиб ҳангрардим. Буни эшитиб қишлоғимиздаги ҳамма эшаклар ҳанграб юборишарди. Бироқ бу ишим ҳурматли ота-онамга ўғил бўлиб қолишимга заррача бўлсин халақит бермасди, аксинча қишлоқнинг ҳамма ёшлари менинг санъатимга ҳавас қилишарди. Агар менинг бу гапимга қаноат ҳосил қилмоқчи бўлсаларинг, сабр қилиб қулоқ солинглар. Эшакка ўхшаб ҳанграшни ўрганиш сузишни ўрганишдай бир гап: кимки бу санъатни яхши эгаллаган бўлса, ҳеч қачон унутмайди.

Шу пайт у бурнини қўли билан беркитиб шундай ҳанградики, унинг акс садоси қўшни водийларгача

таралди. Лекин унинг бу қилиғи жуда қимматга тушди. Қандайдир бир деҳқон Санчо масхара қилиб ҳангради деб ўйлаб, таёғини кўтариб шундай туширдик, Санчо Панса ерга ўликдай гуппа қулади.

Дон Кихот яроқбардорига кўмаклашишга ташланди, лекин бир гала деҳқон бир зумда уларни ажратиб ташлади. Рицаримизнинг бошига тош ёмғири ёғилди, кўплаб пилта милтиқ ва ойболталар унга ўқталинди. Ҳазабга минган деҳқонларга бас келолмаслигини билган дон Кихот Росинантнинг бошини орқага буриб қочиб қолди. У бирорта дайди ўқ орқамга келиб тегмасин деб худога илтижо қилиб борарди. Лекин оломон унинг қочиб қолганидан қаноат ҳосил қилганди: орқадан ҳеч ким ўқ узмади. Деҳқонлар Санчога ҳам шафқат қилишди: у ўзига келиши биланоқ эшакнинг устига ортишиб, келган томонига ҳайдаб юборишди. Яроқбардорнинг эшакни ҳайдагани мадори йўқ эди, лекин у Росинантнинг изидан ўзи аста бормоқда эди. Бу орада дон Кихот анча масофага бориб, ҳеч ким орқасидан қувмаётганига ишонч ҳосил қилгач, Санчони кута бошлади. Деҳқонлар далада қоронғи тушгунча ўтиришди; душманларининг жанг қилишдан бош тортганларини кўриб, ўз кишлоқларига дабдаба билан кириб келишди. Агар улар қадимий юнонларнинг удумига амал қилинганда эди, ўша жойга ҳайкал ўрнатишарди.

Санчо эса эшагига аранг тармашганча, хўжайинининг олдига базўр етиб борди-ю, Росинантнинг оёғи тагига йиқилди. У қаттиқ калтакланганидан зўрға нафас оларди. Дон Кихот унинг жароҳатларини кўргани отидан тушди, лекин ҳеч қандай жароҳат нишонасини кўрмай, ғазаб билан қичқирди:

– Жуда бемаҳалда ҳанградилар-да, Санчо! Ўзини ослан одамнинг уйида арғимчидан гап очмаслик лозимлигини унутдингизми? Эшакчасига куйлашингизга таёқ жуда ҳам зўр жўр бўлди-да. Шунчалик осон қутулиб қолганингиз учун худога шукур қилинг, Санчо.

– Жавоб қайтаришга ҳолим йўқ, – деди Санчо, – чамамда оғзим билан эмас, орқам билан гапираётгандай-

ман. Тезроқ кетайлик. Энди эшак бўлиб ҳанграмайман, лекин жаҳонгашта рицарларнинг жанг майдонидан қочиб, саховатли яроқбардорларини душманнинг қўлига ташлаб кетишлари ҳақида индамай қололмайман.

– Чекиниш – қочиш эмас, – эътироз билдирди дон Кихот, – Санчо, шуни яхши билгинки, ақл ишлатмай қилинган жасоратни аҳмоқлик дейдилар, ақлсиз одамнинг қахрамонлигини мардликдан кўра омад деб билиш керак. Мен чекинганимни тан оламан, бироқ қочганим йўқ. Мен ўзини янада улуғ ишлар учун эҳтиётлаган ботирларнинг йўлини тутдим, холос.

Шундан сўнг Санчо дон Кихотнинг ёрдамида эшагига миниб олди, дон Кихотнинг ўзи Росинантга минди, улар яқинроқда кўриниб турган бугазор томон кетишди. Гоҳ-гоҳ Санчо «оҳ», «воҳ» деб инграб қўярди. Нега инграшини сўраб дон Кихот берган саволга Санчо умуртқаси чидаб бўлмайдиган даражада оғриётганини айтди.

– Хўш, – деди дон Кихот, – нега оғриётганини уқтириш унча қийин эмас; сени йўғонроқ таёқ билан уришди, агар таёқ ундан ҳам каттароқ бўлганида оғриқ ҳам зўрроқ бўларди.

– Худо сақласин! – хитоб қилди Санчо. – Муҳтарам жаноблари катта бир шубҳани ҳал қилдилар. Ҳайрон қоласан киши, ўзим ҳам таёқ тегиб ўтган жойим оғриётганига шубҳа қилмайман. Чиндан ҳам, сеньор хўжайин, танаси бошқа дард билмас экан. Мен кундан-кунга муҳтарам жаноблари билан дарбадарликда юришдан ҳеч қандай наф кўрмаслигимга кўпроқ ишонмоқдаман. Бугун мени таёқлашларига йўл қўйдингиз, эртага эса бошимга яна чойшабда умбалоқ ошиш ёки шунга ўхшаш балолар ўйини тушар. Бугун орқамни таёққа тутган бўлсам, эртага худо кўрсатмасин, кўзим хиралашиб қолар. Бас энди, муҳтарам жаноблари, мен ўйлайманки, хотиним, бола-чақаларим олдига қайтганим, уларни худо берган ризқи рўз билан боққаним маъқулроқ. Сиз муҳтарам жаноблари билан оч-наҳор қолиб, ташналик азобини тортиб қадам етмаган сўқмоқлар, одам боласи юрмайдиган йўлларда

тентирамаганим яхши. Уйқу ҳақида гапирмасам ҳам бўлади! Яроқбардор оғайни, озгина мизғиб олгингиз келмаяптими? Ўзингизга етти қарич ер ўлчаб олинг, кўпроқ керак бўлса яна етти қарич ола қолинг. Марҳамат, тортинманг. Кўнглингиз қанча тиласа, шунча жойни эгаллаб, ўрнашиб олинг. Кимки жаҳонгашта рицарликни ўйлаб чиқарган бўлса, айниқса, ким ўтган асрлардаги бефаҳм жаҳонгашта рицарларга яроқбардорлик қилишга розилик берган бўлса, оловда ёниб кули кўкка созурилсин. Ҳозиргилари ҳақида индамайман, чунки уларни жуда ҳурмат қиламан, сиз муҳтарам жаноблари ҳам шулар жумласига кирасиз, менга маълумки, ақлингиз зўр, шайтонга ҳам дарс бера оласиз.

– Гаров бойлашиб айтаманки, Санчо, – деди дон Кихот, – ҳозир сенинг гапингга халақит бермай турганимда ҳар қандай оғриқни ҳам унутдинг. Оғзингга келганини валдирайвер. Фақат ҳеч қаеринг оғримаса бўлгани, мен эса ҳар қандай кўполик қилсанг ҳам, бажонидил бардош бераман. Лекин уйга, бола-чақанг олдига қайтишни истасанг, худо урсин агар, йўлингни тўсмайман. Пулларим ўзингда: қишлоқдан учинчи сафарга чиққанзимизга неча кун бўлганини, хизматинг учун қанча пул тегишини ҳисобла-да, ўзингга ўзинг ҳақ тўла.

– Сиз яхши танийдиган, бакалавр Самсон Каррасконинг отаси Том Карраскода хизмат қилганимда, – деди Санчо, – еган овқатимдан ташқари ойига йигирма реал ишлардим. Лекин сиз муҳтарам жанобларидан қанча ҳақ сўрашга ҳайронман; шуни биламанки, деҳқоннинг батраги бўлишдан жаҳонгашта рицарнинг яроқбардори бўлиш анча оғир. Тўғри, деҳқоннинг қўлида кундузи ишлаб, кечқурунлари овқатланиб бўлиб, тўшакда ётардик, марҳаматли жанобларининг хизматларига ўтганимдан бери кўрпа-ёстик нималигини билмайман. Доим шамол-бўронларга бардош бериб, очиқ ҳавода, қуруқ ерда ётиб ухлайман; қаттиқ нон, қуруқ пишлоқ билан тамадди қилдим, йўлимизда учраган ариқлардан сув ичдим.

– Тан оламан, – деди дон Кихот, – Санчо, сен айтган гаплар ҳаммаси чин ҳақиқат. Фикрингча, Том Карраско

сенга тўлаган ҳаққа яна қанча қўшимча қилишим мумкин?

– Менимча, – жавоб қилди Санчо, – агар муҳтарам жаноблари ҳар ойга икки реалдан қўшиб берсалар етарли бўлади. Лекин бу фақат ойликнинг ўзи. Бундан ташқари муҳтарам жаноблари биронта орол губернаторлигини ҳам ваъда қилгансиз. Ана шунинг ўзига адолатли равишда яна олти реалдан қўшиш керак, ҳаммаси бўлиб ҳар ойга яхлит ўттиз реалдан тўғри келади.

– Жуда соз, – деди дон Кихот. – Биз қишлоқдан йигирма беш кун муқаддам йўлга чиққанмиз. Энди сендан қанча қарздорлигимни ҳисобла, Санчо, ҳамда ўз-ўзинга тўла.

– Эҳ, худо ярақагур! – деди Санчо. – Муҳтарам жаноблари ҳисоблашда қаттиқ адашяптилар. Ваъда қилинган орол учун тўловни ваъда берган кунингиздан то шу бугунгача бўлган даврни ҳисоблаб тўлаш лозим.

– Ваъда берганимдан буён қанча вақт ўтди? – сўради дон Кихот.

– Агар янглишмасам, – деди Санчо, – йигирма йил бўлди ёки икки-уч кун ортиқроқ ҳам.

Дон Кихот пешонасига шапиллатиб урди, қаҳ-қаҳ уриб кулганича шундай деди:

– Ахир сафарларимизнинг ҳаммаси икки ойдан ҳам ортгани йўқ. Санчо, сен бўлсанг оролни йигирма йил илгари ваъда қилгансиз, деб ўтирибсан! Энди билсам, сенга омонат топшириб қўйган пулларимнинг ҳаммасини ўзинга олмоқчисан. Агар шундай бўлса, дарров ол, худо омадингни берсин. Сенга ўхшаган ярамас яроқбардордан қутулсам, чўнтагимда сариқ чақа қолмаса ҳам хурсандман. Жаҳонгашта рицарлик томонидан ёзилган қонунни бузган ҳой яроқбардор, қани айт-чи, жаҳонгашта рицарга, ўз хўжайинига хизмат қилиб туриб, тўсатдан: «Менга қанақа ойлик белгилайсиз?» – деб талаб қилган яроқбардорни бирор ерда кўрган ё ўқиганинг борми? О қароқчи, қўрқоқ, расво махлуқ. Агар бирорта рицарлик романида сен айтган гапларни айтган ёки кўнглига келтирган бирорта яроқбардорни

учратган бўлсанг, ана шу сўзларни пешонамга ўйиб ёзишингга, яна бир неча тарсаки ҳам тортиб юборишингга рухсат бераман. Эшагингнинг жиловини торт-у, уйингга қайтиб кетавер. Энди мен билан бир қадам ҳам йўл юрмайсан. Тузимни оқлаганинг шуми! Сендақа одамга ваъда бериб юрибманми ҳали! Эҳ, ҳайвонга ўхшаган одам! Бу қандай бўлди? Хотинингнинг қаршилигига қарамай, сени сеньор қиламан деб қаттиқ аҳд-паймон этган бўлсам-у, сен мени ташлаб кетсанг? Бир вақтлар эшакни асал билан боқмайдилар деб ҳақ гапни айтган экансан. Ўзинг эшак эдинг, ҳозир ҳам эшаксан, умрингнинг охиригача ҳам эшақлигингча қоласан.

Дон Кихот Санчони сўкаётганда яроқбардор унга кўзини лўқ қилиб қараб турди. Ниҳоят, у шундай виждонан азобландики, кўзларида ёш йилтиради, у ожиз, хаста овоз билан гап бошлади:

– Сеньорим, тан бериб айтаман, менда дум йўқ, холос, бўлмасам чинакам эшакнинг ўзиман. Иста-сангиз, муҳтарам жаноблари, менга дум улаб қўйинг, шунда уни ўз жойига тушди, деб биламан ва муҳтарам жанобларига умримнинг охиригача эшақдай хизмат қиламан. Мени афв этинг, марҳаматли жанобим, мен аҳмоққа раҳмингиз келсин. Билимни камлигини эътиборга олинг, кўп гапирганим аламимдан эмас, ожизлигимдан; кимки гуноҳ қилиб қўйиб, уни ювиб юборса, худо уни кечиради.

– Санчо, мақолсиз гапирганингда ажабланган бўлардим. Майли, агар тузалишга ваъда бераётган бўлсанг, сени кечираман; лекин шуни билиб қўйки, олдиндан ўз манфаатинг учун бунчалик жон куйдирма. Жасур, сабрли бўл, гарчи ваъда қилинган нарса анча кечикиб кетаётган бўлса ҳам, бардам бўл, ноумид бўлма.

Санчо итоаткор бўламан, ҳар қандай кулфат юз берганда ҳам, бардам бўламан, деб жавоб қилди. Шундай қилиб, рицарь билан яроқбардор ярашишди ва яна йўлларига равона бўлишди. Кўп ўтмай улар серсоя бутазорга етиб боришди-да, қайрағоч ҳамда шамшод дарахтлари тагида дам олиш учун чўзилишди. Санчо

тунни зўр азобда ўтказди, тунги шабада унинг кўкарган жойларини зирқиратиб оғритарди. Дон Кихот эса одатдагидек ўз хаёлларига берилди. Лекин бора-бора уларнинг кўзлари юмилди ва иккови ҳам қаттиқ уйқуга кетишди.

### ҚИРҚ ТўРТИНЧИ БОБ

#### **СЕҲРЛАНГАН ҚАЙИҚДАГИ ҒАРОЙИБ САРГУЗАШТ**

Икки кундан сўнг дон Кихот билан Санчо Эбро дарёси соҳилига етиб келишди; рицаримиз дарёнинг кўз қамаштирувчи тўлқинларини ва бир текисда оқишини ҳузур қилиб томоша қилди. Бу роҳатбахш манзара унда кўпдан-кўп севги туйғуларини уйғотди; айниқса, Монтесинос ғорида кўрганлари кўз олдига яққол гавдаланди. Гарчи маэсе Педронинг маймуни унинг кўзига кўринган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқат эмаслигини айтган бўлса-да, у ҳанузгача буларни чин ҳақиқат деб ишонарди. Лекин Санчо унинг ҳикоялари бутунлай уйдирма эканлигини ҳадеб таъкидларди. Улар дарё соҳилида аста-секин юриб боришаётиб соҳилдаги дарахтга боғлаб қўйилган эшкаксиз, чоғроққина қайиққа кўзлари тушди. Яқин ўртада ҳеч кимса кўринмасди, уй ҳам йўқ эди, қайиқнинг эгаси ким бўлдийкин? Дон Кихот атрофга назар ташлади; атрофда ҳеч кимни кўрмагач, Росинантдан сакраб тушди-да, Санчога эшакдан тушиб, ҳар иккала ҳайвонни яқинроқдаги теракка боғлашни буюрди.

Ҳайрон бўлган Санчо рицардан бу буйруқнинг маъносини сўради, дон Кихот шундай жавоб қилди:

– Шуни билгинки, Санчо, қирғоққа сузиб келган бу қайиқ мени бирорта рицарга ёки бошига кулфат тушган бошқа бир аслзода хонимга ёрдам бериш учун шошилишга чақирмоқда. Рицарлик романида доим шундай бўлади: борди-ю, бирорта рицарга ҳалокат даф қилаётган бўлса, уни бошқа бир рицарь қутқариши керак, сеҳргарлар унга



ажойиб қайиқни юборади, қайиқ бир зумда ёрдам зарур бўлган жойда пайдо бўлади. Санчо, ана шунинг учун ҳам сен қайиқни кўриб турибсан: бу қайиқ менга юборилган, албатта; бу кундай равшан ҳақиқат, хуллас, ҳали кун ёруғ экан, эшак билан Росинантни дарахтга боғла, худо ҳамиша бизга ёр бўлади.

– Нима ҳам дердим, – деди Санчо, – муҳтарам жаноблари янги бир телбанамо ишни бошлаган бўлсалар, у кишининг буйруқларини бажаришдан ўзга иложим йўқ, бир мақолда, хўжанг амрига итоат қил-у, у билан бир дастурхонда ўтир, дейиларди, шу сабабли қуллуқ қилиб бош эгаман. Бироқ нима бўлса-да, виждонимни поклаш учун сизга маълум қиламанки, қайиқ менимча сеҳрланмаган. Буни қандайдир балиқчилар дарахтга шунчаки боғлаб қўйишган, ахир бу дарёда балиқ жуда кўп-да.

Шундай бўлса-да Санчо дон Кихотнинг буйруғини бажо келтирди. Эшагини сеҳргарларнинг ҳомийлигига ташлаб кетиш унга жуда малол келди.

– Мана, ишлар битди, – деди Санчо. – Энди нима қиламиз?

– Нима қиламиз дейсанми? – деди дон Кихот. – Чўқиниб олиб, қайиққа ўтирамиз-у, арқонни ечиб юборамиз.

Шундай деб у қайиққа сакраб чиқди, Санчо ҳам чиқиб олгунча кутиб турди-да, кейин арқонни ечиб юборди, қайиқ эса соҳилдан аста-секин узоқлаша бошлади. Дарёнинг ўртасига борганда Санчо юз бериши лозим бўлган ҳалокатни ўйлаб даҳшатдан қалтираб кетди. Лекин эшагининг ҳанграшини, Росинантнинг бойлоқ турган ерида депсинишини кўриб, аламига алам қўшилди. У дон Кихотга юзланиб, хитоб қилди:

– Бечора эшагим! У ташлаб кетганимизга ҳанграяпти. Росинантингиз бўлса тизгинни узиб орқамиздан чопишга ошиқяпти. О, азиз дўстларим, соғ-саломат қолинглар! О, агар худонинг иродаси билан сизларни ташлаб кетаётган бўлсак, бу – тентакликнинг ўзгинаси! О, тезроқ ёнларингга қайтсак эди!

Шу пайт у аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади, дон Кихотнинг эса жаҳли чиқиб, ғазаб билан бундай деди:

– Ҳой қўрқоқ махлуқ, нимадан қўрқяпсан? Ҳой латта юрак, нега йиғлаяпсан? Ким сени таъқиб қилиб, ким орқангдан қувапти, каламушюрак? Сенга нима кам, нимага муҳтожсан, ахир, мўл-кўлчиликда роҳат қил-япсан-ку! Сен яланг оёқ бўлиб тоғ-тошда кетяпсанми, худди ҳукмдор князь сингари ажойиб қайиқда бир текисда сузиб кетяпсан-ку, ахир? Тўлқинлар ҳадемай бизни очиқ денгизга олиб чиқади. Дарвоқе, биз аллақачон денгизда бўлсак керак, ахир, саккиз юз милча сузиб қўйдик-ку. Афсуски, ёнимда устурлобим йўқ, бўлмасам қанчалик улкан масофани босиб ўтганимизни аниқ айтиб берардим сенга. Эҳтимол, биз икки қутбдан баробар масофада ерни ажратиб турадиган минтақадан ўтган бўлсак керак.

– Роҳат-фароғат минтақасига қачон етамиз, – сўради Санчо, – унда қанча мил босиб ўтамиз?

– Кўп юрамиз, – деди дон Кихот, – чунки космографларнинг энг машҳури бўлган Птолемей<sup>79</sup> ҳисобига кўра сув ва ер сатҳи уч юз олтмиш градусга тенг, сен билан мен юқорида зикр қилинган чегарадан ўтарканмиз, роппа-роса ўша масофанинг ярмини босган бўламиз.

– Чакки эмассиз, – деб хитоб қилди Санчо, – аллақандай графми ё шунга ўхшаган бир муҳтарам зотнинг гапига амал қиляпсиз-а!

Дон Кихот Санчонинг космограф Птолемейнинг номи айти олмаганидан кулиб шундай деди:

– Менга қара, Санчо, қачонки бизнинг испанлар Кадиксдан Шимолий Ҳиндистон томон сузиб боришса, ер шарининг тенг иккига бўлинадиган чегарасини осонгина билиб олишади, ўшанда саёҳатчилардаги ҳамма битлар ўлади, уларни кема ичида ахтариб, пулга ҳам топа олмайсан, Санчо, у ёқ бу ёғингни қара-чи, агар ҳеч нарса тополмасанг, демак биз ўша чегарадан ўтиб кетган бўламиз.

– Бу нарсага ҳеч қачон ишонмайман, лекин буйруғингизни бажараман, – деди Санчо. – Мен тушунолмай қолдим, бу тажрибаларнинг нима кераги бор? Ахир, гуноҳкор кўзларим кўриб турибди, биз қирғоқдан

бир неча саржин узоқлашдик, холос. Ана, Росинант билан эшак ҳам турибди. Бир кўзингиз билан чама-лаб кўрсангиз, тошбақадай имиллаб кетаётганимизга ишонасиз-қўясиз.

– Санчо, сен мен айтган тажрибани бир қилиб кўр, бошқасини қўявер: бари бир сен колурия, параллеллар, бурж, қутблар, эклиптика деган нарсаларни билмайсан. Бўлмаса, биз қанча параллелни босиб ўтганимизни, қанча бурж белгиларини кўрганимизни, анчагина юлдузлар туркуми орқада қолиб кетганини аллақачонлар билган бўлардинг. Шунинг учун гап ташламай, ўзингда бор ё йўқлигини бир текшир. Ишончим комилки, сен оқ қоғоздан ҳам пок, мусаффосан.

Санчо астагина оёғини пайпаслай бошлади. Ниҳоят, у бошини кўтариб, ўз хўжайинига қаради ва шундай деди:

– Ё сизнинг тажрибангиз икки пулга арзимади, ё мухтарам жаноблари айтган жойга ҳали анча масофа бор.

– Қандай? – деб сўради дон Кихот. – Сен бирорта битни ушладингми?

– Битга эмас, анчагина ушладим, – деди Санчо.

Шу пайт у қўлига илашган нарсани силкиб ташлади, қўлини сувга чайқаб олди. Бу орада қайиқ дарёнинг ўртасида аста сузиб борарди, уни сирли куч ҳам, кўзга кўринмас сеҳргар ҳам эмас, балки текис ва силлиқ дарё оқими ҳаракатга келтирмоқда эди.

Шу пайт узоқдан тўғон билан бир неча тегирмон қораси кўринди. Бунга кўзи тушган дон Кихот қичқириб юборди:

– Кўряпсанми, дўстим, ана, қаршимизда азоб чекаётган рицарь, ўгирланган қиролича ёки малика сақланаётган шаҳар, қаср ё қалъа кўринмоқда, мен уларга ёрдам бериш учун юборилганман.

– Э жин урсин, қанақа шаҳар, қаср ё қалъа ҳақида гапиряпсиз, сенъорим? – деди Санчо. – Ахир, булар буғдой тортадиган сув тегирмонлари эканлигини наҳотки кўрмаётган бўлсангиз?

– Жим бўл, Санчо, – деди дон Кихот, – улар тегирмон бўлиб кўрингани билан аслида тегирмон

эмас, ахир сенга айтганман-ку, сеҳргарлик кучи ҳар қандай нарсани ҳам ўзгартириб кўрсатади деб. Мен бир нарсани чиндан ҳам иккинчи бир нарсага айланиб қолади демоқчи эмасман, улар бизнинг кўзимизга бошқача бўлиб кўринади. Барча орзумидларимнинг бирдан-бир паноҳи Дульсинеянинг бошқа одам қиёфасига кириб қолганини эслагин.

Бу орада оқим қайиқни ўз оғушига олиб, чирпирак қилиб оқизиш кета бошлади. Тегирмонда ишлаётган тегирмончилар қайиқнинг гирдобга тушиб қолганини, ҳадемай дабдала бўлишини билиб, саёҳатчиларимизни ўз вақтида ушлаб олиш учун тўғон бошига чиқишди ва қўлларига узун чангақлар олишди. Уларнинг ҳаммаси бошдан-оёқ унга беланганидан узоқдан ажиналарга ўхшаб кўринишарди. Улар саёҳатчиларга қичқирди:

– Ҳой, қаёққа кетяпсизлар? Жонларингдан тўйдиларингми? Тегирмон парраги тагида ўлгиларинг келдими?

– Хўш, сенга нима деб эдим, Санчо! – деди дон Кихот. – Мана, ниҳоят бутун кучимни, ботирлигимни кўрсатадиган жанг бўлади. Қара, йўлимизни қанчадан-қанча махлуқлар тўсиб, тиржайиб туришибди! Ҳозир, ҳаммангнинг таъзирингни бераман, ярамаслар!

Сўнгра у қайиқда типпа-тик турганича тегирмончиларга ўшқирди:

– Ёвуз, маккор махлуқлар, зиндонингизда азобланаётган кишини дарҳол озод қилинг. У эркакми ё хотинми, аслзодами ё оддий одамми – менга бари бир: мен азобланувчининг дарҳол озод қилинишини талаб қиламан. Мен ламанчлик дон Кихот, бошқача номим Арслонлар рицариман, мана шу саргузаштни хайрли ниҳоясига етказиш менга насиб қилган.

Ана шу сўзларни айтгач, қиличини қинидан суғуриб, ҳавода ўйната бошлади. Тегирмончилар эса бу алжишларнинг маъносига тушунмай, гирдоб билан тегирмон парраги тагига кириб кетаётган қайиқни чангақ билан ушлаб қолишга интилишди.

Санчо тиз чўкиб, халос этишини сўраб худога илтижо қила бошлади. Чиндан ҳам у қутулиб қолди,

ўша заҳоти тегирмончилар қайиқни чангаklar билан ушлаб, тўғон томонга тортишди. Бироқ турткининг зарби билан қайиқ ағдарилиб кетди, дон Кихот билан Санчо шалоп этиб сувга тушишди. Гарчи дон Кихот сузишни ўрдакдан яхши билса ҳам, қуроларининг вазминлигидан сувга фарқ бўлишига сал қолди. Санчо эса сузишни мутлақо билмасди. Агар тегирмончилар ўзларини сувга ташлаб, уларни қутқариб қолмаганлариди, рицарь билан яроқбардор шу ернинг ўзидаёқ ҳалок бўлишарди. Ўзини соҳилда кўрган Санчо яна тиз чўкиб, қўлини кўтариб, кўзларини осмонга тикканича худога узундан-узоқ илтижо қила бошлади ва дон Кихотнинг бемаъни қилмишларидан асрашни ёлвориб сўради.

Шу пайт қайиқнинг эгаси бўлмиш балиқчилар етиб келишди. Тегирмончилар дўстларимизни қутқаргунча оқим қайиқни тегирмон парраги тагига оқизиб кетди, натижада қайиқ пачақ-пачақ бўлди. Ҳазабдан ўзини йўқотган балиқчилар Санчога ташланишди ва унинг кийимларини ечиб ола бошлашди. Дон Кихотни ҳам ҳақорат қилишиб, ундан товон тўлашни талаб қилишди. Рицаримиз тегирмончилар ва балиқчиларга совуққонлик билан, агар улар қалъаларидаги асир ёки асирани бўшатиб юборишса, товонни бажонидил тўлашга тайёр эканлигини айтди.

– Қанақа қалъа-ю қанақа асирларни гапиряпсан, каллаварам? – деди тегирмончилардан бири. – Тегирмонда ун тортиш учун келган иккита деҳқон бор, холос.

– Бас! – деди дон Кихот ўз-ўзига. – Бу ёвузларни яхшилик қилишга ишонтириш фойдасиз. Бу тошга азон айтиш билан тенг нарса. Бу ерда фақат худо қўллаши мумкин, ўзим ҳеч нарса қилолмайман.

Сўнгра тегирмонга юзланиб шундай деди:

– Бу зиндонга қамалган дўстларим, ким бўлсангиз ҳам мени афв этинглар. Ўзингиз ва менинг бахтимга қарши сизларни бу ёвуз асирликдан қутқара олмайман. Бундай жасоратни кўрсатиш бошқа бир рицарга насиб қилса керак.

Кейин бир оз тинчлангач, балиқчилар билан гап-лашди, қайиқ учун элик реал берди. Санчо бу пулни тўнғилаб, афтини бужмайтириб аранг узатди.

– Агар сувда яна бир марта шунақа сайр қиладиган бўлсак, ҳамма пулларимиз сувга чўкади.

Балиқчилар билан тегирмончилар иккала ажойиб оғайнига ҳайрат билан боқишар, дон Кихотнинг нималар ҳақида гапираётганини тушунолмасдилар. Ниҳоят, буларнинг тентаклигига ишонч ҳосил қилиб, уларни ўз ҳолига қолдиришди-да, ҳар ким ўз жойига – баъзилар тегирмонга, баъзилар балиқчи кулбасига қайтишди. Дон Кихот билан Санчо бўлса ташлаб келган ақлсиз жониворларини қидириб кетишди. Китобхон кўриб турибдики, ҳар иккала дўстимиз ҳам ақллилик даъвосини қила олмасалар керак.

#### ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ

### ДОН КИХОТНИНГ ҒЎЗАЛ ОВЧИ АЁЛ БИЛАН УЧРАШГАНИ

Рицарь ва яроқбардор жуда маъюс ҳолда ўз йўрғалари ёнига келишди. Айниқса, Санчонинг таъби хира эди: балиқчиларга берилган пулга ниҳоятда ачинарди. Хўжайин киссасидан пул чиқариб оладиган бўлса, юраги нақ ҳиқилдоғига келарди, пулдан айрилгандан кўра кўзларини ўйиб бериш осонроқдай туюлар эди унга. Бир-бирларига бирон сўз қотмай иккала дўстимиз Росинант ва йўрғатойни ечишиб, машҳур дарё соҳилини тарк этишди. Дон Кихот ўз муҳаббати хаёлига, Санчо бўлса порлоқ келажаги ҳақидаги орзуга чўмиб кетди. Бироқ Санчога бу ширин орзулар, айниқса, шу пайтда бефойда, пучдек туюлар эди. Чунки Санчо гарчи анқовроқ бўлса ҳам, у ўз хўжайинининг ҳамма ёки деярли барча хатги-ҳаракатлари бошдан-оёқ тентакликдан иборат эканлигини яхши биларди. Шунинг учун унинг бошига дон Кихот билан хайр-маъзурни насия қилиб, ўз ҳақидан кечиб, уйга жўнаб қолиш фикри тобора

кўпроқ кела бошлади. Аммо воқеалар унинг ўйлаганидан бошқача бўлиб кетди.

Иккинчи куни кечга яқин дон Кихот ўрмон этагида бир гуруҳ овчиларни кўриб қолди. У яқинроқ борди, шунда уларнинг орқасидаги гўзал аёлга кўзи тушди. У аёл устига яшил ёпинчиқ тўшалган, эгарлари кумушдан жимжимадор безатилаган оппоқ от устида ўтирарди. Аёлнинг ўзи ҳам бошдан-оёқ яшилга бурканган эди, бунинг устига шундай кўркам ва гўзал эдики, гўё нафосат, назокат мужассамлангандек туюларди; унинг чап қўлида лочин бор эди. Дон Кихот бу аёлнинг мўътабар зот эканини ва бошқалар унинг хизматкорлигини англади. У Санчога шундай деди:

– Югур, бўтам Санчо, оқ от устида чап қўлига лочин қўндириб ўтирган ўша аёлга менинг Арслонлар рицари эканлигимни, унинг беқиёс гўзаллиги олдида эҳтиром билан таъзим этаётганимни айт. Агар муҳтарама хоним рухсат этсалар, қўлларини ўпиш ва зоти олийлари нимаики буюрсалар, бажо келтиришга қодир ҳолда ҳузурларига бораман. Лекин билиб қўй, Санчо, одоб сақлаб сўзла, гапингга бирор бемаъни мақол қўшишни хаёлингга келтира қўрма.

– Хўп масхарабозни топибсиз-да! – жавоб қилди Санчо. – Сиз буни кимга гапиряпсиз? Мўътабар ва ёши улур хонимлар ҳузурига биринчи бор бораётганим йўқ-ку!

– Мен сени фақат сеньора Дульсинея олдида юборганман, холос, – деди дон Кихот. – Назаримда менда хизмат қилаётганингдан бери бошқа ҳеч қандай топшириқ бермаган бўлсам керак.

– Буниси-ку тўғри-я, – жавоб қилди Санчо, – тўлаб турсанг бир меъёр, қанча бўлса қарз тайёр, тўкин уй – тўкин уй. Мен сизга айтмоқчи бўлганим: панд-насиҳатларга ортиқча эҳтиёжим йўқ, ҳамма нарсани яхши биламан ва бинобарин, ҳамма вақт беҳато иш тутаман.

– Бунга имоним комил, Санчо, – деди дон Кихот, – бора қолгин энди. Худонинг ўзи ёр бўлсин.

Санчо елдек учиб, гўзал аёл ёнига келди, йўрғасидан ирғиб тушиб таъзим қилди-да, деди:

– Гўзал сеньора, ҳув анави ерда Арслонлар рицари номли рицарь турибди. У менинг хўжайиним, мен эса унинг яроқбардориман, исмим – Санчо Панса. Яқингача Фамгин Қиёфа рицарь деб, ҳозир эса Арслонлар рицари деб аталган ана шу рицарь мени йўллаб, муҳтарама хонимнинг ҳузурларига боришимга ва орзуларини ўринлатишга рухсат этиш-этмасликларини билиб келгин дедилар. У кишининг орзулари, айтишларига қараганда ва менинг ҳам ўйлашимча, сиздек иффатли ва гўзал зотга содиқ хизмат қилишдир. Сизга хизмат қилиш у кишига насиб этгудек бўлса, мамнун бўласиз, зотан, менинг хўжайиним илтифотингизни юксак марҳамат, катта бахт деб ҳисоблайди.

– Садоқатли яроқбардор, зиммангиздаги вазифани бундай вазият тақозосига кўра бекам-кўст ижро этдингиз, – жавоб қилди аёл. – Ўрнингиздан туринг! Биз кўп нарсалар эшитган Фамгин Қиёфа буюк рицарь яроқбардорининг бундай тиз чўкиб туриши ярашмайди. Туринг дўстим, хўжайинингизга бориб айтингки, у киши айни вақтда келганлар, мен ва эрим герцог ҳурматли рицарни шу яқиндаги ёзги саройимизда қабул қилиш билан ўзимизни бахтиёр деб биламиз.

Санчо ўрнидан турди. У саховатли сеньоранинг чиройи, лутф-карамидан ҳайратда қолган эди. Аммо аёлнинг Фамгин Киёфа рицарь ҳақида кўп нарса эшитгани Санчони, айниқса, ажаблантирган эди. Тўғри, у идальгони Арслонлар рицари деб атамади, бу дон Киҳотнинг янги лақабни яқиндагина олганлигидандир.

Санчо Пансанинг суст турганини кўриб, герцог хоним ўз таклифини қайтарди:

– Борақолинг, иним Панса, хўжайинингизга айтингки, биз учун бундай жасоратли рицарнинг ташриф буюришларидан ортиқ дунёда шодлик бўлмас, мулки паноҳимизга хуш келсинлар.

Бу жозибали сўзларни эшитган Санчо хурсанд бўлиб хўжайини ёнига шошилди ва олиҳиммат сеньоранима деган бўлса, ҳаммасини унга етказди. Санчо



содда, самимий ибораларда хонимнинг гўзаллиги, мулойимлиги ва лутф-карамани кўкларга кўтариб мақтади. Дон Кихот қаддини ростлаб оёқларини узангига қўйди, сипарини тўғрилаб, Росинантнинг биқинига ниқтади ва сиполик билан герцогиня томон, унинг қўлларини ўпиш учун жўнади. Герцогиня бўлса эрини чақириб, дон Кихотнинг элчи йўллаганини айтиб берган эди. Улар майнабозлик, эрмак қилиш учун унинг ғалати қилиқлар, телбалик қилишига қўйиб беришмоқчи, токи меҳмон бўлиб турар экан, у нима деса маъқуллаб, унга жаҳонгашта рицарга хос муомала қилмоқчи, рицарь романларида тасвирланган барча маросимларга риоя қилишмоқчи бўлишди – улар рицарь романларини кўп ўқишар ва бундай китобларга ихлосманд эдилар.

Шу орада дон Кихот сипарини кўтариб, уларнинг яқинига келиб қолди ва шошилаётганини билдириб, Санчога узангиларни ушлаб туришга ишора қилди. Лекин Санчо танг ҳолда қолди: у эшагидан тушаркан, эгар-жабдуқларига ўралашиб, боши ерга осилганича қолди. Дон Кихот эса Санчо келиб узангини ушлаб турибди, деган хаёлда оёғини даст кўтарган эди, бўш тортилган эгар билан отдан ерга гупиллаб ағдарилиб тушди. Хижолатдан довдираб, жаҳл билан тупроққа беланиб типирчилар, оёқларини чиқаролмай ҳамон куймаланаётган бахтиқаро Санчони сўқар, лаънатлар эди. Герцог рицарь ва яроқбардорига тезда кўмаклашишни овчи йигитларга буюрди. Улар дон Кихотни кўтариб турғизишди, у герцогиня ва герцог қаршисида қуллуқ қилиб тиз чўкмоқчи бўлганида герцог бунга эътироз билдирди ва отидан ирғиб тушиб дон Кихотни кучоқлар экан, шундай деди:

– Фамгин Қиёфа рицарь сеньор, мулкимга муборак пойқадамингиз энди етганда бундай фалокатнинг содир бўлганидан ғоят афсусланаман. Лекин яроқбардорларнинг эҳтиётсизлиги кўпинча бундан баттароқ фалокатларни ҳам бошга солади.

– Сиз билан учрашувни муваффақиятсизлик, фалокат деб бўлмайди, шавкатли ҳоким, – жавоб қилди дон Кихот. – Сизни кўриш шарафига муяссар бўлишни билгудай бўлсам, жаҳаннам қаърига қулаганимда ҳам чиқиб келишга тайёрман, шавкатли ҳоким! Менинг яроқбардоримга тавқи лаънат бўлсин, найрангбозлик қилиб кўп валдирайди-ю, лекин қоринбоғни тарангроқ тортиб, эгарни маҳкамлаш қўлидан келмайди. Бироқ ҳечқиси йўқ: оёқда тураманми, чалқанча ётаманми, отлиқми ёки пиёдами – бари бир мен сизга бу ҳурматли рафиқангиз, гўзаллик ва беғубор лутф-иффат маликаси сеньора герцогиняга содиқ хизмат қилавераман.

– Ортиқча мақтаманг, сеньор ламанчлик дон Кихот. Биз сизнинг қаҳрамонликларингизнигина эмас, шунингдек, гўзал Дульсинея Тобосскаяга бўлган садоқатингиз ҳақида ҳам кўп эшитганмиз. Донья Дульсинея бўлган жойда бошқа гўзаллар ҳақида гап юритишнинг ҳожати йўқ.

Шу орада Санчо оёғини сиртмоқдан бўшатиб олиб, суҳбатдошларнинг ёнига келди. Дон Кихот герцогга ҳали жавоб қилишга улгурмасданоқ, унинг яроқбардори гапга тушиб кетди:

– Сеньора Дульсинея Тобосскаянинг гўзаллигини рад этиб бўлмайди. Бироқ кутилмаганда олдиндан суқсур чиқиб қолади. Ахир биз табиат деб билган нарсани баъзи одамлар лойдан идиш ясайдиган кулолга ўхшатишади, агар кулол лойдан чиройли бир идиш ясаган бўлса, у бундай идишдан иккитасини, учтасини ва юзтасини бемалол ясаши мумкин. Буни шунинг учун айтяпманки, худо ҳақи, сеньора герцогинянинг хўжайинининг хоними сеньора Дульсинея Тобосскаядан ҳеч қолишадиган жойи йўқ.

Дон Кихот герцогиняга мурожаат қилди:

– Рухсати карамингиз билан ахбори олиангизга маълум бўлсинки, бирорта ҳам жаҳонгашта рицарнинг меникидек бунақа вайсақи, аскияга муккасидан кетган яроқбардори бўлмаган. Агар сиздек мўътабар зотга ати-

ги бир неча кун хизмат этиш насиб бўлса, гапимнинг ростлигини биласиз.

Бунга герцогиня жавоб қилди:

– Агар барака топкур Санчо ҳазил-мутойибани яхши кўраркан, бунинг ҳеч ёмон томони йўқ. Аксинча, бу унинг нодон эмаслигини кўрсатади. Ўзингиз яхши билсангиз керак, муҳтарам сеньор дон Кихот, фаҳмсиз кишиларнинггина ҳазил-мутойибага майли бўлмайди, бинобарин, хушкўнгил Санчо ҳазил-аскияни яхши кўраркан, демак, у ақли расо одам.

– Бу маҳмадона одам, – илова қилди дон Кихот.

– Яна яхши, – сўзини илиб олди герцог, – кимки ҳазилкашлик қилмоқчи бўлса, у кўпроқ гапириши керак. Дарвоқе, гап-сўз билан вақт ўтказмайлик, илтимос қиламан, Фамгин қиёфа буюк рицарь, марҳамат қилинг...

– Жаноблари, яхшиси, Арслонлар рицари денг, – унинг гапини бўлди Санчо, – энди Фамгин Қиёфа йўқ, бизда фақат шерларгина бор.

Герцог сўзида давом этди:

– Ҳа, сеньор Арслонлар рицари, қалъамизга марҳамат қилсинлар. У ерда зоти олийларига муносиб марҳамат кўрсатишади.

Шу орада Санчо Росинантнинг эгарини қаттиқ тортиб тўғрилади. Дон Кихот отга минди, герцог чиройли отига сакраб чиқди-да, ҳаммалари қалъа томон кетишди. Яроқбардорнинг оқилона сўзлари беҳад ҳузур бағишлагани учун герцогиня Санчога ёнма-ён боришни буюрди. Санчо ортиқча ялентирмай, бирга боришга кўнди-да, толмас тилига эрк берди. Герцог ва герцогиня ўз қалъаларида машҳур жаҳонгашта рицарь ва унинг ажиб яроқбардорини қабул қилишни буюк бахт деб ҳисобладилар.

## ҚИРҚ ОЛТИНЧИ БОБ

### **ДОН КИХОТ ВА ЯРОҚБАРДОРНИ ГЕРЦОГ ҚАСРИДА ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛГАНЛАРИ**

Герцог дон Кихотни яроқбардори билан бирга ўз қасрига таклиф қилди-ю, рицарни тантана билан кутиб олиш учун зарур бўлган фармойишларни бергани олдинроқ от чоптириб кетди. Мана, ниҳоят, рицарь герцогиня билан қаср дарвозасига яқинлашар экан, ҳарир қизил шоҳидан башанг қилиб тикилган уқали кийим кийган икки малай ёки отбоқар пешвоз чиқди. Улар рицаримизни қўлтиғидан олиб Росинантдан туширишди-да, шундай дейишди:

– Жаноби олийлари, марҳамат қилиб сеньора герцогинянинг отдан тушишларига кўмаклашиб юборсалар.

Дон Кихот герцогиня томон ошиқди ва улар ўртасида ўзаро иззат-икром мусобақаси бошланди. Герцогиня машҳур рицарни овора қилишга ҳадди сифмаслигини айтди. Рицарь тавозе билан унга жилмайиб, сўзида туриб олди. Герцог шахсан ўзи герцогинянинг узангисини ушлаб туриб, бу баҳсга чек қўйди. Сўнгра улар кенг, ичкари ҳовлига киришди. Бу ерда икки гўзал қиз улар ёнига келиб, дон Кихотнинг елкасига ҳарир қизил мовутдан тикилган плаш ташлашди. Шу дақиқада ичкари ҳовлининг йўлагу пешайвонлари герцогнинг хизматкорлари билан тўлган эди, улар:

– Хуш келибсиз, жаҳонгашта рицарлар султони! – деб қичқаришарди.

Шу билан улар герцог ва унинг хотини ҳамда дон Кихотнинг устидан муаттар атирларни сепишарди. Бундай тантана билан кутиб олинишидан ғоят таъсирланган рицаримиз ўзининг қандайдир бир сохта рицарь эмас, балки ҳақиқий жаҳонгашта рицарь эканлигига бутунлай ишонди. Чунки, романларда тасвирланганидек, ўтган асрларда жаҳонгашта рицарларга қандай муомала қилишса, ҳозир ҳамманинг

у билан худди шундай муомалада бўлишаётганини кўриб туради.

Герцогинянинг мулойим гапларидан эриб кетган Санчо эса ундан сира ажралгиси келмас эди. У эшагини ташлаб, дон Кихот, герцог ва унинг хотинига эргашиб қасрга кирди; аммо ўзининг қадрдон эшагини ўз ҳолига ташлаб келгани ҳақидаги ўй унга бир зум тинчлик бермас эди. У герцог ва герцогиняни кутиб олувчилар орасида бир муҳтарама дуэньяга кўзи тушиб, унга яқинроқ бориб пичирлади:

– Сеньора Гонсалес, ёки жаноби олияларининг исмлари...

– Менинг исмим донья Родригес де Грихальба, – жавоб берди дуэнья, – қанақа ишингиз бор эди, иним?

Бунга Санчо шундай жавоб қилди:

– Менинг муҳтарама зотдан бир илтимосим бор эди. Қасрнинг ташқарисига чиқсангиз, менинг кулранг эшагимни кўрасиз. Зоти олиялари мендан илтифотларини аямасалар, эшагимни отхонага олиб кириб қўйишларини буюрсалар ёки ўзлари олиб кела қолсалар. Эшагим қурғур бир оз ҳурковучроқ, бечора ёлғиз қолишни асло ёқтирмайди.

– Агарда хўжайинингнинг ақли ҳам сеникига ўхшаса, – деб жавоб берди дуэнья, – роса меҳмонларга ёлчибмиз-ку! Иним, сизни бу ерга ким бошлаб келган бўлса, ўша билан бу ердан туёфингизни бир шиқиллатиб қолинг-чи, тўрт томонингиз қибла. Эшагингизга ўзингиз қарайверинг ва шуни билиб қўйингки, бу қасрдаги дуэньялар бундай ишларга ўргатилмаган.

– Бу қандоқ бўлди, – жавоб берди Санчо, – рицарь романларини яхши билувчи хўжайиним менга Британиядан келган сеньор Ланцелот ҳақида ҳикоя қилиб:

*Қарашади хонимлар унга,  
Тулпорига – канизлар, –*

деб ишонтирган эдилар-ку! Мен эшагимни сеньор Ланцелотнинг қирчанғисидан кам дея олмайман.

– Иним, – деди дуэнья, – агарда сиз масхарабоз бўсангиз, ҳазилингизни бозори қўтарадиган жойда айтасиз, шилқимларга тоқатим йўқ. Мендан олмурутдан бошқа нарса ололмайсиз.

– Бу ҳам чакки эмас, хоним, – деди Санчо, – олмурутлари ўзларига ўхшаш анча етилиб қолган бўлса керак дейман, ойимча?

– Эй, қуриб кетгур, беодоб аҳмоқ! – жаҳл билан қичқириб юборди дуэнья, – мен ёшманми, қариманми, Худого аён, менинг ёшим билан сен саримсоқхўр сассиқ муттаҳамнинг нима иши бор?!

У шундай қаттиқ қичқирдики, герцогиня қайрилиб қараб, дуэньяннинг жаҳддан кўзига қон тўлганини кўриб, нима гаплигини сўради.

– Мана бу муттаҳамни қаранг, – жавоб берди дуэнья, – дарвоза олдида қолдириб келган эшагини отхонага олиб кириб қўй дейди безбетларча. Яна қандайдир Ланцелотга алақандай хонимлар хизмат қилганмиш-у, унинг тулпорига канизлар ем беришган эмиш. Устига-устак мени кампир деб масхара қилди.

– Кейинги сўзини мен ҳам оғир ҳақорат деб билган бўлардим, – деди герцогиня. Сўнгра у Санчога юзланиб, илова қилди:

– Дўстим Санчо, шуни билиб қўйингки, донья Родригес ҳали жуда ёш. Сиз унинг бош кийимини кўриб адашган бўлишингиз мумкин, аммо бу кийимни ёши ўтиб қолганидан эмас, балки улуғ унвони туфайли кийиб юрибди.

– Ўлай агар, – қичқирди Санчо, – мен уни хафа қилмоқчи эмас эдим! Мен бу гапни ўз эшагимни жуда яхши кўргангидан оламда энг мулойим хонимга ишониб топширмоқчи бўлгандим, сеньора донья Родригес менга худди ана шундай зотга ўхшаб кўринди.

Бу баҳсни бошдан-оёқ эшитиб турган дон Кихот Санчога деди:

– Санчо, ҳозир бундай гапларнинг ўрнимикан?

– Сеньор, – жавоб берди Санчо, – киши қаерда бўлмасин, ўз эҳтиёжи ҳақида гапиради: эшагим эсимга

тушиб кетди-ю, шу ерда гапиравердим. Агар мен отхонада бўлганимда, эшагим тўғрисида бу ерда эмас, ўша ерда гапирган бўлардим.

Гапга герцог аралашди:

– Санчонинг гапи тўғри. Уни айблаб бўлмайди. Қўй, Санчо, ташвишланма: эшагингга хоҳлаганича ем берилади, унга худди ўзингга қилингандек муомала қилишади.

Дон Кихотдан бошқа ҳамма қизиқиб қолган бу англашилмовчиликни бартараф этиб, мезбонлар меҳмонлар билан биргаликда зинапоядан юқори кўтарилишди ва рицаримизни қимматбаҳо кимхоб-у зарбофлар ҳамда ипак гиламлар билан безатилган залга олиб киришди. Бу ерда уни олтита ёш хизматкор қиз кутиб олди. Улар ўз хўжайинларидан янги меҳмонни қандай кутиб олиш тўғрисида батафсил кўрсатма олишган эди. Дон Кихот кириши билан қизлар унинг эгнидан қурол-аслаҳаларини ечиб олишди. Тор иштон ва туя жунидан тўқилган камзулда қолган рицарь худди йўниланган таёқдай новча, қоқсуяк бўлиб кўринар, чаккалари бир-бирига шундай ёпишиб кетган эдики, гўё улар ичкари томондан бир-бирларини ўпишаётгандай эди. Дон Кихотнинг туриши шу қадар ичак узадиган эдики, қизлар ўзларини кулгидан тўхтатаман деб, нақ нафаслари қайтиб кетаёзди (хўжайинлари уларга кулиб юбормасликни қаттиқ тайинлаган эдилар).

Сўнгра дон Кихот ясан-тусанини битириш учун хузурига Санчони юборишларини ва икковларини холи қолдиришларини илтимос қилди. У ўзи учун герцогнинг буйруғи билан ҳозирлаб қўйилган чип-чиннидай юпқа кўйлакни кийиб олди-да, ўз яроқбардорини тергай кетди:

– Қани, менга айт-чи, янги чиққан масхарабоз ва кўҳна анқов, сен бундай муҳтарам ва ҳурматли дуэньяни ҳақорат қилишга қандай журъат этдинг? Наҳотки эшагингни эслашга бошқа вақт тополмасанг? Ёки сен бизни шунчалик дабдаба билан кутиб олган уй эгалари бизнинг ҳайвонларимизни қаровсиз ташлаб қўйдилар, деб ўйладингми? Худони ўртага солиб ёлвораман, Санчо, ўзингга

хушёрроқ бўл, қўполингингни ҳар ерда кўрсатаверма. Эй гуноҳкор банда, шуни эсингдан чиқармаки, одобли, ақлли хизматкорлар хўжайинини иззат-ҳурмат қилади. Тўраларнинг хосияти шундаки, улар худди ўзлари сингари муносиб кишиларнинг хизматларидан баҳраманд бўлишади. Наҳотки сен хомкалла тушунмасанг, уй эгалари сенинг сурбет ва бефаҳм масхарабоз эканлигингни кўриб, мен бечорани ҳам разил фирибгар деб ўйлашлари мумкин-ку, ахир! Йўқ, йўқ, дўстим Санчо, бундай қалтис ишдан, хатардан қоч, ҳамиша қоч! Маҳмадоналик қилиб бачканабозликка ўтдингми, бас, шу ондаёқ қоқилиб тушасан ва аянчли масхарабозга айланиб қоласан. Тилингга эҳтиёт бўл! Гапиришдан олдин ҳар бир сўзингни ўйлаб, мағзини чақиб кўр, шуни унутмаки, биз ниҳоят шундай жойга келиб тушдикки, бу ерда худонинг инояти ва менинг қудратли қўлларим ёрдамида шуҳратимизга шуҳрат, бойлигимизга бойлик қўшилажак.

Ўсал бўлиб қолган Санчо: «Бирор марта бўлса-да ўйламай, ноўрин сўз айтганимдан кўра, оғзимни тикиб қўяман ва тилимни тишлаб узиб ташлайман» – деб ваъда берди. У буйруқларини бажаришга ва ўз хўжайинини безовта қиладиган бирор сўз айтмасликка дон Кихотни зўр бериб ишонтирарди.

Дон Кихот кийинди, қиличи осилган тасмасини елкасидан ўтказиб, эгнига қизил мовутдан тиқилган плашини, бошига яшил шойи қалпоғини кийиб, катта залга чиқди. Бу ерда икки саф бўлиб тизилган қизлар қўл ювдиргани идишларда сув тутиб туришарди. Бу расм-русум ҳам узоқ тантаналар билан бажо келтирилди. Сўнгра эшик оғаси бошчилигида ўн икки маҳрам рицарни ошхонага олиб кетгани келишди. У ерда қаср эгалари кутиб туришарди, тўрт киши учун тузалган столда ноз-неъматлар тўла эди. Герцог ва герцогиня рицаримизни бўсағада кутиб олишди, уларнинг ёнида руҳоний ҳам турарди. Улар ўзаро минг бир такалуф билан саломлашишгач, стол томонга юришди. Герцог дон Кихотни тўрга ўтишга таклиф қилди, у қўнмай туриб олди, герцог яна қистади ва ниҳоят рицарь рози



бўлди. Руҳоний рўпарага, герцог билан герцогиня эса дон Кихотнинг ўнг ва чап томонига ўтиришди.

Бу дақиқада шу ерда ҳозир турган Санчо шундай муҳтарам зотларнинг ўз хўжайинига бунчалик иззат-икром кўрсатишаётганини кўриб, оғзи очилиб қолди. У дон Кихотни тўрға ўтказиш учун герцог қанчалик овора бўлганлигини кўраркан, шундай деди:

– Агар марҳаматли жаноблар рухсат этсалар, бир куни қишлоғимизда тўрда ўтириш хусусида бошланган жанжал нима билан тугаганлигини айтиб берардим.

Санчо сўзини энди тамомлаган ҳам эдики, дон Кихот Санчо тагин бирор бемаъни нарсани гапириб ўтирмасин, деб типирчилаб қолди. Санчо унга қараб, дарров буни фаҳмлади-ю, гапга тушди:

– Марҳаматли жанобим қуюшқондан чиқиб кетади деб ташвишланмасинлар, бўлар-бўлмас гапларни айтмайман. Мен, сиз марҳаматли жанобнинг оз ёки кўп, яхши ёки ёмон гапириш хусусида боягина берган маслаҳатларини унутганимча йўқ.

– Санчо, нима деганим эсимда йўқ, – жавоб қилди дон Кихот, – хоҳлаган нарсангни гапиравер, аммо гапни қисқароқ қил.

– Сизларга айтмоқчи бўлган нарсам – бўлган воқеа, айни ҳақиқат, – деди Санчо, – ахир, мен хўжайиним дон Кихотга маълум нарсани бошқача қилиб гапира олармидим.

– Санчо, менинг ҳақимда истаганингча сўзлайвер, – деди дон Кихот, – мен сенга халақит бермайман, лекин аввал ўйла, сўнгра сўйла, деганларидек, гапни жойига қараб гапир.

– Ҳа, мен у ёғини ҳам ўйладим, бош қотирдим, чумчуқдан кўрққан тариқ экмайди, мана ҳозир буни ўзларингиз амалда кўрасизлар.

– Жаноби олийларига шундай маслаҳат берардим, – деди дон Кихот, – бу лақмани бу ердан ҳайдаб юборсангизлар, акс ҳолда, у қаердаги бўлмағур гаплар билан бошни қотиради.

– Йўқ, йўқ, – эътироз билдирди герцогиня, – мен Санчони ўзимдан бир қадам ҳам нарига жилитмайман. Мен уни яхши кўраман ва унинг ақлли эканини биламан.

– Сиздек муҳтарам зотнинг менинг ҳақимда яхши гаплар айтганингиз учун, гарчи мен бу таърифга мушарраф бўлмаган бўлсам-да, ўла-ўлгунингизча бахтиёр яшашингизни худованди каримдан сўрайман. Мен сизларга шуни айтиб бермоқчиман: қишлоғимизда бир бадавлат ва аслзода идальго яшарди (Медина дель Кампо деган жойдан, Аламос уруғидан эди). У донья Менека де Киньнесга уйланган бўлиб, Менека эса Сант-Яго орденининг рицари Эррадурда чўкиб ўлган Алонс де Мариньоннинг қизи эди. Ана шунинг дастидан бундан кўп йил бурун қишлоғимизда катта жанжал бўлиб, унда айтишларига қараганда, менинг хўжайиним дон Кихот ҳам қатнашган, ўшанда темирчи Бальбастронинг саёқ ўғли Томасильо ярадор бўлган эди... Хўш, менинг марҳаматли хўжайиним, айтинг-чи, бу гаплар ёлғонми? Сиздан ўтиниб сўрайман, менинг гапларимнинг ростлигини айтинг, бу аслзода жаноблар мени вайсақи ёки ёлғончи деб ўйлашмасин.

– Хўш, ҳозирча сиз ёлғончи эмас, фақат вайсақига ўхшаб турибсиз, назаримда, – деди руҳоний, – қани кўрармиз, бу ёғи қандай бўларкин.

– Сен, Санчо, – жуда кўп гувоҳларнинг номларини тилга оляпсан, эҳтимол, гапларинг ростдир, – деди дон Кихот. – Ҳикоянгни давом эттир-у, лекин қисқароқ қил, чунки бошлашингга қараганда уни икки кунда ҳам тамомламайдиганга ўхшайсан.

– Йўқ, қисқартирмасин! – эътироз билдирди герцогиня. – Билганича айтиб бераверсин. Агар у ўз ҳикоясини олти кунда тугатолмаса ҳам, майли, бу олти кунни ҳаётимдаги энг бахтиёр кунлар деб ҳисоблайман.

– Шундай қилиб, сеньорлар, – яна ҳикоясини бошладди Санчо, – мен беш қўлдай биладиган ҳалиги идальго, чунки унинг уйи меникидан бир камон ўқи етгунчалик жойда, битта қашшоқ, аммо софдил деҳқонни уйга меҳмонга чақирибди.

– Тезроқ, биродар, – унинг сўзини бўлди руҳоний. – Бу аҳволда қиёмат қойимгача ҳам тугатолмайдиганга ўхшайсиз.

– Ярим йўлда, мабодо худо хоҳласа, ундан ҳам бурунроқ тугатаман. Шундай қилиб, сенъорлар, ҳалиги деҳқон уни меҳмонга чақирган идальгоникига келибди, ҳалиги идальго – жойи жаннатда бўлсин, илоё, – ахир, у ўлган-да, яна қандай ўлибди денг, худди фариштадай-а, фариштадай, менга шундай деб айтишди, ўлганини ўзим кўрганим йўқ, у пайтда Темблекеда пичан ўраётгандим...

– Бўтам, – хитоб қилди руҳоний, – Худо ҳақи, Темблекедан тезроқ қайтинг-у, ҳикоянгизни идальгони дафн қилмасдан илгарироқ тугата қолинг, бўлмаса, бизни ҳам дафн этадиганга ўхшайсиз!

– Шундай қилиб, – ҳикоясини давом эттирди Санчо, – улар дастурхонга ўтираётганларида, ҳозир ҳам худди тирикдай кўз ўнгимда туришибди...

Герцог билан герцогиня Санчонинг ҳикояси бу ёқда қолиб, сон-саноқсиз майда-чуйда гапларга чалғиётгани руҳонийнинг ғашига тегаётганини, дон Кихотнинг эса ғазабдан жиғибийрон бўлаётганини кўриб, ичларида ҳузур қилиб кулишарди.

– Шундай қилиб, ҳалиги денг, – давом этди Санчо, – улар ҳали айтганимдай дастурхонга ўтиришмоқчи бўлишди, аммо деҳқон идальгони, идальго эса деҳқонни тўрга ўтишга қистаган, у ўз уйида ўзи хўжайин эканлигини, меҳмон мезбоннинг измига кириши кераклигини айтган. Бироқ ўзини хушмуомала ва одобли деб ҳисоблаган деҳқон тўрга ўтишга сира кўнмаган. Ниҳоят, аччиғи чиққан идальго: «Ўтираверсанг-чи, каллаварам, мен қаерда ўтирмайин ўша ер уйнинг тўри-да, ахир», деб уни елкасидан босиб мажбуран ўтирғизган. Айтмоқчи бўлган гапим шу, холос, менимча, ҳозир бу гапим жуда ўринли бўлса керак.

Дон Кихот қизариб-бўзариб кетди, уй эгалари эса дон Кихот Санчонинг айёрлик билан қилган шамасини тушуниб, бутунлай жаҳли чиқмасин деб хавотирланиб, ўзларини кулгидан зўрға тийиб ўтиришарди.

Герцогиня дон Кихот учун ноқулай бўлган бу суҳбатни бошқа томонга буриб юбориш учун дон Кихотдан унинг сеньора Дульсинеядан хат-хабар олиб турганини, кейинги кунларда сеньора ҳузурига қўлаб дев ва сеҳргарларни совға қилиб юбордими-йўқми, шунини сўради: «Чунки, – деб илова қилди у, – сеньор рицарь уларнинг аллақанчасини енгган бўлсалар керак». Бу саволга дон Кихот шундай жавоб берди:

– Менинг бахтсизликларимнинг, сеньора, боши бор-у, асло ниҳояси кўринмайдиганга ўхшайди. Мен девларни енгдим, унинг измига қароқчилар ва ёвузларни юбордим, аммо улар маликамни излаб топиша олмабди, чунки у сеҳр билан хунук бир деҳқон аёлга айлангириб қўйилган.

– Биламидим-у, – унинг сўзини бўлди Санчо, – у менга дунёдаги энг кетворган гўзалдай бўлиб туюлганди. Ишқилиб, у шундай эпчилки, сакрашда дорбозлардан қолишмайди. Гапим рост, сеньора герцогиня, мен унинг эшакка бир сакрашда мушукдек сапчиб миниб олганини ўз кўзим билан кўрдим.

– Уни бошқа қиёфага киргандан кейин кўрдингизми, Санчо? – деб сўради герцог.

– Кўрганда қандай! – жавоб берди Санчо. – Ахир, мен биринчи бўлиб унинг сеҳрланганини билдим-да. У худди менинг марҳум отам сингари сеҳрлаб қўйилган.

Девлар, қароқчилар ва сеҳргарлик ҳақидаги бу суҳбатни эшитган руҳоний охири рўпарасида ламанчлик дон Кихот ўтирганини фаҳмлади. Герцог телба идаьгонинг буюк қаҳрамонликлари ҳақидаги яқинда пайдо бўлган китобдан шундай завқланар эдики, бу валломат жаҳонгашта рицарь ҳақидаги ўз ҳикоялари билан руҳонийни безорижон қилган эди. Руҳоний ўзининг гумони тўғри чиққанига ишонч ҳосил қилгач, у қаср хўжайинига жаҳл билан шундай деди:

– Марҳаматли сеньорим, бу олиҳиммат одамга қилган муомалангиз учун худо олдида жавоб берасиз. Сиз бу дон Кихот ёки, тўғрироғи, дон Овсарнинг телбалигини бекорга рағбатлантиряпсиз. Сиз ўз тентаклиги

ва телбаликларини давом эттириш учун унинг қўлига барча воситаларни бериб қўйяпсиз.

Руҳоний дон Кихотга мурожаат қилиб сўзида давом этди:

– Айтинг-чи, менга, эй тентак одам: жаҳонгашта рицарсиз, девларни енгиб, ёвузларни асир қилиб оласиз деган бемаъни гапларни ким қўйди миянгизга? Яхшиси, уйингизга қайтинг-да, хўжалигингизга тузукроқ қаранг, эҳтимол, таназулга юз тутган бўлса керак у. Икки жаҳон овораси бўлиб юриб, учраганга масхара бўлишни бас қилинг. Дунёда жаҳонгашта рицарлар бўлган ва улар ҳозир ҳам бор, деган гапни қаердан олдингиз? Испаниянинг қаерида девлар ёки Ламанчда сеҳргарлар бормиш? Сеҳрланган Дульсинея қаерда-ю, сиз кўпиртириб гапирган ҳамма уйдирмаларингиз қаёқда?

Дон Кихот бу муҳтарам зотнинг сўзларини диққат билан эшитди, аммо у сўзини тугатиши биланоқ, герцог ва герцогиняга бўлган ўзининг ҳурмат-эҳтиромига қарамасдан, сакраб оёққа турди-да, ғазабидан титраб шундай деди:

– Бу уй эгаларига бўлган чуқур ҳурматим ҳамда марҳаматли дин пешвосининг мартабасига нисбатан бўлган эҳтиромим менинг ҳаққоний ғазабимни босиб туришга мажбур этмоқда. Бунинг устига дин пешволарининг заҳарли тилларидан бошқа қуроллари йўқ: аммо улар бу қуролдан худди аёллардек усталик билан фойдаланадилар. Шунинг учун мен бундан бошқа қуролни қўламасдан, сиз марҳаматли зот билан тенгма-тенг жангга кираман. Аввало шуни айтайин, руҳоний зотдан ўринсиз ҳақоратлар эмас, балки яхши маслаҳатлар эшитиш лозим эди. Хайрихоҳлик қилиш, дўстона панд-насиҳатлар одоб билан, мулоимлик билан изҳор этилиши лозим эди. Сиз бўлсангиз мени ҳаммага эшиттириб дағаллик билан койиб, оқилона панд-насиҳат қилишнинг барча чегарасидан чиқиб кетдингиз. Ҳали ўзи билмайдиган гуноҳларни оча туриб, гуноҳқорларни овсар ва тентак дейиш руҳонийга муносибми? Қани, менга шу нарсани тушунтириб беринг-чи, марҳаматли

жаноб, мени жинни деб аташга ва хўжалигимга қараш учун жўнаб қолишимга маслаҳат беришга мендаги ва менинг юриш-туришимдаги нималар ҳуқуқ берди сизга? Жаҳонгашта рицарлик ва унинг урф-одатлари ҳақида ўзбошимчалик билан ҳакамлик юргизмоқ учун наҳотки, аллақандай қашшоқ бир коллежда ўқиб, бир бало қилиб бегона оилага руҳоний бўлиб киришнинг ўзигина кифоя қилса? Наҳотки, сиз дунёнинг ҳузур-ҳаловатларидан кечиб, минглаб машаққатли синовлардан ўтиб абадийликка етишув учун дунёни жаҳонгашталики билан кезишни бекорчи ва бемаъни иш деб ўйласангиз? Башарти мени бирор олижаноб рицарь ёки ҳурматли тўра овсар деб атаганида мен буни кечирилмас ҳақорат деб ҳисоблаган бўлардим. Лекин мени умрида рицарлик йўлидан юриб кўрмаган бир қироатхон тентак деб атар экан, унинг вайсаганини бир пулга олмайман. Мен рицарман ва худо хоҳласа, рицарлигимча ўламан. Баъзи бир кишилар такаббуруна шуҳратпарастлик йўлидан, бошқалари эса пасткашлик ва қўлларча ҳушомадгўйлик йўлидан, учинчи хиллари алдаш, мунофиқлик, тўртинчилари эса ҳақиқий эътиқод йўлидан борадилар. Мен эса ўз юлдузим раҳнамолигида жаҳонгашта рицарлигининг тор сўқмоғидан бораман, бунинг учун мен дунёнинг ҳузур-ҳаловатларидан ҳазар қилсам-да, номусдан ҳазар этганим йўқ. Мен ранж-аламлар учун ўч олдим, адолатни тикладим, сурбетларни жазоладим, девларни енгдим, ёвузларни поймол қилдим. Жаҳонгашта рицарлик қонунлари талаб қилгани учун ҳам ошиқман – мен ва бу севгим ҳар қандай иллатдан холи, чунки у мусаффо ва покдир. Менинг барча орзу-умидларим доим олижаноб мақсадга – ҳаммага яхшилик қилиш ва ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмасликка қаратилган. Жаноблар, олий зот сеньорлар, герцог ва герцогиня, энди ўзларингиз ўйлаб кўринглар, шундай ўйлаган, шунга амал қилувчи ва шундай гап гапирадиган кимсага аҳмоқ деган лақаб тўғри келадими?

– Худо ҳақи, ажойиб гап бўлди! – қичқириб юборди Санчо. – Сеньорим, ўзингизни оқлаш учун бундан

бошқа ҳеч нарса деманг! Бари бир, бундан ортиқроқ бирон нарса дейиш ёки ўйлаб топиш мумкин эмас. Манави сеньорнинг гўё дунёда жаҳонгашта рицарлар бўлган эмас, ҳозир ҳам йўқ дейишининг ўзиёқ унинг ўйламай гапираётганлигини кўрсатиб турибди.

– Сиз, биродар, – сўради руҳоний, – дон Кихот орол ваъда қилган ўша Санчо эмасмисиз?

– Худди ўша, – жавоб берди Санчо, – мен совғага орол олиш учун бошқа ҳар қандай одамдан кам хизмат қилганим йўқ. Яхшига яқин юрсанг, етарсан муродга, деганлар. Мен туғишганимни эмас, тутинганимни дейдиган одамларданман. Мен яхши хўжайинга эргашидим, мана кўп ойлардан бери унинг ёнидаман. Худо унга ва менга узоқ умр берсин; у бирор давлатга, албатта, император, мен бўлсам бирор оролга ҳукмдор бўламиз.

– Жуда тўғри, дўстим Санчо, – унинг сўзини бўлди герцог, – сеньор дон Кихотга бўлган ҳурматим туфайли мен шу пайтгача губернаторлигига лойиқ киши топа олмаган анчагина катта оролни сизнинг бошқарувингизга топшираман.

– Марҳаматли зот олдида тиз чўк, Санчо, – деди дон Кихот, – сенга кўрсатилган илтифот учун қўлларини ўп.

Санчо айтилганларни бажо келтирди, буни кўрган руҳоний дарғазаб бўлиб ўрнидан тураркан, шундай деди:

– Эгнимдаги жуббам ҳақи, жаноби олийлари ҳам худди мана шу иккала бадбахт гуноҳкордек тентакка ўхшайдилар, чамамда. Модомики ақли расо кишилар уларнинг тентакликларига ҳайбаракаллачилик қилиб туришса, улар бошларини йўқотмай нима қилишсин! Жаноби олийлари, сиз улар билан қолинг, аммо улар қасрда экан, мен остонангизга қадам ҳам босмайман. Мен танбех беришим лозим бўлган, аммо ўзгартиришга кучим етмаган нарсага гувоҳ бўлишни истамайман.

Руҳоний шу сўзларни айтиб зиёфат тугамасданоқ залдан чиқиб кетди. Герцог ундан қолишни илтимос қилди-ю, аммо астойдил қистамади. Ичида у руҳонийнинг кетишидан жуда мамнун эди.

– Марҳаматли сеньор Арслонлар рицари, – деди герцог дон Кихотга мурожаат қилиб, – сиз тақсиримизга шундай бошлаб жавоб қилдингизки, дабдурустдан қараганда ҳақорат бўлиб кўринадиган бундай сўз учун бундан ортиқроғи ортиқчалик қиларди. Ахир, на дин пешволари, на аёлларнинг ҳақорат қилолмаслиги бизга маълум-ку!

– Гапингиз тўғри, – деб жавоб берди дон Кихот. – Улар бизни хафа қилиши мумкин, аммо ҳақорат қила олмайдилар. Марҳаматли жанобларига маълумки, хафа қилиш билан ҳақоратнинг ўртасида катта фарқ бор. Ҳақорат қилган киши ўз ҳақоратини зўр куч кўрсатиш билан тан олдиради, ана шундагина ҳақоратлаган бўлади, хафа қилиш эса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келаверади. Масалан, бир кимса кўчадан кетяпти дейлик, қўққисдан унинг олдига биров югуриб келади-ю, таёқ билан уриб, қочиб қолади. Калтак еган унинг кетидан қувади-ю, лекин етолмайди. Бу одам тўғрисида айтиш мумкинки, уни хафа қилишди-ю, аммо ҳақоратлашгани йўқ, чунки ҳақоратланган киши қилган ҳақоратини зўр куч билан мустаҳкамлаши лозим. Шундай қилиб мен ўзимни хафа қилинган деб ҳисоблашим мумкин, чунки ҳурматли руҳоний ўзининг ҳақоратомуз сўзларини мустаҳкамлай олмайди. Шунинг учун бу сўзларда менинг шаънимга тегадиган ҳеч нарса йўқ. Мен унинг биз билан бирга қолмаганлигидан афсусланаман, холос. Зотан, у дунёда жаҳонгашта рицарлар йўқ ва бўлган эмас, деб ўйлаб, катта хато қилаётганлигини балки тушуниб оларди. Башарти бу сўзларни Амадис ёки беҳисоб жаҳонгашта рицарлар намояндаларидан бирортаси эшитиб қолганида, муҳтарам тақсирим осонликча қутула олмас эди.

– Қасамёд қиламанки, шундай бўларди, – деди Санчо. – У қиличи билан уни худди анор ёки қовун сўйгандай икки паллага бўлиб ташларди. Улар жиғларига тегишса жим турадиганлардан эмас эдилар. Худо ҳақи, мабодо Рейнальдо Монтальбанский бу жанобнинг сафсатасини



эшитгани-да борми, унинг жағига шундай мушт туши-  
рардики, уч йилгача оғзини ҳам очолмасди.

Санчонинг мулоҳазаларини эшитиб герцогиня қо-  
тиб-қотиб куларди; унга яроқбардор хўжайинга қа-  
раганда тентакроқ ва ғалатироқ туюларди. Дарвоқе,  
дўстларимиз билан учрашганларнинг аксарияти ана  
шу фикрда эди.

Шундай қилиб, дон Кихот жаҳлидан тушди, зиёфат  
тугади, дастурхонни йиғиштириб олишди. Шу пайт тўрт  
қиз пайдо бўлди: улардан бири кумуш жом, иккинчиси  
кумуш кўзача кўтариб олган, учинчисининг елкасига  
иккита оппоқ сочиқ ташланган, енги тирсагигача шима-  
рилган тўртинчи қизнинг қўлида эса бир кулча юмалоқ  
неаполитан совуни бор эди. Биринчи қиз жомни усталик  
билан ва беозоргина дон Кихотнинг соқоли остига тут-  
ди. Рицаримиз бу расм-русумдан жуда таажжубланди,  
аммо, у бу мамлакатда эҳтимол қўлни эмас, соқолини  
ювдириш одати бордир, деб ўйлади. Шунинг учун у ҳеч  
нарсa демасдан бўйинини олдига чўзди; шу дақиқада  
кўзачадан сув қўйилди ва совун ушлаган қиз эса унинг  
соқолинигина эмас, балки бутун юзи, кўзларига тез-тез  
совун суркай бошлади. У ғайрат билан совун суртарди  
денг, оппоқ кўпиклар гўё қор парчаларидек ҳар томонга  
сачрарди. Дон Кихот кўзларини беихтиёр юмишга маж-  
бур бўлди. Герцог ва герцогиня кутилмаган бу ювинишни  
ҳайронликда кузатишиб туришарди, чунки буни қизлар-  
нинг ўзлари, хўжайинларининг буйруғисиз қилишмоқда  
эдилар. Бу орада дон Кихотнинг бутун юзи совун кўпиги  
билан қопланди; шунда қиз гўё сув тамом бўлгандай  
қилиб, рицардан бир оз кутиб туришни сўради-да, ше-  
рикларидан бирини сувга юборди. У «хўп» деб югуриб  
кетди, дон Кихот эса совун кўпигига беланганича тоқат  
қилиб ўтирар, бундан ҳам ғалати, бундан ҳам кулгили  
башарани тасаввур этиш мумкин эмас эди. Бу ерда ҳозир  
бўлганлар унинг оқ кўпикка беланиб, узун, қорачадан кел-  
ган бўйинини олдинга чўзиб, кўзларини юмиб ўтиришини  
индамай томоша қилишарди. Шуниси ажабланарли  
эдики, ҳеч ким кулмади. Бу ҳазилни ўйлаб топган қизлар

хўжайинларига қарашдан қўрқиб, кўзларини ерга қадаб туришарди, хўжайинлар эса бу ўзбошимча шўхликлари учун уларни жазолаш керакми ёки бу кулгили ва ғалати томоша учун мукофотлаш керакми, шунин билмасдан ҳайрон эдилар. Ниҳоят, сувга кетган қиз келди, дон Кихотни ювинтириш тугади; сочиқ ушлаган хизматкор қиз унинг юзини артиб қўйди; сўнгра тўртовлари унга таъзим қилиб чиқиб кетмоқчи бўлишди. Аммо герцог, бу ювинтириш атайлаб қилинганини дон Кихот сезиб қолмаслиги учун, жом ушлаган қизни чақириб, шундай деди:

– Қани, энди мени ювинтиринглар, аммо сувинглар етмай қолмасин тағин.

Муғамбир ва фаросатли қиз герцогга яқин келди-ю, худди дон Кихотга тутгандек унга ҳам жом тутди. Хизматкор қизлар унинг юзини яхшилаб ювишди-да, сўнгра чиқиб кетишди. Кейинчалик герцог агарда қизлар уни ҳам худди дон Кихотдек ювинтиришмаса, уларни шумликлари учун жазоламоқчи бўлганини айтди. Аммо кизлар нима қилиш керак эканлигини фаҳмлашиб, унинг чаккаларини бинойидек қилиб ювишди.

Санчо ювинтириш маросимини диққат билан кузатаркан, ўзича минғирлади:

– Оббо, жин урсин! Эҳтимол, бу мамлакатда фақат рицарларнигина эмас, уларнинг яроқбардорларининг ҳам соқолларини ювиш одати бордир. Худо ҳақи, жуда жойида бўларди-да. Агарда шу билан бир вақтда чаккаларимни ҳам бир қиртишлаб қўйишса, савобнинг ўзгинаси бўларди-да.

– Нима деб гўлдираяпсиз, Санчо? – деб сўради герцогиня.

– Гап шундаки, сеньора, – жавоб қилди у, – менга маълум бўлишича тўраларнинг саройларида овқатдан сўнг меҳмонларнинг қўлларини юндиришарди, аммо соқолларини юндиришганини сира эшитмаган эдим. Аммо, менимча, бу айниқса яроқбардорларга ҳам расм бўлса, жуда яхши одат экан.

– Хафа бўлманг, дўстим Санчо, – жавоб берди герцогиня, – мен ҳозир буйруқ бераман, қизларим сизни

ювинтирибгина қолмай, агар лозим бўлса, ҳатто қир-тишлаб ҳам қўйишади.

– Улар менинг соқолимни ювиб қўйишса ҳам жуда миннатдор бўлардим, – деди Санчо, – у ёғига эса худонинг айтгани бўлар.

– Эшик офаси, – деди герцогиня, – эсингизда ту-тингки, олижаноб Санчо нимани сўраса, дарҳол ба-жаринглар.

Эшик офаси сеньор Санчонинг ҳар қандай хизматига доим тайёр эканини айтди. Шундай деди-ю, у Санчони бошлаб овқатлангани кетди, герцог, герцогиня ва дон Кихот эса шу ерда қолиб ҳарбий иш ва жаҳонгашта рицарликка доир турли нарсалар ҳақида гапиришиб ўтиришди.

Герцогиня дон Кихотдан мишмишларга қараганда гўзалликда дунёда тенги йўқ сеньора Дульсинеянинг ташқи кўринишини тасвирлаб беришни сўради. Дон Кихот герцогинянинг илтимосини тинглаб, бир хўрсиниб қўйди-да, шундай деди:

– Башарти яқинда бошқа қиёфага кириши натижа-сида унинг тимсоли хотирамда ўзгариб кетмаганида эди, мен илтимосингизни бажо келтирган бўлар эдим. Бахтсизлигим шу қадар каттаки, мен ўз хонимимни тасвирлаш эмас, балки унга мотам тутишим керак. Жаноб олияларига маълум бўлғайким, бундан бир неча кун муқаддам қўлини ўпиб, учинчи сафаримга фотиҳа оламан деб унинг ҳузурига йўл олган эдим. Афсуслар бўлсинки, излаб борган еримда бутунлай бошқа бир ҳолга дуч келдим; уни сеҳрлаб қўйишибди: малика эди, деҳқон хотинга айлантиришибди, гўзални хунукка, фа-риштани шайтонга, ширинсуханни қўполга, басавлат хонимни дикир-дикир сакрайдиган енгилтак аёлга, нурни зулматга – хулласи калом, Дульсинея Тобос-саяни оддий бир қишлоқи хотинга айлантиришибди.

– Худоё, ўзинг раҳм қил! – қичқариб юборди герцог. – Бундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузлик қилган ким, ахир? Борлиқни чиройга ўраб қувонч бахш этган гўзалликдан, оламни шодликларга тўлдирган қувонч-

дан, иффат ва ҳикматда тенги йўқ фариштадан маҳрум этган ким?

– Ким дейсизми? – жавоб қилди дон Кихот. – Менга ҳасад қилиб, таъқиб этиб юрувчи беҳисоб ёвуз сеҳргарлардан бири бўлмай ким бўларди? Бу лаънати қабила ҳаққоний одамларнинг ишларини қоралаш ва мурдорларнинг ишларини кўкка кўтариш учун дунёга тарқалиб кетган. Жодугарлар мени таъқиб қилишган, жодугарлар мени таъқиб қилишяпти. Жодугарлар то мени ва менинг юксак рицарлик ишларимни йўққа чиқариб юбормагунларича мени таъқиб қилишаверади. Улар менинг нозик жойимни билишади ва ўша томонидан кетма-кет зарба беришяпти. Негаки, жаҳонгашта рицарнинг қўнглини банд этган хонимни ўғирлаш, унинг кўзини, йўлларига нур-зиё сочган қуёшини ўғирлаш, учарга қанотини қайириш, юрарга мадорини қуритиш демақдир. Мен илгари ҳам айтганман, яна такрор айтаманки, маъшуқаси бўлмаган жаҳонгашта рицарь бамисоли япроқсиз дарахт, пойдеворсиз бино-ю танаси тарк этган сояга ўхшайди.

– Бу айтганларингизга қўшилмай бўлмайди, – деди герцогиня, – аммо дон Кихот ҳақидаги мишмишларга ишонилса, унда сиз муҳтарам жаноблари ҳам сеньора Дульсинеяни ҳеч қачон кўрмагансиз. Айтишларича, у ҳеч қачон бўлган ҳам эмас, у марҳаматли жанобларининг тасаввуридаги хаёлий бир мавжудот эмиш.

– Бу хусусда кўп нарса айтиш мумкин, – деди дон Кихот, – Дульсинеянинг дунёда бор-йўқлиги, хаёлийми ёки ҳақиқийми – бу биргина худога маълум. Хулласини айтганда, бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Ҳарқалай, мен қалбим хоқонини барча эзгуликлардан баҳраманд, гўзалларнинг гўзали, такаббурликдан холи бўлган ақли, вазмин, хушмуомала ва ширинсухан, одобли ва ниҳоят, зоти насаби улуғ бир аёл деб ўйлайман.

– Гапингиз рост, – жавоб қилди герцог, – аммо сеньор дон Кихот рухсат берсалар, мен ўз фикримни айтсам. Албатта, Дульсинея ҳақиқатан ҳам бор ҳамда дунёдаги

ҳеч бир аёл гўзалликда унга тенг келолмайди. Аммо у рицарлик романларида кўп тилга олинадиган, масалан, Ориана, Аластрахария ёки Медасималар билан насл-насабда тенглаша олмайди...

– Бунга мен қўшила олмайман, – деди дон Кихот, – Дульсинея – ўз ишининг қули. Фақат эзгуликни олижаноблик келтиради, насаби юқори бўлмаса-да, олиҳиммат киши юқори насабли-ю, аммо беодобга қараганда кўпроқ ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади.

– Сеньор дон Кихот, – деди герцогиня, – сўзларингиз бағоят донолигингиздан дарак бериб турибди. Сиз мени ишонтирдигиз; энди бундан буён Дульсинея Тобосскаянинг борлигига ва дон Кихотдай машҳур рицарь хизматини қилса арзийдиган даражада гўзал ва аслзода эканлигига ўзим ҳам ишонаман, бошқаларни ҳам бунга ишонишга мажбур қиламан. Мен унинг мақтовига муносиб сўз тополмайман. Аммо мени битта шубҳа қийнаброқ турибди. Санчо Пансанинг айтишига қараганда, у марҳаматли жанобларининг мактубларини сеньора Дульсинеяга олиб борганида, гўё у дон элаётган эмиш: ана шу ҳол унинг олижаноб хонимлигига менда шубҳа уйғотяпти.

Дон Кихот бамайлихотир шундай жавоб қилди:

– О сеньорам, жаноби олияларига ҳам маълум бўлғайким, душманларим бўлмиш сеҳргарлар мен учун жаҳонда энг қимматли бўлган нарсадан ўчларини олишяпти. Илло, ҳаёт-мамотим бўлган Дульсинеяни таъқиб қилиш билан улар мени ёруғ жаҳондан маҳрум қилишмоқчи. Яроқбардорим Дульсинеяга менинг мактубимни олиб бориши биланок, уни дон элаётган оддий деҳқон аёлга айлантириб қўйишибди. Аммо мен аминманки, ўша дон – Шарқ марвариди бўлиши керак. Бу фикримнинг ҳақ-ноҳақ эканлигини жаноби олиялари, ўзингиз ўйлаб кўришингиз мумкин. Бундан бир қанча вақт муқаддам мен Тобосода бўлиб, Дульсинеянинг саройини ҳеч топа олмаган эдим. Ваҳоланки, менинг яроқбардорим Санчо эртасига уни ҳақиқий қиёфасида, яъни жаҳонда ягона гўзал қиёфада кўрибди. Менга эса у қўпол ва

хунук деҳқон аёл қиёфасида, гарчанд ўзида жаҳоннинг бутун донишмандлиги мужассам бўлса-да, аҳмоқона бир тусда кўринди. Аммо мен сеҳрланмаган эканман, демакки, у сеҳрланган, ранжитилган, қиёфаси ўзгартирилган; демак душманларим ундан ўч олишибди, мен эса то у ўзининг асл қиёфасида кўринмагунча абадий кўз ёши тўкишим лозим. Шунинг учун Санчонинг дон элаш тўғрисидаги гаплари ҳеч кимни хижолат қилмаслиги керак. Ахир менгаки Дульсинеямнинг қиёфасини ўзгартиб кўрсатганларидан кейин, унга ҳам бошқа қиёфада кўрсатишганига ажабланмаса ҳам бўлади-ку. Дульсинея – машҳур ва аслзодалар насабидан. Жаҳонда ҳеч кимнинг толеи менинг сеньорамнинг толеидай эмас, чунки Троя Елена билан, Испания эса Кава<sup>80</sup> билан шуҳрат қозонганидек, унинг номи ҳам она шаҳрини келгуси асрларга машҳур қилади. Бундан ташқари, марҳаматли сеньора, Санчо Панса бир пайтлар жаҳонгашта рицарларга хизмат қилган барча яроқбардорларнинг энг ғалатиси... Унинг соддадил қилиқлари баъзан ниҳоятда ўткир бўлади: баъзан у шундай шумки, айёр деб ҳам ўйлаш мумкин; баъзан шундай овсарки – бефаҳмга ўхшайди. У ҳамма нарсадан шубҳаланади ҳамда ҳамма нарсага ишонаверади: у менга гўё бемаънилиқ жарига қулагандай бўлиб кўринганда, яна бирдан осмонга сапчийди. Хулласи калом, мен устига шаҳар қўшиб беришганда ҳам уни бошқа ҳеч қандай яроқбардорга алишмайман. Аммо ҳарқалай жаноби олийлари ҳади қилган оролни бошқаришни унга ишониб топшириб бўлармикин, буни биладим.

Герцог, герцогиня ва дон Кихот ўртасида бораётган суҳбат ана шу ерга келганда қўққисдан қандайдир тўс-тўполон, шовқин-сурондан бўлиниб қолди. Залга бўйнига озода сочиқ ўрнига қандайдир кир латта боғланган, қути ўчган Санчо ҳансираганча отилиб кирди, унинг кетидан бир неча ошхонада хизмат қиладиган болалар қий-чув қилиб чопишиб келишди. Улардан бири мағзава тўла кир тоғора кўтариб олган ва зўр бериб уни Санчонинг ияги остига тутишга уринарди.

– Бу нимаси, дўстларим, – сўради герцогиня. – Бу нима ўзи? Бу яхши одамни нега қийнаёпсизлар? И-е, ҳали сизлар унинг губернатор қилиб тайинланганини унутдиларингизми?

Бунга жавобан ошпаз шогирди – сартарош бола шундай жавоб қилди:

– Бу сеньор бизнинг расм-русумимиз бўйича соқолини ювдирмаяпти. У жаноб герцог ва ўз хўжайинидан ибрат олишни истамаяпти.

– Ёлгон гапирма, жудаям хоҳайман-да, – жаҳд билан жавоб берди Санчо, – аммо мен сочиқ оқроқ, сув тиниқроқ, қўлинг тозароқ бўлишини хоҳлардим. Мен билан хўжайиним ўртасидаги фарқ унчалик катта эмаски, уни фариштаннинг суви билан, мени эса шайтоннинг мағзаваси билан ювишса. Турли мамлакатларнинг ва князь саройларининг одатлари ҳеч кимнинг қўнглига тегмасагина яхши бўлади, аммо бу ювиниш одати ўз-ўзини қийнашдан бошқа ҳеч нарса эмас. Менинг соқолим тоза ва бунақанги ювишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Кимки менга қўл теккизгудек бўлса, унинг миясини қоқиб, қўлига бераман. Чаккага совун суркаладиган бу расм-русумлар мазах қилишдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Ошхона малайларининг ўз яроқбардорига қилган қўпол ҳазиллари дон Кихотга унчалик ёқмади. Шунинг учун у герцог ва герцогиняга, гўё улардан жанжалга аралашшишга рухсат сўраётгандек, чуқур таъзим қилиб, хизматкорлар тўдасига ўшқирди:

– Эй, сеньор жўралар, қани бу йигитни тинч қўйиб бир жўнаб қолинглар-чи. Менинг яроқбардорим бошқалардан исқирт эмас, бу тоғора унга унчалик тўғри келмайди. Менинг гапимга киринглар-у, унга тега кўрманглар, чунки у ҳам, мен ҳам бундай ҳазилни ёқтирмаймиз.

Санчо эса унинг сўзини илиб кетди:

– Бундай ҳазиллар фақат дарбадарларга қилинади. Бундай ҳазилларингизга кўниб бўлман. Майли, тароқ

олиб келишиб, соқолимни тараб кўришсин, агарда зигирча кир топилса, кўйнинг жунини олгандек сочимни қиртишлаб ташлай қолишсин.

Шу пайт ўзини ҳамон кулгидан тўхтата олмаётган герцогиня гапга аралашди:

– Санчо Панса тамоман ҳақ, умуман, у нимаики деса, доим ҳақ бўлади. У ювинтириб кўйишга муҳтож эмаслигини айтяпти. Бизнинг одатларимиз унга ёқмас, на чора, бу унинг иши, аммо тозалик ҳомийлари, шундай сеньорга соф олтин жом билан кўза тутиш, немисча сочиқ ўрнига аллақандай исқирт тоғора билан ошхона сочиқларини тутиб яхши қилмабсизлар. Сизлар жаҳонгашта рицарнинг яроқбардорига бўлган ҳасадларингизни яшира олмасангизлар, нима деган одам бўдиларингиз?

Ошхона пикаролари<sup>81</sup> ҳам, эшик оғаси ҳам герцогиня жиддий гапиряпти, деб ўйлашди. Улар дарров Санчонинг бўйнидан исқирт латтани олишди-ю, хи-жолат бўлиб чиқиб кетишди. Санчо эса, хавф-хатар тугаганини кўриб, герцогиня олдида тиз чўкди:

– Улуғ сеньорадан доимо улуғ марҳаматлар кутиш мумкин. Аммо зоти олияларининг ҳомийликлари эвазига миннатдорчилик билдириш учун менга тезроқ жаҳонгашта рицарлик унвонини беришларини хоҳлар эдим. Ана ўшанда мен бутун ҳаётимни, улуғ сеньора, сизнинг хизматингизга бағишлаган бўлардим. Мен оддий деҳқонман, исми шарифим Санчо Панса, уйланганман, болаларим бор, яроқбардорлик хизматидаман, аммо зоти олияларига бирор манфаатим тегадиган бўлса, хизматингизга доим тайёрман, бир оғиз айтсангиз бас.

– Кўриниб турибдики, Санчо, – деди герцогиня, – сиз одобни энг яхши кишилардан ўрганибсиз. Ҳар бир одам сизни хўжайинингиз дон Кихотнинг содиқ шогирди деб танийди. Бундай хўжайин ва унинг бундай хизматкорларига шон-шарафлар бўлсин. Ўрнингиздан турунг, Санчо. Сизнинг одобингиз учун ҳукмдорим герцогдан иложи борича тезроқ сизни губернаторлик билан мукофотлашини сўрайман.



Шу билан суҳбат тугади. Дон Кихот овқатдан сўнг дам олиш учун кириб кетди, герцогиня эса Санчодан агар унчалик уйқуси келмаётган бўлса овқатдан сўнгги вақтини ўзи ва қизлари билан ўтказишни сўради. Санчо, ростини айтганда, ёзда овқатдан кейин тўрт соатларча ухлаб олишга одатланганини, аммо у герцогинянинг марҳаматидан жуда миннатдорлиги туфайли бутунлай ухламасликка аҳд қилганини айтди.

Шу сўзлар билан тушки овқатини тугатгани жўнади.

Санчо ўз сўзига амал қилиб, овқатдан кейиноқ герцогинянинг олдига келди. У ёнгинасидаги пастаккина курсига ўтиришни таклиф қилди. Аммо чинакам хушодоб киши бўлган Санчо бунга қўнмади. Шунда герцогиня бўлажак губернатор сифатида ўтира олиши, яроқбардор сифатида бемалол гапиравериши ва бу ҳар икки унвон унга ҳатто Сиднинг ҳам ўриндигига ўтиришига ҳуқуқ беришини айтди. Санчо елкасини қисиб, итоаткорона ўтирди, барча дуэньялар ва герцогинянинг канизлари уни ўраб олишиб, унинг нима дейишини кутиб, жимгина туришарди. Герцогиня биринчи бўлиб сўз бошлади:

– Энди, биз ёлғиз ва бизни ҳеч ким эшитмас экан, мен хоҳардимки, сеньор губернатор Дульсинея Тобосскаяга доир баъзи шубҳаларимни ечиб берсалар. Аввало, эй соф юрак Санчо, бизга айтинг-чи, сиз уни кўрмаган ва унга дон Кихотнинг ҳеч қандай мактубини бермаган бўлсангиз ҳам, сеньора Дульсинеянинг жавобларини ичдан тўқиб чиқаришга ва уни гўё дон элаяпти, дейишга қандай журъат этдингиз? Ахир, буларнинг ҳаммаси дунёда тенги йўқ Дульсинеянинг обрў-эътиборига путур етказувчи ва соф юракли яроқбардорнинг садоқати ҳамда шаънига ярашмайдиган сурбетларча уйдирма-ку!

Буни эшитиб Санчо индамай курсидан турди-да, бармоқларини лабига босиб, дераза ва унинг пардаларини бир-бир кўздан кечирганча зални аста айланиб чиқди. Сўнгра яна ўз жойига келиб ўтиргач, сўз бошлади:

– Сеньорам, бизни ҳеч ким пойлаб эшитиб турмаганига қаноат ҳосил қилганимдан сўнг, сизнинг саволларингизга қўрқмасдан жавоб бера оламан ва ростини айтаманки, мен жанобим дон Кихотни ақлдан озган киши деб ҳисоблайман. Тўғри, баъзида у шундай ақлли гаплар гапирадики, шайтоннинг ўзи ҳам бунчалик гапира олмайди, бари бир чин виждон билан айтганда, унинг жинниликига имоним комил. Модомики, бу фикр миямга ўрнашиб қолган экан, мен унга Дульсинеянинг жавоби ёки унинг бошқа қиёфага кирганлиги каби ҳар қандай бемаъни гапларни гапиришдан уялмайман. Яқингинада мен хўжайинимни Дульсинеянинг сеҳрланганлигига ишонтирган эдим, аммо бу гап нок дарахтида олхўри пишади, деган билан баб-баравар.

Герцогиня Санчодан Дульсинеянинг бошқа қиёфага кириши ҳақидаги найрангни батафсилроқ айтиб беришини сўради, у эса воқеа аслида қандай бўлганини айтиб, тингловчиларга анча ҳузур бағишлади. Аммо герцогиня роса кула-кула, шундай деди:

– Соф юракли Санчонинг ҳикояси менда шубҳа уйғотди. Борингики, ламанчлик дон Кихот ақлдан озган ва жинни одам деб фараз қилайлик. Аммо Санчо Панса бунга билатуриб, унинг аҳмоқона ваъдаларига учиб, унга хизмат қилиб юрибди? Демак, у хўжайинига қараганда ҳам ақлсизроқ экан-да? Мен ўзимча ўйлаб қолдим: бундай одамга оролни бошқаришни ишониб топшириб бўладими? Зотан ўзини эплай олмаган одам бошқаларни қандай қилиб бошқара олади?

– Худо ҳақи, сеньора, – деди Санчо, – сиз марҳаматли зотнинг шубҳаларингиз бутунлай тўғри. Агарда мен доно, фаросатли одам бўлганимда, ўз хўжайинимни аллақачонлар ташлаб кетган бўлардим. Аммо менинг аччиқ қисматим шунда: ҳар қанча уринмайин, уни ташлаб кетолмайман, биз у билан бир қишлоқданмиз, унинг тузини тотдим, уни яхши кўраман, хўжайиним бунга билади, у менга ўз хўтикларини тақдим қилди, энг муҳими, мен содиқ одамман, шунинг учун бизни

гўргина ажрата олади. Агарда олий ҳазрат маликам менга орол беришни истамас эканлар, нима ҳам дея олардим, худо мени қашшоқ қилиб яратган экан, шундайлигича қоламан. Даладаги паррандалар ризқини худонинг ўзи беради, ўзи парвариш қилади, тўрт газ қалин мато шунча газ энг юпқа матога қараганда яхшироқ иситади. Эҳтимол, менга орол бермасликлари мумкин, бу менга яхши бўлади, чунки чумолига ҳам қанот битади деганлар, тентак бўлсам ҳам, бу гапнинг тагини тушунаман. Эҳтимол, яроқбардор Санчо губернатор Санчога қараганда тезроқ арш-у аълога жўнаб қолар. Биз бу дунёдан сафар қилар эканмиз, шоҳ ҳам, гадо ҳам битта сўқмоқдан ўтишади; папа сўфидан қанча азиз бўлмасин, иккаласи учун ҳам икки газ ер етади, холос. Шунинг учун такрор айтаман-ки, ҳазрати олиялари менинг тентаклигим учун менга орол тақдим этишни истамас эканлар, мен зигирча бўлса-да хафа бўлмайман ва бу билан ўзимнинг ақлли эканлигимни исбот қиламан. Бут ости ва шайтонлар уя қурган; ялтираган билан ҳамма нарса олтин бўлавермайди, дейдилар. Агарда эски байтларга ишонгудай бўлинса, деҳқон Вамбани<sup>82</sup> қўш ҳайдаб турган жойидан олиб келиб Испания қироли қилиб кўтаришган, Родригони эса мол-мулкидан маҳрум этиб, илонларга ем қилишган.

Герцогиня Санчонинг мулоҳазалари ва айтган мақолларини эшитиб ҳайратда қолди.

– Соф кўнгил Санчога маълум бўлса керак, – деди у, – агарда рицарь нимадир ваъда қилгудек бўлса, бу ваъдасининг устидан чиқиш учун жонини ҳам аямайди. Менинг эрим ва ҳукмдорим бўлмиш герцог – ҳақиқий рицарь, шунинг учун ҳам у ҳар қандай бўлса-да ўз ваъдасини бажаради. Шундай қилиб, Санчо, кўнглингиз тўқ бўлсин. Асло кутмаган бир пайтингизда сизни берилажак орол ва давлат тахтига кўтаришади. Сиздан бир нарсани илтимос қиламан: ўз фуқароларингизни адолат билан бошқаринг, чунки улар софдил ва олижаноб кишилар.

– Адолат билан бошқариш масаласига келганда, – жавоб берди Санчо, – мендан илтимос қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки мен табиатан раҳмдил одамман, камбағалларга ачинаман: тер тўкиб, меҳнат қилган кимсанинг ҳақиға хиёнат қилмайман. Мен ов кўрган кекса тозилардан бўламан, шитир этган нарсани биламан, пайтига қараб, кўрсам ҳам кўрмасликка оламан. Лекин олдимда каламушларнинг югургилаб юришига йўл қўйиб қараб ўтиролмайман, чунки қайси ковуш оёғимни сиқаётганини сезаман, ер тагида қимираган илонни билиб тураман. Буни шунинг учун айтяпманки, яхши одамлар учун ёрдамга тайёрман, ёмонлар учун эса эшигим ёпиқ, остонамга йўлатмайман уларни. Фикримча, ҳукмдорликда энг муҳими – аввало, ишни бошлаб олиш. Эҳтимол, мен губернаторлик лавозимида икки ҳафтача ишласам, балки беҳуда қўш ҳайдаган деҳқондан афзалроқ губернатор бўлиб олишим мумкин.

– Гапингиз рост, Санчо, – деди герцогиня, – ҳеч ким онасининг қорнидан олим бўлиб туғилмайди, ҳатто епископларнинг оддий кишилардан ортиқ ери йўқ. Аммо, яна Дульсинеяга қайтамиз. Менимча, Санчо қармоққа илинган. Ўз хўжайини устидан кулиш мақсадида, Дульсинеяни бошқа қиёфага киргани учун таниб бўлмайди, деб унга айтган. Аммо бу айёрликни унга дон Кихотни таъқиб этиб юрган сеҳргар уқтирган. Менимча, эшакка сакраб миниб олган ўша аёл Дульсинея Тобосская бўлса керак. Соф кўнгил Санчо хўжайинини алдайман деб, ўзи ҳам алданиб қолган. Ўзимиз кўрмаган нарсадан асло шубҳаланмаслигимиз керак. Шуни билингки, сеньор Санчо Панса, бу ерда ҳам дунёда бўлиб турган ишлардан бизга хабар бериб турувчи сеҳргарлар бор. Ҳали шошмай тулинг, ўйламаган ва кутмаган бир пайтда Дульсинеянинг хусни-жамолини кўриб ҳам қолармиз. Қандай адашиб юрганлигингизни ўшанда биласиз.

– Шундай бўлиши мумкин, – деди Санчо Панса. – Эндиликда хўжайинимнинг сеньора Дульсинея Тобосс-

каяни Монтесинос горида гўё сеҳрлаш менинг хаёлимга келиб қолган пайтдаги кийимида кўрганман, деган гапига ҳам ишонаман. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, мен бечоранинг шу ожиз ақлим билан бундай айёрлик қўлимдан келармиди? Хўжайиним ҳам менинг тўқиганларимга ишониб кетаверадиган анойилардан эмас. Аммо, саодати олиялари, сизнинг мени маккор одам деб ўйлашингизни истамайман. Мен, хўжайиним савалаб қолмасин тагин деб, бу ёлғонни ишлатганман. Аммо мен ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмоқчи эмас эдим. Демак, ҳамма иш ёвуз сеҳргарлар айтганидек бўлган экан-да. Сиз айтмасангиз, ҳеч қачон ақлим етмас экан бунга.

– Энди, Санчо, сиз эслаб ўтган Монтесинос горида нима ҳодиса содир бўлганини гапириб берсангиз. Бу ҳақда эшитишни жуда истардим.

Санчо бу воқеани бор тафсилотлари билан тўла-тўқис сўзлаб берди. Уни тинглаб бўлиб, герцогиня шундай деди:

– Мана энди ҳамма нарса равшан, демак, улуг дон Кихот Санчо Тобосодан чиқаверишда кўрган деҳқон аёлни горда кўрдим деяётган экан, бу ҳақиқий Дульсинея, сеҳргарлар эса жудаям ҳийлакор ва уддабуро эканлар.

– Мен ҳам шундай деяпман-да, – унинг гапини илиб кетди Санчо Панса. – Башарти сеньора Дульсинея сеҳрланган экан, ўзига қийин. Аммо хўжайинимнинг душманлари билан пачакилашишга тоби йўқ; улар жуда кўп, бунинг устига жуда ёвуз бўлишлари керак. Ростини айтганда, мен деҳқон аёлни учратганман ва уни деҳқон аёл деб билганман, албатта. Модомики у Дульсинея экан, бунга менинг дахлим йўқ, вассалом.

– Бажонидил ишонаман сизга, – деди герцогиня. – Ана энди дам олмоқчи бўлсангиз, марҳамат, боринг. Санчо, мен эса сизга губернаторликни тезроқ беришлари учун эрим билан гаплашай.

Санчо герцогинянинг қўллари яна ўпди-да, унга бир марҳамат кўрсатишини – худди ўз ўғлидек яхши кўрадиган кулрангидан хабар олишини илтимос қилди.

– Кулрангингиз нимаси? – деб сўради герцогиня.

– Менинг эшагим, – деди Санчо. – Уни бу ном билан атамаслик учун, мен кўпинча уни «кулранг» деб ўрганиб қолганман. Биз бу ерга келганимизда мен мана бу сенъора дуэньядан унга қараб туришини сўраган эдим, у бўлса, худди мен уни хунук ёки қари деб ҳақорат қилгандек мени жеркиб ташлади. Аммо-лекин, менимча, дуэньялар учун саройларда савлат тўкиб ўтиришдан кўра ҳайвонларга қараш жуда боп келадиган иш.

– Хавотир олманг, сенъор Панса, – жавоб берди герцогиня, – кулрангингизга ўзим ғамхўрлик қиламан, чунки у Санчо учун шунчалик қимматли экан, мен уни кўз қорачиғимдай асрайман.

– Уни отхонага киритиб қўйишса, кифоя, – деди Санчо, – чунки у ҳам, мен ҳам сизнинг бунчалик овора бўлишингизга арзимаймиз. Бундан кўра мени ханжар билан чавақлаб ташлаганлари яхшироқ. Менинг хўжайиним одоб бобида камтакалуф бўлгандан сертакалуф бўлган афзал, деса, деяверсин, аммо эшак ва отлар масаласида мезондан чиқмаслик лозим.

– Эшагингизни ҳам губернаторлигингизга олиб кета қолинг, – деди герцогиня, – у ерда сиз уни роса боқасиз, ишлатмайсиз.

– Зоти олиялари, ўйлайманки, бу бутунлай кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган гап, – деб жавоб қилди Санчо. – Мен губернаторликка эшакларни юбораётганликларини биринчи марта кўраётганим йўқ, башарти мен ҳам уни олиб кетгудек бўлсам, бунинг ҳеч қанақа янгилик жойи йўқ.

Санчонинг сўзларидан герцогиня роса кулди.

Санчони дам олишга йўллаб, у Санчо билан ўзи ўртасида бўлган суҳбатни етказиш ва дон Кихотга худди рицарлик романларига мос тушадиган бирон ҳазил қилишни йўлаб, бир фикрга келиш учун герцогнинг ҳузурига жўнади.

## ҚИРҚ ЕТТИНЧИ БОБ

### **ДУЛЬСИНЕЯ ТОБОССКАЯНИ СЕҲРДАН ОЗОД ҚИЛИШ ЙЎЛИНИНГ ҚАНДАЙ ТОПИЛГАНИ**

Герцог ва герцогиня дон Кихотнинг Монтесинос ғори ҳақидаги ҳикояларидан фойдаланиб, дўстларимизни бошлаб аҳмоқ қилишга аҳд қилишди (гарчи ҳамма нарсани ўзи ўйлаб топган бўлса-да, Дюльсинейани сеҳрланган деб ишонган Санчонинг гўллиги герцогиняни жуда мамнун қиларди). Улар хизматкорлар ўртасида олдинданоқ ролларни тақсимлаб чиқишди, уларга нима гапириш ва нима қилиш кераклигини айтишди, керакли ниқоблар ва либосларни тайёрлаб қўйишди. Ҳамма нарса тайёр бўлгач, герцог жуда кўп мерганлар ва този итлар қатнашадиган катта ов ташкил қилди. Дон Кихотга овчилар кийими, Санчога эса юпқа мовутдан яшил қўйлак тайёрланган эди. Рицарь бир неча кундан кейин ҳарбий ишга қатнашажаги ва шунда у либос мутлақо кераксиз бўлиб қолишини айтиб, совғадан бош тортди. Санчо дастлабки қулай фурсатдан фойдаланибоқ уни пуллашни ўйлаб, қўйлакни хурсандчилик билан олди.

Белгиланган кун келгач, дон Кихот ўзининг қурол-анжомларини тақди, Санчо эса герцог берган овчилар кийимини кийиб олди. Аммо унга яхши от таклиф қилишса ҳам, эшагидан ажралишни истамади. Герцогиня ясан-тусан билан чиқди, дон Кихот герцогинянинг норозилигига қарамасдан, у отга минаётганида боодоб ва илтифотли кавалердек узангисини ушлаб турди. Ниҳоят, улар баланд тоғлар орасидаги водийда жойлашган ўрмоннинг чеккасига етиб боришди. Овчилар жой-жойларига тарқалиб, ҳамма сўқмоқ ва йўллар тўсиб олингач, итларни қўйиб юборишди. Водий шовқин, қийқириқ ва итларни олқишлаш овозлари билан шундай тўлиб кетдики, ов қатнашчиларининг қулоқлари битаёзди. Герцогиня отдан тушиб, қўлига

ўткир найза олиб, кўпинча ёввойи тўнғизлар ўтадиган сўқмоқ йўлнинг чеккасида туриб олди. Дон Кихот билан герцог ҳам отдан тушиб герцогинянинг ёнида туришди, Санчо эса эшагидан тушмасдан уларнинг орқасига туриб олди: у бирон кор-ҳол бўлмасин деб дўстини ташлаб кетишни истамади. Уларнинг ёнидан жуда кўп хизматкорлар жой олишди. Овчилар ҳали жой-жойларига туриб олмаслариданоқ, мерган ва тозилар қувлаб келаётган катта тўнғиз ўрмондан югуриб чиқиб қолди. У тишларини даҳшат билан тақиллатар, тумшугини кўпик босган эди. Дон Кихот тўнғизни кўриши биланоқ қалқонини ростлаб, қиличчини яланғочлади-да, унга рўбару чиқди. Герцог ҳам найзасини қўлига олиб, олдинга интилди. Агарда герцог ушлаб қолмаганида, герцогиня ҳар иккаласидан ҳам олдинроқ тўнғизга ҳужум қиларди. Санчо эса даҳшатли ҳайвонни кўриши биланоқ эшагидан туша солиб жонҳолатда қоча бошлади. У йўлда учраган биринчи дарахтга етибоқ, унга тирмашиб юқорига интилди. Аммо тақдир бечора билан бу сафар ҳам қаттиқ ҳазиллашди. Санчо қўрққанидан жуда ингичка шохга тирмашиб олган экан, шох қарс этиб синиб, у пастга қараб учиб кетди. Бахтига эғнидаги камзули йўғон бутуққа илиниб, бечора ҳавода муаллақ осилиб қолди. Яшил мовутдан тикилган камзул узоқ чидаш бера олмай йиртилиб кетиб, ерга қулайман-у, овчилардан қочиб бораётган қутурган махлуқ шартта менга ташланади, деб хавотирланган Санчо жон-жаҳди билан бақира бошладик, ҳамма уни ваҳший ҳайвоннинг панжасига тушиб қолибди, деб ўйлади. Ниҳоят, баҳайбат тишли махлуқ мерганлар найзалари зарбидан қулади. Шу пайт дон Кихот Санчонинг овозини эшитиб қайрилиб қараркан, унинг эман шохида оёғи осмондан бўлиб осилиб ётганини ва остида эса хўжайинини фалокат юз берганда ташлаб кетмаган эшагини кўрди. Дон Кихот шошилиб келиб яроқбардорини дарахтдан тушириб олди. Санчо ўзини хавф-хатарсиз сезгач, йиртилган камзулига жуда ачина бошлади. Овчилар тўнғизнинг гўштини хачирларга



ортиб, турли хушбўй гиёҳлар билан ўраб, галаба ўлжаси сифатида ўрмон ўртасидаги ўтлоққа тикилган чодирга олиб боришди. Бу ерда дастурхон тузалиб шундай қуюқ зиёфат ҳозирланган эдики, хўжайинларнинг нақадар сахийликлари ва бадавлатликларидан дарак бериб турарди. Санчо ўзининг янги либосининг йиртилганини герцогиняга кўрсатаркан, шундай деди:

– Агарда биз қуён ёки парранда овлаганимизда, эҳтимол, менинг камзулимга бало ҳам урмасди. Ҳайронман, ханжардек тиши билан бир урса, одамни нариги дунёга равона этадиган ҳайвоннинг орқасидан қувишнинг нима кераги бор-а? Тўралар ва қироллар ўз ҳузур-ҳаловатларини деб ўзларини бунақа хавф-хатарларга нега рўпара қилишар эканлар-а? Ахир, ҳеч қандай ёмонлик қилмаган ҳайвонни ўлдиришдан қандай ҳузур-ҳаловат қилиш мумкин?

– Йўқ, Санчо, сиз хато қияпсиз, – деди герцог, – қироллар ва тўралар учун тозилар билан ов қилишдан кўра аълороқ машғулот бўлиши мумкин эмас. Ов ҳам урушнинг худди ўзи; баъзан овчи ҳам душманни енгиш учун турли ҳийла-найранг ишлатиши, пистирмалар қўйиши керак. Овда биз қаҳратон совуққа ҳам, жазирама иссиққа ҳам чидаймиз, уйқудан кечамиз, кучимизни янада мустаҳкамлаймиз, машқ қилиб янада пишиқ, эпчил бўламиз. Бунинг устига този билан овга чиқиш шундай машғулотки, ҳеч кимга зарари тегмайди, кишига ҳузур бағишлайди. Энг муҳими, буни ҳамма ҳам уддасидан чиқа олмайди. Шундай қилиб, Санчо, губернатор бўлганингиздан кейин ов ҳақидаги ўз фикрингизни ўзгартиришингиз лозим бўлади. Ўшанда сиз овнинг қанчалик фойдали эканини билиб оласиз.

– Йўғ-э, – деди Санчо, – яхши губернатор худди оёғи синган одамдек доим уйида ўтириши керак. Башарти арзгўйлар унинг олдига зарур иш билан келишса-ю, у бу вақтда қаердадир ўрмонда ўзини овутиб юрса, қандай бўларкан? Унақада ишлари чаппасидан кетади-ку! Сеньор, ростини айтсам, ов ва бошқа дилхушликлар губернатордан кўра бекорчиларга кўпроқ ярашади.

Йўқ, яхшиси, мен катта байрамларда кисса – ҳамён, якшанба кунлари эса чиллак ўйнаганим маъқулроқ. Сизнинг бунақа овларингиз менга сира тўғри келмайди, виждоним қабул қилмайди..

– Санчо, илоҳим сўзингизда турунг, – деди герцог, – чунки сўз бошқа-ю, иш бошқа бўлмасин тағин.

– Ҳарқалай, – деди Санчо, – инсофли тўловчига ҳеч қандай гаров кўрқинчли эмас. Югурганникимас, буюрганники, дейдилар. Мен, худо хоҳласа ўз бурчимни соф кўнгил билан бажараман, худди лочиндек бошқараман. Ишонмасангиз бармоғингизни оғзимга солиб кўринг, тишим бор-йўқлигини биласиз-қўясиз.

– Худо ургур, Санчо, – қичқириб юборди дон Кихот. – Аҳмоқона маталларингни қачон ташлайсан, ахир? Сенга буни неча марта айтдим! Жаноби олийлари, қўйинг бу лақмани. У ўзининг мақоллари билан қулоғингизни қоқиб, қўлингизга беради. Сўз бошлади дегунча минглаб мақолни тўқиб солади. Яна ўринлими, йўқми ишлатаверади. Худо жазосини берсин унинг, гапларига қулоқ солсам мени ҳам.

– Тўғри, Санчонинг мақоллари кўп, аммо бу мақоллар менга ёқади, – эътироз билдирди герцогиня, – улар лўнда-ю ўткир, ҳар қанча мақтаса, арзийди.

Шундай қизиқарли суҳбат билан тушки овқат ҳам тугади. Кеч кира бошлади. Ҳамсуҳбатлар тоза ҳаво олиш учун ташқарига чиқишди, шу пайт бирдан ўрмоннинг тўрт тарафидан ловуллаб аланга кўтарилди. Дам у ердан, дам бу ердан, гоҳ чап, гоҳ ўнгдан мугуз ва карнайларнинг овозлари эшитила бошлади, гўё ўрмондан минглаб отлиқ аскарлар келаётгандай эди. Ўтларнинг шуъласи ҳамда жанговар карнай товушлари овчиларни ҳанг-манг қилиб қуйди. Тез орада маврларнинг ҳарбий наъраси: «лелили!» деган ҳайқириқлар эшитилди. Карнай ва сурнайлар чалиниб кетди, ноғоралар гумбурлади, бундай даҳшатли мусиқадан ҳамманинг қулоғи қоматга келди. Герцог қотиб қолди, дон Кихот таажжубланди, Санчо дағ-дағ титрарди, ҳатто гап ни-мадалигини билганлар ҳам кўрқиб кетиб, нафаслари

ичларига тушиб кетди. Шу дақиқада уларнинг олдида иблис кийимидаги отлиқ пайдо бўлди, у каттакон мугузни ваҳимали қилиб чаларди.

– Ҳой, биродар, – қичқирди герцог, – сиз кимсиз, қаёққа кетяпсиз, ўрмонимиздан қанақа қўшин ўтяпти?

Бунга отлиқ момақалди роқ сингари овози билан шундай жавоб қилди:

– Мен – иблисман ва ламанчлик дон Кихотни излаб юрибман. Ўрмондан эса гўзалликда беқиёс Дульсинея Тобосская билан баҳодир Монтесиносни олиб боришаётган сеҳргарлар келишяпти. Улар дон Кихотга бу аслзода сеньорани қандай қилиб қайтадан ўз қиёфасига киритиш мумкинлигини айтгани келишяпти.

– Модомики, сиз иблис бўлсангиз, рўпарангизда турган дон Кихотни нега танимадингиз?

– Худо ва виждоним ҳақи, – деб жавоб қилди иблис, – мен унга қарамабман ҳам. Ишим ниҳоятда кўплигидан энг муҳимини унутиб қўйибман.

– Шубҳасиз, – деб қўйди Санчо, – бу иблис – яхши одам-у соф кўнгил насроний экан, акс ҳолда, у худонинг номини тилга олармиди? Энди мен дўзахда ҳам яхши одамлар топишимга ишонаман.

Иблис эса отидан тушмасдан дон Кихот томонга бурилиб шундай деди:

– Эй Арслонлар рицари (илоё тезроқ уларнинг панжасига тушкур), мени ҳузурингга бахтиқаро, аммо баҳодир рицарь Монтесинос юборди. Уни шу ерда кутиб туришингни илтимос қилишимни буюрди. У Дульсинея Тобосскаяни олиб келяпти ва уни сеҳрдан қандай халос қилиш йўлини сенга айтади. Сенга етказишим керак бўлган сўзлар – мана шу. Бу ерда ортиқ қолишимнинг ҳожати йўқ. Сенга мендек иблислар, бошқаларга эса фаришталар ёр бўлсин.

У шу сўзларни айтди-ю, ўзининг баҳайбат мугузини чалганича, жавобни ҳам кутмасдан ўрмонга от чоптириб кириб кетди.

Бу воқеадан ҳамма, айниқса, Санчо билан дон Кихот ҳайратда қолган эди. Санчо Дульсинеянинг ҳақиқатан

ҳам борлиги, демак, унинг сеҳрлаб қўйилгани ростлигидан, дон Кихот эса Монтесинос ғорида бўлиб ўтган воқеаларга унчалик ишонмаганлиги учун ҳанг-манг бўлиб қолишган эди. Герцог уларнинг хаёлини бўлди:

– Хўш, сеньор дон Кихот, муҳтарам жаноблари уни кутиб турадиларми, ё йўқми?

– Албатта, кутаман, – деди у. – Бутун дўзахилар бошимга ёпирилса-да, мен асло чўчимасдан бардош бераман.

– Агар яна бирорта шайтонни кўрсам ёки тагин ўшанақа карнай овозини эшитсам, мени Фландриядан топасизлар, – деди Санчо.

Бу орада тамоман қош қорайиб қолди; ўрмон бўйлаб беҳисоб ўтлар порлаб кетди, шундай шовқин-сурон кўтарилдики, гўё ҳўкиз қўшилган минглаб араваларнинг ғилдираклари гижирлаётгандай эди. Бирдан шовқин-сурон янада кучайди: бир томонда қудратли замбараклар гумбурлар, иккинчи томонда минглаб милтиқларнинг «тасир-тусири» эшитилар, яқинроқда жанг-сурон қилаётганларнинг ҳайқириқлари, олисда эса маврларнинг наъраси – «лелили» янграётгандек туюларди. Хуллас калом, мугузлар, ов карнайлари, сурнайлар, ногоралар, замбараклар, милтиқлар, араваларнинг гижирлаши шундай ваҳимали шовқин-сурон бўлиб эшитилардики, дон Кихот ҳам ўзини йўқотиб қўймаслик учун бор вужуди билан бардам туришга тиришарди. Герцогиня ҳушдан кетиб оёғи остига йиқилиб қолган Санчонинг юзига сув сепишни буюрди. Унинг буйруғи ўша заҳотиёқ бажарилди, Санчо ғилдираги гижирлаган аравалардан биттаси тўппа-тўғри улар устига бостириб келаётган дақиқада ҳушига келди.

Аравага тўртта ялқов ҳўкиз қўшилган бўлиб, ҳўкизларнинг устига қора мато ёпилган, шохларига боғланган машъаллар ёниб турарди. Араванинг устига баланд тахт ўрнатилган бўлиб, унда оппоқ соқоли тиззасига тушиб турган мўйсафид чол савлат тўкиб ўтирарди, унинг эғнида қора бўздан тикилган кенг кийими бор эди. Жуда кўп машъаллар аравани ёритиб турганидан

ундаги ҳамма нарса кўзга яққол ташланарди. Араванинг олдида қора рўдапо чопон кийган икки бадбашара иблис ўтирар, уларнинг башаралари шундай хунук эдики, Санчо бир қарашдаёқ қўрқиб, кўзларини чирт юмиб олди. Арава овчилар турган жойнинг рўпарасига келганда нуруний мўйсафид ўрнидан турди-да, баланд овоз билан қичқирди:

– Мен – донишманд Лиргандео бўламан.

У бошқа ҳеч нарса демади ва арава ўрнидан кўзгалди. Биринчи араванинг кетидан иккинчиси пайдо бўлди, унда ҳам худди ҳалигидай мўйсафид чол ўтирарди. У аравакашларга тўхташ ишорасини қилди-да, қичқирди:

– Мен тутқич бермас Ирганданинг дўсти – донишманд Алькифо бўламан.

У ҳам йўлида давом этди. Сўнгра учинчи арава яқинлашди: унда чол эмас, балки қовоғи солиқ бақувват йигит ўтирарди; яқинроқ келгач у ҳам ўрнидан сакраб турди-да, ваҳимали дўриллаган овоз билан қичқирди:

– Мен Амадис Галльский ва унинг авлод-аждодининг аёвсиз душмани сеҳргар Аркалаус бўламан.

Юқорироққа ўтиб учала арава ҳам тўхтади ва филдиракларнинг гашга тегувчи гижирлаши тинди. Тасир-тусир, гумбурлаш тугаб, нозик ва дилрабо куй янгради. Санчо бу бирон яхшилик далолати деб, жуда хурсанд бўлиб кетди.

Герцогинянинг ёнидан бир қадам ҳам силжимаган Санчо унга шундай деди:

– Сеньора, қаерда мусиқа чалинса, ўша ерда ҳеч қандай ёмонлик бўлмайди.

– Ёруғлик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин, – деб жавоб қилди герцогиня, – чунки ундан барча инс-у жинс қочади.

Бунга Санчо эътироз билдирди:

– Тўғри, аммо қаерда ёруғлик бўлса, у ерда олов бўлиши мумкин. Марҳаматли хоним, қаранг, атрофимизда қанча ўт ёняпти. Ишқилиб, бизни ёндириб

юборишмаса бўлгани. Муסיқа эса ҳамиша байрам ва шод-хуррамликни англатади.

– Ҳали буни кўрармиз, – деди уларнинг суҳбатини эшитиб турган дон Кихот.

Бу орада дидрабо куй садолари остида тўртинчи арава ҳам яқинлашиб кела бошлади, бу аравага устларига оқ ёпқич ёпилган олгита тўриқ хачир қўшилган бўлиб, ҳар қайси хачир устида оқ кийимда, қўлига катта машғал тутган тавба-тазарру этувчи кишилар ўтирарди. Бу арава аввалгиларидан икки, ҳатто уч баравар катта эди. Унга қараган одам ҳам ҳайратда қолиши, ҳам даҳшатга тушиши мумкин эди: аравада эгниларига оқ кийган, қўлларида машғала тутган тавбасига таянувчи ўн икки киши ўртасидаги баланд тахтда қават-қават заррин гулли кумуш ранг ёпқичларга бурканиб, бир пари-фаришта ўтирарди. Юзидаги ҳарир парда остидан ёш, гўзал чехраси кўриниб турарди. Унинг ёнида юзига қора парда тутган, қора кийим кийган бир кимса ўтирарди. Арава герцог, Герцогиня ва дон Кихотларнинг олдига келиб тўхтаганда, муסיқа овози ҳам тинди. Номаълум кимса ўрнидан турди-да, пардасини кўтарди. Шу он ҳозир бўлганлар олдида Ажалнинг шундай қўрқинчли қиёфаси намоён бўлдики, дон Кихот ҳам қовоғини солиб олди, Санчо эса қўрқиб кетди, герцог ва герцогиня салпал титраб кетишди. Тирик Ажал эса қаддини ростлаб, уйқусираган товуш билан шундай деди:

*Иблис турган зот деганлари  
 Менман ўша! Мерлинман ўша!  
 Жодугар-у сеҳргар бари  
 Шох тақади бошига қўша.  
 Мен-чи бироқ бутунлай бошқа,  
 Қалбимда бор туйғулар илиқ.  
 Тобосолик Дульсиняя ҳақда  
 Хабар келди қайғуга тўлиқ,  
 Эмишларким, ёвуз куч қаттол.  
 Унинг руҳин босиб олганмиш.  
 Шундай бир зот шаддод ва қўпол*

Деҳқон қизи бўлиб қолганмиш.  
Раҳм қилурман мен унга ҳозир  
Ва руҳимни солгум дилига.  
О, жасур зот, ҳайиқмай тақир,  
Пешвоз чиқиб тургин йўлига.  
Тобосолик Дульсинея қайта  
Ўз ҳолига келмоғи учун  
Жасур мерган Санчо ўзига...

Шу ерга келганда Ажал бирдан жим қолди; ҳамма нафасини ичига ютиб, унинг яна нима дейишини кутиб турарди. Бир неча дақиқадан сўнг, ўзини Мерлин деб атаган Ажал шундай деди:

– Бунинг учун яроқбардор ўзини ўзи дарра билан уч минг уч юз марта саваласин!

– Даф бўл-э! – қичқириб юборди Санчо. – Уч минг у ёқда турсин дарра билан уч марта уришнинг ўзи мен учун ханжар билан чавақлагандай гап. Агарда бошқача йўл билан сеҳрдан халос эта олмасанг, тур йўқол! Ҳайронман, менинг бечора баданим билан бунақа сеҳргарликларнинг нима алоқаси бор экан? Худо урсин, агар сеньор Мерлин сеньора Дульсинея Тобосскаяни бошқача йўл билан сеҳрдан халос қилолмас экан, уни шундайлигича дафн эта қолишсин.

– Эй сурбет, қўпол, ҳозир ёқангдан гиппа бўғаман-у, дарахтга боғлаб қўйиб, уч минг уч юзта эмас, олти минг олти юзта қамчи ураман, – деди дон Кихот. – Агар қаршилиқ кўрсатгудай бўлсанг, жонингни суғуриб оламан.

– Йўқ, эй олижаноб рицарь, – эътироз билдирди Мерлин, – бундай қилиш ярамайди. Санчо ўз ихтиёри билан, ўзи хоҳлаган пайтда ўзини саваласин. Бунинг учун аниқ муддат белгилаш керак эмас. Дарвоқе, башарти у бу зарбаларни қўли офирроқ бошқа одам уришига рози бўлса, зарбалар сони ярмига қисқариши мумкин.

– Бегонасиям, ўзимникиям, офириям, енгилиям, хулласи калом, ҳеч қандай қўл менинг баданимга тегмайди, – деди Санчо. – Ахир, бу қанақаси бўлди – нима, мен Дульсинеянинг отасиманмики, унинг гуноҳкор кўзлари

учун мен таним билан жавоб берайин? – Мана, менинг хўжайиним уни ҳар бир қадамида ҳаётим, таянчим, ишончим дейди. Уни сеҳр-жодудан ҳам ўша озод қилаверсин. Аммо мен ўзимни ўзим савалашга келганда эса, *abernuncio*.\*

Санчо бу сўзларни айтиб бўлмаган ҳам эдики, Мерлиннинг ёнида турган пари ўрнидан турди-да, гўзал юзидаги пардани олиб ташлаб, Санчога қараб жаҳл билан гапира кетди:

– Эй, бадбахт яроқбардор, бедаво кўнгил, тошбағир киши! Агар сенга, эй қонхўр қароқчи, баланд минорадан ўзингни пастга ташла дейишса, агар сенга, эй инсон зотининг душмани, бир дюжина қурбақа, икки дюжина калтакесак ва уч дюжина илонни е дейишса, башарти сендан хотининг ва болаларингни қилич билан сўй деб илтимос қилишса – сенинг бундай инжиқлигинг, ўжарлигингга ҳеч ким ҳайрон қолмас эди. Аммо қандайдир арзимаган уч минг уч юз дарра учун шовқин солиб, тортишиб туришинг бутун раҳмдил одамларни ҳайратда қолдирди, ранжитди. Назар сол, эй аянчли ва беҳис ҳайвон! Менга қарасанг-чи, эй ҳуркак бойўғли, сен менинг шаҳло кўзларимдан иссиқ кўз ёшлари тўкилаётганини кўрасан. Наҳотки, менинг ўн гулимдан бир гулим очилмаган давримда – ўн тўққиз ёшимда оддий қишлоқ аёлининг қўпол қиёфасида хазон бўлаётганимни кўриб, заррача бўлса-да ачинмасанг? Эй ёвуз махлуқ, мабодо сен мени чиройли қиёфада кўраётган бўлсанг, бу сеньор Мерлиннинг сенинг кўнглингга раҳмшафқат солиш учун марҳамат қилиб ўз ҳуснимни қайтариб берганлигидан. Жафокаш гўзалнинг кўз ёшлари қояни уводага, йўлбарсларни кўзичоққа айлантиради. Савала ўзингни, саваласанг-чи, эй қаттол ҳайвон, бир довюраклик қилиб ўзингнинг мечкайликдан бошқа ҳам ҳунаринг борлигини кўрсат. Менга теримнинг майинлиги, феълимнинг нозиклигини, юзимнинг гўзаллигини қайтариб бер. Башарти менинг гўзаллигим

\**Abernuncio* – лотинча *abrenuncto* – ҳеч қачон қилмайман, воз кечаман сўзининг бузиб айтилиши.



ва бахтсизлигим сенинг юрагингни юмшатоламаса, ёнингда турган фикри-ёдини мен банд этган бахтсиз рицарь учун, хўжайининг учун бу ишни қил. Унинг жони ҳалқумига тиқилиб турибди, агар сен ўжарлик қилаверсанг, бечора жонидан мангу ажралади.

Дон Кихот бу сўзларни эшитиб, томоғини силаб қўйди-да, герцогга мурожаат қилди:

– Худо ҳақи, сеньора Дульсинея рост айтяпти, менинг жоним худди замбаракнинг ўқидек томоғимга қадалиб турибди.

– Сиз бунга нима дейсиз, Санчо? – сўради герцогиня.

– Бояги айтганим айтган, – деди Санчо, – ўзимни ўзим уриш – *abernuncio*.

– Санчо, *abrenuncio* дейиш керак, – деди герцог.

– Мени тинч қўйинг, жаноби олийлари, – жавоб берди Санчо. – Ҳозир сўзлардаги ҳарфларни санаб ўтиришга вақтим йўқ. Ахир гап ё ўзимни ўзим, ёки биров мени савалаши устида боряпти. Мен ҳаяжонланиб сўзларни адаштириб юборган бўлишим мумкин. Сеньора Дульсинея, сизга қараб тўймаяпман. Сиз мени дарра билан ўз теримни ўзим шилиб олишимга ундаяпсиз-у, айти вақтда мени тўнгат, беҳис ҳайвон, тошбағир ва иблис ҳам тоқат қилолмайдиган бошқа ҳақоратлар билан койияпсиз. Ёки сиз менинг баданимни бронзадан ясалган деб ўйлаяпсизми? Сал шафқат қилинг! Сиз менинг кўнглимни овламоқчисиз-у, аммо мени бош-оёқ ясантириш ўрнига антиқа ҳақоратлар билан сийлаяпсиз. Ахир сиз, олтин эшак тоққа ҳам кўтариб чиқади, совғалар эса қояларни ҳам нуратади, худодан тила-ю, ҳаракатингдан қолма, деган ажойиб мақолларни билсангиз керак, албатта. Бунинг устига хўжайиним ҳам дарахтга боғлаб икки баравар қилиб савалайман, дейди. Йўқ, йўқ! Бу сеньорларга шуни эслатиб қўйишга тўғри келадик, бу ерда гап оддий бир яроқбардорнигина эмас, губернаторни савалаш устида кетяпти. Бу эса, мен сизларга айтсам, бўёқчининг нили эмас. Йўқ, йўқ, сеньорлар. Аввало,

тузукроқ илтимос қилиш ва кўндиришни ўрганиб олинглар. Бунинг устига уйнинг гапи кўчага тўғри келмайди: кишининг авзойи доим бир хил бўлавермайди. Мана ҳозир, – бусиз ҳам менинг яшил камзулим йиртилиб кетганидан фигоним фалакка чиқиб турибди-ку, бунинг устига кела солиб: «Ўз ихтиёринг билан ўзингни савала» дейишларига ўлайми буларнинг. Ўз ихтиёрим билан эмиш-а! Ҳали замон ўз ихтиёринг билан қозиққа ўтир дерсизлар.

– Лекин, дўстим Санчо, – деди герцог, – агар сиз бу бечорага ачинмасангиз, сизга оролни бошқариш насиб қилмайди. Ахир, мен жафокаш қизларнинг кўз ёшлари ҳам, оқил ва фозил одамларнинг ҳамда сеҳргарларнинг илтимослари қор қилмайдиган тошбағир одамни губернатор қилиб тайинласам, менинг тўғримда нималар дейди одамлар? Хулласи калом, Санчо, ё сиз ўзингизни савалайсиз ёки бўлмаса, сизни савалайдилар, ёки сиз губернаторликдан воз кечасиз.

– Сеньор, – деди Санчо, – менга ўйлаб олиш учун икки кун муҳлат бермайсизми?

– Ҳеч қачон, – эътироз билдирди Мерлин. – Сиз дарҳол жавоб беришингиз керак. Дульсинея яна Монтесинос ғорига қайтиб, қишлоқи аёл қиёфасида азоб чекаверади ё сиз ўзингизга кўрсатилган миқдордаги даррани урмагунингизча Елисей далаларига<sup>83</sup> учиб бориб, худди сиз ҳозир кўриб турганингиздай гўзал қиёфада юраверади.

– Хўш, соф кўнгил Санчо, – деди герцогиня, – қани, бир қарорга келинг. Дон Кихот берган туз-намакни оқланг. Биз ҳаммамиз олижаноблиги ва мардликлари учун бу қаҳрамон рицарга доимо хизмат қилишимиз керак. Тезроқ розилик бера қолинг ўзингизни савалашга. Илоё, шайтоннинг бўйни узилсин, қўрқоқларнинг юраги ёрилсин. Ҳар қандай фалокат қаҳрамон юракка бас кела олмайди.

Аммо Санчо вақт ўтказиш учун гапни бураркан, Мерлиндан сўради:

– Марҳаматли сеньор Мерлин, айтинг-чи, ахир бу ерга чопар қиёфасида келган иблис сеньор Монтесиноснинг номидан гапириб, уни шу ерда кутиб туришимизни ва сеньор Монтесинос менинг хўжайинимга Дульсинея Тобосскаяни қандай қилиб сеҳрдан халос этиш йўлини айтади деган эди, ҳолбуки, шу пайтгача бу сеньорни кўрганимиз йўқ.

Бунга Мерлин шундай жавоб қилди:

– Дўстим Санчо, ўша иблис нодон ва ўтакетган ярамас. Мен уни сизнинг хўжайинингизнинг ҳузурига Монтесинос номидан эмас, ўз номидан юборган эдим. Монтесинос қачон мени сеҳрдан халос этишаркан деб ғорида интизор бўлиб кутиб ётибди. Қани, энди савалаш учун розилик беринг, ахир. Менга ишонинг, савалаш баданингизга ҳам, қалбингизга ҳам катта фойда келтиради: қалбингизга фойдаси шуки, у кишини раҳмдил қилади, баданингизга фойдаси шундаки, кўриб турибманки, серқон одам экансиз, озгина қонингиз кетса, ҳеч нарса бўлмайди.

– Дунёда жуда табиблар кўп-да, – жавоб қилди Санчо, – сеҳргарлар ҳам шу иш билан машғул бўлгандан кейин... Хўш, ростки ҳамма мени кўндиришга уринаётган экан, гарчанд ўзим бошқача фикрда бўлсам-да, ўзимга уч минг уч юз дарра уришга розиман, аммо битта шартим бор: бу аҳмоқона ишни ижро этишнинг ҳеч қандай муддати белгиланмайди, қачон хоҳласам, шунда ўзимни-ўзим савалайман. Айтгандай, бутун дунё сеньора Дульсинеянинг гўзаллигидан баҳраманд бўлсин деб, бу қарзни тезроқ узишга ҳаракат қиламан. Ростини айтсам, уни шунчалик соҳибжамол деб ҳеч ўйламаган эдим. Яна шуни айтиб қўяйки, мен ўзимни қон чиққунча савалашга мажбур эмасман, баъзан урганларим пашша чўчитгудай бўлса ҳам, ҳисобга қўшилаверади. Борди-ю ҳисобдан адашиб кетсам, ҳар нарсадан хабардор бўлган сеньор Мерлиннинг ўзлари ҳисоблаб, менга қанча кам-ортиқлигини айтиб туради.

– Бу тўғрида ташвиш тортманг, – деди Мерлин, – чунки сиз белгиланган калтакни еб бўлишингиз биланоқ

сеньора Дульсинея сеҳрдан халос бўлиб, яхшилигингиз учун миннатдорчилик билдиргани ва сизни тақдирлагани ҳузурингизга келади. Шунинг учун ҳисобдан адашиб кетаман, деб қўрқманг: тангрининг ўзи сизнинг қилча адашувингизга йўл қўймайди.

– Ундай бўлса, ўзимни худонинг ихтиёрига топшираман, – деди Санчо. – Мен аччиқ қисматимга бўйсуниб, ўзимни савалашга қўнаман. Майли, бўлганича бўлар.

Санчо бу сўзларни айтиб тугатмасданоқ сурнай оҳанглари янграб кетди, сон-саноқсиз милтиқлардан ўқ варанглади, дон Кихот эса Санчони қучоқлаб ўпа бошлади. Герцог, герцогиня ва аъёнлар ўзларининг гоятда мамнун бўлишганини билдиришди. Дульсинея герцог ва герцогиняга, кейин Санчога икки букилиб таъзим қилди-ю, аравада жўнаб кетди.

Бу пайтда тонг отай деб қолган эди. Дала гуллари ўзларининг қуйи солинган бошларини яна кўтардилар, ариқлардаги зилол сувлар чулдираб, оқ ва сариқ майда тошлар орасидан ўтиб, ўз ўлпонларини тўлагани олис-ларда кутиб турган дарёлар сари илгарилаб кетишди. Қувноқ ер, мусаффо осмон, шаффоф ҳаво, ёрқин ёруғлик куннинг ёруғ ва очиқ бўлишидан дарак бериб турарди. Яхши ов ва дон Кихотнинг устидан қилинган ўтқир ҳазилдан мамнун бўлишган герцог ва герцогиня яна қандайдир янги ҳазил топиш истаги билан қасрга қайтишди, чунки дунёда ҳеч нарса уларга бунчалик ҳузур бахш эта олмас эди.

### ҚИРҚ САККИЗИНЧИ БОБ

#### **ДУЭНЬЯ ДОЛОРИДА ЁКИ ГРАФИНЯ ТРИФАЛЬДИНИНГ АЖОЙИБ САРГУЗАШТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, САНЧОНИНГ ЎЗ ХОТИНИ ТЕРЕСА ПАНСАГА ЁЗГАН МАКТУБИ**

Герцогнинг жуда қизиқчи ва ғалати эшик оғаси бор эди. Маҳрамлардан бирига Дульсинея ролини топширишни ўйлаб топган ва бу томошаларни ўрмонда ижро

этган ҳам ўша эди. Тез кунда у яна бир янги ажойиб, томошани ташкил этди.

Ўрмондаги антиқа воқеанинг эртасига герцогиня Санчодан Дульсинеяни ёвуз сеҳргарлар сеҳру жодусидан халос этиш учун тавба-тазарру машқини, яъни ўзини ўзи савалашни бошлаган-бошламаганлигини сўради.

Санчо эса бошлаганини, алақачоноқ ўзига беш марта зарба берганлигини айтди. Герцогиня нима билан зарба берганини сўради.

– Шундай, қўлим билан, – жавоб берди Санчо.

– Бу қандай савалаш бўлди! – деди герцогиня. – Ишончим комилки, сизнинг ўзингизга қилаётган бу мурувватингиз донишманд Мерлингга ёқмайди. Сиз, Санчо, ўзингизни бошлаб қамчилашингиз керак. Ўзингизни шапатилаш билангина сеньора Дульсинеяни сеҳр-жодудан халос этиб бўлмайди. Шунини яхши билдингиз, Санчо, кўнгилашлик орқали ношудлик билан бажарилган ишнинг аҳамияти бўлмайди ва ҳеч қачон ҳисобга ўтмайди.

Бунга Санчо шундай жавоб берди:

– Бўлмаса сиз, ҳазрати олиялари, менга боп келадиган қамчи ҳадя қилсангиз. Агар у жуда ҳам оғритмайдиган бўлса, мен уни ишлатаман. Рухсатингиз билан шунини айтишни лозим топаманки, марҳаматли бекам, гарчанд мен оддий деҳқон бўлсам-да, баданим дағал эмас, пахтага ўхшайди, шунинг учун ҳам бошқаларнинг фойдаси деб ўзимни майиб қилишим ярамайди.

– Бош устига, – жавоб берди герцогиня, – эртагаёқ сизнинг нозик баданингизга мос қамчи ҳадя қиламан.

Санчо бир дақиқа жим қолиб, кейин гапни бошқа ёққа буриш мақсадида шундай деди:

– Ҳазрати олияларига маълум бўлсинки, қимматли сеньора мен хотиним Тереса Пансага хат юборишга қарор қилдим. Хатимда саёҳат пайтида юз берган воқеаларнинг ҳаммасини айтаман. Хатни юборишдан аввал доноларнинг доноси бўлмиш сиз ҳазрати олияларнинг у билан танишиб чиқишингизни жуда истар-

дим. Менимча, хат худди губернаторлар ёзадигандек қилиб ёзилган.

– Ким тўқиган уни? – сўради герцогиня.

– Мен гуноҳкор бандадан бошқа ким ҳам тўқирди? – жавоб берди Санчо.

– Хатни ҳам ўзингиз ёздингизми? – давом этди герцогиня.

– Вой-бўй, нималарни истамайсиз-а, бекам! – жавоб берди Санчо. – Ахир, мен ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайман-ку. Бир амаллаб ўз исмимни ёзаман, холос. Хатни мен айтиб турдим, эшик оғангиз ёзди.

– Қани беринг-чи, кўрайлик, – деди герцогиня. – Эҳтимол, у жуда мазмунли ва қизиқ мактуб бўлса керак.

Санчо қўйнидан ҳали беркитилмаган хатни олиб, герцогиняга берди.

#### *Санчо Пансанинг хотини Тереса Пансага мактуби*

*Шундай қилиб, азизам Тереса, энди менинг губернатор бўлишимга озгина қолди. Фақат у мени савалаш эвазига қўлга киритилади. Қимматли рафиқам, сен ҳозирча бунга тушунмайсан, лекин кейинроқ сенга ҳаммасини бирма-бир айтиб бераман. Шу нарсани билиб қўйки, Тереса, энди сен каретада юришинг керак, сичқон қувган мушукларгина яёв юрсин, ҳа, мен шундай қатъий қарорга келдим. Сен губернаторнинг хотинисан, билиб қўй, сени оёқ ости қилишларига йўл қўйма. Хат билан бирга сенга яшил ов кийими жўнатаяпман, уни менга герцогиня ҳадя қилди. Уни қизимизга белбогли юбка қилиб беришга ҳаракат қил. Жанобим дон Кихотни эса бу ердаги ўлкаларда жинни бўлса ҳам доно, тентак бўлса ҳам ажойиб дейишади. Мени сеньоридан сира қолишмайди, деб қўйиб ҳам қўйишади. Биз Монтесинос юртида бўлдик. Донишманд Мерлин ўз ватанида оддийгина қилиб Альдонса Лоренсо деб юритиладиган Дульсиняя Тобосскаяни ёвуз сеҳргарлар сеҳридан халос этиши учун мени танлади. Мен ўзимни қамчи билан уч минг уч юз марта*

савалашим керак, шундагина у озод қилинади. Билиб қўй, тагин бу ҳақда ҳеч кимга оғиз оча кўрма. Агар қилган ишларингни одамларга айтсанг, биров сени қора деса, иккинчиси оқ дейди. Яна бир неча кундан сўнғ ўз оролимга жўнайман. Кўпроқ пул тўплашни жуда-жуда истайман. Айтишларига қараганда, умуман, янги тайинланган ҳамма губернаторлар ҳам ана шу орзу билан яшашаркан. Янги ерга бориб бир оз кўникиб, у-бу орттирганимдан кейин бу ёққа келсанг бўладими ёки йўқми, ҳаммасини, албатта, ёзиб юбораман. Кулрангим ўзини яхши ҳис этяпти, у сенга салом йўллаётир. Башарти мени турклар султони қилиб кўтарганларида ҳам, ундан асло ажралмайман. Герцогиня, менинг валинеъматим, сенинг қўлларингни минг марталаб ўпади, сен унга икки ёки уч минг марта бўса инъом қил. Хўжайиним айтганидек, ширин сўз билан давлатинг камаймайди. Бу сафар худойим менга бир чемодан ақча ато қилишни раво кўрмади. Лекин бунга ачинма, азизим Тереса. Сал сабр қил: губернатор бўлганимдан сўнғ тувагимиз ҳам олтиндан бўлиб кетади. Хуллас, бир сўз билан айтганда, қандай бўлмасин сени бойвучча қиламан.

Эринг, губернатор Санчо Панса.

Герцогиня хатни ўқиб бўлгач деди:

– Жуда яхши ёзилибди-ю, лекин бир жиҳатдан марҳаматли губернаторимиз хиёл ҳақ йўлдан чиқиб кетибдилар: бир ерда таъмагирлик, очкўзлик яққол билиниб қолибди. Гуллар очилмай туриб сўлиб қолишдан кўрқаман. Нафси ёмон ҳайитда ўлади, дейдилар. Фаразгўй, таъмагир ҳукмдор эса адолат билан иш юритолмайди.

– Ахир, мен сира ҳам бундай демоқчи эмас эдим, сеньора, – жавоб берди Санчо. – Марҳаматли бекам хат нотўғри ёзилпти деб ўйласалар, келинг, яхшиси йиртиб ташлай қоламиз. Фақат бошқаси бундан ҳам баттар чиқиб қоладими деб кўрқаман. Ўз миямга ишонишим қийин.

– Йўқ, йўқ, – эътироз билдирди герцогиня, – хат жуда яхши ёзилган, шунинг учун ҳам мен уни герцогга кўрсатишни истайман.

У шу сўзларни айтди-ю, бугун тушки овқатланишга қарор қилинган боққа қараб кетди.

Герцогиня хатни герцогга кўрсатган эди, у ҳузур қилиб ўқиб чиқди. Овқатланиш шод-хуррамлик билан ўтди. Ниҳоят, дастурхонни ҳам йиғиштиришди. Бироқ герцог билан герцогиня Санчонинг ажойиб қизиқчилигидан роҳат қилиб ҳали ҳам жойларидан қимирлагилари келмасди. Сокин ва осойишта оқшом эди. Бирдан найнинг мунгли садоси ва дўмбираларнинг бўғиқ, хавотирли садолари эшитилди. Бу жанговар ва мунгли мусиқа товушидан ҳамма ҳайратда қолди. Айниқса, дон Кихот ҳаяжондан жойида ўтиролмади. Санчо эса кўрққанидан одатланиб қолган панагоҳига – герцогинянинг ортига ўтиб олди. Тўғрисини айтганда, боғдан келаётган оҳанг садоси ҳақиқатан ҳам хатарли ва мунгли эди. Бу ерда ҳозир бўлганлар ҳаммаси ҳайрон бўлиб анграйиб турган бир пайтда, боққа кенг ва узун мотам либосидаги икки киши кириб келди, уларнинг этаклари ер супуриб келарди. Улар ҳадеб қора мато сирилган катта дўмбирани чалар эдилар. Уларнинг кетидан худди шулардек бошдан-оёқ қора кийиниб олган найчилар, найчиларнинг ортидан эса этаги ерга судралиб юрадиган қоп-қора чакмон кийган баҳайбат гавдали бир киши ҳам келарди; чакмони устидан сербар қора белбоғ боғлаб олган бўлиб, унда қора қинли каттакон қилич осиглиқ турарди. Юзига юпқа қора ниқоб тутилган бўлиб, унинг устидан узун қордек оппоқ соқоли кўриниб турарди. У дўмбира оҳанглари остида салобат билан қадам ташларди. Унинг ҳайбатли қомати, виқорли одим ташлаши, қоп-қора либоси ва атрофдаги мулозимлари ҳар қандай одамни, айниқса, бу кишиларнинг кимлигини билганларни лол қолдирмай қўймас эди.

Бу номаълум одам аста тантанали равишда ўз яқинлари даврасида уни кутиб турган герцогга яқинлашиб,



тиз чўқди. Герцог эса ўрнидан туришни буюрди. Шундан кейингина улқан гавдали киши ўрнидан туриб, ҳали инсон кўзи кўрмаган даҳшатли, серсоқол башарасини очиб юборди. Кейин герцогга тикилиб туриб секин, лекин оҳангдор қилиб деди:

– Улуғ, қудратли сеньор, мени Трифальди Оқ Соқол дейдилар; мен – дуэнья Долорида деб аталувчи графиня Трифальдининг яроқбардориман. У мени сиз ҳазрати олийларининг ҳузурларига ўзининг бағоят мусибатли қайғу-аламини билдириш учун рухсатингизни сўрагани чопар қилиб юборди. Лекин ҳаммадан олдин у жасур ва енгилмас рицарь ламанчлик дон Кихотнинг сизнинг қасрингиздами, йўқми, шуни билишни истайди. Бу шавкатли рицарни қидириб у ўзининг олисдаги қироллигидан гоҳ яёв, гоҳ оч-наҳор қолиб сизнинг мамлакатингизга етиб келди. Графиня саройингиз дарвозаси олдида турибди, агар сиз мақбул жавоб берсангиз, у киши ҳузурингизга ташриф буюрадилар. Гапим тамом.

У шундай деди-ю, йўталиб олиб, қўллари билан соқолларини тутамлаб, герцогнинг жавобини сабрсизлик билан кута бошлади. Герцог эса шундай жавоб берди:

– Графиня Трифальдининг бошига оғир мусибатлар тушганлиги, яъни ёвуз сеҳргарлар уни дуэнья Долорида деб аташга мажбур қилганликлари ҳақидаги хабар бизга аллақачоноқ етиб келган эди. Унга шуни айтингки, жасур ламанчлик рицарь дон Кихот шу ердадир, у, албатта, ҳар қандай ёрдам ва ҳимоясини аямайди. Менинги ўзим ҳам унга ёрдам беришга тайёрман, зероки, рицарлик шаъним тақозо этади буни.

Трифальди бу сўзларни эшитиб, яна тиз чўкиб таъзим қилди-да, найчи билан дўмбирачига ишора қилиб боққа қандай қилиб кириб келган бўлса, худди шундай тантанали вазиятда орқага қайтди. Герцог эса дон Кихотга мурожаат қилиб деди:

– О, машҳур рицарь, сизнинг шарафли жасурлигингиз нақадар улуғ! Ҳали бизнинг паноҳимизга келиб улгурмасингизданоқ узоқ мамлакатларнинг ҳар чеккасидан кишилар сизнинг ёрдамингиз ва ҳимоянгни

сўраб келишмоқда. Чунки улар сизнинг ҳиммат ва жасоратингизнинг ниҳояси йўқдигини яхши билишади.

– Худойимга шукроналар ўқийман, – жавоб берди дон Кихот. – Чунки у менинг жаҳонгашта рицарь бўлишимга ижозат берди. Бу йўлда бошимга қанчадан-қанча кулфат-у алам тушмасин, қанчалик қийинчиликларга дуч келмай, бари бир уларнинг фойдали бўлишига имоним комил. Фақат шуниси ачинарлики, шу тобда бу ерда ҳурматли руҳонийингиз йўқ. Эсингиздами, жаҳонгашта рицарлар ҳақида у қанчалик нафрат билан сўзлаганди. Ҳозир у барча ҳасрат-надоматга ботган, мазлумларнинг худди ана шу жаҳонгашта рицарлардан нажот истаб келишларига ишонч ҳосил қилган бўларди. Майли, ўша дуэнья мендан истаганини сўрай қолсин: билакдаги бор кучим ҳамда қўрқув билмас руҳим унинг бошига тушган фалокатдан қутулишига хизмат қилсин.

Герцог ва герцогиня дон Кихотнинг улар ўйлаб топган ҳазилини ҳақиқат деб билиб, бунга қанчалик соддадиллик билан ишонганидан хурсанд бўлиб кетдилар. Санчо ўйлаб туриб шундай деди:

– Бу сеньора дуэнья менинг губернатор бўлишимга халал бермаса деб қўрқаман. Толедолик бир танишим: «Башарти ишга дуэньялар аралашдими, тамом, бундан яхшилик кутма», деган эди. Тагин бу дуэнья Долорида\* ёки графиня Трифальди, ё бўлмаса Уч думли (қадимги испан тилида фальди ҳам дум деган маънони англатарди) бизга бирор касофат келтирмасин деб чўчияпман.

– Бас қил, дўстим Санчо, – уни сўзлашдан тўхтатди дон Кихот, – бу сеньора дуэнья шунчалик узоқ мамлакатдан келибдими, демак, у сенинг танишинг айтган дуэньялардан эмас, бунинг устига у графиня. Графинялар эса қиролича ёки маликаларгагина дуэньялик хизматини қилади. Ўз уйларида бўлса улар аслзода хонимлар ҳисобланадилар, уларга бошқа дуэньялар хизмат қилишади.

Бу гапни эшитган Донья Родригес шундай деди:

\* Долорида испанчада гамгин, шикоятгўй деган маънони англатади, бизнингча эса йиғлоқи деса ҳам бўлади.

– Менинг сеньора герцогиням дуэньялари орасида шундай хонимлар борки, агар тақдир ёр бўлса, улар ҳам графиня бўлишлари мумкин эди. Ҳеч ким дуэньялар ҳақида аҳмоқона гап гапирмасин. Шуниси ҳам борки, яроқбардорлар ҳар маҳал ҳам бизнинг душманимиз бўлиб келишган, улар пойгоҳда қолиб кетиб, доим гийбатимизни қилишади, бекорчиликдан бизнинг шон-шарафимизга чуқур қазимоқчи бўлишади. Илоё бошлари банди эшкакчиликдан чиқмасин, биз бўлсак қасдма-қасдликка яшайвераимиз, тагин очликдан ўлиб кетиш ёки қора рўдапога ўралиб юриш ўрнига ҳаша-матли қасрларда яшаймиз.

Най ва дўмбиралар садоси остида дуэнья Долориданинг боққа кириб келиши билан суҳбат узилиб қолди. Меҳмон ҳар ҳолда графиня ва аслзода хоним бўлгани учун герцогиня эридан, унга пешвоз чиқмаймизми, деб сўради. Герцог бунга жавоб бериб улгурмасдан, Санчо сўзга аралашди:

– У графиня бўлгани учун ҳам, ҳазрати олийлари, пешвоз чиқсаларингиз бўларди, лекин у дуэнья экан, жойларингиздан қўзғалмасангизлар ҳам бўлаверади, деб ҳисоблайман.

– Сенга биров бу ишга аралашсин деяптими, Санчо?  
– деди дон Кихот.

– Ким сўраяпти? – жавоб қилди Санчо. – Мен ҳаққим бўлгани учун аралашяпман: ахир, бекорга сизнинг яроқбардорингиз эмасман-ку, бу одоб-муомалани марҳаматли жанобларининг ўзларидан ўрганганман, ахир, сизни энг одобли, яхши тарбия кўрган рицарь деб айтиш мумкин-ку.

– Санчо ҳақ, – деди герцог, – олдин қанақа графиня эканини кўрайлик-чи, кейин унга қандай муносабатда бўлиш лозимлигини ҳал қиламиз.

Шу дақиқада боққа кириб келаётган мусиқачилар билан бирга жун матодан тикилган узун кўйлакли ва пешлари ерга теккудек оппоқ халат ёпинган йигирма чоғли дуэньялар пайдо бўлишди. Уларнинг кетидан яроқбардори Трифальди Оқ Соқолнинг қўлига суянган ҳолда

графиня Трифальдининг ўзи кириб келди. У гоят узун, уч тарам этакли ҳарир қора матодан кўйлак кийиб олган, унинг орқасидан эса барининг учидан тутган мотамсаро либосдаги уч этакбардор келарди. Бу кесма учбурчак чиройли математик шакл касб этган эди. Шунинг учун ҳам ҳамма шу замоноқ графиня Трифальдининг худди ана шу безаклар ифодалаб турганини, яъни унинг графиня Уч фальд эканлигини англади.

Бу сеньора дуэньялар қуршовида салобат билан одим ташлаб келарди, дуэньяларнинг бетларига тортилган қора чодирлар Трифальдиникидек юпқа ва ҳарир бўлмагани сабабли ҳеч нарса кўринмасди. Бу ҳолни кўрган герцог, герцогиня ва дон Кихот, улар кетидан эса бошқалар ҳам ўринларидан туришди. Дуэньялар яқинлашгач тўхтаб, Трифальдининг қўлига суяниб келаётган Долоридани олдинга ўтказиб юбордилар. Герцог, герцогиня ва дон Кихотлар унга томон йигирма қадамча юрдилар, Долорида эса тиз чўкиб бўғиқ ва хириллаган товуш билан сўзлай кетди:

– Ҳазрати олийлари, илтифот кўрсатиб ўзларининг содиқ хизматкорларига, кечирасиз, оқсочларига, бунчалик иззат-икром кўрсатмасалар. Сўздан адашиб қолаётганим учун ажабланманг. Мени ҳозир шундай бир қайғу азоблаяптики, баландпарвоз гапларни айта олмайман. Кутилмаган фалокат ақлимни олиб, эҳтимолки, нариги дунёга равона қилди, шунинг учун уни қанча қидирмай, бари бир топа олмайман.

– Дарҳақиқат, сеньора графиня, – деди герцог, – олижаноб ва яхши тарбия кўрган кишиларга нисбатан кўрсатиладиган ҳурмат-эҳтиромга лойиқ эканлигининг фаҳмига етмаслик учун ақлдан озмоқ лозим.

Герцог шундай деди-ю, қўлини тутиб, унга ўзидан кам мулозамат қилмаётган герцогиня ёнидаги ўриндиқдан жой кўрсатди. Дон Кихот жим эди, Санчо эса Трифальдининг ёки унинг дуэньяларидан бирортасининг башарасини кўриш иштиёқида ёнарди. Лекин ўзининг бу сезгисини сира билдиргиси келмасди, шунинг учун

ҳам токи уларнинг ўзлари бетларини очишларини кутиб туришга тўғри келди.

Ҳамма ҳам ўртадаги жимликни бузиб қўймаслик учун сукут сақлаб турарди. Ниҳоят, дуэнья Долорида сўз очиб қолди:

– Аминманки, қудратли сенъор, гўзал сенъора, қолган ҳамма оқил ва фозил жаноблар, менинг дард-у аламим қалбларингизда мурувват уйғотади, дардимга ҳамдард бўласизлар, zeroки, бошимга тушган надоматлар шу қадар зўрки, у совуқ мраммарни ёради, олмосни юмшатади, пўлатни эритади. Аввало, бу ажойиб жамоатчилик орасида енгилмас рицарь дон Кихот ва унинг яроқбардори Санчо Панса борми-йўқлигини билишни истардим?

Бунга бошқалар ҳали жавоб бермаслариданоқ, Санчонинг ўзи оғиз жўблаб қолди:

– Киройи яроқбардор Панса жаноблари шу ерда, айни дон Кихот зоти олийлари ҳам. Таъблари неники истаса, бемалол сўзлайверсинлар, зотан, сизнинг амри олийларингизга муштоқ хизматкорингизмиз.

Шундан кейин дон Кихот ўрнидан туриб, Долоридага қараб деди:

– Агар сизнинг чексиз уқубатларингиз, сенъора, жаҳонгашта рицарнинг жасорати ҳамда забардаст билаги сизга ёрдам бера олишига бўлган умидингизни йўқотмаган бўлса, у ҳолда мен бор кучимни, у қанчалик ожиз ва назарга илмайдиган даражада бўлмасин, сизнинг хизматингизга ишлатишга тайёрман. Мен ламанчилик дон Кихот бўламан, – менинг бурчим барча ночорларга ёрдам кўрсатишдир. Бизга йиғи-сиғи билан арз қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Уқубатларингизни тўғри ва очиқ-ойдин айтиб беринг, биз сизга қулоқ солиб, ёрдам беришга ёки ҳеч бўлмаганда дардингизга ҳамдард бўлишга тайёрмиз.

Буни эшитган дуэнья Долорида ўриндиқдан ирғиб турди-да, ўзини дон Кихотнинг оёқларига ташлаб деди:

– О, енгилмас рицарь, барча жаҳонгашта рицарлик остоналарига бош эггандек сизнинг оёқларингизга бош

қўяман, бошимга тушган кулфат-уқубатларни топтаб мени мусибатлардан холи қилишга қодир оёқларингизни ўпмоқчиман. О, шавкатли жаҳонгашта рицарь, сизнинг улуғвор жасоратларингиз Амадислар, Эспландианлар<sup>84</sup> ҳамда Бельянисларнинг барча афсонавий жасоратларидан минг чандон ошиб тушади.

Кейин у Санчо Пансага мурожаат қилиб, унинг қўларига маҳкам ёпишиб олган ҳолда деди:

– О, жаҳонгашта рицарлар яроқбардорлари орасида энг содиғи, сенинг шон-шавкатинг ва эътиборинг менинг ҳамроҳим Трифальдининг соқолидан ҳам каттадир. Сен улуғ дон Кихотга хизмат қилиш билан фахрлансанг арзийди, чунки унинг тимсолида қадимги барча рицарларга хизмат қилаётирсан. Сенинг садоқатингга офаринлар ўқийман, токи сен мен билан жанобинг ўртамизда ҳакамлик қил, токи у мени, итоатли ва бахтиқаро графиняни ўз ҳимоясига олсин.

Санчо эса бунга шундай жавоб қилди:

– Менинг шон-шавкатим ҳамда эътиборим ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, сеньора. Мен бундай ёлворишларсиз ҳам жанобимдан сизга ёрдам беришни сўрашга тайёрман. Фақат бошингизга тушган кулфатларни тезроқ очиқ-ойдин айтиб берсангиз бўлгани. Марҳаматли хоним, ундан кейин кўп хафа бўлаверманг. Биз жанобим билан сизга қандай ёрдам бера олишимиз ҳақида ўйлаб кўрамиз.

Бу гапларни эшитаркан герцог ва герцогинялар кулавериб ичаклари узилаёзди. Ичларида графиня Трифальдининг ўткир зеҳни ва ишни усталлик билан олиб бораётганига таҳсин ўқирдилар. У эса гапида давом этди:

– Улуғ Трапобана ҳамда Жанубий денгиз оралиғидаги Коморин бурунидан икки мил наридаги шонли Кандайя қиролигида донья Магунсиа – қирол Арчипьелининг бева хотини ҳукмронлик қиларди; унинг Антономасиа исмли гўзал қизи бор эди. Онасининг барча дуэнья энагалари ичида энг мўътабар ва машҳури бўлганим учун у менинг назоратим остида тарбияланарди. Биз

тинч-хотиржам, бахтли яшардик. Йиллар кетидан йиллар ўтиб борарди. Ниҳоят Антономасиа ўн тўрт ёшга кирди. У шу қадар чиройли эдики, худди табиат бундай гўзалликни бошқа яратолмайдигандай. Унинг бу гўзаллиги бутун ер юзига ёйилди, ўз ўлкамиз ҳамда бегона юртлардан келган ботир шаҳзодалар эшигимизга танда қўя бошладилар. Улардан бири – оддий бир рицарь маликамнинг қалбини ром қилмоқчи бўлибди. У ўзининг навқиронлиги ҳамда ҳусни, зеҳнининг ўткирлиги ҳамда қўлидан ҳар қандай иш келишига ишонган эди. Лекин шуни айтиб қўйишни истайманки, олий ҳазратлари, агар ҳикоям сизни зериктириб қўймаган бўлса, ўша йигит гитара чалганида унинг торлари тилга кириб кетарди: бунинг устига у ҳам шоир, ҳам ажойиб рақс тушадиганлардан эди, ҳатто у қушчалар учун қафаслар ясашни, лозим бўлса, тирикчилик учун пул ҳам ишлашни биларди.<sup>85</sup> У шундай қобилияти билан нозиккина бир қизнинг қалбини ром этиш у ёқда турсин, тоғни ҳам ўрнидан суриб қўя оларди. Бироқ у қотил ва қароқчи дон Клавихо аввал ҳийлагарлик билан мени тузоққа илинтириш пайига тушмаганида эди, унинг гўзаллиги ҳам, жозибаси ҳам, истеъдоди ҳам шогирдимни асир қилолмасди. Бу маккор саёқ аввалига менинг юрагимни ўзига қаратиб олмоқчи бўлди. У қаёқдаги ёлғон-яшиқ гаплар билан қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириб, мени йўлдан оздириб, ўзига оғдириб олди. Шундан кейин менинг ёрдамим орқасида Антономасиа билан танишиб, уни ўзига ром қилди. Менинг эҳтиёткорлигим ва сезгирлигим сабабли дастлабки учрашуварини ҳеч ким сезмади, лекин бари бир уларнинг муҳаббати қачон бўлмасин ошкор бўлиши керак эди. Қандай бўлмасин ишни йўлга солиш лозим эди. Дон Клавихо руҳонийдан Антономасианинг қўлини сўрайдиган, маликанинг унга тегишни истаб ёзган хатини кўрсатадиган бўлди. Руҳоний хатни ўқиб, маликани чақиртириб унинг гапини эшитди, шундан кейин ҳурматли альгвасиллардан<sup>86</sup> бирининг уйига яширинишни буюрди...

Шу ерга келганда Санчо ҳикоя килувчининг сўзини бўлди:

– Кандайя альгвасиллар, шоир ва дуэньялар бор экан, қасамёд қилиб айтаманки, дунёдаги ҳамма ер ҳам бир хилда экан. Лекин сеньора Трифальди, тезроқ айта қолинг, кеч бўлиб қолди, мен бўлсам бу ишнинг оқиба-ти қандай тугаганини билишни жуда-жуда истайман.

– Ҳозир билиб оласиз, – деди графиня.

Санчонинг ҳар бир сўзи герцогиняни ҳайратда қолдирар, дон Кихотнинг эса фигонини оширарди. У яроқбардорига гапни бас қилишни буюрди. Долорида эса ҳикоясини давом эттирди:

– Руҳоний Антономасианинг олдига бир неча марта бориб, у билан узоқ-узоқ суҳбатлашди. У ниҳоят маликанинг ўз фикрида қаттиқ турганига ишонч ҳосил қилгач, Клавихо билан никоҳ ўқитишга розилик берди. Ниҳоят, у дон Клавихо томонига оғиб, Антономасиани унга шаръий жуфти ҳалолликка беришди. Бундан маликанинг онаси – қиролича донья Магунсия ич-этини еб, шу қадар куйиб кетдики, уч кундан кейин оламдан ўтди, уни кўмдик.

– Ростдан-а, – деди Санчо.

– Ҳаммаси аён гап, – жавоб берди Трифальди, – Ахир, Кандайяда тирикларни эмас, мурдаларгина кўмилади-да.

– Шундай воқеалар ҳам бўладики, сеньор яроқбардор, – эътироз билдирди Санчо, – баъзан ҳушидан кетиб қолган одамни ҳам ўлиб қолган деб кўмиб юборадилар. Менимча, қиролича Магунсия ўлиб қолмай, ҳушидан кетиб йиқилиши керак эди. Киши ҳаётлигида ҳамма ишни тўғриласа бўлади, бунинг устига маликанинг гуноҳи шунчалик хафа қиладиган эмас экан. Агар сеньора ҳаётда учраб турадиганидек ўз маҳрамига ёки бўлмаса бирор хизматкорига текканда эди, буни тўғрилаб бўлмасди. Бироқ, дуэньянинг таъбири билан айтганда, шундай ақлли ёш рицарга тегиш, худо ҳақи, сира ҳам аҳмоқлик эмас. Хўш, у граф ёки маркиз эмас, оддий дворян бўлса нима бўпти! Жанобимнинг айти-



шича, ҳар бир олим епископлик, ҳар бир рицарь эса, айниқса, жаҳонгашта рицарь қирол ёки императорлик умидидан баҳраманд бўлиши мумкин.

– Сен ҳақсан, Санчо, – деди дон Кихот, – жаҳонгашта рицарь, башарти ёвуз сеҳргарлар тўсқинлик қилмасалар, дунёда энг улуғ сеньор бўлиб олиши ҳеч гап эмас. Сиз давом этаверинг, сеньора Долорида. Менимча, сиз бу воқеанинг ачинарли тугалланишини гапириб беришингиз керак.

– Ачинарли бўлганда қандоқ! – жавоб берди графиня. – Бунинг олдида ҳатто аччиқ турп ширинлик қилади, толгул япроғи эса ундан ҳам мазаликка ўхшайди. Шундай қилиб, қиролича ҳушидан кетиб қолмади, балки ўлди, биз уни кўмдик. Унинг устига тупроқ тортиб, сўнги бор видолашмасимизданоқ қироличанинг қабри тепасида Магунсиянинг ёғоч от минган амакиваччаси – ўтакетган ёвуз, шу билан бирга сеҳргар Маламбруно пайдо бўлиб қолди. Ўз опаси учун қасд олиш, дон Клавихони бу қилғилиғи, Антономасиани энгилтаклиги учун жазолаш мақсадида у қабрнинг ўзидаёқ маликани сеҳрлаб, бронза маймунга, унинг эрини эса қўрқинчли тимсоҳга айлантириб қўйди. Улар ўртасига аввал кандайчасига, сўнгра эса испанчасига таржима қилганда: «Бу тентак келин-куёвлар фақатгина жасур ламанчлик мен билан яккама-якка олишувда куч синашиб кўргандагина ўз аслига келиши мумкин, зероки, тақдир уларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган саргузаштини фақат унинг шон-шавкатлари учун ато этган», деган сурияча сўзлар ёзилган устун ўрнатиб қўйди. Шундан кейин Маламбруно эгри қиличини қинидан суғуриб, менинг сочларимдан ушлаб олди-да, бошимни шартта узиб ташламоқчи бўлди. Қўрқиб кетганимдан гангиб қолдим. Тилим танглайимга ёпишиб қолган бўлса-да, бир амаллаб ўзимни ўнглаб олиб, дағ-дағ титраганимча ялиниб-ёлвориб илтижо қила бошладим. Маламбруно мени кечирди. У қиличини қинига солаётиб, ҳозир рўпарангизда турган дуэньяларнинг ҳаммасини олиб келинг, деб буюрди. Ҳаммамизни ўлимга эмас, оғир

жазога – узоқ ва шармандали жазога маҳкум этажани айтди. У гапни тугатмай турибоқ чаккаларимиз ва даҳанларимизга минглаб ўткир игналар санчила бошлаганини сездик. Биз беихтиёр қўлларимизни ёноқларимизга олиб бордиг-у, ҳозир сиз кўрадиган аҳволни англадик...

Шу замоноқ Долорида ва бошқа дуэньялар чодирларини очиб юбордилар-у, бу ердагиларнинг бари ғалати бир томошанинг гувоҳи бўлдилар. Ҳамма дуэньяларнинг соқоллари бўлиб, бир хиллариники кулранг, бошқалариники қора, оппоқ, яна бир хиллариники мошгуруч эди. Герцог ва герцогиня ҳайратда, дон Кихот билан Санчо Панса таажжубда, бошқалар бўлса довдираб қолишди. Графиня Трифальди эса гапида давом этди:

– Мана, бадбахт Маламбруно биз учун қандай жазо ўйлаб топибди. У бизнинг нозик юзларимизни дағал соқол билан қоплатди. Чеҳрамизни бунақа намат билан қоплагандан кўра ўлдиргани афзал эди. Лекин шуниси ҳам борки, бунақа соқолли дуэньялар кимнинг кўзига ҳам кўрина оларди? Бунга қайси ота-она чидаши мумкин? Ким унга ёрдам бера олади? Борди-ю, дуэньяларнинг юзи силлиқ бўлиб, уларнинг териси упа-элик билан чапланганда ҳам, бошқаларга манзур бўлиши қийин-у, бетига мана бунақа ўрмон ўсиб чиққанда, у нима ҳам қила олади? О, менинг дугоналарим, дуэньялар, бадбахт онларда дунёга келибмиз, оналаримиз бевақт туққан экан бизларни.

У шундай деди-ю, ҳамманинг кўз ўнгида ҳушидан кетиб қолди.

Шунда Санчо беҳуш ётган Долоридага қараб деди:

– Одобли кишилар ва бутун авлод-аждодларим номидан қасамёд қиламанки, умрим бино бўлиб бунақа воқеани эшитмаганман, ҳатто жанобим ҳам бундай ишлар бўлишини сира айтмаган эди. Ахир, бу унинг хаёлига ҳам келмаганди. Сен, сеҳргар ва баҳайбат Маламбрунога абадий лаънатлар бўлсин! Наҳотки бу бахтиқаро бечораларга соқолдан бўлак жазо бўлмаса? Менимча, бу бечораларнинг саргарошнинг ҳақини тўлашга ҳам ҳеч нарсалари бўлмаса керак.

– Тўғри айтасиз, сеньор, – жавоб берди ўн икки дуэнь-нинг бири, – агар сеньор дон Кихот бизни бу соқоллардан халос этмаса, гўрга ҳам соқол билан кирамиз.

Шундан кейингина дон Кихот уларни юпатиш учун сўз қотди:

– Сизни шу аҳволга ташлаб қўйгандан кўра, маврлар юртида менинг соқолларимни битталаб юлиб олганлари маъқул.

Шу тобда ҳушига келиб қолган графиня Трифальди шундай деди:

– О, шавкатли рицарь! Бизга қувончли умид бахш этаётган ёқимли товущингиз мени ҳаётга қайтарди. Шухратли ва қудратли жаҳонгашта сеньор, олиҳимматлик билан берган ваъдангизнинг устидан чиқишингизни ўтиниб сўрайман.

– Мен ишни бу ҳолда қолдирмайман, – жавоб қилди дон Кихот, – фақат айтинг-чи, сеньора, нима қилишим керак, зероки, бор жасоратим сиз учун хизмат қилишга мунтазир.

– Иш шундаки, – жавоб қилди Долорида, – бу ердан Кандайя қироллигига агар қуруқлик орқали борилса, беш минг мил. Мабодо учиб борилса, уч минг икки юз йигирма етти мил. Бундан ташқари, Маламбруно айтдики, мабодо тақдир мени сиз халоскор рицаримизга йўлиқтиргудек бўлса, от юборармиш, от бўлганда ҳам аллақандай қирчанғи эмас, балки шавкатли Пьер гўзал Магелонани олиб кетган қойилмақом ёғоч отни юборармиш. Бу отни қаншаридаги мурватни бураб бошқарилади, у осмонда шу қадар тез учадики, худди уни шайтонлар ниқтаб ҳайдаб бораётганга ўхшайди. Ривоятларга кўра, бу отни доно Мерлин ясаган, уни фақат дўсти Пьерга фойдаланишга бериб турган. Лекин Мерлин ўз отини кимни кўнгли хоҳласа ёки ким яхши ҳақ тўласа, шунгагина берарди. Маламбруно ўз сеҳр-у жодулари ёрдами билан қўлга киритган бу отни эндиликда ўзи миниб, оламни кезиб юрибди: бугун бу ерда, эртага Францияда, индинга эса Америкада. Ҳаммадан қойили шуки, бу от ҳеч нима емайди, ухламайди,

тақаси ҳам ейилиб кетмайди, қанотсиз ҳам шундай текис учадики, устида кетаётган чавандоз бир пиёла сув кўтариб олганда ҳам бир томчиси тўкилмайди.

Гап шу ерга етганда Санчо бундай деди:

– Енгил ва равон учишига келганда шуни айтиш керакки, менинг кулрангим ҳам осмонда учолмаса-да, қаттиқ ерда ҳеч қандай йўрғадан қолишмайди.

Ҳамма кулиб юборди, Долорида эса гапида давом этди:

– Шундай қилиб, агар Маламбруно бизни бошимизга тушган балодан қутқармоқчи бўлса, қоронғи тушгандан кейин ярим соат ўтгач, от шу ерда ҳозир бўлади.

– Сиз айтаётган отга неча киши миниши мумкин? – деб сўради Санчо. Долорида шундай деб жавоб берди:

– Икки киши: бири эгарга, иккинчиси отнинг сағриси. Одатда рицарь бирор хонимни олиб қочаётган бўлса, унга яроқбардори билан икки кишилашиб ми-надилар.

– Мен шуни билишни истардимки, сеньора Долорида, – деди Санчо, – бу отнинг исми нима экан-а?

– Унинг исми, – жавоб қилди Долорида. – Беллеро-фонг<sup>87</sup> отиникига ўхшаб Пегас ёки Буюк Искандарнинг отиникига ўхшаб Буцефал эмас, Баярд лақабли Рейнальд Монтальбанскийникига ҳам ўхшамайди.

– Бу отнинг номи машҳур рицарларнинг тулпорлари номи шарафига қўйилмаган экан, демак у менинг жанобимнинг Росинанти номи билан ҳам юритилмас экан-да.

– Мутлақо тўғри, – деди серсоқол графиня, – у от ўзининг тезкорлиги билан Учар Клавиленьо деб аталади.

– Бу ном менга ёқади, – давом этди сўзида Санчо. – Уни қандай бошқарилади, жилов биланми, жиловсизми?

– Мен сизга айтдим-у, жилов билан эмас, алоҳида мурвати билан деб, – жавоб қилди графиня Трифальди. – Унга минган рицарь мурватини гоҳ, бу тарафга, гоҳ у тарафга буриб, истаган томонга учиради: от ёки кўкка парвоз қилади ёки ерга тушади.

– Бу сеҳрли отни бир кўришга қарши эмасман, – деди Санчо, – лекин сиз мени унга минади деб чучварани хом санамай қўя қолинг. Сиз менинг отнинг ёғоч

яғринига минишимни истайсизми, тағин тўшаксиз ёки ёстиқсиз-а. Жин урсинки, алақандай нотаниш дуэньяларнинг соқолини йўқ қилишга кўмаклашиш учун ичак-чавоғимни ағдар-тўнтар қиларканманми. Шуниси ҳам борки, албатта, уларга менинг ёрдамим керак ҳам эмас.

– Жуда керак-да, дўстим, – эътироз билдирди Три-фальди, – шундай керакки, сизнинг иштирокингизсиз ҳеч нарса қилолмаймиз.

– Мени қутқаринглар, саховатли кишилар! – хитоб қилди Санчо. – Хўжайинларнинг қилмиш-қидирмишлари билан яроқбардорларнинг қанчалик иши бўлсин? Борки иззат-икром, шон-шуҳрат рицарларга раво кўрилади, биздақа яроқбардорлар ўз ҳаддини билиб ишини қилаверсин. Ҳатто тарихчилар ҳам жаҳонгашта рицарларнинг қаҳрамонликларини тасвирлар эканлар, ҳеч қачон яроқбардор ҳақида лом-мим демайди, гўёки яроқбардор зоти ёруғ оламда бўлмаган. Йўқ, сеньорлар, такрор айтаманки, жанобимнинг ёлғиз ўзи бораверади, худо омадини берсин, мен бўлсам шу ерда сеньора герцогиня ҳузурида қолиб, сеньора Дульсинейани сеҳр-жодудан халос этиш билан шуғулланаман. Менга шунинг ўзи ҳам етади.

– Ҳар ҳолда, саховатли Санчо, – деди герцог, – лозим бўлса сиз ўз жанобингизга ҳамроҳ бўлиб боришингиз керак. Сизнинг бемаъни қўрқоқлигингизни деб бу сеньораларнинг юзи шундай бадбашара бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, бу одобдан эмас.

– Яна илтижо қиламан: қутқаринглар мени! – хитоб қилди Санчо. – Башарти тарки дунё қилган ёш қизалоқларга раҳм-шафқат кўрсатиш лозим бўлса бошқа гап эди. Лекин дуэньяларни соқолдан холи қилиш учун азоб чекайми? Ҳе, жин урсин уларни! Уларнинг каттасидан тортиб кичигигача, биринчи таманносидан тортиб, сўнгги қийшанғисигача соқол билан юраверсин.

– Дуэньяларни яхши кўрмас экансиз, дўстим Санчо, – деди герцогиня. – Бироқ онт ичаманки, сиз ноҳақсиз.

Менинг уйимда ибрат олса арзигулик дуэньялар бор. Мана, масалан, олдингизда турган донья Родригесни олайлик.

– Кулаверинг, кулаверинг, ҳазрати олиялари, – деди донья Родригес. – Дуэньяларни ҳам худо яратган, демак, уларни нимага яратганини ўзи билади. Яратган тангрим марҳаматини дариг тутмасин, майли, бу қўпол яроқбардорнинг барча ҳақоратларига чидайман ва...

– Дуэньялар ҳақидаги гапларни бас қилайлик, – деди сабр-тоқати тугаган дон Кихот. – Қани, ўша Клавиеньо келсин-чи, шу замоноқ унга миниб ўша Маламбруно билан жангга кираман-у, сизнинг соқолларингизни устара билан олишдан ҳам осонроқ йўл билан калласини танасидан жудо қиламан-қўяман, Санчо бўлса, албатта, ниманики буюрсам, ҳаммасини бажаради.

– Қойил! – деб юборди Долорида. – О, шавкатли рицарь, самовий мавжудотлар лутф айлаб, сиздек улуг зотга зафар ва жасорат йўлласинким, токи сиз шармандаи шармисор қилинган ҳамда эзилган дуэньяларнинг ҳомийси, таянчи бўлғайсиз: уни бегоналар кўролмайдди, яроқбардорлар лаънатлайдди, маҳрамлар ғийбат қилади. О, баҳайбат Маламбруно, бу уқубатдан халос бўлиш учун тезроқ тенги йўқ Клавиеньони юбора қол!

Трифальди бу сўзларни шундай ҳаяжонланиб айтдики, бу ердагиларнинг ҳаммасининг кўзидан ёш чиқиб кетди, Санчо ҳам кўзига ёш олиб, шу замоноқ ичида дон Кихот билан ҳатто дунёнинг у четига ҳам боришга қарор қилди.

Бу орада тун чўкиб, тенги йўқ Клавиеньо етиб келадиган пайт ҳам бўлди. Бироқ ҳалигача ундан дарак йўқ эди. Дон Кихот безовталана бошлади. Маламбруно у билан яккама-якка олишишдан воз кечиб, бошқа рицарь билан курашишга аҳд қилиб, айниб қолган бўлса-я, деб хавотирлана бошлади. Бироқ тўсатдан боққа тўрт ваҳший одам кириб келди. Улар елкаларида катта ёғоч отни кўтариб келардилар: ваҳшийлар дон Кихотнинг олдига келиб, отни ерга қўйдилар, сўнгра улардан бири:

– Қани, бу улкан отга ботирлиги етадиган рицарь минсин, – деди...

– Ҳарқалай мен минмайман, – сўзни бўлди Санчо, – менинг ботирлигим ҳам етмайди, рицарь ҳам эмасман.

Ваҳший сўзида давом этди:

– ...борди-ю, ўша рицарнинг яроқбардори бўлса, отнинг сағрисига минсин. Отнинг қаншаридаги мурват буралса бас, у шу замоноқ парвоз қилиб, чавандозларни кутиб турган Маламбруно олдига бир зумда етказиб қўяди. Аммо учиш олдидан чавандозлар кўзларини, албатта, боғлаб олишлари керак. Бўлмаса бошлари айланиб, ерга йиқилиб тушишлари мумкин. Токи от кишнаб, парвоз тугаганини билдирмагунча, чавандозлар кўзларини очмасликлари лозим.

Шу гаплардан кейин ваҳшийлар Клавиленъони қолдириб, таъзим қилиб чиқиб кетдилар.

– Шавкатли рицарь, Маламбруно ўз ваъдасининг устидан чиқди, – мана, от қаршингизда турибди. Соқолларимиз эса тобора ўсиб боряпти, сенга ёлворамиз, бизни қутқар ундан. Бунинг учун сен отнинг сеҳрли кучига ишониб ўз яроқбардоринг билан унга миниб олсанг, бас.

– Мен буни бажонидил бажараман: ахир, мен сиз сеньора ва барча дуэньяларингизнинг нозик чеҳраларини топ-тоза ва силлиқ ҳолда кўриш иштиёқида ёняпман.

– Мен бўлсам бу ишни бажонидил ҳам, бебажонидил ҳам, умуман ҳеч қанақасига бажармайман, – деди Санчо. – Борди-ю, бу хонимларнинг соқолини тўкиш учун от сағрисига мингашиш зарур бўлса, унда жанобим бошқа яроқбардор ахтара қолсин ёки бўлмаса, бу сеньоралар ўз юзларини текислаш учун бирорта бошқа йўл топишсин. Нима, жодугармидимки осмон-у фалакда учиб юрсам? Ахир, ороликлар губернаторларининг осмонда учиб юрганини пайқаб қолишса, нима деб ўйлашади! Бундан ташқари, Кандайягача уч минг мил учиб борилса. Борди-ю, отимиз чарчаб қолса ёки паҳлавон Маламбрунонинг жаҳли чиқиб кетса қандай қилиб қайтамыз? У ҳолда ҳеч қандай орол мени кўрол-

майди. Ахир, кишилар сигир ҳады қилишдими, дарров арқонга чоп, деб бекорга айтишмаган-ку. Шунинг учун сеньораларнинг соқоллари мени кечирсин, менга шу ер ҳам яхши. Бу хонадонда мени эркалашади, қаср соҳиби эса зўр марҳамат кўрсатиб, мени губернатор қилиб тайинлашга ваъда қилган.

Герцог эса бунга шундай жавоб қилди:

– Дўстим Санчо, ҳар қандай унумли ва юқори мансаб маълум хизмат эвазигагина қўлга киритилади. Буни мендан кўра ўзингиз яхшироқ билсангиз керак. Маълумингиз бўлсинки, сеньор дон Кихотга ҳамроҳ бўлиб йўлга тушганингиздан кейингина мендаги губернаторликни қўлга кирита олишингиз мумкин. Клавиленъодан эсон-омон қайтиб келасизми, ёки шум тақдир тақозоси билан қаландарнамо дарбадар, беҳуда тентийсизми, хуллас, қачон қайтманг, бари бир орол ва губернаторлиги сизники бўлади. Қарорим қатъий: сўзларимнинг тўғрилигига ишонинг, Санчо, акс ҳолда, мен ўзимни қаттиқ ҳақоратланган ҳисоблайман.

– Бошқа бир оғиз ҳам гап керак эмас, сеньор, мен оддий бир яроқбардорман ва ҳеч қачон сўзларингизнинг тўғрилигига иккиланмайман, – жавоб берди бечора Санчо. – Майли, жанобим отга мина қолсин, кўзимни боғланг, ҳақимга дуо қилиб, тангрига илтижо қилинг, шу нарсани айтинг-чи, руҳимни қодир эгамга топшириб, фалакда учиб кетаётиб фаришта-ю малоикаларни кўмакка чақирсам бўладими?

Бунга Трифальди шундай жавоб қайтарди:

– Албатта, Санчо, сиз ўз жонингизни худога ёки истаган кишингизга топширсангиз бўлаверади. Ахир, Маламбруно ҳам сеҳргар бўлгани билан, ҳар ҳолда, насроний-ку.

Шу пайт дон Кихот Санчони ёнига чақириб, гапни бўлди. У Санчо билан чеккароқдаги бир дарахт остига келди-да, унинг қўлидан ушлаб туриб деди:

– Кўрдингми, биродар Санчо, биз олис сафарга отланишимиз керак. Қачон қайтишимиз ва сен бемалол,



шошмасдан Дульсинеяга берган ваъдангни бажаришга киришишинг бир худонинг ўзига аён. Шунинг учун ҳозир ўз хонангга жўнашингни истардим. Йўлга нима олишинг кераклигини айтгин. Бориб, ҳеч бўлмаганда, беш юз қамчи туширсанг ҳам майли. Бунинг учун озгинагина вақт керак, холос, бу билан эса менга катта тасалли берган бўласан. Бунинг мен учун қанчалик муҳимлигини ўзинг биласан-ку.

– Йўқ, марҳаматли жанобим, – хитоб қилди Санчо, – бунақаси кетмайди. Ҳозир мен қип-яланғоч ёғочга ўтирарканман-у, марҳаматли жанобим бўлса ўз-ўзимни савалашни истар эканлар-да! Олдин бу дуэньяларнинг соқолини тўккани жўнайлик, қайтиб келишимиз биланоқ ўз ваъдамни бажаришга киришишга ва сизга тўла-тўқис тасалли беришга сўз бераман. Гап тамом шу билан.

Дон Кихот эса жавоб қайтарди:

– Майли, олижаноб Санчо, ваъдангга қониқиш билдириб, гапингнинг устидан чиқасан деб ишонаман.

Шундан кейин улар Клавиленъонинг ёнига бордилар. Дон Кихот отга минатуриб деди:

– Кўзингни боғлаб, отга мингаш, Санчо, шундай олис мамлакатдан йўқлатишган экан, демак, бу бизни алдаш учун эмас, дарвоқе, ишонувчан кишиларни алдаш уят. Ҳатто, бу саргузаштимиз мен ўйлагандек бўлиб чиқмаса ҳам, ҳарқалай бундай жасоратга отланиб, жаҳондаги ҳеч қандай ёвузлик доғ туширолмайдиган шон-шуҳратга эришамиз.

– Қани кетдик, сеньор, – жавоб берди Санчо, – бу сеньораларнинг соқол ва кўз ёшлари қалбимни пора-пора қилиб юборай деяпти. Улар бу балодан қутулмагунларича томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди. Сиз олдин мининг, марҳаматли жанобим ва кўзингизни боғлаб олинг. Мен, ахир, сағрисига мингашаман-ку, эгарга минадиган одам олдин миниши ҳаммага аён-ку.

– Ҳа, тўғри айтасан, – деди дон Кихот.

Шундан сўнг у чўнтагидан рўмолчасини олиб, Дороридадан кўзини яхшилаб боғлаб қўйишни илтимос

қилди, кейин ёғоч Клавиленьога лип этиб миниб, қаншаридаги мурватни ушлади. Эгарнинг узангиси йўқлигидан дон Кихотнинг оёғи ҳавода осилиб қолди. У худди фламандча гиламга тўқилган, зафар қозонган римлик чавандозга ўхшаб кетди.

Санчо эринибгина ва истар-истамас тузукроқ жойлашиб олгач, бундай ўтириш ниҳоятда қийинлигидан нолиб қўйди. У герцогдан, сеньоранинг ётоғидан ёки бирор маҳрамнинг ўрнидан биронта ёстиқ ёки тўшакча олиб, отнинг сағрисига солинса қандай бўларкин, деб сўради. Бунга Трифальди Клавиленьонинг ўз сағрисига ҳеч қандай ёстиқ ва наMAT солишларига йўл қўймаслигини, жуда бўлмаса, Санчонинг отга аёлчасига мингашшини, шундай қилса, бунчалик қаттиқ ботмаслигини айтди. Санчо шундай қилиб ўтирди-да, хайрлашиб бўлиб кўзини боғлаб қўйишларига ижозат берди. Бу иш бажарилгач, у яна кўзини очиб, бу синовда мадад беришларини ва уларнинг ҳар бири «отче наш» ҳамда «биби Марям» дуоларини ўқишларини кўзига ёш олиб улардан илтижо қилди.

– Эҳтимол, – деб илова қилди у, – улар ҳам бир вақт келиб шундай мушкулликка тушиб қолишар, ўшанда худо улар учун ибодат қиладиган киши юборади.

Шунда дон Кихот деди:

– Бу қанақа аҳмоқчилик! Худди сени дор ёки ўлим кутяпти, деб ўйласа бўлади-я. Нима кераги бор бунақанги илтижоларни? Э, уятсиз, қўрқоқ махлуқ, ахир, сен бир вақтлар гўзал Магелона мингашган жойда ўлтирибсан-а, агар тарихчилар алдамаган бўлса, бу отдан тушиб у лаҳадга кирган эмас, Франция тахтига ўтирган. Наҳотки, мен бир вақтлар шавкатли Пьер ўлтирган жойда, яъни ёнингда ўлтирган камина-ю камтаринлари ўша жасур рицарга тенглаша олмасам? Боғла кўзингни, юраксиз махлуқ. Бундан буён ҳеч бўлмаганда мен борлигимда ваҳима сенинг тилинг билан сўзламасин.

– Ҳа, майли, боғланг кўзларимни, – деди Санчо итоаткорона, – ибодат қилишимга ҳам, бошқаларнинг мен

учун ибодат қилишларига ҳам қўйишмайди, тағин йўлда бизга шайтонлар галаси учраб, бизларни дўзахга равона қилишмаса деб қўрқяпти, деб ҳайрон ҳам бўлишади.

Ниҳоят, Санчонинг қўзини боғлашди, дон Кихот ҳам ҳамма иш битганини кўриб, отнинг мурватини буради. У шундай қилиши биланоқ ҳамма дуэньялар ва тўпланган бошқа одамлар қичқириб қолишди:

– Худо ҳамроҳингиз бўлсин, шавкатли рицарь!  
– Худо ёр бўлсин, қўрқмас яроқбардор!  
– Мана, ҳозир кўкка кўтарилиб, ўқдек учиб кетасиз.  
– Маҳкам ушла, довюрак Санчо, лапанглама. Эҳтиёт бўл, йиқилиб тушма, нақ сенинг йиқилишинг ўз отаси – Қуёшни<sup>88</sup> гилдиратиб юбормоқчи бўлган йигитнинг қулашидан бўлмасин тағин.

Буни эшитган Санчо жанобига маҳкамроқ ёпишиб олди-да, қўллари билан уни қучоқлаб олиб деди:

– Сеньор, улар нега бундай дейишяпти, нима, биз жуда осмонга кўтарилиб кетдикми, уларнинг товуши худди ёнгинамизда туришгандек яхши эшитиляпти-ку, ахир?

– Шунинг унутмагинки, Санчо, сеҳргарлик аралашган ерда ҳеч қутилмаган ишлар бўлади. Лекин менга бунчалик ўзингни ташлаб олма, отдан ағдариб юборасан мени, тавба, нега бунчалик хавотирланасан-а, сира тушунолмаймак; имоним комилки, ҳеч қачон шу қадар текис ва равон учадиган отда юришга тўғри келмаганди. Худди бир жойда қимирламай турганга ўхшаймиз. Шундай қилиб, дўстим, қўрқма, ишимиз жойида, орқадан эсан шамолнинг ўзи учуриб кетяпти.

– Ҳа, бу тўғри, – жавоб берди Санчо, – шунинг учун бўлса керак, менинг бир биқинимдан шундай шамол қаттиқ уряптики, худди ёнимда минглаб босқончилар ишлаётганга ўхшайди.

Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Герцог хизматкорлари билан олдинданоқ саргузаштнинг ҳамма тайёргарлигини кўриб қўйган, ҳозирлаб қўйилган босқонларнинг дами тўғри жасур сайёҳларга қаратилган эди.

– Биз шунчалик шиддат билан учяпмизки, Санчо, дам ўтмай оловли ерга етамиз. Бу сеҳрли от бизни ло-

вилаб турган олов ичига олиб кириб, бу совут-қалқонли баданларимизни куйдириб кулга айлантирмаслиги учун нима қилишни ҳам билмай қолдим.

Шу пайт герцогнинг хизматкорлари таёқлар учига боғланган, ёниб турган машғалаларни худди уларнинг бурунлари остида силкита бошладилар. Санчо иссиқдан қичқириб юборди:

– Агар биз оловли ерга келмаган бўлсак, жонимни суғуриб олинг. Ярим соқолим куйиб бўлди. Мен кўзимни очиб, қаерда турганимизни билмоқчиман.

– Бундай қила кўрма, – эътироз билдирди дон Кихот, – агар Маламбрунонинг амрини бузсак, ким билсин, бизни қандай фалокатлар кутяпти. Эҳтимол, биз шундай юксакликка кўтарилгандирмизки, баландга кўтарилиб туриб, пастдаги қарқарага ўқдек ташланадиган бургут ёки шунқор каби тўппа-тўғри Қандайя қироллигига тушармиз. Гарчанд боғдан чиқиб кетганимизга ярим соат бўлган бўлса-да, ишонтириб айтаманки, биз жуда узоқ масофани босиб кўйдик.

– Сира тушунолмайд қолдим, – жавоб берди Санчо, – ўйлайманки Магальянес ёки Магелони шу отнинг сағрисида ўтириб учган экан, демак, у унчалик нозик-табиат эмас экан.

Герцог, герцогиня ва ҳамма мулозимлар қаҳрамонларимизнинг суҳбатини эшитиб кулгидан ўзларини аранг тутиб туришарди. Ниҳоят, герцог бу ажойиб саргузаштга хотима бериш учун портловчи ракетаи ловилаб турган машғалани Клавиеньонинг думига тутишни буюрди. Ракета портлаб кетиб, от гумбураб осмонга отилди. Сал-пал куйган дон Кихот билан Санчо ерга юмалаб тушишди. Улар ўзларига келганларида, ўзлари жўнаган боғда турганликларини кўриб лол бўлиб қолишди, уларнинг атрофида эса герцог, герцогиня ва бошқалар ҳушдан кетиб ётишарди. Графиня Трифальди бошлиқ серсоқол дуэньялар эса қаёққадир ғойиб бўлишибди. Улар шундоқ ёнгиналарида ерга санчилган, учига зангори ипак билан сув ўтказмайдиган оппоқ қоғоз боғлаб қўйилган узун найзани кўриб, айниқса,

ажабланишди, қоғозга катта-катта зарҳал ҳарфлар билан шундай сўзлар ёзилган эди:

*Маишхур ламанчилик рицарь дон Кихот графиня Трифальдини халос этиши йўлидаги улкан ишни қойил қилди. Ундан фақат бу жасоратга отланиш талаб қилинган эди. Маламбруно шуни таъкидлайдики, у шавкатли рицарнинг бу жасоратидан қониқди. Дуэньяларнинг юзи сип-силлиқ, текис ва топ-тоза бўлди, қирол дон Клавихо билан қиролича Антономасианинг ҳаёти, озодлиги қайтариб берилди. Барча сеҳргарларнинг сеҳргари донишманд Мерлин шунга қарор қилдики, яроқбардор ўзини ўзи савашни тугатгани ҳаманоқ оқ кабутар қийнаб азоб бераётган ваҳший қирғийлар чангалидан озод бўлади.*

Дон Кихот бунини ўқиб, унда Дульсинянинг озод қилиниши ҳақида гап бораётганлигини тушунди ва шундай арзимас хавф-хатарни бошдан кечириш билан шунчалик улуғ ишни осонгина бажарганлиги ҳамда ҳурматли дуэньяларнинг бетлари дастлабки нозик териларига қайтганлиги учун тангрига шукроналар ўқиди. Шундан кейин у ҳамон ҳушсиз ётган герцог ва герцогинянинг олдига келди-да, герцогнинг қўлидан ушлаган ҳолда деди:

– Бас энди, дадил бўлинг, эй олиҳиммат сеньор, буларнинг бари арзимаган бир гап. Саргузаштимиз мана бу сув ўтказмайдиган қоғозда ёзилгандек тўла ғалаба билан тугади.

Герцог худди қаттиқ уйқуда ётган кишидек аста-секин ўзига келди. У қоғоздаги ёзувни ўқигач, дон Кихотни қучоқлаб олди ва ажойиб ғалаба билан табриклади; ерда ётган герцогиня ва бошқалар ҳам уйғонишди. Уларнинг чеҳраларида шундай қўрқинч ва ҳайрат акс этиб турардики, гўё бу воқеа ажойиб ҳазилга эмас, балки чин ҳақиқатга ўхшарди. Санчо бўлса Долоридани қидирар, унинг соқолсиз чеҳрасини, ҳақиқатан ҳам гўзал эканлигини кўргиси келарди. Лекин унга оловга буркалган Клавиленьо

ерга гурсиллаб қулаши биланоқ барча дуэньялар Трифальди билан ғойиб бўлиб қолишганини, аммо уларнинг соқоллари худди энг моҳир саргарош қириб ташлагандек топ-тоза бўлиб қолганини айтишди. Герцогиня Санчодан бу узоқ сафар давомида ўзини қандай ҳис қилганини сўради, Санчо шу замоноқ ҳикоя қилишга киришди:

– Сеньора, биз оловли ердан учиб бораётганимизда кўзим боғланган рўмолчани сал суриб пастга – ерга қарадим. У худди горчица уруғича, ерда юрган одамлар эса ёнғоқдек бўлиб кўринди. Шунинг ўзиданоқ нақадар баландликка кўтарилганимизни билиб олишингиз мумкин.

Бунга герцогиня шундай жавоб қилди:

– Дўстим Санчо, нима деяётганингизни ўйлаб кўринг. Агар сизга ер горчица уруғидек, одамлар эса ёнғоқдек кўринган бўлса, унда бу одамлар ерга қандай қилиб сиғишади?

– Шуни яхши билиб олингки, ҳазрати олиялари, – деди Санчо, – бизнинг учушимиз сеҳр орқали бўлди. Демак, мен бутун ер юзи ва одамларни сеҳрланган ҳолда кўрдим. Борди-ю, марҳаматли бекам ишонмасалар, демак, бундан бу ёғига ҳам ишонмайдилар. Кўзимдаги рўмолчани сурганимда, осмон худди мендан бир ярим футча нарида турганлигики кўрдим, сўзларимга ишонинг, у ниҳоят улкан эди. Самода яна етти улоқни<sup>89</sup> кўрдим. Сизга шуни айтишим керакки, ёшлигимда мен эчкибоқар эдим, шунинг учун ҳам бу эчкиларни шунақанги эркалагим келдики, нақ юрагим ёрилиб кетай деди. Мен ўз хўжайинимга лом-мим ҳам демай, Клавиеньодан астагина тушдим-да, жажжи, шумтака улоқлар билан чоракам бир соатча ўралашиб қолдим. Клавиеньо бўлса бу вақт ичида бир қадам ҳам силжи-май жойида тек тураверди.

– Олижаноб Санчо улоқлар билан овора бўлиб юрган чоғда сеньор дон Кихот нима билан машғул бўлади? – деб сўради герцогиня.

Бунга дон Кихот шундай жавоб қилди:

– Ўзим ҳақимда гапирай, мен кўзимдаги рўмолчани баландга кўтармадим ҳам, пастга тушурмадим ҳам, шу сабабли на осмонни, на ерни, на денгизни кўрдим. Тўғри, ҳаво қатламини ёриб ўтганимизни, ҳатто оловли ерга яқинлашганимизни ҳис қилдим, бироқ тўхтаганимизни, Санчонинг Клавиленъодан тушганини сезмадим. Шунинг учун ҳам у ё алдаяпти ёки бўлмаса хаёл суряпти.

– Алдаётганим ҳам йўқ, хаёл ҳам сурмаётирман, – жавоб берди Санчо, – ишонмасангиз мендан ўша улоқларнинг қанақалигини сўраб кўринг, кейин ишонасиз гапларимнинг тўғрилигига.

– Қани, уларнинг қанақалигини тасвирлаб беринг-чи бизга, Санчо, – деди герцогиня.

– Улардан иккитаси яшил тусли эди, – жавоб берди Санчо, – иккитаси қизил, иккитаси зангори, биттаси ола-була эди.

– Бу қанақанги улоқлар бўлди? – деди герцог. – Ер юзида бунақанги ранг-баранг эчкилар бўлмайди-ку.

– Тушунарли, – жавоб берди Санчо, – ер эчкиси билан осмонникининг фарқи бўлиши керак-ку, ахир.

Шундан сўнг бу саёҳат ҳақида бошқа савол беришмади унга, чунки Санчо боғдан бир қадам ҳам жилмасданоқ етти қават осмонни айланиб, у ерларда бўлаётган ҳамма нарсани айтиб бера олиши равшан эди. Шу билан герцоглар оиласини мамнун қилган ҳамда Санчо, башарти абадий барҳаётликка эриша олса, тоабад олди-қочди гапларни тўқиб чиқариши мумкин бўлган дуэнья Долорида саргузашти тугади. Дон Кихот Санчонинг кулоғига энгашиб деди:

– Санчо, агар сенинг кўкда кўрганларингнинг ҳаммасига ишонишимизни истасанг, унда менинг Монте-синос гори ҳақидаги ҳикоямга ҳам ишонишинг лозим. Сенга айтмоқчи бўлган гапим шу, холос.

## ҚИРҚ ТҰҚҚИЗИНЧИ БОБ

### **ДОН КИХОТНИНГ ОРОЛНИ БОШҚАРИШГА ЖЎНАБ КЕТИШ ОЛДИДАН САНЧО ПАНСАГА ҚИЛГАН ПАНДУ НАСИХАТЛАРИ**

Долорида саргузашти герцог ва герцогиняга шунчалик ёқиб қолган эдики, улар энди бу соддадил дўстлар устидан яна бир неча қизиқ ҳангомалар уюштиришга аҳд қилишди. Шунинг учун ҳам Клавиленьо учган куннинг эртасига герцог Санчога губернаторлик вазифасини бажаришга киришиш кераклигини, чунки ороликлар унинг келишини худди баҳор ёмғиридек орзиқиб кутишаётганлигини айтди.

Санчо таъзим қилиб, деди:

– Осмондан туриб ернинг нақадар кичкина эканлигини кўрганимдан бери губернатор бўлиш иштиёқи бир қадар сўнди. Горчица уруғидек ерга эга бўлишу беш-олти нафар ёнғоқдек-ёнғоқдек одамларга бошчилик қилишдек шарафга муяссар бўлиш нима деган гап экан. Агар жаноби олийлари осмоннинг бир чеккасинигина, майли ярим мил бўлса ҳам, ҳадя этганларида эди, оламдаги энг катта оролдан кўра ўшани бажонидил қабул қилган бўлардим.

– Дўстим Санчо, – жавоб берди герцог, – мен осмоннинг бир қаричини, ҳаттоки тирноқчасини ҳам ҳеч кимга совға килолмайман, бунга якка-ю ягона худонинг ўзигина қодир. Мен сизга қўлимдан келадиганини ҳадя қиламан, энг яхши, дум-думалоқ ва теп-текис, серҳосил, тўкин-сочин ажойиб бир оролни бераман. Агар ишларни яхши ўрната олсангиз борми, ернинг ноз-неъматини билан етти қават осмон-у фалак айшини сурсангиз бўлади.

– Майли, орол бўлса орол-да, – жавоб берди Санчо. – Мен губернаторликни шундай олиб борайки, руҳим барча муттаҳамларни доғда қолдириб, тўппа-тўғри арши аълога учсин. Мен ишга гараз ёки кибр билан, ёки қўлимдан келмайдиган юқори мартабани эгаллаш иштиёқи билан киришмоқчи эмасман, аксинча, бу губернаторлик мансаби қанақалигини шунчаки бир кўриб қўймоқчиман, холос.



– Бу ишнинг мазасига бир марта тушуниб олсангиз, Санчо, – жавоб берди герцог, – кейин мазахўракка ўрганиб қоласиз, чунки оламда буйруқ қилишдан ва ҳамманинг амрингизга итоат этишини кўришдан ҳузурлироқ иш йўқ, ахир. Имоним комилки, хўжайинингиз император бўлиб олгач, дарвоқе, бу кун узоқ эмас, албатта, ҳеч ким ҳокимиятни унинг қўлидан тортиб ололмайдди ва шунча йилдан бери императорлик қилмаганлигига ич-ичидан ачинади.

– Сеньор, – жавоб берди Санчо, – мен ҳатто қўйлар сурувига бўлса-да, буйруқ қилиш ёқимли эканлигини тушуниб турибман.

– Иккаламиз бир хил эканмиз, Санчо, – деди герцог. – Ҳамма нарсага ақлингиз етади, ишонаманки, оролни ҳам ақл билан мулоҳаза юритганингиздек оқилона бошқарасиз. Билиб қўйинг, эртагаёқ губернаторлик қилишга жўнайсиз, бугун эса сизга лозим бўлган либосларни беришади.

– Қандай қилиб кийинтиришса ҳам майли, – жавоб берди Санчо. – Кийимим қандай бўлишидан қатъи назар, бари бир мен Санчо Пансалигимча қоламан.

– Мутлақо тўғри, – деди герцог. – Бироқ одам ўз мансаби ва мавқеига қараб кийиниши лозим. Ахир, юристга аскарнинг кийими, аскарга эса руҳоний жуббаси муносиб эмас-ку. Сиз Санчо, бир йўла ҳам олимона, ҳам ҳарбийча кийинасиз, зероки, мен сизга ҳадыя қилган оролни бошқариш учун қанча билим зарур бўлса, шунча ҳарбий санъатни билиш зарур ва аксинча.

– Билимим йўқроқ, – эътироз билдирди Санчо, – мен ҳатто алифбени ҳам билмайман, бироқ кўрасиз, ҳазрати олийлари, бу ҳол яхши губернатор бўлишимга халал бермайди. Ҳарбий санъатга келганда, агар менга қурол берсалар, худонинг иродаси билан то йиқилиб қолмагунимча уни қўлимдан қўймайман.

– Бундай қатъий қарор билан, эҳтимол, ҳеч қачон биронта ҳам хатога йўл қўймасиз, Санчо, – жавоб берди герцог.

Шу пайт дон Кихот кириб келди. У Санчонинг пировардида оролга губернатор қилиб тайинлаганини

билгач, герцогнинг рухсати билан унинг қўлидан ушлаб панд-насиҳат қилгани ўз хонасига бошлади. Хонага киргач, эшикни ёпиб, Санчони мажбур қилиб ёнига ўтказди-да, вазминлик билан гап бошлади:

– Дўстим Санчо! Фалакка минг-минг ташаккурки, менинг бахтим кулиб боқмасданоқ сенинг омадинг келиб қолди. Мен содиқлик билан қилган хизматинг эвазига сени мукофотлаш учун тақдирнинг марҳаматидан умидвор эдим, мана мен эндигина юксакликка кўтарила бошладим-у, сенинг эса фурсати етмаёқ барча ақл-идрок қоидаларига тамоман хилоф равишда орзуларинг ушалапти. Бошқалар эса пора берадилар, ялиниб ёлворадилар, жонга тегадилар, уйқуларини ҳаром қиладилар, ўжарлик қиладилар, лекин бари бир ҳеч нарсага эришолмайдилар, сен бўлсанг ҳеч нима қилмай туриб, шундай мансаб ва мавқега эришдингки, унинг ишқибозлари ҳамма вақт ҳам топилади. Сен азонлаб турмадинг, тунларни ҳам бедор ўтказмадинг, сира уринмадинг ҳам, шунга қарамай, жаҳонгашта рицарнинг руҳи қўллаб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ сени оролга ҳукмдор қилиб тайинлашди. Мен буни шунинг учун айтаётирманки, Санчо, бу марҳамат қилган меҳнатларим эвазига кўрсатияпти, деб ўйлама асло. Йўқ, бунинг учун сен, аввало, ишимизни аста-секин олдинга бостирган тангрига, қолаверса шундай катта кучга ва улугворликка эга бўлган жаҳонгашта рицарь орденига ҳамд-у санолар ўқи. Бу гапларимга ишонмоққа мажбур эт қалбингни, эй бўтам, сўнгра диққат билан қулоқ сол: сен жўнаб кетадиган Тўфонли денгизнинг осойишта қўлтиғига етиб олишингда йўлингни ёритиб турувчи йўлчи юдузинг бўлиб қолишни истайман, чунки юқори мартабалар йўлдан оздирувчи тубсиз бир гирдобдир.

Аввало, эй бўтам, худодан қўрқшинг керак, чунки худодан қўрқсанг, ақл билан иш юритсанг, хато қилмайсан.

Иккинчидан, ўзлигингни билишга ҳаракат қил, шунда сен мағрурланиб кетмайсан, ҳўкизга ўхшамоқчи бўлган қурбақага ўхшаб шишиб кетмайсан, уқпар думлик

ва хунук оёқди товусга ўхшаб қолмайсан. Илгарилари чўчқа боққанлигингни унутма асло.

– Бу тўғри, – жавоб берди Санчо, – аммо у пайтларда мен ёш бола эдим, йигитча бўлиб қолганимдан сўнг чўчқа эмас, роз боққанман. Лекин, менимча, бунинг аҳамияти бўлмаса керак, ахир, ҳамма ҳукмдорлар ҳам қироллар авлодидан эмас-ку.

– Бу ҳам тўғри, – деди дон Кихот, – бироқ паст табақадан чиққан одам ўзининг юқори вазифасини адо этаркан, камтар ва мурувватли бўлиши керак. Бу эса уни ҳукмдорлар қочиб қутулиши амримаҳол бўлган гаразли ғийбат-у бўҳтонлардан сақлайди. Сен оддий деҳқон оиласида туғилганингни унутма. Буни бўйнинингга олишдан уялма, агар сен бундан уялмасанг, бошқалар ҳам сени бу билан уялтирмайди. Аллақандай такаббур зот эмас, балки ювош тақводор одам бўлишга ҳаракат қил. Шуни унутмаки, қашшоқ бўлиб туғилиб, олий ҳурматга папа ва императорликка сазовор бўлганлар сон-саноқсиз. Мен бундай мисолларни келтираверсам, тинглайвериб чарчаб қолишинг мумкин.

Шу нарса ёдингда бўлсинки, Санчо, сен бундай саховат ва мурувват йўлидан борсанг, ўзингни ҳеч қандай князь ёки қиролдан кам ҳис қилмайсан, зероки, мурувватлилик аслзодалик насл-насабидан юқори туради.

Борди-ю, сен губернаторлик қилиб турган пайтингда қавм-қариндошингдан биронтаси келиб қолса, уни ҳайдама, хафа қилма, аксинча самимий қабул қил. Хотинингни чақиртириб олгач – ҳукмдор ўз хотинини узоқ вақт изтироб чектириб қўйиши керак эмас – унга туғма қўполлигини ташлашни, одобли бўлишни ўргат, кўпинча шундай ҳам бўладики, хотинининг аҳмоқона хатти-ҳаракати натижасида ақлли губернаторнинг бутун ҳурмати чиппакка чиқади, топган-таянгани нес-нобуд бўлади. Унинг ҳеч қачон ҳукмдорликка ара-лашишига йўл қўйма. Билиб қўй, тағин у лойқа сувдаги балиқни овлайдиган қармоқ бўлиб юрмасин. Очигини айтайки, хотини арзғўйдан олган озгинагина пора учун ҳам эри даҳшатли суд олдида жавоб беради.

Ҳеч маҳал ўзбошимчалик билан иш тутма, ўзини ақлли сановчи нодонларгина шундай қиладилар.

Қашшоқларнинг кўз ёши кўнглингга раҳм солсин, аммо бу шафқат бадавлат кимсанинг арз-у шикоятига ўхшаб адолат меъёридан ошиб кетмасин.

Доим ҳақиқат йўлида бўл, бунинг учун сенга совғалар ҳам, бойларнинг ваъдалари ҳам, камбағалларнинг ёлвориш ва дуолари ҳам халақит беролмайди.

Қаердаки беғаразлик мавжуд бўлса, жавобгарни қаттиқ жазолама, зероки, тошкўнги судьянинг шон-шафафи ҳожатбарор судьянинг шарафидан ортиқ эмас.

Агар қонунни енгиллаштирмоқчи бўлсанг, бунинг фақат сенга ваъда қилган совғалар ҳаққи эмас, балки гуноҳқорга раҳм-шафқат юзасидан қил.

Агар қачон бўлмасин ўз душманингнинг даъвосини текширадиган бўлсанг, унга нисбатан бўлган душманлигини ёдингдан чиқариб юбор, ҳақиқат қайси томондалигини ўйла фақат.

Бошқаларнинг ишини текширишда шахсий манфаатингни кўзлама, йўқса ҳеч қачон тўғрилаб бўлмайдиган хатога йўл қўясан. Агар ҳузурингга бирор гўзал аёл адолат талаб қилиб келиб қолса, унинг кўз ёшларига ва оҳ-воҳларига қарамай, қаттиқ туриб унинг талабларига қулоқ сол. Акс ҳолда, бутун фикри-зикринг унинг оҳ-воҳи-ю кўз ёшлари билан банд бўлиб қолади.

Борди-ю, бировни жазоламоқчи бўлсанг, уни қаттиқ сўкма, чунки бу бахтиқаронинг ғами ўзи бир жазо.

Айбдорга гуноҳқор бандасининг заиф табиати йўлдан оздирган бир бахтиқаро одам деб қара ва шу сабабли унга нисбатан раҳм-шафқатли бўл; ёдингда тут: раҳм-шафқатли бўлиш ҳар қандай саховатлиликдан устун туради.

Бу насиҳатларимнинг ҳаммаси юрагингга тегишли. Энди танангга тегишли бўлган бир қанча насиҳат қиламан. Аввало, доим тоза юришни маслаҳат қиламан, соч тараб, соқол-мўйловингни, тирноқларингни тез-тез олиб тур, акс ҳолда улар калтакесакхўр қирғийнинг ўткир тирноқли панжаларига ўхшаб кетади. Ҳеч қа-

чон бошқаларнинг кўзига йиртиқ ва иркит кийимда кўринма, чунки фақат дангаса ва бебош одамларгина шундай юришади, Санчо.

Агар юксак мартабанг хизматчиларингнинг уқали кийим кийишини тақозо этса, у ҳолда, бу либос жуда ҳам ҳашамдор ва ярқираган бўлмасин, уларни хизматкорларнинг ҳамда камбағалларга баб-баравар бўлиб бер, олти маҳрамни кийинтиргандан кўра уч камбағал билан уч маҳрамни кийинтир, шундагина бу дунёнинг ҳам, у дунёнинг ҳам бут бўлади.

Пиёз ҳам, саримсоқ ҳам ема, токи унинг ҳидидан келиб чиқишинг деҳқон эканлигини пайқаб қолишмасин.

Юрганда оҳиста қадам ташла, вазмин-хотиржам сўзла, лекин ўзингга ўзинг гапираётгандек минғирлама, чунки ҳар қандай баландпарвозлик – ярамас одат.

Туш пайтида камроқ овқат е, кечқурун ундан ҳам камроқ, чунки танимизнинг саломатлиги ошқозонга боғлиқ.

Ичкиликни хурмачангга қараб ич, билиб қўй, меъридан ортиқ ичган киши сир сақлолмайди, сўзининг устидан ҳам чиқолмайди.

Сен, Санчо, гапираётганингда кўп мақол келтиришга одатлангансан, бундан қоч, гарчи мақол ақллилик тимсоли бўлса-да, сен кўпроқ уларни ноўрин ишлатасан, шунинг учун ҳам ақлли гап эмас, шунчаки бемаъниликка айланиб қолади.

– Бу масалада менга биргина худонинг ўзи ёрдам бериши мумкин, – жавоб берди Санчо, – чунки менинг калламда китоблардагидан ҳам кўпроқ мақол бор. Гап бошладимми, тамом, ҳаммаси бирданига тилимга келаверади ёпирилиб. Шунда мен тилимга келиб қолган дастлабки мақолнинг ўринли-ўринсиз эканлиги билан ҳисоблашмай туриб, айтиб юборавераман. Лекин бундан-буён мавқеимга мос тушадиган мақолни айтаман, чунки бадавлат хонадонда суҳбат қурмоқ қийин эмас, карта улашилаётган пайтда чийланмайди, кимки бонг урса хатардан холи туради. Олиш-беришнинг ҳисобини қилишга бош ишлаши керак.

– Жуда тўғри, Санчо! – хитоб қилди дон Кихот. – Хўп майли, мақолларингни мунчоқдек ипга тизсанг

тизавер, ҳеч ким қўлингдан ушлаётгани йўқ; онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деганлар! Мен сенга мақол ишлатишдан қоч десам, сен бўлсанг бир-пасда унинг бир қаторини тизиб ташладинг, ёдингда тут, Санчо, мен агар мақоллар ўз ўрнида келтирилса, асло қарши эмасман, борди-ю улар ўринсиз қалаштириб ташланаверса, гапнинг тузини кетказиб кўяди.

Давомини эшит, Санчо, отга минганингда оёғингни узангига тираб гавдангни орқага ташлаб, ғўдайиб ўтирма, худди эшакда кетаётгандай букчайиб ҳам ўтирма. Билиб қўй, отга қандай минганингга қарабоқ, кабальеромисан ёки отбоқармисан, дарров билиб олиш мумкин.

Кўп ухлама, кимки қуёш билан барабар уйғонмаса куннинг ғўзаллигидан баҳраманд бўлолмайди. Шунинг ҳам унутмаки, Санчо, омад калити – ҳаракат, аммо танбаллик билан орзуга эришолмайди киши.

Кийиминг узун лозим, узун камзул ва ундан ҳам узунроқ плашдан иборат бўлиши керак, чолворни халёлингга ҳам келтира кўрма, зероки, у рицарларга ҳам, губернаторларга ҳам ярашмайди.

Ҳозирча сенга айтмоқчи бўлган гапларим шу, Санчо. Агар бу насиҳатларимга амал қилсанг, узоқ умрли, сўнамас шуҳратли бўласан, бахтинг доим ёр бўлади. Болаларингни истаганингча уйли-жойли қиласан, ўғилларинг ва невараларинг олиҳиммат аслзодалар ҳисобланади, сен эса атрофингдаги ўзингга хайрихоҳ кишилар билан тинч-тотув яшайсан, узоқ умринг тугагач, ўлимни эса қариб-чуриб кутиб оласан, чевараларингнинг кичкина, нозик қўллари кўзларингни юмиб кўяди.

– Сеньор, – деди Санчо, – сиз муҳтарам жанобларининг менга холис ният билан яхши панд-у насиҳат қилиб, саховатли, фойдали ишларни ўргатаётганлигингизни яхши тушуняпман, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ унутиб қўйсам, улар қандай қилиб наф келтириши мумкин менга? Албатта, тирноқни ўстириб юбормаслик, овқатланиш ҳақидаги маслаҳатларингизни эслаб қолдим, лекин қолган майда-чуйдаларини эсда сақлаб қололмайман... Шунинг учун ҳам бу насиҳатларни

менинг қўлимга қоғозга ёзиб берсангиз, ёмон бўлмас эди. Саводсиз бўлсам ҳам, ҳечқиси йўқ, хатни руҳонийимга бериб, қўяман, у зарур бўлган чоғда сизнинг бу қоидаларингизни менга уқтириб туради.

– Ўйлаб кўр, Санчо! – деб қичқариб юбораёзди дон Кихот. – Ахир, саводинг бўлмаса, қандай губернаторсан ўзинг. Мен ҳеч бўлмаганда ўз исмингни ёзишни ўрганиб олишингни маслаҳат қилардим.

– Буни биламан, – деди Санчо, – қишлоғимизга оқсоқол эканимда юк тойларига ёзиб қўйилгандақа ҳарфлар чизишни ўргатиб, сенинг отинг шундай ёзилади дейишган. Лекин бунинг унчалик аҳамияти йўқ: доим ўнг қўлим оғрийди деб айтаман ва мен учун бошқа киши имзо чекишини буюраман. Дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсани тўғриласа бўлади: қўлимда губернаторлик таёқчаси бўлгач, ҳушимга келганини қилавераман. Отанг алькальд бўлгандан кейин ўзингга ўзинг хўжайинсан, деб бекорга айтишмаган-ку... Мен эса губернатор бўламан-ку – бу алькальдликдан баланд мартаба, ахир! Мушугимни «пишт» дейишга кимнинг ҳадди сифаркан. Кимки менга чуқур қазиса, ўзи қулайди, худога ҳуш келган киши юзага чиқади. Оғзи қийшиқ бўлса, ҳам бойнинг ўғли гапирсин дейдилар, мен ҳам бой бўламан, ахир, губернаторлар ҳамиша бойлик орттирадилар. Демак, асалдай ширин бўлишим керак эмас, йўқса, мени пашшалар шимиб қўяди: «борники фармон билан, йўқники армон билан» деярди бувим, бадавлат одам билан эса ҳеч ким тенг бўлолмайди.

– Минг лаънат! – ўзини тутолмай қичқариб юборди дон Кихот. – Э, ўша мақолларинг билан қўшмозор бўлгур! Бир соатдан бери мақолларинг билан жиғимга тегасан. Шуни билиб қўйки, бир кун эмас бир кун бу мақоллар сени дор остига олиб боради, қўл остингдагилар сени ё оролдан ҳайдаб юборишади ёки улар орасида қўзғолон кўтарилади. Сен бу мақолларни қаёқдан топаётирсан, эй нодон? Кези келиб қолганда бирор мақол ишлатмоқчи бўлсам, уни топгунча худди ер қазийтган кишидек терга ботиб кетаман.

– Худо ҳақи, сеньор, – деди Санчо, – марҳаматли жанобимнинг бекорга жаҳллари чиқяпти. Мен ўз бисотимдаги мақолларни ишлатганимга намунча ўзингизни қийнамасангиз? Ахир, менинг мақоллардан бўлак ҳеч қандай давлатим йўқ-ку. Мана ҳозир ҳам хаёлимга бир неча мақол келиб қолди, худди ўз ўрнида тагин, гўё саватдаги ноклардек терилиб турибди, лекин айтмайман, нега десангиз, вақтида ўзимни тийиб тура оламан.

– Ўтакетган маҳмадонасан, Санчо, бироқ ҳозир калланга қандай мақол келиб қолганлигини ва ўринли эканини билгим келяпти. Мен бўлсам, хотирамни ҳар қанча жамламай, хотирам эса ёмон эмас, лекин бирортасини тополмайман.

– Манави мақоллардан яхшисини тополмайсиз, – деди Санчо, – бармофингни ақл тиши остига суқма; юрган йўлингдан қолма, суймаганга суйкалма дейишса, бир оғиз сўз қайтарма; хурмачани тошга урасанми, тошни хурмачага – бари бир. Айни ҳолга монанд мақол бундан ортиқ бўлмайди. Бу мақолларнинг мазмуни шундай: губернатор ёки бошқа бирор амалдор билан баҳслашиш – бармоқни озиқ тишлар орасига қўйишдир. Ахир, бунда жонинг оврийди-ку. Тўрт томонинг қибла, йўлингдан қолма деганда жимгина кетгандек, губернаторга ҳеч вақт эътироз билдирма. Хурмача ва тош хусусидаги мақол икки ўн беш – бир ўттиз – бари бир деган гап, бу ҳар қанақа одамга аён. Хуллас, ўзгада нуқсон кўрсанг, ўзингни бенуқсон дема, акс ҳолда, дарчанинг эшикдан кулиши бўлади, сиз марҳаматли жанобларига маълумки, аҳмоқ ўз уйида бегоналарникида турувчи донодан кўра кўпроқ нарсани тушунади.

– Тўғри эмас, Санчо, – эътироз билдирди дон Кихот. – Аҳмоқ ўз уйида ҳам, бегона ерда ҳам ҳеч нарсага шунинг учун ҳам тушунмайдики, аҳмоқлик асосида ақллилик биносини қуриб бўлмайди. Бу ҳақдаги гапимиз етар. Санчо, борди-ю, сен ёмон ҳукмдор бўлсанг, ўзинг айбдор бўласан, уяти эса менга тегади. Бироқ сенга қилишим керак бўлган панд-насиҳатни бериб, ўз бурчимни ба-жардим. Мен ваъдамнинг устидан чиқдим ва шу билан зиммамдаги вазифа тугади. Худо ёр бўлсин, Санчо, у



сенинг мушқул ишингда мадад бергай. Ишқилиб, тезроқ кўнглимдаги хавотирлик кўтарилсин. Губернаторликдан қуламагин тагин, деб кўрқаман. Бироқ сенинг семизлигинг ва сипо важоҳатингга қарамай, мақол ва ёлгон-яшиқ тўла бўш қоп эканлигингни герцогга очиқ айтиб, сени бу бахтсизликдан қутқариб қолишим ҳам мумкин.

– Нима ҳам дердим, сеньор, – эътироз билдирди Санчо, – марҳаматли жаноблари мени губернаторликка муносиб эмас, деб ҳисобласалар, у ҳолда мен бу мансабни қабул қилмайман. Нонни пиёз билан қўшиб чайновчи оддий деҳқон бўлиб қолаверганимда ҳам мазза қилиб ахта хўроз ва какликни ейдиган ҳар қандай губернатордан ёмон яшамайман. Бундан ташқари, уйқуга кетганимизда ҳаммамиз ҳам: аслзодалар ҳам, фуқаро ҳам, бойлар ҳам, камбағаллар ҳам тенгмиз. Фақат бир нарсани айтиб ўтмоқчиман, агар сиз, сеньорим, яхшилаб ўйлаб кўрсангиз, губернаторликка ўзингиз даъват этганингизни эслайсиз. Ахир, мен губернаторлик ва оролар ҳақидаги гапнинг маъносини ёввойи қирғийчалик ҳам фаҳмламайман-ку. Борди-ю, губернаторлик учун шайтон мени дўзахга рўпара қилади деб кўрқсангиз, унда Санчолигимча қолиб, жаннатга тушганим тузук. Жонимнинг тирноқ учичалик бўлаги мен учун бутун танамдан қиммат туради.

– Очигини айтсам, Санчо, – деди дон Кихот, – ҳозирги гапларингга қараганда, минглаб ороларни бошқаришга лойиқсан. Ажойиб юрагинг бор, усиз ҳар қандай билим ҳам – уч пул. Ўзингни худонинг марҳаматига топшир ва ҳар доим кўнглингга келганини қил. Энди тушлик қилгани борамиз, менимча, хўжайинлар бизни кутишаётган бўлишса керак.

### ЭЛИГИНЧИ БОБ

#### **САНЧОНИНГ ЎЗ ОРОЛИГА ҚАНДАЙ БОРГАНИ ВА УНИ БОШҚАРИШГА КИРИШГАНИ**

Тушки овқатдан сўнг дон Кихот Санчонинг илтимосига кўра барча панд-насиҳатларни қоғозга тушириб, янги губернаторга топширди. Бироқ Санчо

шу заҳотиёқ уни йўқотиб қўйди, хизматкорлардан кимдир уни топиб олиб герцогга топширди. Герцог герцогиняга дон Кихотнинг бу фикрларини ўқиб берди, икковлари ҳам рицарнинг ақл-заковати ҳамда тентаклигидан ҳайратда қолишди. Улар шу замонда ўзларининг аломат режаларини амалга оширишга аҳд қилиб, Санчо учун орол вазифасини ўтайдиган бир қишлоққа мулозимлар кузатувида дабдаба билан жўнатиш тараддудига тушишди. Герцог Санчога ақлли ва чаққон, Трифальди ролини бошлаб ўйнаган эшик оғасини қўшиб қўйди. Унинг бу ишни аъло даражада бажаришига шубҳа қилмас ҳам бўларди. Бироқ Санчо эшик оғасига кўзи тушиши билан унинг Трифальдига жуда ўхшашини пайқаб қолди. У дон Кихотга мурожаат қилиб, деди:

– Сеньор, мана бу эшик оғасининг кўриниши қўйиб қўйгандай Долоридага ўхшамаса, шу ердан ўлигим чиқсин.

Дон Кихот эшик оғасига тикиларкан, Санчога деди:

– Ўлишининг ҳеч ҳожати йўқ, дўстим Санчо. Ҳақиқатан ҳам эшик оғаси дуэнья Долоридага ўхшайди. Лекин бу эшик оғаси чиндан ҳам Долориданинг ўзи деган гап эмас. Яхшиси, бундай тахминни хаёлингга ҳам келтирмаганинг маъқул. Ўзинг бир ўйлаб кўргин-а, борди-ю, шундай бўлса, бошимизга қандай маломатлар тушиши мумкин. Икковимиз ҳам худога илтижо қилиб, бу ёвуз жодугар ва сеҳргарлардан халос этишни сўрамоғимиз лозим эди.

Бунга Санчо шундай жавоб қилди:

– Мен ҳозиргина у билан гаплашган эдим, қулоғимга худди Трифальдининг овози чалингандай бўлди. Ҳа, майли, индамай қўя қоламан, лекин ҳарқалай эҳтиётдан ҳар нарсадан кўз-қулоқ бўлиб тураман.

Эҳтимол, шубҳаларим тасдиқланар, балки йўқолар.

– Худди шундай қил, Санчо, – деди дон Кихот, – илло бор гапни менга хабар қил, шунингдек, барча губерна-торлик ишларинг ҳақида ҳам ёзиб тур.

Ниҳоят, Санчо бир талай мулозимлар қуршовида йўлга чиқди: эғнида олимлар камзули, унинг устидан эса олтин уқали сарғимтир мовут плаш кийиб олган эди. Бошида ҳам худди шу матодан қалпоқ. У хачирга миниб олган, кетидан эса герцогнинг буйруғига биноан устига шойи ёпқич ташланиб, турли тақинчоқлар билан безатилган эшаги борарди. Санчо дам-бадам орқасига ўтирилиб кулрангига қараб-қараб қўярди: содиқ дўстининг ёнида бўлиши губернаторимизга шундай ҳузур бахш этардики, у бу ҳузур-ҳаловатни ҳатто Германия императорлигига ҳам алишмасди. У герцог ва герцогинянинг қўлларини ўпиб хайрлашиб бўлгач, дон Кихотдан оқ йўл тилашни илтимос қилди. Дон Кихот кўзига ёш олиб, унинг илтимосини адо этди, Санчо эса унинг оқ фотиҳасини оларкан, пиқиллаб йиғлаб юборди.

Герцог Санчога бошқаришни топширган қишлоқ герцог қасридан унчалик олисда эмас эди, шунинг учун ҳам губернатор ўз мулозимлари билан бу ерга тезда ва ҳеч қандай саргузаштсиз етиб келди. Қишлоқ дарвозаси олдида уларни ерлик маъмурлар кутиб олишди. Шу замоноқ қўнғироқлар чалинди, йиғилган аҳоли янги губернаторни шод-хуррамлик билан қутлади ва шукроналар ўқигани уни зўр тантана билан бош ибодатхонага бошлаб кетдилар. Турли кулгили тантаналардан сўнг Санчога шаҳарнинг калитини топшириб, уни Баратария оролининг абадий губернатори деб эълон қилдилар. Янги губернаторнинг либоси, соқоли ва катта қорни янги губернатор тайинлашнинг сиридан воқиф бўлмаганларнинг ҳаммасини ҳайратга солди. Ибодатхонадан Санчони суд залига олиб кириб, креслога ўтқазилди, герцогнинг эшик оғаси гап бошлади:

– Сеньор губернатор, бизнинг оролимизда қадимий бир удум бор: кимки бу ажойиб оролга ҳукмдор бўлиб келса, ўзига бериладиган мураккаб ва чалкаш саволларга жавоб қайтариши керак. Унинг жавоблари оро аҳолисига янги губернаторнинг қанчалик доно эканини кўрсатиши лозим, чунки фуқаро унинг губернатор қилиб тайинланганидан қувониши ёхуд қайғуриши керак.

Эшик оғаси сўзлаётганда, Санчо рўпарасидаги деворга катта ҳарфлар билан ёзилган ёзувга кўз ташлади. У саводсиз бўлганлиги учун нима деб ёзилганини сўради.

– Сеньор, у ерга шундай деб ёзилган: «Бугун фалон йил, фалон ойнинг фалон кунидан бошлаб дон Санчо Панса оролга ҳукмронлик қила бошлади. Илоё кўп йиллар ҳукмронлик қилсин!» – деб жавоб беришди.

– Дон Санчо Панса ким ўзи? – деб сўради Санчо.

– Сиз, жаноби олийлари, – деди эшик оғаси, – ахир оролга якка-ю ягона Санчо қадам ранжида қилган, холос, мана, у кўз олдимизда креслода ўтирибди.

– Шуни яхши билиб қўйингки, биродар, – эътироз билдирди Санчо, – мен ҳам, менинг авлод-аждодларимдан бирор кимса ҳеч қачон дон бўлмаган. Мени оддийгина Санчо Панса дейдилар, отамнинг ҳам исми Санчо, бувамнинг ҳам исми Санчо бўлган, хуллас, ҳаммалари ҳеч қандай дон-понсиз Панса деб аталганлар. Оролингизда донлар чақиртошдан ҳам кўпми дейман. Бу ҳақдаги гап тамом; худойимнинг ўзи мени тушуниб турибди, агар мен бу ерда бир неча кун бўлса-да губернаторлик қила олсам, бундай донларнинг ҳаммасини йўқотаман. Улар бу ерда ғужғон ўйнаб ётган чивиндек ҳаммангизнинг жонингизга теккан бўлса керак. Қани бўлмаса, сеньор эшик оғаси, саволарингизни беринг, мен фуқаромни хурсанд қиламанми, ачинтираманми, ақлим етганича жавоб бераман.

Шу пайт суд залига икки киши кириб келди, улардан бири деҳқон, иккинчиси тикувчи кийимида бўлиб, унинг қўлида каттакон қайчиси ҳам бор эди. Тикувчи шундай деди:

– Сеньор губернатор, биз манави деҳқон билан бирга марҳаматли жаноблари ҳузурига бир иш юзасидан келган эдик: бу саховатли кимса кеча дўконимга кириб, бир парча мовутни узатиб: «Мана бу мовутдан менга қалпоқ чиқармикин?» деб сўради. Мен мўлжаллаб кўриб, чиқади, дедим. Шунда бу киши мовутимдан бир парчасини ўғирлаб қолмоқчига ўхшайди, деб

шубҳаланиб: «Эҳтимол, иккитага етар?» деди. Шунда унинг нимани ўйлаётганини фаҳмлаб, етади, дедим. У эса баттар шубҳаланиб, қалпоқ ёнига қўшаверди, мен ҳаммасига рози бўлавердим. Ниҳоят, у билан беш қалпоққа келишдик. Бир неча кундан кейин у қалпоқни олиб кетгани келди. Қалпоқлар тайёр бўлган эди, лекин у ҳақ тўлаш у ёқда турсин, ҳатто матони қайтариб беришимни ёки пулини тўлашимни талаб килди.

– У тўғри гапиряптими, биродар? – деб сўради Санчо.

– Ҳа, сеньор, – жавоб берди деҳқон, – лекин у менга тикиб қўйган қалпоқларни кўрсатишни буюринг, муҳтарам жаноб.

– Бажонидил, – деди тикувчи ва ҳар бир бармоғида биттадан қалпоқ бўлган қўлини плаш чўнтагидан чиқариб давом этди: – Мана, бу саховатли киши менга буюрган бешта қалпоқча. Худо ҳақи ва виждонан айтаманки, менда бир парча ҳам мовут қолмади, мен ўз ишимни цех вакилларига ҳам кўрсатишга тайёрман.

Тикувчининг бу аломат гапларидан ҳамма хахолаб кулиб юборди. Санчо бир дақиқа ўйлаб туриб, деди:

– Менинг ҳукмим шундай: тикувчи ўз иши учун ҳақ олмайди, деҳқон эса – бузиб қўйилган мовутининг пулини, қалпоқчалар қамоқдагиларга берилади, вассалом, иш тамом.

Бу ерда ҳозир бўлганлар кулиб юборишди, бироқ губернаторнинг қарорини тўғри деб тан олиб, шу ондаёқ уни бажаришга киришдилар.

Шу пайт залга икки чол кириб келди. Улардан бири йўғон ҳассасига таяниб, виқор билан қадам ташларди. Иккинчиси эса астагина унинг кетидан келарди. Уларнинг иккинчиси Санчога таъзим қилиб, гап бошлади:

– Сеньор губернатор, мен мана бу кишига сўраган замоним қайтариб бериш шарти билан ўнта олтин эскудо қарз берган эдим. Бунга кўп вақт бўлди, мен ҳам сўрамадим, чунки у мендан қарз олган пайтда қийин аҳволда бўлса, қарзимни тўлагач, беш баттар мушкулликка тушиб қолишини тушунардим. Ниҳоят,

назаримда у қарзини бутунлай унутиб юборганга ўхшаб қолди: шундай кейин мен унга буни эслатиб қўймоқчи бўлдим, у бўлса қарзини бериш у ёқда турсин, сендан ҳеч қачон пул олмаганман, олган бўлсам ҳам аллақачон тўлаганман, деб туриб олди. Мен марҳаматли жанобларидан илтимос қилардимки, бу одамга қасам ичдирсангиз, агар қарзимни тўлаганман деб қасам ичса, шу ердаёқ худо шоҳидлигида ҳақимдан кечишга тайёрман.

– Бунга нима дейсиз, эй ҳассали чол? – сўради Санчо.

Чол шундай жавоб қилди:

– Сеньор, ундан пул олганлигимни тан оламан. Лекин ростини айтайки, қарзимни аллақачоноқ тўла-тўкис тўлаганман. Даъвогарнинг айтишича, у қасамимга ишонар эмиш, майли, марҳаматингиз билан асонгизни ўпиб қасам ичишга тайёрман.

Губернатор асосини тутди. Шунда чол ўз ҳассасини қасам ичиб бўлгунча ушлаб туришни илтимос қилиб даъвогарга берди ва қўлини асонинг хочига қўйиб ҳақиқатан ҳам ўн эскудо қарз олганлигини, лекин ўз қўли билан қўлига берганини, лекин қарз берувчи фаромушхотирлиги сабабли ундан қарзини бир неча бор сўраганини айтди.

– Хўш, энди нима дейсан? – деб сўради губернатор даъвогардан.

У эса ўз қарздорини ҳалол ва саховатли насроний деб ҳисоблашини билдирди. Эҳтимол, ўша ўн эскудони қачон қайтариб берганини ростдан ҳам унутгандир. Лекин, ҳар ҳолда, буни энди ҳеч қачон талаб қилмайди.

Қарздор ҳассасини олди-да, таъзим қилиб, суддан чиқиб кетди. Боядан бери чолни зийраклик билан кузатиб турган Санчо эса бошини эгиб, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини бурнига қўйганича бир оз ўйлашиб турди-да, кейин ҳассали чолни қайтаришни буюрди.

Уни қайтариб олиб киришганда Санчо унга қараб туриб деди:

– Қани, саховатли қария, ҳассангизни беринг-чи менга!

– Жоним билан, – деди чол, – мана, сеньор.

У ҳассасини берди. Санчо ҳассани олиб, иккинчи чолга тутқазаркан, шундай деди:

– Мана, ҳаққингиз ҳам тўланди. Кетаверинг энди.

– Нима учун, сеньор! – хитоб қилди чол. – Ахир, шуни ўн олтин эскудога оладими?

– Олади, – жавоб берди губернатор, – ёки худо ҳақи қасам ичаман, дунёдаги энг аҳмоқ одамман. Бутун бош-ла қироликни эплай оламанми-йўқми, ҳозир кўрасиз.

У ҳассани синдиришни буюрди. Ҳассани синдиришган эди, ичидан олтин тангалар тушди. Ҳамма губернаторнинг худди подшо Соломондек донолигига қойил қолди ва Санчодан ўн эскудо шу ҳассага яшириб қўйилганини қандай билиб олганини сўрашди. Санчо бунга чолнинг қасамёд қилаётиб ўз рақибига ҳассасини тутқазганини ва қарзини тўла ҳамда алдовсиз тўлаганлигини айтди, деди. Қасам ичиб бўлгандан кейин эса яна ҳассасини қайтариб олди. Буни пайқаган Санчо жанжалга сабаб бўлган ўн эскудонинг ҳассага яширилганини тушунган эди.

– Бундан хулоса шуки, – қўшимча қилди Санчо, – губернатор энг каллаварам одам бўлса-да, агар у виждонли ва адолатли бўлса, худонинг ўзи ҳақиқатни топишга мадад беради. Дарвоқе, қишлоғимиз руҳонийси шунга ўхшаган бир воқеа ҳақида гапириб берган эди, менинг хотирам эса жуда яхши. Агар хотирамда сақлаш керак бўлган нарсани кўпинча унутиб қўймаганимда эди, эҳтимол, бундай хотира бу оролни бошдан-оёқ излаб чиққанда ҳам топилмасди.

Шундай қилиб, чоллар, бири таъби тирриқ, иккинчиси эса мамнун бўлиб чиқиб кетишди. Йиғилганларнинг ҳаммаси ҳамон ҳайратда эди, Санчонинг фаолияти, хатти-ҳаракати ва нутқларини ёзиб бориш вазифаси топширилган котиб эса янги губернаторни аҳмоқ деб ёзишни ҳам, ақлли деб ёзишни ҳам билмасди.

Суд тугагач, губернаторни ҳашаматли саройга олиб киришди. Бу ердаги катта залда Санчо қироўларга яса-тиладигандек тузалган дастурхонга кўзи тушди. Нафис гулдор дастурхонда турли хил таомлар, вазаларда эса

турли хил ҳўл мевалар ва гуллар бор эди. Санчо ҳозир бўлиши билан мусиқа садолари янгради, тўрт маҳрам қўл ювишга сув тутди, у удуфворлик билан қўлларини ювди. Мусиқа садолари тингач, Санчо тўрга ўтиб ўтирди, унинг ёнига қўлида кит мўйловидан ясалган таёқча ушлаган қандайдир бир киши келиб турди. Кейин маълум бўлишича, у доктор экан. Дастурхон усти очилгач, кўринишидан руҳонийга ўхшаган бир киши таом учун дуо ўқиди. Маҳрамлардан бири Санчонинг кўкрагига гулдор рўмолча тутди, бошқаси эса бир товоқ ҳўл мева келтириб қўйди.<sup>90</sup> Бироқ Санчо битта ҳам татиб кўрмасдан туриб, доктор таёқчасини товоққа теккизган эди, шу замоноқ уни олиб чиқиб кетишди, унинг ўрнига бошқасини келтириб қўйишди. Санчо ундан татиб кўрмоқчи бўлиб, қўл узатиши биланоқ бояги таёқча яна товоққа келиб тегди, маҳрам мевани қандай эпчиллик билан олиб чиқиб кетган бўлса, уни ҳам шундай олиб кетди. Буни кўрган Санчо довдираб, атрофдагиларга бир-бир кўз югуртириб, наҳотки бу овқатни кўзбойлоғичлик томошаларидай қилиб ейилса, – деб сўради. Бунга таёқчали киши шундай жавоб қилди:

– Йўқ, сеньор губернатор, бу оролда бошқа губернаторлар бошқараётган ороларда қандай овқатланилса, худди шундай овқатланилади. Мен докторман, сеньорим, катта маош бадалига губернаторга шахсий хизмат қилиш учун тайинланганман. Унинг соғлигига ўзимнинг соғлигимдан ҳам яхшироқ ғамхўрлик қиламан. Мен губернаторнинг тоби қочиб қолган тақдирда даволаш учун унинг бутун аъзойи баданини тун-у кун ухламай ўрганаман, аммо асосий вазифам тушлик ва кечки овқат пайтида ҳозир бўлиб, ўз тушунишимча, губернаторга ёқадиган овқатни беришга рухсат этиш ва, менингча, унинг ошқозонини бузадиган таомларни дастурхондан йўқотишдир. Мана шунинг учун ҳам ҳўл меваларни олиб кетишларини буюрдим, чунки уларда сув кўп, кейингиси бўлса, ҳаддан ташқари аччиқ ва зираворланган эди, бу эса ҳаммага аёнки, кишини



чанқатади. Кўп суюқлик ичиш эса ҳаёт қувватимизни кирқади.

– Ундай бўлса, манави қовурма какликлар-чи, кўри-нишдан жуда мазалига ўхшайди, эҳтимол, менга зарар қилмас.

Бунга доктор шундай жавоб қайтарди:

– Токи мен ҳаёт эканман, сеньор губернатор бу таомга қўл теккиза олмайдилар.

– Нега, ахир? – сўради Санчо.

– Чунки, тиббиёт оламининг юлдузи ва машъали, устод Гиппократ<sup>91</sup> ейиладиган ҳамма нарса ҳам, айниқса, каклик ейиш зарарли деган.

– Унда, сеньор доктор, – деди Санчо, – таёқчангиз билан столдаги товоқни тиқиллатгандан кўра, марҳамат қилиб менга кўпроқ фойда, озгинагина зарар келтирадиган овқатлардан бирини танласангиз-да, уни ейишга рухсат берсангиз, чунки губернатор ҳаёти ҳақи қасамёд қиламанки, – худонинг ўзи узайтирсин умримни, – очдан ўлай деяпман. Нима десангиз денг, қанчалик жаҳдингиз чиқса чиқсин, сеньор, олдимдан овқатимни олиб қўйиб, умримни узайтириш у ёқда турсин, аксинча қисқартиряпсиз.

– Марҳаматли сеньор губернатор мутлақо тўғри айтидилар, – деди доктор, – шунинг учун ҳам қуён гўшти солинган манави қовурдоқдан емасликлари керак, марҳаматли жаноблари, негаки бу таом бадҳазмдир. Мана бу бузоқ гўшtidан эса агар қовуриб ва димлаб пиширилмаганда, есангиз бўларди, бироқ бу туришда емаганингиз маъқул.

– Мана бу катта товоқдаги буғи чиқиб турган таом гўшт ва қуйруқ солинган димламага ўхшайди-я, чамамда, унга одатда турли нарсалар қўшилади. Эҳтимол, ундан дилимга ёқадиган ва фойдали бирор нарса чиқиб қолар.

– Худо сақласин! – хитоб қилди доктор. – Бундай хавфли фикрдан қочинг, дунёдаги ҳеч қайси таом ҳам мевали димламачалик соғлиққа зарар қилмайди. У руҳонийларга, ўқув юртларининг ректорига, деҳқонларнинг тўйларига муносиб, губернаторнинг дастурхонига эса тўғри келмайди. Губернатор юмшоққина,

тез ҳазм бўладиган таомлар билан овқатланиши керак. Йўқ, сеньор губернатор ўз соғлигини сақламоқчи ва янада мустақкамламоқни истасалар, мен хамири юпқа қилиб кесилган қайла билан бир неча тишлам беҳи ейишларини маслаҳат берардим – бу овқатлар ошқозонларини бақувват қилади ва енгил ҳазм бўлади.

Буни эшитиб Санчо кресло суянчиғига суяниб, докторга диққат билан тикилиб турди-да, жиддий товуш билан унинг отини ва қаерда ўқиганини сўради.

Доктор жавоб берди:

– Сеньор губернатор, исми-шарифим доктор Педро Ресио де Маль-Агуэро, Альмодавар дель Камподаги Карракуэла йўлининг ўнг томонидаги Тиртеафуэра\* деган ерда туғилганман, тиббий унвонни Осун университетида олганман.

Жон-пони чиқиб кетган Санчо қичқириб юборди:

– Бўлмаса, гап бундай, Тиртеафуэрада туғилиб, Осун университетида докторлик унвонини олган доктор Педро Ресио де Маль-Агуэро, тезроқ бу ердан жўнаб қолинг! Бўлмаса, қуёш ҳақи, қўлимга сўйил олиб, сиздан бошлаб, оролдаги барча докторларни қувиб чиқараман. Мен кўзимга жоҳил бўлиб кўринадиганлар ҳақида гапиряпман. Ақлли, тажрибали ва билимдон докторларни кўз қорачиғидек асрайман ҳамда энг улуғ валинеъ-матлардек иззат қиламан. Қани, жўнаб қолинг-чи бу ердан, Педро Ресио, бўлмаса, манави ўтирган креслом билан бошингизни ёраман. Агар мени жавобгарликка тортгудек бўлсалар, ўз ҳамшаҳарларининг жаллоди бўлган бемаъни бир докторни ўлдириб, худога маъқул тушадиган иш қилдим деб айтаман. Қани, энди ейишга овқат беринг ёки унинг қорнини тўйғиза олмайдиган ва икки дона ловияга ҳам арзимайдиган губернаторлик мансабини олиб ташланг!

Губернаторнинг жаҳли чиқиб кетганини кўриб хижолат чеккан доктор энди жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлиб турган эдики, бирдан кўчадан чопар бурғусининг

---

\*Испанча – нариги дунёга жўна, ер ютсин дегани.

садоси эшитилиб қолди. Эшик оғаси деразадан ташқарига қаради-да, Санчо ёнига келиб шундай деди:

– Сеньор герцог ҳузуридан чопар келди, бирор муҳим топшириқ билан келган бўлса керак.

Терга ботган чопар ҳансираб кириб келди-да, қўйнидан хат олиб, губернаторга топширди. Санчо уни эшик оғасига тутқазиб, кимга юборилганини ўқишни буюрди.

Хатнинг устига шундай деб ёзилган эди:

«Баратария оролининг губернатори дон Санчо Пансанинг ўз қўлига ёки котибига тегсин». Буни эшитган Санчо:

– Ким бу ерда менинг котибим? – деб сўради. Тўп-ланганлардан бири жавоб берди:

– Мен, сеньор, чунки ўқиш ва ёзишни биламан.

– У ҳолда, – деди Санчо, – сиз ҳатто императорнинг ҳам котиби бўлишингиз мумкин. Хатни очиб, унда ёзилганларни ўқиб чиқинг.

Янги тайинланган котиб топшириқни бажарди, хатни ўқиб, мутлақо махфий эканлигини айтди.

Шунда Санчо баковул билан эшик оғасинигина ўз ҳузурида олиб қолиб, бошқаларга чиқиб кетишни буюрди. Ҳамма, шу жумладан, доктор чиқиб кетгач, котиб герцогнинг хатини ўқиб берди:

*Сеньор дон Санчо Панса, менга шу нарса маълум бўлдики, менинг ва сизнинг душманларимиз яқин кечалардан бирида оролимизга бостириб киришга тайёргарлик кўраётган эмиш. Сизни гафлатда қолдирмасликлари учун уларни кутиб огоҳ бўлиб туринг. Бундан ташқари, ишончли айдоқчилар орқали шуни ҳам билиб олдимки, қиёфасини ўзгартирган тўрт чоғли нияти бузуқ жиноятчи жонингизга қасд қилиб, оролингизга кириб олган. Зероки, сизнинг ақл-заковатингиз уларнинг кўнглига гулгула солиб қўйган. Ҳушёр бўлинг, заҳарлаб қўймасликлари учун берган таомларини асло ея кўрманг. Башарти бирор хавф-хатар таҳдид қилгудек бўлиб қолса, тезда ёрдамга етиб бораман.*

*Ушбу хат августнинг ўн олтинчи куни, эрталаб соат тўртда қасримиздан жўнатилди.*

*Дўстингиз Герцог.*

Санчо ҳайратга тушиб қолди, бошқалар ҳам ўзларини ҳайрон бўлганга ўхшаб кўрсатишга уринишди. Санчо бир оз сукут сақлаб тургач, баковулга деди:

– Менимча, бу ердаги энг хавфли одам доктор Ресио; у мени энг оғир ҳалокатга – очликдан ўлишга маҳкум этмоқчи.

– Лекин, ҳар ҳолда, – деди эшик оғаси, – марҳаматли жаноблари, дастурхонга қўйилган таомларга қўл урмасликларини маслаҳат берардим, нега деганингизда, буларни роҳибалар тайёрлаган, уларга ишониб бўлмайди.

– Сиз билан ади-бади айтишиб ўтирмайман, – деди Санчо, – ҳеч бўлмаганда, менга бир бурда нон билан тўрт фунт узум беринглар. Бундан заҳарланаман деб чўчимаса ҳам бўлади, тўғриси айтсам, асло чидаб туролмайман. Бунинг устига, ҳимояга тайёрланишимиз керак, бунинг учун эса яхшилаб тўйиб олиш лозим, ахир қорин довьоракликка эмас, довьораклик қориннинг тўқлигига боғлиқ-ку. Сиз эса, котиб, сеньор герцогга, топшириқларингизнинг ҳаммаси тўла-тўқис бажарилади, деб жавоб ёзинг ҳамда сеньора герцогиняга қўлларини ғойибдан ўпажагимни, бир йўла жанобим сеньор дон Кихотнинг ҳам қўлини ўпиб қолишимни ҳам ёзиб қўя қолинг, тагин у мени нонкўр экан деб юрмасин. Қолганини эса моҳир котиблардек болайсиз. Хаёлингизга келган ҳамма ўринли гапларни қўшиб кўяверасиз. Энди, қани, столдаги нарсаларни йиғиштириб, егани бир нима беринглар, борди-ю, қандайдир айроқчи, қотил ёки сеҳргарлар менга ёхуд оролимга ҳужум қилгудек бўлсалар, бемалол даф қила оламан уларни.

Шу пайт залда яна доктор Педро Ресио ҳозир бўлди, у Санчонинг газабидан қўрқиб, тиббий қоидаларини бузиб бўлса-да, кечқурун овқатланишга рухсат беражани айтди. Губернатор бу гапдан қаноатланиб, кечқурунги овқат соатини сабрсизлик билан кута бошлади. Ниҳоят, кутилган вақт ҳам етиб келди: кечки овқатга пиёзли димлама мол гўшти ва қайнатилган бузоқ гўшти қўйдилар, бу жонивор ҳам роса эскириб қотиб кетган экан. Санчо уларни худди Милан макиёни, Рим қирғо-

вули, Сорренто бузоғи, Морон тустовуғи ёки Лавах ғози гўштидек зўр иштаҳа билан ея бошлади. Овқат ўртасида докторга мурожаат қилиб деди:

– Эшитиб қўйинг, сеньор доктор, бундан кейин мени бунақанги ажойиб ноз-неъматлар ва лаззатли таомлар билан меҳмон қила кўрманг, бу билан ошқозонимни бузасиз, барака топкур. Мен эчки, мол гўшти, думба, сур гўшт, шолғом, пиёз билан овқатланишга одатланганман. Агар мени нуқул сарой овқатлари билан боқадиган бўлсангиз, у ҳолда ошқозоним яхши қабул қилмайди, озор чекади. Яхшиси ҳар куни менга гўшт-у ҳар хил кўкат ҳамда сабзавотлар солинган димлама тайёрлашгани тузук, унга қанчалик кўпроқ ноз-неъмат солинса, шунчалик мазали бўлади, лекин мени майна қилгани ҳеч кимга йўл қўймайман. Шундай қилиб, келинг, дўстона яшаб, дўстона овқатланайлик. Ахир, худонинг тонги ҳамма учун баравар отади-ку. Мен оролни шундай бошқараманки, ўлпоннинг тийинини ҳам йўқотмайман, пора ҳам олмайман, сиз ҳаммангиз атрофга кўз-қулоқ бўлиб турунглар. Бўлмаса, мен умрингизда кўрмаган фаройиботларни кўрсатиб қўяман.

– Виждонан айтаманки, сеньор губернатор, – деди эшик оғаси, – муҳтарам жаноблари мутлақо тўғри гапиряптилар.

Шу ороллардаги барча ороликлар номидан ваъда бераманки, уларнинг бари сиз марҳаматли жанобларига сидқидилик билан, муҳаббат ва ихлос билан хизмат қиладилар. Сиз ҳукмдорликнинг бошланишиданоқ ўзингизнинг шу қадар саховатли эканлигингизни кўрсатдингизки, марҳаматли жанобларига хуш келмайдиган биронта номаъқул иш қилишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар улар.

– Албатта, – жавоб берди Санчо, – бўлмаса, улар аҳмоқ бўлган бўлур эдилар. Лекин такрор айтаманки, менинг ва қуланг эшагимнинг овқатимиз ҳақида ғамхўрлик қилиб турунглар: мен учун ҳамма нарсадан ҳам зарур, кечиктириб бўлмайдиган иш бу. Қоронғи тушиши билан

оролни айланиб чиқамиз, чунки мен ҳар қандай бекорчи дайдилар ва йўлдан озган кимсалардан тозаламоқчиман уни. Шунни билиб қўйингларки, дўстларим, дангасалар ва бекорчилар ишламай тишлайдиган текинхўрлардир. Деҳқонларга ҳомийлик қилиш, идальголарнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш, саховатлиларни мукофотлаш, айниқса, динни ҳурматлаш, дин пешволарини эъзозлаш ниятидадирман. Хўш, бунга нима дейсизлар, дўстлар. Тўғри гапиряпманми, ёки бемаъними?

– Сиз шундай гапиряпсизки, сеньор губернатор муҳтарам жаноблари, – жавоб берди баковул, – қандай қилиб шундай оми одамнинг, – билишимча, муҳтарам жаноблари саводсиз-ку, ахир, – шундай ақли гапларни ва оқилона панд-насиҳатларни ўйлаб топаётганларидан ҳайратда қолдим. На сизни бу ерга юборганлар, на ҳузурингизда турган бизлар сиз муҳтарам жанобларидан бундай истеъдодни кутган эдик. Токи ҳаёт экансан, ҳар куни бирор янгиликнинг шоҳиди бўларкансан: ҳазиллар жиддий ишга айланар экан, мазах қилувчилар эса майна бўлиб қоларканлар.

Шундай қилиб, губернатор баковул, котиб, эшик офаси ва зиммасига Санчо фазилатларини хатга тушириб, келгуси насларга етказиш вазифаси юкланган солномачи ҳамроҳлигида орол бўйлаб тунги саёҳатга отландилар. Уларнинг кетидан шу қадар кўп котиб ва альгвасиллар борардики, улардан бир кичикроқ ҳарбий отряд тузса бўларди. Асосини ушлаб олган Санчо ўртада шаҳдам қадам ташлаб борарди. Унга қараган сари қарагинг келарди. Улар бир неча кўчани айланиб ўтгач, тўсатдан қулоқларига қиличларнинг жаранги чалиниб қолди. Ҳаммалари шовқин келаётган томонга отилдилар. Улар бир неча қадам чопиб боришгач, яккама-якка қиличлашаётган икки номаълум кишига дуч келишди. Тартиб сақловчи нозирларга кўзи тушган рақиблар тўхтаб қолишди, улардан бири хитоб қилди:

– Худо ва қирол ҳақи! Бу қишлоқда ҳамманинг кўзи олдида бировларни талаб, кўчанинг қоқ ўртасида ўтган-кетганга тажовуз қилиш қанақаси бўлди?

– Тинчланинг, эй саховатли одам, – деди Санчо, – қани менга айтинг-чи, жанжалингиз нимадан чиқди; мен – губернаторман.

Шунда иккинчи рақиб гап бошлади:

– Сеньор губернатор, мен сизга жанжал нимадан чиққанлигини қисқача гапириб беришга ҳаракат қиламан. Муҳтарам жанобларига маъқул бўлсинки, манави йигит ҳозиргина соққа ўйнаб икки минг реалдан ортиқроқ пулимни ютиб олди. Албатта, у қандай ҳийла ишлатиб ютди, бу фақат худогагина аён. Мен ўйиннинг гувоҳиман, гарчанд виждоним азобланиб турса-да, бир неча марта шубҳали отишни унинг фойдасига ҳал қилдим. Ниҳоят, ўйин тугаб, у ютуқларини йиғиштириб олди. У менга чўтал беради деб ўйласам, ютуғини чўнтагига солди-ю, индамай кўчага чиқиб кетаверди. Хафа бўлганимча орқасидан бориб, яхшиликча, мулойимлик билан ҳеч бўлмаганда саккиз реал беришни сўрадим. У менинг ҳалол одам эканимни, амал-тақалим, топар-тутарим йўқлигини билади. Чунки ота-онам мени ҳеч нарсага ўргатмаган ҳам, мол-дунё қолдирмаган ҳам. Бу қаллоб бўлса, атиги тўрт реалгина чиқариб берди. Сеньор губернатор, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, бу қандай ҳаёсизлик, ноинсофлик! Виждонан айтаман, муҳтарам жаноб, агар сиз етиб келмаганингизда унинг ютуқларини зўрлаб тортиб олган бўлардим.

– Бунга сиз нима дейсиз? – сўради Санчо қиморбоздан.

Қиморбоз бу қаллоб тамагирнинг тўғри гапираётганини, ҳақиқатан ҳам унга тўрт реалдан ортиқ беришни истамаганини, чунки унинг ҳар куни чўтал сўрашини гапириб берди. Чўтал ва садақа билан кун кўрадиган одам эса мулойим бўлиши, омадли қиморбоз билан савдолашиб ўтирмай, берганини олиши керак, деди у.

– Борди-ю, мен чиндан ҳам фирром бўлганимда эди, – деди қиморбоз, – сал сахийроқ бўлардим, негаки фирромлар бунақа фирибгарларга кўпроқ пора беришга мажбур, чунки уларнинг ҳийласи чўтал олувчиларга аён. Мен оз чўтал беряпманми, демак, шунинг ўзи ҳалол ўйнаганимни кўрсатиб турибди.

– Тўппа-тўғри, – деди баковул. – Сеньор губернатор, бу иккала йигитчага нисбатан қандай фармойиш берадилар?

– Фармоним шундан иборатки, – жавоб берди Санчо – сиз, сеньор қиморбоз, ҳозироқ манави жанжалкашга юз реал берасиз, яна бунинг устига қамоқдагилар фойдасига ўттиз реал бағишлайсиз. Сиз бўлсангиз, амал-тақал, топар-гутарсиз йигитча, юз реални олинг-у, эртадан кечикмай жўнаб қолинг, сиз ўн йилга бадарға қилинасиз. Бизнинг оролда бекорчиларга ўрин йўқ, агар қайтиб келгудек бўлсангиз ё ўз қўлим билан ёки жаллод ёрдамида дорга осаман. Гап қайтарманг, менинг қаҳримни келтирманг.

Рақибларнинг бири пулни чиқариб иккинчисига берди, уларнинг бири бадарға, иккинчиси уйига йўл олди, губернатор эса шундай деди:

– Ё менинг салтанатим сариқ чақага ҳам арзимаё қолади ё бу қиморхоналарнинг ҳаммасини ёпаман, чунки назаримда уларнинг фойдасидан кўра зарари кўпроққа ўхшайди.

Шу пайт уларга полициячи яқинлашиб, бир йигитчани Санчонинг ёнига бошлаб келди:

– Сеньор губернатор, – деди у, – манави йигитча рўпарамиздан келаётиб, полициячи эканлигимизни пайқаб қолиши биланоқ орқасига қараб худди кийикдек қоча бошлади. Бу қилиғи жуда шубҳали кўринди. Мен уни қува бошладим, агар қоқилиб йиқилиб тушмаганида, эҳтимол, ушлай олмаган бўлардим.

– Нега қочдинг, ошна? – деб сўради Санчо.

Бунга йигитча шундай жавоб берди:

– Чунки полициячилар ҳадеб сўраб-суриштираверадди, жавоб беришга эса менинг ҳушим йўқ.

– Нима иш қиласан?

– Тўқувчиман.

– Нима тўқийсан?

– Ҳазрати олийларининг рухсати билан айтсам, найзаларнинг учини тўқийман.



– Э-ҳа, масхарабозга ўхшайсан-ку! Маҳмадоналикка ёзилганмисан? Ҳа, майли. Қаерга кетаётган эдинг?

– Шундай айланиб, шамоллаб юрувдим.

– Оролингизнинг қаерида шамоллаш мумкин?

– Қаерда шамол бўлса ўша ерда.

– Яхши, жавобларинг қофияли. Кўриниб турибди, ақли расо йигитчага ўхшайсан; шу нарсани кўз олдинга келтиргин-а, мана мен шамолман, ортингдан пуфлаб тўппа-тўғри турмага ҳайдайман. Ҳой, қани олинглар буни, қамоққа жўнатинг. У ерда бир неча кун ётсин, шунча шамоллаб юргани етар.

– Худо ҳақи, марҳаматли жанобим, – эътироз билдирди йигитча, – мени қамоқда ухлашга мажбур қилишдан кўра, қирол қилиб кўтариш осон тушади сизга.

– Хўш, нима учун мен сени қамоқда ухлашга мажбур қила олмас эканман? – сўради Санчо. – Сени қамашга ёки ҳушим келиб қолса, қўйиб юборишга қудратим етмайдими?

– Муҳтарам жанобларининг ҳукми амаллари ҳар қанча удуғ бўлса-да, – жавоб берди йигитча, – бари бир мени қамоқда ухлатишга кучингиз етмайди.

– Қанақасига кучим етмасакан? – қичқирди Санчо.

– Олиб боринг уни, янглишганига амалда ишонч ҳосил қилсин. Алькальдга айтинг, агар у бу йигитчани қамоқдан чиқариб юборса, унга икки минг дукат жарима соламан.

– Мен ўз сўзимда қатъий тураман, муҳтарам жаноб, – такрорлади йигитча, – дунёда мени ҳеч ким қамоқда ухлашга мажбур қилолмайди.

– Нима деб жавраяпсан, тушунолмаяпман ёки амрим билан оёгингга уриладиган кишан занжирларини парчалаб, сени қамоқдан олиб чиқиб кетадиган бирор фаришта турибди деб ўйлаяпсанми?

– Сеньор губернатор, – деди ҳазиломуз йигитча, – келинг, ўйлаб иш қилайлик. Фараз қилайлик, муҳтарам жаноблари турмага олиб бориб, оёқ-қўлимга кишан уриб зиндонга ташлашга фармон бердилар. Борингки, алькальд мени қамоқдан чиқариб юборгудек бўлса, қаттиқ жазо тортади, шунинг учун у фармонингизни аниқ бажаради ҳам дейлик. Лекин бари бир, мен агар

тун бўйи мижжа қоқмай кечани бедор ўтказмоқчи бўлсам, муҳтарам жаноблари, сиз ўзингизнинг ҳукми амрингиз билан мени ухлашга мажбур қила оласизми?

– Албатта, йўқ, – деди котиб, – йигитча жуда қойил гапни топди.

– Бинобарин, сен менинг гапимга монелик қилиш учун эмас, балки ўз инжиқлигингни деб ухламоқчи эмасмисан? – сўради Санчо.

– Албатта, сеньор, – деди нотаниш йигитча, – бундан бошқа ҳеч нарса келгани йўқ калламга.

– Ундай бўлса йўлингдан қолма, – деди Санчо, – уйингга бориб ухла, худо сенга ажойиб тушлар йўлласин. Мен сенинг оромингни бузмоқчи эмасман. Аммо бундан буён адолат суди билан ҳазиллашмаслигингни маслаҳат бераман, акс ҳолда, бунақа майнавозчилигинг учун бошингда калтак синиши мумкин.

Нотаниш йигитчани қўйиб юбораркан губернатор шу билан оролни айланиб чиқишни бас қилишга қарор қилди. Икки кундан сўнг эса губернаторликнинг ҳам кунни битди, оролни бошқаришни тубдан ўзгартириш ва яхшилаш ҳақидаги Санчо Пансанинг хаёл қилган режалари чиппакка чиқди.

### ЭЛИК БИРИНЧИ БОБ

#### **САНЧО ПАНСАНИНГ ХОТИНИ ТЕРЕСА ПАНСАГА ГЕРЦОГИНЯ МАҲРАМИНИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МАКТУБ ОЛИБ БОРИБ БЕРГАНИ**

Санчо Панса Баратария оролида губернаторлик қилиб турган бир вақтда герцогиня унинг хотини Тереса Пансага эри ва ўз номидан мактуб юборди, бу мактубни ўрмонда ўйналган ғалати томошада Дульсинея ролини бошлаб ижро этган ўша маҳрам олиб борди. Герцогиня мактубга ажойиб совға – бир шода марварид қўшиб жўнатди.

Уддабуро, эпчил маҳрам хўжайинларининг илтифот ва марҳаматига сазовор бўлмоқ учун бу вазифани адо

этишга бажонидил киришиб, шу ондаёқ Санчонинг қишлоғи томон йўл олди. Қишлоққа яқинлашаркан сой бўйида кир юваётган бир талай аёлларга дуч келди, шунда маҳрам улардан ламанчлик дон Кихот деган машҳур рицарнинг яроқбардори Санчо Пансанинг хотини Тереса Панса қаерда яшайди деб сўради. Бу сўзларни эшитиб, кир юваётган аёллар орасидан бир қиз қаддини ростлаб:

– Тереса Панса – менинг онам, сеньор Санчо Панса – отам, сиз айтган рицарь эса хўжайинимиз, – деди.

– Ундай бўлса, яқинроқ келинг, қизча, – деди маҳрам, – мени онангиз ҳузурига бошлаб боринг, мен онангизга падари бузрукворингиздан мактуб ва совға-салом келтирдим.

– Бош устига, сеньор, – деди кўринишидан ўн тўрт ёшларда бўлган бу қиз.

Қизча шундай деди-да, юваётган кирларини дугоналаридан бирига қолдириб, бир ҳатлаб маҳрамнинг оти ёнига келиб қолди, қиз оёқяланг, сочлари тўзғиган эди. У:

– Тўғрига қараб юраверинг, муҳтарам жаноб. Кулбамиз шундоққина қишлоққа кираверишда, онам шўрлик отамдан кўпдан бери хабар бўлмагани учун қайғу-надомат чекиб, қон йиғлаб ўтиргандилар, – деди.

– Мен яхши хабарлар олиб келдим, – деди маҳрам, – онангиз бунинг эвазига тангрига ҳамд-у санолар ўқиб, шукроналар айтади.

– Бу ёққа чиқинг, ойижон, тезроқ чиқинг бу ёққа, отажонимнинг олдидан бир сеньор келибди, у отамдан мактуб ва ҳар хил совға-саломлар олиб келибди, – деб қичқира бошлади.

Қизчанинг овозини эшитиб уйдан Тереса Панса хола отилиб чиқди. Унинг эғнида кулранг юбка, белидаги тасмаси ҳам, калта кўйлаги ҳам кулранг эди. Бу жуда бақувват, роз қомат, зуваласи пишиқ, буғдоймағиз, қирқ ёшлар чамасидаги аёл эди. Қизи ва унинг ёнидаги маҳрамга кўзи тушган ҳамоноқ:

– Нима гап қизим, бу сеньор ким экан? – деб сўради у.

– Каминалари донья Тереса Панса хонимнинг содиқ қуларидир, – деб жавоб берди маҳрам.

Шундай деярган, у отдан сакраб тушди-да, эҳтиром билан таъзим бажо келтириб, сеньора Тересанинг оёқларига бош уриб тиз чўкди.

– Қўлингизни ўпмоққа рухсат этинг, сеньора донья Тереса, – деб гапни давом эттирди маҳрам, – мен ҳазрати олияларини Баратария қиролининг губернатори сеньор дон Санчо Пансанинг шаръий жуфти ҳалоллари сифатида чин қалбимдан табриклайман.

– Вой, сеньор, қўйинг, бас! Нима қилиясиз ўзи? – деди Тереса. – Мен ҳеч қандай сарой хонимларидан эмасман, ҳеч қанақа губернаторнинг эмас, балки ўлкама-ўлка кезиб юрган бир жаҳонгашта рицарь яроқбардорининг хотини, камбағал деҳқон аёлман.

– Йўқ, марҳаматли хоним, – деди маҳрам, – сиз энг ҳурматли губернаторнинг ҳурматга лойиқ бекасидирсиз. Бу сўзларимнинг ҳақлиги учун манави мактуб ва совға-саломларни қабул этгайсиз, муҳтарама бекам.

Шундай деб у чўнтагидан олтин шарчалари бор марварид шодасини олиб, Тересанинг бўйнига тақди-да, сўзини давом эттирди:

– Манави мактуб сизга сеньор губернатордан, мана буниси мени сизнинг қошингизга юбориб, бу марваридларни тортиқ қилишни буюрган олиҳиммат бекамдан.

Тереса билан қизи ҳайратдан донг қотиб қолишди. Ниҳоят, қизалоқ тилга кириб:

– Бу хўжайинимиз сеньор дон Кихотнинг иши бўлмаса, турган жойимда тил тортмай ўлай. Эҳтимол, у отамга кўпдан бери ваъда қилиб юрган бирор губернаторлик ёки графлик мансабини ҳадя қилгандир.

– Жуда тўғри, – деди маҳрам. – Сеньор дон Кихотнинг кўрсатган юксак хизматлари эвазига сеньор Санчо айни вақтда Баратария оролининг губернаторидирлар.

– Марҳамат қилиб ўқиб беринг бу мактубни, муҳтарама сеньор, – деди Тереса, – чунки мен, ип йигиришга қанчалик уста бўлмай, бирорта ҳам ҳарфни танимайман, ўқишни мутлақо билмайман.

– Мен ҳам билмайман, – деб қўшиб қўйди Санчика, – бирпас шошмай туринг, ҳозир бирорта ўқишни биладиган одамни – ё руҳонийни ё бакалавр Самсон Карраскони чақириб келаман. Улар отам ҳақидаги бирор янгиликдан бохабар бўлгани бажонидил келишади.

– Уларни чақиришнинг ҳожати йўқ, – деди маҳрам, – гарчанд ип йигириш қўлимдан келмаса-да, лекин ўқишни биламан, сизларга мактубни ўзим ўқиб бераман.

Шундан сўнг у юқорида зикр этилган, китобхонга маълум бўлган, Санчо Пансанинг мактубини ўқиб берди.

Санчо Пансанинг мактубини ўқиб бўлгач, маҳрам чўнтагидан герцогинянинг мактубини чиқарди. Герцогиня ўз мактубида Тереса Пансага мана бундай деб ёзган эди.

*Ўртоқжоним Тереса, эрингиз Санчонинг ҳалол, софдил одамлиги, унинг ақл-у заковати мени ўзига ром этиб, беҳисоб ороллар ҳукмдори бўлган умр йўлдошим герцогдан бу ороллардан бирортасини бошқаришни Санчога тортиқ этишни илтимос қилишига мажбур этди. Бизга хабар беришларича, Панса бу оролни шунқорона бошқараётган эмиш. Ана шу боисдан мен ва, ўз-ўзидан равшандирким, герцог Санчодан беҳад миннатдоримиз. Мен ана шундай одил ҳукмдорни танлашда янглишмаганим учун тангрига беҳисоб ҳамду санолар ўқийман; сиз, сеньора Тереса, яна шу нарсадан бохабар бўлмогингиз жоизки, одил губернатор топши гоят мушкулдир, зотан, Санчо ўз мулкида қандай одиллик кўрсатаётган бўлса, тангридан менга ҳам шундай одиллик ато этишини илтижо қиламан.*

*Мен сизга, қимматли дугонам, олтин шарчалари бор марварид шодаси туҳфа қиларканман, бу марварид ўрнига Шарқ дур-у инжулари совга қила олганимда беҳад бахтиёр бўлурдим, лекин шу ўринда қуйидаги мақолни ёдга олайлик: сенинг бошингни силаган одам сенга ўлимни ҳеч раво кўрмайди. Вақти-соати келиб танишиб, дўстлашиб кетармиз деган умиддаман, яна ким билади дейсиз, келажакда нима бўлиши бир Худонинг ўзига аён. Мендан қизингиз Санчикага дуо денг, қизингизга яна шу*

нарсани айтиб қўйингки, унга етти ухлаб тушига кирмаган бадавлат қайлиқ топиб бераман.

Эшитишимча, сизларнинг ўлкангизда йирик-йирик чўчқаёнгоқлар жуда кўп бўларкан. Ана шу чўчқаёнгоқлардан икки дюжинасини юборсангиз; ўз қўлларингиз билан терилган бўлса мен беҳад хурсанд бўлардим. Соғлигингиз, турмушингиз ҳақида батафсил ёзишингизни ўтиниб сўрайман, мабодо, бирор етишмовчилигингиз бўлса, бир оғиз сўзингиз кифоя, ҳар қандай тилагингизни қаноатлантирурмиз. Илоҳи Тангри сизни ўз паноҳида асрасин.

*Бу мактуб менинг мулкимдан жўнатилди.*

*Сизни чин қалбдан севувчи дугонангиз герцогиня.*

– Оҳ! – деб фарёд уриб юборди Тереса бу мактубни эшитиб, – қандай сахий, оддий ва камтарин сеньора экан-а! Бунақанги сеньора билан битта гўрда бирга ётишга ҳам розийдим. Бу сизга қишлоғимиздаги сиркаси сув кўтармайдиган, ўзгага шамолни раво кўрмайдиган, дворян бўлгани учун сени оёқ учида кўрсатадиган бегойимлардан эмас, улар черковга шунчалик виқор, дабдаба билан боришадикки, худди малика-ю қироличалар дейсиз, деҳқонларнинг аёлларига ҳатто қиё ҳам боқишмайди, буни ўзларига иснод деб билишади. Бу олиҳиммат сеньора ўзи герцогиня бўла туриб, мактубида мени ўртоқжон деб ёзибди, менга худди ўз тенгидек муомала қилибди. Илоё унинг мартабаси Ламанчдаги энг юксак қўнғироқхонадан ҳам баланд бўлсин. Чўчқаёнгоқларга келсак, сеньор, герцогиня ҳазрати олияларига бир дунёсини юбораман, юборганда ҳам шунақанги йирикларини юборайки, уларни томоша қилгани барча келсин, кўриб оғизлари очилиб қолсин. Энди, Санчика, бу сеньорни зиёфат қилгани ҳозирлик кўр. Оғилхонадан тухум олиб чиқ, чўчқа мойидан кўпроқ тўғраб, уни шоҳона меҳмон қил. Ўзи ҳам бўйи-басти келишган одам экан, олиб келган хабари ҳам хушхабар, шунинг учун у зиёфат қилишга лойиқ. Отига ҳам яхшилаб қара. Мен ҳамсояларникига кириб, бу қувончли хабарни етказ-

ман, руҳоний ота билан сартарошхонага, уста Николаснинг олдига ҳам кираман, ахир, улар отангни юракдан маъзур кўришарди-ку.

– Ҳаммасини ўрнига қўяман, ойижон, – деди Санчика, – лекин анави марвариднинг ярмини менга берасиз-а. Марвариднинг ҳаммасини сеньора герцогинянинг биргина сизга юборганига сираям ишонмайман.

– Ҳаммаси сеники, – деди Тереса, – бир неча кунгина тақиб юрсам бас. Ростини айтсам, уни кўрсам кўнглим қувончга тўлиб, юрагим ёрилиб кетаёзгипти.

– Мен сизга олиб келган бошқа совғани кўрсангиз қандай суюниб кетаркансиз! – деди маҳрам. – Бу жуда ҳарир яшил матодан тикилган камзул – уни сеньор губернатор қизчаси Санчикага бериб юборди.

– Эй худо, бахтимга минг йиллар саломат бўлсин отам! – деди Санчика ҳаяжонланиб. – Буни олиб келган одам ҳам минг йил, кам бўлса, икки минг йил умр кўрсин.

Бу орада Тереса марваридни бўйнига тақиб олиб, қўлидаги мактубларни чирманда чалаётгандек чалиб кўча бўйлаб чошиб бораркан, руҳоний ва Самсон Карраско билан тасодифан тўқнашиб қолди-да, ўйинга тушиб:

– Ҳа, мана энди биз қашшоқ эмасмиз, биз энди губернатор оиласимиз. Ишонмаяпсизларми, унда энг олинасаб дворян аёлни олиб келинлар бу ёққа, унинг ўрни қаердалигини кўрсатиб қўяман.

– Ўзи нима гап, Тереса Панса? Намунча хурсандсиз, қўлингиздаги қанақа қоғозлар?

– Қўлимдаги герцогиня ва губернатордан келган мактублар, шунинг учун хурсандман, бўйнимдаги эса олтин шарчалари бор марварид, энди мен губернатор хотиниман.

– Нималар деяпсиз, Тереса? Тангридан бўлак ҳеч зог тушуна олмайди сўзларингизга.

– Мана, ўзларингиз кўринлар, – деди-да, Тереса қўлидаги мактубларни узатди уларга.

Руҳоний овозини чиқариб мактубларни ўқиди. Самсон билан руҳоний эсанкираб, бир-бирларига қараб олишди,

кейин бакалавр, бу мактубларни ким олиб келди, деб сўради. Руҳоний бўлса Тересанинг бўйнидаги марваридини олиб, у ёқ бу ёғини кўздан кечиргач, унинг асл эканлигига ишонч ҳосил қилиб, янада ҳайратда қолди.

– Зиммамдаги лавозимим ҳақи қасамёд этаманки, бу мактублар ва совғаларга асло тушунолмадим. Мен асл марваридларни кўриб, ўз қўлларим билан ушлаб турибман, айни вақтда аллақандай бир герцогинянинг икки дюжина чўчқаёнғоқ юборишларини илтимос қилиб ёзган мактубини ҳам ўз кўзим билан ўқиб турибман.

– Қани юринг-чи, бу мактубларни олиб келган одамни бир кўрайлик, балки у ҳамма шубҳаларимизга барҳам берар.

Улар шундай қилишди ҳам, Тереса ҳам уйига қайтди. Бу пайт маҳрам отига арпа солиш билан банд, Санчика бўлса чопарни зиёфат қилиш учун чўчқа мойи тўғрамоқда эди. Маҳрамнинг қиёфаси ва чиройли, ҳашамдор уст-боши уларга жуда ёқди. Самсон таъзим қилиб, эҳтиром-ла меҳмон билан саломлашгач, ундан дон Кихот ҳамда Санчо Панса ҳақидаги янгиликларни сўзлаб беришни илтимос қилди ва Санчо билан герцогинянинг мактубларини ўқиганларини, аммо Санчонинг қайси оролда ҳокимлик қилаётганини тушунолмаганларини айтди. Бунга маҳрам шундай жавоб берди:

– Манави хонимнинг сеньор Санчо Пансанинг хотини эканлиги қанчалик ҳақ бўлса, унинг ҳозир губернаторлиги ҳам шунчалик ҳақ. Аммо унинг қаерни ва нимани – оролни, орол эмасми – бошқараётгани ҳақида аниқ бир нима деёлмайман: у қишлоқнинг аҳолиси минг кишидан ортиқроқ эканини айтсам ҳам кифоя. Чўчқаёнғоқларга келсак, бекам герцогиня жуда камтарин ҳамда гоётада хушмуомала аёл, у ҳар қандай деҳқон аёлдан чўчқаёнғоқ юборишини сира тортинмай илтимос қилаверади.

Этагига тухум солиб олган Санчика пайдо бўлиши билан уларнинг суҳбати бўлиниб қолди.

– Шуни айтинг-чи, сеньор, – дея мурожаат қилди маҳрамга у, – губернатор бўлгандан кейин отам узун иштон киядиган бўлиб қолгандир?



– Бунга эътибор бермабман, – деб жавоб қилди маҳрам, – эҳтимол, узунини кийиб юргандир.

– Вой худойим-эй! – деди Санчика. – Ўшанақа кийимда юрганини бир кўрсамийди! Отамнинг узун иштон кийганини кўришни ёш болалигимдан орзу қилиб юардим. Қизиқ, эмасми ахир бу?!

– Албатта кўрасиз, муҳтарам хоним, – деди маҳрам, – омон бўлсангиз кўрасиз. Виждоним ҳақи қасамёд этаманки, унинг губернаторлиги яна икки ой давом этса, отангизни иштондагина эмас, балки сайёҳлар қалпоғини кийиб юрганини ҳам кўрасиз.

Руҳоний билан бакалавр маҳрамнинг Санчикани мазаҳ қилаётганини жуда яхши англаётган бўлсалар-да, уларни марвариднинг ҳақиқийлиги ва Тереса аллақачон ҳаммага кўз-кўз қилган, Санчо юборган ов кийими чалғитиб қўйган эди. Улар Санчиканинг орзу-истагидан мириқиб кулишди, лекин Тересанинг қуйидаги сўзларидан янада қотиб-қотиб кулишди:

– Сеньор руҳоний, қишлоғимиздан бирорга одам Мадрид ёки Толедога кетаётгани йўқмикин, шуни билиб берсангиз, барака топкур, мен унга ҳозирги кунда расм бўлган ҳақиқий думалоқ фижма сотиб олиб келиб беришини буюардим. Мен губернатор эримнинг шон-шарафини сақлашга, шаънига доғ туширмасликка қўлимдан келганича тиришаман, эҳтимол, қишлоқда яшаш кўнглимга тегар, шунда мен саройга бораман ва файтон сотиб оламан. Губернатор хотинига файтон сотиб олиш учун рухсат бор-ку, ахир.

– Бўлмаса-чи, ойижон, – деди Санчика, – эй худо, шу кунга эртага эмас, бугун етказ. Мен ойижоним билан бирга файтонда юраман, майли, қўшнилари: «Анави деҳқон қизнинг файтонда худди графиняларга ўхшаб талтайиб ўтиришини қаранглар», дейишса, дейишаверсин. Қўяверинг, улар лойга беланиб юраверишсин, мен файтонда юраман. Илоё, дунёдаги ғийбатчилар, фисқи-фасодчилар қирилиб битсин. Мен иссиққинада ўтирсам бўлгани, одамлар кулса, кулавермайдиларми. Нима, ёмон гапни гапиряпманми, ойижон!

– Йўқ, қизим, жуда яхши гапиряпсан, – деди Тереса, – менинг сахий, оққўнги Санчом шундай бўлишини олдиндан айтганди: кўрарсан ҳали, қизим, мен графиня бўламан. Энг муҳими – бахт йўлига дастлабки қадамни қўйиш. Оққўнги, сахий отанг, уни мақоллар отаси деса ҳам бўлади, менга нуқул: «Сенга сигир инъом қилсалар, тизгинини ҳам сўра» дерди, бу эса, сенга губернаторликни берибдиларми, дарров уни қабул эт, графликни тақдим этсалар, унга қўшқўллаб ёпиш, агар бирор тузукроқ совға туҳфа этсалар, ол-у, чўнтакка ур, агар ишёқмас дангаса бўлсанг, бахт ва омад эшигингни қоқиб турса ҳам, бунга қулоқ солмай, гум тушиб ухлаб ётаверасан, деганидир.

– Энг сўнги расм бўлган кийимларни кийиб, ясаниб юрганымда, одамлар нималар деб вайсашса, вайсаша-веришсин, менинг нима ишим бор? – деб илова қилди Санчика. – Одамга либос, эшакка тўқим; ўзингни бил, ўзгани қўй, деган мақоллар бор-ку, ахир.

Бу гапларни эшитиб:

– Пансалар авлод-аждоди билан мақолчи бўладиларми деб қўйдим: улардан бирортасининг ҳам, қачон гаплашманг, сўз орасида мақол ёки матал қистирмай суҳбатлашганини кўрмабман-а, – деди руҳоний.

– Мутлақо ҳақ гапни айтдингиз, – деди маҳрам, – губернатор Санчо жаноблари ҳам нуқул мақоллар билан гапирадилар. Зотан, бу мақоллар ҳамма вақт ўрнига тушавермаса ҳамки, менинг хўжайинларим – герцог билан герцогиня уни жуда мақтайдилар.

– Шундай қилиб, муҳтарам сенъор, – деди бакалавр, – Санчонинг губернаторлиги ва унинг хотинига мактуб ҳамда совға-салом юборган герцогиня оламда ҳақиқатан ҳам бор эканлиги ҳақ гапми? Гарчанд бу совға-салом ва мактублар кўз ўнгимизда турган бўлса-да, ҳар ҳолда биз бунга ишонқирамаётимиз, инчунин, биз бу ишлар ҳамқишлоғимиз дон Кихотнинг ажойиб саргузаштларидан бир кўриниши бўлса керак, деб ўйлаймиз. Зероки унинг, ҳаётимда нимаики содир бўлса, фақат сеҳр-жоду натижасида рўй берадир, деб ҳисоблаши бе-

жиз эмасди. Ана шу боисдан, ҳурматли жаноб, очигини айтсам, мен сизни ўз қўлларим билан пайпаслаб туриб кўрмоқчидурман: қани, хаёлий шарпамикинсиз ёки эт ва суяқдан иборат оддий одаммикинсиз.

– Муҳтарам сеньорлар, – деди маҳрам, – мен сизларга ёлғиз биргина нарсани далолат этмоғим мумкин, каминалари чиндан ҳам элчидирлар, сеньор Санчо Панса ҳам чинакам губернатордир, хўжайиналарим герцог ва герцогиня унга губернаторлик инъом қилишга қодирдирлар, шундай қилдилар ҳам, овозаларга қараганда, Санчо Панса ўз ишини ҳамин қадар ўрнига қўяётган эмиш. Буни сеҳргарлик деб ўйлайсизларми ё бошқами, ўзларингиз биласизлар, илло, мен ўзимга аён бўлган гапларнигина айтдим, бу гапларнинг барҳақлигига сеvimли ва ҳурматли ота-онамнинг ҳаёти ҳақи қасамёд этаман. Башарти менга дуруст сўзламаётирсан деб ишонмайдиган бўлсанглар, майли, бирор кимса мен билан борсин-да, ўз кўзи билан кўрсин, зероки, қулоқ билан эшитиб ишонмагандан кўра, кўз билан кўриб ишонмоқ мақбулдир.

– Келинг, мен сиз билан бирга бораман, – деди Санчика. – Мени отингизга мингаштириб олсангиз, муҳтарам сеньор, падари бузрукворимни кўргани бажонидил бораман.

– Губернаторларнинг қизлари файтонсиз, тахтиравонсиз, хизматкорларсиз ёлғиз ўзлари юрса, ярашмайди, бу мумкин эмас.

– Файтонда юраманми, ёки эшакдами, худо ҳақи, менга бари бир, – деб жавоб берди Санчика, – мен унақа нозик табиат инжиқлардан эмасман.

– Ўчир овозингни, қизим, – дея унинг гапини бўлди Тереса, – нималар деяётганингни ўзинг ҳам билмайсан. Бу жаноб ҳақ гапни айтяпти: илгариги пайтларинг ўтиб кетди. Энди ўзгача вақт, ўзгача даврон. Илгари отанг шунчаки Санчолигида сен оддийгина Санчика эдинг, ҳозир отанг губернатор – энди сеньорасан. Тўғри гапираётган бўлсам керак-а, жаноблар?

– Сеньора Тереса ўйлаганидан ҳам ортиқроқ бамаъни гапларни гапиряпти, – деди маҳрам.

– Қани, энди қорнимни тўйғазинглар-у, тезроқ жавоб беринглар, кун ёруғида йўлга чиқа қолай.

Бунга жавобан руҳоний деди:

– Бизникига марҳамат қилсинлар, тақсир, баҳоли қудрат таомларимизни баҳам кўрурмиз, зероки, сеньора Тереса бундай олинасаб меҳмонни чин кўнгилдан зиёфат қилмоқчи бўлса-да, бироқ бирор тузукроқ нимадир тополмайду.

Маҳрам хийла маҳалгача руҳонийнинг таклифини рад этиб турди-да, ниҳоят кўнди, бундан мамнун бўлган руҳоний дон Кихот ҳақида ва унинг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида батафсилроқ сўраб-суриштириш ниятида қувонч билан уни уйига бошлаб кетди.

Бакалавр эса олган мактубларига жавоб ёзиб бермоқни таклиф этди Тересага. Лекин Тереса уни ҳаммани мазах қиладиган одам ҳисоблагани учун бакалаврнинг бу ишларга аралашини хоҳламади ва рози бўлмади, у озгина нон билан иккита тухум бериб черков хизматчисига жавоб ёздиришни маъқул кўрди.

Бу орада қорнини тўйғазиб, дон Кихот ва унинг содиқ яроқбардори Санчо Пансанинг ишлари ҳақида мириқиб гаплашиб олган маҳрам Тересаларникига қайтиб келди. У хўжайинларига мактубларни тезроқ етказиш ва дон Кихот ҳамда Санчоларнинг қишлоғига кўрган-эшитганларини сўзлаб беришга шошиларди. Шунинг учун ҳам чопар иккита жавоб хати билан Тересанинг совға-саломини – бир тўрва чўчкаёнғоқни олди-ю, йўлга тушди. Унинг уйга етиб келиши дон Кихот ва беҳисоб сарой аъёнлари улфатчилигида вақтларини хушчақчақлик билан ўтказаётган герцог ҳамда герцогиняни ғоятда қувонтириб юборди. Маҳрамга олисдан кўзлари тушиши биланоқ уни саволларга кўмиб ташлашди, лекин маҳрам бегоналар олдида сўзлаш мушкул эканини айтиб, ёлғиз хўжайинларнинг ўзларигагина сўзлаб беришни илтимос қилди. Ҳозирча эса, олий ҳазратларим, Тересанинг мактубини эрмак қилиб

туринглар, дея иккала мактубни чиқариб герцогиняга узатди. Улардан бирига: «Мактуб сеньора герцогиняга тегсин, исм шарифларини эса билмайман», иккинчиси: «Баратария оролининг губернатори эрим Санчо Пансага тегсин – илоҳо тангрим унга меникидан кўра зиёдроқ умр ато қилсин», деб ёзилган эди. Герцогиня сабри чидамай типирчилаб қолди, у мактубни тезроқ, очиб ўқишга ошиқарди. Ниҳоят, у ўзини тутиб туролмай, мактубни шартта очди, герцогиня унга бир кўз югуртириб, бемалол овоз чиқариб ўқиса бўларкан, деган қарорга келди:

*Тереса Пансанинг герцогиняга мактуби:*

*Сиз ҳазрати олияларининг менга ёзган мактубингиздан беҳад хурсанд бўлдим, зероки, у айнан менинг кўнглимдаги мактуб экан. Бериб юборган бир шода марваридингиз жуда яхши, чиройли экан, эрим юборган овчилар кийими ҳам ундан қолишмайди. Гарчанд ҳеч ким, айниқса, руҳоний, сартарош Николас ва бакалавр Самсон Каррасколар бунга ишонмаса ҳамки, менинг умр йўлдошим Санчони губернатор қилиб тайинлаганингиз, ҳазрати олиялари, бутун қишлоғимиз учун катта қувончдир. Ишонмаса ишонмасин, бунинг мен учун ҳеч қанақа аҳамияти йўқ, ахир, шу гап рост бўлгандан кейин ҳар ким кўнгли тусаганини гапиравермайдими. Ростини айтсам, марварид билан овчилар кийими бўлмаганида, ўзим ҳам ишонмасдим, чунки қишлоғимиздагиларнинг ҳаммаси эримни бефаросат овсар ҳисоблашади, шу кунгача эчки боқшидан бўлак иш қўлидан келмаган, шунинг учун ундан бирор тузукроқ ҳоқим чиқишини ҳатто тасаввур ҳам қила олишмайди. Илоё, тангри мададкор бўлиб, болалари бахтига иши ўнгидан келсин!*

*Мен бўлсам, муҳтарам сеньора, ҳазрати олияларининг ижозатлари билан файтонда талтайиб ўтирганча пойтахтгача боришга аҳд қилдимки, токи мингминглаб ҳасадчиларнинг кўзлари косасидан чиққудек бўлиб ўйнасин, ана шу боисдан сиз зоти олияларига таъзим этиб ёлвораманким, эрим иложи борича*

кўпроқ пул юборсин, қанча кўп юборса, шунча яхши – ахир, пойтахтда харажатлар жуда катта бўлади-ку: нон бир реал, бир фунт гўшт ўттиз мараведис турса – бу ахир, хонавайрон бўлиши эмасми, борди-ю, у ёққа бо-ришим эримга ноқулай бўлса, унисини ҳам тезда ёзиб юборсин, чунки бир ерда қўним топиб туролмаяман, тезроқ йўлга чиқсам дейман, оёқларим ўз-ўзидан йўлга тортиб кетяпти. Бундан ташқари қўшинларим ҳам, қизинг икковинг пойтахтга ясаниб-тусаниб, башанг кийиниб борсанглар сен туфайли эринг жуда машҳур бўлиб кетади, деб ҳоли-жонимга қўйишмаяпти, чунки ҳамма, албатта: «Файтонда кетаётган бу хонимлар ким?» – деб сўрашармиш, менинг хизматкорим бўлса: «Булар – Баратария ороли губернатори Санчо Панса-нинг хотини билан қизи», – деб жавоб берармиш. Ана шундай қилиб ҳаммамиз – мен ҳам, эрим ҳам иззат-икромда бўлармишимиз.

Бу йил чўчқаёнгоқнинг жуда кам бўлганига шундай ачиндимки, бунга қандай изҳор қилишимни ҳам билмай қолдим. Шунга қарамай, сиз ҳазрати олияларига майдаларидан бўлса ҳам, ярим халта юбордим – уларни битталаб ўрмондан ўз қўлим билан тердим, афсуски, йирикроқларини тополмадим, ҳар биттаси туяқушнинг тухумидай бўлса, кўнглимдагидек бўларди-да!

Жавоб ёзиш ёдингиздан чиқмасин, муҳтарам хоним, мен бўлсам, албатта, сизга жавоб ёзаман, қишлоқда содир бўлаётган бари ишлар ҳақида хабар қиламан, ҳозирча ўз уйимда истиқомат қилиб турурканман, сиз ҳазрати олияларини ўз паноҳида асрашини ва марҳаматидан дариг тутмаслигини Тангридан илтижо қилгайман. Қизим Санчика, уни яна Марисанча ҳам дейишади, ва ўнгилчам сиз ҳазрати олияларининг қўлингизни ўпиб қоладилар.

Сиз олинасаб хонимга мактуб ёзишдан кўра ўзингизни кўришига кўпроқ муштоқ бўлган дугонангиздан деб билурсиз.

Содиқ қулингиз Тереса Панса.

Бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси Тереса Пансанинг мактубини ҳузур қилиб тинглашди. Кейин герцогиня дон Кихотдан губернаторнинг номига юборилган мактубни очиб ўқисак бўлармикин, ўзиям жуда қизиқ бўлса керак, сиз нима деб ўйлайсиз, деб сўради. Дон Кихот бундай қилишга ўзи тайёр эканини айтиб, хатни қўлига олди-да, баланд овоз билан ўқий бошлади.

Хатингни олиб, азизим Санчо, насронийлик ва католиклигим ҳақи қасамёд қилиб сени ишонтириб айтаманки, қувониб кетганимдан ақлдан озиб қолаёздим. Биласанми, жонгинам, сенинг губернатор бўлганингни эшитиб, юрагим қоқ ёрилиб ўлиб қолишимга сал қолди; сен, ахир, қутилмаган бахт тўсатдан бошга тушган кулфатдан ортиқроқ таъсир қилишини биласан-ку одамга. Олдимда сен юборган овчилар кийими турса, бўйнимда сеньора герцогиня юборган марварид бўлса-ю, қўлимда ёзган мактубларингизни ушлаб турсам, уларни олиб келган чопар қаришимда бўлса ҳамки, кўриб-ушлаб турганларимнинг бари наздимда тушга ўхшарди. Эчкибоқар чўпоннинг бир оролнинг губернатори бўлишини ким хаёлига келтирибди, дейсан? Жонгинам, бечора онамнинг: «Кўп яшаган кўпни кўради», дегани ёдингдadir. Буни шунинг учун айтяпманки, агар ҳаёт бўлсам, бундан ҳам ортиқрогини кўришдан умидворман. Ростини айтсам, сени ижарадор ёки солиқ йиғувчи ўрнида кўрмагунимча кўнглим тинчимайди. Албатта, кимки солиқ йиғаётганида мансабидан фойдаланиб хиёнат қилса, дўзахга тушиши шубҳасиздир, Бироқ чўнтагидан пул аримайди. Герцогиня хоним сенга пойтахтга бормоқчи бўлганимни хабар қилади. Бу сенга маъқулми ё йўқми, ўйлаб кўриб жавоб ёз, у ёққа бориб, фойтонда юраркан-ман сени шарманда қилмасликка ҳаракат қиламан.

Қишлоғимиз руҳонийси, сартарош, бакалавр ва хатто руҳонийнинг ёрдамчиси ҳам сенинг губернатор бўлганингга сира ишонишмаяпти, буларнинг бари шайтоннинг васвасаси ёки дон Кихотнинг ҳамма саргузаштлари каби сеҳргарлик дейишяпти. Самсон бўлса олдига бориб, бошидаги у кўкнори хаёл губернаторликни, дон Кихотнинг миясидаги телбаликни улоқтириб



ташлайман дейди, лекин мен унинг гапларидан кулиб, бўйнимдаги марваридга қараб-қараб қўяман ва сен юборган овчилар кийимидан қизимга қанақа кўйлак чиқишини чамалайман.

Мен герцогиня хонимга озгина чўчқаёнгоқ юбордим, очигини айтсам, уларнинг соф олтиндан бўлиб қолишини истардим. Агар оролингдагилар дур тақийшса, бир нечтасини юбор. Қишлоғимиздаги янгиликлар қуйидагича. Берруэна қизини қишлоғимизга аллақасқлардан келган, ким нимани буюрса, ўшани чизиб-чаплайверадиган бир лапашанг рассомга узатди. Дон Педронинг ўгли бўлса бир амаллаб унвон олиб, энди диний унвон олишга тайёрланыпти. Бундан Минго Сильватонинг невараси Минтилья хабар топиб, арз қилибди, чунки у Минтильяга уйланаман деб сўз берган экан.

Бу йил зайтун ҳосил бермади, бутун қишлоқдан бир томчи сирка излаб тополмайсан.

Санчика тўр тўқияпти, ҳар кун нақд саккиз мараведис пул топиб, қутичага солиб, ўзига сеп ҳозирляпти. Худога шукурлар бўлсинким, энди унинг бу ҳақда қайгуришининг ҳожати йўқ.

Майдончамиздаги фавворанинг суви қуриб қолди, доримизни яшин уриб куйдириб юборди, илоё, бошқа жойдагилари ҳам шундай бўлсин.

Пойтахтга боришим ҳақида қандай фикрда эканингни орзиқиб кутаман; илоё, Тангри мендан кўра сенга зиёдроқ умр ато қилсин ёки кам деганда сени бу фоний дунёда ёлғиз ташлаб кетгим келмагани учун менинг умримни берсин. Хотининг Тереса Панса.

Бу мактублар тингловчиларни завқлантирди, кулгиларини қистатди, уларнинг олқишларига сазовор бўлди ва ҳайратга солди. Шундан кейин герцогиня маҳраמידан Санчонинг қишлоғида қандай ҳодисалар бўлганини сўраб-суриштиргани чиқиб кетди, маҳрам унга ҳаммасини батафсил ҳикоя қилиб берди, бундан ташқари у герцогиняга Тереса бериб юборган чўчқаёнгоқ билан пишлоқни ҳам топширди. Герцогиня булар-



ни бажонидил олди, шу ерда биз буюк Санчо Пансанинг губернаторлик ҳукмронлиги қандай тугаганини ҳикоя қилмоқ ниятида у билан хайр-маъзур қиламиз.

### ЭЛЛИК ИККИНЧИ БОБ

#### **САНЧОНИНГ БАРАТАРИЯ ОРОЛИДАГИ ҲУКМРОНЛИГИНИНГ ДАВОМИ ВА ГУБЕРНАТОРЛИГИНИНГ ҚАЙҒУЛИ ТУГАШИ**

Санчо ўзига идора қилиш учун топширилган оролни мулозимлари билан биргаликда айланиб, кўздан кечириб чиқиб, саройга қайтди-да, шу замоноқ уйқуга кетди, у бугунги бурчини адо этганидан мамнун бўлиб, эрталабгача мириқиб ухлади. Санчо Пансанинг гаплари ва хатти-ҳаракатидан ҳайратга тушган баковул эса туннинг қолган қисмини ўз хўжайинларига хат ёзиш билан ўтказди. Ниҳоят, губернатор жаноблари ҳам уйғондилар. Доктор Педро Ресионинг буйруғига биноан унга нонуштага озгина мураббо билан уч-тўрт томчи совуқ сув келтиришди – буларнинг барини Санчо бир бурда нон-у бир бош узумга жон-жон деб алишган бўларди, аммо кўнгли ҳар қанча ранжимасин, қорни қанчалик таталамасин, бу парҳезга риоя қилишга мажбур бўлди, чунки Педро Ресио энгил овқат кишининг шифолаш қобилияти ва зеҳнини ўстиради, жисмоний иш қилмай, ақлий меҳнат билан шугулланувчи катта лавозимдаги улўф зотларга шундай овқат муносибдир, деб ишонтирган эди.

Санчо очликдан азобланар, ичида губернаторликка ва ҳатто уни инъом этганларга лаънатлар ўқирди. Шунга қарамай, мураббонинг ўзинигина тановул қилиб, қорни очлигича қолаверган бўлса-да, у бугун ҳам суд ишлари билан машғул бўлди. Биринчи бўлиб бир келгинди унинг ҳузурига кириб, баковул ва бошқа мулозим-у хизматкорлар ҳозирлигида Санчога шундай илтимос билан мурожаат қилди:

– Сеньор, жуда муҳим ва жуда чалкаш бир иш юзасидан маслаҳат сўрагани келдим. Бир катта амалдор-

нинг мулкидан серсув дарё оқиб ўтади; унда кўприк бор, кўприк ёнига дор қурилган ва бир бино солинган. Бу бинода тўртта судья иш кўришади. Бу судьялар ер эгаси томонидан эълон қилинган қонунларнинг қатъиян бажарилишини назорат қилиб туришлари лозим. Бу қонунда шундай дейилади: «Ушбу кўриқдан ўтувчи ҳар бир кимса қасамёд этиб қаёққа ва нима мақсадда кетаётганини айтишга мажбур. Агар у ростини айтса, ҳеч қандай монеликсиз ўтказиб юборилади, башарти ёлгон гапирадиган бўлса, ўлимга ҳукм этилиб, кўприк ёнидаги дорга осилади». Ана шу шафқатсиз қонун эълон қилингандан буён кўприқдан озмунча одам қатнамади, йўловчиларнинг ҳақ гапираётганлари аниқланган замоноқ судьялар уларни, тўрт томонинг қибла, хоҳлаган тарафинга кетавер, деб қўйиб юборишарди. Яқинда аллақандай бир йўловчи қасамёд этиб, мени ана шу дорга осинглар деб келдим бу ерга, дебди. Унинг бу қасамёди судьяларни довдиратиб қўйибди, улар қуйидагича мулоҳаза юритишибди: «Агар биз бу одамни қўйиб юборсак, унда йўловчи ёлгон қасам ичган бўлади, у ҳолда қонун бўйича осилиши лозим. Борди-ю, отишга ҳукм қилсак, унда йўловчи тўғриси гапирган бўлиб чиқади, чунки у, бу ерга осинглар деб келдим, деб қасам ичди – бинобарин, яна юқоридаги қонунга биноан у озод этиб юборилиши керак». Ана шу масалада мен сиз билан маслаҳатлашиб, муҳтарам губернатор жаноблари, судьялар бу одамни нима қилсинлар, деб сўрамоқчийдим, чунки судьялар шу дамгача нима қилишларини билмай, хуноб бўлиб ётишибди. Сиз муҳтарам жанобларининг буюк ақл, ўтқир зеҳн эгаси эканлигингизни эшитиб, улар мени ўз номларидан бу чалкаш ҳамда мужмал иш юзасидан сиз марҳаматли жанобнинг ҳукмингизни билгани ҳузурингизга юборишди. Санчо шундай жавоб қилди:

– Менимча, бу ишни икки калима сўз билан ҳал қилса бўлади, мана бундай қилиб. Ўша одам, мени осинглар деб келдим, деб қасам ичган. Шундай қилиб, агар осилса, ичган қасами ҳақ, бўлиб чиқади, шунинг учун

уни қўйиб юбориш керак. Лекин уни қўйиб юборилгудек бўлса, у пайтда ичган қасами ёлғон бўлиб, дорга осилиши лозим бўлиб қолади.

– Жаноб губернатор жуда тўғри гапиряптилар, – деди судьялар юборган вакил, – сиз бу ишни, шубҳасиз, жуда яхши тушуниб, мағзини чақибсиз.

– Шундай экан, – деди Санчо, – судьялар у одамнинг рост гапирган бўлагини қўйиб юборсинлар-у, ёлғон гапирганини осишсин: ана шундай қилинганда қонунга қатъиян риоя қилинган бўлади.

– Унақада, губернатор жаноблари, у одамни икки нимта – ростгўйини бир нимта, ёлғончисини бир нимта қилиб нимталаш керак-ку, бу ҳолда унинг ўлиши муқаррар, қонун бузилади-ку, – деб эътироз билдирди вакил.

– Гапимга қулоқ, солинг, қимматли сенъор, – деди Санчо, – мабодо, менинг миям айниб қолмаган бўлса, ўйлайманки, ўша йўловчингизнинг ўлимга қанчалик асоси бўлса, ҳаёт қолиш ва кўприқдан ўтишга ҳам ўшанча асоси бор – чунки ёлғон гапиргани уни қанчалик ўлимга маҳкум этса, ҳақ гапиргани унга шунчалик ҳаёт эҳсон қилади. Шунинг учун ҳам сизни бу ерга жўнатган жанобларга менинг номимдан бориб айтингким, ўша йўловчига озодлик бахш этишсин, чунки яхшилик қилиш ёмонлик қилишдан кўра ҳамма вақт кўпроқ мақтовга лойиқдир. Агар саводим бўлганида бу қарорнинг остига ўзим имзо чекардим. Бу гапларнинг барини ўз миямдан чиқариб айтаётганим йўқ, хўжайиним дон Кихотнинг бу оролга келишим арафасида қилган насиҳатларидан бири шунчаки эсимга келиб қолди, холос. У менга шубҳали, мужмал ишларда раҳм-шафқат йўлидан бориб, марҳаматли бўлишимни насиҳат қилган эди.

– Губернатор жаноблари, – деди баковул, – бу ишни энг машҳур қонуншунослардан ҳам ортиқроқ қилиб, донишмандлик ва фозиллик билан оқилона ҳал этдингиз. Шу билан эрталабки мажлисимизни тугатсак, мен ҳозироқ жаноб губернаторни кўнгиллари тусаган таомлар билан зиёфат қилишларини буюраман.

– Шуниси керак-да, менга, очигини айтсам! – деди Санчо жонланиб. – Аввал қорнимни тўйғазинглар,

кейин майли, бунақа чалкаш ва мужмал ишлар дўлдай ёғилиб турса ҳам, бирпасда қотириб ташлайман.

Санчодек ақлли губернаторни оч қўйиб тинкасини қуритаётгани учун баковул виждонан азоблана бошлаган эди, ана шу боисдан у Санчо Пансани яхшилаб зиёфат қилиб, шу куни кечқуруноқ сўнгги масхарабозликдан кейин бу антиқа томошага барҳам бермоққа аҳд қилди.

Шундай қилиб, ўша куни Санчо тиртеафуэралик докторнинг кўрсатмаларига хилоф равишда бўкиб қолгудек мириқиб овқатланди.

У энди дастурхон ёнидан тураман деган пайтда, чопар дон Кихот номидан губернаторга мактуб олиб келиб қолди. Санчо котибга, аввал ичингда ўқиб чиқ, агар хатда махфий сақланиши лозим бўлган хабар йўқ бўлса, овозингни чиқариб ўқи деб буюрди. Котиб Санчонинг айтганини бажо келтириб, аввал хатга кўз югуртириб чиқди-да:

– Бу мактубни эшиттириб ўқиб берса бўлади, чунки дон Кихот жанобларининг сиз жаноби олийларига ёзган гапларини ҳамманинг эътиборига етказиш учун уни олтин ҳарфлар билан босиб чиқариш лозим экан, у мана бундай деб ёзибди:

*Ламанчлик дон Кихот жанобларининг Баратария оролининг губернатори Санчо Пансага мактуби*

*Дўстим Санчо, мен ҳамма вақт сенинг ноўрин хатти-ҳаракатинг ва йўл қўйган хатоларинг ҳақида бирор гап қулогимга чалиниб қолмаса гўрга эди, деган хавотирда эдим. Лекин аксинча, ҳамма сенинг фаҳм-фаросатинг ва ўтқир зехнингга тасанно ўқиб мақтаяпти. Бу гапларни эшитиб, гўннга беланиб ётган бир бечора камбағални шундай кўкларга кўтариб мақтагани ҳамда бир калтафаҳм, бефаросат кимсани шу қадар донолик чўққисига миндиргани учун Тангрига ҳамду санолар ўқидим. Менга айтишиларича, сен*

ҳақиқий инсонлардек ҳокимлик қилаётган эмишсан, шунингдек, камтаринлик ва боодоблик намуналарини кўрсатиб, шахсий эҳтиёжларингни қондиришда худди тилсиз жониворлардай сабр-қаноатли эмишсан. Яна шу нарсани айтиб қўймогим лозимдирки, ҳоким одам обрў-эътиборни мартабасига муносиб равишда сақламоқ учун кўпинча ўз хоҳиш-иродасига тамоман қариши иш тутмоққа мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам ўзингнинг ҳаддан зиёд жўн ҳамда ярамас хатти-ҳаракатларингни, диди настлик нуқсонингни йўқотишига ва ўзингнинг юксак мавқеингга муносиб туришига ҳаракат қил. Одамга либос, эшакка тўқим деганларидек, ҳамиша яхши кийиниб юр. Бу билан ҳар турли бачкана кийимлар кийиб, минг хил бемаза нарсалар тақиб ясаниб-тусаниб юр демоқчи эмасман. Асло ундай эмас! Лекин ўз мартабанга муносиб устбош кий, шуни ҳам унутмаки, у доим чиннидай озода ва покиза бўлсин.

Қўл остингдаги фуқароларингга ёқиш ва уларнинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқ учун қуйидаги икки қоидага амал қил: биринчидан, ҳамма билан хушмуомалада бўл, иккинчидан, фуқароларингнинг ҳамиша қорни тўқ, усти бут бўлсин, чунки ҳеч нарса камбағалларнинг газабини очлик ва муҳтожликчалик қўзғаб, галаёнга келтиролмайди.

Ҳар хил буйруқ ва фармонлар чиқараверма, борди-ю, шундай қиладиган бўлсанг, бамаъни ва ўринли бўлишига, энг муҳими уларга риоя қилишлари ҳамда бажаришларини назорат қилиб туришига ҳаракат қил. Башарти қонунларга риоя қилинмаса, унда фуқароларингнинг кўнглига ҳокимимизнинг бу фармойишларни чиқаришига ақли етибди-ю, амалга оширишни назорат қилиб боришига қўли қисқалик қилиб, ҳукми ўтмабди-да, деган фикр тугилади. Шу нарса ёдингда бўлсин, энг қаттиқ, энг шафқатсиз қонунлар, агар у бажарилмаса, унга риоя қилинмаса, қонун чиқарган ҳоким анави қурбақаларга подшо бўлиб олган аҳмоқ-

нинг кунига тушади: олдин ундан қўрқишади, кейин эса нафратланишади, назар-писанд қилмай қўйишади. Айни вақтда доим бирдек қаттиққўл бўлиш ҳам ҳаммиша оққўнги ва мулойим бўлиш сингари ярамас бир ҳол: ана шу икки йўлнинг ўртасидан бор. Чинакам до-нишмандлик – энг оқилона йўл шу. Турма, кушхона ва бозорларни бориб кўр, яхшилаб кўздан кечир, бу жуда муҳим масала: шундай қилганингда ўз ишларининг тез кунларда ҳал бўлишини интизорлик билан кутиб ётган маҳбусларнинг кўнгли кўтарилади, сени кўриб қассоблар қўрққанларидан тарозини тўғри тортадиган бўлишади, бозордаги қаллоб чайқовчи хотинларни йўқотасан. Оролга жўнашинг арафасида ёзиб берган ўғитларимни ёдингда тут, шунга қараб, ўйлаб иш юрит. Агар ўша насиҳатларимга амал қилсанг губернаторлар ҳар қадамда йўлиқиб турадиган ҳар қандай оғир ва мушкул аҳволдан қутулиб кетишингга беҳад ёрдам беражагига ишонч ҳосил қилурсан. Герцог билан герцогиняга ўз миннатдорчилигингни юбор, чунки қадр билмаслик, яъни нонкўрлик – мағрурлик арзандасидир, оламда мавжуд бўлган гуноҳларнинг энг азимидир, лутф айлаб яхшилик қилган одамга нисбатан миннатдорчилик билдирган кимса ўзининг яхшиликни билувчи, Тангрининг кўрсатган марҳаматига шукроналар ўқувчи олижаноб киши эканлигини намойиш қилади.

Сеньора герцогиня хотининг Тереса Пансага чопар орқали кўйлак ва махсус совга-салом бериб юборди. Ҳол-аҳволларинг қандайлигини менга батафсил ёзиб юбор. Бу ишни тезроқ бажар, чунки мен тез орада бу дабдабали ҳаётни тарк этмоқчиман, зотан, мен бунақа дабдабали саройда яшаш учун тузилган эмасман.

Алвидо, дўстим, қодир Эгам кўнглингга шафқат солсин, одамларга зулм қилишдан ўзи асрасин.

*Дўстинг ламанчлик дон Кихот*

Санчо дон Кихотнинг мактубига зўр диққат билан қулоқ солди, шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси бир

оғиздан мактубни жуда оқилона ёзилган деб мақташди. Кейин Санчо ўрнидан турди-да, котибни ёнига олиб, ётоғига кириб кетди: у ишни орқага чўзиб ўтирмай, ўз хўжайини дон Кихотга шу заҳотиёқ жавоб ёзиб юбормоқчи бўлди. У котибга айтиб туриб, қуйидаги мазмунда хат ёздирди:

*Санчо Пансанинг ламанчлик дон Кихотга мактуби:*

*Ҳозир ташиши ва ишим ошиб-тошиб ётибдики, бош қашигани, ҳатто ўсиб кетган тирногимни олгани қўл тегмайди.*

*Ана шу важдан оролда қандай яшаётганим ҳақида сизга ҳанузгача мактуб ёза олмаганим учун жаҳлингиз чиқмаслигини ўтиниб сўрайман, қимматли сеньор. Шу кунларда мен бу ерда иккаламиз биргаликда ўрмон-у саҳроларда кезиб юрган вақтлардагидан ортиқроқ, очлик азобини тортяпман.*

*Кунни кеча жаноб герцогдан мактуб олдим. У оролга мени ҳалок этиш мақсадида аллақандай жосуслар борганмиш деб ёзибди. Мен ҳозирча фақат биргина жиноятчини аниқлай олдим, холос, у ҳам бўлса, бу ерга келган ҳамма губернаторларни жонидан тўйдириб, безор қилувчи бир табибдир, у шу хизмати эвазига маош оларкан, унинг исми-шарифи Педро Ресуо, ўзи тиртеафүэраллик экан, тақсир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, бу қанақа исм бўлди! У яна одамни нобуд қилиб қўймасин, деб азият чекмай бўладими? Бу табиб, менинг ишим касални даволаш эмас, балки унинг олдини олишдир деб, мингиллагани-мингиллаган, дори-дармон ёзиб бериш ўрнига нуқул парҳез қилишни буюради, шунинг учун ҳам унинг беморлари бунинг оқибатида эти устихонига ёпишиб, суяк бўлиб қолдилар, ахир, ориқлик ҳар қандай касалликдан ҳам беи баттар-ку. Хуллас, у очликдан тинкамни қуриятяпти, газабим қайнаб, жоним ҳиқилдогимга келиб қолди. Мен тентак, губернатор бўлиб олганимдан кейин бошлаб*



мазали овқатлар ейман, танам яйрайдиган ҳузурбахи муздек ичимликлар ичиб, роҳат қиламан, голландча чойшаб-у партўшакларда мазза қилиб ётаман деб, чучварани хом санаб юрган эканман, бунинг ўрнига аллақандай қаландарларга ўхшаб жуда қашишоқ кун кечиряпман.

Ҳанузгача бирон чақа солиқ тушгани ҳам, бирон танга пора олганим ҳам йўқ. Нима гаплигига сира ақлим етмай қолди, бу ерлик одамлар одатда оролга бирон янги губернатор тайинланадиган бўлса, у етиб келмасидан бурун орол аҳолиси унга анча-мунча пул совға қилиб юборади ёки қарзга беради, бундай одат фақат бизнинггина губернаторларга расм бўлмай, балки, умуман, барча хукмдорлар ҳам шундай қилишади, дейишади.

Муҳтарам жанобларининг насиҳат ва йўл-йўриқларига амал қилиб, бозорларга бориб турибман, кеча бир ёнгоқфуруш хотинни кўрдим, у янги ёнгоқ сотаётган экан, қарасам, янги ёнгоққа пучроқ, қуртлаб кетган эски ёнгоқларни аралаштириб сотаяпти, буни пайқаб қолиб, ёнгоқларни мактаб болаларига улашиб беришни буюрдим, – ахир болалар ёнгоқларнинг пуч ё тўқлигини бирпасда ажратиб ташилашади-да, – ёнгоқфуруш хотиннинг бозорга чиқишини икки ҳафтагача ман қилиб қўйдим. Одамларнинг фикрича, тўғри иш қилибман. Ёлғиз сиз марҳаматли жанобимгагина бир нарсани айтмоқчиман: бу ерлик халқнинг фикрича, бозорчи аёлларнинг барчаси оламдаги энг ярамас аёллар, чунки уларнинг ҳаммаси беномус, шарм-ҳаёсиз, тошбағир ва безбет, мен ҳам бу фикрга қўшиламан, чунки бошқа шаҳарларда ҳам бунақаларнинг кўпини кўрганман.

Герцогиня хонимнинг маҳбубам Тереса Пансага мактуб ёзгани ва сиз тақсирим айтган совға-саломни юборганидан беҳад миннатдорман. Вақти келиб мен герцогиня хонимга ўз миннатдорчилигимни билдиришга ҳаракат қилурман, муҳтарам жанобим, мен учун у улуг хонимнинг қўлларини ўпиб қўйинг ва совға-саломингиз беҳуда кетмайди деб қўйинг, бунга у олинасаб хоним амалда ишонч ҳосил қилажаклар.



Башарти маҳбубам Тереса Панса менга мактуб ёзадиган бўлса, уни йўл кирасини тўлаб, бу ёққа жўнатинг, чунки уй-жойим, бола-чақамнинг ҳол-аҳволи қандайлигини билишни жуда-жуда истайман. Илоҳо Тангри сиздек жанобимни ёвуз сеҳргарлар таҳдидидан асрагай, гарчанд бунга ишонмасам-да, чунки табиб Педро Ресионинг менга кўрсатаётган гамхўрлиги ша-рофати билан бу ердан эсон-омон қутулиб кетолсам керак, деб ўйлайман, илоҳо, губернаторлик муддатим-ни соғ-саломат тугатай.

Марҳаматли жанобларининг содиқ  
қуллари губернатор  
Санчо Панса.

Котиб мактубни сўрғичлаб, келган чопарни ўша заҳотиёқ жўнатиб юборди-ю, эшик оғаси ва баковул ҳузурига жўнади. Санчонинг губернаторлигидек масхарабозликни тугатиш муддати етганди, ана шунинг учун улар ўзаро кенгашиб, буни қандай қилиб амалга оширилса, маъқулароқ бўлишини маслаҳатлашиб олишди. Санчо бўлса бу кеч орол аҳолисининг фаровонлигини янада юксалтириш умидида янги фармонлар ижод этмоқда эди. У озиқ-овқат моллари савдоси устидан қатъий назорат белгилади, ҳар тарафдан вино олиб келиб сотишга рухсат бериб, бу ишда ҳар қандай қаллоблик ва товламачилик қилганларга қарши қаттиқ жазо чораларини белгилади; пойабзал нархини, айниқса, унинг фикрича, жуда қиммат бўлган бошмоқ нархини пасайтирди; хизматкорларга тўланадиган маош миқдорини белгилади; кўзи ожизларнинг ҳар турли мўъжизалар ҳақида куйлашларини ман этиб, агар улар бу мўъжизаларнинг дарҳақиқат содир бўлганини исботлай олмасалар, уни куйламасинлар деб фармойиш берди; камбағал бечоралар ҳолидан хабардор бўлиб туриш мақсадида альгвасил лавозимини таъсис этди, у камбағалларни таъқиб этмай, балки уларнинг чиндан ҳам қашшоқ эканликларини текшириш лозим, зотан, кўпинча майиб-мажруҳ жойларини ҳамда яра-чақаларини

рўқач қилиш, ҳамманинг раҳмини келтириш замирида ўғрилиқ ва майхўрлик иллоти яширинган бўлади. Хулласи калом, у аллақанча ажойиб фармойишлар ижод этдики, бу фармойишларга ўша юртларда то шу кунга қадар амал қилинади ва у буюк Санчо Пансанинг қонунлари деб аталиб келинади.

Буюк губернатор ҳозирча ўзининг оқилона қонун-қоидалари устида бош қотираркан, бу ёқда унинг тақдири ҳал қилинмоқда эди. Ҳаёт, тақдир ўзгармас, қотиб туради, деб ўйлаш ярамайди. Аксинча, оламдаги ҳамма нарса ҳаракатда, ўз ўқи теварагида айланади. Баҳордан кейин ёз келади, ёздан кейин куз, куздан кейин қиш, қишдан кейин эса яна баҳор – яна шундай қилиб, вақт бетўхтов ўтаверади, ҳаракатининг чеки-чегараси йўқ, чархпалакдек тинимсиз айланаверади. Инсон умри ўз интиҳоси томон шамолдан тезроқ елади, ҳеч ёққа қарамайди, ҳеч нарсага қулоқ қоқмайди. Биз бу гапларни ўз донишмандлигимизни кўз-кўз қилиш ва таҳсинга лойиқ бўлиш учун айтаётганимиз йўқ, балки Санчо Пансанинг таърифи оламга таралган губернаторлик даврининг қанчалик тез тутаганини, инқирозга юз тутганини ва тутундек тарқалиб кетганини китобхонга етказмоқчимиз, холос.

Ўз ҳукмронлигининг еттинчи кечасида Санчо қорнини нон-у вино билан эмас, балки суд ҳукмлари чиқариш, фармойиш ҳамда қонунлар чиқаришдек машаққатли ишлар билан тўйғазган ҳолда ётарди ўрнида. Қорни ғоятда оч бўлишига қарамай, энди уйқу элтиб бораётган бир пайтда, қулоқни батанг қиладиган шовқин-сурон ва қўнғироқларнинг жаранг-журунги эшитилди, унинг назарида бутун орол ағдар-тўнтар бўлиб кетаётгандек туюлди. У каравотида ўтириб, бу ғала-ғовурнинг сабабини англашга ҳаракат қилиб диққат билан қулоқ сола бошлади. Лекин ҳеч нарсага тушунолмади, чунки кўп ўтмай шовқин-сурон ва қўнғироқлар садосига карнай ҳамда дўмбираларнинг гумбури жўр бўла бошлади, бу ҳол Санчонинг яна-да ўтакасани ёриб юборгудек бўлди. Шунда у ўрнидан сакраб турди-да, уй зах бўлгани учун оёғига кавушини

илиб, камзулини елкасига ташлаб улгурмаёқ эшик олди-га югуриб бориб, очиб юборганди, қўлларида машғала ушлаб, қиличларини яланғочлаб олган оломоннинг бостириб келаётганига кўзи тушиб қўрқиб кетди. Оломон овозини баралла қўйиб қичқириб келарди:

– Қуроуланинг, қуроуланинг тезроқ, жаноб губернатор! Оролимизни ёв босди, ўзингиз жасорат ва маҳорат кўрсатмасангиз, омон қолмаймиз, ҳаммамиз ҳалок бўламиз.

– Шундай дея жазавага тушган оломон бақириб-чақириб, шовқин солиб, кўриб турган ва эшитганларидан ҳанг-у манг бўлиб эсанкираб қолган Санчонинг ётоғига бостириб кирди. Улардан бири:

– Ҳалок бўлмайин, орол хароб бўлмасин десангиз, тезроқ қуроуланинг, сеньор! – деб қичқирди энтикиб.

– Қуроуланиб нима қиламан? – деди Санчо. – Қуроулланганимда, қўлимдан нима келади? Бунақа ишни хўжайиним дон Кихот жаноблари ўрнига қўядилар. У киши бир зарб билан ҳамма душманларни забун қилган, ҳаммамизни хатардан халос этган бўлурдилар, мен бир гуноҳкор бечора ҳарбий ишда ҳеч ниманинг фарқига бормайман.

– О, губернатор жаноблари, – деди бошқа биров, – бу қандай журъатсизлик! Тезроқ қуроуланиб, майдонга чиқинг, муҳтарам жаноб, бизга йўлбошчи бўлинг, губернаторимиз бўлганингиз учун ҳам бу унвон сизга мансуб.

– Ундай бўлса, қуроулантиринг мени! – деди Санчо маъюслик билан.

У шундай деган заҳотиёқ жангчилар иккита қалқонни ола солиб Санчонинг уст кўйлагини кийишга ҳам йўл қўймай, бирини олдига, иккинчисини орқасига қилиб, арқон билан шундай чирмаб ташладиларки, бечора губернатор на тиззасини бука олар, на бирор қадам юра оларди. Унинг қўлига найза тутқиздилар, йиқилиб кетмаслик учун ана шу найзага таяниб қолди. Кейин бирон дақиқани ўтказмай, шу ондаёқ қўшинга қўмондонлик қилинг, олдинги сафга ўтиб, жангчиларга далда беринг, дейишди унга. «Башарти улуғ губернаторимиз

раҳнамо бўлиб, машғала каби йўлимизни ёритиб, бизни жангга бошлаб борсалар, ишимиз ўнгидан келади», – дейишарди улар бараварига.

– Манави лаънати қалқонлар қимир этгани йўл бер-маса, қандай қилиб юрай мен шўрлик! – деди Санчо. – Мени даст кўтариб бирорта дарвоза ёки эшик олдига олиб бориб қўйинглар, мен душман ҳамласини найза билан қайтариб, йўлига танамни қалқон қилай.

– Қани, юра қолинг, сеньор губернатор, – деди жангчилардан бири, – юришингизга қалқонлар эмас, қўрқоқлик халал беряпти дейман. Тезроқ бўлинг, фурсат ўтиб кетяпти, ёв тобора кўпайяпти, эшитяпсизми, уларнинг шовқин-сурони борган сайин кучайяпти, хавф тобора ортяпти.

Оломон уни шунчалар шошилтириб, шунчалар койий бошладики, бечора губернатор ниҳоят юришга уриниб кўрди, бир одим ташламасданоқ зарб билан ағдарилиб тушди, назарида этлари парча-парча бўлиб бурдаланиб, атрофга сочилиб кетгандай бўлди. У шу ҳолатда, қопқоқлари орасида қисилиб қолган тошбақа ёки ичига қум тўлиб қолган қайиқдек, қаддини ростломай узала тушиб ётаверди. Атрофдаги масхарабозларнинг ҳатто шунда ҳам тирноқча раҳмлари келмади унга, ачинмадилар ҳам. Улар қўлларидаги машғалларни ўчириб, янада беш баттароқ шовқин сола бошладилар, Санчони тепкилаб, топтаб, тезроқ қуролланинг деб бақриришиб, унинг қалқонларига қиличлари билан бетиним туширавердилар. Бошини қалқонлар ичига тортиб, ғужанак бўлиб олмаганида, бахтиқаро губернаторнинг ҳолига маймунлар йиғларди. Топталган, нафаси бўғзига тиқилиб қолган, терлаб-пишиб кетган Санчо ўзини худонинг паноҳига топшириб, ўзинг соғ-саломат асрагин деб, чин юрагидан Тангрига илтижо қилиб ётаверди. Тўс-тўполон кучайгандан-кучайиб борарди. Баъзилар унга атайин қоқилишар, бошқалари тўппа-тўғри унинг устига йиқилишар, бир сўлоқмондай йигит эса худди қўриқчи минорасига чиққандек, Санчонинг кўкрагига чиқиб олди-да:

– Эй, бизникилар, бу ёққа югуринглар! Ёв бу томондан жуда қисти-бастига оляпти. Манави эшикни тўсинглар! Дарвозани беркитинглар, зинапояларга ходалар ташлаб, йўлни тўсиб қўйинглар! Қатрон қайнатилаётган хумларни келтиринглар, қайнаб турган ёғларни олиб келинглар... Кўчаларга тўсиқлар қуринглар, минорага чиқиладиган йўлни беркитиб ташланглар! – деб қичқираверди овози борича.

Тўс-тўполонга қулоқ соларкан, бусиз ҳам ўтакаси ёрилгудек қўрқиб кетганидан чалажон бўлиб ётган Санчони тобора ваҳима босмоқда эди.

«Эй худо, қани энди ироданг билан шу оролни тезроқ ёв эгалласа-ю, мен ё тезроқ оламдан ўтсам, ё бу даҳшатли манзарадан тезроқ қутулсам!»

Ниҳоят, унинг бу илтижоси, оҳи-зори мустажоб бўлди чоғи, у энди тамом бўлдим деб, умидини узган бир пайтда:

– Ғалаба, ғалаба қозондик, ёв чекинмоқда! Эй, губернатор жаноблари, туринг ўрнингиздан. Зафар шарбатидан тотмоқ ва сиздек соҳибқирон ҳамда енгилмас сардоримиз раҳнамолигида ёвдан олинган ўлжаларни бўлишиб олмоқ фурсати етди! – деган ҳайқириклар янгради.

– Ўрнимдан турғазиб қўйинглар ахир, – деди қийналиб кетган Санчо аранг.

Уни ўрнидан турғазиб қўйишди, қаддини ростлагач:

– Қўлга тушган ўлжаларингизнинг падарига лаънат! Билганингизни қилинглар, башарти орангизда бирор дўст одам топилгудек бўлса, бир қултум вино келтиришини ўтиниб сўрайман, томоғим қақраб кетди-ку, кейин теримни артиб қўйишни илтимос қиламан, йўқса, оғзи-бурним терга тўлади ҳозир, – деди.

Ҳамма ёғини артиб-суртишди, вино олиб келиб беришди, кейин қалқонларини ечиб ташлашди. Турткилаш ва тепкилашдан тинка-мадори қуриган Санчо бошдан кечирган ваҳима ҳамда қўрқув натижасида ҳушдан кетиб, каравотга шилқ этиб тушди. Бу ҳангомани бошлаган масхарабозлар ҳазилимизнинг оқибати

зилга айланиб кетмаса эди, деб қўрқиб кетишди, аммо уларнинг безовталаниши кўпга бормади: губернатор тезда ҳушига келиб, соат неча бўлди деб сўради; унга тонг отиб қолди, деб жавоб беришди. У индамай кийина бошлади. Нима қиларкин деб, бошқалар ҳам чурқ этмай тикилиб туришарди. Санчо кийиниб бўлиб, аста-аста юриб отхона томон йўл олди, чунки роса тепки еганидан оёғини кўтариб босишга ҳам мадори етмай қолганди. Барча аён-у мулозимлар унга эргашишди. Отхонага кириб, у эшаги ёнига борди-да, бўйнидан қучоқлаб меҳр билан пешонасидан ўпди, кўзларига ёш олиб:

– Оғир ва мусибатли кунларимни энгил қилган ҳамдардим, кўмакдош дўстим, кел, яна бирга бўлайлик. Бутун фикр-у ёдим сен билан, сени қорнингни тўйғазиш ва абзалларингни ямаб-ясқаш билан банд бўлган дамлар, сен билан бирга ўтказган кунларим, йилларим ҳаётимдаги энг бахтиёр дамлар экан. Сендан ажралиб, шон-шавкат ва ифтихор минорасига чиқиб олганимдан буён минг бир балоларга, мушкулот-у машаққатларга гирифтор бўлдим, – деди.

Шундай дея у эшагини эгарлайверди. Ҳеч ким чурқ этмас, ҳаммалари индамай туришарди. Эшагини эгарлаб бўлгач, Санчо инқиллаб-синқиллаб унга миниб олди-да, баковул, котиб, эшик оғаси, табиб Педро Ресио ва шу ердагиларнинг ҳаммасига қараб бундай деди:

– Четроқ турунлар, муҳтарам сеньорлар. Менга халал берманглар. Энди кўзим очилди, оламдан ўтган эканман, қайтадан жон битди менга, аввалги эркин ва беташвиш ҳаётимга қайтмоқни иштайман. Мен губернаторлик қилиш, орол ва шаҳарларни душмандан ҳимоя қилиш учун туғилган эмасман. Менга қонунлар чиқариш, орол ва шаҳар-у мамлакатларни ҳимоя қилишдан кўра ер ҳайдаб, экин экиш, ток ўтқазиб, уни парвариш қилиш кўпроқ ярашади. Эндиликда ҳар ким қўлидан келадиган иш билан шуғулланиши лозим эканини яхши англаб олдим. Қўлларим губернатор асосини тутгандан кўра, ўроқ тутгани маъқулроқ, бир сурбет табибнинг очдан ўлдираёзган парҳезла-

ридан азоб чеккандан кўра, бўкиб қолгунимча тўйиб овқатланганим афзалроқ. Бу губернаторлик зиндониди голландча чойшабда чўзилиб ётиш-у сувсар тери пўстинларга ўралиб юришдан кўра, ёзда эман дарахти соясида қоқ ерга ағанаб ётиш-у қўй терисидан қилинган пўстакка ўралиб юриш минг бора афзал деб биламан. Сизларни худонинг паноҳига топширдим, муҳтарам жаноблар, сеньор герцога, у онадан қандай туғилган бўлса, шундайлигича кетди, ҳеч нарса ютмади ҳам, ютқазмади ҳам, деб қўйинглар. Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, одатда губернаторлар бошқачароқ иш тутишларига қарамай, мен бу ерга чўнтагимда қора чақасиз келгандим, қора чақасиз ташлаб кетяпман оролни. Қани, энди четланинглари, йўл беринглари менга. Бориб даволанай, назаримда, ақалли бирорта қовурғам соғ қолмаганга ўхшайди.

– Сиз ҳеч қачон бундай қилмайсиз, сеньор губернатор! – деди Ресио. – Муҳтарам жанобларига ичган заҳотиёқ жароҳатларига малҳам бўладиган дори бераман. Уни ичишингиз биланоқ илгариги куч-қувватингиз қайтади, тузалиб кетасиз. Бундан ташқари, ўз хатойимни тузатаман ва кўнглингиз тусаган таомни ейишга рухсат бераман.

– Вақт ўтди, ҳа, вақт ўтди! – деди Санчо. – Сафарни бир дақиқа кечиктиргандан кўра, чулчут бўлиб қолганим маъқул. Йўқ, йўқ, бунақанги майнабозчилик асло такрорланмайди. Худо ҳақи қасамёд қилиб айтаманки, бу ерда губернатор бўлиб қолмайман, бошқа ернинг губернаторлигини олтин товоққа солиб тутганларида ҳам қабул қилмайман. Бу – қанотсиз кўкка парвоз этиб бўлмаганидек ҳақ гап. Мен, ахир, Пансалар авлодиданман-ку, уларнинг ҳаммаси қайсар, бир сўзли одам бўлганлар. Зотан, улардан бирортаси «тоқ» деган бўлса, бутун оламдагилар «жуфт» деб тасдиқлагани билан ўз сўзидан қайтмаган. Бахтга қарши, душманларимнинг юлқиб тепкилашлари учун мени шундай юксакларга олиб чиққан ўша чумоли қанотидек нозик қанотларим ана шу отхонада қолиб кетсин. Майли, юксакларда парвоз этмай,

ерда гимирлаб юра қолай, майли, оёқларимга антиқа хром кавуш киймай қўяқолай, пешонамга битган ўша қўполдан-қўпол чипта кавушдан қўймасин. У ҳар доим топилади. Тенг тенги билан, тезак қопи билан дейдиларку, ахир! Кўрпангга қараб оёқ узат, деган матал ҳам бор. Бас, беҳуда гап сотиш етар. Қани, йўл беринглар менга, вақт ҳам кеч бўлиб қолди!

Шунда баковул бундай деди:

– Сеньор губернатор, сизнинг оқилона иш тутишингиз ва насронийларга хос феъли-атворингиз биз учун нақадар қадрли бўлмасин, сиздан ажралиш нақадар оғир бўлмасин, бажонидил рухсат беришга тайёرمىз. Бироқ ҳаммага аёнки, ҳар бир губернатор қўл остидаги вилоятни тарк этишдан аввал ҳисобот топширишга мажбур. Ҳазратим, ўн кунлик ҳукмронлигингиз ҳақида ҳисобот топширинг-у, бемалол йўлга тушаверинг.

– Ҳисобот талаб қилишга мени бу лавозимга тайинлаган герцог жанобларидан бўлак ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, – деди Санчо. – Унинг ҳузурига бораман ва унга ҳисобот бераман. Унга бу ерга қандай қашшоқ аҳволда келган бўлсам, шундай қашшоқлигимча кетаётганимни ҳам айтаман. Бу эса, оролни фаришталардек ҳалоллик билан бошқарганимнинг энг яхши далолатидир.

– Виждонан айтганда, улуғ Санчо ҳақ! – деди табиб Ресио хитоб қилиб. – Менимча, унга жавоб беришимиз керак, зотан, герцог у билан учрашишдан беҳад хурсанд бўлади.

Ҳамма унинг гапини маъқул топиб, Санчога йўлга тушишга рухсат беришди, унга фахрий соқчилар ва сафарга озиқ-овқат олволишни таклиф этишди. Санчо, эшагимга озроқ сули, ўзимга эса битта тегарак нон билан бир бўлак пишлоқ берсанглар бас, деди, бошқа ҳеч нарсанинг ҳожати йўқлигини, чунки йўли унчалик олис эмаслигини, тезда герцог саройига етиб олажагини айтди. Ҳаммалари навбатма-навбат Санчо билан, у эса уларнинг ҳар бири билан қучоқлашиб хайрлашди-да, ўзининг қатъий ва оқилона қарори билан ҳаммани хайратга солиб, жўнаб кетди.



**САНЧО ПАНСАНИНГ ЎЗ ХЎЖАЙИНИ БИЛАН ҚАНДАЙ УЧРАШГАНИ ВА ИККОВЛАРИНИНГ ГЕРЦОГ ҚАСРИНИ ТАРК ЭТГАНЛАРИ**

Хурсанд ҳамда айни вақтда сал ғамгинроқ кайфиятда бўлган Санчо ўз губернаторлигини ташлаб, хўжайинининг ҳузурига жўнади. У бутун оламдаги оролларга ҳокимлик қилишдан кўра хўжайини билан бирга бўлишни маъқул кўрарди.

Санчо ўзининг собиқ саройидан ҳали олисга кетиб улгурмасданоқ орқадан аллаким қичқириб уни чақириб қолди. Санчо ҳайрон бўлиб ўгирилиб қараганди, олисда бир йўловчининг қўлини чўзиб, уни чақираётганини кўрди. Синчиклаб қараб, яқинлашиб келаётган йўловчининг маврлар Испаниядан ҳайдаб чиқарилганига қадар<sup>92</sup> уларнинг қишлоғида дўкандорлик қилган мавр Рикотени таниди. Бу учрашувдан севиниб кетган Санчо ўша заҳотиёқ эшакдан сакраб тушиб, ошнасини қучоқлаб олди. Улар самимий суҳбатлаша кетдилар. Рикотеда унча-мунча егулик нарса ва вино солинган каттагина фляга бор экан. Улар йўл бўйига ўтириб олишиб, кун бўйи роса чақчақлашишди. Рикоте бошидан кечган барча мусибатларни, ўз ишларини яна йўлга қўйиб юбормоқ ниятида Испанияга яширинча қандай қайтиб келганини сўзлаб берди. Санчо ўз навбатида Рикотега Баратария оролига губернаторлик қилган ида қандай оғир кунларни бошидан кечирганини сўзлаб берди. Суҳбат охирида Рикоте Санчодан ўзини маъмурларга тутиб бермаслигини илтимос қилди. Санчо уни тутиб бермасликка сўз берди.

Бу орада қуёш уфққа бош қўя бошлаган эди. Буни кўриб Санчо, аллақачон йўлга тушишим керак эди, деб шошиб қолди. У шоша-пиша Рикоте билан хайрлашиб, эшагига миниб, герцог қасри томон ҳайдай кетди. Бари бир у қасрга кун ёруғида етиб боролмади.

Ҳамма ёқни қоп-қоронғи тун қамраб олганида ҳам Санчо ҳамон йўлда эди. У парво қилмай борарди. Ҳозир ёз, ҳаво ҳам яхши, у очиқ ҳавода тунашга аҳд қилди. Тунни ўтказиш учун йўл четидан қулайроқ жой изларкан, бирдан кулранг дўсти билан биргалашиб қоп-қоронғи жарга тушиб кетаётгандай бўлди, юраги шувуллаб орқасига тортиб кетди. Шунда Санчо жаҳаннамга қуладим деб ўйлаб, ўзини Тангрининг паноҳига бутунлай топширди. Аммо оқибат, у ўйлаганидан енгилроқ бўлиб чиқди; шувуллаб икки саржинча пастликка қулаб тушиб, эшаги тикка туриб қолди. Санчо эса унга миниб олганича ўтирарди. У ўзининг аъзойи баданини пайпаслаб кўриб, зиён-заҳмат етмай соғ-саломат қолганига ишонч ҳосил қилгач, худога шукроналар ўқиди. Кейин бировнинг кўмагисиз бу ердан чиқиб кета олармиканман деб горнинг деворларини пайпаслаб кўрди. Деворлар сип-силлиқ экан. Санчо жуда хафа бўлиб кетди, кулранг дўстининг юракни эзиб оҳиста инқиллаши, айниқса, кўнглини бузиб юборди. Бу қулашда Санчога зарар етмаган бўлса-да, чамаси, эшак оғирроқ шикастланган эди.

– О, инсон боласи пешонасига қанчалар фалокат-мусибатлар битилган-а, унинг бошига қўққисдан қандай маломат тошлари ёғилади-я! – деб фиғон чекди бечора Санчо. – Кечагина губернаторлик тахтида ўтирган одам бутун алақандай бир горда тириклайин кўмилиб ўтиради деб ким айта оларди! Менга ёрдам берадиган, бу жаҳаннамдан қутқазиб оладиган бирор кимса: на хизматкор, на муте фуқароларим бор, ҳатто бирорта тасодифий йўловчи ҳам учрамайди-я. Башарти эшагим кўрган жароҳатларидан, мен бўлсам бошимга тушган бу мусибатдан юрагим ёрилиб оламдан ўтмасак, ана шу лаънати жойда очдан ўлишга маҳкум этилганга ўхшаймиз. Хўжайиним дон Кихот жаноблари ҳаммани ҳайратда қолдириб Монтесинос горига тушганларида жуда роҳат қилгандилар. Горда у кишига ўз уйларидагилардан кўра ортиқроқ иззат-икром кўрсатишган эди. У ерда жанобим ажойибот-ғаройиботларни кўрганлар, бу ерда эса қурбақа-ю илон-чаёнлардан бўлак нарса йўққа ўхшайди.

О, қандай мусибатларга гирифтор бўлдим мен бахтиқаро! Тентаклигим ва аҳмоқона ўй-ниятларим туфайли ана шунақа кунларга қолдим! Эҳтимол, бир кун эмас бир кун одамлар менинг этлари кемирилган оппоқ суяқларимни эшагимнинг суяқлари билан бирга шу ердан топишар. Бу суяқларни кўриб Санчо Пансанинг ўз эшагидан, эшакнинг эса Санчо Пансадан ажралмай, доимо бирга эканлигини билган одамларнинг бари бу ерда ким ҳалок бўлганини фаҳмлайдилар, албатта. Эҳ, шўримиз қуриди энди! Қандай даҳшатли ўлим битилган экан қисматимизга! Ўз уйимизда, яқин кишиларимиз олдида оёқ узатиш насиб этмаган экан бизга. Ўз юртимизда бўлсак, ақалли томоғимизга сув томизадиган, кўзимизни бекитиб қўядиган бирор одам топилиб қоларди. Эҳ, дўстим, биродарим, менга қилган шунча хизматларингни яхшилик билан қайтара олмадим!

Санчо Панса ана шундай фиғон чекаркан, эшаги жимгина қулоқ соларди, унинг ноласидан бечора жонивор ғамга ботганга ўхшарди. Бутун тун ана шундай нола-ю фиғон билан ўтди. Ниҳоят, тонг отди, кун ёришиб олам қуёш нурига ғарқ бўлгач, бу қудуқдан бировнинг кўмагисиз асло чиқиб кетиш мумкин эмаслигига Санчонинг имони комил бўлди. Шунда у бирор кимсанинг қулоғига чалиниб қолар деб, янада баландроқ нола чека бошлади. Аммо унинг оҳ-воҳлари кимсасиз дашт-у биёбонда фарёд уришдай бир гап эди; бу жойларда унинг фиғонига қулоқ соладиган ҳеч зот йўқ эди. Санчо энди шубҳасиз ҳалок бўларканман деган қарорга келди. Кейин у оҳ-воҳ қилишни, ёрдамга чақиришни йиғиштириб, эшагига қарай бошлади. Эшаги эса тумшугини осмонга қилганича чўзилиб ётарди. Санчо бир амаллаб ўрнидан туришига ёрдамлашди-да, кейин сафар тўрвасидан бир бўлак нон олиб, эшагига узатди. Эшак жуда суюниб кетди, Санчо эса гўё у тушунадигандек:

– Нон ҳар қандай фалокат-у дардларнинг давоси, – деди насиҳатомуз.

Шу пайт, унинг бахтига, бу зиндон деворларидан бирига қуёш нури тушиб ёритди, шунда Санчо де-

ворда аллақандай ковак борлигини кўриб қолди. У бу ковакка қорни билан судралиб кириб, унинг бошқа форга олиб ўтадиган йўлак эканига ишонч ҳосил қилди. Кейин орқасига қайтиб чиқиб, катта бир тошни олди-да, ковак оғзини тош билан уриб кенгайтира бошлади. Ниҳоят, у ковакни эшак ўта оладиган қилиб кенгайтиришга муяссар бўлди. Санчо эшагини етаклаб йўлакка олиб кирди-да, илгарилаб кетаверди. У ер бу ерда тепадан тушиб турган ёруғлик горни ёритиб, зулматни қуварди-ю, бироқ бечора яроқбардорнинг даҳшат ва ғашлик билан тўлган қалбини ёритолмас, ундаги ваҳимани қуволмасди.

– Эй, қодир Эгам, ўзинг мадад бергайсан! – деб такрорлади ичиди. – Қани энди менинг ўрнимда хўжайиним дон Кихот жаноблари бўлиб қолса. У, балки, манави жаҳаннамга ўхшаган горни чамандек яшнаб турган боғлар ва подшоларнинг ҳашаматли қасрлари деб ҳисоблаган, бу зимистон йўлак бирорта чаманзорга олиб чиқади деб умид қилган бўларди. Мен бечора бўлсам ўтакам ёрилиб, мана ҳозир оёғим остидан бирорта чуқур чиқиб қолади-ю, туби йўқ жаҳаннамга қулайман деб юрагимни ҳовучлаб боришдан нарига ўтолмайман.

Санчо гордан эҳтиёткорлик билан секин-секин ўтиб бораркан, мана шундай фикрлар кўнглига қутқу солар, азоб берарди.

Зимистон йўлакдан ярим милча юрилгач, ниҳоят, у олд томонда хирагина ёруғлик кўрди. Бу ёруғлик Санчонинг назарида жаҳаннамга олиб борадигандек кўринган йўлакнинг ёруғ жаҳонга олиб чиқишидан нишона эди.

Санчо ана шу зимистон горда бирпас азият чека турсин, қани кўрайлик-чи, унинг хўжайини дон Кихот эргалаб нималар билан машғул бўлганийкин?

Рицаримиз тонготарда уйғониб, сахарги саррин ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш ва гўзал сеньора Дульсинея ҳақида ғамгин хаёллarga берилиш учун далага чиқиб кетди.

Дон Кихот бир оз чигилларини ёзмоқчи бўлиб Росинантни йўрттириб кетди. Йўрғалаб бораётган содиқ оти

қўққисдан аллақандай ўпирилиб тушган чуқур олдига бориб қолди. Дон Кихот бор кучи билан жиловидан тортиб қолмаганида, чуқурга қулаши турган гап эди. Аммо рицаримиз Росинантни чуқурнинг шундайгина қирғоғида тўхтатиб қолганди. У отда ўтирган жойида чуқурни кўздан кечирди: ўпирилган жой жуда чуқурга ўхшарди, туби қоп-қоронғи зимистон эди. Рицарь энди отдан тушмоқчи бўлиб турганида ер қаъридан аллақандай қичқирган овозлар ва нола эшитилди. Бирпас диққат қилиб қулоқ солиб тургач, қуйидаги сўзларни англади.

– Эй! Эй, юқоридагилар! Наҳотки тириклайин гўрга кирган бир гуноҳкор банданинг ноласини эшитиб, унга шафқат қиладиган бирор насроний ёки унга ёрдам қўлини чўзадиган бирор саховатли рицарь топилмаса! – дерди бу овоз.

Дон Кихот худди Санчо Пансанинг овозини эшитаётгандай бўлди. Ҳоятда таажжубланган дон Кихот чуқурга энгашиб, овози борича:

– Эй! Пастда нола чекаётган ким? Ким ёрдамга чақиряпти, – деб қичқирди.

– Баратария оролининг губернатори, машҳур рицар ламанчилик дон Кихотнинг собиқ яроқбардори, бахти қаро Санчо Пансадан бўлак ҳеч кимса эмас, – деб жавоб қилди ер қаъридан келган овоз.

Бу гапларни эшитиб, дон Кихотнинг капалаги учди. Санчо Панса оламдан ўтибди, бечора яроқбардорининг мурдаси лаҳадда азоб чекаётган экан, деган фикр келди. Хаёлига келган мудҳиш фикрдан ларзага келиб:

– Барча азиз авлиёлар ҳақи, ўтиниб сўрайманким, кимсан ўзинг? Агар сен бирор изтироб чекаётган руҳ бўлсанг, қабрда тинч ётмоғинг учун қандай ёрдам бермоғим мумкин, шуни айт менга. Гарчанд менинг бурчим бу дунёдагиларга мадад бериш, уларнинг дардига малҳам бўлиш бўлса-да, аммо мен у дунёда изтироб чекаётган жафокашларга ҳам ёрдам бермоқдан бениҳоят хурсанд бўлурман.

– Сўзларингиз ҳамда товушингиздан валинеъматим дон Кихот жанобларига ўхшайсиз, – деган овоз чиқди форда.

– Ҳа, мен дон Кихотман, – деб жавоб берди рицаримиз, – заифлар ва ожизларнинг мададкори, ҳимоясизларнинг пуштипаноҳи ўша дон Кихотман. Кимки муҳтож бўлса, у хоҳ тирик, хоҳ ўлик, бундан қатъи назар, унга қўмак бермоқ менинг бурчимдир. Кимлигингни айт, эй бечора руҳ. Агар сен ҳақиқатан ҳам менинг яроқбардорим Санчо Панса бўлсанг-у, бандаликни бажо келтириб, Тангрининг марҳамати билан дўзах азобидан қутулиб, аросатга тушиб қолган бўлсанг, қани айт-чи, нега изтироб чекапсан? Муқаддас черковимиз тортаётган азоб-уқубатларингни енгиллатишга қодир. Зотан, мен ҳам унинг гуноҳингдан ўтиб, азобингни енгиллатиши учун қўлимдан келганича ёрдам беришга тайёрман. Фақат сен ўз номингни ва нимага муҳтожлигингни айтсанг бас.

– Барча инсу жинслар ва бари азиз-авлиёлар ҳақи қасамёд этаманки, мен сизнинг яроқбардорингиз Санчо Пансаман ва ҳали қазо қилганимча йўқ; губернаторликни ташлаб келишга мажбур бўлдим, холос. Нима учун бундай қилганимни эса кейин сўзлаб бераман. Шу бугун тунда сизнинг ҳузурингизга ошиқиб бораётиб, эшагим билан бирга бу ерга қулаб тушдим. У менинг ҳаққоний гапираётганимни тасдиқлашга тайёр.

Шу пайт, гўё Санчонинг гапини тушунгандек, эшак кучининг борича ҳанграб юборди, бутун ғор бўйлаб акс садо янгради.

– Ажойиб шоҳидлик бу! – деб қичқариб юборди дон Кихот. – Унинг ҳанграшини худди ўз ўғлимнинг овозидек яхши танийман, сенинг ҳам товушингни танидим, Санчо. Бир нафас сабр қил. Мен ҳозир қасрдан ёрдамга одамларни чақариб келаман, улар сени, албатта, ўз гуноҳинг эвазига тушиб кетганинг, бу ер ости ғордан қутқариб олулар.

– Тезроқ боринг, муҳтарам жанобим, – деб жавоб қилди Санчо, – Худо ҳақи, тезроқ боринг! Қўрққанимдан юрагим ёрилиб ўлай деяпман. Менга нуқул худди шу ерда куним битадигандек туюляпти.

Дон Кихот бирон дақиқа ҳам вақтни зое кетказмай, қасрга томон отини йўрттира кетди, у ерга етиб бориб,

Санчо Пансанинг бошига тушган бахтсизлик ҳақида герцог билан герцогиняга сўзлаб берди. Улар Санчонинг қадим замонларда қасрдан катта йўлга томон қазилган ер ости йўлагининг бирор ерига тушиб кетганини ўша заҳотиёқ англадилар. Қаср эгалари фақат бир нарсанигина тушуна олмасдилар: бизга ва хўжайини дон Кихотга хабар бермай туриб, бу Санчо губернаторликни қандай қилиб ташлаб кетдийкин. Ҳар ҳолда, улар ўша ондаёқ Санчони қутқазиб олиш учун хизматкорларни жўнатдилар. Улар Санчо билан унинг эшагини бир амаллаб зулматдан ер юзасига тортиб олишди. Бу ажиб воқеа гувоҳи бўлиб турган бир талаба:

– Ҳамма ярамас губернаторлар мана шу ер ости ғорида Санчо Пансага ўхшаб, оч қолиб, ранглари мурдадек ҳолга тушса, сариқ чақасиз ўз лавозимларини ташлаб кетган бўларди-да! – деб қўйди.

Буни эшитган Санчо:

– Ўн кун муқаддам менга инъом қилинган оролни бошқаришга киришган эдим, эй масхарабоз ошнам. Ўша фурсатдан буён бирор марта ҳам қорним тўйиб нон емадим; табиблар мени очдан сиришди, душманларим азоб беришди; солиқ йиққани, пора олиб бойлик орттиргани қўлим ҳам тегмади. Инсон ҳар нарсани орзу қиларкан-у, лекин Тангрининг ўзи ҳар кимга билиб тақсимларкан: кимга нима лозимлиги ёлғиз унинг ўзига аён экан. Шундай бўлгач, ҳеч ким бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўймасин, ўзи сув ичадиган қудурига тупурмасин экан; менинг аҳволимдан Эгамнинг ўзи хабардор, ана шу сабабдан бир талай гапларни гапириб ташлай олсам-да, индамай қўя қоламан.

– Қўй, хафа бўлма, Санчо, мабодо бирон номаъқул гап айтадиган бўлсалар, жаҳлинг чиқмасин, – деди дон Кихот. – Виждонинг пок бўлса бас, қўявер, одамлар офизларига келганини гапираверсинлар. Фисқи-фасодчи одамнинг тилини боғлаб қўйиш бепоён далага дарвоза қуриб, қулфлаб қўйишдек мушкул бир нарса. Агар бирор губернатор бой-бадавлат бўлиб олгач, ўз лавозимини ташлаб кетса, уни ўғри, борди-ю қандай

қашшоқ бұлиб келган бұлса ұшандайича кетаверса, уни гўл ва аҳмоқ одам дейдилар.

– Мени ўғри эмас, аҳмоқ дейишса керак, албатта, – деди Санчо.

Шу кўйи суҳбатлашиб қасрга етиб борганларида, герцог билан герцогиня уларни ровонда кутиб туришарди. Санчо у ёққа боришдан аввал кеча тунда қаттиқ шикастланган эшагини тузукроқ ерга боғлаб қўймоқчи бўлди. У эшагини отхонага олиб кириб, ем берганидан кейингина ўз ҳукмдорлари ҳузурига борди-да, тиз чўкиб:

– Муҳтарам сеньорлар, сиздек олий хазратларнинг ихтиёр ва иродаларингизга биноан мен ҳеч қандай хизмат кўрсатмаганим ҳолда Баратария оролига губернатор қилиб тайинлангандим. Бу оролга ҳеч вақосиз қандай қадам босган бўлсам, уни шундай тарк этдим: мен бундан ҳеч нима ютганим ҳам, ҳеч нарса ютқазганим ҳам йўқ. Оролни яхши бошқардимми ёки ёмонми, буни ишларимдан хабардор одамлар сўзлаб беришсин. Мен оғир ва мужмал ишларни ҳал қилдим ҳамда ўзига яраша ҳукм этдим. Мен токи губернаторлик қиларканман, доим оч қолдим; орол ва губернаторнинг табиби тиртеафуэралик Педро Ресининг инон-ихтиёри шундай эди. Тунда оролимизни ёв босди. Зўр олишувдан сўнг орол аҳолиси менинг мардона раҳнамолигим остидагина ўз озодликларини сақлаб қола олганларини айтишди. Илоҳо, Тангрим уларга, гаплари қанчалик ҳақ бўлса, шунчалик сиҳат-саломатлик ато қилсин. Хуллас калом, бу вақт ичида мен губернаторликдек лавозимнинг тамомий бурч ҳамда мушкулотлари билан яқиндан танишиб, бу иш қўлимдан келмаслигини англадим. Шунинг учун ҳам губернаторлик лавозими мени тарк этмасдан туриб, илгарироқ мен уни тарк этишга аҳд қилдим. Кеча эрталаб оролни ташлаб чиқдим, у ерга кириб борганимда кўчалари, уй ва томлари қандай бўлса, шундайлигича қолди. Ҳеч кимсадан қарз олганим, ҳеч қандай фойда келтирадиган манфаатли ишларга аралашганим йўқ. Ростини айтсам, бир неча фойдали қонунлар чиқармоқчи бўлдим-у, аммо бари бир амалга ошмаса керак деб ўйлаб, бундай қилмадим. Ростки,



амалга ошмас экан, уларни чиқарди нима-ю, чиқармади нима. Шундай қилиб, ҳеч қандай мулозимларсиз, ёлғиз оролни ташлаб чиқдим, фақат биргина эшагим ажралмас ҳамроҳим бўлди. Кела туриб ер ости горига тушиб кетиб, бутун тунни ўша ерда ўтказдим. Ниҳоят, кун ёришгандагина аллақандай ер ости йўлаги бор эканлигини кўрдим ва зора бу қоронғи зиндондан чиқиб кетса бўладиган жой топилиб қолса, деган умидда йўлакдан олға қараб юрдим. Имоним комилки, агар Тангрим менга халоскоримни – хўжайиним дон Кихот жанобларини етказмаганида, ер остида умрбод қолиб кетардим. Ана шундай қилиб, жаноби герцог ва герцогиня, содиқ губернаторингиз Санчо Панса ҳузурингизда турибди. У ўзининг ўн кунлик губернаторлигидан фақат битта манфаат кўрди – бу ҳам бўлса, биргина оролга эмас, ҳатто бутун дунёга ҳоким бўлиш сариқ чақага ҳам арзимаган иш эканига ишонч ҳосил қилди. Зотан, бунга ишонч ҳосил қилган экан, сиз муҳтарам жанобларнинг оёғингизни ўпиб таъзим этажак ва минг бора афсус билан губернаторлик лавозимини бўйнидан соқит қилажак ҳамда ўз хўжайини жаноб дон Кихот хизматига қайтажак. Унинг хизматида заҳмат чекиб, доим ваҳима ичида юрагимни ҳовучлаб юрсам-да, ҳар ҳолда, тўйиб овқатланаман. Бу энг муҳими; нима билан тўйғазсам ҳам майли қорнимни – сабзи ейманми ёки каклик гўштими, ишқилиб, тўқ бўлсам, бас.

Санчо шу билан ўз каломини тугатди. Дон Кихот бу орада содиқ яроқбардорим бемаъни гапларни валдираб юрмасин деб юрак ҳовучлаб турди. У Санчонинг одоб билан ва оқилона сўзлаётганини кўриб, қалбида Тангри шарафига шукроналар ўқиди.

Герцог Санчони бағрига босиб, унинг губернаторликини бунчалик тез тарк этганига минг марта афсус-надоматлар билдирди. Аммо у Санчонинг ўз ҳукмронлигидан сердаромад ва айни вақтда машаққати камроқ бирор лавозимга ўтириши ҳақида гамхўрлик қилажанини айтди. Герцогиня ҳам Санчони бағрига босиб қучоқлади ва аянчли, азият чеккан қиёфасини кўриб, уни яхшилаб зиёфат қилишларини буюрди.

Санчо бошдан кечирган изтироб ва ҳаяжонларини тезда унутиб, кўнгли таскин топди, боглаб овқатланиб, мириқиб ухлади, герцогинянинг илтифотига сазовор бўлганидан ҳамда яна саройга келиб қолганидан беҳад мамнун эди.

Дон Кихотга келсак, бизнинг шонли рицаримиз бундай дабдабали, бемаъни ҳаётдан зерикиб, изтироб чека бошлаганди.

Герцоглар хонадонининг жаҳонгашта рицарь шарафига уюштираётган базм ва зиёфатларига қатнашиб, вақтини бекор ўтказаркан, оғир гуноҳга ботаётгандай ҳис этарди у ўзини. Бу беҳуда ўтаётган вақтим учун Тангри таборак олдида қатъий ҳисоб бермасам, деб чўчирди. Ана шу важдан у кунларнинг бирида мезбонлардан бу меҳмондўст қасрни тарк этишга ижозат сўради. Герцог билан герцогиня қаттиқ ранжиганларини билдирдилар, лекин рози бўлдилар. Герцогиня Санчога хотинининг мактубини тутқазди, шунда унинг ўпкаси тўлиб, кўз ёши аралаш шундай деди:

– Менинг губернаторлик мансабига минганимни эшитиб, рафиқам Тереса Пансанинг қалбида уйғонган мўътабар орзу-умидларнинг яна қайтадан хўжайиним дон Кихот жанобларининг сафарида унга йўлдош бўлиб қолишим билан чилпарчин бўлиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз? Ҳарқалай, Тересамнинг бизнинг шон-шараф ва номусимизни букмай, герцогиня хонимга чўчкаёнғоқ юборганидан бағоят хурсандман. Эндиликда уни қадр билмас нонкўр дейишга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ. Яна шунинг учун ҳам хурсандманки, бу совға-саломни пора деб бўлмайди. Совға-салом юборилган дамда мен оролда ҳукмронлик қилиб тургандим, шуниси тамоман аёнки, бировдан мурувват кўрган кимса арзимас нарса билан бўлса ҳам, яхшиликка яхшилик қайтармоғи керак. Марҳаматингизга ўзга бирон нима билан ташаккур билдиролмадик: губернаторликни сариқ чақасиз қуп-қуруқ қабул қилдим ва ўз лавозимимни сариқ чақасиз қуп-қуруқ ташлаб кетдим. Шунинг учун ҳам покиза виждоним билан, бу жуда катта гап, айта оламанки: мен ҳеч нима

ютмадим ҳам, ютқазмадим ҳам, – шу хилда ўзига-ўзи таскин берди Санчо.

Ниҳоят, сафарга чиқадиган кун ҳам етиб келди. Кечқуруноқ герцог ва герцогиня билан хайрлашган дон Кихот бутун қурол-яроғларини тақиб, тонг саҳарда отига миниб қаср олдидаги майдонга чиқди. Эр-хотин герцоглар бошлиқ жами сарой аҳли уни сўнгги бор кўргани қаср айвонига тўпланди. Сафар тўрваси билан чамадонини ортиб олган Санчо ўз эшагида ғоятда хурсанд бўлиб ўтирарди. Герцог баковули хайрлашув олдидан дон Кихотга сездирмай, икки юз олтин эскудо солинган оғир ҳамённи қистирганди унга. Санчо хурсандлигидан оғзи қулоғига етиб, чор атрофга икки букилиб таъзим қиларди.

Дон Кихотнинг эса сабри чидамай, қасрдан тезроқ жўнаб қолгиси келарди. У эр-хотин герцогларга таъзим қилди-да, Росинантнинг бошини буриб, қаср дарвозасидан чиқди. Далага чиқиши биланоқ рицаримиз ўзини кучига куч қўшилгандай бардам ва тетик сеза бошлади. У қалби қувончга тўлиб, бўлажак хавотирли саргузаштлар, рицарлик қаҳрамонликлари ҳақида ўйларкан, Санчога юзланиб, деди:

– Озодлик – Тангри инсонларга ато қилган бахт-саодатларнинг энг мўътабаридир, Санчо. Ер қаърида ва денгиз тубида яшириниб ётган жамики хазина-ю бойликлар унга тенг келолмайди. Озодлик йўлида, шон-шарафни ҳимоя қилгандек, жонни тикиш мумкин ва зарур. Тутқунлик эса, аксинча, инсон бошига тушадиган фалокат ва бахтсизликларнинг энг каттасидир. Герцогнинг бизни қандай дабдаба билан кутиб олганини кўрдингми, Санчо. Энди бу ёғини эшит; ана шу ҳашаматли ва тўкин-сочин, хушхўр таомлар ва ўткир, хуштаъм винолар оғирлигидан майишиб турган стол ёнида ўтирарканман, баъзан назаримда, албатта, очлик ва ташналикдан азобланаётгандай бўлардим. Зотан, мен бу лаззатли таомлар ва ширин-шарбат ичимликлардан бемалол ҳамда бамайлихотир тотинолмасдим, ҳузур қила олмасдим. Бировнинг нони

бирова ботмайди, унинг хайр-саховати ва марҳамати олижаноб кишиларнинг қалбига кишан уради. Пешонасига битилган бир бурда нонни миннатсиз ейдиган кимса оламда энг бахтиёр одамдир, унинг ҳеч кимдан тили қисиқ ери бўлмайди.

– Ҳар ҳолда, – деди Санчо, – хайрлашув олдидан менга берган икки юз эскудолик ҳамёни учун баковулдан миннатдор бўлишимиз лозим. Уни ҳар эҳтимолга қарши асраб қўяман. Бизни зиёфат қиладиган қаср-у саройлар ҳадеб йўлиқавермайди, ахир. Муштлаб роса адабимизни берадиган меҳмонхоналарга ҳам тушиб қолармиз ҳали. – Шундай дея Санчо пул солинган ҳамённи кўксига янада маҳкамроқ босиб, эшагини ниқтаб ҳайдайверди.

### ЭЛЛИК ТҮРТИНЧИ БОБ

#### **ДОН КИХОТНИНГ БАРСЕЛОНА ЙЎЛИДА БОШДАН КЕЧИРГАН САРГУЗАШТЛАРИ**

Дўстларимиз герцог қасрида узоқ вақт меҳмондорчиликда қолиб кетиб, Сарагоссадаги мусобақаларга кечикканлари сабабли тантанали байрамга тайёргарлик кўрилатган Барселонага боришга аҳд қилдилар. Сафарнинг дастлабки кунларида ҳеч қандай ҳодиса юз бермади. Улар катта йўлдан осойишта ва хотиржамгина илгарилаб боришарди. Тушки жазирамада улар бирор сой ёки анҳор бўйидаги сершоҳ дарахт соясида салқинлаб роҳат қилиб дам олишар, кечалари эса йўл ёқасидаги меҳмонхона ёки карвонсаройларга кўнишарди. Бунақа саёҳат, айниқса, Санчога жуда ёқиб тушарди. Дон Кихот ҳам ажойиб-ғаройиб ва хатарли саргузаштларни қўмсаётгандек кўринарди. Содик яроқбардори хўжайинининг бир қадар тинчиб қолганини кўриб таажжубда эди. У энди меҳмонхоналарни ҳашаматли қасрлар, қовоқхоначиларни эса донгдор рицарлар деб қарамас, ижарага турувчиларнинг жанжал ва мушглашишларига аралашмас, қаршидан келаётган йўловчиларни бепарволик билан кузатиб қоларди. Санчонинг вайсашларига эътибор ҳам

бермай, ўйга толиб, ғамга ботиб, олдинга тикилганича борарди у. Чамаси, паҳлавонимизнинг фикри-ёдини бир ўй банд этган, аллақандай бир ташвиш юрак-бағрини тирнарди. Бу қандай ўй ва қандай ташвиш эканини муҳтарам китобхон ҳозир билиб олади.

Бир куни, сафарга чиққанларининг бешинчи ё олтинчи куни улар шохлари улашиб-чирмашиб кетган дарахтлар соясида шалдираб оқаётган, суви тип-тиниқ ариқ бўйида дам олгани ўтиришди. Санчо Росинант билан эшагининг эгар-жабдуқларини олиб, ўтлагани қўйиб юборди, сўнгра у одатдаги омбори – сафар тўрваси ёнига ошиқди, тўрвадан бор-йўқ тамаддисини чиқарди. Дон Кихот овқатга ҳадеганда қўл урмай, ғамга ботиб, индамай ўтирарди. Санчо эса одоб сақлаб овқатга биринчи бўлиб қўл уролмай, хўжайинининг бошлаб беришини кутарди. Лекин унинг хаёл дарёсига гарқ бўлганини кўриб, Санчо одоб-қоидаларни бир чеккага йиғиштириб қўйди-да, индамай пишлоқ ва нондан олиб кавшай бошлади.

– Ол, олавер, дўстим Санчо, – деди дон Кихот, – тани соғайкка олавер, мен эса, майли, елкамдан босаётган ғам тоши, тақдири азалнинг оғир зарбалари остида эзилиб ўлай. Мен, Санчо, ажал билан ўйнашиб яшагани, сен бўлсанг ҳаётга қўшқўллаб ёпишиб олганинча оламдан ўтгани туғилганмиз. Мабодо, сўзларимнинг ҳаққонийлигига қаноат ҳосил қилмоқчи бўлсанг, мен ва менинг қаҳрамонликларим ҳақида битилган китобда қандай тасвирланганимни ўқиб кўр. Мен жангларда довжорак, хушхулқ, аслзодалар иззат-икромига сазовор, хонимларга манзур одамман. Хўш, ҳозир қандай аҳволдаман? Ёвуз жодугарларнинг сеҳр-афсунлари ҳамон елкамни босиб турибди, уларни улоқтириб ташлашдан ҳозирча ожизман. Кўзим нури, қалбим гавҳари гўзал Дульсинея ҳам сеҳрланганича хунук, бедаво, қўпол деҳқон аёл қиёфасида сирли горда азоб-уқубат чекиб ётибди ҳануз. Бунини ўйлаганим сари тишларим ўтмасланиб, жағ тишларимнинг мадори қуриб, иштаҳам ғиппа бўғилади. Энг даҳшатли ўлим топишга, очдан ўлишга қодирман.

– Мурувватли хўжам, – деди Санчо оззи тинмай кавшаркан. – Қорни тўқ, осонгина жон беради деган мақолни манзур кўрмаслигингиз яққол сезилиб турибди. Менга қолса, ўзимни очдан ўлдирмоқчи эмасман. Чармни мўлжалига етгунича тишлаб тортадиган этикдўзга ўхшашни маъқул кўраман. Пешонамга битилган умрим тугаб, насибам узилгунча овқат ейишни қўймайман. Шу нарсани билиб қўйингки, жанобимга ўхшаб атайлаб ўзини хит қилишдан кўра аҳмоқона иш йўқ. Қулоқ солинг гапларимга: олдин тамадди қилиб, кейин манави юмшоққина майса тўшақда мизғиб олсангиз, анча энгил тортасиз.

– Эҳ, Санчо, – деб эътироз билдирди дон Кихот гамгин. – Гапимнинг тагида нима гап борлигига тушунмаётганинг кўриниб турибди. О, менинг илтимосимни бажо келтиришга рози бўлсанг эди! Шунда ўша заҳотиёқ энгил тортардим, қалбимдаги гам тоши кўтариларди. Сендан илтимосим шу. Маслаҳатингга кўниб, бир оз мизғиб олгунимизча, сен Росинантнинг тизгинини олиб, чеккароққа чиққин-да, уст-бошингни ечиб, Дульсинеянинг озод бўлиши учун белгиланган уч минг қамчи ҳисобидан баданингга уч-тўрт юз қамчи ур. Ўзинг ўйлаб кўр, сенинг марҳаматинг ва ожизлигинг туфайли шўрлик сеньоранинг ёвуз сеҳр-жодулар асоратида ҳамон изтироб чекиб ётиши қандай ачинарли ҳол.

– Бу хусусда анча-мунча гапларни айтса бўлади, – жавоб берди Санчо хотиржамлик билан. – Келинг, аввал мириқиб ухлаб олайлик, у ёғи бир гап бўлар. Шунни билиб қўйингки, марҳаматли жанобим, ўзини ўзи савалаш, айниқса, зарбалар семиз, миқти баданга тушмай, озгин танага тегадиган бўлса, жуда мушқул иш. Келинг, сеньора Дульсинея пича сабр қила турсин. Яқин кунларда у ўзимнинг бутун аъзойи баданимни моматалоқ қилиб ташлаганимни кўради. Ҳали-ҳозирча биров ўлгани йўқ, у ҳаёт. Бу билан демоқчиманки, ҳали мен оламдан ўтганимча йўқ, ҳаётман, менки ҳаёт эканман, берган ваъдамни бажо келтираман. Бунинг учун сўз бераман сизга.

Дон Кихот Санчонинг қасамини эшитаркан, кўнгли очилиб, димоғи чоғ бўлди. У пича тамадди қилди, Санчо эса қорнини обдан тўйғизиб олди. Сўнгра дўстларимиз – икки ажралмас дўст майсалар қулф уриб ётган яйловда ўтлаб юрган Росинант билан эшакни ўз ихтиёрларига қўйиб, мизғигани ётдилар.

Анчагина ухлашди, улар йўлга тушишганда кун оғиб қолганди. Қанчалик ошиқмасинлар, бари бир кун ёруғида бирорта меҳмонхона ёки карвонсаройга етиб боролмадилар. Қалин бир ўрмонга етганларида, қоп-қоронғи зимистон тун чўкканди. Бу ўрмондаги дарахтлар эманлармиди ё пўкак дарахтлармиди, бу ҳақда муаллифнинг қўлида аниқ маълумот йўқ. Хўжайин ва унинг хизматкори эгардан тушиб, дарахтлар остида тунагани ётишди. Қорнини бошлаб тўйғазиб олган Санчо бошини қўяр-қўймас уйқу салтанатига равона бўлди. Кундузи мизғиб олган дон Кихотнинг эса ҳадеганда уйқуси келавермади. Азоб берувчи ўй-фикрлар миясида ғужғон ўйнар, безовта хаёллар эса бечора рицарни етти иқлим узра айлантириб юрарди. Гоҳ назарида яна Монтесинос ғорида юрганга ўхшайди, гоҳ кўз ўнгида Дульсинея оддий деҳқон қизига айланиб, сакраб эшакка миниб олади; қулоқлари остида Дульсинеяни ёвуз жодугарлар сеҳридан халос этишнинг бирдан-бир чорасини кўрсатган донишманд Мерлиннинг сўзлари жаранглаётгандек бўлади. У яроқбардори Санчонинг тошбағирлиги ва ношудлигини ўйлаб кетади. Дон Кихотнинг ҳисобича, у шу дамгача ўз баданига бор-йўғи беш қамчигина туширганди, холос.

Шу ҳақда ўйласа, дон Кихотнинг юрак-бағри эзилиб кетарди. Бора-бора унинг қайғу косаси тўлиб-тошди. Бу азобга чидашга заррача сабри қолмай, шартта ўрnidан турди-да, ўз-ўзига деди:

– Агар буюк Искандар чигал масалани «чигални ечдинг нима-ю, шартта кесиб ташладинг нима – бари бир гўр» деган сўзлар билан ечган, шунга қарамай, ҳар ҳолда, бутун Осиёга ҳоким бўлган экан, унда Дульсинеянинг озод бўлиши йўлида мен ҳам, албатта, шундай қилишим

мумкин. Бун истамаса-да, Санчони ўз қўлим билан савалайман. Зотан, ҳаммаси шунга боғлиқ экан, бу уч минг қамчини ўз баданига Санчонинг ўзи туширди нима-ю, бошқа биров савалади нима, бари бир эмасми?

Шундай қарорга келган дон Кихот Росинантнинг нўхтасини олиб, Санчонинг ёнига борди-да, иштонбоғини ечишга тутинди. Унинг қўли тегар-тегмас уйғониб кетган Санчо:

– Нима гап? Ким бу? – деб сўради.

– Менман, – жавоб берди дон Кихот. – Сенинг илтифотсизлигингга барҳам бериб, дарди-аламимни енгиллатмоқчиман. Сени саваламоқчиман, Санчо, бу билан зиммангга олган вазифангни бажаришингга қўмаклашмоқчиман. Дульсинея ҳалок бўляпти, сенинг бўлса, парвойингга ҳам келмайди бу. Аммо мен унинг ишқида хазон бўляпман, инчунин, уни халос этиш учун ўзимни ўтга ҳам, чўққа ҳам уришга тайёрман. Ҳаялла-ма, тезроқ ечин, мана шу кимсасиз ерда сенга камида икки минг қамчи туширмоқчиман.

– Эй, йўқ, – деди Санчо, – бир оз ўзингизни босиб олинг, муҳтарам жаноб, йўқса, Тангри ҳақи қасам ичманки, шовқинимиз ҳатто карлар қулогига ҳам етажак. Ўзимни савалайман деб берган ваъдамни зўрлик билан эмас, балки ўз ихтиёрим билан бажаришим керак. Ўзимни-ўзим савалашга эса ҳушим йўқ, раъйим бўлган вақтда ўзимни савалайман деб муҳтарам жанобларига берган ваъдамнинг ўзи ҳам катта гап.

– Сенинг ваъдангга ишонолмайман, Санчо, – жавоб берди дон Кихот, – чунки юрагингда заррача шафқат йўқ, баданинг эса, гарчанд паст табақадан бўлсанг ҳам, бағоят нозик, сезгирдир.

Шундай дея у Санчонинг иштонбоғини ечаверди. Ишнинг хавотирли тус олиб бораётганини кўрган Санчо Панса ётган еридан сакраб турди-да, хўжайинига ташланди. Рицарь билан унинг яроқбардори ўртасида шафқатсиз олишув бошланди. Ниҳоят, Санчо эпчиллик қилиб дон Кихотни чалиб йиқитди-да, ўнг оёғининг



тиззаси билан кўкрагидан шундай босиб олдики, у на ўрнидан тура олди ва на нафас ололди.

– Бу қанақаси, хоин? Сен ўз хўжайининг ва сеньорингга қарши қўл кўтардингми? Ўз валинеъматингга тажовуз қиляпсанми ҳали? – қичқирди дон Кихот нафас ололмай бўғилиб.

– Ҳеч кимга тажовуз қилаётганим йўқ, – жавоб берди Санчо, – ўзимни қутқаряпман, холос, чунки ўзимга ўзим сеньорман ҳозир. Муҳтарам жанобим, ўзимни хотиржам тутаман ва савалашни ҳозир талаб қилмайман, деб сўз берсалар, шундагина бўшатаман.

Дон Кихот Санчога сўз бериб, сенга ҳатто қўл теккизмайман, раъйингга ёққан ва истаган вақтингда саваларсан ўзингни, деди. Санчо хўжайинини бўшатди, улар яна ярашиб олишди. Аммо Санчо шу можародан сўнг дон Кихотга унчалик ишонмай қўйди, у бундай кўнгилсиз ҳодиса яна такрорланиб қолмасин деб, ўз жанобидан олисроқда тонг оттиришга аҳд қилди. Шу мақсадда у чеккароққа бориб, бир азим туп дарахт остига жойлашди. Туннинг бу ёғи осойишта ўтди. Саҳар паллада уйғонишиб, енгил-елпи нонушта қилиб, энди йўлга тушай деб туришган пайтда, қўққисдан дарахтлар ортидан алақандай қуролланган кишилар чиқиб келишди. Дон Кихот билан Санчо ҳатто орқа-ўнгларига қараб улгурмаслариданоқ ҳаш-паш дегунча уларни қирқ чоғли қароқчи қуршаб олди: улар католончалаб сайёҳларимизга то атаман етиб келгунича, қимир этмай туришни буюришди.

Рицаримиз яёв ва қуролсиз эди, Росинант сал нарироқда ўтлаб юрар, найзаси эса чеккароқда дарахтга суяб қўйилганди – хулласи калом, у ўзини ҳимоя қилишдан ожиз эди шу тобда. Шу сабабдан у қўл қовуштириб, бош эгишни энг оқил иш деб билди.

Қароқчилар эшакнинг абзалларини тинтиб, Санчонинг сафар тўрвасидаги ҳамма нарсани олишди: яхшиямки Санчо герцог ҳадя қилган эскудолар солинган ҳамённи липпасига қистириб қўйган экан. Эҳтимол бу саховатли одамлар ўзларини ҳам бошдан-оёқ тинтиган

бўлардилар, лекин шу дақиқада атаман пайдо бўлиб қолди: бу ўттиз тўрт ёшли, буғдоймағиз, забардаст, баланд бўйли, амирона чехрали бир киши эди. У бақувват отга миниб олган: эгнида пўлат совут, белида тўртта пистолет осиглиқ. «Қуролбардорлар»нинг – қароқчилар ўзларини шундай деб аташарди – Санчо Пансани тинтимоқчи бўлиб турганларини кўриб, бу бебошликни бас қилишни буюрди. Қароқчилар ўша заҳотиёқ буйруққа итоат қилиб, орқага чекиндилар, Санчонинг ҳамёни ана шундай омон қолди. Атаман дарахтга суяб қўйилган найзани, ерда ётган қалқон ва дон Кихотнинг ғамга толиб, қайғуга ботган қиёфасини бирма-бир назардан кечираркан, ғоят ажабланди. Атаман унинг ёнига бориб:

– Бунчалик қайғурманг, эй саховатли одам: сиз қандайдир ваҳший қароқчига эмас, балки қалби шафқатсизликдан кўра кўпроқ раҳм-шафқатга тўла Роке Гинартга<sup>93</sup> банди бўлгансиз, – деди.

– Сенинг ҳукмингга тушиб қолганимдан заррача қайгурмайман, шон-шухрати оламга машҳур, эй шавкатли Роке Гинарт, – деди дон Кихот. – Аммо бепарволигим туфайли ғафлатда сенинг сарбозларинг қўлига тушиб қолганим учун ўзимни асло афв этолмайман. Чунки мен мансуб бўлган жаҳонгашта рицарлик қонун-қоидалари доимо жанговар ҳолатда бўлишимни тақозо этади. Шу нарса сенга аён бўлсинки, эй улуг Роке, башарти манави отлиқ сарбозлар қўлимда найзам ва қалқоним борлигида рўпара келганларида, мени енгиш осон эмасди, мен шон-шухрати бутун оламга ёйилган ламанчлик дон Кихот бўламан.

Шунда Роке Гинарт ким билан сўзлашаётганини фаҳмлади. У рицаримиз ҳақида илгари ҳам кўп эшитганди, лекин рицарлик қаҳрамонликлари иштиёқи одамни шундай бош-кўзини айлантириб, ақлдан оздиришгача олиб боришини тасаввур қилолмаганлиги сабабли бу гапларнинг ҳаммаси уйдирма, мишмиш гаплар деб ҳисоблаб юрарди. Шунинг учун ҳам илгарилари фақат овозасинигина эшитиб юрган одамни ўз кўзлари билан кўриш бағоят қизиқ бир ҳол эди.

– Эй, довюрак рицарь, – деди у – қўйинг, ўз парвосизлигингиз ва гафлатда қолганингиздан дарғазаб бўлманг. Эҳтимол, бу бахт ва фаровонликка олиб борувчи йўл – бир имтиҳондир. Тангрининг иродаси ўзига аён, на қилса, ўзи билади, у кўпинча, бахтсизларга бахт, камбағал-бечораларга давлат ато қилади ва йўлдан озганларни йўлга солади.

Роке Гинарт сўзини тугатмасданоқ, йўлни кузатиб турган соқчи от қўйиб келиб қолди.

– Сеньор, – деди у, – Барселона йўлидан бир тўда одам келяпти.

– Нима, у одамлар бизни изловчиларданми ёки биз излайдиганларданми? – сўради Роке ундан.

– Биз излайдиганлардан, – жавоб берди соқчи.

– Ундай бўлса, фурсатни бой берманглар, – деди Роке, – бориб тезда бу ёққа ҳайдаб келинглар уларни. Бирор одамни қочириб юбормасликка ҳаракат қилинглар.

Қуролбардорлар унинг амрига итоат қилиб, шошилинч йўловчилар томон жўнашди, дон Кихот, Санчо Панса ва Рокелар шу ерда қолишди. Шундан кейин Роке дон Кихотга мурожаат қилди:

– Бизнинг ҳаётимиз сеньор дон Кихотга жуда ғалати туюлаётгандир: бизнинг барча ишларимиз, саргузаштларимиз ва юриш-туришимиз ғалати ҳамда хавфли бўлиб кўринаётгандир. Виждонан айтсам, ўзим ҳам касби-коримиздан кўра хавотирлироқ ва беҳаловатроқ касб бўлмаса керак деб ўйлайман. Табиатан мен раҳмдил, ювош, беозор одамман. Аммо душманларимнинг шафқатсизларча ҳақоратлашлари қалбимда интиқом олиш иштиёқини қўзғади, оқибатда, мен олижаноб хислатларимга хилоф равишда мана шу даҳшатли ҳунарни касб қилиб олдим ва гарчанд ақл-идроким бу йўлдан қайтишга даъват этса-да, шундай ҳаёт кечиришни сабот билан давом эттиряпман. Бунинг устига, бир ножўя иш иккинчисини, бир гуноҳ бошқасини судраб келади. Бора-бора ана шуларнинг ҳаммаси қалбимда мужассамланиб, ёлғиз ўзимнигина эмас, ўзгаларнинг ҳам дарди-

алами учун қасос оляпман. Бильакс, мен йўлдан тойиб, гуноҳдар ботқоғига ботган бўлсам ҳам, ҳарқалай, бу ботқоқдан қутулиб, нажот денгизига сузиб чиқишдан умидимни узганимча йўқ.

Дон Кихот Рокенинг бу оқилона сўзларига ҳайратланиб қулоқ соларди. Касби-кори қотиллик ва талончилик бўлган кишилар орасида бундай оқилона фикр юритадиган одам топилишини у ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмаган эди.

– Сеньор Роке, – деди у, – ўз дардини тан олиш ва ҳақим буюрган дори-дармонларни қабул этишга тайёрлик – шифо топишнинг ибтидосидир. Чунки муҳтарам жаноб ўз дардларидан бохабар эканлар, само ёки шафқатли Тангрим деганимиз маъқулроқ, сизни бирдан эмас, балки аста-секин бу дарддан халос этадиган дори эҳсон этажак. Оқил гуноҳкорлар бефаросат гуноҳкорларга қараганда тезроқ тузаладилар. Сиз, муҳтарам жаноб, ўз нутқингизда донолигингизни намоён этган экансиз, ушбу сўзларимга қулоқ солинг: дадил туринг ва виждон азобингизнинг енгиллашишидан умид узманг. Башарти, муҳтарам жаноб, нажот йўлига тезроқ юзланмоқни истасангиз, мен билан юринг. Бу сафарда бошдан кечиражак мусибат-у фалокатларимиз сиз учун айни гуноҳдан фориг бўлиш борасида қилган тавба-тазарруйингиз ўрнига ўтажак ва қаршингизда жаннат дарвозасини очажак.

Бу орада ўлжа излаб кетган қароқчилар ҳам қайтиб келиб қолишди: улар икки кабальерони, икки пиёда зиёратчини, отлиқми яёв олти нафар хизматкор кузатиб бораётган бир неча аёл тушган каретани икки хачир ҳайдовчи аравакаши билан бирга олдиларига солиб келиб қолишди. Қуролбардорлар уларни қуршаб олишди. Мағлублар ҳам, ғолиблар ҳам Роке Гинартнинг гап бошлашини кутиб сукут сақлашарди. У отлиқлардан кимликларини, қаёққа кетаётганликлари ва ёнларида қанча пуллари борлигини сўради. Кабальеролардан бири жавоб берди:

– Сеньор, биз испан пиёда қўшинларининг капи-

танларимиз, отрядларимиз ҳозир Неаполда: Сицилияга жўнайдиган галерлар лангар ташлаб турган Барселонага кетяпмиз. Ёнимизда икки ёки уч юз эскудо бор. Биз учун шу ҳам кифоя, ўз тақдиримиздан нолимаймиз, зероки, бечора аскарлар бундан ортиғини орзу ҳам қилмайдилар.

Роке зиёратчиларга ҳам шу саволларни берди. Зиёратчилар Римга кетаётганларини, ёнларини қоқиштирганда бор-йўғи олтмиш реалча пул топилишини айтишди. Охирида Роке каретадаги аёлларнинг кимлигини ва қанча пуллари борлигини сўради.

– Бу каретада менинг бекам, Неаполь олий суди судьясининг рафиқаси донья Гиомар де Киньонес хоним қизчалари билан кетяптилар, ёнларида оқсочлари ва дуэньялари ҳам бор: уларни олти нафар хизматкор кузатиб боряпти, олти юз эскудо пуллари бор, – деб жавоб берди отлиқ хизматкорлардан бири.

– Шундай қилиб, – деди Роке Гинарт, – йўловчиларнинг ҳаммасида жами бўлиб тўққиз юз эскудо ва олтмиш реал бор экан. Менинг сарбозларим эса олтмишта. Қани, бир ҳисоблаб кўрайлик-чи, киши бошига қанчадан тегаркин: негадир унчалик яхши ҳисоблолмайман-да.

Буни эшитиб, қароқчилардан бири овози борича қичқирди:

– Унинг ўлимини тиловчи аблаҳларга қасдма-қасдликка Роке Гинарт омон бўлсин!

Кабальеролар хафаликларини яширмадилар, судьянинг рафиқаси маъюс бўлиб қолди, ҳатто сўнгги реалларидан ажралажакларини фаҳмлаган зиёратчиларнинг ҳам башаралари буришиб кетди. Роке уларни бир нафас саросимага солиб турди-да, кейин бир чақирим наридан ҳам чеҳраларидан сезилиб турган қайғуларини тарқатиш ниятида кабальероларга қараб деди:

– Сеньор капитанлар, марҳамат қилиб, менга олтмиш эскудо қарз бера олмайсизларми? Олий судьянинг рафиқаларидан эса отрядимдагиларни хушнуд этгали саксон эскудо беришларини ўтиниб сўрардим. Сўнгра ҳаммаларингиз хотиржамгина, ҳеч қандай қаршиликсиз

йўлингизни давом эттираверасизлар. Мен тинч сафарингизни давом эттиришингиз учун ҳимоя қоғози ёзиб бераман, токи йўлда учраган бирор бошқа отрядим сизларга зиён-заҳмат етказмасин. Мен ҳеч қачон сарбозларни ҳам, аёлларни ҳам, болаларни ҳам асло ранжитмайман.

Иккала капитан ҳам ўз пулларини ўзларида қолдириб, кўрсатган муруввати, сахийлиги ва тантилиги учун фасоҳат билан бирлари олиб, бирлари қўйиб Рокега миннатдорчилик билдира бошладилар. Сеньора донья Гиомар де Киньонес каретадан отилиб чиқиб, улуғ Рокенинг қўл ва оёқларини ўпмоқчи бўлди-ю, лекин у бунга йўл қўймади, балки улардан оғир касби мажбур этгани туфайли озор етказгани учун афв этишларини сўради. Олий судьянинг рафиқаси хизматкорларидан бирига саксон эскудони тезда санаб беришни буюрди, капитанлар эса олтмиш эскудони ўз қўллари билан қўшқўллаб топширдилар. Зиёратчилар ҳам бисотларидаги арзимас чақаларини топширишга тайёр эдилар-у, бироқ Роке уларнинг азият чекмасликларини айтди-да, ўз одамларига қараб:

– Ҳар қайсингиз бу пуллардан икки эскудодан оласиз, қолган йигирма эскудонинг ўнини зиёратчиларга, яна ўн эскудосини манави рицарнинг яроқбардорига берурмиз, токи у ушбу можарони яхшилик билан эслаб юрсин, – деди.

Рокега довод-қалам келтиришди, у йўловчиларга ҳимоя қоғози ёзиб берди. Бандилар билан хайр-хўшлашиб, уларни озод қилди, қароқчилар атаманининг олижаноблигига, марддигига, келишган қиёфасига ва ширин муомаласига қойил қолиб, йўлга тушишди йўловчилар.

– Атаманимизга қароқчиликдан кўра роҳиблик кўпроқ ярашади, – тўнғиллади қуролбардорлардан бири ўз ошналарига қараб. – Сахийлик қилгиси келиб қолган бўлса, ўз ҳамёни ҳисобидан тангилик қилсин.

Шўрлик бу гапни анча дўриллаб айтганди. Роке эшитиб қолди. У шартта қиличини суғуриб, бу беадабнинг бошини қоқ иккига чопиб ташларкан:

– Тилини тиёлмайдиган безбетнинг жазоси шу! – деб ўшқирди. Ҳаммалари даҳшат ичра тахтадек қотиб қол-

дилар. Ҳеч ким чурқ этиб оғзини очолмайди: атаман уларни ана шундай жиловлаб олганди.

Роке чеккароққа ўтиб, Барселонадаги ошнасига мактуб ёзди. Мактубида у ҳаммининг оғзидан тушмай қолган жаҳонгашта рицарь, машҳур ламанчилик дон Кихот билан учрашганини хабар қилди. Роке яна унинг ниҳоятда аломат, шу билан бир вақтда энг мулоҳазали одам эканини ёзиб, тўрт кундан сўнг, авлиё Иоанн Креститель байрами куни, уни бошдан-оёқ қуроолланган ҳолда, Росинантга миндириб, ёнида яроқбардори Санчо Панса билан биргаликда Барселонадаги денгиз қирғоғига етказишни ваъда қилди.

Роке бу мактубни ўз қуроолбардорларидан бирига топширди, у эса қароқчилик либосини ечиб, деҳқонча кийиниб йўлга тушди ва мактубни Барселонага, таъинланган одамга етказди.

Роке бу ишларни битказгач, дон Кихотга, энди сиз менинг меҳмонимсиз деб, орқасидан юришни илтимос қилди.

Рицаримиз атаман ҳузурида уч кун меҳмон бўлди. Дон Кихот атаман ҳузурида уч юз йил яшаганида ҳам бари бир қароқчилар ҳаётидан ажабланаверган бўларди. Бир ерда уйқудан бош кўтарсалар, бошқа бир жойда нонушта қилардилар, улар дам қочиб, дам кутардилар, кимлардан қочиб, нимани кутаётганларини ўзлари ҳам билмасдилар. Муттасил айғоқчилар юбориб турилади, атрофдан бирор хабар топиб келган соқчиларнинг ахбороти тингланади, акребузларининг пилталарини пуфлаб қолишади: акребузлари жуда оз, уларнинг кўпчилиги чақмоқ тошли тўппончалар билан қуроолланган эди. Рокенинг ўзи эса тез-тез аллақайларга ғойиб бўлиб қоларди. У доимо ҳеч ким билмайдиган аллақандай сирли хилватгоҳ ва пана жойларда ўз қуроолбардорларидан яшириниб юрарди. Барселона вице-қиролининг фармойишларида Рокенинг боши эвазига катта мукофот эълон қилинганди, шунинг учун у умрбод ҳушёр бўлиши лозим эди: атаман ўлдириб қўймасинлар ёки одил судга тутиб бермасинлар деб, ўз шерикларидан кўрқарди, аслини олганда ожизлик эди бу.

Ниҳоят, ташландиқ йўллар, яширин ва гадойтопмас сўқмоқлар орқали Роке дон Кихот, Санчо ва олти нафар қуролбардори билан Барселонага яшириқча етиб олди. Улар денгиз бўйига авлиё Иоанн байрами кунини кечаси келишди. Шу ерда Роке дон Кихот ва Санчо (унга ваъда қилган ўн эскудони эндигина берди) билан қучоқлашиб хайрлашди, улар бир-бирларининг хизматларига доим тайёр эканликларини билдириб ажралишди.

Роке жўнаб кетди, дон Кихот эса Росинантдан тушмай, тонг ёришишини кута бошлади. Кун ўтмай шарқ томон ёришиб тонг отди, шу ондаёқ шаҳарда сурнай ва ногоралар, дўмбиралар янгради, мулозимлар: «Эй, четланинглари! Йўл беринглари! Йўл беринглари!» деб қичқира бошладилар. Бу орада тун чекиниб, мўъжазгина қалқондек кўёш гардиши уфқдан мўралай бошлаган эди.

Дон Кихот билан Санчо кўзи ўнгида, улар то шу кунга қадар кўрмаган денгиз намоён бўлди. Денгиз уларга жуда улкан ва бепоёндек кўринди, она юртлари Ламанчдаги Руидера кўрфазчаси бунинг олдида ҳеч гап эмасди. Соҳил яқинида галерлар саф тортиб турарди. Улардаги турли-туман белгилар ялтираб, хилма-хил байроқлари ҳилпираб денгиз сувини эркалаб елпирди; галерлардан қўкка ўрлаётган карнай, бурғи ва сурнайларнинг ёқимли ёки жангари садолари ҳавони ларзага келтирарди. Галерлар қўққисдан ҳаракатга келиб қолдилар: гўё денгиз жангини намоёйиш қилаётгандек, улар гоҳ бир-бирларига яқинлашар, гоҳ узоқлашардилар, соҳилда эса тулпор отларга минган бир талай ясениб-тусанган отлиқлар пайдо бўлиб қолишди. Галерлардаги аскарлар мушкетлардан бетиним ўқ узишар, шаҳар қалъа деворларидаги отрядлари эса уларга жавоб қайтаришарди; оғир артиллерия тўплари гумбураб ҳавони ларзага келтираркан, галерлардаги тўплар уларга жўр бўларди. Шўхчан денгиз, шодликларга тўлган шаҳар, аҳён-аҳёнда тўп тутуни билан қопланиб, яна очилиб кетаётган мусаффо осмон одамлар қалбига қувонч бахш этарди. Санчо баҳайбат денгиз кемаларининг қандай



қилиб чаққонлик билан ҳаракатланаётганига ақди етмай, оғзи очилиб анграйиб қолганди.

Шу тобда ясанган бир неча ажойиб отлиқ шовқин-сурон кўтариб, қийқиришиб, дон Кихот ҳайрат ичра анграйиб турган ерга от қўйиб келаверди. Улардан бири, Рокедан мактуб олгани, дон Кихотга таъзим қилиб:

– Хуш келибсиз шаҳримизга, эй, жаҳонгашта рицарларнинг шон-шавкати, машъали ва йўлчи юлдузи! Хуш келибсиз, эй, жасур ламанчлик дон Кихот жаноблари! – деди овозини баралла қўйиб.

Дон Кихот бунга жавобан оғиз ҳам очмади, отлиқлар ундан жавоб ҳам кутмадилар. Улар от қўйишиб, дон Кихот атрофида пойгада чопаётгандек чарх уриб айлана бошладилар.

– Кўряпсанми, Санчо, шон-шуҳратимиз Барселонагача етиб келибди. Бу одамлар бизни бир кўришдаёқ танишди, – деди дон Кихот Санчога.

Дон Кихотни қутлаган бояги отлиқ яна от йўрттириб унинг ёнига келди-да:

– Сеньор дон Кихот жаноблари, илтифот кўрсатиб ортимиздан юрсалар: бизлар муҳтарам жанобларининг содиқ қуллари ва Роке Гинартнинг қадрдон дўстлари бўламиз, – деди.

Дон Кихот бунга жавобан шундай деди:

– Башарти марди майдон Роке Гинарт қадрдон дўстингиз экан, сеньор кабальеро, сизнинг эҳтиром-илтифотингиз бу олиҳиммат одам илтифотининг тукқан қизи ёхуд эгачисидир. Қани, бошланг мени истаган томонингизга, чунки менинг эрк-ихтиёрим сизнинг қўлингизда, хизматингизни адо этишга бажонидил тайёрман.

Отлиқ дон Кихотнинг бу сўзларига янада назокатлироқ қилиб жавоб берди. Унинг ҳамроҳлари рицаримизни қуршаб, карнай ва ноғоралар садоси остида шаҳар томон йўл олдилар.

Дон Кихот билан Санчо бу мусиқа садолари остида шаҳарнинг бош кўчаларидан ўтиб борарканлар, халойиқ уларни ҳайрат ичра кузатиб қолар, дайди болалар эса ҳазил-ҳузил қилиб, қийқиришиб ортларидан югу-

ришиб борарди. Ниҳоят, улар дўстларимизни қирғоқда иззат-икром билан кутиб олган меҳмондўст кабальеронинг ҳашаматли уйига етиб келишди. Бу кабальеро жуда бадавлат ва эътиборли аслзодалардан бўлса керак; унинг исми шарифи дон Антонио Морено экан.

Дон Кихотни авраб уйига олиб келгач, дон Антонио рицарни қизиқроқ эрмак қилиш ҳақида бош қотира бошлади. Лекин у дон Кихотга бирон зиён-заҳмат етишини ёки унинг ранжиб, хафа бўлишини ҳам истамасди. У ҳазил – ҳазилнинг кети зил, бўлишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у тузукроқ ўйлаб иш юритишга аҳд қилиб, ҳозирча дон Кихотга яроғ-аслаҳаларини ечишни ва йўлдан сўнг нафасини ростлаб олишини таклиф этди. Дон Кихот янги дўстларининг маслаҳатларини бажо келтириб, бир оз дам олволгач, дон Антонио уни шаҳарнинг энг катта кўчаларидан бирига қараган айвонга бошлаб чиқди. Бутун халойиқ ва болалар рицарга худди маймунни томоша қилаётгандек тикилишарди. Байрамнинг файзига файз қўшиш учун эмас, балки дон Кихотнинг шарафига ўзларига оро бергандек ясанган отлиқлар унинг олдидан от ўйнатиб ўта бошладилар. Санчо, гўё аллақандай сеҳрли йўллар билан қайтадан герцог қасрига бориб қолгандай, завқ-шавқи тошиб кетганидан терисига сиғмасди.

Шу куни дон Антонионикидаги зиёфатга унинг бир қанча дўстлари қатнашди, ҳаммалари дон Кихотни гоятда ҳурматлаб, унга нисбатан жаҳонгашта рицардек мулозамат қилишди: дон Кихот бундан фахрланиб, мамнунликдан ўзини унутиб, кеккайиб ўтирарди. Санчо ажойиб қизиқчиликлар қилиб, фақат хизматкорларнигина эмас, балки ҳаммани ўз оғзига қаратиб олди. Улфатлар дастурхон ёнига ўтиришгач, дон Антонио Санчога қараб:

– Эшитишимча, қадрдон Санчо, сиз мазали товук гўшти билан қийма дўлмани шунчалик яхши кўрармишсизки, қорнингизни бошлаб тўйғазиб олиб, қолганини қўйнингизга урармишсиз-а? – деди.

– Йўқ, сеньор, бу ёлғон, – жавоб берди Санчо, – мен жуда покиза одамман, унчалик суқ, очофат ҳам эмас-

ман. Мана жанобим дон Кихотнинг ўзлари айтсинлар, баъзан ҳафталаб бир ҳовучгина чўққаёнғоқ билан тирикчилик қилганмиз. Гоҳо жаҳонгашта рицарь яроқбардорининг аҳволига маймунлар йиғлайди. Шунинг учун менга сигир тегса, бошвоғини ҳам олволсам, демоқчиманки, олдимга нимани қўйсалар, шуни есам, ким айбсита оларди мени. Кимки мени очофат ёки исқирт деркан, жуда янглишади, роса бошлаб сўкардим-у ҳозир ўшанақаларни, лекин бу ерда ўтирган хонимларнинг ҳурматини қиялпман-да.

– Дарҳақиқат, – деди дон Кихот. – Санчонинг дастурхон устидаги покизалиги ва ўзини тута билиши мақтовга сазовор ҳамда унинг хотирасини келгуси авлодларимизга етказиш учун бронза тахтачаларга ўйиб ёзиб, абадийлаштиришга арзийди. Тўғри, жуда очқаб қолганда бир оз баднафсроққа ўхшаб кўринади, чунки бундай пайтларда ошиқиброқ овқатланади ва икки жағи ҳам тинмай ишлайди, аммо доим покизалик, озодаликка риоя қилади, губернаторлик даврида у ҳатто узум ва анорни вилка билан тановул қилган.

– Ие! Санчо губернатор ҳам бўлганми? – хитоб қилди дон Антонио.

– Ҳа, – жавоб берди Санчо, – мен Баратария оролининг губернатори эдим. Оролда мириқиб роса ўн кун ҳукмронлик қилдим; бу ўн кун мобайнида оромимни йўқотиб, губернаторликдан нафратланишга ўргандим; у ердан қочдим, йўлда ер ости ғорига тушиб кетиб, жаҳаннамга равона бўлаёздим ва бир мўъжиза билан омон қолдим.

Дон Кихот Санчонинг губернаторлик тарихини бошдан-оёқ сўзлаб бериб, суҳбатдошларини бағоят хушнуд этди.

Ўша куни оқшомда дон Кихотга яроғ-аслаҳаларисиз, уй кийими ва сап-сарик матодан тикилган плашда шаҳарни айланиб чиқишни таклиф этишди, бу плаш шунақанги иссиқ эдики, остида ҳатто муз ҳам эриб сув бўлиб оқарди. Хизматкорларга Санчони турли йўлар билан чалғитиб туриш, ташқарига чиқариб юбормаслик

буюрилди. Дон Кихот Росинантни эмас, балки қиммат-баҳо абзаллар билан безатилган баланд бир хачирни миниб олганди. Рицарнинг елкасига плаш ташлаб, орқасига катта-катта ҳарфлар билан «Ламанчлик дон Кихот» деб ёзилган қоғозни ўзига сездирмай қадаб қўйишди. Сайр қилиб юришаркан, бу ёзув ўткинчилар эътиборини жалб этар ва улар овозларини баралла қўйиб: «Ламанчлик дон Кихот» – деб ўқишарди. Буни эшитган дон Кихот ҳам қувонар, ҳам шунча одам гўё уни яхши танийдигандек отини атаб чақираётганидан ажабланарди. Қаватида бораётган дон Антониога му-рожаат қилиб, шундай деди у:

– Буни қаранг-а, сеньор дон Антонио, жаҳонгашта рицарларга қандай шон-шуҳрат йўлдош экан. Шаҳарга қадам ранжида қилишим биланоқ бутун халойиқ, ҳатто анави гўдакларгача, гарчанд улар илгари тушларида ҳам кўрмаган бўлсалар-да, мени таниганига қаноат ҳосил қилдим!

– Бу айни ҳақ гап, сеньор дон Кихот, – жавоб берди дон Антонио, – ойна этак билан ёпиб бўлмаганидек, инсон жасорати ва шон-шавкатини бир жойда тутиб туриб бўлмайди; жанговар олишувларда эришилган қаҳрамонлик шон-шуҳрати бутун тўсиқларни емириб ташлаб, албатта, оламга таралади.

Арзимаган бир воқеанинг бу кўнгилли сайрни барбод этишига сал қолди.

Аллақандай бир кастилиялик дон Кихотнинг орқасидаги ёзувни ўқиб:

– Оббо жин ургур, ламанчлик дон Кихот-э! Шунча таёқ еб, ўлмай-нетмай, бу ёққа қандай етиб келдинг-а? Ахир, сен тентаксан-ку! Жиннилингини уйгинангда қилиб ўтирсанг-у, бир нав эди-я, лекин сен билан учрашган ва суҳбатлашганларнинг барини ақлдан оздирасан: узоққа бормай қўяқолайлик, манави сенга эргашиб юрган сеньорларнинг ўзи бунинг далили, Эй, тентак, уйингга қайт. Рўзгорингни бошқар, хотининг ва бола-чақангга бош-қош бўл, миянгни айнитиб, ақлдан адаштирадиган бу телбалигингни бас қил, – деб қолди қичқириб.

– Йўлингиздан қолманг, азизим, – деди унга дон Антонио, – сиздан биров маслаҳат сўрамаганидан кейин мошовага қатиқ бўлманг. Жаноб дон Кихотнинг ақли-ҳуши жойида, уни кузатиб бораётган бизлар ҳам тентак эмасмиз. Шон-шавкат ҳар доим қаерда бўлмасин, ҳурмат-иззатга лойиқ. Қани, жаҳаннамга равона бўлгур, бир туёфингизни шиқиллатиб қолинг-чи, бундан буён сўк ошига сурнай бўлиб юрманг!

– Турган еримда тил тортмай ўлайки, муҳтарам жаноблари ҳақ! – жавоб берди кастилиялик. – Бу паҳлавонга маслаҳат бериш ҳўкизнинг қулоғига танбур чалган билан баравар, лекин ҳарқалай, шундай донишманд одамнинг миясига аллақандай жаҳонгашта рицарлик ҳақидаги бемаъни хаёллар уя қуриб олиб, эс-ҳушидан ажралиб валдираб юрса, киши бўғилиб кетаркан. Аммо-лекин агар минг йил умр кўрганимда ҳам, бундан буён бирор кимсага маслаҳат бергудай бўлсам, муҳтарам жаноблари айтганларидек, бутун авлод-аждодим билан жаҳаннамга равона бўлай. Ўзи сўраганида ҳам асло маслаҳат берма-я!

Насиҳатгўй шундай дея нари кетди, сайр яна давом этаверди. Бора-бора уларга эргашиб бораётган болалар ва томошаталаб оломон жуда кўпайиб кетганидан дон Антонио дон Кихотга сездирмай орқасидаги қоғозни олиб қўйишга мажбур бўлди.

Тун кириб, ҳаммалари уйга қайтишди. Уйда уларни катта базм кутарди. Дон Антонионинг машҳур аслзодалар авлодидан бўлган қувноқ, гўзал ва оқила хотини, меҳмонимни зиёфат қилиб, унинг мислсиз телбаликларини кўриб, кўнгил ёзиб кетсинлар, деган мақсадда уйига бир неча дугоналарини таклиф қилган эди. Улар бу таклифни зўр қувонч билан бажонидил қабул этишди, лаззатли таомлардан сўнг, тунги соат ўнларда рақс бошланди. Хонимлар орасида қизиқ-қизиқ беозор ҳазилларни ўйлаб топишга устаси фаранг ўйноқи ва жуда шўх икки қиз ҳам бор экан. Улар дон Кихотни ҳоли-жонига қўймай ўзлари билан рақсга тушишга тортавериш ҳолдан тойдиришди, уни жис-

мангина эмас, руҳан ҳам қийнаб ташлашди. Бу қоқ суяк, новча, сап-сарик кийинган одамнинг бесўнақай ҳаракатлари ажойиб манзара касб этарди. Хонимлар мулозамат қилишар, ҳадеб кўнглини овлашга тиришиб унга кўз сузишарди, дон Кихот эса хушмуомалалик билан одоб сақлаб, улардан қутулишга уринарди. Аммо хонимларнинг хиралик қилаверганларини кўриб, рицаримиз сабри тугаб, овози боричча фиғон чекди:

– Fugite, partes adversae!\* Тинч қўйинглар мени. Бошқа хушторлар ва муҳтарам зотларни топинглар ўзларингизга. Қалбим хоқони, оламда тенги йўқ малак Дульсинея Тобосская юрагимдан ўзидан бошқа кимсанинг хаёли ўрин олишига ижозат бермайди.

Шундай деркан, у сулайиб залнинг қоқ ўртасига ўтириб қолди. Дон Антонио уни кўтариб олиб бориб ўрнига ётқизишни буюрди. Санчо ўша заҳотиёқ унинг ёнига келиб, қўллари билан хўжайинини елпиб:

– Рақсга тушиб нима қилар эдингиз, сеньор хўжайин? Наҳот ҳамма паҳлавонлар рақс тушишни билишлари, барча жаҳонгашта рицарлар рақсга уста бўлишлари керак деб ўйласангиз? Агар шундай деб ўйласангиз, сизни ишонтириб айтаманки, қаттиқ янглишасиз: оламда шунақа одамлар борки, улар чиройли рақс тушишдан кўра бирон девни ўлдиришни осонроқ деб биладилар. Агар ўзимизнинг қишлоқча ўйинимиз бўлганда-ку, сизнинг ўрнингизга боглаб ўйин тушардим-а, ўзимам ўйнаганимда лочиндек парвоз қиламан-да, аммо-лекин жанобларнинг рақсига эса тирноқча ақлим етмайди, – деди.

Санчонинг бу гапларидан меҳмонлар ҳузур қилиб кулишди. У ўз хўжайинини тўшакка ётқизиб, шунча рақс тушиб терлаб кетганидан шамоллаб қолмасин деб қўрқиб, кўрпага буркаб қўйди.

---

\*Даф бўл, иблис (лотинча).

## ЭЛЛИК БЕШИНЧИ БОБ

### **ДОН КИХОТНИНГ РИЦАРЬ ОҚ ОЙДИН БИЛАН УЧРАШУВИ ВА ШУНДАН КЕЙИН ЮЗ БЕРГАН ҲОДИСАЛАР**

Балда бўлган ҳодисадан бир неча кун ўтгач, дон Кихот тўлиқ қуроолланган ҳолда, дарё бўйига сайрга чиқди. У либосим – жанг анжоми, жанг майдони – менинг ҳордигим, деб такрорлашни яхши кўрарди. Рицарь соҳил бўйлаб беғубор денгиз ҳавосидан ҳузур қилиб бораркан, тўсатдан ўзи сингари бошдан-оёқ қуроолланган рицарнинг от қўйиб келаётганини кўрди. Унинг қалқонида ой тасвири бор эди. Рицарь гап эшитиладиган масофага етиб келиб, дон Кихотга баланд овоз билан шундай деди:

– Эй шуҳратли, ҳеч ким томонидан номи тилларда дoston бўлмаган ламанчлик рицарь дон Кихот, шуни билиб қўйки, қаршингда рицарь Оқ Ойдин турибди. Умид қиламанки, менинг мислсиз қаҳрамонликларим ҳақидаги гапларни эшитгандирсан. Мен бу ерга сен билан жанг қилгани ҳамда менинг маъшуқам, ким бўлса ҳам, сенинг ҳуснда тенгсиз Дульсинея Тобосскаяндан гўзалроқ эканлигини тан олишга мажбур қилгани келдим. Агар шу ҳақиқатни тан олсанг, ўлимдан қутулиб қоласан, сени ўлдириш учун овора ҳам бўлиб юрмайман. Борди-ю, мен билан жанг қилиб енгилсанг, менинг айтганимни қиласан, яъни қуролингни ташлайсан. Янги саргузаштлар изламайсан, ўз қишлоғингга қараб кетаверасан. Қишлоқда қиличга қўл урмасдан ўз рўзғоринг, жонинг фойдаси учун бир йил осойишталикда умр ўтказасан. Борди-ю, мени енгилсанг, калламни узинг мумкин, ана унда менинг отим ҳам, совутларим ҳам, қаҳрамонлигим учун орттирган шуҳратларим ҳам сенга ўтади, шон-у шуҳратинг янада ортади. Қандай қилсанг, яхши бўлишини хўп ўйлаб ол. Мен дарҳол жавоб беришингни талаб қиламан, чунки бу ишни шу бугуноқ бир тарафли қилмоқчиман.

Дон Кихот рицарь Оқ Ойдиннинг бунчалик такаб-  
бурлигидан ҳайратга тушди. У мағрур, ўзига ишонган  
қолда жавоб берди:

– Эй қаҳрамонлиги менга ҳанузгача маълум бўлмаган  
рицарь Оқ Ойдин, онт ичиб айтаманки, сиз ҳеч қачон  
олинасаб Дульсинеяни кўрмагансиз, зотан, мен амин-  
манки, агар уни кўрганингизда, мени жангга чақириш-  
дан эҳтиёт бўлар эдингиз, унга бир қиё боқиш биланоқ  
оламда Дульсинеядан гўзалроқ малак йўқлигига ишон-  
ган бўлардингиз. Шунинг учун сизни ёлғонлаяпти деб  
айта олмайман, фақат хато қиляпсиз дейман, холос.  
Жангга чақиришингизни, барча шартларингизни қа-  
бул қиламан, фақат биттасига қўшилмайман: сизнинг  
шон-шуҳратингиз керак эмас менга, ўзимники ҳам  
етиб ортади. Хуллас, ишни пайсалга солмайлик. Мана  
бу майдондан истаган ерни танлаб олинг, ҳақиқат ким  
томонда эканлигини худо ўзи кўрсатади.

Бу орада шу ердан ўтиб кетаётган бир неча кабаль-  
еро рицарь Оқ Ойдинни диққат билан кузатиб, дон  
Кихотга катта хавф таҳдид қилаётганини фаҳмлаш-  
ди-да, дарҳол бу ҳақда дон Антониога хабар беришди.

Дон Антонио соҳил томон шошилди ва яккама-якка  
жанг бўладиган ерга дон Кихот жангга шайланиб, Ро-  
синантнинг бошини бураётган бир пайтда етиб келди.  
Ҳар иккала рицарнинг бир-бирига ташланишга тайёр  
турганини кўриб, дон Антонио орага тушди ва бундай  
хавфли жангни бошлашга нима сабаб бўлганини сўради.  
Рицарь Оқ Ойдин ўрталарида кимнинг гўзаллиги ҳақида  
баҳс кетганлигини, дон Кихотнинг нималар деганини,  
яккама-якка жанг шартларини қисқача айтиб берди.

– Сеньор кабальеролар, – деди дон Антонио, – агар  
ўртадаги баҳсни бошқача йўл билан ҳал қилолмасан-  
гиз, агар сиз ҳам дон Кихот, сиз ҳам рицарь Оқ Ойдин,  
гапингиздан қайтмайдиган бўлсангиз, худо ёр бўлсин,  
жангни бошланглар.

Ана шундан кейин рицаримиз ўз тақдирини худо ва  
маъшуқаси Дульсинея ихтиёрига топшириб (у жангга  
кириш олдидан доим шундай қиларди), отини чопти-



риб келиш учун сал орқароққа кетди, унинг рақиб и ҳам шундай қилди; ҳар иккови ҳеч қандай карнай ва бурғи овозини кутмай бараварига отларига қамчи бо- сишди. Бироқ номаълум кишининг оти Росинантдан илдамроқ экан, рицарь Оқ Ойдин найзани ишга солмай (у, эҳтимол, найзани жўрттага баландга кўтаргандир), дон Кихотга шундай қаттиқ ҳамла қилдики, кўз юмиб очгунча Росинантни уриб йиқитди, рицаримиз эса оти билан ерга ағанаб тушди.

Рицарь Оқ Ойдин дарҳол отдан сакраб тушди, дон Кихотнинг олдига чопиб келиб, найзасини унинг сипа- рига қадади ва хитоб қилди:

– Сиз енгилдингиз, рицарь, агар яккама-якка жан- гимиз шартини бажаришга кўнмасангиз шу заҳотиёқ ўласиз.

Йиқилишдан аъзойи бадани эзилган ва боши гувул- лаб кетган дон Кихот сипарини ҳам кўтармай, қабрдан чиқаётгандай ожиз, бўғиқ овоз билан жавоб қилди:

– Дульсинея Тобосская оламдаги энг гўзал аёл, мен эса жаҳондаги энг бахтсиз рицарман, маъшуқамни ҳимоя қилишга ожиз бўлсам-да, ҳақиқатдан ҳеч қачон воз кечолмайман. Ҳой рицарь, номусимдан маҳрум қилдингми, бас, суқ найзангни, ол жонимни.

– Бун и ҳеч қачон қилмайман, – эътироз билдирди рицарь Оқ Ойдин. – Майли, Дульсинея Тобосскаянинг шуҳратига шуҳрат қўшилсин. Менинг талаб қиладиган нарсам битта: яккама-якка жанг олдидан шартлашгани- мизга кўра улуғ дон Кихот бир йилга ўз қишлоғига кетсин.

Бу гапларни дон Антонио, кабальеролар, ўша ер- дагиларнинг ҳаммаси эшитди; агар Дульсинеянинг шуҳратига доғ туширмайдиган бўлса, унинг ҳамма талабларини ҳалол ва виждонли рицарларга хос тарзда бажаришга рози эканлиги ҳақидаги дон Кихотнинг жавобини ҳам ҳамма эшитди. Ана шундай ваъдани ол- ган рицарь Оқ Ойдин отини буриб дон Антониога, ўша ердаги кабальероларга одоб билан таъзим қилди-да, шаҳар томонга отини йўрттириб кетди.

Шу пайт жанг майдонига ҳарсиллаганича Санчо чошиб келди; у бўлиб ўтган яккама-якка жанг пайтида йўқ эди. Бу ерда Санчо иккита кабальеро ёрдамида дон Кихотни ердан кўтариб олди ва ўликникидай кўкариб кетган юзини очди. Росинант шундай лат еган эдики, ўрнидан силжишга ҳам мадори етмасди. Санчо шу қадар ҳаяжонга тушган эдики, нима қилишини, нима дейишини ҳам билмасди; унга бу ишлар тушда бўлаётгандай, бунга сеҳргарлик аралашгандай бўлиб туюлди. Унинг хўжайини енгилди, бир йилга қадар қўлига қурол олмасликка ваъда берди. У улуғ жасоратлар шухрати сўнаётганини, амалдор бўлиш, бойлик орттириш умиди ва орзуси тутун сингари тарқалиб кетаётганини кўрди.

Дон Антонио замбил келтиришга, жабрланган рицарни унга солишга ва уйига элтиб ташлашга буйруқ берди. Дон Антонионинг ўзи эса меҳмонидан шафқатсиз ўч олган рицарь Оқ Ойдиннинг кимлигини билишга қизиқиб, голибнинг орқасидан от чоптириб кетди. У рицарни меҳмонхона олдида отдан тушаётган пайтда қувиб етди. Номаълум кишининг кимлигини билиш иштиёқида унинг орқасидан меҳмонхонага кирди. Хизматкор рицарга пешвоз чиқиб кутиб олди ва уни пастки қаватнинг залига олиб кирди, дон Антонио уларнинг орқасидан изма-из кирди. Номаълум кабальеро ўзининг орқасидан қолмаётганини кўрган рицарь Оқ Ойдин шундай деди:

– Сеньор, назаримда, менинг кимлигимни билмоқчисиз, кимлигимни яширишга ҳожат ҳам йўқ, хизматкор мендан совутларни ечиб олгунча ҳамма нарсани бажонидил айтиб бераман. Мен бакалавр Самсон Карраско бўламан, ламанчлик дон Кихот яшайдиган қишлоқданман, уни таниганларнинг ҳаммаси дон Кихотнинг тентаклиги, ақлсизлигидан чуқур қайғуга тушган, ҳаммадан ҳам мен кўпроқ азобланаман. Уни тентаклик касалидан халос қилишнинг бирдан-бир йўли қишлоқда тинч, осойишта ҳаёт кечириш эканлигини яхши билганим туфайли идальгони уйда ўтиришга мажбур қилиш учун айёрлик йўлига ўтдим. Бундан

уч ой илгари дон Кихот билан учрашдим. Ўрмонлар рицари сифатида уни яккама-якка жангга чақирдим, голиб нима деса, енгилган киши шунга кўниши керак эди. Олдиндан ўзимни голиб деб ҳисоблаб, ундан уйга қайтиш, ҳеч қаёққа чиқмаслик ҳақида ваъда олишга уриндим, шундай қилганда унинг тентаклик касали даволанар деган умидда эдим. Лекин тақдир бошқача иш қилди: уни енга олмадим, у мени енгди, отдан улоқтириб ташлади, менинг ниятим мағлубият билан тугади. Дон Кихот тантана билан йўлида давом этди, мен эса енгилгач, шарманда бўлган, йиқилишдан роса дабдалам чиққан ҳолда уйга қайтиб келдим. Лекин у билан яна яккама-якка жангга куч синашиш, уни топиш ҳамда енгилш иштиёқи ҳеч сўнмади. Қишлоғимизга, Санчо Пансанинг хотини олдига герцог маҳрами хат, совға-салом билан келди, у дон Кихот билан унинг яроқбардори герцог қалъасида эканлигини батафсил ҳикоя қилиб берди, мен ўша ёққа ошиқдим, рицарнинг Барселонадаги мусобақага жўнаганини билдим, унинг орқасидан йўлга тушдим, ниҳоят сиз гувоҳ бўлган жанг юз берди. Дон Кихотнинг рицарлик қонун-қоидаларига қаттиқ амал қилишига таяниб туриб, у ўз ваъдасини бузмайди, деб ўйлайман. Бўлган гап шу, айтганларимга бошқа қўшимча қилолмайман. Лекин битта илтимос: кимлигимни дон Кихотга билдирманг, токи ақлдан озган у бечорага бир оз ақл кирсин, рицарлик алаҳсирашларидан озгина бўлса ҳам қутулсин.

– Эҳ, сенъор, – деди дон Антонио, – рицаримизга ақл киритишга уриниб, бутун оламни унга эрмак бўлган бир тентакдан жудо қилиб, орттирган гуноҳингизни худонинг ўзи кечирсин. Наҳотки, дон Кихотнинг тентаклиги бахш этадиган ҳузур-ҳаловат у тузалгач, келтирадиган нафдан ортиқроқ. эканини тушунмасангиз? Бироқ тентакликка бунчалик берилиб кетган одамга ақл киргизишга ҳеч қандай куч таъсир этолмаслигига имоним комил, инсонийлик олдида гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрқаман, лекин дон Кихотга ақл киришини истамайман, зероки, унга ақл

кирса, фақат унинг энтак-тентак қилиқларидангина эмас, балки энг бадқовоқ одамни ҳам кулдириб юбора оладиган Санчо Пансанинг ҳазил-мутойибаларидан ҳам маҳрум бўламиз. Бироқ хотиржам бўлинг, мен индамайман, дон Кихотга ҳам ҳеч нарса демайман, чунки сизнинг хатти-ҳаракатингиз ҳеч қандай натижа бермаслигини ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

Бакалавр бошқача фикрда эканлигини, ишнинг яхши натижа билан тугашига умиди катта эканлигини айтди. Кейин у дон Антонио билан хайрлашди, совутларини эшакка юклашга амр қилди, дон Кихот билан жанг қилганда минган отига миниб уйига жўнади. Йўлда бу ҳаққоний қиссада баён этиш учун эътиборга сазовор бирорта ҳам ҳодиса юз бермади.

Дон Кихот олти кунгача кўрпада ғамгин, эзилган, қовоғи солинган, кайфияти бузилган ҳолда ўзининг енгилишини қайта-қайта хотирлаб ётди. Санчо уни юпатган бўлиб шундай деди:

– Хўжайин, бошингизни кўтариб, хурсанд бўлиб ўтиришга интилинг. Ерга йиқилиб қовурғаларингиз синмаганига худога шукур қилинг, топмоқнинг йўқотмоғи ҳам бўлади... Канорада ҳамма вақт лаҳм гўшт бўлавермайди, деган гапларни эсланг. Табибга кўрсатиб ўтирманг (чунки касалингиз бунга муҳтож эмас), номаълум юрт ва шаҳарларга саргузашт ахтариб боришдан воз кечиб, уйга қайтайлик. Бу ерда, муҳтарам жаноблари таъзирингизни едингиз, албатта. Аммо оқилона фикр юритганда, мен бу ишда ҳаммадан кўра кўпроқ нарса йўқотдим. Ахир, губернатор бўлиб ҳамда оролни бошқариб кўриб, унга бўлган ҳавасим йўқолган бўлса-да, граф бўлиш умидидан воз кечганимча йўқ ҳали. Лекин, ҳайҳот, бу ҳеч қачон бўлмайди, чунки сиз муҳтарам жаноблари рицарликни ташлаганингиздан кейин қирол ҳам бўлолмайсиз. Эндиликда барча орзумидларим тутундай тарқалиб кетаркан-да.

– Жим, Санчо, менинг қамалиб ўтиришим фақат бир йилгагина чўзилишини биласан-ку. Шундан кейин

ўзимнинг олижаноб касбимга қайтаман, ана ўшанда қироликни эгаллайман, сенга графликни бераман.

– Илоҳо, айтганингиз келсин, – деди Санчо. – Чиндан ҳам тўғри, бу машмашаларга эътибор бермаса ҳам бўлади. Гоҳ пирдан, гоҳ муриддан, бугун сизни енгисади, эртасига сиз енгасиз, бунинг учун умидсизликка тушмаслик, келгуси жасоратларга куч сақлаш зарур.

Санчо хўжайинини ана шундай юпатиб ўтирди.

Рицаримиз яккама-якка жангда орттирган жароҳатларидан халос бўлиб, аста-секин тузала бошлади. Кунлар кетидан кунлар ўтди, унинг ҳамон от минишга дармони етмасди. Кунлар унинг назарида жуда секин, зерикарли, ғамгин ўтаётгандай эди, чунки биринчи мағлубиятдан кейин одамларга кўринишдан уялар, доимо хона ичида қовоғини солиб ўтирарди. Ниҳоят, у дармонга кирди, уйига қайтиш учун сафарга ярайдиган бўлиб қолди. Рицаримиз дон Антониога миннатдорчилик билдириб, Барселонани тарк этишга шошилди. Дон Кихот қурол-аслаҳасиз, йўл кийимида жўнади, совутлари эшакка юкланди, бечора Санчо эса пиёда кетишга мажбур бўлди.

### ЭЛИК ОЛТИНЧИ БОБ

## **ДОН КИХОТ БИЛАН САНЧО ПАНСАНИНГ ЎЗ ҚИШЛОҚЛАРИГА ҚАЙТАЁТГАНДА ЙЎЛДА ЮЗ БЕРГАН ҲОДИСАЛАР**

Дон Кихот Барселонани тарк этаётиб ўзини отдан улоқтиришган жойни кўриб қўйиш учун орқасига ўғирилди ва хитоб қилди:

– Менинг Троям<sup>94</sup> шу ерда бўлган эди. Қўрқоқлик эмас, балки ёвуз тақдир илгари эга бўлганим шуҳратдан маҳрум қилди. Шу ерда Фортуна – омадим ўзининг ҳамма беқарорлигини кўрсатди менга, шу ерда шуҳратим чироғи сўнди, хуллас, шу ерда ҳеч қачон қайта порламаслик учун юдузим ҳам сўнди.

Бу гапларни эшитган Санчо шундай деди:

– Сеньор, мард киши бахтиёрликдан қанчалик хушнуд бўлса, кулфатларга ҳам шунчалик сабр-қаноат билан бардош бериши лозим. Буни ўз тажрибамга қараб айтяпман: губернаторлигимда ўзимни хушчақчақ ҳис этган бўлсам, эндиликда пиёда яроқбардор бўлиб қолганимда ҳам унчалик ғам чекмаяпман. Эшитишимча, Фортуна исми аёл мулоҳазасиз, ақли бир жойда эмас, бунинг устига кўзи кўр бир нарса, нима қилаётганини ўзи кўрмайди, кимни пастлатиб, кимнинг мартабасини улуғ қилаётганини ҳам билмайди.

– Санчо, сен улуғ файласуфсан, – деди дон Кихот, – жуда оқилона фикр юритасан. Бундай фикр юритишни қаердан ўрганганингни билмайман. Лекин оламнинг ишлари Фортуна, яъни кўр-кўрона, тасодифий омадгагина боғлиқ эмас, балки яхшилик ҳам, фалокат ҳам фалакнинг иродаси билан бўлади. Ҳар ким ўз бахтини ўзи яратади, деб бежиз айтилмаган. Мен ҳам ўз бахтимнинг яратгучиси эдим, бироқ зарур даражада мулоҳазалилик кўрсата олмадим, ўзимга ҳаддан ташқари ишонишим кулфатга дучор қилди мени. Қирчанғи Росинантим рицарь Оқ Ойдиннинг бақувват отига бас келолмаслигини тушунишим лозим эди. Бироқ мен таваккал қилиб жанг бошладим, албатта, қўлимдан келганча ҳаракат қилдим-у, бари бир эгардан думалаб тушдим, гарчи ўз номусимдан айрилсам-да, берган ваъдамга нисбатан садоқатни ҳеч қачон йўқотмадим, йўқотмайман ҳам. Мен ботир, жасур жаҳонгашта рицарь эканлигимда забардаст қўлим, кўрсатган жасоратларим қилган ишларим қандайлигини рўй-рост кўрсатиб турарди, эндиликда оддий идальго бўлиб қолганимда эса, берган ваъдам қанақалигини, сўзнинг устидан чиқиш нималигини кўрсатиб қўяман. Хуллас, тезроқ юр Санчо. Уйга шошилалик!

– Сеньор, – деди Санчо, – пиёда юрганда унча шошилиб бўлмайди. Келинг, рицарликни улоқтириб, совутларни эса бирорта дарахтга илиб кетайлик. Оёғимни ердан узиб эшагимнинг белига эсон-омон миниб олсам, сиз буюрган ҳамда хоҳлагандай тез йўл босиб кетамиз,

лекин пиёда бўлсам-у, сизга етиб юришимни истасангиз, бу – мендан иложи йўқ нарсани талаб қилиш демакдир.

– Гапинг тўғри, Санчо, – деди дон Кихот, – совут-у қалқонларимни ўлжа сифатида дарахтга осиб, Роланднинг совутлари остига ёзилганидай дарахт пўстлоғига мана бундай деб ёзиб қўяман:

*...Роланд каби ботир, қаҳрамон,  
Бу совутни кияр бегумон.*

– Олтиндан ҳам қимматли сўзлар, – деди Санчо. – Агар Росинант саёҳатимиз учун зарур бўлмаганида, уни ҳам совутлар билан бирга осиб қўйишни таклиф қилардим.

– Йўқ мен ундан ҳам, совутларимдан ҳам воз кечмоқчи эмасман! – деб хитоб қилди дон Кихот. – Ҳеч ким сидқидилдан қилинган хизмат учун мени ёмон ҳақ тўлайди деб ўйламасин.

– Ҳақ гапни айтдингиз, муҳтарам жаноблари, – деди Санчо. – Донолар эшакнинг айби учун эгарни жазоламайдилар деганлар, юз берган мусибатлар учун фақат ўзингизни айбланг, жазоланг, ўз ғазабингизни пачағи чиққан, қонга бўялган совутларга ҳам, бечора нимжон Росинантга ҳам, тез юришга ҳоли етмайдиган иккала оёғимга ҳам сочманг.

Ана шундай гап-сўз, суҳбатлар билан бутун кун, сўнгра яна тўрт кун ўтди. Бешинчи куни қандайдир бир қишлоқдан ўтишаётиб, қўноқхона эшиги олдида каттагина оломон тўпланиб турганини кўришди. Дон Кихот уларга яқинлашганда, қандайдир бир деҳқон баланд овоз билан деди:

– Ҳозиргина етиб келган манави сеньорлар бу ердигилардан ҳеч кимни билишмайди, шу сабабли баҳсимизни ҳал қилиб беришсин.

– Бажонидил, – деди дон Кихот, – адолатли ҳукм чиқаришга уриниб кўраман.

– Гап бундай, муҳтарам сеньорлар, – деди деҳқон. – Қишлоғимиздаги семиз бир одам ориқ қўшнисини мусобақага чақирди. Биринчисининг оғирлиги ўн бир

арроб, иккинчисиники беш арроб, холос. Шартга кўра икковлари ҳам елкаларида бир хил вазндаги юк билан роппа-роса юз қадамга чопишлари лозим. Лекин мусобақа олдидан семиз ўз рақибидан олти арроб темир орқалаб олишини талаб қилди, чунки ўзи юк кўтармаса ҳам бўлаверармиш, қорнининг оғирлиги ҳам етармиш.

– Бу бўлмағур гап, – деб гапга аралашди Санчо, дон Кихот бир нима демай туриб. – Шубҳаларингизни ҳал қилиб, ҳукм чиқариш учун менга – собиқ судья ва губернаторга рухсат бергайсизлар.

– Кези келганда гапириб қол, дўстим Санчо, – деди дон Кихот. – Ҳозир мендан ҳеч қандай гап чиқмайди, калламда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб ётибди.

Рухсат олган Санчо атрофини ўраб, оғизларини очиб турган деҳқонларга мурожаат қилди.

– Оғайнилар! Семиз талаб қилган нарсада маъно ҳам, адолат ҳам йўқ. Қурол танлаш жангга чақирилган одам ихтиёрида бўлади: демак, жангга чақирувчи ҳеч қандай шарт қўймаслиги лозим. Шу сабабли мен чиқарадиган ҳукм шундай: ориқни мусобақага чақирган семиз ўзини тозаласин, қиртишлайдим, текислайдим, ортиқча жойини кесиб ташлайдим, хуллас, нима қилса ҳамки ортиқча олти арроб гўштини камайтирсин. Ана ўшанда у ўз рақиб сингари беш арроб вазнли бўлади, улар шунда бир хил шароитда югуришлари мумкин.

– Жин урсин! – деди бир деҳқон Санчонинг ҳукмини эшитиб. – Бу сеньор авлиёга ўхшаб фикр юритаркан, ишни каноник сингари ҳал қиларкан! Лекин семиз этини олти арроб у ёқда турсин, ҳатто бир унция камайтиришни ҳам хоҳламас.

– Бўлмаса югуришни мутлақо хаёлларига келтирмай қўя қолганлари маъқул, – деди бошқа бир деҳқон, – ориқ юк остида эзилишни, семиз қиймаланмасликни хоҳламаса, гаровнинг ярми пулини винохўрликка сарфлайлик, майхонага бориб, манави сеньорларни ҳам таклиф қилайлик, вассалом.

– Раҳмат сизга, сеньорлар, – деди дон Кихот, – лекин мен бу ерда бирор дақиқа ҳам тўхтолмайман, аянчли



вазият ҳамда қайғули фикрлар мени одобсизлик қилишга, йўлга шошилишга мажбур қилмоқда.

Шундай деди-ю, Росинантнинг биқинига ниқтаб жўнаб қолди. Деҳқонлар оғизларини очганларича унинг орқасидан қараб қолишди. Улар дон Кихотнинг ташқи қиёфасидаги ажиблик ва Санчонинг донолигидан ба-раварига ҳайрон қолишган эди.

Ўша кечани хўжайин билан хизматкор очиқ ҳавода ўтказишди.

Саҳар пайти яна йўлда давом этишди. Уларнинг йўли дарахтлар соясида осойишта шилдираб оқаётган анҳори бор водий орқали ўтди. Дон Кихот тўхтаб, ўйга толганча, қишлоқ табиатининг ғаройиб манзарасига суқланиб боқди. Сўнгра хитоб қилди:

– Менга қара, Санчо. Миямга ажойиб фикр келди. Синов даврида ювош чўпонлар бўлиб, бу ерда қадимий Аркадиянинг удумларини тиклаймиз. Мен бир қанча қўй, чўпонлик ҳаётига зарур бўладиган нарсаларни сотиб оламан, ўзимни чўпон Кихотис дейман, сен чўпон Пансино бўласан: биз ашулалар айтиб, маъшуқаларимиз дардида оҳ-воҳ чекиб тоғ, ўрмон, ўтлоқларни кезиб юрамиз. Чанқоғимизни биллур булоқлар, зилол сувли ариқлар, катта дарёлар сувидан ичиб қондирамиз. Эманлар бизга ширин-шакар меваларини ҳадя қилади, мажнунтолар бошимизга соя ташлайди, гуллар хушбўй ҳид беради, юлдузлар билан ой чарақлаб тун қалбини ёриб, йўлимизни ёритади, қўшиқлар ором бағишлаб, кўз ёшлар бизни юпатади.

– Жин урсин! – деб қичқирди Санчо. – Бунақа ҳаёт менинг дидимдаги ҳаёт. Мен аминманки, агар бакалавр Карраско ёки сартарош Николас янги ниятимиздан хабардор бўлиб қолишса, дарҳол ҳузуримизга келишиб, улар ҳам чўпон бўлиб олишади. Руҳонийимиз ҳам, худо кўрсатмасин, бизнинг улфатимизга бажонидил қўшилади, ахир у ҳам жуда хушчақчақ одам, ҳузур қилишни яхши кўради.

– Гапинг тўғри, Санчо, – деди дон Кихот, – агар бакалавр Самсон Карраско чўпонлик унвонини оладиган

бўлса, мен ишонаманки, у номини Самсонино ёки Карраскон, сартарош Николас эса чўпон Николосо қилиб олади; руҳонийга ҳам бирорта ўзига ярашадиган, масалан, Куриамбро деган номни берамиз. Биз яхши кўриб қолган чўпон маъшуқаларига ном топиш дарахтдан нок узишдай осон гап. Бунинг устига маъшуқамнинг номи чўпонникига ҳам, маликаникига ҳам тўғри келадигани, яхшироқ ном излаб бош қотириб ўтирмайман. Санчо, ўзингни чўпон маъшуқанг учун истаган номни қўйишинг мумкин.

– Мен уни Тересона\* деб айтаман, – деди Санчо, – бу семизлигига ҳам мос тушади. Менимча, руҳоний чўпон маъшуқа орттирмагани маъқул, нега деганда, бу унга муносиб эмас. Бакалаврга келсак, кўнглига келганича иш тутаверсин.

– Эҳ, Санчо, – хитоб қилди дон Кихот, – сен билан қўйилмақом ҳаёт кечирамиз! Қанчадан-қанча сурнайлар, қўшналар, чилдирма, шиқилдоқ, бошқа асбобларнинг навосидан ҳузур қиламиз! Лекин мусиқадан ташқари, бўш вақтларимизни шеърхонлик билан ҳам ўтказамиз. Ўзинга маълум, қўлимдан шеър ёзиш ҳам келади, бакалавр Карраско эса ҳақиқий шоир. Руҳоний тўғрисида бир нарса деёлмайман, лекин гаров бойлашиб айтаманки, унда ҳам шеърхонликка майл кучли. Дўстимиз Николаснинг ҳам бу соҳада кўп нарсани англашига шубҳа қилмайман. Сартарошларнинг ҳаммаси ҳам гитара чалиб, ашула айтишга моҳир бўлади. Мен ҳижрон алампидан йиғлайман, сен содиқлигингни, чўпон Карраскон маъшуқасининг бепарволигини куйлайсизлар. Руҳоний Куриамбро ўзига хос мавзунини топиб олади. Хуллас, ҳамма нарса орзу қилгандан ҳам зиёда бўлади.

Бунга Санчо қуйидагича жавоб қилди:

– Сенъор, мен шу бахтли кунларга етишга олмасам керак деб қўрқаман, чунки мен толеи юришмаган бир одамман. Шундай бўла қолса, қандай яхши яшар эдик-а! Эҳ, чўпон бўлсам, қанчадан-қанча ёғоч қошиқларни ясаб ташлардим! Бизда қанчадан-қанча чўпонлик асбоб-ан-

\* Тересона (Teresona) – Тереса исмининг бўрттириб айтилгани.

жомлари бўларди-я! Ўшанда ўзимни ақлли бўлмаса ҳам, эпчил бир одам сифатида машҳур қилардим. Қизим Санчика яйловга тушлик овқатлар олиб келарди.

Дон Кихот билан Санчо Панса чўпонлик ҳаёти ҳақидаги орзу ва суҳбатларга берилиб кетиб, қоронғи тушгунча йўл юришди. Кечки овқатдан сўнг дарахт тагига ётишди. Санчо соғломлиги, ҳеч қандай ғам-ташвиши йўқлиги туфайли одатдагидек, дарҳол қаттиқ уйқуга кетди. Лекин дон Кихот ҳеч ухлолмади. Изтиробли фикрлар унга тинчлик бермасди. Ниҳоят, унинг сабри чидамай, Санчони уйғотди.

– Санчо, – деди у, – сенинг беғамлигинга ҳайронман. Сен ё мрамрдан, ё қаттиқ бронзадан ясалганга ўхшайсан. Мен уйғоқман, сен бўлса бемалол ухлаяпсан; мен йиғлаяпман; сен бўлсанг ашуалар айтяпсан, мен рўза тутиб ўзимни қийнаяпман, сен тўйиб овқат еганингдан пишиллаяпсан. Яхши хизматкор ҳеч бўлмаса одоб юзасидан хўжайинининг ғамига шерик бўлиши лозим. Манави сокин тунга, танҳоликка қара, тун билан танҳолик бизни бедорлик қилишга даъват этаётир. Тур, нарироққа бориб, Дульсинеяни озод қилиш учун ейдиган калтагинг ҳисобидан ўзингга мардларча уч ёки тўрт юз марта қамчи ур. Сендан ўтинаман, ялинаман, зероки, ўтган сафаргидек зўравонликка орқа қилиб, қўлингнинг зарбидан татиб қолмай тагин. Ўзингни савалаганингдан кейин туннинг қолган қисмини ашула айтиш билан ўтказамиз; мен маъшуқам ҳажри ҳақида, сен ўз содиқлигинг ҳақида куйлаймиз; шу билан қишлоқда ўтказадиган чўпонлик ҳаётининг бошланишига пойдевор қўямиз.

– Сеньор, – деди Санчо, – мен уйқумни бузиб, ўрнимдан туриб, ўзимни савалаб азоблайдиган роҳиб эмасман, менимча, савалашдан кейин дарҳол қўшиққа ўтиш бундан ҳам қийинроқ бўлса керак. Уйқумга халақит берманг, муҳтарам жаноблари, иннайкейин савалаш ҳақидаги бемаъни гаплар билан хархаша қилаверманг. Бўлмаса танам у ёқда турсин, кийимимдаги бирорга тукка ҳам қўл теккизмасликка қасам ичиб қўяман.

– Ҳой, тошюрак одам! Ҳой, шафқатсиз яроқбардор! Берган тузимга, кўрсатган меҳр-оқибатимга ташаккуринг шуми? Мен туфайли губернатор бўлдинг, мен туфайли графлик ёки бирор бошқа улўф мартабага кўтарилиш умидида юрибсан.

– Мен фақат бир нарсани биламан, сеньор, – деди Санчо, – ухлаётганимда қўрқинчни ҳам, меҳнатни ҳам, роҳатни ҳам билмайман, кишилар фикрини ёпувчи парда, очликни қувувчи овқат, чанқоқни босувчи сув, совуқда иситувчи олов, иссиқни бир меъёрга солиб турувчи совуқ бўлган, хуллас, ҳаммани – чўпон билан қиролни, тентак билан донони тенг қилиб қўядиган уйқуни яратганга минг раҳмат. Лекин қаттиқ уйқунинг бир томони ёмон: айтишларича, уйқу – ўлим, уйқуга кетган билан ўликнинг ўртасида унча фарқ йўқ.

– Санчо, илгари ҳеч бунчалик чиройли гапирмаган эдинг, – деди дон Кихот. – Бу сен ҳадеб такрорлашни яхши кўрадиган туғишганинг билан эмас, туришганинг билан бўл, деган мақолни тасдиқлайди.

– Э-ҳа, сеньорим! – хитоб қилди Санчо. – Эндиликда мақолларни шодага териб ташлаётганим йўқ, балки муҳтарам жаноблари мендан кўра кўпроқ мақолларни тизиб ташлаяптилар. Тўғри, фарқи шундаки, сизнинг оғзингиздан чиққан мақоллар ўринли, мен айтганда эса, томдан тараша тушгандай бўлса-да, ҳар ҳолда, бари бир мақол.

Шу пайт улар водий томондан қандайдир бўғиқ, машғум овоз келаётганини эшитишди. Дон Кихот ўрнидан ирғиб туриб, қиличига қўл чўзди, Санчо эса эшакнинг тагига кириб, совут ва эгар-жабдуқларни тўплаб орқасига яширинди, хўжайини қанчалик ҳаяжонланган бўлса, яроқбардор ҳам шунчалик қўрқиб кетган эди. Шовқин туновчиларга яқинлашиб, тобора авжига минарди. Гап шундаки, бир неча киши шу кеча олти юздан ортиқ чўчқани ярмаркага ҳайдаб борарди; бу жониворлар шу қадар шовқин кўтаришдики, шовқиннинг қаёқдан келаётганлигини билмаган дон Кихот билан Санчонинг қу-

лоқлари қоматга келди. Хур-хурлаб келаётган улкан пода ҳеч қандай юз-хотир қилмай дўстларимиз устига ёпирилишди, дон Кихотни от-поти билан ағдариб юборишди. Санчони, эшакни, рицарнинг совут-қалқонлари-ю эгар-жабдуқни топташди. Ўрнидан аранг туриб олган, ғазабланган Санчо хўжайинидан қиличини бериб туришини илтимос қилди; у ярим дюжина сеньор чўчқани қилич суқиб ўлдирмоқчи бўлди, чунки у ўз оромини бузган беҳаёларнинг махлуқлар эканлигини билиб қолганди.

– Уларга тегма, дўстим. Уларда айб йўқ. Бу гуноҳларим эвазига юборилган шармандалик. Фалакнинг адолатли жазоси бу; енгилган жаҳонгашта рицарларга энг жирканч нарсалар ҳам ташланаверади; чиябўрилар фажийди, арилар чақади, чўчқалар топтайди.

– Жаҳонгашта рицарларнинг яроқбардорларини ҳам фалак жазоласа керак: фақат уларни пашшалар чақади, битлар этини ейди, очлик қийнайди. Бу энг катта адолатсизлик-ку. Агарда биз яроқбардорлар жаҳонгашта рицарларнинг ўғиллари ёки уларнинг яқин қариндошлари бўлганимизда, рицарлар гуноҳи учун етти пуштимизгача жазоласалар, рози эдим. Лекин Панса билан дон Кихот ўртасида қандай қардошлик бор? Хўп майли, келинг, бирор жойга чўзилиб, туннинг қолганини уйқуда ўтказайлик. Худо хоҳласа, эрталаб ишларимиз юришиб кетади.

– Ухлайвер, Санчо, – деди дон Кихот, – ухлайвер, сен ухлаш учун туғилгансан. Мен эса бедор, сергак юриш учун туғилганман, орзуга чўмаман, маъшуқамга бағишланган шеърларда дардимни баён этаман.

– Менимча, – деди Санчо, – шеърда ифодаланган дард-алам унча оғир бўлмаса керак. Муҳтарам жаноблари, сиз истаганингизча қўшиқ айтаверинг, мен қўлимдан келганича ухлайман.

У қоқ ердан ўзига яраша жойни ўлач олиб, қулча бўлиб ётди-да, ўша заҳоти уйқуга кетди. Чамаси Санчони бурч, кафиллик ёки бошқа ташвишлар ҳақидаги фикрлар безовта қилмаса керак. Дон Кихот эса дарахт

танасига суяниб ўтирганича шеър тўқишга тушиб кетди, ҳар бир янги сатрни яқиндагина мағлубиятга учраган ва севгилисидан жудо бўлган киши сингари хўрсиниб, кўз ёшларини тўкиб айтарди.

– Мана, тонг ҳам отди, қуёш нурларининг тиғи Санчонинг кўзига урилди, у керишиб, ялқов аъзоларини ёзди. Чўчқалар халтасини яхшигина бўшатиб кетганлигини кўриб очкўз чўчқаларни, уларни ҳайдаб келувчиларни роса сўкди. Сўнгра хўжайин билан хизматкор йўлга тушишди.

Дон Кихот хафа, ғамгин борарди. Яқинда юз берган мағлубият қалбини эзарди, айниқса, сеньора Дульсинеяни озод қилиш иши жуда секин бораётгани ҳақидаги фикр уни баттар қийнади. Ниҳоят, у яроқбардорига шундай сўзлар билан мурожаат қилди:

– Санчо, билишимча, Дульсинеяни озод қилиш учун ўз ихтиёрингча ўзингни саваламайсан. Бунга сени куч билан мажбур этишга эса ҳақим йўқ. Эҳтимол, наф деган нарса сени тегишли зарбаларга бардош беришга ундар. Мен ўз-ўзингни савалашингни тақдирлашга тайёрман. Тўғри, сеҳр-жодуни олиб ташлашни пулга сотиб олишга унчалик ишонмайман. Мен дорининг даво бўлиши учун мукофот тўсқинлик қилишини истамайман. Бироқ шундай қилсак, ҳар ҳолда ҳеч нарса йўқотмаймиз. Қани, Санчо, қанча олишингни айт-у, ҳозироқ ўз-ўзингни савалайвер. Кейин ўзингга ўзинг ҳақ тўлайсан, чунки пулларимнинг ҳаммаси ўзингда.

Бу таклифни эшитган Санчо кўзларини бақрайтириб, анграйиб қулоқ солди. Дилида ўз-ўзини виждонан савалашга аҳд қилиб, дон Кихотга шундай деди:

– Майли, сеньор, шундай бўлсин, муҳтарам жанобларининг истаklarини бажо келтириб, ўз нафим учун хизмат қиламан. Хотиним, бола-чақаларимга бўлган меҳр-муҳаббатим ўз нафим учун ҳаракат қилишга мажбур қилаётир. Айтинг-чи, муҳтарам жаноблари, ўзимни савалаётганимда ҳар бир зарба учун қанчадан тўлайсиз?

– Санчо, – деди дон Кихот, – агар бу улуғ мақсад йўлида кўрсатажак жасоратинг учун сени муносиб равишда му-

кофотлайдиган бўлсам, Венециянинг ҳамма хазиначилари ҳам етмайди. Чўнтагинда пулимдан қанча қолганини чамалаб кўр-да, ҳар бир зарбага ўзинг нарх белгилайвер.

– Жами бўлиб ўз-ўзимга уч минг уч юз мартадан ортиқроқ қамчи уришим керак, ундан бештасини уриб бўлдим. Буни ортиқчасига чиқариб юборайлик, демак, уч минг уч юз қамчи қолади. Агар ҳар бир қамчини бир куартильдодан ҳисобласак (бутун жаҳон мени кўндиришга уринса ҳам, бундан озига унамайман), бу уч минг уч юз куартильо бўлади; уч минг куартильо – бир минг беш юз ярим реал, яъни етти юз эллик реал демакдир, уч юз куартильоси эса юз эллик ярим реал, яъни етмиш реал бўлади, жами саккиз юз йигирма беш реал бўлади. Гарчи роса калтакланган бўлсам-да, ана шу пулни муҳтарам жанобларидан олиб, уйимга бой-бадавлат, хурсанд қайтаман. Бошқа илож йўқ; тоққа чиқмасанг, дўлана қайда, жондан кечмасанг жонона қайда.

– О, юмшоқ кўнгил Санчо! О, суюкли Санчо! – хитоб қилди дон Кихот. – Бундан кейин мен билан Дульси-нея иккимиз сенга умрбод ҳамд-у санолар ўқиймиз. Маъшуқам йўқолган қиёфасини топгач, биз учун роҳат-фароғатли кунлар бошланади. Санчо, ўз-ўзинг-ни савалашни қачон бошлашингни ҳал қил. Ишни тезлаштириш учун яна юз реал қўшаман.

– Қачон бошлайсан дейсизми? – деди Санчо. – Мана шу кечадан қолдирмайман. Муҳтарам жаноблари, сиз бугунги кечани очиқ ҳавода, кенг майдонда ўтказиш гамини еяверинг; мен бўлсам ўзимни ҳеч аямайман.

Дон Кихот сабрсизлик билан кутган кеча ҳам бўлди, унга қуёш ғарб томонга одатдагига қараганда жуда секин оғаётгандай бўлиб туюлди. Ниҳоят, улар йўлдан четроқдаги чиройли бутазорга боришди; у ерда Росинант ва эшакдан эгар-жабдуқларни олишди, майсага чўзилишиб, Санчодаги бор нарсаларни еб тамадди қилишди. Шундан кейин Санчо Росинант ва эшакнинг нўхталаридан пишиқ қамчи ясади, хўжайиндан йигирма қадам наридаги қора қайин тагига борди. Дон Кихот унинг дадил, чаққон ҳаракат қилаётганини кўриб шундай деди:

– Менга қара, дўстим, ўзингни жудаям дабдала қилиб ташлама, ҳар қамчи урганингда озгина тўхтаб ол, ярмига бормай нафасинг бўғилиб қолмаслиги учун шошилма. Мен тегишли миқдордаги қамчиларни еб олмасдан туриб, ўлиб қолмасанг, гўрга эди деб қўрқаман. Битта ортиқча ёки камроқ қамчи еб ютқазиб қўймаслигинг учун сенга яқинроқ жойда ҳар бир тушган қамчини тасбеҳ ўгириб, ҳисоблаб тураман. Яхши ниятингга худо ёр бўлсин.

– Тўлаб турсанг бир меъёр, қанча олсанг, қарз тайёр, – деди Санчо. – Мен ўзимни қаттиқ, лекин ўлмайдиган қилиб ураман: ахир, бошқа ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ-ку.

Сўнгра у ярим белигача яланғоч бўлиб, қамчини қўлига олди-да, ўзини савалай бошлади, дон Кихот эса тушган қамчиларни санай бошлади. Санчо ўзига олти ёки етти қамчи туширгач, ҳар қамчининг баҳоси унинг назарида арзондай туюлиб кетди. Бир дақиқа тўхтаб, ҳисобдан адашганини, ҳар қамчи учун бир қуартильодан эмас, балки ярим реалдан тўлаш лозимлигини айтди.

– Давом этавер, дўстим Санчо, тортинма, – деди дон Кихот, – сенга икки баравар ҳақ тўлайман.

– Ундай бўлса, – деди Санчо, – Худо ёр бўлсин. Ҳозир устимга ёмғирдай қамчи ёғилади.

Бироқ айёр яроқбардор ўзини саваламай, дарахтларни савалай бошлади, вақти-вақти билан оҳ-воҳ чекар, ҳар оҳ чекканида, танасидан жони чиқиб кетаётгандай бўларди. Санчо эҳтиётсизлик қилиб ўзини-ўзи ўлдириб, барча умидларни чиппакка чиқариб юборадими деб дон Кихот қаттиқ ташвиш торта бошлади. Бир оз сабр қилгач, алдамчига шундай деди:

– Дўстим, худо ҳақи, бу ишингни бас қил. Бу дори жуда шафқатсиз, оз-моз дам олишни талаб қилади. Янглишмасам, ҳозир ўзингга мингдан ортиқ қамчи урдинг, ҳозирча етарли: қўпол қилиб айтганда, бунга эшак анча чидамли, лекин уни ҳам меъёрдан ошириб саваламаслик зарур.

– Йўқ, йўқ сеньор, – жавоб берди Санчо, – менинг ҳақимда: «Пулни олди-ю, қўлини ювиб, қўлтиққа урди», деб айтишларини хоҳламайман...



Муҳтарам жаноблари, нарироқ тулинг, ўзимга яна минг қамчи уришга халақит берманг. Шундай қилиб, қаш-паш дегунча, бу ишни тугаллайман.

– Сенда шундай яхши ният бўлса, – деди дон Кихот, – Худо ўзи ёрлақасин. Ишингни давом эттиравер, мен чеккароққа чиқиб тураман.

Санчо ўз машғулотини яна астойдил бошлади, ўзини шундай қаттиқ саваладики, бир неча дарахтларнинг пўстини ҳам арчиб юборди. Ниҳоят, ён томонидаги дарахтга жон-жаҳди билан қамчи ургач, қичқириб юборди:

– Ўлдим – ажалим етди!

Санчонинг аянчали қичқирғини эшитган дон Кихот унинг ёнига чопиб келди, қўлидан қамчи вазифасини ўтаётган юганни олиб, шундай деди:

– Дўстим Санчо, менинг манфаатим учун ҳаёт гулинг сўлишига худо йўл қўймайди. Ҳаётинг хотининг, бола-чақаларинг учун зарур. Майли, Дульсинея бир оз сабр қилиб турар, мен эса бу ишнинг тезда бир ёқлик бўлишини умид қилишдан мамнунман, сен қувватга киргунча кутаман. Ҳамма иш кўнгилдагидек тамомланиши зарур.

– Модомики, муҳтарам жаноблари шуни хоҳларканлар, мен розиман, – деди Санчо, – елкамга плашингизни ташлаб қўйсангиз, мен жуда терлаб кетганман, ўзини биринчи марта савалаётган одамлардек шамоллаб қолишни истамайман.

Дон Кихот Санчонинг эгнига плашини ёпди, ўзи фақат камзулда қолди. Айёр хизматкор плашга яхшилаб ўраниб олди ва қуёш чиқиб уни уйғотмагунча ухлаб ётаверди. Йўловчиларимиз яна йўлга тушишди, қандайдир бир қишлоққа етгунча ҳеч қаерда тўхташмади. Улар бир қўноқхона олдида уловларидан тушишди: Санчо дон Кихотнинг бу қўноқхона атрофида чуқур хандақлари бор, минорали, панжарали ва кўтарма кўприкли қалъага ўхшатмаганидан ҳайрон бўлди. Рицаримиз мағлубиятга учрагандан бери барча нарса ҳақида олдингидан кўра яхшироқ, ақл билан мулоҳаза юритадиган бўлиб қолди.

Улар уйқу билан овқатга тўйишгач, дон Кихот яроқбардоридан бу кеча савалашни давом эттирасанми,

агар давом эттирадиган бўлсанг, шу том остидами ёки очик ҳаводами, деб сўради.

– Чин сўзим, – деди Санчо, – мени адо этадиган иш шундайки, уни уйдами ёки очик ҳаводами – қаерда ўтказса ҳам, бари бир: ҳарқалай буни дарахтлар тагида бажарган маъқул: чунки дарахтлар бу ишни бажаришимда менга ўртоқ ҳамда кўмакчидир.

– Жуда соз, – деди дон Кихот. – Энди сен дамингни ол, куч тўпла, кечқурун йўлга тушамиз, бирор хилватроқ жойда қолган қамчиларни ўзингга туширасан.

Санчо рози бўлди, сўнгра бу ишни темирни қизигида ур, деганларидек тезроқ бажаришни истаганини айтди, чунки сусткашликда хавф бор, худодан тила-ю, болға уришни қўйма, икки марта «кут»дан бир марта «ол» яхши, осмондаги лочиндан қўлдаги нақд чумчуқ яхши.

– Санчо, худо ҳақи, мақолбозликни бас қил! – қичқирди дон Кихот. – Мен ўргатгандек содда, аниқ, маъноли қилиб гапир, ўшанда бир бурда нонга юз марта тўйишинг мумкинлигига иқрор бўласан.

– Тўғриси, билолмай қолдим, – деди Санчо, – бу қандай кўргилик ўзи, мақолсиз бирорта ҳам гап айтолмайман, ҳар бир мақол, назаримда, ўз ўрнида айтилаётгандай. Ҳар ҳолда тузалишга ҳаракат қиламан.

Шу билан суҳбат тугади. Дон Кихот билан Санчо кеч киришини пойлаб бутун кунни қишлоқда ўтказишди. Бири кенг майдонда ўз-ўзини савалашни тугаллаш, иккинчиси ўз орзуларига етиш умидида эди. Ниҳоят, кеч кирди, улар қишлоқни тарк этишди. Улар унча катта бўлмаган ўрмонзорга етишганда тун яримлаб қолганди. Шу ерда Санчо қолган қамчиларни ўзига уриши ва Дульсинеяни сеҳргар сеҳр-жодусидан озод қилиши лозим. У бу ишни тугаллади, бироқ ўз баданини савалашдан кўра қора қайинларни кўпроқ савалади, албатта, чунки у гарчи елкасига пашша қўнса ҳам, уни қамчи билан уриб ҳайдашни истамасди. Алданган дон Кихот Санчонинг танасига тушган қамчиларнинг бирортасини ҳам хато қилмай ҳисоблади, олдинги урганларини ҳам қўшганда, жами роппа-роса уч минг уч юзтага етди. Ўзини бундай қурбон қилишни кўриш

учун қуёш ўша куни одатдагидан эртароқ чиққандай бўлди, қуёш нури таралиши биланоқ рицарь билан яроқбардор яна йўлга равона бўлишди. Ўз қишлоқларига жуда яқин қолган эди.

Дон Кихот яроқбардорининг ўз-ўзини савалашни туфайли Дульсинеяни сеҳр-жодудан озод қилганига қаттиқ ишониб, тонг ёришишини сабрсизлик билан кутди. Рицаримиз рўпарадан келаётган ҳар бир аёлга астойдил тикилиб, уларнинг ҳар бири тимсолида Дульсинеяни таниб олишга умид боғларди, чунки у Мерлиннинг ваъдасини муқаррар амалга ошади деб ҳисобларди. Ана шундай фикр ва истаклар билан ичи пишган дон Кихот Санчо билан тепаликка кўтарилди. Тепалик чўққисидан уларнинг қишлоғи кафтдагидек кўриниб турарди. Қишлоқни кўрган Санчо тиз чўкиб хитоб қилди:

– Азиз юртим, кўзингни оч, бадавлат бўлмаса-да, қамчи билан саваланиб қайтаётган ўғлинг Санчо Пансага бир назар ташла! Ана шундай ўғилларингдан бири, бошқанинг қўлида енгилган, лекин ўз-ўзини енгган, буни унинг ўз тили билан айтганда, орзу қилинган ғалабаларнинг энг юқори нуқтаси деб билган дон Кихотни ҳам қучоқ очиб кутиб ол.

– Беҳуда гапларни қўй, – деди дон Кихот, – ўзимиз орзу қилган чўпонлик ҳаётини ўтказадиган қишлоғимизга ўнг оёғинг билан қадам ташлаб кир.

Шундан кейин улар тепаликдан тушиб, ўз қишлоқлари томон йўл олишди.

### *ЭЛИК ЕТТИНЧИ БОБ*

## **ДОН КИХОТНИНГ ЎЗ ЮРТИГА ҚАЙТГАНИ, ШУНИНГДЕК, БЕТОБ БЎЛИШИ, ҚОЛДИРГАН ВАСИЯТИ ВА ВАФОТИ**

Дон Кихот қишлоққа яқинроқ жойдаги хирмон олида жанжаллашаётган иккита болани кўрди. Улардан бири шеригига:

– Перикильо, беҳуда чиранма; сен уни энди умр бўйи ҳеч қачон кўролмайсан, – деб қичқирди.

Буни эшитган дон Кихот Санчога шундай деди:

– Дўстим, кўрдингми, анави бола нима деяпти: «Сен уни энди умр бўйи ҳеч қачон кўролмайсан», деди-я.

– Хўш, нима бўпти? – сўради Санчо. – Бола бақирди-қўйди-да.

– Нима бўпти дейсан-а! – деди дон Кихот. – Бу ёмон аломат эканлигини наҳотки тушунмасанг! Ахир, бу Дульсинеяни ҳеч қачон кўролмайман деган гап-да.

Санчо нимадир деб жавоб қилмоқчи бўлиб турган бир пайтда, иккита този ит қувиб келаётган қуёнга кўзи тушди, кўрқиб кетган қуён эшакнинг оёқлари орасига яширинди.

Санчо уни қўли билан ушлаб, дон Кихотга узатди, лекин у:

– Бу ёмон аломат, қуён қочяпти, тозилар уни қувишяпти: мен Дульсинеяни ҳеч қачон кўролмайман, – деди.

– Сизга ҳайронман, муҳтарам жаноблари, – деди Санчо. – Ишни чаппасига айлантирамиз! Майли, манави қуён Дульсинея Тобосская бўлсин, уни қувиб келаётган итлар Дульсинеяни деҳқон аёл қиёфасига киритиб қўйган ёвуз сеҳргарлар бўлсин. Мен уни ушлаб қўлингизга бердим, у бағрингизда турибди. Бунинг нимаси ёмон аломат бўлсин?

Шу пайт болалар қуёни кўргани келишди. Санчо уларнинг биридан нега жанжаллашганларини сўради. «Сен уни энди умр бўйи ҳеч қачон кўролмайсан» деган бола шеригидан қора чигиртка солинган қафасни тортиб олганини, уни ҳеч қачон бермаслигини айтди. Санчо ёнидан ҳамёнини чиқариб тўрт кварто олди, уни болага бериб, ўрнига қафасни олди-да, уни дон Кихотга узатиб, шундай деди:

– Мана, сеньор, менинг калтабин, аҳмоқона фикримча, сизнинг ишингизга бултурги булутдай дахли бўлган барча ёмон аломатларни даф қилиб, ҳайдаб юбордим. Руҳонийимизнинг, ақлли одамлар ҳамда ҳақиқий насронийлар бунақа аҳмоқона нарсаларга эътибор бермаслиги керак, дегани ёдимда. Муҳтарам

жанобларининг ўзлари ҳам яқинда аломатларга ишонувчи насронийлар тентаклар эканлигини айтиб, мени ишонтирган эдилар-ку. Бу ерда тўхтаб туришда ҳеч қандай маъно йўқ, қани кетдик.

Шу пайт овчилар етиб келиб, қуённи талаб қилишди, дон Кихот уни берди. Рицарь билан яроқбардор йўлида давом этишди, қишлоққа кираверишдаги майсазорда қўлларида оятлар ушлаган руҳоний ва бакалавр Карраскога дуч келишди.

Руҳоний билан бакалавр дарбадарларимизни дарҳол танишди-ю, уларга томон қучоқ очиб югуришди. Дон Кихот отдан тушиб, дўстларини маҳкам қучоқлади. Дон Кихотнинг келганини эшитган қишлоқ болалари ҳам уни кўриш учун ҳар томондан чопиб келишди.

Шундай қилиб, рицарь билан яроқбардор болалар қуршовида, руҳоний ва бакалавр ҳамроҳлигида дон Кихотнинг уйи томон йўл олишди. Остонада алақачон рицарнинг келганини эшитган экономка билан жияни кутиб туришарди. Бу хабар Санчо Пансанинг хотини Тереса Пансага ҳам етиб борди, у нари-бери кийинган, сочлари тўзиган ҳолда, қизи Санчикани етаклаганича эрини кутиб олишга ошиқди. Ўз фикрича, унинг губернатордан кўра камбағалроқ кийинганини кўриб қичқириб юборди:

– Ё, Раббим, нима гап ўзи, ҳой эр! Пиёда, бунинг устига оёқларингизни аранг қўтариб босяпсиз! Негадир губернаторга ўхшамай қолибсиз.

– Жим, Тереса, – деди Санчо, – кўпинча канора бўлган билан лаҳм гўшт бўлавермайди. Юр уйга, сенга фаройиб нарсаларни айтиб бераман. Энг муҳими, ҳеч кимга озор бермай, ўз ақлим билан тўплаган пулим бор.

– Пул бўлса, чангалда шўрва, эржон, – деди Тереса, – қаердан олганингизнинг аҳамияти йўқ, пулни қандай қилиб топманг, бу билан ҳеч кимни ажаблантира олмайсиз.

Санчика отасини қучоқлаб, нима олиб келганини сўради, чунки у отасининг келишини кўзи тўрт бўлиб кутаётган эди. Хотини Санчонинг қўлидан ушлади,

қизи эшакни ҳайдади, тўртовлари уйга жўнашди, дон Кихотни эса уйда экономка билан жияни, руҳоний билан бакалавр ихтиёрида қолдиришди.

Дон Кихот фурсатни бой бермай, уйни ичидан бекитиб, дарҳол бакалавр билан руҳонийга енгилганини, зиммасига бир йилгача қишлоқдан чиқмаслик юкланганини айтиб берди. У ўзининг рицарлик орденни қонун-қоидаларига қатъий амал қилувчи чинакам жаҳонгашта рицарь сифатида аҳдини аниқ бажариш, ундан заррача орқага чекинмаслик ниятида эканини айтди. Бу йил эса у чўпонлик қилиш, далаларда танҳо кезиш, ўзининг ширин хаёлларига берилиб, чўпонларча саховатли ҳаёт кечиришга аҳд қилганини ҳам сўзлаб берди.

– Эҳтимол, – деб қўшимча қилди у, – агар бошқа халақит берадиган муҳимроқ ташвишларинг бўлмаса, сизлар ҳам мен билан бирга бўларсизлар. Мен бир сурув қўй сотиб оламан, шундай қилганимизда чинакам чўпон бўлишимиз мумкин. Бироқ энг муҳими шуки, сизларга ажойиб ҳамда дабдабали номлар топиб қўйганман.

Руҳоний қандай номлар қўйганини сўради, у эса ўзига чўпон Кихотис, бакалаврга чўпон Карраскон, руҳонийга чўпон Куриамбро, Санчога эса чўпон Пансио номларини берганини айтди. Иккала дўст ҳам дон Кихотнинг янгича тентаклигидан ҳайратга тушишди. Бироқ унинг яна рицарлик саргузаштларини ахтариб кетишидан қўрқишиб, бир йил ичида ақл кириб қолар деган умидда бу тентакона фикрини зўр донолик ҳисоблашиб, чўпон бўлишга ваъда беришди.

– Бу таклиф менинг кўнглимдагидек бўлди, – деди бакалавр. – Менинг машҳур шоирлигим оламга маълум. Далаларда юриб, тинимсиз шеър тўқийман. Сеньорлар, энг муҳими ҳар биримиз ўзимиз ардоқлайдиган чўпон маъшуқаларимизга ҳам ном ўйлаб топишимиз керак. Мен аминманки, ошиқ чўпонларнинг қоидаси ҳамда уларнинг удумига амал қилиб, ҳар қанча мустаҳкам

бўлмасин, маъшуқаларимиз номи ўйиб ёзилмаган бирорта ҳам дарахт қолмайди.

– Жуда соз! – қичқириб юборди дон Кихот. – Мен хаёлий чўпон қиз учун ном топиб ўтирмайман. Менинг хуснда тенгсиз Дульсинеям бор, у мана шу соҳиллар шуҳрати, мана шу майсазорлар ҳусни, назокат чўққиси, хуллас, қанча мақтаса ҳам мақтов ожизлик қилиб қоладиган бир гўзал.

– Чин ҳақиқат, – деди руҳоний, – биз ҳам ўзимизга чўпон маъшуқалар излаймиз.

Самсон Карраско эса қўшимча қилди:

– Маъшуқаларимизни дунёдаги энг чиройли номлар билан атаймиз. Агарда маъшуқам, тўғрироғи чўпон қизимнинг исми Анна бўлса, мен уни Анарда дейман, борди-ю, оти Франциска бўлса мен уни Франсениа дейман, агар Люсия бўлса Люсинда деб атайман. Агар Санчо Панса ҳам бизга қўшиладиган бўлса, у ўзининг Тереса Пансасини Тересона деб атасин.

Бу номни эшитган дон Кихот кулиб юборди, руҳоний эса унинг ҳурматга сазовор, яхши ниятини мақтади, бўш вақтини, албатта, улар билан ўтказишга яна бир марта ваъда берди. Ҳар иккала дўст ҳам ўз саломатлигини сақлаши, бунинг учун нима зарур бўлса ҳаммасини қилишини ўтиниб, дон Кихот билан хайрлашди.

Бўлиб ўтган суҳбатни жияни билан экономка эшитиб туришган эди, руҳоний билан бакалавр кетиши билан улар дон Кихотнинг ҳузурига киришди. Жияни шундай гап бошлади:

– Бу қандоқ бўлди, сеньор тоғажоним? Биз бўлса сизни тинч, ҳузур-ҳаловатда яшаш учун бутунлай қайтиб келди деб ўйлабмиз. Лекин сиз бизни ташлаб, янги саргузаштлар ахтариб чўпон бўлишга, ҳамма сиз ҳақингизда:

*Қайтмоқдасан қайдан эй чўпон,  
Қайдан қайтиб, шошасан қаён? –*

дейишлари учун бел боғлабсиз-да. Менга ишонинг, хуштак яшаш учун арпапоя қаттиқлик қилади.

Экономка ҳам гапга аралашди:

– Наҳотки, сиз ёзнинг қоқ тушдаги жазирамаларига, туманли оқшомларга ва бўрилар увиллайдиган қиш кунларига бардош бероламан деб ўйлайсиз? Бардош беролмайсиз. Бунга бақувват, чиниққан, шу ишда суяги қотган кишиларгина ярайди. Ёмон нарсани танлайдиган бўлсангиз, чўпонликдан кўра жаҳонгашта рицарлик минг марта аъло. Сеньор, ақлингизни йиғиб, маслаҳатимга кириг: уйда қолинг, хўжалик иши билан машғул бўлинг, тез-тез тавба-тазарру қилинг, камбағалларга хайр-садақа беринг, агар шундай қилганингиз яхши бўлмаса, майли, бошим гуноҳдан чиқмасин.

– Жим, қизларим, – деди дон Кихот, – нима қилишимни ўзим биламан. Мени ўринга ётқизинглар. Негадир мазам қочяпти. Лекин шунга ишончларинг комил бўлсинки, жаҳонгашта рицарми, чўпонми, ким бўлишимдан қатъи назар, ҳамма вақт сизларнинг эҳтиёжларинг ҳақида ғамхўрлик қиламан.

Қизлар дон Кихотнинг истагини бажо келтириб, уни ўринга ётқиздилар, овқатлантириб меҳрибонлик кўрсатдилар. Бироқ ана шундай ғамхўрлик кўрсатилишига қарамай, рицаримизга тузалиш насиб бўлмади. Бу дунёда ҳеч нарса абадий эмас, ҳамма нарсанинг, айниқса, инсон умрининг ҳам ниҳояси бор: дон Кихотнинг умри эса ўз югуришини секинлата оладиган қобилиятга эга эмасди, у ҳеч кутмаган бир пайтда ўлим ташриф буюрди. Бу ҳол енгилганидан кейинги изтиробларданми ёки бошқа сабаблардан пайдо бўлдими, ишқилиб, уни безгак тутди, олти кунгача ўрнидан қимирлаёлмади. Дўстлари – руҳоний, бакалавр ва сартарошлар унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришди, саховатли яроқбардори Санчо Панса эса унинг ёнидан жилмади. Бечора идальго Дульсинеянинг озод бўлгани ҳамда сеҳрдан қутулганини ўз кўзи билан кўриш истаги рўёбга чиқмагани туфайли ғам-ғуссага бериляпти деб ўйлашиб,



уни қўлларидан келганича хурсанд қилишга уринишарди. Бакалавр уни дадил бўлиб ўрнидан туришга ва чўпонлик ҳаётини бошлашга ундарди: у, яъни Самсон Карраско бу ҳодисага бағишлаб илгари ёзилганлардан, анча зўр шеър ҳам тўқиб қўйганини, бундан ташқари, у подани қўриқлайдиган иккита ажойиб ит ҳам сотиб олганини, бирининг оти Барсино, бошқасиники Бутрон эканини сўзлаб берди. Лекин буларнинг ҳеч қайсиси дон Кихотнинг қайғусини ёза олмади.

Дўстлари табиб чақиришди, у дон Кихотнинг томирини ушлаб кўриб, рицаримизга ўз руҳи борасида ўйлашини, чунки унинг танасига катта хавф таҳдид қилмоқда эканини айтди. Дон Кихот унинг гапларига хотиржам қулоқ солди. Бироқ табибнинг гапига экономка, жияни, яроқбардори бефарқ қарамадилар, ҳаммалари дон Кихот аллақачон оламдан ўтгандай йиғи-сиғи қила бошладилар. Дон Кихот ўзини ёлғиз қолдиришларини илтимос қилди, чунки у ухлаб олмоқчи бўлди. Унинг илтимоси бажо келтирилди, у миқ этмай олти соат ухлади, у ухлаб ётганида экономка билан жияни жони чиқиб кетмадимикан деб ташвишлана бошладилар. Лекин маълум вақт ўтгач, у уйғонди ва уйни бошига кўтариб қичқирди:

– Менга шунчалик марҳамат кўрсатган худойимга шуқр. Худонинг даргоҳи шунчалик кенгки, бандаларнинг гуноҳи уни ўзгартиролмайди ҳам, бўшаштиролмайди ҳам.

Тоғасининг гапларига қулоқ солиб турган жиянига бу сўзлари унинг олдинги энтак-тентак гапларидан кўра бамаънироқдек туюлиб, у шундай деб сўради:

– Нималарни гапираётибсиз, сеньорим? Қанақа марҳамат-у бандаларнинг қанақа гуноҳи ҳақида гапираётибсиз?

– Жиян, шу пайт худойимнинг менга кўрсатган марҳамати ҳақида, – деди дон Кихот, – қилган гуноҳларим бунга халақит бермади. Ҳозир ҳамма нарса ҳақида оқилона, аниқ фикр юритяпман, чунки ақлим манфур рицарь романларини ўқиш туфайли юзага

келган гафлат туманидан халос бўлди. Эндиликда ўша қилмишларимнинг бемаънилигига, шайтон васвасаси эканлигига иқрорман, бироқ ақлимнинг бунчалик кечроқ кирганига афсусланаман, энди бўлса ўша китоблар етказган зиёнларни ювиш учун, ақл чироғи бўлган бошқа китобларни ўқиш учун вақт тигиз. Жиян, ўлимим яқинлигини сезиб турибман, лекин одамлар умримни ёмон, ўзимни тентак деб ҳисоблашмаса, шу аҳволда ўлиб кетмасам. Тўғри, тентаклик қилганман, бироқ тентаклигимни ўлимим ҳам тасдиқламасин. Азизим, саховатли дўстларим – руҳоний, бакалавр Самсон Карраскони, уста Николасни чақир, чунки мен тавба қилмоқчиман, васият қолдирмоқчиман.

Лекин жиянининг уларни чақиритишининг ҳожати бўлмади, чунки уларнинг ўзлари шу пайт хонага кириб келишди. Дон Кихот уларни кўрибоқ гап бошлади:

– Мени қутланг, сеньорлар: сиз қаршингизда жаҳонгашта ламанчилик дон Кихот эмас, балки Марҳаматли деб ном чиқарган идальго Алонсо Кеханани кўриб турибсиз. Мен шу дақиқадан бошлаб Амадис Галльскийнинг ҳамда унинг ҳисобсиз авлодларининг душманман: мен жаҳонгашта рицарларнинг гуноҳга тўла тарихидан жирканаман; тентаклигимни, ўша китобларни ўқиб ўзимни ҳалокатга дучор этган хавф-хатарни англадим, энди худойим менга ақл берганда, ўз бефаросатлигимни қоралайман.

Хонада ўтирганлар бу гапларни эшитиб, янги бир тентаклик бошланмадимикин деб ўйлашди. Самсон шундай деди:

– Сеньор дон Кихот муҳтарам жаноблари, бу қандай гап? Дульсинеянинг озод бўлгани ҳақида хабар келган, ажойиб чўпонлик ҳаётини бошлаш учун ҳамма нарса муҳайё бўлган бир пайтда нималарни алжираяпсиз? Худди шундай бир пайтда ҳамма орзуларингиздан воз кечмоқчимисиз-а?

– Шу кунгача гапирганларимнинг ҳаммаси алаҳсираш эди, – деди дон Кихот, – алаҳсираш бўлганда ҳам

жуда хавфли, ҳалокатлиси эди. Бироқ ўлим дақиқасида мен уни худонинг марҳамати билан ўз фойдамга ўзгартираман. Сеньорлар, ўлимим яқинлашганини ҳис этиб турибман; ҳазилни бас қилайлик. Тавба-тазарру қилишим учун мени руҳоний билан ёлғиз қолдиринглар, васият қолдиришим учун мирзани келтиринглар, чунки бундай пайтда киши ўз руҳи билан ҳазиллашиши ярамайди. Илтимос, сеньор руҳоний мени тавба қилдиргунча мирзага одам юборинглар.

Хонадагиларнинг ҳаммаси дон Кихотнинг гапига ҳайрон қолиб бир-бирларига қараб қўйишди, гарчи ўз шубҳаларидан воз кечиша олмаса-да, унга ишонишга майл билдиришди. Бундан ташқари у яна анча оқилона, маъноли гапларни ҳам айтдики, уйдагиларнинг шубҳалари тумандай тарқаб, рицарнинг ақли жойида эканлигига қаттиқ ишонишди. Бундай кескин ўзгариш назарларида унинг ўлим соати яқинлиги аломатидай бўлиб туюлди. Руҳоний ҳаммаларига хонадан чиқишларини буюрди, дон Кихот билан ёлғиз қолгач, тавба-тазарруни бошлади. Бакалавр мирзаникига кетди, кўп ўтмай улар билан Санчо Панса ҳам етиб келди.

– Алонсо Кехана муҳтарам жанобларининг чиндан ҳам қазоси етиб қолди, унинг эс-ҳуши, хотираси жойида. Унинг ҳузурига кириб, васият ёзилаётганда бирга бўлинглар.

Бу сўзлар экономка, жиян ва яроқбардор Санчо Пансанинг яна мўл-кўл кўз ёш тўкиб йиғи-сиғи қилишига, чуқур оҳ-воҳ чекишига сабабчи бўлди, чунки у оддий идальго марҳаматли Алонсо Кеханалиги пайтида ҳам, ламанчлик рицарь дон Кихот чоғида ҳам соддалиги, самимийлиги билан ажралиб турарди, дон Кихотни ана шу хислатлари учун яқинлари, уни таниганларнинг ҳаммаси ҳам чуқур ҳурмат қилишарди. Бошқалар билан бирга мирза ҳам ичкарига кирди. У васиятнинг сарлавҳасини ёзгандан кейин дон Кихот насронийлик қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда васиятни модда-модда изҳор қила бошлади:

– Аввало, тентаклик пайтида ўзимга яроқбардорликка олган Санчо Пансанинг чўнтагидаги пуллар менга ҳалол хизмат қилгани учун унинг ўзида қолишини истайман. Борди-ю тентаклигимда унга битта оролни идора қилишни ҳадя қилган бўлсам, энди ҳушёрлигимда қўлимдан келса унга бутун бир қироликни берардим, зероки, унинг самимий, садоқатли қалби шундай тухфага лойиқ.

У Санчога мурожаат қилиб:

– Дўстим, мени кечир, мен туфайли сен аҳмоқ деган ном олдинг, зероки, бу аҳмоқона кўчага мен сабаб бўлиб киргандинг, илгари ҳам, ҳозир ҳам жаҳонгашта рицарлар борлигига ишондинг, – деди.

– Оҳ, – деди Санчо кўз ёши тўкиб, – бизни ташлаб кетманг, сеньор муҳтарам жаноблари, насиҳатимга қулоқ солинг, узоқ йиллар умр кўринг. Чунки киши биров унинг жонига қасд қилмай, жонидан тўйдирмай, фақат қайғу-алам чекишнинг ўзигаёқ ўлиб кетаверса, бу инсон томонидан қилинган энг катта бемаънилик бўлади. Илтимос қиламан, ўрнингиздан туринг, далаларни сайр қилгани борайлик, ўзимиз айтгандай чўпонча кийиниб юрайлик. Эҳтимол, бирорта чакалакзорда озод қилинган Дульсинеяни учратиб қолармиз, унда дунёда ҳеч қандай армонимиз қолмайди. Агар енгилганингиздан ғам чекиб ўлаётган бўлсангиз, бутун айбни менга афдариб қўя қолинг. Росинантнинг айлини яхши тортмаганим учун сизни эгардан йиқитиб юборишганини айтаверинг. Ўзингиз ҳам рицарлик китобларида бир рицарь иккинчисини отдан қулатгани каби ҳодисаларни кўп ўқигансиз. Бугун енгилган эртага, албатта, ғолиб чиқади.

– Албатта, – деди Самсон, – Санчо Панса бу ҳақда жуда ҳақ гапни айтди.

– Жим бўлинглар, сеньорлар, – деди дон Кихот. – Илгари тентак эдим, ҳозир ақлим жойида, илгари ламанчлик дон Кихот эдим, энди яна марҳаматли Алонсо Кехана бўлиб қолдим. Пушаймоним ҳамда самимий-

лигим туфайли яна илгаригидек ҳурматларга сазовор бўлишдан умидворман. Энди эса, сеньор мирза, ёзишда давом этинг.

«Мен барча уй анжомларимни, мол-мулкимни жияним Антония Кеханага васият қилиб қолдираман, токи у мен бошқа одамларга рад қилган маблағларга эга бўлсин, шунинг билан бирга, аввало, бутун умр менга хизмат қилган экономкага маош тўлашини илтимос қиламан, бунинг устига унга яна йигирма дукат пул ҳамда кийим-кечак берилсин. Сеньор руҳонийни ва сеньор бакалавр Самсон Карраскони, шу ердагиларнинг ҳаммасини васийларим этиб тайинлайман.

Бундан ташқари, борди-ю, жияним Антония Кехана эрга тегадиган бўлса, танлаган куёви рицарлик романларидан беҳабар бўлишини аниқ билсин. Борди-ю, ўша китобларни ўқиган, жияним эса унга эрга тегадиган бўлса, жиянимни меросдан маҳрум этаман, васийларимдан эса мол-мулкимни савобли ишларга сарф қилишларини илтимос қиламан».

Шу билан дон Кихот ўз васиятини тамомлади, ҳушидан кетиб, оёқ-қўлини узатди. Уч кунгача ўзига келмай, ҳушсиз ётди. Уй ичидагиларнинг ҳаммаси катта ташвишда қолди. Шундай бўлса-да, жиянининг томоғидан овқат ўтиб турди, экономка ҳам еб-ичишни унутмади. Санчо ҳам қорнини сийлаб турди, ўлим ҳақидаги фикр меросдан умидвор бўлиб ўтирган меросхўрлардаги табиий қайғуни ана шундай юмшатади ва сўндиради. Ниҳоят, дон Кихот йиғи-сиғи қилаётган ҳамхоналари ва дўстларининг қуршовида тинчгина жон берди. Шу ерда турган мирза бирорта рицарлар романида бирорта жаҳонгашта рицарнинг дон Кихот сингари ўз тўшагида мана бундай тинчгина, нарсонийчасига жон берганини сира учратмаганини айтди.

Санчо, жияни ва экономка кўз ёшларини тасвираб ўтирмаймиз. Дон Кихот қабри устидаги барча расм-русумларни ҳам айтмайлик, фақат Самсон Карраско тўқиган шеърни айтиш кифоя:

*Жасорати оламни тутган  
Машҳур ботир ётар бу ерда.  
Қаршисида ўлим ҳам тубан,  
Қалб оташи ёнар қабрда.*

*Хаёлоти бўлса ҳам бир оз,  
Баҳам кўрди шодликни, гамни,  
Ўлиб кетди донишмандга хос,  
Телба сифат яшаса ҳамки.*

Тарихини муаллиф шу романда ростгўйлик билан ҳикоя қилган ламанчлик уддабуро идальгонинг умри мана шундай тугади.

*Б.М. Энгельгардт*

## **СЕРВАНТЕС ВА УНИНГ РОМАНИ**

1605 йили Испанияда ҳамманинг диққатини бирданига ўзига жалб этган бир китоб босилиб чиқди. Бу ўша вақтларда бутун мамлакат берилиб ўқиётган рицарь романларига ҳажвий тарзда тақлид қилиб ёзилган ўткир ва қизиқ асар эди. Унинг муаллифи «киши онгида бемаъни рицарь тарихларига нисбатан нафрат уйғотишни» ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. У ўз мақсадига эришди: «Дон Кихот» босилгач, рицарь романларини ўқиш бутунлай расмдан чиқиб қолди. Бироқ ғалати воқеа содир бўлди: рицарь романларининг кун битди-ю, аммо уларга тақлидан ёзилган асар яшаб қолди. Асрлар кетидан асрлар ўтаверди, лекин бу китобга қизиқиш сўнмади, балки тобора ўсди. У бутун дунёга машҳур бўлди, жуда кўп тилларга таржима қилинди; у ҳақда юзлаб китоблар ёзилди, китоб қаҳрамонларининг номлари атама бўлиб қолди, кўпгина ифодалар эса мақолга айланиб кетди.

Телба бир идальго ҳақидаги бу қиссада шундай масалалар кўтарилган, шундай ҳис-туйғулар ифодаланганки, улар одамларни ҳанузгача ҳаяжонлантириб келади. Бу китоб асар яратилган ўша даврнинг асосий белгиларини ўзига қамраб олган ва унда муаллифнинг дарбадарликда кечирган серташвиш ҳаётининг бой тажрибаси ҳам ўз аксини топган.

Мигель де Сервантес Сааведра 1547 йилда Мадрид яқинидаги кичик шаҳарча Алькала де Энаресда дунёга келди. У табиблик билан шуғулланувчи, камбағаллашиб қолган дворяннинг ўғли эди. Етишмовчилик натижасида Мигель яхши билим ололмади, бироқ унда адабиёт ва театрга илк уйғонган қизиқиш мактаб машғулотидаги камчиликларни бир қадар тўлдириб

турди. У болалик чоғидаёқ шоир, драматург, ёзувчи бўлишни орзу қилар ва уни бу йўлда мадридлик ўқитувчи, гуманист Хуан Лопес де Гойос ҳар томонлама қўллаб-қувватлар эди. Аммо муҳтожлик Сервантесни хизмат ҳақида ўйлашга мажбур қилади. У Испанияда ишга киролмайди. 1569 йилда у кардинал Аквавивага оддий мулозим бўлиб ишга жойлашади ва Италияга, Римга жўнаб кетади.

Кардинал ҳузуридаги бу паст хизмат уни қаноатлантиролмади. Худди шу вақтда папа, испан қироли Филипп II ва Венеция республикаси туркларга қарши уруш бошлади. Сервантес Аквавива саройини тарк этиб, ҳаракатдаги армияга қўнгили аскар бўлиб хизматга киради. Сервантес кейинги тўрт йилни тинимсиз сафар-у жангларда ўтказди. Жасурлиги ва фидокорлиги туфайли у полкда катта обрў қозонади, беҳад ғайрати ва ҳамиша хушчақчақлиги туфайли эса ўртоқларига жуда ёқиб қолади. Лепанто яқинидаги денгиз жангида (1571 йил) у кўкрагидан оғир яраланди ва чап қўли ишдан чиқди. Кейинчалик у «ўнг қўлимнинг шуҳрат қозониши учун шундай бўлди» деб тақдорлашни севарди.

1575 йили ҳарбий ҳаракатлар тинчиб, Сервантес ватанига қайтишга қарор қилади. У ватанига қайтаркан, бисотида майиб қўли-ю бош қўмондон ва Неаполь вице-қиролнинг тавсия мактубидан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. Шундай бўлса-да, у Италиyani кўради, Рим ва Неаполда узоқ яшади, итальян тилини ўрганади, италиялик гуманистлар яратган нодир асарлар билан танишади. Унинг миясида талайгина адабий режалар пишиб етилади, қалби қувончли умидлар билан тўлади. У Мадридга тезроқ етиб олишни ўйлайди.

Неаполдан ватанига кетаётганида у оғир синовга дуч келади. У сузиб бораётган кемани мавританлик денгиз қароқчилари ушлаб олишади ва Жазоирга олиб кетишади. Сервантес беш йил давомида эркисизликда азоб чекади. Ҳаётини хавф остида қолдириб, бир неча марта қочишга уринади, бироқ – бу уринишларнинг



бари муваффақиятсиз тугайди. У фақат 1580 йилдагина катта пул эвазига асирликдан қутулади ва ниҳоят Испанияга етиб келади.

Ватани уни хурсандчилик билан кутиб олмайди. Ота-онаси қашшоқликда кун кечиришарди. Маъмурлар унга бутунлай бепарволик билан қарайдилар. Жасорати ва мардлиги билан донг таратган майиб аскар кўчага қувиб чиқарилади.

Сервантес адабиётга мурожаат этади. У адабиётнинг турли соҳаларида ўз кучини синаб кўради, йилдан-йилга шафқатсиз қашшоқлик билан мардона кураш олиб боради. Бироқ ҳадеганда омади келавермайди. Сервантес ҳали ўз йўлини тополмаган, тамомила адабиёт анъаналари ҳукмида бўлиб, кўп чайналган адабий шаклларда ижод қилар ва унинг ўзига хос генийлиги эркин қулоч ёзолмасди. Унинг шеърлари эътибор қозонмади, чўпонлар ҳақидаги «Галатея» романи муваффақият қозонмади. Драмалари эса – у йигирмадан ортиқ драма ёзган – бир марта қўйилгач, саҳнадан тушиб кетарди.

Сервантес қашшоқлик чоҳи ёқасига келиб қолади. 1587 йили у Мадриддан кетади. Аввал ғалла йиғувчи, кейинчалик эса Севильяда боқимандачилардан солиқ йиғувчи бўлиб ишлайди. У ўша давр Испаниянинг чекка ўлкаларидаги ҳаёт қайновига шўнғийди, деҳқонлар, бойлар ва майда дворянларнинг турмуш ҳам одатлари билан танишади. 1597 йили Сервантеснинг бошига яна фалокат тушади: у давлатнинг анчагина пулини бир банк ходимига ишониб топширади, банк ходими эса пул билан бирга ғойиб бўлади. Сервантес қамалади. Тўғри, дўстлари уни тез кунда қутқаришади, бироқ 1598 ва 1602 йилларда у яна қамалади.

1604 йилдагина у ғазна қарзидан узилади ва маъмурлар уни ниҳоят тинч қўйишади. Шу йиллар мобайнида у тасодифий иш ҳақи ва дўстлари эҳсони ҳисобига ярим оч ҳолда қашшоқликда ҳаёт кечиради.

Бироқ офир муҳтожлик ва хўрликлар унинг иродасини бука олмайди. Сервантесга мардонавор хотиржамлик, руҳий кўтаринкилик ва хушчақчақлик ҳамиша

ёр бўлади. Худди шу йиллар мобайнида у ўзининг «Дон Кихот» асари устида ўйлайди ва уни ёзади. Ҳажв тарзида тақлид қилиш усули унинг битмас-туганмас фантазияси ва беқиёс юморига кенг йўл очиб беради. Ниҳоят, унинг даҳоси бутун борлиғи билан намоён бўлиши учун имконият туғилади ва китоб ўз ўқувчисини топади. «Дон Кихот»нинг 1605 йилда босилиб чиққан биринчи жилди алоҳида муваффақият қозонади. Аммо у ўз муаллифини моддий жиҳатдан таъминлай олмайди. Сервантес Вальядолидада аввалгидек ярим қашшоқликда ҳаёт кечиради. У ниҳоятда ҳолдан кетади, лекин бурунги ғайрат билан бор куч-қувватини адабиётга бағишлайди.

Умрининг сўнгги йилларида Сервантес «Дон Кихот»нинг иккинчи жилдидан (1615 йил) ташқари «Ибратли новеллалар» тўпламига кирган ажойиб новеллаларини, «Парнаста саёҳат» сатирик достонини, ўндан ортиқ комедия ва интермедияларини ёзади ва янги фантастик романини бошлаб кўяди. Бироқ ўлим эндиликда унинг ёқасига чанг сола бошлаган эди. У тугалланмаган китобига бағишлов қисмини ёзиб улгурар-улгурмас, 1616 йилнинг 23 апрелида вафот этади.

Буюк ёзувчининг машаққатли ҳаёти шундай ўтади. Унинг хилма-хил таассуротлар ва кузатишларга қанчалик бой эканини кўз олдингизга келтиришингиз мумкин. У бу тажрибадан ўз романида кенг фойдаланади. Асар мазмунининг бойлиги ва бадий шаклининг ўзига хослиги билан Уйғониш даврининг энг яхши ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

Бу Европа ҳаётида чуқур ўзгаришлар содир бўлаётган давр эди. Эскирган ва қолоқ шаклдаги хўжаликка эга бўлган феодал тузум ўрнига капитализм вужудга келаётган бир давр эди. Савдо-сотик тобора ўсиб борарди. Американинг ва Ҳиндистонга сув йўлининг очилиши билан савдо-сотик ишлари янада ривожланиб, тобора кенгая борарди. Европа моллари – газмол, мовут, чарм, темир буюмларга бўлган эҳтиёж борган сари ортарди. Мануфактуралар пайдо бўла бошлайди, биринчи йирик корхона эгалари етишиб чиқадилар.

Океан ортидаги мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишлари ваҳшиёна усуллар билан олиб борилад ва бениҳоя фойда келтирарди. Олтин узоқ мустамлакалардан Европага дарё каби оқиб келар, беҳисоб бойлик тўпларди. Шаҳарлар тез бойиб, тобора каттароқ салмоққа ва аҳамиятга эга бўлиб борарди. Шаҳар бойлари феодал оқсуяклар билан фақат айш-ишратда яшаш ва ҳашамдорликдагина эмас, балки давлат ишларига ўз таъсирларини ўтказишда ҳам рақобат қила бошладилар.

Феодаллар ҳукмронлиги аста-секин чекланиб борарди. Мамлакат феодаллар томонидан ўзбошимчалик билан жорий қилинган ўз қонунлари, солиқлари, божларига эга бўлган феодал мулкларига бўлиниб кетган эди. Бу савдо-сотиқ ва саноатнинг ривожини жуда чеklang қўярди. Янги хўжалик тартиби мустаҳкам марказий давлатга, бир хилдаги қонунларга, алоҳида вилоятлар ўртасидаги турли-туман тўсиқларни йўқотишга муҳтож эди. Бу даврда марказлашган миллий давлатлар ташкил топа бошлаган эди. Шу аснода капитализм ҳамма соҳаларда Европанинг хўжалик ва сиёсий ҳаётига ўз таъсирини ҳар қадамда ўтказа борарди. Албатта, эски феодализм қуллик занжирини парчалаб борар экан, у меҳнаткашларга янгилик келтирар, бу янгиликнинг машаққатлари эски жамият қийинчиликларидан кам эмасди. Капитализмнинг дастлабки капитал жамғариши деб аталган биринчи қадамдаёқ океан ортидаги мулкларда яшовчи тинч аҳолини шафқатсизларча қириш ва талаш билан белгиланади. Мануфактураларда улар оғир эксплуатация қилинади, деҳқонлар тобора хонавайрон бўла боради, улар ерларидан ҳайдаб чиқарилади, бу жойларни пода ҳайдаладиган ўтлоқларга айлантирилади. Чунки жун савдоси капиталистларга катта фойда келтирарди.

Капитализм ўлиб бораётган феодал тузуми билан олиб бораётган курашида ҳар ҳолда прогрессив тарихий куч сифатида майдонга чиқади. Бу кураш шиддатли ва шафқатсиз бўлиб, ҳамма соҳада олиб борилади. Бироқ у маънавий маданият соҳасида алоҳида кенг

қулоч ёяди. Бу борада у буюк маданий ҳаракатни ҳаётга чорлайди.

Бу ҳаракатнинг асосини инсонни католик дини яратган хаёлий фантастик дунёдан ажратиб олишга ва уни ҳақиқий мавжуд дунёга яқинлаштиришга интилиш ташкил қилади. Янги маданий ҳаракат ақл-идрокнинг кўр-кўрона дин ақидаларига бўйсунушини қатъиян рад этади ва унинг табиат ҳамда инсон ҳаётини эркин равишда ўрганишга бўлган ҳуқуқини эълон қилади. У черков схоластикасининг мавҳум уйдирмаларига фактларга асосланган фанни қарши қўяди.

Башарти ўрта аср олими табиатнинг у ёки бу ҳодисасига моғор босиб ётган илоҳий асарларнинг томларидан изоҳ қидирган бўлса, Уйғониш даври олими жонли тажрибага мурожаат қилади, назорат, тадқиқот қилади, ўлчайди ва ҳисоблайди. Коинотнинг тузилишини билишни истагандан у сайёралар ва юлдузларнинг ҳаракатини ўрганади ва бу ҳаракатнинг қонунларини билишга интилади. У Таврот-у Инжиллардан самовий мавжудотлар ҳақидаги турли-туман эртақларни қидириб ўтирмайди. Уйғониш даври олими инсон танасининг тузилиши билан қизиқар экан, у одамни худо яратганлиги тўғрисидаги Инжил эртақларига мурожаат қилмайди, балки инсоннинг нафас олишини, қоннинг ҳаракатини кузатади, мурдаларнинг ичини ёради, хилма-хил аъзоларнинг фаолиятини ўрганади. У физикавий ва кимёвий тажрибалар ўтказди, илмий асбоблар ихтиро қилади, лабораториялар қуради. Шундай қилиб, аста-секин аниқ фанлар биноси қад кўтара бошлайди. Бу бино инсоннинг табиат ва ҳаётга бўлган барча қарашларини бутунлай ўзгартирибгина қолмай, балки табиатни инсонга бўйсундиришда қудратли қурол ҳам бўлади.

Аммо бу ҳам кифоя эмас. Янги маданий ҳаракат черковнинг ердаги мавжуд нарсаларнинг гуноҳкорлиги ҳақидаги зоҳидона таълимотини қаттиқ танқид қилади. У шахсининг ердаги жамики ноз-неъматларга бўлган эҳтиёжини ва истакларини қондира олиш ҳуқуқини

тиклайди. Уйғониш даврининг шоирлари, рассомлари ҳамда ҳайкалтарошлари ўзларининг ажойиб шеърлари, чиройли расмларида ҳамда ҳайкалларида инсоннинг ердаги бахтини, унинг эҳтиросининг улуғворлиги ҳамда кудратини, инсон танасининг гўзаллигини шарафлайди.

Уйғониш черковнинг ҳақиқатни бутунлай эгаллаб олиш монополиясини барбод қилади. Черковнинг ўлик лотин тилини ягона адабий тил деб тан олиш даъвоси ҳам барҳам топади. Италиян, француз, испан, инглиз тиллари каби жонли халқ тиллари янги маориф тизими-га тезда сингиб кетди, улар билан бирга халқ адабиёти фольклор, ривоятлар ҳам кириб келди бу соҳага. Бу буюк маданий ҳаракат ўзининг асл моҳияти жиҳатидан ҳаётий эди, чунки у илоҳий схоластиканинг тор доирадаги қуруқ сафсаталаридан қутулишга, табиат ва ҳаётни бевосита кенг кўламда ўрганишга интилади. Шу билан бир вақтда у чиндан ҳам халқчилик хусусиятига эга эди, чунки унинг кўп томонлари кенг халқ оммасига маъқул ва манзур келарди.

Даврнинг шу иккала характерли хусусияти Сервантес асарида яққол кўзга ташланади.

Теварак атрофни ўраб олган ҳаётдан у қийналмасдан ўз романининг бош қаҳрамонини қидириб топади. Камбағаллашиб қолган дворян, ҳозирги замонда жирканиб, ундан юз ўгирувчи ва ўтмиш тўғрисида хаёл сурувчи шахс – ўша даврдаги Испания ҳаётида типик фигура эди.

Испания XVI асрнинг ўрталарида ўз тараққиётининг алоҳида шарт-шароитига кўра чуқур иқтисодий инқирозни бошидан кечирмоқда эди. Бу инқироз мамлакат хўжалик ҳаётига ҳалокатли таъсир қилади. XV асрдаёқ бошланган ишлаб чиқаришнинг янгича капиталистик усулга ўтиши тўхтаб қолади. Ҳамон «Европада биринчи мамлакат» бўлиб келаётган Испания аён-ошқора инқирозга юз тута бошлади. Дунёга ҳукмрон бўлишга интилган Филипп II нинг ҳалокатли сиёсати мамлакатнинг силласини қуритарди. Хазина бўшаб қолган,

оғир солиқлар ва ноҳақ йиғимлар халққа кулфатлар келтирарди. Саноат ва ҳунармандчилик, деҳқончилик тушкунликка учраб, меҳнат қадрсизлана борарди. Аҳоли борган сари қашшоқлашарди.

Майда дворянлар – идальголар кўпчилик бошига тушган бу қисматдан қочиб қутула олмади. Майда дворянларнинг хўжаликнинг янги шаклига ўтишга қуввати етмасди, бунинг учун уларнинг маблағи етишмасди, бунинг устига бутун Испанияга ёйилган инқироз унинг қашшоқлашувини ниҳоясига етказди. Кимнингки имконияти бўлса, қирол хизматига кетади, қолганлар камбағалликда яшашади, турли шубҳали ишларга киришади. Сервантеснинг ўзи ҳам қисман турли соҳаларга ўз кучини сарфлашга интилган ярим қашшоқ, майда дворянлардан эди. Лекин Сервантес буюк ижодий истеъдод эгаси бўлиб, турли-туман воқеалар ва таассуротларга бой шахсий ҳаёти уни борлиқни чуқур тушунишга ўргатади. Ўз замонасининг энг яхши интилишларини англаб етган Сервантес қашшоқ майда дворян образига ниҳоятда ўзига хослик ва мазмун бағишлайди.

У телба қиёфадаги дон Кихот орқали яшашни билмайдиган, мавжуд шарт-шароитни тан олишни истамайдиган киши образини тақдим этади бизга. Бу Ғамгин Қиёфа рицарь энг эзгу ният-мақсадлар билан илҳомланган. У ҳақоратланган ва эзилганларга ҳомий бўлишни истайди, дунёдаги зўравонлик ва зулмни таг-томири билан юлиб ташлашга интилади, у жаҳонда адолат ва эркинлик ўрнатмоқни орзу қилади.

Бу буюк ниятни амалга ошириш учун олиб борилган курашда у шунчалик фидокорлик, шунчалик мардлик, шунчалик матонатлилик ва руҳан тетикликни намоиш қиладики, натижада ўз жасоратига нисбатан чуқур ҳурмат уйғотади кишиларда. Дон Кихот ўз интилишларининг олижаноблиги, эътиқодининг самимийлиги ва қатъийлиги билан, ишига жони дилдан берилганлиги, шу йўлда ҳамиша ҳар қандай жасоратга ва хавф-хатарга тайёр туриши билан ҳақиқий қаҳра-

мондир. Унинг қайғули, аянчли сиймоси романдаги бошқа ҳамма қаҳрамонлардан устунроқ ажралиб туради, китобхон унинг ҳолига ачинади, хайрихоҳ, ҳамдари бўлади. Ҳамма бало шундаки, дон Кихот ўзи кўзлаган юксак мақсадга эришиш учун нотўғри, фантастик йўллардан боради.

Турмушни ўзгартириш учун уни билиш, ҳаёт қонунларини бошқариб турувчи, уларни ҳаракатга келтирувчи кучларни ўрганиш лозим. Дон Кихот эса борлиқ тўғрисида тамомила ўзича фикр юритади, ҳаётда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин бўлмаган нарсаларни тикламоқчи бўлади, унинг фикрича, жаҳонгашга рицарлик дунёдаги барча ёвузлик ва дард-у иллатларнинг ягона давосидир. Дон Кихот бу рицарликни рицарь романи бўйича тасаввур қилади, бунинг тўғрилигига унда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Китобларда яратилган қаҳрамонларга мафтун, бу асарларда тасвирланган жасоратларга маҳлиё бўлган дон Кихот аслида рицарлик қандай бўлганлигини билишни хоҳламайди, у даврларнинг қайтиб келмаслигини тан олишни истамайди. Дон Кихот ўзига хос, жўшқин фантазияси яратган хаёлий дунёда яшайди. Борлиқ рицаримизни заррача кизиқтирмайди.

Мана у йўл ёқасидаги ғарибона қовоқхонага яқинлашмоқда. Қаршисида камбағал оддий кишилар истиқомат қилувчи фақирона, ифлос бир кулба турганини ўз кўзлари билан кўриб, барча сезги аъзолари билан ҳис этиб, бунга ишонмоғи лозим эди. Бироқ рицарь романига асосланганда, рицарь ўз йўлида ажойиб саройларни учратиши керак. Шунинг учун ҳам бу кўримсиз қовоқхона назарида кўз юмиб-очгунча ҳашаматли саройга, айёр эгаси олижаноб сеньорга, ярим қашшоқ хизматкорлар эса гўзал хонимларга айланиб қолишади.

Дон Кихот саргузашт излаб йўлга отланар экан, юрагини банд этгучи маъшуқа танлашга қарор қилади. У қўшни қишлоқдаги ёқимтойгина деҳқон қизини танлайди. Аммо рицарлик қонунларига кўра рицарнинг маъшуқаси аслзода ва бойвучча хоним бўлиши керак.

Ана шунинг учун ҳам ҳақиқат ва ақлга зид ўлароқ исми Дульсинея деб ўзгартирилган Альдонса малика бўлиб қолади. У саройда ажойиб каниз-у мулозимлар қуршовида, хусн-у малоҳатда, билимдонликда беқиёс.

Ҳақиқатда сарой ҳам, баҳайбат полвонлар ҳам бўлмаганидек, Дульсинея ҳам аслида дунёда йўқ, фақат карвонсаройлар ва шамол тегирмонлари бор эди. Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Дон Кихот учун хаёлида кўраётганлари турмушдаги ҳар қандай мавжуд нарсалардан ҳам ҳаётийроқдир. У атрофини ўраб олган жамики нарсаларни рицарлик донолиги асосида идрок этади ва талқин қилади. Тўғри, бунда воқелик тамомила нотўғри маъно касб этади. Аммо бу билан унинг иши нима? Ахир, муқаддас рицарь романлари қандай талаб қилса, дунё шундай бўлиши керак-ку – демак, у шундай ҳамдир. Тўғри, гоҳо, эътиқод асосида яратилган хаёлий дунё билан борлиқ ўртасидаги узилиш ниҳоятда қатъийлашади, аъзойи бадани моматалоқ бўлган пайтларда ҳатто дон Кихот ҳам ундан бутунлай кўз юмиш лозимлигини сезмай қололмасди, аммо бундай пайтларда у бу инс-у жинс ва ёвуз жодугарларнинг иши деб таскин беради ўзига. Саройларни карвонсаройга, баҳайбат полвонларни шамол тегирмонларига айлантираётганлар ҳам ўшалар деб ўйлайди. Ҳамма нарса яна ўз изига тушади ва муқаддас рицарлик ёзувларининг обрўсига заррача путур етмай қолаверади.

«Муқаддас рицарлик ёзувлари» деб бежиз айтмадик. Дон Кихотнинг тафаккури ўрта аср ақидапарастии тафаккуридан у қадар узоқлашолмаганди. «Муқаддас ёзувлар ва ривоятлар»да каромат қилинганидек жойлаштиришга интиларди. Дон Кихотнинг миясига ўрнашиб қолган рицарь романларини муқаддас ёзув китобларига алмаштирсангиз, кўз олдингизда типик художўй-ақидапараст намоён бўлади. Аксинча, истаган илоҳий, «муқаддас китоблар» ўрнига рицарь романларини қўйсангиз, сиз яна дон Кихотнинг дунёқарашига эга бўласиз. Шундай қилиб, тентак бир идальгонинг



ажойиб саргузаштлари тўғрисидаги аломат қисса схоластикага, борлиқни мавҳум эътиқод шарт-шароитлари асосида тузилган деб тушунтиришга ҳар қандай йўл билан зарба берувчи ўткир сатирага айланади.

Реал ҳаётдан шунчалик орқада қолиш нималарга олиб келишини Сервантес жуда қаттиқ киноя билан ёритади. Унинг қаҳрамони ҳақиқат ва адолатга жонидилдан берилган олижаноб, ажойиб киши. Бироқ унинг ҳамма қаҳрамонликлари ўзи учун ҳам, у ёрдамга шошилган бошқалар учун ҳам бир хилда кўнгилсиз тугайди. У болани ҳимоя қилади, лекин бу ҳимоя оқибатида бола ўзидан кетгунча калтакланади ва кўчага улоқтирилади, у занжирбанд маҳбусларнинг занжирларини узишга ёрдамлашади, аммо бу кишилар чор-атрофга қочиб, бутун вилоятга даҳшат солишади; у гўзал Дульсинеяни энг соф муҳаббат билан севажигига ишонади, лекин бу юксак ҳис-туйғу атрофдагилар бошига бало тоши бўлиб ёғилади ва ҳоказо.

Рицарь романларидаги уйдирмаларга кўр-кўрона ишониш, мавжуд далиллар билан ҳисоблашишни қатъиян истамаслик дон Қихотда инсоний эҳтиёж ва майлга нафрат уйғотади. Унда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кеккайиш ва такаббурлик авж олади. У эътироз билдиришларига тоқат қилолмайди. Кимки у билан келишолмаса, уни золим деб эълон қилади ва унга ўз тифини тўғрилайди. Демак, воқеликдан узилиб қолишлик инсоннинг энг яхши интилишларини, қалбдаги эзгу истакларини сохталаштиради ва олиҳиммат Кехананинг хавфли мутаассибга айланиб кетишига оз қолади.

Бироқ Сервантеснинг сатираси фақатгина ўрта асрдан мерос қолган дунёга нисбатан мавҳум ва хаёлий муносабатларда бўлишгагина қарши қаратилган бўлиб қолмай, балки у Сервантес замонасидаги испан воқелигининг бошқа томонларини ҳам қамраб олади.

Сервантес романида телба хаёлпараст билан бирга ҳушёр ва ишчан Санчо Панса ҳам ҳаракат қилади. Бу образ тўлақонли ва мураккабликда дон Қихот образи-

дан қолишмайди. Санчо Панса – бу дон Кихотнинг қиё-фадоши, дон Кихотнинг акси, идрокли дон Кихотдир.

Дон Кихот рицарликка алоқадор бўлмаган ҳамма нарсаар ҳақида анчагина ақллилик ва донишмандлик кўрсатганидек, Санчо ҳам ўз тентакларча орзулари доирасидан ташқаридаги нарсаларга нисбатан ҳуш-ёрлиги ва фаросатлилиги билан ажралиб туради ва кўпинча донишмандларга хос фикр юритади.

Дон Кихотнинг рицарь романларининг хаёлий додирашларига қарши туришга кучи етмаганидек, оққўнгил, ақлли ва камтарин, меҳнаткаш-деҳқон Санчо ҳам осонгина бойлик орттириш касалига, авантюризмга дучор бўлади. Бу ҳол умуман ўша давр учун характерли бўлиб, лекин, айниқса, хонавайрон бўлган Испанияда кучли эди.

Ўша вақтда Испан шаҳарлари омад изловчи учарлар, гардкамчи олибсотарлар ва авантюристар билан тўлиб-тошганди. Осонгина бойлик орттириш, нотўғри йўллардан бориб, тез бойиб кетишда омадни синаб кўриш иштиёқи борган сари кенг қатламларни ўз ичига қамраб оларди. Бу иштиёқ оддий ҳунармандлар хонадонига ҳам, қашшоқлашиб қолган идальголар кўрасига ҳам, Испанияга ва океан ортида афсонавий бойиб кетиш ҳоллари тўғрисидаги уйдирмалар билан бирга хонавайрон бўлган қишлоқларга ҳам кириб борди.

Санчо Панса ҳам ана шу касалга мубтало бўлганди. Унинг ишчанлиги ҳам, идроклилиги ҳам дон Кихотнинг хотамтойлик билан берган ваъдалари олдида бардош беролмайди. Бунинг устига у муҳтарам идальгони кўпдан бери ҳурмат қилишга одатланиб қолганди. Санчо Панса губернаторлик тўғрисидаги орзуларга, қандайдир оролга, бойликка ва донг таратишга қизиқиб қолиб, бир муддатга бойлик орттирувчи рицарга айланади. Олиҳиммат Кехана рицарь романларига берилиб кетиб, занглаган совут-у қалқонларни тутиб саргузашт излаб йўлга тушганидек, тезда бойиб кетиш орзуси билан ҳовлиқиб қолган Санчо ҳам меҳнат билан кечадиган қишлоқ ҳаётини афсонавий яроқбардорлик касбига

алмаштириб, жаҳонгашта рицарга ҳамроҳ бўлади. Агар дон Кихотнинг борлиқда нисбатан муносабати бемаъни, романлардан ўқилган рицарлик қонунларига амал қилиш билан белгиланса, Санчо тезда бойликка ботиб кетиш, оролга эга бўлиш, графлик лавозимига эришиш ва ҳоказо ўз кўзгуси орқали қарайди оламга. Мана шунинг учун ҳам бу содиқ яроқбардор бир жиҳатдан ўз хўжайини сингари тентакдир.

Сервантес Санчони ўз хўжайинининг алжишларига ишонишга мажбур этади, худди шу билан у асарнинг бошқа бирор ерида намоён бўлмаган гениал кароматини берган бўлиши мумкин. Биринчи қарашда бу ҳақиқатдан йироқдек туюлади. Зотан ҳушёр, ақлли, шумроқ Санчо ўз хўжайинининг алжишларига, яъни жанобига маҳтал бўлиб турган императорлик тож-тахти ва бепоён қироликлар ҳақидаги, ёвуз жодугарлар ва сеҳрланган маликалар тўғрисидаги, ғарибона қовоқхоналар чордоқларида тўқилган даҳшатли махлуқ-у баҳайбат паҳлавонлар қони ҳақидаги бемаъни ҳикояларига Санчо қандай ишонсин? Бироқ бир оз ўйлаб кўрилса, Сервантесга ён босишга тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам, бойлик орттириш иштиёқи билан ёнган, ўз бахтини синаб кўришга ниҳоятда ошиққан Санчо дон Кихотнинг ишонтиришларига учмасдан қола олармиди? Губернаторлик ва оролга хўжайинлик қилиш ҳисобига бойлик орттиришни кўзлаган бу режанинг ўша афсонавий Эльдорадони очиш борасидаги фантастик режалардан, ўша давр авантюристлари калласида ғужғон ўйнаган ваҳшиёна чайқовчилик режаларидан нима камчилиги бор эди?

Санчонинг ўз хўжайини фантазиясининг тутқич бермас тўрига қандай илашиб қолганини кўздан кечиришдан ҳам завқдироқ ва ибратлироқ ҳеч нарса бўлмаса керак. «Ақл» унга буларнинг бари қуруқ сафсата эканини шипшитади. Аммо шу билан бир вақтда дон Кихотнинг асосли сўзлари унда рад қилиб бўлмас даражада таассурот туғдиради. У ўт билан сув орасида қолади, иккиланади, дам у ёққа, дам бу ёққа оғади.

Пировардида у ҳақиқат қаерда-ю хаёл қаердалигининг фарқиға ҳам бормай қўяди, мавжуд нарсалардан хом-хаёлни ажратолмайди. Санчонинг кайфиятини унинг очиққўнгиллиги ва билимсизлигидан деб талқин қилиб бўлмайди. Биринчидан, у бутунлай содда эмас, иккинчидан эса, дон Кихотнинг телбалиги кўзга яққол ташланиб турганидан унинг бемаъни фантазияларига танқидий ёндашиш учун ҳеч қандай билимнинг мутлақо кераги йўқ!

Санчонинг лақмалигининг сабаби бошқа нарсада: дон Кихотга ишониш унга фойда келтиради. Мана Санчо Пансанинг ақллиги ва бамаънилиги нимага қаратилган. Шон-шуҳрат ва рицарлик жасоратларига иштиёқ дон Кихот дунёқарашида қанчалик роль ўйнаса, бойлик орттириш Санчонинг дунёқарашида ҳам шунчалик роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам бу иккала дунёқараш бир хилда асоссиздир. Униси ҳам, буниси ҳам – ҳар қайсиси ўз мисолида турмуш ва дунё манзарасини бузиб кўрсатади, иккиси ҳам воқеликни реалистик тушунишдан узоқ туради. Дон Кихот ҳамма содир бўлаётган нарсаларни замонасини қайта тиклаш орзусига, Санчо эса губернатор бўлиш, бой, тўкин-сочин ва қувноқ турмуш ҳақидаги орзусига бўйсундиради, таъбир қилади. Реал ҳақиқатдан узоқ ва ҳар бири ўзгача тушунчалар ўзаро мос тушунчадир: Санчонинг жўн тирикчилик борасидаги авантюраси дон Кихотнинг баландпарвоз фантазияларидан қолишмайди. Атрофдагиларда эса уларга қараб туриб қайси бири телба: жаҳонгашта рицарми ёки унинг содиқ яроқбардорими? – деган савол туғилади. Ҳақиқатан ҳам улар қиёфадош ва бири иккинчисидан кам эмас.

Шундай қилиб, Сервантеснинг кинояси икки томонга йўналтирилган бўлиб, дон Кихот шахсида у схоластик дунёқараш устидан, Санчо Панса шахсида эса авантюризм ва манфаатпарастлик устидан кулади.

Сервантес рицарликнинг қайта тикланишини орзу қилувчи қашшоқлашиб қолган идальго билан бемаъни авантюраларга берилиб гарангсираб қолган оддий

кишилар образини зўр санъаткорлик билан умумлаштиради. Сервантес бир томондан бу образларда умуминсоний ҳис-туйғуларни мужассамлаштиради, уларни турмушдан ажралиб қолган, асоссиз идеализм тимсолларига, иккинчи томондан «ақли расо» қашшоқ мешчанларга айлантиради.

Сервантес бундай кураш учун кучни ҳаммадан аввал ўз бадиий ижодининг чуқур халқчиллигидан олади. Сервантес ижодининг худди ана шу чуқур халқчиллиги туфайлигина ўз табақасининг хурофотларидан юқорига кўтарила олди. Фақат шугина атрофни ўраб турган воқеликда содир бўлаётган жамики ҳодиса-воқеаларни – хоҳ эскилик қолдиги, хоҳ янгилик қусури бўлсин – ҳаммасига бир хилда танқидий ёндашишга имконият яратиб беради унга. Сервантес буржуазияга ҳам, ҳукмрон синфларга ҳам мансуб бўлмай, балки ҳаммадан аввал испан халқининг фарзандидир.

Унинг романида XVI аср охирларидаги испан халқи ҳаёти ёрқин тасвирларда атрофлича акс эттирилган. Китобда кимлар йўқ дейсиз: деҳқонлар ва ҳунармандлар, чўпон ва хачир ҳайдовчилар, руҳоний, қишлоқ маъмурлари, аскарлар, талабалар, майда ўғрилар ва жоҳил қароқчилар – ҳаммаси бор! Уларнинг бари ҳаётдагидек хилма-хил кўринишда ҳаққоний ёритилган, уларнинг ҳаммалари ўз жонли тилларида сўзлашади, бутун роман ўткир халқ мақоллари, маталлари ва қочирқиқлари билан тўлиб-тошган. Хушфеъл маҳмадона Санчо Панса эса буларга нечоғлик бой.

Шу билан бир қаторда оддий кишилар ва оддий турмушни акс эттиришда уларга нисбатан доимий меҳрибонлик кўзга яққол ташланиб туради. Ёзувчи герцог ва герцогиняни қуруқ ва зерикарли тасвирлаган бўлса, оддий кишилар қанчалик жонли, гўзал ва ёрқин тасвирланганига эътибор беринг. Сервантес уларнинг ҳар бирининг қалб тўридан шундай бир фазилат топадики, китобхон унга хайрихоҳлик билан ёндашади. Қўпол, хунук хизматкор аёл Мариторнес бисотида бор

чақасига камбағал Санчога бир финжон вино олиб беради. Қовоқхона бекаси хачир ҳайдовчилар томонидан калтакланган дон Кихотнинг яраларига самимий ҳамдардлик билан малҳам қўяди. Жинойтчи ва қамоқдан бўшаган Хинес де Пассамонте қўғирчоқ театрининг ҳамда ажойиб маймуннинг очиқ кўнгил эгаси бўлиб чиқади. Айёр, албатта, айёрлигича қолади, бироқ унинг тасвирида китобхонни ҳеч қандай жиркантирувчи томонлар йўқ. Романдаги халқ вакиллари бўлган ҳамма қаҳрамонларни ажратиб қарасангиз, Сервантес ижодига хос бу хусусиятни сиз доимо кўрасиз. У ўз қаҳрамонларини тасвирлар экан, уларни фақатгина бўрттириб акс эттириш билан кифояланмай, аксинча, уларнинг яхши томонларини ҳам бажонидил ёритади.

Бу ўринда Сервантес инсонпарварлигининг кучи тўла намоён бўлади. Унинг реализми, турмушни акс эттиришдаги жуда катта маҳорати, инсонга нисбатан самимий ҳурмати, унинг юксак истеъдодига мустаҳкам ишонч билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу гуманизм Сервантесга телбалик ниқоби остига яширинган олижаноб ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошган Кеханани кўришга имконият туғдирарди. У ёзувчига муғамбир деҳқон – яроқбардор шахсида сахий, олижаноб кишини кўришга ёрдамлашади. Бу доно губернаторнинг сохта оролни идора қилиши бемаъни, ўзбошимча герцогга жонли таъна ролини ўйнаши мумкин. Кўп азоб-уқубатни бошдан кечирган Санчо образида Сервантеснинг ўз халқи фарзанди экани ёрқин ифодасини топгандир. Сервантес ижодининг халқчиллик характери борлиққа нисбатан ҳушёр ҳамда очиқ муносабатда бўлиш ва чуқур инсонийлик билан бевосита боғлиқ. Гениал ёзувчи дунёқарашининг бу томонлари бир-бирини тўлдирадики, унинг ижодига алоҳида самимийлик ва ўтқирлик бағишлайди.

Худди ана шу нарса Сервантес киноларининг алоҳида характерини белгилайди. Сервантес турмуш ва инсон устидан қанчалик аччиқ ва усталик билан кулмасин, ҳеч қачон унинг кулгисига на умидсизлик,

на руҳий тушкунлик сезилади. У инсонга ва унинг қудратига ҳаддан зиёд ишонгани учун ҳам умидсизликка тушмайди.

Романнинг мазмуни аслида ҳар қанча қайғули бўлмасин, унинг охири ҳар қанча фожиали тус олмасин, Сервантес бу борада ҳам ўз сермашаққат ҳаётидагидек мард, тетик ва ҳушчақчақлигича қолади.

Шунинг учун китобнинг ҳеч қаерида ноумидлик, ҳорғинлик, ишончсизлик сезилмайди. Аксинча, унда инсоннинг битмас-туганмас қудратига, хурофот ва ирим-сиримларга қарши, воқеликни тушунишда мешчанларча бир ёқдамалик, калтабинликка қарши курашдаги унинг истеъдодига, ер юзида янги ажойиб турмуш қуришга бўлган чуқур ишонч барқ уриб туради.

## ИЗОҲЛАР

<sup>1</sup> *Идальго* – кичик ерга эга бўлган дворян. Маврлар билан шиддатли кураш даврида (XI–XIV асрлар) Испания ҳаётида майда дворянлик муҳим роль ўйнаган эди. Испанияни чет элликлардан тозалашда озодлик қўшинлари асосан шулардан тузилган. Шунинг учун ҳам бу дворянлар курашларда қўлга киритилган ерларга пухта ўрнашиб олган эдилар. Бироқ XV ва XVI асрларга келиб, қиролик ҳукмронлигининг кучайган даврида дворянларнинг бу гуруҳи аста-секин қирол армиясининг оддий хизматкорларига, расмий амалдор ва саройнинг майда ходимларига айланиб, ўз нуфузларини йўқота бордилар. XV аср охирида бошланган капиталистик хўжалик формасига томон бурилиш ва биринчи даражали истеъмол баҳосининг тобора ўсиб бориши майда дворянликни аста-секин тўла хонавайронликка олиб келади. Сервантес даврида сўнги парча еридан ҳам ажралиб қашшоқлашган идальго испан ҳаётининг характерли вакилига айланиб қолган эди.

<sup>2</sup> *Амадис Галльский* – Испанияда, айниқса, XVI асрда катта муваффақият қозонган рицарлик романининг қаҳрамони. Бу романнинг мазмуни бутунлай фантазияга асосланган. Инглиз маликаси Элезена ўғил кўради. Беникоҳ туғилган боланинг иснодига чидолмай, она уни денгизга улоқтиради. Номаълум рицарь уни қутқариб, Шотландияга олиб кетади. Амадис улғайгач, Лизуартнинг қизи, гўзалликда беқиёс Орианани севиб қолади. Амадис унинг муҳаббатини қозониш учун бутун Европани кезади, сирли, сеҳрли мамлакатларга бориб қолади, ҳайбатли паҳлавонлар, жодугарлар, сеҳргарлар билан олишади ва мингларча бошқа ажойиб жасоратлар кўрсатади. Роман Амадиснинг ғалабаси билан тугайди. Ниҳоят, у кўнглини банд этган гўзал қиз Орианага уйланади. Романнинг ҳамма қаҳрамонлари тўқима шахслардир. У ёки бу ҳодиса-воқеаларнинг қайси мамлакатда содир бўлаётганини



англаб етиш қийин. Уларнинг ҳаракати қайси асрга мансублигини билиш ундан ҳам қийин. Роман муаллифи воқеаларни тарихий ҳақиқатга ўхшатиб тасвирлашга интилмаган ҳам. Унинг асосий мақсади – довюрак, олижаноб, меҳрибон, шу билан бир қаторда эпчил, кучли ва саботли жангчи бўлган ҳақиқий рицарни акс эттиришдан иборат эди.

<sup>3</sup> «Пальмерин Английский» романи – «Амадис Галльский»га тақлид қилиб ёзилган китоблардан бири. Пальмерин – Англия қироли дон Дуэрте (Эдуард)нинг ўғли. У ўз укаси, сипоҳлик тимсоли Флориан билан биргаликда маъшуқаси йўлида ҳисобсиз қаҳрамонликлар кўрсатади, қудратли жодугар Делиантни енгади, сеҳрли оролга тушиб қолади ва ҳоказо. «Пальмерин Английский»нинг кўп эпизодлари инглиз хроникалари ва солномаларидан олинганлиги билан «Амадис Галльский» романидан ажралиб туради.

<sup>4</sup> Сид Кампеадор («сид» – арабча «саид» сўзидан олинган: жаноб, ҳукмдор демакдир; кампеадор испанчада қаҳрамон, жангчи) – Испанияда XI асрнинг иккинчи ярмида яшаган ярим афсонавий қаҳрамон. Унинг ҳақиқий исми Рюи Диас Бивардир. Сид ажойиб саркарда бўлган ва Кастилия, Леон ҳам Арагония қироллари қўшинларида узоқ хизмат қилган, уларнинг ўзаро ҳарбий тўқнашувларида қатнашган. Сид маврлар билан жанг қилиб, улардан Валенсияни тортиб олишда, айниқса, шуҳрат қозонган. Унинг номи билан кўп афсоналар яратилган бўлиб, улар бизгача ҳисобсиз романслар ва дostonлар шаклида етиб келади,

<sup>5</sup> Ронсеваль дарасидаги жанг. Буюк Карл испан юришидан қайтаётганда (778 йил) қўшинининг арьергарди\* Ронсеваль дарасида тўсатдан душманга тўқнашиб қолиб, деярли бутунлай қириб ташланган. Бу жангда Карлнинг сафдошларидан бири – Хруадланд (Роланд) ҳалок бўлади. Бу воқеа француз эпосининг машҳур «Роланд ҳақида қўшиқ» асарида ёритилади. Бернард де Карпио – ўрта аср испан эпосининг афсонавий қаҳрамони.

<sup>6</sup> Буцефал – Македония подшоси ва қадимги замоннинг машҳур саркардаси Буюк Искандарнинг (356 – 323 йиллар,

\* Арьергард – ҳарбий юришда асосий кучлардан кейинда боровчи қисмлар.

эрамизгача) оти. Буцефал жанг суронидан хуркмас, нақ душман тўдасига ташланарди, у шиддати, даҳшати ва бардоши билан шуҳрат қозонган от. У қонли жанглардан бирида ҳалок бўлгунича Искандарга узоқ ва содиқ хизмат қилади. Искандар ўз отини катта мотам маросими билан дафн қилади, унинг қабри ўрнида бутун бир шаҳар барпо этади ва шаҳарни Буцефалия деб оти номига қўяди.

<sup>7</sup> *Сиднинг Бабъекаси* – қатор романсларда шуҳрати куйланадиган Сиднинг оти. Сиднинг оти Буцефал сингари ниҳоятда учқур, кучли ва бардошли бўлган. Маврлар билан бўлган жангларда у эгасини бир неча бор хатардан сақлаб қолган.

<sup>8</sup> *Феб* – қадимги юнонларда қуёш ва ёруғлик худоси.

<sup>9</sup> *Паладин*. Дастлаб Буюк Карлнинг (VIII аср охири – IX аср бошларида яшаб ҳукмронлик қилган) аслзода яқин кишилари паладин деб аталган, улар император билан унинг саройида бирга яшаганлар (лотинчада саройни – *palatium* дейилган) ва уни юришларда кузатиб борганлар. Кейинчалик ҳар қандай аслзода ва шавкатли рицарни паладин деб аташган.

<sup>10</sup> *Рицарлик унвони бериш*. Сервантес ҳақиқий рицарликка ўтказиш маросимини катта мароқ билан масҳара қилади. Рицарлик равнақ топган даврда (XI–XIII асрлар) бу маросим айниқса тантана ва дабдаба билан ўтказилган. Ҳар бир рицарликка ўтувчи одам унвон олишдан олдинги тунни қуроляроғларни қўриқлаб, черковда ўтказиши лозим эди. Эрталаб ибодат вақтида бу қуроляроғ табаррукот қилинарди. Янги рицарь унинг устида рицарликнинг ҳамма қонун ва қоидаларига қатъий амал қилажагига тантанали ваъда берарди. Кейин бирорга донгдор ва жанговар ишда чиниққан рицарь чиқиб, қўлига қилич олар ва у билан унвон олувчининг чап елкасига уч марта уриб: «Сени рицарликка ўтказаман», – дерди. Шу билан маросим ҳам тугарди. Рицарликка ўтувчининг белига қилич осишиб, олтин шпорлар тақиб қўйишарди. У ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси янги рицарь шарафига уюштирилган зиёфатга йўл олишарди.

<sup>11</sup> *Реал (real le plata, 68 мараведис)* – тўрт куартодан иборат, 20 тийинга яқин танга.

<sup>12</sup> Маркиз Мантуанск ва жияни рицарь Балдуин ҳақидаги қадимий романс Испанияда тилдан-тилга ўтиб юарди.

<sup>13</sup> *Лиценциат* – университетларда ўқитиш ҳуқуқини берувчи илмий унвон.

<sup>14</sup> *Урганда* – дон Кихот ёқтирган «Эспландиан» рицарлик романидаги асосий қаҳрамонлардан бири, сеҳргар аёл.

<sup>15</sup> *Архиепископ Турпин* – VIII аср охиридаги Реймс архиепископи. Узоқ вақт «Буюк Карлинг ҳаёти ҳақида»ги машҳур йилнома («Турпин йилномаси»ни тузган шахс шу киши деб келинади. Буюк Карл билан унинг Испаниядаги жияни Роланднинг қаҳрамонликлари ва саргузаштлари ҳақидаги бу йилнома тарихий ҳақиқатдан узоқ фантастик, афсонавий ҳикоялардан иборат «Турпин йилномаси». Буюк Карл ва унинг сафдошлари ҳақидаги кўпгина рицарлик романларига асосланади).

<sup>16</sup> *Ўн икки нэр* – Буюк Карл сафдошларидан бўлган ўн икки афсонавий рицарни шундай деб аташарди. Улар орасида энг машҳурлари: Роланд, Оливье, Рейнальд Монтальбанскийлар эди. «Турпин йилномаси»да бу рицарларнинг мутлақо ақл бовар қилмайдиган қаҳрамонликлари ва саргузаштлари тасвирланади.

<sup>17</sup> *Рольдан* – Роланд номининг халқ томонидан ўзгартирилган шакли.

<sup>18</sup> *Яроқбардор*. Яроқбардорлик касби паст иш эмас эди. У хизматкор бўлмай, балки рицарнинг жанговар ёрдамчисидир. Қадимий ва бадавлат дворян оилаларига мансуб бўлган ўспиринлар ўз қаҳрамонликлари билан шуҳрат қозонган рицарларга жон деб яроқбардор бўлганлар. Бундай машҳур рицарга яроқбардорлик қилиш яхшигина ҳарбий мактаб ҳисобланган. Бундан ташқари, рицарь ҳомийлигида саройдан эътиборли танишлар орттиришга, юқори мансабларга кўтарилишга умид қилиш мумкин эди. Лекин энг муҳими – яроқбардор бўлиш рицарлик унвонини олишда бирдан-бир тўғри йўл эди. Яроқбардорлар маош олишмасди. Аммо одатда рицарь қўлга киритган ўз ҳарбий ўлжаларидан унга маълум улуш ажратиб ва совғалар бериб турарди. Рицарь бирор эътиборли лавозимга кўтарилар экан, ҳеч қачон ўз яроқбардорини эсдан чиқармас ва унинг мумкин қадар

яхшироқ ишга жойлашиб олишига ёрдамлашарди. Чин рицарлик қоидаларига асосан оддий деҳқон аёл Альдонса Лоренсо ифбатли хоним ролига қанчалик мос келмаса, Санчо ҳам яроқбардорликка худди шунчалик мос келмасди.

<sup>19</sup> *Бриарей* – қадимги юнонларнинг эътиқодига кўра, денгиз худоси Посейдон ва маъбуда Фетиданинг ўғли. У юз қўлли, ўт-олов пурковчи ҳаддан зиёд паҳлавон бўлган.

<sup>20</sup> *Бенедиктчи* – VI асрда ташкил топган Бенедикт орденининг роҳиби. Орден катта бойликка эга бўлиб, таъсири ниҳоятда кучли эди.

<sup>21</sup> *Бискайлик* – баск.

<sup>22</sup> *Санта Эрмандад (сўзма-сўзига – муқаддас биродарлик)*. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг эркин уюшмалари дастлаб шундай деб аталган. Бу уюшмаларнинг мақсадлари ўзлари ва мол-мулкларини феодал ҳамда уларнинг шерикларининг бебошликларидан сақлаб қолишдан иборат бўлган. XIV асрда бутун Испанияни шундай уюшмалар босиб кетади; улар иттифоқ ташкил қилишиб, қудратли ташкилот тузишади. Феодаллар Санта Эрмандадни барбод этишга бир неча марта уриниб кўришади, бироқ феодал зодагонларининг таъсирини чеклашга интилаётган қирол ҳокимияти биродарликни қатъий қўллаб-қувватлайди. Санта Эрмандад расман тан олингач, аста-секин эркин иттифоқдан маъмурий муассасага айланади. У турли-туман жиноятларга қарши курашувчи ҳимоя корпусига айланиб қолади. Сервантес замонасида Санта Эрмандаднинг эътибори жуда паст тушиб кетади. Инквизиция\* уюшмани ўз таъсирига олиб, унинг аъзолари хизматидан ўз шахсий мақсадлари йўлида тез-тез фойдаланиб турган.

<sup>23</sup> *Асумбра* – икки литрдан кўпроқ бўлган суюқлик ўлчови.

<sup>24</sup> *Альбрак қамали* – италиялик шоир Маттео Боярдонинг (1434 – 1494) «Ошиқ Роланд» достонидан эпизод.

<sup>25</sup> *Силен* – қадимги юнонларнинг эътиқодига кўра май-узумчилик худоси Вакх (Дионис)нинг тарбиячиси. У майхўрлик ва шўх ўйин-кулги, байрамларнинг мухлиси бўлган. Силенни кўпинча эшакка мингизилган ва маст

---

\* XIII аср бошларида католик черкови томонидан тузилган ва черков томонидан бераҳм таъқиб этган суд-полиция ташкилоти.

ҳолда тасвирлаганлар. Унинг маст сатирлар\* ва фавнлар\*\* тўдаларининг қуршовида юнон шаҳри Фивага тантанаи вазиятда кириб бориши ҳақидаги ҳикоя Уйғониш даврида катта шуҳрат қозонган эди. Дон Кихот худди шу ҳикояга ишора қилган.

<sup>26</sup> *Жиневра* – афсонавий англиз қироли Артурнинг рафиқаси, ўрта асрдаги кўп афсона ва романларнинг қаҳрамони.

<sup>27</sup> Дон Кихот тилга олган қаҳрамонларнинг номлари, шунингдек, турли-туман қабила ва жойларнинг отларини у қисман рицарлик романларидан, қисман ўз замонасига мансуб бўлган тарихий ва географик асарлардан олган.

<sup>28</sup> Афсонавий англиз қироли Артурнинг сафдошларини Тегарак стол рицарлари деб аташган, чунки улар қирол саройидаги зиёфат залига ўрнатилган тегарак стол атрофига йиғилишар эди. Бу рицарлар (Тристан, Ланселотт ва бошқалар)нинг зўр муваффақиятлари «Артур туркуми»га кирган қатор романларда ёритилган.

<sup>29</sup> *Қадимги яҳудийларнинг уч афсонавий раҳнамолари* – Исо Навин, ҳазрати Довуд, Иуда Маккавей: қадимги мажусийлар замонининг уч қаҳрамони – Искандар Румий, Гектор Троянский, римлик саркарда Юлий Цезарь; уч насроний – Англия қироли Артур, Буок Карл ва салб юришларининг энг машҳур йўлбошчиларидан бири – Готфрид Бульонскийлар ўрта асрда Шуҳратли Тўққиз Эр деб ҳисобланган.

<sup>30</sup> *Марс* – қадимги римликларнинг уруш худоси.

<sup>31</sup> *Етти оғайни*. Бу ерда гап етти оғайни – Катта Айиқ юлдузлари тўдаси ҳақида кетаётир. Унинг осмонда турган ҳолатига қараб вақтни тахминан белгиласа бўлади.

<sup>32</sup> Юнонлар тўс-тўполонни Елена туфайли қилишган... Қадимги юнон ривоятларига кўра, Троя подшоси Приамнинг ўғли Парис Спарта подшоси Менелайнинг хотини гўзал Еленани ўғирлаб кетади. Ҳақоратланган Менелай ёрдам сўраб ўз қавм-қабилаларига мурожаат қилади. Юнонлар унга ён босишади ва Трояга юриш бошлашади. Трояни қамал қилиш бир неча йилга чўзилади ва ниҳоят шаҳар вайрон қилинади. Шу уруш тарихи «Илиада» ва «Одиссея» асарларининг мазмунини ташкил этади.

\* Юнон мифологиясида – май ва айш-ишрат худосининг эчки шаклида бўлган фоҳишабоз ҳамроҳи.

\*\* Қадимги Рим мифологиясида – ўрмон илоҳи.

<sup>33</sup> *Суэльдо* – бир сўмга яқин бўлган танга. Эски испан қонуни оқсуякларга уларни ҳақорат қилган кишилардан беш юз суэльдогача жарима ундириб олиш ҳуқуқини берган.

<sup>34</sup> *Галерлар*. Франциядагидек Испанияда ҳам каторга ишларига ҳукм қилинган айбдорлар қироллик кемаларида – галерларда эшкакчи бўлиб жазо муддатини ўтар эдилар. Галерлардаги турмуш шароити ниҳоятда оғир бўларди. Бандиликдаги асоратли иш, қаттиқ тан жазоси, ёвгон овқат, биқиқ, ифлос хона – ҳаммаси галерларни чинакам дўзахга айлантирган эди.

<sup>35</sup> *Тормеслик Ласарильо* – номаълум муаллифнинг 1554 йида босилиб чиққан повести. Кичкинтой жулдурвоқи Ласарильонинг саргузаштларини соддагина ҳикоя қилиш баҳонасида китобда ўша даврдаги испан ҳаёти ўткир сатира остига олинади. Испанияда бу повесть кенг тарқалади ва «Фирибгарлик-саргузашт романига» асос солади.

<sup>36</sup> *Ака-ука Маккавейлар* – яҳудий халқининг ўз мустақиллиги учун Сурияга қарши курашган даврида Таврот оятларида мақталган йўлбошчилари.

<sup>37</sup> *Кастор ва Поллукс* – қадимги юнон эътиқоди бўйича ака-ука эгизаклар, худо Зевс ва гўзал Леданинг болалари. Қадимгилар уларни оға-ини муҳаббати ва ҳарбий шон-шухратда вафодор бўлишнинг тимсоли деб ҳисоблашган.

<sup>38</sup> *Улисс* – Одиссей, афсонавий Итака оролининг шоҳи, Троя урушининг қатнашчиси. Гомер дostonларида у ўзининг ақл-идроки, зийраклиги ва бурролиги билан «уддабурон» деб ном олган.

<sup>39</sup> *Эней*. Виргилийнинг «Эней» дostonида Эней Трояга ўт кетиб, ҳалокатга учраган пайтида ўзининг кекса отаси Анхизни қутқариб қолади. У хавф-хатарни писанд қилмай, Анхизни қўлида кўтариб кема ёнига элтади. Унда тирик қолган трояликлар Троя соҳилларидан сузиб кетадилар.

<sup>40</sup> *Шиддатли Роланд* – Уйғониш давридаги италиялик шоир Ариостонинг (1474 – 1533) машҳур дostonининг қаҳрамони. Анжелика – Роланднинг кўнглини банд этган маъшуқаси. У шу аёлни деб дostonда тасвирланган жамики саргузашт ва қаҳрамонликларни қилган.

<sup>41</sup> *Пезо* – баҳоси икки сўмлик олтин пулга яқин турган испан тангаси.

<sup>42</sup> *Ялангоёқ кармелитлар* – Кармелит орденининг роҳиблари. У XII асрда Фаластинда ташкил топиб, бутун Европа бўйлаб ўз мазҳабини кенг ташвиқ эта бошлаган. Камтарликда ибрат кўрсатишни истаган бу бадавлат орденининг роҳиблари одатда яланг оёқ юришган.

<sup>43</sup> *Арроба* – ўрта ҳисобда ўн икки литрга тенг бўлган суюқлик ўлчови.

<sup>44</sup> Сервантес дон Кихот тилидан денгиз жангининг даҳшатларини тасвирлар экан, Лепантодаги (1571) ўзи қатнашган машҳур жангни беихтиёр эслайди. Шу жангда Сервантес кўрсатган фидокорона мардлик ва жасорат ҳужжатлардан маълум.

<sup>45</sup> *Феб чопқир нимфани раиш қиларди...* Феб (Аполлон) – қадимги юнонларда ёруғлик, поэзия ва мусиқа худоси. Дон Кихот Аполлон ва Дафна тўғрисидаги афсонани назарда тутган. Аполлон Фессалия воҳасида тентираб юриб, дарёлар худоси Пеней билан ер худосининг қизи нимфа – юнонлар мифологиясида табиатнинг турли-туман кучларини ифода этувчи иккинчи даражали худо – Дафнани севиб қолади. Бироқ Дафна ундан Левкипп исми ўсмирни афзал кўради. Ҳазаб ва рашк ўтида ёнган худо нимфани доимо назорат-таъқиб қилади. Бир сафар Феб Дафнани қувиб етиб олади ва қизни энди тутмоқчи бўлганида шу заҳоти нимфанинг онаси унинг оёғи остидаги ерни ёриб юборади. Дафна ғойиб бўлади, у ердан дафна дарахтчаси ўсиб чиқади.

<sup>46</sup> *Аграманте қароргоҳи. Аграманте* – Ариостонинг «Шиддатли Роланд» достонидаги қаҳрамонлардан бири. Аграманте Париж остонасида қароргоҳ қуриб турган пайтда унинг қўшинида ўзаро қаттиқ низо ва жанжаллар чиқади. Оқибатда иш шу даражага етиб борадики, ким ким билан ва нима учун урушаётганини ҳам фарқ қилмай қолади.

<sup>47</sup> *Қиролича туфлиси* – қиролининг уйланиши муносабати билан аҳолидан олинадиган махсус солиқ. Солиқнинг бундай ғалати ном билан айтилишига сабаб ўша пайтларда Испанияда пўкак тумшукли туфлиларни фақат турмушга чиққан хотинларгина кийишган. Халқ эса қироличага қимматбаҳо туфли олиб бориш вақти келибди деб гап юритган.

<sup>48</sup> *Сехргар Зороастр. Зороастр* – қадимги форслар динининг афсонавий асосчиси, Зороастр таълимотига кўра

икки худо – яхшилик (Ормузд) ва ёмонлик (Ариман) худолари дунёни қўлга киритиш учун кураш олиб борадилар. Дунё ҳаёти шу кураш асосида ташкил топган. Ўрта асрларда ва ундан кейин ҳам Зороастрни қора ва оқ сеҳр кучлари ҳамда бошқа ҳар қандай жодугарлик илму амалларининг асосчиси деб ҳисоблашган.

<sup>49</sup> *Сьеста* – Европанинг жанубий мамлакатларида чошгоҳдан кейинги дам олиш пайти.

<sup>50</sup> *Роланднинг бурғуси*. Буюк Карлнинг афсонавий сафдоши паладин Роланднинг сеҳрли бурғуси – «Олифант» бўлган. Бу бурғунинг товуши юз миллаб масофага етиб борган. Ронсеваль дарасида француз арьергарди душмандан энгила бошлаганда, Роланддан сафдошлари ўз Олифантини чалиб, асосий куч билан қўшин олдида кетаётган Буюк Карлни ёрдамга чақиришни илтимос қилишади. Бироқ Роланд анча вақтгача бурғусини чалмайди. Ниҳоят, унинг отрядидагилардан деяри ҳеч ким қолмайди. Унинг ажойиб қиличи Дюрандаль ҳам синди. Ана шундагина у бурғуни чалади. Бироқ у кечиккан, фурсат ўтган эди, Роланд ўзи ҳам тенгсиз жангда ҳалок бўлади.

<sup>51</sup> *Педро Барба ва Гутьерре Кихада* – булар кастиль рицарлари бўлиб, 1435 йилда ўз маъшуқаларини шарафлаш мақсадида Францияга у ердаги рицарлар билан курашиш учун йўлга чиқишган.

<sup>52</sup> Леонлик рицарь Суэро Киньонеснинг турнири 1434 йилда бўлиб ўтган. Киньонес ўзининг ўнтача ўртоқлари билан ўттиз кун мобайнида Испания, Италия, Германия ва Франциядан келган олтмиш рицарга қарши голибона олишган.

<sup>53</sup> Наварр рицари Луисе де Фальсес билан кастиль рицари Гонсало де Гусманнинг яккама-якка олишуви 1428 йилда Вальядолидада бўлиб ўтган.

<sup>54</sup> Сервантес романининг биринчи жилди ўттизинчи бобда тасвирланган дон Кихотнинг уйга қайтиши билан тугайди. Бу биринчи жилд 1605 йилда босилиб чиқади ва китобхонларга жуда манзур бўлади. У Испанияда бир неча марта қайта босилади ва француз ҳамда инглиз тилларига таржима қилинади. Хуллас, Фамгин Қиёфа рицарь образи



бутун Европага донг таратади. Сервантес дон Кихотнинг иккинчи қисмини ёзишга киришар экан, бундан усталик билан фойдаланиш зарурлигини фикр қилди.

<sup>55</sup> *Ликург* – қадимги Спартанинг (эрамизгача бўлган IX аср) машҳур қонуншуноси. Ривоятларга қараганда мустақкам Спарта давлати тузумининг қарор топишига асос солган ва унинг қонунларини яратган ҳам Ликург бўлган.

<sup>56</sup> *Солон* – машҳур Афина файласуфи, эрамизгача бўлган VII–VI асрларнинг қонуншуноси ва шоири.

<sup>57</sup> *Юпитер (Зевс)* – қадимги юнон ва римликларнинг эътиқодларига кўра осмон худоси, худолар ва одамларнинг ҳокими. Юпитер отаси Сатурн ва укалари баҳайбат паҳлавонлар билан шиддатли жангдан сўнг осмон-у замин устидан ҳукмронлик қилишни қўлга олган. Улар устидан ҳукмронликни қўлга киритгач, у осмон билан ерни ўзига қолдириб, денгизни Нептунга (Посейдонга), дўзахни – Плутонга берган.

<sup>58</sup> *Алькальд* – бир йиллик муддатга сайланган шаҳар ҳокими ёки қишлоқ оқсоқоли; у шунингдек, судьялик вазифасини ҳам бажариб келган.

<sup>59</sup> *Бакалавр* – университетни тамомлаганда бериладиган биринчи илмий унвон.

<sup>60</sup> *Сервантес* «Дон Кихот»даги муаллиф чекинишларида китобхон билан ҳазиллашмоқчи бўлиб, ўз китобини мавр Бененчели ёзган асар дейди.

<sup>61</sup> *Мафусаил* – Тавротдаги патриарх, унинг узоқ, яшаши мақол бўлиб қолган.

<sup>62</sup> Карраско дон Кихотга Сарагоссага турнирга боришни маслаҳат беради. XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида, яъни Сервантес замонасида Испанияда рицарлик турнирлари ҳали ўтиб турар эди, 1599 йилда Валенсияда, 1602 йилда Торо, Самор ва Вальядолидада ажойиб турнир бўлиб ўтади.

<sup>63</sup> *Гораций ўзини Тибрга ташлади. Публий Гораций Коклес* – афсонавий рим қаҳрамони. Эрамиздан аввалги 507 йилда этрусклар Римга ҳужум қилишганда, у Тибр дарёси кўпригидан душманни шаҳарга ўтказмасдан, бир ўзи узоқ муддат уни ҳимоя қилиб, шаҳарни сақлаб қолади.

Ниҳоят, римликлар Горацийнинг орқа томонидаги кўприк пештоқини бузишга муяссар бўлишади. Шундан сўнггина Гораций ўз постини қолдиришга қарор қилади, ўзини дарёга отади, душманнинг дўлдек ёғилиб турган тош ва камон ўқ-найзаларидан яраланиб, аранг қирғоққача етиб олади, Горацийнинг номини шон-шухратга буркаган бу қаҳрамонлиги учун олиҳиммат римликлар тирик чоғида унга ҳайкал ўрнатишади.

<sup>64</sup> *Муций ўз қўлини куйдиради.* Ривоятларга кўра, этрусклар қироли Порсена Римни қуршаб олганда, Рим сенати Кай Муций деган жангчини қиролни ўлдириш топшириғи билан душман қароргоҳига юборди. Муций янглишиб қирол ўрнига алақайси мирзасини ўлдириб қўяди. Уни ушлаб олиб, қирол қошига келтиришади, азоблаш ва осиб ўлдириш билан қўрқитишади. Ҳеч нарсадан қўрқмаслигини исбот қилиш учун Муций ўнг қўлини қурбонгоҳ оловига тутади ва тикка боқиб қўйишини кузатади. Бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мардликдан ҳайратда қолган Порсена Муцийни қўйиб юборади. Унинг уч юз нафар римлик йигитлари қиролни ўлдириш учун қасам ичишган, деган сўзидан қўрққан Порсена Рим билан сулҳ тузиш ва қуршовни бекор қилишга зудлик билан киришади. Сенат Муцийга катта ер майдони ҳадя қилади. Шу қаҳрамонликдан кейин уни Сцевола («чапақай») деб атаётганлар.

<sup>65</sup> *Цезарь Рубикондан ўтди.* Рубикон – Италиянинг шимолидаги Адриатик денгизга қўйиладиган кичик дарё. Қадим замонларда у Италия билан Италия Галлияси ўртасида чегара бўлиб хизмат қилган. Бирор саркарда Рим сенатининг рухсатисиз бу дарёдан кечиб ўтолмаган. Биргина Юрий Цезарь бу тақиқни бузишга журъат этган. Цезарнинг ҳаддан зиёд шухратида ташвишланган сенат уни Галлия легионларига қўмондонлик қилишдан четлатмоқчи бўлади, шунда у кичкина бир отряд билан Италияга шошилади. Цезарь Рубиконга яқинлашгач, бир дамгина тўхтаб ўйлаб қолади. Рубикон дарёсидан ўтиш Помпей қўмондонлиги остидаги катта қўшинга таянган сенатга қарши уруш эълон қилишни билдирарди. Галлияга

қайтиш эса, сенат ихтиёрига бўйсуниб деган гап эди. Цезарь тезда бир қарорга келади: у Рубикон дарёсини кечиб ўтиб, Римга томон йўл олади. Бу ақлга сизмайдиган дадил ташаббус муваффақиятли тугайди. Барча қўшинлар унинг томонига ўтади ва у Римга тантанавор кириб боради. Италиянинг ҳокими мутлақ бўлиб қолади.

<sup>66</sup> *Геркулеснинг ўғай онаси. Геркулес* – Зевс ва Алкменанинг ўғли, қадимги юнон ривоятларининг энг машҳур қаҳрамонларидан бири. Геркулес жисмонан кучлилиги ва мардлиги билан ажралиб турарди. Сервантес унинг ўғай онаси ҳақида сўзлар экан, афтидан, Ливия маликаси Омфалани назарда тутди. Малика уни севиб қолган Геркулесни қатор хатарли ва уни камситадиган ишларни бажаришга мажбур қилади.

<sup>67</sup> *Баҳайбат Хиральда* – зафар нишонаси сифатида Севилья ибодатхонаси бош минорасига ўрнатилган катта байроқ.

<sup>68</sup> *Гисандонинг тош буқалари* – Мадрид яқинидаги Гисандо қишлоғида тошдан беўхшов йўнилган бешта катта ҳайкал. Уларни ким, қачон ясагани номаълум. Сервантес замонасида бу ҳайкаллар Испаниянинг диққатга сазовор ёдгорликларидан ҳисобланарди.

<sup>69</sup> *Кабра жарлиги*. Кабра жарлиги Кордова яқинида бўлиб, унинг чуқурлиги юз элик метрга яқин келади. Кабра жарлиги илгариги вақтларда теварак-атрофида яшовчи аҳолига хурофий даҳшат солган.

<sup>70</sup> *Манна* – кўпгина Ўрта ер денгизи дарахлари, айниқса, терак ва толларнинг пўстлоқларидан чиқадиган чучук ва ҳидли шарбат. Манна қурий бошлагач, дарах пўстловида доғ ва оппоқ қуйилма қолдиради.

<sup>71</sup> *Монтесинос гори Ламанч яқинида*. Сервантес форга кираверишни анча аниқ тасвирлаган.

<sup>72</sup> *Полидор Виргилий* – XV асрдаги итальян олими. Унинг «Ихтирочилар тўғрисида» номли асари ўз даврида машҳур бўлган. Сервантес Полидор китобига қўшимча китоб ёзаётган билимдон талаба шахси орқали схоластика таъсиридан ҳанузгача қутулолмаган ўша даврда университетда ўқитилган фанлар устидан заҳархандалик билан кулади. Серван-

тес бу фанларга умрбод салбий муносабатда бўлади. У ҳеч қачон бефаҳм «бачканалар» устидан кулиш фурсатини бекор кетказмасди. Улар эса, ўз навбатида, Сервантесга ғазабдан нафратланиб жавоб қайтаришар, университет дипломига эга бўлмаган киши қандай қилиб адабиётга киришга журъат этди дейишиб, такаббурлик билан таажжубланишар эди.

<sup>73</sup> *Монтесинос, Дурандарте* – афсонавий испан рицарлари. Улар гўё Буюк Карлнинг Испанияга юришида қатнашганлар. Сервантес юрак кесиб олиш эпизодини қадимий романслардан олган.

<sup>74</sup> *Мерлин* – қадимги инглиз ривоятларига кўра афсонавий қаҳрамон, каромат қила оладиган донишманд сеҳргар. Рицарлик романларида одатда у қудратли сеҳргар сифатида қатнашади.

<sup>75</sup> *Гвадиана*. Юқори Гвадиана дарёси йўл-йўлакай бир неча бор ер остида йўқолиб кетади. Бу ҳол жуда кўп афсоналарни келтириб чиқарган. Сервантес дон Кихотнинг ғорга кириши тўғрисидаги ҳикояда қисман ўша афсоналардан фойдаланган.

<sup>76</sup> *Герцог Альба (1508 – 1582)* – саркарда ва испан қироли Филипп II нинг ишончли кишиси. Альба Нидерландия вилоятларидаги қўзғолонларни бостиришда ва Португалияни босиб олишда ўзининг ваҳшиёна шафқатсизлиги билан донг чиқаради. Унинг номини эшитган халқ даҳшатга тушарди.

<sup>77</sup> *Испаниядаги қўғирчоқ театри ҳанузгача равнақ топиб келмоқда*. XIX асрнинг 70-йилларида ҳам Севилья, Валенсия ва бошқа шаҳарларнинг саҳналарида «Гайферос ва Мелисендранинг қизиқарли тарихи» кўрсатилар эди. Томошабинлар уни завқ билан томоша қилишарди. Бу воқеа кўп романларда куйланган. Романсларда Гайферосни Буюк Карлнинг набираси, машҳур Роланднинг темирчиси, Мелисендрани эса, императорнинг қизи деб аташади. Унаштириб қўйилгандан кейин кўп ўтмай Мелисендрани маврлар Испанияга олиб қочишади. Гайферос бир қатор саргузаштлардан сўнггина ниҳоят уни асирликдан озод қилишга муваффақ бўлади.

<sup>78</sup> *Рехидор* – қишлоқ ёки шаҳар бошқармасининг аъзоси.

<sup>79</sup> *Птолемей* – эрамининг II асрида яшаган машҳур юнон астрономи, математиги ва географи. Турғун Ер самовий

жисмлар марказида жойлашган деган космогоник қараш, яъни оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги таълимоти Коперник ва Галилейнинг гениал ихтироларига қадар ҳаммага маъқул таълимот бўлган.

<sup>80</sup> *Кава*. Қадимий испан афсоналаридан бирида VIII асрда Испаниянинг араблар томонидан забт этилиши тўғрисида шундай ҳикоя қилинади. Қудратли граф Юлианнинг Кава исмли гўзал қизи бўлган экан. Юлиан қизини ниҳоятда севар ва уни кўз қорачиғидек асрар, эъзозлар экан. Бироқ бу бахтсиз отанинг тўла ишончига кириб олган қирол Родриго гўзал Каванинг номусини бузади. Родригодан ўч олиш учун граф Юлиан арабларни Испанияга чақиради. Родриго арабларга қарши жанг қилади, лекин бутунлай тор-мор бўлади, ўзи ҳам жангда ўлади, Юлиан қизи учун ўч олганидан хурсанд бўлиши керак эди. Аммо араблар Испанияда қолишади ва ярим оролни аста-секин бутунлай ўзларига қаратиб олишади. Шундай қилиб, дон Кихот Елена билан Кавани бир-бирига таққослар экан, у Еленани ўғирлашганда Троя хароб бўлганидек, Кавани ҳақоратлагани туфайли Испания арабларнинг босқинига учраганини айтмоқчи бўлади.

<sup>81</sup> *Ошхона пикаролари* – феодал саройларининг ошхоналарига суқилиб кириб олган ва мулозимлар ҳамда хизматкорлардан қолган сарқит овқатлар билан кун кечирувчи ювиндихўрлар. Пикаро сўзининг аниқ маъноси – дайди, айёр, тиланчи демакдир.

<sup>82</sup> *Вамбо (672 – 680)* – готлар сулоласидан чиққан испан қироли. Ривоятларга кўра, у деҳқон табақасидан чиққан.

<sup>83</sup> *Елисей далалари* – қадимгиларнинг эътиқодига кўра бахтиёрлар майдони, қаҳрамонлар ўлгандан сўнг руҳи яшайдиган жой.

<sup>84</sup> *Эспландиан*. Бу роман «Амадис Галльский» асарининг бевосита давомидир. Эспландиан – Амадис ва Ориананинг ўғли. Эспландиан рицарлик унвонини олгач, саргузашт излаб кетади. У жасоратлар кўрсатадиган асосий майдон Шарқдир. У бу ерда турклар ва сарацинлар билан курашади, якка ўзи улар устидан мислсиз ғалабалар қозонади, шаҳарларни забт этади, ёвуз жодугар ва сеҳргарларнинг

ҳийлаю найрангларини чиппакка чиқаради, ниҳоят, Истамбул императори бўлиб қолади.

<sup>85</sup> Табақаланиш, насл-насаб бидъати дворянларга бирор ҳунар билан шуғулланишни ман қиларди. Фақат қушларга қафас ва тиш тозалагич яшашгина дворяннинг шаънига доғ туширмайдиган машғулот саналарди.

<sup>86</sup> *Альгасил* – полиция назоратчиси, жамоатчилик орасида осойишталик, тартиб ва интизомни сақловчи нозир.

<sup>87</sup> *Беллерофонт* – юнон мифологиясининг қаҳрамонларидан бири, Коринф қироли Главкнинг ўғли. Беллерофонт тасодифан акасини ўлдириб қўйиб, Коринфдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. У Аргосга, подшо Претос ҳузурига жўнайди. Подшо уни жуда яхши қабул қилади, бироқ подшонинг хотини малика Стенобея Беллерофонт гўё уни йўлдан оздирмоқчи бўлганини эрига арз қилади. Шунда Претос меҳмонни ўзи жазолашни истамай, уни қариндоши подшо Иобатей ҳузурига жўнатади. Унинг қўлига Иобатейга топшириш учун мактуб беради. Сирли ҳарфлар билан ёзилган хатда Претос Беллерофонтни ўлдиришни илтимос қилади. Иобатей хатни олиб, Беллерофонтни даҳшатли махлуқ Химера билан олишишга буюради, у бу курашда йигит ҳалок бўлади деб ўйлаган эди. Бироқ Афина худосининг ёрдами билан, яъни Беллерофонтга тортиқ қилган сеҳрли от Пегас кўмагида баҳайбат махлуқни енгади. Бундан кейин ҳам у шунчалик кўп ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатадики, қойил қолган Иобатей у билан ярашибгина қолмай, балки унга қизини бериб, ўзига куёв қилади.

<sup>88</sup> Куёш худоси Гелиос қадимги юнон ривоятларига кўра, ўз ўғли Фаэтоннинг илтимоси билан унга куёш ғилдирагини айлантиришни ишониб топширади. Лекин заиф ва тажрибасиз бола йўлдан тойиб, бутун оламни ёндириб юборишига оз қолади. Дунёни сақлаб қолиш учун маъбудлар ҳокими Зевс чақмоқ зарби билан бечора йигитчани уради, Гелиос бўлса куёшни яна тўғри йўлга солиб юборади.

<sup>89</sup> Чўпонларнинг афсоналарида кўпинча юлдузлар осмонда фаришталар боқиб юрган эчкилар ёки қўйлар суруви қилиб ифода этиларди.

<sup>90</sup> Дастлабки таом – мева. Сервантес даврида яхши врачлар овқатланишни мевалардан бошлашни маслаҳат берганлар.

<sup>91</sup> *Гиппократ (460 – 364, эрализга қадар)* – қадимги замоннинг буюк врач, уни «медицинанинг отаси» деб аташган. Уйғониш даврида ҳам Гиппократнинг обрўси ниҳоятда баланд бўлган ва докторлар ундан далил келтиришни яхши кўришарди. Бу ўринда доктор Санчони шунчаки аҳмоқ қилади: Гиппократ ҳеч қачон каклик ҳақида гапирмаган.

<sup>92</sup> Маврларни қувиш. Филипп II (1556 –1598) ва унинг валиаҳди Филипп III (1598 –1621) даврида маврларни Испаниядан қувиш ниҳоясига етказилган. Бу қувғин оқсуяк ҳукмронлар томонидан ҳам, инквизициячилар томонидан ҳам қулоқ эшитмаган ёвузликлар билан амалга оширилган. Сервантес худди ўз романи «Дон Кихот»ни ёзаётган вақтда, яъни 1609 –1610 йилларда маврлар Ламанчдан зўрлаб чиқарилаётган эди. Африкага кўчиб борган маврлар бир неча майда давлатларни ташкил қилишади. Кейинчалик уларни Франция, Италия ва бошқа Европа давлатлари босиб олиб, ўзларининг мустамлакаларига айлантиришади.

<sup>93</sup> *Қароқчи Роке Гинарт* ҳақиқатан ҳам Сервантес замонасида яшаган. У ўғрилиқ ва босқинчиликда ўзининг довураклиги, даҳшати билан бутун Испанияга довурак солган.

<sup>94</sup> *Менинг Троям шу ерда бўлган эди* – юнонлар томонидан Трояни хароб қилиш тўғрисидаги ривоятлар таъсири остида тўқилган ҳикматли сўз бўлиб, бу ерда мен тамомила барбод бўлдим, деган маънони билдиради.

## МУНДАРИЖА

<i>БИРИНЧИ БОБ.</i> Ламанчлик дон Кихотнинг кимлиги .....	3
<i>ИККИНЧИ БОБ.</i> Дон Кихотнинг биринчи бор ўз мулки-давлатидан узоқлашиб сафарга чиққани.....	8
<i>УЧИНЧИ БОБ.</i> Дон Кихотнинг рицарликка ўтиши .....	13
<i>ТЎРТИНЧИ БОБ.</i> Рицаримизнинг меҳмонхонадан жўнаб кетгандан кейинги кечирган саргузаштлари.....	20
<i>БЕШИНЧИ БОБ.</i> Рицаримизнинг уйга қайтиб келгани .....	26
<i>ОЛТИНЧИ БОБ.</i> Ажойиб рицаримиз ламанчлик дон Кихотнинг иккинчи сафари .....	35
<i>ЕТТИНЧИ БОБ.</i> Шу маҳалгача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шамол тегирмонларига қарши даҳшатли жангда шавкатли дон Кихотнинг ғалаба қозонгани .....	38
<i>САККИЗИНЧИ БОБ.</i> Қўрқмас бискайлик билан жасур ламанчлик ўртасидаги машҳур жанг .....	42
<i>ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ.</i> Дон Кихот билан Санчо Панса ўртасидаги антиқа суҳбат .....	47
<i>ЎНИНЧИ БОБ.</i> Дон Кихотнинг янгуэслик отбоқарлар билан бўлган машъум учрашуви .....	52
<i>ЎН БИРИНЧИ БОБ.</i> Рицарь қалъа деб ўйлаган карвонсаройда дон Кихот ва унинг содиқ яроқбардори бошига тушган савдолар .....	60
<i>ЎН ИККИНЧИ БОБ.</i> Карвонсаройни қалъа деб билиб, ўз бошига бало ортирган ботир рицарь дон Кихот ва унинг содиқ яроқбардорининг тортган беҳисоб уқубатлари .....	65
<i>ЎН УЧИНЧИ БОБ.</i> Дон Кихотнинг қўйлар суруви билан қилган жанги .....	73
<i>ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ.</i> Санчо Панса билан унинг хўжайини ўртасидаги оқилона суҳбат ва ундан кейин мурда олиб кетаётганлар билан тўқнашув .....	84
<i>ЎН БЕШИНЧИ БОБ.</i> Ламанчлик рицарь дон Кихотнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қаҳрамонлиги .....	91
<i>ЎН ОЛТИНЧИ БОБ.</i> Буюк саргузашт ва Мамбриннинг бебаҳо дубулғасини қўлга киритиш ҳамда рицарь билан унинг яроқбардори ўртасидаги суҳбат .....	104
<i>ЎН ЕТТИНЧИ БОБ.</i> Зўрлаб олиб кетилаётган кўпгина бахтсизларга дон Кихотнинг озодлик бергани .....	116



ЎН САККИЗИНЧИ БОБ. Хинес де Пасамонтенинг Санчо Пансанинг эшагини қандай қилиб ўғирлаб кетгани.....	125
ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг маънос гўзалга тақлидан тавба қилишни ўз зиммасига олгани ва Дульсинея Тобосская ҳузурига чопар юборишга аҳд қилгани.....	129
ЙИГИРМАНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг Сиерра Моренада кўрсатган янги жасоратлари ҳамда Санчо Пансага нима бўлгани.....	145
ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг ўзини ўзи мажбур этган тавба-тазарудан қандай халос бўлгани.....	154
ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ. Соҳибжамол Доротеянинг донолиги ва Санчо Пансанинг эшаги топилгани.....	167
ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ. Рицарнинг ўз яроқбардори билан суҳбати ва Андрес исми бола билан учрашгани.....	177
ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг қизил вино мешлари билан жанг қилгани.....	186
ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг ҳарбий иш ва илм-фан ҳақидаги антиқа фикрлари.....	196
ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ. Карвонсаройда юз берган гаройиб ҳодиса.....	206
ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ. Карвонсаройда юз берган галати ҳодисаларнинг давоми.....	215
ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ. Ламанчлик дон Кихотнинг галати усул билан сеҳрлангани.....	227
ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. Санчо Панса билан унинг хўжайини ўртасидаги оқилона суҳбат, шунингдек, дон Кихотнинг каноник билан роят оқилона баҳси.....	238
ЎТТИЗИНЧИ БОБ. Чўпон билан учрашув, черков маросими билан боғлиқ бўлган саргузашт ҳамда дон Кихотнинг уйига қайтиши.....	251
ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ. Дон Кихот бетоблигида руҳоний, сартарош ва унинг орасида бўлиб ўтган ҳангомалар.....	261
ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ. Санчо Панса билан дон Кихотнинг жияни ва Экономка ўртасидаги можаро.....	273
ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ. Дон Кихот, Санчо Панса ва бакалавр Самсон Карраско ўртасида бўлиб ўтган суҳбат.....	278
ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ. Санчо Панса ва унинг хотини Тереса Панса ўртасида бўлиб ўтган оқилона ва галати суҳбатлар.....	287

<i>ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ. Дон Кихот, унинг жияни ва Экономка ўртасида бўлиб ўтган воқеа, яъни бутун қиссанинг энг муҳим бобларидан бири.....</i>	293
<i>ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ. Дон Кихот билан унинг яроқбардори ўртасида нима ҳодиса бўлгани ва ҳайратда қолдирувчи бошқа воқеалар.....</i>	298
<i>ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ. Санчонинг ҳийла-найранг йўли билан сенъора Дульсинеяни аврагани .....</i>	306
<i>ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг жасур рицарь билан ғалати учрашуви ва икки яроқбардорнинг ширин суҳбати .....</i>	322
<i>ЎТТИЗ Тўққизинчи БОБ. Номаълум рицарь ва унинг яроқбардорининг асида кимлар эканлиги аниқлангани .....</i>	335
<i>ҚИРҚИНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг шерлар билан бўлган саргузаштда кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари .....</i>	349
<i>ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ. Ламанч вилоятининг қоқ киндигидаги Монтесинос ғорида содир бўлган антиқа саргузаштлар.....</i>	358
<i>ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ. Қўғирчоқ театри билан бўлган аломат ҳангомалар тавсифи, шунингдек, «каромат» қилувчи маймуннинг диққатга сазовор кароматлари.....</i>	374
<i>ҚИРҚ УЧИНЧИ БОБ. Икки дўстнинг йўқолган эшакни излашгани .....</i>	393
<i>ҚИРҚ Тўртинчи БОБ. Сеҳрланган қайиқдаги ғаройиб саргузашт .....</i>	404
<i>ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг гўзал овчи аёл билан учрашгани .....</i>	410
<i>ҚИРҚ ОЛТИНЧИ БОБ. Дон Кихот ва яроқбардорни герцог қасрида қандай кутиб олганлари .....</i>	416
<i>ҚИРҚ ЕТТИНЧИ БОБ. Дульсинея Тобосскаяни сеҳрдан озод қилиш йўлининг қандай топигани .....</i>	443
<i>ҚИРҚ САККИЗИНЧИ БОБ. Дуэнья Долорида ёки графиня Трифальдининг ажойиб саргузаштлари, шунингдек, Санчонинг ўз хотини Тереса Пансага ёзган мактуби....</i>	456
<i>ҚИРҚ Тўққизинчи БОБ. Дон Кихотнинг оролни бошқаришга жўнаб кетиш олдидан Санчо Пансага қилган панду насиҳатлари .....</i>	484
<i>ЭЛИГИНЧИ БОБ. Санчонинг ўз оролига қандай боргани ва уни бошқаришга киришгани .....</i>	493

ЭЛЛИК БИРИНЧИ БОБ. Санчо Пансанинг хотини Тереса Пансага герцогиня маҳрамининг қандай қилиб мактуб олиб бориб бергани .....	510
ЭЛЛИК ИККИНЧИ БОБ. Санчонинг Баратария оролидаги хукмронлигининг давоми ва губернаторлигининг қайғули тугаши.....	525
ЭЛЛИК УЧИНЧИ БОБ. Санчо Пансанинг ўз хўжайини билан қандай учрашгани ва икковларининг герцог қасрини тарк этганлари .....	541
ЭЛЛИК ТЎРТИНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг Барселона йўлида бошдан кечирган саргузаштлари .....	552
ЭЛЛИК БЕШИНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг рицарь Оқ Ойдин билан учрашуви ва шундан кейин юз берган ҳодисалар.....	571
ЭЛЛИК ОЛТИНЧИ БОБ. Дон Кихот билан Санчо Пансанинг ўз қишлоқларига қайтаётганда йўлда юз берган ҳодисалар.....	577
ЭЛЛИК ЕТТИНЧИ БОБ. Дон Кихотнинг ўз юртига қайтгани, шунингдек, бетоб бўлиши, қолдирган васияти ва вафоти .....	591
Сервантес ва унинг романи. (Б.М. Энгельгардт) .....	603
Изоҳлар.....	620

*Адабий-бадиий нашр*

МИГЕЛЬ ДЕ СЕРВАНТЕС СААВЕДРА

ДОН КИХОТ

*(Саргузашт роман)*

Муҳаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ  
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10.да  
берилган.

Босишга 2016 йил 26.01.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 40,0 Шартли босма тобоғи 67,2  
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 27.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87 факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru